Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

“ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИДА МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ

(2021 йил 19-20 май)

2-китоб

Наманган - 2021

Мазкур тўпламда “Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари” мавзусида халқаро миқёсда ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари жамланган. Тўпламдан республикамиз ва хориж олимларининг матншунослик ва манбашунослик муаммоларига бағишланган мақолалари, шунингдек, ёш тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг илк тадқиқотлари ҳам ўрин олган.

Масъул муҳаррир:

Фаридахон Каримова, филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир ҳайъати:

М.Сулаймонов – филология фанлари номзоди, доцент
К.Абдуллаев, педагогика фанлари номзоди, доцент
Ш.Турғунов, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Д.Тожибоева, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
О.Болтабоева, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ҳ.Солихўжаева, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
С.Абдураҳмонова, ўқитувчи

Тақризчилар:

Ҳабибулло Жўраев, филология фанлари доктори, профессор
Зоҳиджон Содиқов, филология фанлари доктори, профессор

НамДУ илмий-техник кенгаши йиғилишининг 2021 йил 25 майдаги 10-сонли қарорига мувофиқ нашр этишга тавсия қилинган.

Тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг илмий ва услубий жиҳатларига муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

XX АСР ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТДА МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЖИНЛАР БАЗМИ” ҲИКОЯСИНИНГ ИККИ НУСХА МАТНИГА ДОИР

Баҳодир КАРИМОВ,
ТошДЎТАУ профессори, филология фанлари доктори

Ҳабибулла Қодирий “Отам ҳақида” китобида Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” тўғрисида: “...бу ҳикоя дадамнинг айтишиларича, 1916 йилда ёзилган. Лекин биринчи бор 1921 йилда “Шарқ чечаги” журналида босилади” (Ҳ.Қодирий. Отам ҳақида. – Т., 1983 й. 20-бет), деб маълумот беради. Бу болалар журнали маориф комиссарлигига қарашли бўлиб, биринчи сони ўша йил баҳорида “Болалар дунёси” номи билан босилади. Иккинчи сонидан журналнинг номи “Шарқ чечаги”га ўзгаради. Унда Санжар Сиддиқ, Элбек, Чўлпон ва бошқалар фаолият кўрсатади (Зиё Саид. Танланган асарлар. –Т. 1974. 84-бет). Жулқунбой унда “Жинлар базми” ҳикояси билан қатнашади.

Ҳозирда биз ўқиб юрган ҳикоя адибнинг қалами чархланган, ёзувчилик маҳорати ошган даври маҳсулидек таассурот қолдиради. Аниқроқ айтганда, китобхонлар орасида оммалашган “Жинлар базми” 1936 йилги нусха асосида нашрга тайёрланган. Ҳикоянинг 1921 йилиги журнал варианти қандай? Ундаги мазмун-моҳият кейинги нашрларда тўла сақланганми? Фарқлар - киритма ё қисқартмалар, таҳрир ўзгаришлари йўқми?

Тўғриси, ҳикоянинг болалар журналида босиган илк нусхасини излаб топишнинг имкони бўлмади. Аммо ўша санага яқин, яъни 1923 йили Элбек томонидан тузилиб, 1925 йилда босилган “Гўзал ёзғичлар” адабий тўпламида киритилган “Жинлар базми” 1936 йилги нусха билан қиёсланганида бир қанча фарқлар кўринди.

Ҳикоя ҳажми кейинги нусхада бир оз кенгайиб, боғдорчиликка тегишли атамалар, бир қанча реалистик тасвирлар унсурлари билан бойитилади. 1923 йилги нусхасида тасвирлар нисбатан содда. Унда қаҳрамоннинг боғдан чиқиб кетиш ҳолатлари, боғ атрофдаги майдон ва чакалакзор, “ўткир нур шарпаси”нинг кўриниши батафсил берилмайди; “Ҳамдам

хумдончининг чакалаги” “Ҳамдам хумдончининг майдони” таъбирлари ҳам учрамайди. Демак, Абдулла Қодирий бадиий тасвирни теранлаштириш, воқеликка жон бағишлаш учун чакалакзор майдонни махсус ном билан атайди.

Икки нусхада бош қаҳрамон исми икки хил берилади. Аввалги нусхадаги “Тўғонбой ака”ни адиб кейинги нусхада “Ўсар ака”га ўзгартиради. Аслида ўз қаҳрамонлари учун оригинал исмлар қўядиган, исмларни ўз табиатига мос сўзлатадиган Қодирий танлаган ҳар икки исми ҳам эътиборга муносибдир. Чунки жинларга учраган одам аллақандай бир тўғонга, ғов-тўсиққа дуч келган бўлади. Шу маънода ҳикоя қаҳрамонига учун “Тўғонбой” исми жуда мос келади. Адиб бу исм зиммасидаги юкдан қониқмайди, чамаси, уни кейинги нусхада “Ўсар ака”га алмаштиради. Бизнингча, бошидан ўтган ҳодисани таъсирчан сўзлаётган киши мулоҳаза қилаётган, фикрий жиҳатдан ўсаётган одамдир.

Қиёсда ҳикоянинг “Шундай жинларга йўлиқтирма”, деб қўяр эдим” гапига 1936 йилги нусхасида “**Мени ҳам** шундай жинларга йўлиқтирма”, деб **Тангрига ёлбориб** қўяр эдим” тарзида бир-икки сўз қўшилгани кузатилди.

Ҳикоя сюжетига кўра, янги келган меҳмон олдига дастурхон ёзишдан аввал жинлар Тўғонбой акани биргаликда базм қилишга ундашади. “**Мен ҳам кўнганлигимни билдирдим”.** Ушбу ризолик гап кейинги нусхада: “Менинг қорним оч бўлса ҳам, меҳмонлигим важҳидан унинг фикрига қўшилишдан бошқа чорам йўқ эди” кўринишга келади.

Ҳикоянинг икки нусхаси қиёсланганда “**чоқда** - вақтда, **оғочлик** - дарахтлик, **кучсиз** - заиф, **юрак** - кўнгил, **ярали** - мажруҳ, **куч** - мажол” каби кўплаб сўзлар, шунингдек, “**оғочларға понарлар осилғон** - дарахт шохларига чироқлар осилган”, “**чолғулар тўғриландилар** - созлар созландилар”, “**борлиғимға иссиғлиқ югурди** - вужудимга ҳаёт суви югурди” каби сўз бирикмалари таҳрир қилингани маълум бўлди.

Аслида, мадраса таҳсилини кўрган Абдулла Қодирий учун ўзбек адабий тилининг таркибида жуда фаол ишлатилган форсча ва арабча сўзлар борасида муаммо йўқ эди. “Гўзал ёзғичлар”даги “Жинлар базми” ва бошқа адабий манбаларда кўпроқ ўзак-негизи соф туркий сўзларни қўллаш тамойили сезилади. Бу тамойилга мажмуани тузувчи Элбек амал қилади. Зеро, тўплам “Тузгувчи”

сўзбошида “...бу китобга кўпгина материаллари билан кирмак истаган Чўлпон, Боту, Жўлқунбой ва Вадуд Маҳмудий ва Саид Алихўжа каби ўртоқлардан, бу олинган нарсаларидаги бўлган **қайси бир ўзгаришлар”и** учун ўзиниуялтирмасликларини сўрайди. Шунингдек, танланган матнларда “**болаларнинг руҳиға қараб қайси бир ўзгаришлар”** қилинганини ёзади.

Эътирофига кўра, Элбек сўзларни алмаштирган, бола руҳиятини инобатга олиб, таҳрирлар ҳам киритгандир. Бироқ ҳикоядаги “Тўғонбой ака” ёки “Ҳамдам хумдончи” каби номларга унинг дахл қилиши ишончисиз кўринади.

Албатта, ҳикояда жиддий ва жузъий ўзгаришлар бор. Лекин уни маҳкам ушлаб турган ўқ илдизи, яъни Тўғонбой акани жинлар авраши, даструхон атрофига келганида чалғитиб, фотиҳа ўқишга йўл қўймагани ҳар икки нусхада деярлик бир хилда сақланади: “Улар мени ўз ихтиёримға қўймасдан судраб, тортиб тўрга чиқардилар. Одатда мажлиска киргач, фотиҳа ўқилур эди. Бироқ уларнинг турли сўроғ ва муомалалари билан овора бўлуб фотиҳа ўқуш ҳам эсимдан чиқибдир”. Маълумки, жин ва шайтон Аллоҳ номи зикр этилган жойда ўз амалларини бажара олмай қолади. Бу тушунчага доир мўътабар манбаларни Абдулла Қодирий жуда яхши билган. Иккинчидан, аввалги нусхада: “Мен боғдан чиқғонда **хуфтон бўлуб** қолғон эди”, деган гапга кейинги нусхада “Қош қорайиб, қоронғи тушган пайтда аранг поя ишидан қутулдим. Юз-қўлларимни ювиб, салла-чопонимни кийганимда обдон қоронғи босган эди... Мен боғдан чиқғанда **хуфтон бўлмаса ҳам** шунга яқинлашиб қолған эди...” деб жузъий ўзгартириш киритади. Муаллиф воқелик юз берган вақтни жиндай олдинга - шом тарафга қараб суради. Шом билан хуфтон оралиғида эса жинлар базм қилади. Шайтонлар қуёш ботгандан то тун зулмати чўккунча қўйиб юборилиши ҳақида ҳадис бор. Тасвирга олинган ҳар бир деталга, ҳар бир сўзга жиддий эътибор берадиган ҳикоянавис ўз қаҳрамонини жинларга хуфтон билан шом орасида йўлиқтиради. “Тўғонбой ака” ҳикоясини: “Қопқоронғу майдон. Бир ариғ ичида ётибман...”, “Ўсар ака” эса: “Қоп-қоронғи майдон, бир **арик ичидатурибман**...”, деб тугатади. Адиб жинларнинг базм **вақти**га қўшимча равишда **маконин**и ҳам асосли кўрсатади. Чунки жинлар “ариқ ичи” каби чуқур жойларда ҳам яшайди. “Гўзал ёзғичлар”да ҳикоянинг умумматни қуйидагича якунланади: *“Мен отамнинг бу*

воқеасини муаллам афандига сўзлаган эдим, ишонмади. Қуруқ хаёл, деди. Шундан бери бу тўғрида бошим қотди.

-Чиндан ҳам бундай иш бўлардими? Ёхуд муаллим афандининг айтганларича қуруқ хаёлми?"

1936 йилги нусхада якуни бир оз бошқача кўринишга эга: *"Мен отамнинг бу кўрган ҳодисасини муаллим афандига сўзлаган эдим, кулди:*

- Ваҳима, хаёлот! - деди.

- Чиндан ҳам ваҳимми, ваҳим бўлса кишида қандай воқеъ бўлади? - деб сўраган эдим, афандим:

- Келаси жума болалар ўртасида бу тўғрида маълумот бераман, сен ҳам шу мажлисда ҳозир бўлсанг, ваҳимнинг қандай воқеъ бўлишини билиб оласан! - деди.

*Мен, албатта, жума куни мактабга бориб, афандимиздан ваҳимнинг кишида пайдо бўлишини эшитаман. Вақтингиз бўлса жума куни сиз ҳам боринг*из". Икки нусханинг охири шундай фарқли. Бироқ ҳар икковида ҳам, энг муҳими, муаллиф ҳодисанинг "қуруқ хаёл" ёки ҳақиқат экани юзасидан ҳукм бермайди, масалани ўқувчи муҳокамаси, фикрлаб изланиши учун очиқ қолдиради. Бундай оригинал туганчлар сабабли ўқувчи тасаввурида ҳикоянинг иккинчи умри бошланиши табиий.

"Жинлар базми"ни Абдулла Қодирий қайта ишлаганми? Қайси бир ўзгартиришлар муаллифга ва қайсилари Элбекка тегишли? Ёки ёзувчи охирги нусха (1936 й.) нашрида оралиқ нусхани (1923 й.) илк нусха (1921 й.) ҳолига қайтарганмикин?

Тўғриси, ҳозирча топишнинг иложи бўлмаган "Шарқ чечаги" журналини ўқиб, бундай саволларга тугал жавоб олиш мумкин. Аммо далил шуки, бугун қўлимизда Абдулла Қодирий "Жинлар базми" ҳикоясининг матний жиҳатдан ўзаро фарқли икки нусхаси (1923, 1936) мавжуд.

Демак, биз бугун ўқиб юрган "Жинлар базми"дан бошқа, ҳатто ҳикоянинг бош қаҳрамон номи ўзгарган нусхаси бор экан, адабий манбани қиёсий ўрганиш ва, албатта, аввалгисини вариант сифатида келгусида ҳозирланадиган адибнинг мукаммал асарлари тўпламининг илова қисмига киритиш лозим.

Илдирги: Қизиқ бир тасодифни қарангки, билибми-билмайми ўша ҳикоянавис боланинг охирги таклифини 1998 йили Берлинга борганимда Гумбольд университети муаллимаси Зигрид Клайнмихел такрорлади. У талабалари билан "Жинлар базми"ни

ўқишмоқчи экан: “Вақтингиз бўлса, жума куни “Жинлар базми” муҳокамасига сиз ҳам боринг”, деб машғулотига таклиф этди. Бордим. Талабалар ҳикояни ўқиб, немис тилига таржима этиб, филологик нуқтаи назарида имконлари доирасини таҳлил қилар эдилар. Ора-орада “барди”, “истак”, “поя” каби сўзлар изоҳини мендан ҳам сўраб туришди. “Жинлар базми”нинг икки нусхасини чоғиштириш маҳали ўринлими-ўринсизми, билмадим, ўша хотирани ҳам эслаб ўтишни маъқул кўрдим. Шу хотирага уйқаш равишда “Жинлар базми”ни бугун дунё ўқимоқда, десак, бир оз муболаға қилган бўламиз. Лекин асар дунё ҳикоячилигининг сара намуналари қаторидан ўрин олишга лойиқдир, десак адибнинг бир “гўзал ёзғичи”, ўткир қалами, маҳорати тўғри баҳоланган бўлади.

МУРАККАБ ТАҚДИРЛАР РОМАНИ

Акбар САБИРДИНОВ,
ФарДУ, филология фанлари доктори

Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи 1930-1934 йилларда ёзилиб, 1937 йилда алоҳида китоб ҳолида, 1957 йилда эса ёзувчининг 50 йиллик таваллуди муносабати билан иккинчи марта нашр этилди. Кўплаб мунозараларга сабаб бўлган ҳамда китобхонлар меҳрини қозонган ушбу асар барча даврлар учун хос бўлган долзарб муаммоларни акс эттирган миллий роман сифатида бугун ҳам аҳамиятини намоён этмоқда. Асар воқеалари бизни XX асрнинг 20-йилларидаги долғали, мафкуравий зиддиятларга тўла ҳаётга олиб киради. Ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликлар гирдобига тушган мураккаб тақдирлар фожиасини “қаҳҳорона” реалистик тасвир этган ушбу асар бугун ҳам ўз қимматини сақлаб қолганлиги бежиз эмас.

Роман воқелиги Кенжа, Шариф, Шафрин, Эҳсон, Теша каби ўзининг зўравонлик сиёсати билан ҳукмронлигини ўрнатиб, энди оёққа тураётган шўро тузуми тарафдорлари билан унга қарши бўлган Аббосхон, Салимхон, Муродхўжа домла, Ёқубжон, Илҳом, Зокирхон, Улфат, Муҳаммадражаб, Мухторхон, Мирза Муҳиддин кабилар ўртасидаги кураш асосига қурилган. Ана шу икки куч – икки зиддиятли сиёсий қарашлар гирдобида умрлари,

муҳаббатлари хазон бўлган Раҳимжон ва Мунисхон фожиаси асарнинг етакчи мазмунини ташкил этади.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўз даври ижтимоий-сиёсий қарашларидан келиб чиқиб, қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашни акс эттиришда, аксар “тарафкашлик” нуқтаи назардан ёндошгани сезилиб турган бўлса-да, романда ёзувчи хоҳиш-иродаси, истакларига бўйсунмай ўз “ҳақиқат”ларини намоён этган кўплаб образлар ҳамда улар билан боғлиқ воқеликлар мавжудки, ана шулар асардаги умрбоқийликни, услубий бетакрорликни юзага келтирган омиллар десак хато қилмаган бўламиз. Масалан, Саидий университетдаги группадошлари орасида таълим олишга лаёқатсиз, минг йил ўқиганида ҳам “нам” ўтмайдиган, илм олиш учун эмас, жисмоний меҳнат учун яралган ишчи ва деҳқонлардан аудиторияга мажбуран олиб келиб ўтқазиб қўйилганлар борлигини кўради. Синфий айирмаларни кучайтирган янги ҳукумат университет даргоҳини ана шундай истеъдодсиз талабалар билан тўлдираётганига Саидий қарши эди. Ушбу воқеа романда қуйидагича тасвирланади:

“Саидий кўпдан бери айтмоқчи бўлиб, айтишдан ҳайиқиб юрган бир гапни бир куни дарс вақтида кекса, ранги заҳил, лунжлари осилган профессор айтди:

- Сиз университетга муносиб эмассиз, - деди у, Саидий “тўнгак” деб ном қўйган бир йигитчага, - бориб кетмонингизни чопинг!..

Кимдир қарши сўз айтган эди, муаллим жеркиб берди:

- Бу – фан. Буни декрет билан соддалаштириб бўлмайди!

Эътироз билдирган кишининг товуши супурги билан урилган аринг товушидай бирдан ўчди. Шунда Саидий тор оёқ кийимини ечиб ташлагандай яйради ва шу профессорни яхши кўрди”. Романда тасвирланишича бу сўзлари учун профессор йиғилишларда муҳокама қилинади, уни қоралаб газеталарда ёзадилар. Охир-оқибат профессор университетдан ҳайдалади. Юқоридаги тасвирда ёзувчи маҳорати туфайли жонли, ҳаётий ифода ўхшатишлар воситасида сиқиқ жумлаларда акс этган бўлса, синфий табақаланишни кучайтирган шўро тузумининг нотўғри сиёсатига айбнома ўзига хос аксини топганини кўриш мумкин. Шунингдек, профессор О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, “Сароб” романининг асосини ташкил қилувчи ғоявий ният ҳудбинликни, ёхуд индивидуализм иллатини бадиий тадқиқ

қилишдир”. Тарихда кўпинча сиёсий курашларда ғолиб бўлганларни адолатли, мағлубларни адолатсиз сифатида талқин этганлар. Тарғибот-ташвиқотда ушбу ҳолат устуворлик қилган.

Кўнгилларида муҳаббатнинг илк куртаклари ниш ураётган навқирон Раҳимжон ва гўзал Мунисхон муносабатлари асарда қуйидагича тасвирланади: “Аввалари (Мунисхон – С.А.) Саидийнинг ёнида юришга ўнғайсизланар эди. Унинг ёнида юриш худди ҳали шаҳарда расм бўлмаган кийимни кийиб энг гавжум кўчада юришдай кўринар, ҳамма баъзан ҳайрон қолиб, баъзан кулиб қарагандай бўлар эди. Сўнгги ойлар ичида гўё бу кийим ҳаммага расм бўлиб, бундан сўнг ҳеч кимнинг диққатини жалб қилмагандай бўлди... Бунга ёлғиз ўзигина эмас, бошқа студентлар ҳам кўникишди. Мунисхонга шайдо бўлиб, шиша ичидаги гўшт атрофида миёвлаб жонини ҳалак қилган мушукбола сингари баъзи йигитларни эътиборга олмаганда ҳамма Мунисхоннинг Саидий билан муносабатига ортиқ қизиқмайдиган бўлди” (55-бет).

Ёзувчининг табиат ҳодисалари тасвири воситасида қаҳрамонлар кечинмаларини акс эттириш маҳорати Раҳимжон ва Мунисхоннинг шаҳар ташқарисига боққа дарс тайёрлаш учун чиққанларидаги лавҳа тасвирида кўринади. Раҳимжонга кўнгли бўлса-да, у билан оила қуришни тасаввур эта олмаган Мунисхон унга турмушга чиқмаслигини илк бора очиқ айтади. Ошиқ йигитнинг ҳолати эса “Саидий баланд ердан боши билан тушгандай кўзига юлдузлар кўринди, аммо сирни бой бермасдан, Мунисхоннинг юзига қараб илжайди. Ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди. Ғириллаб турган шабода очиқ қолган китобни варақлаб, устидаги гулни ерга туширди, қоғоз парчаларини учириб кетди” тарзда ифодаланиб, гул Раҳимжоннинг хор бўлган муҳаббати, қоғоз парчалари барбод бўлган орзуларининг ифодасига айланади.

Романдаги Мунисхоннинг акаси Салимхон Саидий фикрича шундай шахс: “Салимхон ўзининг обрўйи, улуғ сифатлилигига қарамай, такаббур эмас, дилкаш, кўнглида кири йўқ, ким қандай ёмон аҳволда қолса ёрдам қўлини чўзади; маданиятни севади, ўзбек халқидан доҳийлар чиқишини тилайди; одам танийди; кишидаги қобилият, заковатни гўё ўта кўради” (67-бет). Салимхон дунё воқелари, халқаро аҳвол, илм-фан, адабиётдан яхшигина хабардор. Абдулла Тўқайнинг Толстой вафоти муносабати билан ёзган сочма шеърини ёддан билади. Ёки, асарнинг бошқа қаҳрамони Муродхўжа домла ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи шахс:

хатто самовар ўрнига ўзиқайнар, электр ўрнига симчироқ деб сўз тўқийди. У соф тил ўргангани ҳар замон қишлоққа чиқиб туради “Домла улфатларидан соф тил ўрганса, улфатлари ундан хўжаликни бошқариш йўлларини ўрганади” (80-бет). Раҳимжоннинг бир ҳикояси журналда босилганида, Муродхўжа домла ундан шундай хато топади: “Чит кўйлакка ҳам зор эди” дебсиз. Чит – ўрисча ситецнинг бузилган шакли. Асли русча калима. Мана шундай калималарни ўз сўзимиз билан алмаштиришга ҳаракат қилиш керак. Мен ёзаётган китобимда шу ҳақли талаб эканини исбот қиламан. Ўрисларда газламанинг бутун турларига ном берилган: ситец, сатин, маркизет ва ҳоказолар. Бизда ҳам газламанинг турларига ном бор: бўз, дуда, қалами, олача, беқасам, шоҳи, катак, ип-арқоқ ва ҳоказолар” (207-бет). Муродхўжа домла бошқа улфатлари сингари ўзини “қизил” кўрсатишга уринмайди. У ер ислоҳати бутун қишлоқларни ҳароб қилади, деган фикрда. Шунингдек, у Бухоро амири қочганида саройда қолиб кетган ҳужжатларнинг бир қисмини шаҳар кутубхонасига олиб келиб, топшириш ҳаракатида. Домла ўз иш бўлмаси эшигига ҳазиломуз “Оёқни артмай, эшикни очиқ қолдириб киринг!” деган ёзувни илиб қўяди. Хонасини эса Бедил, Наримонов расмлари, Бибихоним мадрасаси харобалари акс этган картина, Қўқон урушидан сўнг олинган фотосуратлар билан безаган. Муродхўжа домла бир куни бўлажак куёви Раҳимжон билан майхўрлик қилиб ўтириб, “Раҳимжон, Сорахон билан шўхлик қилманглар... Ҳар ишнинг вақти-соати бор... Рўзани дастурхон устида туз билан очадилар...” дея “насиҳат” қилади.

Асарнинг яна бир персонажи Маҳмуджон афанди бўлиб, унинг фикрича: “Инсон ҳаётдан қилган талабининг бир жузъинигина олади. Ҳали сабий бўлган инсон ундан шунча оз талаб қиладики, олгани уни таъмин қилолмайди. Бундан ёвузлик, бир-бирини кўролмаслик, ваҳшат, муҳораба ва ҳоказолар туғилади. Шу нуқтада мен Марксни танқид қиламан. Маркс бировнинг жаҳаннам азоби иккинчи бировнинг учмоҳ роҳатини вужудга келтиради, дейди... Вақти келиб инсоният балоғатга етади, унинг сабийлик феъл-атворлари орқада қолади. Бунга осойишталик керак. Кишиларни синфларга айириш осойишталикни бузади” (101-бет).

Салимхоннинг қистови билан Мунисхон Мухторхонга турмушга чиқади. Мухторхон портрети: “Қаншари паст, икки кўзи лойга тушган мунчоқдай, бет суяклари чиққан. Қулоқлари

елпуғичдай” тарзда тасвирланади. Никоҳдан олдин “чирик қирраларини яширмай кўрсатиб турган Мухторхондан ялтироқ “нарсалар”ни топишга уринган, унинг бой эканидан тасалли топмоқчи бўлган Мунисхон орзулари саробга айланади. Совуқ мажбурият, сохта туйғуларга асосланган оила Мунисхонга давосиз дард бўлади. Охир-оқибат “Мухторхон ҳамон ўша, илгари ҳам баҳорнов эди, энди ундан офтобда қолган ёғоч чўмичнинг ҳиди келади. У ўпганда ҳудди калтакесакнинг чирқиллашига ўхшаган бир овоз чиқади. Мухторхон ари талаётганига қарамай асалари уясига тумшуқ тиққан айиққа ўхшайди” (179-180-бетлар). Аммо Мунисхон Саидийга ўзини турмушидан, оилавий ҳаётидан мамнун қилиб кўрсатади. Бу интиҳоси йўқдек азоб оқибатида “Мунисхоннинг гўзаллиги ҳар кимнинг қучоғида бир қатрадан қола бериб тугаёзди...” (180-бет) тарзда хулосаланади.

Раҳимжон ҳам улкан орзулар билан Муродхўжа домлага ичкуёв бўлади. “Саидий баъзан кечалари кўрпада уйғоқ ётиб туш кўради. У оламшумул ёзувчи: америкалик машҳур муҳаррир сингари ҳар куни бир етуклик нарса ёзиб, йилига ўн икки минг олтин маош олади; турли мамлакатлардан франк, доллар, рупиялар келиб туради; шундан сўнг бу серғавғо, серазият шаҳардан кетиб Шимолий Америка адиби Торо сингари табиат қучоғига киради; водийнинг энг баҳаво, энг гўзал ерига солинган қасрда ўтириб хотини Ариаднанинг роялда қилган машқига қулоқ берар экан, бутун водий ва ундаги ўтлаб юрган қўй-қўзилар, йилқилар, тоғ ён бағирларида ўсган писта, арча, кўм-кўк ўланлар ва уларнинг орасидан илонизи бўлиб оққан қуёшнинг нурларида кумуш тасмадай ярқираган ариқ ва ариқчалар кўриниб туради. Унинг қасри орқасида ер юзидаги ҳамма мевалардан топиладиган катта боғ бўлади. Саидий олтиннинг кучи билан бу боғда нилуфар гуллари, ҳурмо ва апельсин дарахтлари ўстиради...” (154-155-бетлар).

Саидийнинг “Торонинг Ариаднаси” га қиёслаган хотини Сорахон эса бутунлай ўзгача. У Раҳимжоннинг касби, истеъдоди билан умуман қизиқмайди. Унинг ҳикояси журналда босилганда Сорахон дарҳол Раҳимжондан ҳикояга қанча пул тўлашларини сўрайди . Сорахон қиёфаси романда қуйидагича тасвирланади: “Сорахон отасига нисбатан ориқ бўлса-ку, расмана қизлардай бўлар эди-я, у энг ориқ қизларга қараганда ҳам ориқ, шунинг учун бўлса керак, одатдан ташқари новча кўринади; юрганда худди икки-уч

еридан букилиб кетаётгандек туюлади; шундан ўзи ҳам ҳавфсирагандай, гавдасини олға ташлаброқ юради... Елкасидан озгина пастга тушиб турадиган икки ўрим қора зотли сигирнинг думи сингари қўнғироқ сочлари тез-тез кўкрагига тушиб, уни қаҳр билан олиб елкасига ташлашга мажбур қилмаса, орқадан кўрган киши Сорахонни оғир бир нарса олиб кетаётган гумон қилади" (117-бет). Шунингдек, "Сорахоннинг ранги домланинг рангидай хамирга ўхшаган эмас. Сорахон қорачадан келган, кулганда отаси сингари оғзини катта очиб эмас, юпқа лабларини қимтиб, юқориги лабини кўтариброқ турган ўғри тишини кўрсатмасликка тиришади" (118-бет).

Академик Б.Назаров "Бу роман ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, урушгача муаллифнинг ижодий тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Шу сабабдан "Сароб"нинг юзага келиши муносабати билан ҳаётда рўй берган ҳодисаларни Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи автобиографиясида алоҳида тилга олиши бежиз эмас" дея таъкидлайди. Ёзувчи узоқ кузатишлари натижасида туғилган фикр ва ҳикматомуз сўзларини у ёки бу персонаж тилига, кечинмалари тасвирига сингдириб юборади. Масалан, Аббосхон Саидийнинг матбуотда кўринмай қолгани учун койиганида, у биратўла каттароқ бир нарса ёзмоқчи эканини баҳона қилади. Аббосхон "катта" ёзиш учун аввало "майда" билан ўқувчи орттириш кераклигини уқтиради. Ёки, барча нарсадан кўнгли совуган Саидий олдига "булбулигўё" кириб, бўрон қўзғалаётганини, айвонча тунукасини бостирмаса, шамол кўтариб кетишини айтганида, куёвидан жавоб ололмайди. Дўнғиллаб эшикни қаттиқ ёпган қайнонаси ортидан қолган Саидий кечинмалари шундай берилади: "О, телба хотин, нега зарда қиласан, - деди орқасига суяниб, кўзини юмиб. – Томни тунукаси нима экан, замона бўрони бутун мамлакатни кўтариб тарақлатаётипти-ку! Қўй, мени оламга том тузатгани келганим йўқ, ундан тезроқ кетгани келганман" (253-бет). Саидий ана шу тариқа ўзини ўлимга ҳукм қилади. Саидий бўрон қутурган ташқарига чиқишдан олдин зарҳал рамкали каттакон тошойнани гул қўйилган хрусталь ваза билан уриб чил-чил синдиради. Асардаги тошойна гўзал ҳаёт ифодаси. Ушбу деталь ёзувчининг бетакрор топилмаси бўлиб, ўзининг бу дунёни ташлаб кетишга бўлган қатъий қарорини билдирган Саидий кечинмалари ифодасида айниқса асқотган.

Саидий Сорахоннинг онасига "булбулигўё" лақабини берган. Унинг қайнонасига бўлган муносабати "Булбулигўё" тез-тез чой

хўплар, қилт-қилт ютар ва “қилт” этган товуш Саидийнинг юрагига эриган чўян бўлиб томар эди” (201-бет) тарзда ифодаланади. Кунларнинг бирида “булбулигўё” қизидан койиди ва бошига муштлаб:

“- Хўшшаймай ўл!.. Қачонгача мен сенинг эрингни пойлайман? Керак бўлса ўзинг қарагин-да!.. Шу аҳволинг бўлса, мендан кейин ҳолингга маймунлар йиғлайди. Менинг кўз олдимда шундай қилиқлар қилади-ю!..

- Нима қилди? – деди Сорахон чўзиб.

- Эр деганни хотин қўлга олиши керак... Неча кундан бери зеҳр соламан, уйга келган ёш-ялангларга қарайди, илжаяди. Ойпошшонинг келини томда юрган эди, эринг тикка қарагани мендан истиҳола қилди шекилли, атайлаб уйдан ойна олиб чиқиб, ойна билан қаради. Олдига келсам ҳеч нарсани билмаган бўлиб, ойнага қараб тишини тозалаётипти...” (202-бет), - дейди.

Мухторхоннинг бой эканлигини онасидан эшитган Мунисхон тақдирга бўйсуниб, шундай хаёл суради: “Мухторхон бориб-бориб тўлишади, йигитга ўхшаб қолади. Қаср солади, қасрнинг орқасида кичкина боғча-истироҳат ва хаёл суриш ўрни бўлади. Боғчанинг ўртасидаги мармар ҳовузда олтин балиқлар сузиб юради. Шабада эсганда дарахтлардан мусиқа товуши чиқади...” (71-бет). Лекин Мунисхоннинг бу орзулари саробга айланади. Руҳий тушкунлик натижасида ўзини отиб ўлдиради. Раҳимжон ҳам на жамиятдан, на оиладан бахт тополмай ўзини ўлимга маҳкум этади. Ёзувчи ана шу тариқа чигал тақдирлар фожиасини даврнинг шиддаткор воқеалари, бетакрор характерлар тасвири фонида акс эттиради. Профессор Н.Каримов “Ҳар бир ёзувчи – ўз даврининг фарзанди. У, истайдими ё йўқми давр унинг асарларига ўз муҳрини босади. Фақат улуғ санъаткорларгина ўз даврининг мафкуравий чегараларини ёриб чиқиб, келажак авлодлар билан узоқ мулоқатда бўладилар” дея тўғри таъкидлайди. Абдулла Қаххор ҳам ана шундай улуғ ижодкорлар туркумига мансубдир.

Хуллас, XX аср бошларидаги сиёсий тўнтаришларни акс эттирган мураккаб, фожиали тақдирлар ҳақидаги ушбу миллий роман ёзувчи маҳоратини ўзида акс эттирган кўзгудир. Бири иккинчисига ўхшамаган характерлар талқини, қаҳрамон ва персонажлар тасвиридаги бетакрорлик, нутқий ўзига хосликлар, бадиий деталлардаги ҳаётийлик романнинг ўқимишли бўлишини,

вақт синовларидан муваффақиятли ўтиб, умрбоқий ҳодисалар туркумидан жой олишини таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Биринчи жилд. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
2. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
3. Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Тошкент, 2009.
4. Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услубининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1967.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ РОМАНЛАРИДА МУМТОЗ НАСР АНЪАНАЛАРИ

Муқаддас ТОЖИБОЕВА,
АДУ доценти, филология фанлари доктори

Жадид ёзувчиларининг диққат марказидаги бош масала ўтмиш ўзбек насри анъаналарини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш ва унумли фойдаланиш зарурияти бўлган. Бу даврда яратилган аксарият йирик турдаги эпик асарлар, хусусан, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларида реализм тамойиллари ўз тасдиғини топади, яъни ҳаётдаги воқеликларни ҳаққоний акс эттирувчи тасвир маданияти мавжуд бўлган асар сифатида бўй кўрсатади. XX асрда яратилган мазкур романлар тарихий фактик материаллар қобиғидагина ўралашиб қолмай, асарда воқеаларни жонли ва эмоционал равишда юқори пафосда акс эттириш, гўзаллик ва эзгулик нуқтаи назаридан воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш мақсадида, қолаверса, мумтоз наср анъаналарига таянган ҳолда бадиий тўқима образлар ва тўқима воқеалар яратилган. Айниқса, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънонинг покиза муҳаббати ва уларнинг руҳий ва маънавий кечинмалари, бу кечинмаларнинг гўзал ифодадаги тасвири бадиий тўқима кучи билан ҳаракатга келади. Халқ китоблари ёки ёзма адабиётнинг эпик намуналарида бадиий тўқима асосий омил воситасини бажарса, жадидчилик даврининг тўнғич романлари саналган “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”да бадиий тўқима кучи билан воқеалар реализмининг уйғунлашуви

ўзига хос анъанани сақлаган ҳолда уни замонавийлик асосини пайдо қилади.

Адабиётшунос олим Собир Мирвалиев ўзбек адабиётида роман жанрининг таркиб топиши ва тараққиёти ҳақида ёзар экан, “ўзбек романчилигининг пайдо бўлишида воқелик, фольклор**,** миллий ёзма адабиётдан ташқари жаҳон прогрессиясида романчилик, биринчи галда рус ва қардош халқлар адабиёти романларининг таъсири масаласи муҳим манба сифатида характерлидир. Айниқса, Абдулла Қодирий тарихий романларининг яратилишида Зайдон араб ёзувчиси Жоржи Зайдон яратган тарихий хроника характеридаги романларнинг таъсири жуда аниқ кўзга ташланиб туради. Айни вақтда араб ёзувчиси Жоржи Зайдоннинг тарихий романларининг яратилиши эса Ғарбий Европа романларининг таъсирида бўлган”[1] деган фикрларни айтиб ўтади. Шу ўринда айтиш керакки, Қодирий Ғарб романчилиги тажрибасидан ҳам манфаатдор бўлган. Айни ўринда бой фольклор ва ўзигача бўлган шарқ мумтоз насрининг зарурий хусусиятларидан ҳам бенафъ қолмади, аксинча, мумтоз ёзма адабиёт анъаналарини чуқур ўрганди ва ўзлаштирди, уларга тўлиқ таянди. Бу таъсирни биз сюжетнинг берилиши, воқеаларнинг изчил, муфассал ва тугал баёни, образлар галареясини яратиш, қаҳрамонлар портрети, хуллас, ёзувчи услубидан тортиб, асар тилигача бўлган ҳолатларда яққол кўзга ташланади. А.Қодирий XX аср адабиётида янги жанрни бошлаб берган ёзувчи сифатидагини эмас, воқеликни кенг ва чуқур тасвирини беришда реалистик бадиий тамойилларга суяниш зарурлигини англаган ва исботлаб берган. А.Қодирий салафлар ижоди анъаналарини муттасил ўрганиш натижасида ўзига хос янги тамойилларини ишлаб чиқиш билан уни ўзлаштирган пешқадам адиб сифатида қадрли. Бу борада адабиётшунос Л.Климовичнинг “Абдулла Қодирийнинг тарихий роман жанрига мурожаат қилганлигининг ўзи ўзбек адабиёти учун чин новаторлик бўлди”[2] деган фикрлари мутлоқо ўринли.

А.Қодирий ўзининг ҳар икки йирик романида ҳаёт имтиёзли табақа вакилларига нисбатан доим ҳам бирдайин мурувватли эмаслиги, кези келганда ҳеч нарса ўрнини боса олмайдиган бешафқатликлар кўрсатишини Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънонинг муҳаббат кечинмалари орқали намоён этади. Абдулла

[1]Мирвалиев С. Ўзбек романи. Тошкент.: Фан, 1969. -Б. 30.
[2]Климович Л. Наследство о современность. –М.: Советский писатель, 1975. С.8 -9.

Қодирий ўзининг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида соф мухаббат йўлида жонини-да фидо қилишга тайёр бўлган, ҳар қандай оғир тўсиқларни енгиб ўтолган бу икки жуфтликнинг дийдорлашувдаги қувончли, айриликдаги қайғули ҳолатини юксак бадиий шаклда тасвирлашда, ўзи кўзлаган ғояни ифодалашда муҳим манбага суянган, асосий воситадан тўғри ва унумли фойдалана олган. Бу манбалар ўзбек халқ китоби бўлган “Тоҳир ва Зуҳра”, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби мумтоз асарлардир. Тўғри, Навоий яратган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” достонлари жанр хусусиятига кўра том маънодаги тўла роман табиатини ифодаламаса-да, асар табиати, романга яқинлаштирувчи жиҳатлар, деталлар роман жанрининг пайдо бўлишига туртки бўлди ёки жоиз бўлса, романнинг бадиий андозаси пайдо бўлди. Навоий достонларидаги воқеалар кенг планли ва мураккаб сюжетли.

Абдулла Қодирий халқ китобларидан ва ёзма адабиёт анъаналаридан ўрганди ва таъсирланди, анъанларга маълум даражада риоя қилди, айни чоғда ижодий ўзлаштириб, ўзига хос янгиликлар ҳам киритиб ижоддаги новаторлик истеъдодини намойиш этди.

А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги бош қаҳрамон Отабек тимсолида Алишер Навоийнинг идеал инсоний фазилатлар ва орзулар тажассуми бўлган Фарҳод образининг янгича мукаммал талқинини яратади. Фарҳод юқори табақа вакилининг фарзанди. Оилада ёлғиз фарзанд. Шунга қарамай, эсли-ҳушли, билимдон йигит. Ишқ бобида эса омадли, ҳам омадсиз. Армания маликаси Ширинга эришиш йўлидаги қийинчиликлар, бу йўлдаги ҳам жисман, ҳам маънан кўрсатган жонбозликларни ифодалаш орқали Навоий Фарҳод тимсолида орзусидаги идеал инсон образини гавдалантиради. Адабиётшунос олим Р.Воҳидов тўғри таъкидлаганларидек: “Фарҳод – улуғ Алишер Навоийнинг суюкли қаҳрамони. Шоир юрагида макон тутган барча эзгу фазилатларни унгагина раво кўради. Уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантиради.Барча журъату шижоат, мардлигу жасоратни унинг насибасига битади. Натижада достондаги Фарҳод ўтда куймас, сувда чўкмас, ўқ тешмас қаҳрамонлар суратин эгаллайди”[3].

[3]Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. –Бухоро, 1994. Б. 102.

А.Қодирий ҳам Отабек сиймосида ана шундай ўз орзусидаги инсон тимсолини яратган. Отабек ташқи кўриниши ҳам кўркам, ички маънавияти гўзал бўлган баркамол йигит бўлганлиги учун ҳам муаллифнинг ўзига ҳам ардоқли бўлганлиги табиий. Фарҳод ва Отабек, Кумуш ва Ширин образлари ўртасида муштарак жиҳатлар бор. Ширин деганда ўқувчи кўз олдига ўта ақлли, ҳаётга нозик дид билан қаровчи, назокат ва латофатда тенгги йўқ идеал аёл тимсоли гавдаланганидек, “Ўтган кунлар”даги Кумуш ёки “Меҳробдан чаён”даги Раъно исмининг ўзиёқ ўқувчиларда гўзаллик рамзи сифатидаги исм бўлиб синггиб кетган. Бу образлар муайян даражада муаллифлар томонидан идеаллаштирилганлиги табиий, албатта.

“Меҳробдан чаён” романида эса тасвир объекти янада бир босқич янгиланган. Асардаги характерларнинг ёрқинлашуви, роман сюжети, мазмун ва шакл уйғунлигидаги ўзига хослик асарни замонавий тус олганлигини таъминлайди, бу эса ёзувчининг бадиий новаторлигини белгилайди.ХХ аср романчилигининг тўнғич қаҳрамонлари бўлган Отабек ва Анварни мумтоз эпик достон бош қаҳрамони Фарҳод билан боғлаб турувчи жиҳатлардан асосийси – уларнинг халқпарварлигидир. Фарҳод – шаҳзода, Отабек ўз даврининг нуфузли хонадон фарзанди, Анвар давлат ишларида юқори лавозим эгаси. Уччала қаҳрамон одоб ва илмда, ақл ва заковатда тенгсизлиги, шунингедк, фуқаропарварлиги, юртқайғусига шериклиги билан ажралиб туради. Улар табиатидаги яна бир яқинлик – қаҳрамонларнинг маънавий мукаммал ва жисмоний баркамоллигидадир.

“Фарҳод ва Ширин”нинг ўқувчи қалбини ларзага солувчи лирик лавҳалардан бири муҳаббат ва садоқат мадҳияси бўлмиш Ширин ва Фарҳод ўртасидаги севги изҳори куйланган ёзишмалардир. Мумтоз адабиётда кенг тарқалган ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирига мактуб йўллаш воқеаси ХХ аср романчилигида тўлиқ сақланди. Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно ўртасидаги мактублар анъанавий “муҳаббат достони” битилади. “Ўтган кунлар”да Кумушнинг ишқ мактуби шундай бошланади: “Юсуф савдосида беқарор Зулайхо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан – сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом...”[4]. Кумуш ўз номасида ўз севгиси ва соғинчини Шарқ аёлига хос ибо ва нафис назокат билан изҳор қилади. “Меҳробдан

[4]Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Меҳробдан чаён. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. Б. 299.

чаён” романида эса Раъно Ширин каби биринчи бўлиб Анварга мактуб йўллайди. Аммо унинг мактуби севги изҳори бўлмай, севгини асраш йўлидаги жасорат мактуби эди: “Андиша ва эҳтиёт юзасидан бу хатни алоҳида ёзиб, китоб ичига яширдим: Анвар ака, оғир соатларда ёнингизда турғучи дўстдир; қочғучи эсаким – буни сизнинг ҳукмингизга ҳавола қиламан...”[5]. Мактуб орқали Раъно фаолиятидаги энг юқори ҳаракатлар ифода этилган. Мактуб мазмунидан Раъно табиатининг туб моҳиятини севги, вафодорлик ва қатъият ташкил этиши яққол сезилади.

Бир сўз билан айтганда, Қодирий халқ оғзаки ижоди ва халқ китоблари, Навоийнинг “Хамса” асарини чуқур ўрганиб, ундаги анъаналарга таянган ҳолда замонавий Шарқ ва Ғарб романчилигини эътиборидан четда қолдирмади, яъни реалистик йўналишни кўпроқ ўзлаштирди. Асарларидаги қаҳрамонлар табиатини очишда романтик тасвир унсурларидан фойдаланган.

БАДИИЙ ОБРАЗ, ЛИРИК ҚАҲРАМОН ВА ИФОДАДАГИ ЎЗАРО МУШТАРАКЛИК

Мақсуд АСАДОВ,
филология фанлари доктори, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими

Шеър – ҳикмат, шоирлик эса қисматдир. Шеър – руҳ қаноти, тафаккур гулшани ва тахайюл осмонининг порлоқ қуёши. Шеърият шайдосининг ҳамроҳи теранлик ва мунавварлик, йўлдоши самимият ва меҳр, дилдоши ҳақиқат ва эзгуликдир. Чунки ҳақиқий ижодкор асарларида турфа тийраликлардан, кундалик турмушнинг майда-чуйда ташвишларию ўткинчи ҳою ҳавасларидан холи бўлган поклик ва гўзаллик тимсоли – комил ШАХСнинг ўй-қарашлари, орзу-умидлари ифода топади. Дарҳақиқат, қайси шаклда акс этмасин, лирик қаҳрамон шахсияти, ахлоқи қиёфаси, кечинма ва фикрлари ўртасида бадиий образ билан муаллиф “мен”и орасидаги алоқага ўхшаш муносабат мавжуд бўлади. Шеърхон, энг аввало, ана шу – лирик қаҳрамон ҳисларига ошно бўлади, унга ўхшашга, унинг гўзал ҳаётий тамойиллари, некбин ақидалари билан яшашга интилади. Ўзбекистон Қаҳрамони, ардоқли шоир Э.Воҳидов

[5]Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Меҳробдан чаён. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. Б.582.

ижодида ҳам ана шундай: руҳий-маънавий олами самимият, эзгулик, ҳиммат, меҳр-муҳаббат каби дилбар фазилатларга бой, яхши ахлоқ соҳиби, саховат ва мурувват рамзи – Комил Инсоннинг маънавий қиёфаси гавдалантирилган. Шоир шеърларида сўз, қалам, китоб, тупроқ, дарахт, ишқ, ошиқ, маъшуқа, юрак, кўнгил, осмон, қуёш, юлдуз, гул, пиёла, узум, инсон, игна, бодом, май каби қатор тимсоллар инсоний камолот сирларини юзага чиқаришга хизмат қилган. Биз уларнинг айримлари ҳақида мақоламиз давомида тўхталиб ўтамиз. Комил инсон назариясининг асосчиларидан бири Азизиддин Насафийнинг ёзишича, 4 нарса – гўзал сўз, гўзал амал, гўзал ахлоқ ва маърифат соҳибини комил инсон дейиш мумкин. Шоир ана шу фикрлардан таъсирлангандай мана бундай ёзади:

Имкон йўқ дунёда мангу қолгани,
Таскин – биздан бир ёдгор қолгани.
Яхши иш, яхши сўз ва яхши фарзанд –
Қолари шу. Ўтди-кетди қолгани[6].

Мангуликнинг асли, асоси, мояси, энг аввало, яхшиликдир. Шу сабабли, шоир ўқувчини ҳамиша яхшилик қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга, яхшилик соҳиби бўлишга ундайди. Комиллик сир-асрорларидан огоҳ бўлган, қалби эзгулигу ҳимматга лиммо-лим тўлган яхши хулқ эгасини бир шеърида “коинот гултожи” деб таърифлайди. Э.Воҳидов ижодини кузатар эканмиз, “яхши”, “яхшилик” сўзлари шоирнинг энг ёқтирган сўзлари эканига амин бўламиз. Зеро ҳанузгача қўлма-қўл ўқиладиган китобларидан бирига “Яхшидир аччиқ ҳақиқат...” деб ном қўйишининг ўзиёқ фикримизнинг яна бир исботидир. Юқоридаги мисраларда эса яхши сўзини такрорлаш орқали таъкидлаш ва кучайтирув маънолари ҳам юзага чиққан. Умуман, ўзига хос ритм ва маънога эга бўлган муаяйн сўзлар воситасида ўқувчининг диққатини бир нуқтага жалб қилиш ва фикрни унинг шуурига сингдириш Э.Воҳидов ижодий услубининг муҳим жиҳатидир. Масалан,

Енгил иш қидирма,
Енгил иш йўқдир.

[6] Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. Тўртинчи жилд. –Тошкент: Шарқ, 2016. – Б. 75. (Бундан кейин мазкур жанрга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – М.А.)

Жон чексанг енгиш бор,
Енгилиш йўқдир... (97-бет)

Ушбу тўртликда китобхонни уйғоқликка, некбинликка, келажакка умид кўзи ила боқишга ундаётган шоир – лирик қаҳрамон қиёфаси янада бўртиб кўринган. Уни эзгулик учун курашга, курашчанликка чорлаётган, меҳнату машаққатдан чекинмасликка руҳлантираётган, ҳар қандай қийинчиликлар ортида албатта муваффақиятлар борлигига иконтираётган ҳаётсевар инсоннинг жўшқин кайфияти ғоят кўтаринкилик билан ифода этилган. Дарҳақиқат, Э.Воҳидов шеъриятида ёритилган комиллик босқичлари етиб бўлмайдиган чўққи эмас, комил инсон ҳам хаёлий ёки тўқима бир образ сифатида тасвирланмаган. Шоир ҳаёт билан ҳамнафас, замон билан ҳамқадам, давр билан ҳамфикр, яъни камолот шукуҳини атрофидагилардан, замондошларидан излайди, ҳақиқий комиллик саодатини уларда кўришни хоҳлайди. Жамиятдаги турли иллатлар, ноҳақликларни кўрганда шоир қалби изтироб чекади, ёлғону риё, кизбу жаҳолатга нафрат ила боқади, сохтакорлик ва иккиюзламачиликлардан беҳад оғринади. Мана шулар ҳақида ёзилган шеърида “Буни кўриб оғриниб кетдим” дея ёзғириши ҳам бежиз эмас эди.

Э.Воҳидов шеъриятининг маънавий сарчашмалари, энг аввало, муаззам Шарқда яшаб ижод қилган улуғ шоир ва адиблар ижодидан озиқланади, десак хато бўлмайди. Қуйидаги шеърий парча ҳам машҳур мутасаввуф шоир Сўфи Оллоёрнинг “Отанг эрдир, сен ҳам эрдек қилиқ қил, Ёмонлик айлаганга яхшилик қил” мисраларини ёдга солади:

Марҳаматли инсон кўнгли доим оқ,
Барчага баробар даргоҳи кенгдир.
Лекин ёмонга ҳам яхшилик қилмоқ
Яхшига ёмонлик қилмоққа тенгдир. (41-бет)

Бу эса шоир лирик қаҳрамонининг инсонлик моҳияти, инсонийлик талаблари, комиллик мезонлари борасида салафлари билан ҳамфикр эканига бир далилдир. Аммо Э.Воҳидов шеърияти ҳаётий заминга, ижтимоий моҳиятга эга. Аниқроғи, шоир ўз шеърларида бугуннинг кишисини тасвирлайди, унинг руҳий оламига диққат қаратади, ўз даври, ўз замонасининг ахлоқий

масалаларни ёритади. Шу сабабли, ўтмиш шоирлар ижодидаги ғояларни шунчаки давом эттирмай, балки уларни янгича қарашлар билан бойитиб, ўз фикр мезонларига бир қадар мослаштиради.

Маълумки, шоирнинг дунёқараши, борлиққа муносабати, руҳий-маънавий оламининг қамрови, қолаверса, иқтидори ва фикр-саъжияси у мурожаат этган мавзуларнинг кўламдорлиги ва мазкур мавзулар орқали илгари сурилган ғоя ва қарашларнинг табиати билан ҳам белгиланади. Сўз санъаткорининг бетакрор қиёфасини намоён қилувчи поэтик маҳорати, тафаккур тарзи ва бадиий кашфиётларининг ўзига хослигини белгиловчи омиллар сирасига образ яратиш санъати ҳам киради. Э.Воҳидов образ яратишда юксак маҳорат соҳибидир. Шоир яратган шеърий образлар орасида юрак тимсоли алоҳида ўрин тутади. Шеъриятда юрак кўпинча япроққа, ўтга, чақмоққа, шишага ўхшатилади. Э.Воҳидов ҳам ўз шеърларида мана шу анъанани давом эттирган:

Дардлар тоши ёғди, юрак –
Шишасининг дарзи кўп.
Синмай турсин, ҳали керак,
Элдан унинг қарзи кўп. (96-бет)

Шеър ирфон ва маърифат соҳиби бўлган, халқ дарди, эл бахти учун курашга шайланган донишманд ва жўмард инсон тилидан баён этилган. Шоир бунда кимга мурожаат этаётир? Албатта, юракка. Чунки юрак лирик қаҳрамоннинг суянган тоғи, мустаҳкам таянч қўрғони. Ягона илинж, собит ишонч унинг дарз кетмаслигидир. Чунки элдан қарзини узмоққа биргина юрак қодир. Э.Воҳидов кўп шеърларида қалб тафсиясига, моҳиятига таяниб фикр юритади. Жумладан, мазкур шеърда ҳам баркамол ва безавол ҳис-туйғулар бевосита юрак тимсоли орқали ифодаланган. Комиллик деганда энг аввало, фикр салоҳияти, ахлоқ гўзаллиги, тўғри амал ва маърифат даражаси назарда тутилмоғи лозим. Зеро фикр-савияси паст, маърифатсиз кимсанинг комилликка талпиниши бўшлиққа оёқ қўйиш билан баробар. Э.Воҳидовнинг ҳар бир шеърида мана шундай ожизлик ва маҳдудликка қарши ботиний бир исён бор. Шу сабабли, шоир лирик қаҳрамонининг ички дунёси кўпинча конкрет руҳий ҳолат, кечинма воситасида бирор ҳаётий вазиятда очилади. Қуйидаги шеърда ҳам ҳаётийлик, аниқлик

мазмунларини янада чуқурлаштириш учун юрак ва вақт образларига мурожаат қилинган:

Вақт ўз ишин қилар.
Вақт ғолиб.
Бунга кўнар инсоннинг марди.
Кексаликни бўйнимга олиб
Уйимда тинч ётсам бўларди.

Қариганда ҳаловат керак,
Арзир мен ҳам тин олсам енгил.
Лекин бунга юрмайди юрак,
Кўнгил, десам кўнмайди кўнгил. (99-бет)

Шеърият – заррадан коинотга қадар бутун борлиқ ва мавжудликнинг бадиий ифодаси. Унда тафаккур кучи билан етиб бўлмайдиган сўз қудратини ҳис этиш ва қалб тубида яширин сирлар ҳақиқатини кўриш мумкин. Бу шоирнинг истеъдод кучига боғлиқ. Э.Воҳидов чин маънода сўзга жон киритган, ҳақиқатни сўз ойнасида акс эттира олган шоир. Унинг лирик қаҳрамони ҳаловатга кўникиб, узлат ихтиёр этадиган киши эмас, аксинча курашлар, зафарлар ва қайноқ ҳаёт қучоғига талпинадиган, ўз саодату иқболини халқ ва Ватан тақдири билан чамбарчас боғлайдиган некбин шахс. Унинг дарди ҳам, иқболи ҳам эл ёди, эл шодлигидир:

Элга фақат шодлик ҳадя этарман,
Ғамни ўзим билан олиб кетарман.
Айтсам, кўтаролмай ногоҳ заминнинг
Меҳвари узилиб кетса нетарман. (54-бет)

Луғатларда ҳол ўзига хос қисқа муддатли кайфият деб изоҳланади. Шеъриятда у қалбнинг порлаши, чақмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззатидир. Ҳол – бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин бўлган руҳий, маънавий фараҳдир. Э.Воҳидовнинг лирик қаҳрамони ана шундай бир ҳол соҳиби. Унинг қайсарлигида ҳалимлик, исёнида сокинлик, тийнату фитратида ҳақиқату ҳақпарастлик ҳамиша бўй кўрсатиб туради:

Рост, қалам тимсоли шеър, тимсоли тиғ, тимсоли Ҳақ,
Бошини минг кесдилар, бош эгмади асло қалам...

Қалам – ҳақсевар одам тимсоли. У ҳақиқат учун бошини қиличга тутса-да, ўз маслаги, чин ҳаётий ғояларидан асло воз кечмайди. Бу йўлда бошига минг бир бало ёғилса ҳам, вужудига заҳмату машаққат етишса ҳам, нокаслар қошида сира букилмайди – ҳамиша қаддини тик тутади. Демак, шоирнинг лирик қаҳрамони турмуш қийинчиликлари олдида эсанкираб, ўзини йўқотиб қўядиган, айрим золим кимсалар олдида бўйин эгадиган ожизу нотавон киши эмас. Балки ўзлигини англаган, бошқалар тақдирига ҳам бефарқ бўлмаган, манзили Ҳақ ва ҳақиқат, маслаги диёнату адолат бўлган “пок гўзаллик даҳоси” – чинакам комил инсондир. Шу сабабли, руҳи эркин, кўнгли озод бундай кишига ҳар қанча зулм қилинмасин, уни муте бир махлуққа айлантириб бўлмайди. Қанақадир бир ғоя, тушунча ва ақида қуллари эса ҳеч қачон на руҳан, на фикран эркинликка эришолмайдилар. Аксинча, мана шу тазод воситасида ҳаёт ҳақиқати яққолроқ очилади. Шунинг учун шоир

Сен борки, мен бежо қўймадим қадам,
Манзилни билмайин йўлга тушмадим.
Бепарво бўлмадим бирор лаҳза ҳам,
Ташаккур, ҳамиша бор бўл, душманим! (103-бет)

дейишга журъат топа олади.

Ишқда комил бўлган киши руҳан ва қалбан баркамол бўлмоғи муқаррар. Чунки муҳаббат инсонни худбинлик, кибр ва сохтакорликдан поклайди, энг аввало, уни ҳалимликка, содиқликка, бошқаларни ҳурмат қилишга ўргатади. Э.Воҳидовнинг кўплаб шеърларида ошиқнинг дарди, маънавий-руҳий ҳоли, орзу ва армонлари тасвири кенг ўрин эгаллайди. Ошиқлик фавқулодда самимият, тўғрилик, сидқ ва очиқликни талаб қилади. Булар комилликнинг муҳим шартларидир. Демак, шоир шеърларида тасвирланган ҳақиқий камолот чўққисидаги инсон бу чин ошиқдир. Чунки ошиқлик инсон руҳи ва кўнглида кучли ўзгариш ва

янгиланиш пайдо қилади. Ишқ завқ-шавқи юракда қанчадан қанча безавол туйғулар, ҳаётбахш ҳисларни жонлантириб юборади. Ошиқ қалби ҳамиша гўзалликка, ёруғликка, некбинликка интилади:

Мен ҳаётда бор эканман,
Ўйласам, сен бор учун.
Кўксим ичра қалб урар
Тун-кун ўзингга зор учун.
Жонга чун сенсан тириклик,
Жон фидо бўлсин сенга,
То жаҳонда бор эканман,
Борлиғим сен ёр учун. (15-бет)

Маълумки, адабиётда сўз ҳикмат, адаб, ишқ рамзи. Оламнинг асоси ҳам, Одамнинг яралиши ҳам сўз билан боғлиқ. Сўз бу илоҳий нафасдир. Э.Воҳидов шеърларида сўз образ даражасига юксалади ва барча эзгуликлар, хайру саховат, меҳр-оқибат каби юксак инсоний фазилатларни ифода этади. Ижодкорнинг кучи, қудрати, меҳнати сўз орқали юзага чиққан маънони ўқувчи қалбига, онгу шуурига етказа олишида, дейди шоир:

Шундоқ сўз айт, шоир укажон,
Сўзинг қалблар тубига борсин.
Бахтни ёзсанг яйрасин жаҳон
Ғамни ёзсанг додлаб юборсин. (7-бет)

Кўринадики, Э.Воҳидов шеърияти – илм ва маърифат, тафаккур ва мушоҳада шеърияти. Шоирнинг лирик қаҳрамони эса самимият кишиси. Мардлик, тантилик, олижаноблик, ҳақсеварлик унинг ҳаётий матлабидир. Шу сабабли, бошқалардан ҳам чин инсонийликни, руҳан ва жисмонан етуклик – баркамолликни талаб қилади, шу мақсад йўлида астойдил курашади. Шоир ижоди ахлоқ покизалиги, тийнату фитрат софлиги, қалб ҳидояти, иймон ва эътиқод бутунлиги инсонни камолот чўққисига юксалтириб, ҳақиқий саодатга юзлаштира олишига ўқувчини тўла ишонтиради.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ТАРИХ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ, МУСИҚА ФАНИ МАТЕРИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Комилжон АБДУЛЛАЕВ,
НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди

Маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус [1, 1]да белгилаб берилган устивор йўналишлар: ёшларни мусиқа, рассомлик, театр, спорт, компьютер технологиялари ва интернет, адабиёт, китобхонлик соҳасига қизиқтириш масалаларини амалга ошириш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири ўқувчиларга асосий назарий билимлар бериш билан бир қаторда, уларда турли предметлар бўйича олган билимларидан фан, маданият, ишлаб чиқаришнинг мураккаб топшириқларини ҳал қилишда ижодий ва мустақил фойдалана олиш кўникмаларини тарбиялаб боришдан иборатдир.

Барча ўқув фанлари мактаб дастурининг айрим қисмларидан иборат бўлганлиги учун улар ўртасида тематик томондан, ўқитишнинг метод ва мақсадлари жиҳатдан анчагина боғланиш ҳамда яқинликнинг мавжудлиги таълим жараёнида фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш учун имкон яратади.

Умумий ўрта таълим мактаби ва академик лицей адабиёт фанини ўқитиш жараёнида ҳам унинг кўпгина масалаларини ҳал қилиш учун бошқа ўқув фанлари билан алоқа боғлашга тўғри келади.

А.Зуннунов ва А.Алиевларнинг “Адабиётни бошқа гуманитар фанларга боғлаб ўрганиш” номли методик қўлланмаси[4, 72]да тўғри кўрсатилганидек, мактабда ҳар бир ўқув фанини, жумладан, адабиётни ўрганишда ўқувчиларнинг англаш, фикрлаш, айниқса, нутқий фаолияти алоҳида ўринни эгаллайди. Шу сабабли дарсларда ўқувчилардан адабий матнни тўғри ўқиш, англаш, ўқиганларини амалий тажрибада бевосита қўллаш малакаларини ўстиришга аҳамият берилади. Шу билан бирга, уларда объектив ҳаётдаги воқеа ва предметлар орасидан муҳимларини ажратиб олиш, белги ва хусусиятларига қараб уларни гуруҳлаштириш кўникмаси ҳам тарбиялаб борилади, Шу боисдан ҳам, адабиётни бошқа гуманитар

фанлар - она тили, тарих, тарбия, география ва эстетик йўналиш фанлари-тасвирий санъат, мусиқа билан боғлаб ўқитилади.

Биз қуйида адабиёт дарсларида тарих,тасвирий санъат ва мусиқа фани материалларидан фойдаланиш тажибасини ёритишни мақсад қилганимиз сабабли адабиётнинг бу фанлар билан алоқаси масаласига алоҳида тўхталмоқчимиз.

Адабиёт реал воқеликнибадиийобразлардаифодалаши жиҳатидан тарих фани билан ниҳоятда яқиндир. Тарихий билимларсиз ёзувчи ижодини ёки унинг алоҳида олинган асарини тўлалигича тушуниш жуда қийин. М.Н.Нечкина таърифи билан айтганда, “тарих гуманитар билимларнинг ҳавосидир” [4, 4].

Ёзувчи ҳаёти ва ижоди у яшаб ижод этган даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан чамбарчас боғланган бўлади. Шу сабабли ёзувчининг ҳаёти ва ижодий йўли у яшаган даврдаги тарихий воқеаларга боғлиқ ҳолда ўрганилади, адабий-тарихий жараён эса ижтимоий ва тарихий ҳодисалар инъикоси сифатида тушунтирилади.

Тарихийлик адабиёт ўқитишда асосий тамойил ҳисобланади. Тарихийлик тамойилида ижоднинг ривожи-ёзувчи ижтимоий биографиясининг қисми, асари у ёки бу давр адабиёти тараққиётидаги ҳодиса сифатида ўрганилади.

Бинобарин, тарихийлик тамойили ёзувчи ижодини санъатнинг бошқа турлари билан ҳам боғлик ҳолда ўрганишни тақозо қилади.

Инсон идеали фақат ҳозирги даврда эмас, балки ўтмишда юз берган қаҳрамонона воқеалар ва тарихий шахслар фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳам шаклланади.

Тарих дарсларида тарихий ҳодисаларни, шунингдек, тарихий шахслар фаолиятини баён этишда реал ҳужжатларга асосланилади. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганищда ҳам адабиёт ўқитувчиси аниқ далилларга, тарихий-бадиий манбааларга суяниши керак. Масалан, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда тарих дарсида ўтилган “XV асрнинг охири-XVI асрнинг бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият”, “Ўзбекистонда маънавий ва тарихий мероснинг тикланиши”[3, 95]бўлимидаги мавзуларга асосланиш, шоирларнинг мемуар шаклидаги асарларидан, замондошлари хотираларидан, улар ҳақида яратилган тарихий-бадиий асарлардан ўринли фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларнинг дарсда олган билимлари асосида бу ўқув фанлари ўртасидаги алоқани аниқ англаб олишларига алоҳида эътибор берган ҳолда тарихий-бадиий асарлардан ўринли фойдаланади. Бунда ўқувчиларнинг ҳар бир давр учун аҳамиятли бўлган воқеалар, ҳодисалар ўртасида ҳам алоқа-боғланиш борлигини билиб олишларига эришиш-уларда илмий дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Санъатинсон руҳий ҳолатининг энг нозик томонларигача забт этади. У фақат ҳис-туйғуларгагина таъсир этиб қолмасдан, инсон эрки ва мақсадини ҳам ифода этади. Шу ерда унинг ўз-ўзини англашни ривожлантириш, ахлоқий туйғуларни тарбиялаш ва дунёқарашни шакллантиришдаги энг муҳим аҳамияти кўзга ташланади. Шунинг учун шахсни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида тарбиялашда санъат асарларидан фойдаланиш энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида санъатнинг анъанавий уч тури (адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа)ни ўргатишдан фойдаланиб келинади. Ҳар бир санъат турининг алоҳида манбалари мавжуд бўлса-да, уларнинг асосий тилини белгилайдиган нарса бор. Буобраздир.

Образ сўзи ўзида ҳаётий маънодор ва жозибали мазмунларни мужассамлаштиради. Шунинг учун унга эстетик йўналиш фанларини ўқитиш жараёнида диққатни қаратиш жуда муҳимдир.

Ўқувчи, томошабин, тингловчи бадиий образ муаллиф томонидан унинг тасаввурлари асосида яратилишини билиши, адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа асарларининг ўзаро алоқадорлигини, уларнинг мантиқий ривожланиб боришини ҳис қилиши ва тушуниши зарур. Адабий образларда акс эттирилган воқеалар ўқувчилар учун ҳаётда кўрганларининг умумлашмаси, натижаси бўлиши лозим. Мусаввирлик санъатида бевосита амалга оширилган бу жараён ёш томошабин учун кўриш шаклини идрок этишнинг натижаси яширинлигича қолади. Мусиқада эса, бадиийлик мураккаб образлар тизимидан иборат бўлиб, ижро этилиши ўзига хос ифода воситалари - куй, гармония, полифония орқали амалга оширилади ва воқеаларни, ҳис-туйғуларни ўзича ривожлантиради.

Шунга қарамасдан, ҳар бир санъат ўзининг бой ифода воситаларига эга бўлиб, улар доимо бир-бири билан алоқада бўлади, бир-бирини тўлдиради.

Адабиётни мусиқа, тасвирий санъат билан ҳамкорликда ўрганиш бу санъат турларининг умумий табиатидан келиб чиқади, чунки буларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётни образлар орқали акс эттиради. Санъат асарлари ўртасида умумийлик, ўхшашлик бор бўлгани ҳолда уларнинг фарқли томонлари ҳам мавжуддир.

Адабиёт-сўз санъати. Унинг қуроли сўздир, шу хусусияти билан у санъатнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Максим Горький таьбири билан айтганда эса, ёзувчи “тил воситаси билан характер яратади”.

Мусиқа - ҳис-туйғуларнинг тили. Ундаги энг асосий нарса кетма-кет интонация орқали уланиб кетадиган куйлардир. Куй киши руҳиятига аста-секин таъсир қўшиб, танада ўзига хос ўзгаришлар ҳосил қилади. Олий асаб силсиласи, бошқа аъзолар ҳовуридан тушади, ўзига келади, маромида ишлайди. Баъзи куйларнинг оҳангига, яъни маъносига қараб киши беихтиёр фикрлар, ҳиссиётлар оламига шўнғиб кетади. Куйлар борки, кишининг кучига куч қўшиб, оғирини енгил қилади. Гоголь сўзи билан айтганда, “у- буткул эҳтирос, у кишини турган заминидан бирданига, бир йўла узиб олади-да, уни қудратли товушлар гулдуроси билан гангитиб қўяди ва шу ониёқ, ўз оламига мафтун қилади. Мусиқа кишининг бутун асабига, унинг бутун вужудига гўё нозик пардаларга урилгандек азим куч билан урилиб, кишини бир бутун эҳтирос, ҳаяжонга айлантиради”.

Наим Каримов эса, лирика билан мусиқанинг бир-бирига яқинлигини қуйидагича таърифлайди:“Лирика ва мусиқа образли айтганда, санъатнинг Фотима ва Зуҳролари, унинг эгизак фарзандларидир” [5, 52].Шундай экан, мусиқа билан лирика уйғунлиги таассуротларни кучайтиради, ҳиссиётларни қитиқлайди, натижада санъатнинг энг муҳим вазифаси амалга ошади.

Тасвирий саньат-бўёқлар, чизиқлар, овозлар тилидир. Нодир Норматов таъбири билан айтганда, “ранг тасвир ҳамиша инсон қалбини ташқи олам билан боғлашда кўприк ролини ўйнайди. Бу кўприк нафис, мустаҳкам ва қонуний...”[7, 77].

Демак, санъатнинг турли тармоқлари ўз олдига қўйган вазифасини бажаришда ҳар хил воситалардан фойдаланади. Адабиётнинг қуроли сўз бўлса, мусиқачи турли-туман товуш ва

оҳанглардан, мусаввир хилма-хил ранг ва бўёқлардан, ҳайкалтарош ганч, тош, мармар ва бошқалардан фойдаланиб образ яратади. Бадиий адабиётда ҳаёт, воқелик ва кишилар ривожланишда, тараққиётда тасвирланади. Шу жиҳати билан адабиёт санъатнинг мусаввирлик ёки ҳайкалтарошлик каби турларидан фарқ қилади. Чунки, расм ва ҳайкалда маълум лавҳа, ҳолат акс этади.

Хулоса қилиб айтганда, фан билан санъатнинг умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей таълими жараёнидаги адабиёт фанини ўқитишда фанлараро интеграциясини амалга ошириш асосини ташкил этувчи ўзаро алоқалари қуйидаги уч жиҳатда намоён бўлади:

- мазмун муштараклигида;
- таълим жараёнида бажарадиган вазифалари яқинлигида;
- воқеликни идрок этиш усулларининг ўхшашлигида.

Бу жиҳатлар фанлараро интеграция ўқитишнинг педагогик - психологик табиатига ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 мартдаги видео-селектор йиғилишида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил 20 март.

2. Абдуллаев К. Адабиётдан синфдан ташқари ишлар жараёнида фанлараро алоқа. Услубий қўлланма. - Тошкент, “Наврўз”, 2019. - 80 б.

3. Жўраев Н., Замонов А. Ўзбекистон тарихи (Мустақиллик даври). Ўрта таълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун дарслик. 1-нашри. - Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижоди уйи, Тошкент, 2018. - Б.95.

4. Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа гуманитар фанларга боғлаб ўрганиш. Т., Ўқитувчи, 1982. - 72б.

5. Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати.Т., “Фан”, 1964. - Б.52.

6. Максимова В.Н. Межпредметные связи в процессе обучения. - М. : Просвешения, 1988. - 192 стр.

7. Норматов Н. Камалак яшайдиган уй: Ҳужжатли қисса: Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун. Т.: “Юлдузча”, 1989. - Б.77.

ZULFIYA: “XOTIRAM SINIQLARI”

Dr. Donoxon ABDUGAFUROVA,
PhD, O’rta Sharq va Janubiy Osiyoshunoslik
Kafedrasi, Emory Universiteti, AQSH

O’zlikni ifoda etishda vaqt, makon, zamon va intellektual muhitning ahamiyatini hisobga oladigan bo'lsak, shoira Zulfiya Isroilova ijodida ham bu hamohanglikni ko’rishimiz mumkin. Zulfiyaning hayoti davomida yaratgan asarlari tahlili shuni ko'rsatadiki, unda Sovet davri va yangi mustaqillik davriga aloqador ohang davr talabi asosida muhim o’rin olgan. Hayotining so’nggi davrlarida erishilgan mustaqillik Zulfiya uchun o’tgan hayotiga nazar tashlash va Soviet davriga mos bo’lmaganligiuchun o’chirilgan yokiaytilmagan hayotiy ma’lumotlarni o’rtoqlashish imkonini berdi.

Mustaqillik davrida yozilgan "Xotiram Siniqlari" she'ri Zulfiyaning avvalgi va keyingi ijtimoiy hayotdagi ruhiy holatini bir-biriga taqqoslaydi. Davrning o’zlikka ta’siri va siyosiy vaziyatlarlarning o’zlikni ifodalashdagi roli haqida Marianne Kamp sunita'kidlaydiki, “turli davrga aloqador hayotiy ma’lumotlar ifoda va tasavvurning siyosiy va ijtimoiy qadriyatlar asosida shakllanganligi yoki chegaralanganligini ko’rsatadi.”[7] Xuddi shu asosda, Zulfiyaning Sovet va Mustaqillik davridagi ijodi Zulfiyaning o’zligini anglashiga, mintaqadagi siyosiy va ijtimoiy o'zgarishlarning rolini o’rganish imkonini beradi.

Agar Sovet hokimiyati va Bolshevik inqilobi odamlarni o'zliklari, individuallik va sub'ektivlik tuyg'usini o’z o'tmishlaridagindan ko’ra“yaxshiroq” aks ettirishga undagan bo'lsa,[8] Sovet Ittifoqi qulaganidan keyin mag'rur Sovet fuqaroligi maqomi va Sovetlarning asl maqsadi shubha ostiga olina boshlandi. Sovetshunos olim, Irina Papernoning ta'kidlashicha, 1980-yillarning oxirlarida odamlarni Stalin terrorini aks ettirishga undagan Gorbochevning qayta-qurish siyosati orqali odamlar o'zlarining Sovet tajribalarini bo’lisha boshladilar. Papernoga ko’ra, u tahlil qilgan kundaliklar va xotiralarning aksariyati o'tmishdagi ijobiy hayotni ko’rsatmagan. Paperno shuni ta’kidlaydi,

[7] Marianne Kamp, “Three Lives of Saodat: Communist, Uzbek and Survivor” *The Oral History Review* 28.2 (2001):21-58, 24.
[8] Choi Chatterjee and Karon Petrone “Models of Selfhood and Subjectivity: the Soviet Case in Historical Perspective,” Slavic Review 67.4 (Winter, 2008): 978.

shaxsiy kundaliklarda: “men qancha harakat qilsam ham, Sovet hokimiyatini maqtovchi ko'plab hujjatlarni topmadim."[9]

Uzoq davom etgan Sovuq urush natijasida Sovet Ittifoqi qulaganidan so'ng mustaqillik xalqlarga o'zlarining millatparvarlik ovozini yaratishga imkon berdi va bu asarlarda mahalliy aholini mustamlakachilar tomonidan ekspluatatsiya qilishning zararli oqibatlari ta'kidlandi. Adabiyot va matbuotda odamlar Sovet hokimiyatining oqibatlari va uning mahalliy aholi hayotiga keltirgan ulkan zararlarini ochiq tanqid qila boshladilar. Ushbu materiallardabaxtli kommunistik qarashlarga undagan yetmish yillikSovet tarixi, mintaqada Islomiy qadriyat va madaniy salohiyatni qadrsizlantiruvchi kuch sifatida ifoda etila boshlandi.Xatto Sovetlarning spartan hayot tarziga oid taklifi mustaqillikdan keyin o'zgardi. Bir paytlar "qashshoqlik illat emas" (rus yozuvchisi Aleksandr Ostrovskiyning taniqli adabiy asari ham bo'lgan (1886)) maqoli mustaqillikdan son’g boshqacha ma’no kasb eta boshladi. Qizig'i shundaki, bu maqol Sufiylarning faqirlikni afzal ko'rishlarini ifodalagan bo’lsa, uSovetlarning burjua hayot tarziga qarshi kurashida ham yordam bergan. Mirzakalon Ismoiliyning *Qizlar Daftariga* asarida buvi nomidan nabira qizga nasihatlar beriladi va unda qashshoqlik dangasalikning natijasi deb ko’rsatiladi.[10]Sovet jamiyatida axloqiy illatning ramzi bo'lgan moliyaviy farovonlik, mustaqillik davriga kelib mehnatsevarlikning timsoliga aylandi.

“Xotiram Siniqlari” orqali Zulfiya Sovet rejimining asl niyatlarini bilmaganligi ta’n oladi. Bu kabi chekinish va ta’n olishlar deyarli ko’p bosilib chiqilgan materiallarga tegishli edi. Chunki odamlar mustamlakachilikning asl niyatlarini bilsalar ham, o’z xarakatlarining siyosiy to'g'riligini e’tibor qarattilar. Ushbu xolat ularning yashash uchun kurash strategiyalari edi va faqatgina mustaqillikdan keyin bu fikrlar ochiq o’rtoqlasha boshlandi. Sovet davrida ham Zulfiya ziddiyatli vaziyatlar yuzaga kelganda o’zining bahsli fikrlarini bostirishga qodir bo'lganligini guvohi bo’lamiz. Zulfiyaning shogirdi Muhtarama Ulug'ovaning eslashicha, Ulug'ovaning dastlabki ijodida yozgan tanqidiy asari tufayli Zulfiya unga nasihat bergan. Zulfiya bosh muharrir va Ulug'hovaning rahbari sifatida matbuotdagi munozarali masalalar va tanqidlardan uzoq turishni taklif qildi.[11] Menimcha, Zulfiyaning davlatning mafkuraviy talablari bilan kurashish strategiyasi unga

[9]Irina Paperno, *Stories of the Soviet Experience: Memoirs, Diaries, Dreams* (Ithaca: Cornell University Press, 2009), XI.
[10]Mirzakalon Ismoiliy, *Qizlar Daftarriga* (Tashkent: 1994), 233.
[11]Muhtarama Ulug’ova, *Bahor keldi seni so’roqlab* (Toshkent: Sharq, 2015), 54-58.

kariyerasini Sovet davrida va xatto Mustaqillik yillarida ham samarali davom ettirishga imkon berdi. Bu strategiyani haqiqiy o'zlikni yashirish nuqtai nazaridan tushunmaslik kerak, aksincha bu strategiya yashash uchun kurash mexanizmi edi. Zulfiya o'z hayotida xuddi Saida Zunnunovadek falsafaga ega edi: "Aqlli odam yolg'on gapirmaydi, lekin har qanday haqiqatni gapirish aqlli odamning ishi emas."[12]

Zulfiya she'rni eng katta siyosiy o'zgarishni - mustaqillikka erishishni maqtash bilan boshlaydi. Ozodlik kontseptsiyasini takomillashtirish orqali Zulfiya uni millatni mustamlakachilar nazoratidan ozod qilgan qutqaruvchi kuch deb ataydi:

> Hurriyat, keldingmi-nahotki kelding,
> Pinhona sog'indim, pinhona kuttim.
> Yomg'irga bag'rini tutgan sahrodek-
> Sening nasimingga qalbimni tutdim.[13]

Sovet fuqarolarini o'rgangan 1950-yilgi Garvard intervyu loyihasida Aleks Inkeles va Raymond Bauer Sovet fuqarolari SSSR yutuqlari bilan faxrlanishlarini ta'kidladilar. Shu bilan birga, odamlar terror va qo'rqinch kabi tizimning avtoritar manipulyatsiyani qoraladilar.[14]Shunga qaramay, odamlar qayta-qurish davrigacha bu fikrlarni ochiqchasiga jamoatchilik bilan bo'isha olmaganlar. Ko'pchilik odamlar kabi, Zulfiya uchun ham boshqaruvchi kuch bu sukunat edi. Unga ko'ra, Zulfiya ushbu tarixiy lahzani juda uzoq kutdi, ammo mustaqillikka bo'lgan intilishini sir tutishga majbur edi. Ushbu qurbonlik faqatginakeyniroq ta'nolindi.

Chor Rossiyasi Turkistondagi ishtiroki orqaliyorqin kelajak olib kelishga va'da bergan edi. Ruslar mintaqani o'z o'tmishidan qutqarishga muhtoj bo'lgan zulmatdagi davlat sifatida ko'rsatdi va o'zlarini yorug'lik olib keluvchi kuch deb e'lon qilishti."Xotiram Siniqlari" o'tmish va hozirgi zamonga ishora qiluvchi ziddiyat zulmat va ma'rifat ikkiliginiochib beradi. Agar o'tmish Sovet Ittifoqi davri nuqtai nazaridan zulmat va yorug'lik orqali ta'riflangan bo'lsa, Sovet davrining o'zi, bir paytlar zulmatni tozalovchi kuchga ega bo'lgan yorug'lik, keyinchalik deyarli hamma narsani o'z yo'lida yoqib yuborgan halokatli kuch sifatida tasvirlangan. Buni ifodalab Zulfiya quyidagilarni yozadi "Yomg'irga

[12] Saida Zunnunova, "Qiynalsam ham pokyashay: Qatag'on Yillari Kundaligi", *Tafakkur* 1, (2017):57.
[13]Zulfiya, *Baho rKeldi Seni So'roqlab* (Toshkent: Kamolot, 2016), 112.
[14] Alex Inkeles and Raymond A. Bauer, *The Soviet Citizen: Daily Life in Totalitarian Society: Daily Life in a Totalitarian Society* (Cambridge: Harvard University Press, 1959).

bag’rini tutgan sahrodek - Sening nasimingga qalbimni tutdim.”Zulfiya uchun ozodlik odamlarga to’yibroq nafas olishlari va mashaqqatli damlardan xalos bo'lishlari uchunramziy shabadadir.

Sovet davrida Zulfiya, o’zining yuragi mamlakatning xaritasi ekanligini yozadi (Yurtim haritasi mening yuragim).[15] Ko'pchilik odamlar xarita mazmunini belgilar tufayli ochib berishga qodir. Xuddi harita yerga aloqador xar bir xislatni namoyon qilganidek, Sovet davridagi Zulfiya uchun uning qalbida jamoatchilikdan yashiradigan hech narsa yo'qdek edi. Uning Sovet davridan keyingi asarida esa, yurak jamoat oldida namoyish etilgan yutuqlarning egasi emas; u xuddi dengiz ostidagi jonzotlar singari yashiringan afsuslar va sirlarning ombori. Agar Sovet davrida Zulfiya hamma narsani mukammal holda chiroyli tasvirlar bilan namoyish etishga xarakatqilgan bo'lsa, mustaqillik davrda u yurak tubidagi ayanchni ya’ni ko’zdan yiroq bo’lgan og’riqlarni ko'rsatishga xarakat qildi.

Mustaqillik davrida Zulfiya uchun yurak endi baxt va og'riq bilan bog'liq hissiyot oqimlariga ega dengizga o’xshaydi. Bu o’xshatish orqali, Zulfiya o’quvchiga dengizning to’lqinlari, shuhrat, hijron va o’kinch kabi hissiyotlarni oshkor qilib, uning tubida o’tmishning og’riqli xotiralari yashashini uqtiradi:

> Mana qalb-baxtu-dard to’la dengizim,
> Mavjlari shuhratim, hijron, o’kinchim.
> Qo’rquv kalxatlari tegib so’dirgan,
> Yodim siniqlari ostda-cho’kindi.[16]

Zulfiya qalbni ko’zoldimizga, mana deb olibkeladivau butun hayotining notinchlik va iztiroblarini o’zida jamlab olganini uqtiradi. Xuddi dengizning baland va past, kuchli va sokin oqimlari singari, Zulfiya ham o'z hayotida shon-sharaf, kutilmagan yo'qotish va pushaymon kabi iztiroblarni boshidan kechirdi. Shuhrat orqali Zulfiya jamiyatda xurmatga sazovor bo'lgan shoira sifatida erishgan maqomiga ishora qilsa, ayriliq orqali u Hamid Olimjonning hayotdan erta ketganini ifodalaydi.

Afsus xissi Zulfiya hayotidagi barcha yutuqlarni va xatto hayotiy tamoyilni o'zi bilmagan holda majburiy tanlov ekanligini ko’rsatadi. “Xotiram Siniqlar” orqali Zulfiya o'z hayotini baholadi va tahlil qildi.

---

[15]Zulfiy. *Asarlar: III tom: Kamalak.(*Toshkent: Adabiyot va San’at, 1986), 125.
[16] Zulfiya . *Baho rkeldi seni so’roqlab*, 112.

Bu Zulfiyaga Sovet Ittifoqi davrida ko'rinmagan va sezilmagan haqiqat va og'riqlarni anglashga imkon berdi.Bu qora kuchni Zulfiya kalxatlar deb ta'riflaydi. Yorug'lik olib kelishni va'da qilgan Sovet davri "tahdid qushlari" sifatida aks etdi. Shuni ta'kidlash kerakki, odamlarni uylaridan noma'lum joyga olib boradigan KGB yuk mashinasi oddiy odamlar orasida ‘qora qarg'a’ deb tanilgan. Odatda o'sha mashinalarda olib ketilgan odamlar qaytib kelishlari gumon edi. Ushbu metaphora orqali, Zulfiya odamlar boshlari atrofida aylanib yurgan kalxatlarning borligini sezishgani va har qanday faoliyati shubhali bo'lib tuyilgan xarakat ichun kalxat ularga xar qachon hujum qilishi mumkin degan xavotirda yashganliklariga ishora etadi.

She'rning nomiga keladigan bo’lsak, siniq narsa odatda, chinni, sopol yoki toshlarning o'tkir qirrali bo’lingan qismlaridir. Ular ma'lum bir vaqtda butun tarkibidagi muhim qismlar bo'lgan. Qandaydir tashqi kuch butun ob'ektni ahamiyatsiz bo'laklarga bo’lip tashladi va atrofga sochib yubordi. She’rda, bu siniqlar, vayronagarchilikdan alamzada bo'lib, silliq fazilatlarga ega bo'lmagan o'tkir qirralari bilan mudofaa mexanizmlariga aylangan qismlardir. Bubo'laklarni yig'ishda, odam ulardan yaralanmaslik uchun ehtiyot bo'lishi kerak, aks holda ularni jarohat ollishlari mumkin. She'rda ham biz Zulfiyaning ushbu parchalarni xotirasidan yig'ayotganida ehtiyotkorlik bilan yondoshganini ko'rishimiz mumkin. Siniqlar sabab bo’lgan va boshlaridan kechirgan og'riqni va sitamni sezish qiyin emas:

Yodim siniqlari, qalq, ovoz beray,
Qalqdi, yuragim, chida, ber bardosh.
Qaragin titroqda-hammasi jonli,
Qara, hamasining yuzi qontalash.[17]

Parchalar biz o’ylagandek jonsiz narsalar emas. Zulfiya bu siniqlarni davr dahshatlari ta'siriga tushgan oila a'zolarini aks ettiruvchi tirik xotiralar sifatida tasvirlaydi. Quyidagi satrda parchalar onasi, qaynonasi, otasi, aka-ukaslari va o'zini ifoda etadi. Oilaning har bir a'zosi, Zulfiyaning alohida hurmat va ehtiromiga loyiq edi va uning shaxs sifatida kamol topishi uchun muhim rol o’ynagan.

Bu onam-Tangrining baxtli onida
Ayri ixlos bilan yaratgani chin.

[17]O’sha asar, 112.

Qarog’ida mehr shamlari yoniq-
Gullagan o’rikday orasta otin. [18]

Onasining Xudoning quvonchli kayfiyatida yaratishi haqidagi misra orqali Zulfiya onasining o’zi xos ayol ekanligidan ta’kidlaydi. Zulfiya onasining samimiyligi va bilimini oppoq gul ochgan o'rik daraxtiga o’xshatadi. Bu o’xshatish oq ro’molli otin oyi kabi onasining salobati va xurmatini ko’rsatadi. Shu bilanbirga, ushbumisra, Sovetdavrida xotiralari tubiga yashiringan Islomiy tarbiya va o’tmish mustaqillik davriga kelib faxr belgisi sifatida Zulfiya o’zligini ifodasida nomoyon bo’lganligini ko’rsatadi.

Zulfiya onasining xususiyatlarini tasvirlab bergach, onasi bolalarni mumtoz she'riyat dunyosi bilan qanday tanishtirganligi haqida yozadi:

Kun to’yib, shulalar ko’chgach ufqqa,
Sayroqi qushlarning tinganda bazmi,
Onam dilimizni chorlab qo’shiqqa,
Nim-nim sochar edi mumtozlar nazmin.

So’fi Olloyormi, Devona Mashrab
Bayozlarin o’pib qo’lga olardi.
Yumushmi, o’yinmi-barini tashlab,
Sehrli olamga kirib borardik. [19]

Quyidagi satrlarda Zulfiya mumtoz adabiyot namunalarini, shu jumladan So'fiy Allohyor (1724-yilda vafot etgan) va Boborahim Mashrabni (1711-yilda vafot etgan) onasi o'qigan asosiy kitoblar misolida keltiradi.

She'r davomida biz bolalikdan voyaga etgan va ayollik yoshigacha bo'lgan avtobiografik davomiylikni ko'ramiz. Bolalikdan mumtoz she'riyatga kirib borish haqidagi bolalik xotiralaridan so'ng, Zulfiya kelin oyisidan kashtachilik sirlarini o'rganganini ham eslaydi.

Yangamga esh bo’lip tiktim palagim
Qogozdan sir tutgan satrimni tepchip,
Gullardi palakda shirin tilagim-
Ko’zimdan yozlikning nurlarin ichib.[20]

[18]O’sha asar,112.
[19]O’sha asar, 112.

Zulfiyaning so'zlariga ko'ra, kashtadagi bezaklar uning qalbidagi yashirin muhabbat tuyg'ularining ifodasi bo'lib xizmat qilgan. Bu vazifada uning o'qituvchisi onasi yoki buvisi emas, balki uning kelin oyisi. Yoshdagi yaqinlik Zulfiya bilan kelin oyisi o'rtasida sirlarini bir-biriga ishonish imkonini yaratdi. Ushbu munosabat o'sib borayotgan yosh qizlarning himoyachisi bo'lgan onalar va buvilar orasida sevgi mavzularini bolishishi yosh qizlar uchun xar doim ham axloqiy jihatdan qabul qilinmasligini ko'rsatadi. Yosh qizdagi muhabbat va xohish-istakni aniq e'tirof etish taqiqlangan vaziyatda, kashtachilik o'spirinlik hayotida o'zgaruvchan his-tuyg'ulari, hayajon, xayol va orzularini naqshinkor gullar shaklida ifodalashning uslubi bo'lib xizmat qildi.

Onasi va kelin oyisi haqidagi xotiralarni aytib bergandan so'ng, Zulfiya nobud bo'lgan akalarini eslaydi, va keyin otasiga o'tadi. Otasining iboralariga ko'ra Zulfiya xuddi hovli rayhonlari va gullariga o'xshatiladi.

Hovlimiz ziynati jambil, rayhonday,
Otam ta'biricha edim boychechak.
Hali biz sezmagan qora qish aro
Nahot, jonlanmoqda ishq otlig' chechak...[21]

Zulfiya jambil va rayhon obrazlari orqali o'zida noziklik va zaiflik fazilatlariga ega ekanligini ko'rsatadi. Otasi nigohida Zulfiya kurashchi emas, balki faxrlanadigan ayollik fazilatlariga ega qiz sifatida gavdalanadi.

Zulfiya keyingi misralarda nafis gullarga qarama-qarshi 'qoraqish' va u olib keladigan qiyinchiliklarni ifoda etadi.

Va hademay sezdik bu qahratonni,
Tig'day tillarida yalay boshladi.
Qadami yetganda har xonadonning—
Quvonchi bujmayib so'liy boshladi...[22]

Nozik nihollar va ko'p narsalar kutilmagan qish zahmatlariga dosh berolmaydi. Lekin Zulfiya nazdidagi 'qoraqish' shunday kuchga egaki, u

[20]O'sha asar,113.
[21]O'sha asar,113.
[22]O'sha asar,113.

har bir xonadondagi baxtni ham quritib yo’qqilib yubora oladi. Zulfiya oilasi shu ‘qoraqish” zahmatini totgan. U Stalin terrori paytida akasidan ayriladi. “Sizni-da qora tun oldilarmikin, Qo’lingizga kishan soldilarmikin” deb yozadi Zulfiya o’kinch bilan.

Keyingi misralarda, Ota obrazi o'zining qadr-qimmati va mehnatsevarligini sinovdan o'tkazgan, og'ir paytlarida zaiflik ko'z yoshlarini ko'rsatmagan obraz sifatida shakllanadi va haqiqiy qat'iyatlilikning timsoli sifatida namoyon bo'ladi.

Qolganda azoblar iskanjasida,
Ota, bir ko’rmadik ko’zingizda yosh.
Yashab umidlarning pok sajdasida
Hatto yovingizga otmadingiz tosh.[23]

Otasining hammaga, hatto azob-uqubatlarni keltirib chiqarganlarga bo'lgan mehribonligi Zulfiyani hayratda qoldiradi. Bunday adolatsizlik uchun otaning javobi “xudoga solish” bo’ldi. “Va faqat dedingiz: ‘Soldim xudoga’, Bu qirg’in doyasi xudosizlar-ku.”[24]Ota obrazi Xudoning mavjudligiga ishonuvchi sifatida, xudosizlikni da'vo qilgan Sovet propagandasidan ajralib turadi. Sovetlar Xudoning mavjudligini inkor etgan va jamiyatda ateizmni targ'ib qilgan bo’lsalar, ota tomonidan ular xudosizlar sifatida ko’riladi.

Zulfiya oddiy xalq ko’p narsalardan bexabar, ‘gofillik tumanlarida’ qolganligini tasvirlaydi. Ya’ni, hamma ham nimalar bo’layotganini to’la tushunib yetmagan.

Norg’ul o’g’illaring qirildi qushday
Sibirning nur tushmas o’rmonlarida.
Sen esa yasharding misoli tushda
Turtinib g’ofillik tumanlarida.[25]

Akalarini yo’qotganini, qanchadan-qancha yosh yigitlarning qirilganini va ota-onasining sabr-bardoshlarini ta’kidlagandan so’ng Zulfiya xuddi o’quvchi uni so’roqqa tutganday, o’zi haqida yozishga o’tadi:

[23]O’sha asar,114-115.
[24]O’sha asar,115.
[25]O’sha asar,115.

Menmi? Men shu qadar yosh edim hali.
Yoshlik-g'am- begona bir-biriga
Qutulmoqqa anduh botqoqlaridan
Osildim muhabbat shodliklariga[26]

Yoshlik tufayli, Zulfiya hamma narsani ham to'la anglab olmagani va muhabbatdan g'am-anduhdan qutqaruvchi kuch sifatida foydalanganini aytib o'tadi. Tezda uning baxt qasriga g'amning kelishi Zulfiyani esankiratib qo'ydi. O'ttiz yoshga yetmay sochlari oqargani va g'am-anduhga g'arq bo'lganini yozadi. Zulfiya onasining unga bergan tarbiyasida isyonkorlik yot bo'lganini ham ta'kidlab, o'ziga kelgan sinovlardan esankirab qolganini aytadi:

Onam, donolikda yagona onam,
Isyon ko'tarishdan bermapsiz saboq.
Ustimga ketma-ket to'g qulagan dam
Qoldim yashin urgan polapon siyoq.[27]

Zulfiyaning muvaffaqiyatli Sovet shoiridan davr qurboniga aylanishini u mansub bo'lgan siyosiy-ijtimoiy davr talablari bilan izohlanishi mumkin. Chunki hayot tarzi siyosiy rejim talablariga bog'liq bo'lib, ishtirokchi muayyan talablar asosida faoliyat yuritishga majbur bo'ladi. Ularning yashash uchun kurashi sub'yektivlikni davr bilan hamohang va mavjud mafkuraviy g`oyalar talablariga javob berish jamoatchilik uchun strategiya bo'ldi. Mustaqillik davri Zulfiya uchun Gorbachev davri taklif qilganidan ham ko'proq holda Sovet tajribasini aks ettirish uchun zamin yaratdi. Zulfiya, alamlari jamlanmasi ifodasi bo'lgan "Xotiram Siniqlari" orqali dard-hasratlarini o'quvchi bilan bo'lishadi, va bu dunyodan ketgan taqdirda og'riq va alamlari shu shartlarda qolishini ta'kidlaydi va bularni yozadi:

Vaqt yetsa shu xalqda qolar daftarim,
Vaqt yetsa, bu yoqda qolar dardlarim…
Ruhim u yoqlarga qush bo'lib uchar. [28]

[26]O'sha asar,115.
[27]O'sha asar,115.
[28]O'sha asar, 119.

Foydalanilgan Adabiyotlar:

1. Chatterjee, Choi and Petrone, Karon. “Models of Selfhood and Subjectivity: The Soviet Case in Historical Perspective.” *Slavic Review* 67, no 4 (2008): 967–986.
2. Inkeles, Alex and. Bauer, Raymond A. *The Soviet Citizen: Daily Life in Totalitarian Society: Daily Life in a Totalitarian Society* (Cambridge: Harvard University Press, 1959).
3. Ismoiliy. Mirzakalon. *Qizlar daftariga* (Tashkent: Sharq 1994).
4. Ulug’ovaMuhtarama.*Bahor keldi seni so’roqlab* (Toshkent: Sharq, 2015).
5. Kamp, Marianne. “Three Lives of Saodat: Communist, Uzbek, Survivor,” *The Oral History Review* 28, no. 2 (Summer - Autumn, 2001): 21-58.
6. Paperno, Irina. *Stories of the Soviet Experience: Memoirs, Diaries, Dreams* (Ithaca: Cornell University Press, 2009).
7. Zunnunova, Saida. “Qiynalsam ham PokYashay: Qatag’on Yillari Kundaligi,” *Tafakkur* 1, (2017):56-79.
8. Zulfiya. *Bahor keldi seni so’roqlab* (Toshkent: Kamolot, 2016).
9. Zulfiya, *Asarlar: III tom: Kamalak* (Toshkent: Adabiyot va San’at, 1986).

ЖАДИДЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Рустам ШАРИПОВ,
ТДШУ доценти, филология фанлари номзоди
Дилшод ҲИКМАТОВ
ТДШУ магистранти

Нафақат ўзбек халқи, балки умуман Марказий Осиё, Қрим, Кавказ ва Волга бўйларида жойлашган туркий халқларнинг XX асрдаги тарихида жадидчилик ҳаракати катта ва ғоят муҳим бир даврни ташкил этади. Исмоилбей Гаспиралининг "Таржимон" газетаси орқали бу ўлкаларга етиб борган жадидчилик ғоялари илғор ёшларнинг басир кўзларини очибгина қолмай, ҳаётнинг ич-ичига кириб, амалий натижалар ҳам берди: усули жадид мактаблари пайдо бўлди; жадид матбуоти, адабиёти ва театри вужудга келди. Жадидчилик ҳаракатининг бу минбарлари орқали маърифатпарварлик ғоялари жамият ҳаётидан муҳим ўринни эгаллай бошлади.

Бир томондан, XVI-XIX асрларда Туркистонда ҳукм сурган ижтимоий тузум – феодал давлатнинг инқирозга юз тутиши, жамият тараққиётида турғунлик ҳолатининг юзага келиши, иккинчи томондан, Туркистоннинг Чор қўшинлари томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши натижасида ўлкада шундай бир мудҳиш шароит вужудга келдики, муайян ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий заминсиз халқни уйғотувчи, жамиятни силкитиб, ларзага келтирувчи бирон-бир ҳаракатнинг пайдо бўлиши маҳол эди.

Шунинг учун ҳам Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг майдонга келишини унинг манбаларини аниқламай ва бу манбаларнинг Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг туғилиши билан боғлиқ бўлган нуқталарини белгиламай туриб ўрганиб бўлмайди. Биз бу манбаларни қуйидаги тартибда ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида етишиб чиққан Аббосқули Оға Боқихонли, Мирза Фатали Охундов, Ҳожи Саййид Азим Ширвоний, Ҳасан Маликзода Зардобий сингари сиймоларнинг фаолияти туфайли Озарбайжонда вужудга келган мактаб ва маориф соҳасидаги ислоҳотчилик ҳаракати;

2. Чўқон Валихонов, Иброҳим Олтинсарин, Абай Қўнонбоев каби қозоқ жадидларининг саъй-ҳаракатлари билан Қозоғистонда рус ва татар маърифатпарварлари таъсирида янги таълим тизимининг кириб келиши;

3. Шаҳобиддин Маржоний, Абдуносир Курсавий, Иброҳим Халфин, Ҳусайн Файизхоний, Ризоиддин Фахриддин, Зокир Ромиев (Дардманд) сингари илғор қарашли кишилар туфайли Татаристонда кучли жадидчилик ҳаракатининг майдонга келиши;

4. Исмоилбей Гаспиралининг Қримда нашр этган "Таржимон" газетасининг, шунингдек, Татаристон, Бошқирдистон, Ҳиндистон, Миср ва бошқа жойларда нашр этилган газета ва журналларнинг Ўрта Осиёда, жумладан, Туркистонда тарқалиши;

5. Туркияда шаклланган "Ёш усмонлилар" ҳаракати ва бу ҳаракат қатнашчиларининг таълим, тил, адабиёт ва ижтимоиёт соҳаларидаги ислоҳотчилик фаолияти.

Агар жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши учун Туркистоннинг ўзида зарур ижтимоий ва маданий замин (ички шароит) бўлмаганида ўзбек жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш ва шаклланиш жараёни бу қадар интенсив тус олмаган бўларди.

Бундай замин бўлиб эса Сатторхон Абдуғаффоровнинг маърифатпарварлик фаолияти, Муқимий, Фурқат, Дилшод Барно, Аҳмад Дониш сингари шоир ва ёзувчиларнинг ижодлари хизмат қилди.

Юқорида қайд этилган манбалар туфайли ва Туркистондаги оғир ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароит тақозоси билан XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ўлкада жадидчилик ҳаракати вужудга келди.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракати тарихи қуйидаги даврлардан иборат бўлган, деб ҳисоблаймиз:

а) XIX асрнинг 90-йилларидан 1905 йилгача бўлган давр – ўзбек жадидчилик ҳаракатининг туғилиши;

б) 1906 йилдан 1917 йилгача бўлган давр – жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва тараққиёти;

в) 1918 йилдан 1930 йилгача, яъни Туркистон Мухторият ҳукуматининг тугатилишидан "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоларининг маҳв этилишигача бўлган давр – жадидчилик ҳаракатининг большевиклар томонидан назорат қилиниши ва тугатилиши.

Жадидлар XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг Чор мустамлакасига айланиши ва Туркистон халқлари ачинарли аҳволининг ижтимоий илдизларини таҳлил этиб, биринчи навбатда таълим тизимини ислоҳ этиш ва халқ оммасини маърифатлаштириш лозим, деган қарорга келдилар. Улар назарида, Туркистондаги мавжуд тарихий шароитни ўзгартиришнинг бирдан-бир йўли маърифат ўчоқларини барпо этиш ва халқ оммасининг кўзини маърифат нурлари билан ювиш эди.

Агар маърифат ўзбек халқи ва маданияти тарихининг аввалги даврларида халқ оммасини билимли қилиш воситаси бўлиб хизмат қилган бўлса, жадидлар маърифатдан ижтимоий қурол сифатида ҳам фойдаланмоқчи бўлдилар. Уларнинг фикрига кўра, маърифатлашган халқ яқин келажакда ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун, Ватан ҳурлиги ва мустақиллиги учун курашиши ҳам лозим эди. Бинобарин, жадидлар маърифатнинг халқ ва ватан тақдиридаги ролини мумкин қадар оширишни лозим, деб топдилар.

Улар шу мақсадда усули жадид мактабларини очишга катта эътибор бердилар. Усули жадид мактаблари, улар назарида, бир томондан, давр талабларига жавоб бермай қолган эски мактаб ва мадрасаларнинг, иккинчи томондан, маҳаллий ёшларни

руслаштириш вазифасини ўз олдига қўйган рус-тузем мактабларининг ўрнини секин-аста эгаллаши ва ёшларни ўз бағрига мумкин қадар кўпроқ тортиши лозим эди. Шунинг учун ҳам жадидчилик, энг аввало, янги типдаги мактабларни очиш, таълим тизимини ислоҳ этиш ишлари билан бошланди.

Усули жадид мактаблари учун ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни тузишда муаллифлар ўқувчиларни қисқа муддатда саводли қилишдан ташқари, шарқона ахлоқ ва одоб руҳида тарбиялаш, фаннинг турли соҳалари, жумладан, табиий фанлар бўйича билим бериш, айниқса, ер юзидаги бошқа мамлакатларнинг табиати, давлат қурилиши, маданияти, шунингдек, бу мамлакатларда яшовчи халқлар тўғрисида тасаввур беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Шубҳасиз, бу мактаблар ўқувчи ёшларга фақат дастлабки билимнигина берган. Уларнинг бу мактабларда олган билимларини мустаҳкамлаш ва янада бойитишнинг, шунингдек, халқнинг бошқа қатламларини маърифатлаштиришнинг бирдан-бир йўли замонавий маданиятнинг муҳим тармоқлари – жадид матбуоти, адабиёти ва театр санъатини яратиш эди. Жадидлар ана шу уч минбар орқали ўз ғояларини тарқатишга ҳаракат қилдилар. Туркистон (Тошкент, Самарқанд, Фарғона)да нашр этилган газета ва журналлар ўлка ҳаётига оид мақолалардан ташқари, хорижий мамлакатлардаги давлат тузуми, сиёсий партия ва ташкилотлар, мактаб ва маориф ишлари, адабиёт ва санъат янгиликлари тўғрисида, халқ ҳаётининг турли жабҳалари тўғрисида ҳикоя қилувчи материалларни эълон қилдилар. Матбуот, адабиёт ва театр санъати халқнинг маиший, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги қолоқликларни шафқатсиз равишда очиб ташлаб, уларни Европа ва Осиёдаги тараққий этган халқлар даражасига кўтаришни ўзининг мураккаб ва муқаддас вазифаси деб билди.

Исмоилбей Гаспиралининг "Таржимон" газетасида олға сурилган қуйидаги ғоялар Туркистон жадидлари мактаб ва маориф соҳасидаги фаолиятларининг ҳам асосий йўналишини ташкил этди:

- миллий маориф тизимини ислоҳ этиш:
- янги маориф тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва истеъдодли ёшларни илғор хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш учун "Жамияти хайрия"ларни ташкил этиш;

- миллий зиёлиларни етиштириш, фан, саноат ва халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича, шунингдек, давлат ишларини юритувчи мутахассисларни тайёрлаш;

- қизлар учун алоҳида мактаблар очиш.

М.Беҳбудий "Таржимон" газетасида ифодаланган бундай ғояларни Туркистондаги маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, қуйидаги "моддалар" билан бойитди:

- болаларни мусулмон мактаблари билан бирга рус-тузем мактаблари ва гимназияларида ҳам ўқитиш; бунинг учун ҳар бир болани икки йил давомида русча ўқитиш ва тарбия қилиш; шу икки йил учун тўланажак 600 сўм миқдоридаги пулни тўй-маъракалар учун жамланган маблағдан олиш;

- болаларни тарбиялайдиган пансионатлар очиш ва болаларни ҳукумат мактабларига тайёрлаш учун "Нашри маориф" ёхуд "Жамияти хайрия", ёки "Жамияти атфол" сингари жамиятларни очиш;

- бу жамиятлар ёрдамида юқори малакали ўқув юртларида ўқитиш орқали ноёб соҳалар бўйича мутахассислар билан бирга Давлат Думасига депутат бўла оладиган, банкларда ишлай биладиган ҳар тарафлама истеъдодли мутахассисларни етиштириш ва ҳ.к.

Чор ҳокимиятининг рус-тузем мактабларини ташкил этишдан кўзда тутган мақсадларидан бири Ислом динини бузиш, маҳаллий ёшларни ислом таълимотининг таъсир доирасидан ажратиб олиш ва шу йўл билан руслаштириш эди. Жадидлар Ислом динининг халқни бирлаштирувчи ва унинг ўзлигини сақлаб қолувчи муҳим омил эканини инобатга олган ҳолда ёшларни исломий руҳда тарбиялашга ҳам катта эътибор бердилар.

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг шаклланишида халқаро алоқалар муҳим аҳамиятга молик бўлди. Беҳбудийнинг Яқин Шарқ мамлакатларига қилган сафари, Қозон, Нижний Новгород, Москва, Петербург сингари Россиянинг марказий шаҳарларига бориши, Фитратнинг Туркияда бир неча йил бўлиши нафақат бу ёзувчилар, балки умуман ўзбек жадидлари ижтимоий-сиёсий ва маърифий қарашларининг шаклланишига катта таъсир ўтказди. Айниқса, Фитратнинг Туркияда ёзган “Мунозара” ва ”Ҳинд сайёҳи баёноти” асарлари ўзбек жадидлари учун бир неча йиллар мобайнида ғоявий дастур вазифасини бажарди. Агар ўзбек жадидчилиги ўз тарихининг биринчи босқичида асосан маърифий оқим сифатида

намоён бўлган ва бу даврда жадидларнинг таълим ислоҳоти билан боғлиқ қарашлари тўла шаклланган бўлса, кейинги даврда уларнинг маърифий ғоялари миллий тараққиётнинг бошқа муҳим ва долзарб масалалари билан бойиди.

Жадидлар ўлканинг миллий тараққиёт йўлидан дадил бориши учун фақат маърифатнинг ўзи камлик қилишини сездилар. “Туркистон Эски дунёнинг Америкасидур. Пахта, маъдан, ғалла, хулоса, ҳар нимарса бор. Туркистон олтиндур”[29]. М.Беҳбудийнинг бу сўзлари тагида катта маъно бор эди. Туркистоннинг миллий бойлигидан фойдаланиш - ер ости бойликларини илм-фан ёрдамида қазиб олиш, қайта ишлаш ва уни маҳсулот сифатида сотиш, бир томондан, тижоратнинг ривожланишига, миллий сармоядорларнинг кўпайишига имконият туғдирса, иккинчи томондан, ўлканинг миллий тараққиёт йўлидан боришига кенг йўл очган, шарт-шароитларни яратган бўларди. Ана шу тарзда маърифат миллий тараққиётнинг ўзак масалаларини ҳам ўз қамровига ола бошлади.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистонда янги темир йўлларининг қурила бошлаши билан ернинг нархи кўтарилди. Ўрта ҳол деҳқонлар арзон-гаровга ерларини сота бошладилар. Шундай вақтда “Садои Туркистон” газетаси Убайдулла Хўжаев ва Чўлпоннинг мақолалари ёрдамида халққа ернинг қадр-қимматини тушунтирувчи мақолалар билан чиқди. Пул ўткинчи, ер эса абадий қадрият эканини исботлаб берди. Уларнинг бундай чиқишлари халқ оммасини она Ватанга, Ватан ва авлодлар олдидаги бурч масалаларига ҳушёрлик билан қарашга ўргатди.

Жадидлар усули жадид мактаблари ва умуман маърифатни тарғиб этар эканлар, халқнинг бадавлат қисмини ортиқча сарф-ҳаражат қилмасликка, агар ортиқча маблағлари бўлса, бу маблағни мактаб ва мадраса тизимини яхшилашга, ёшларни хорижга ўқишга юборишга, дорулсаноат сингари ўқув юртларини ташкил этиб, инженер, геолог ва бошқа мутахассисларни етиштириш йўлида сарфлашга чақирдилар. Бу ҳам уларнинг миллий тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатлари эди. М.Беҳбудий сингари илғор жадидлар айрим хорижий мамлакатларнинг конституцияларини, давлат идоралари ва сиёсий партиялар фаолиятини ўрганиб, жадидчилик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқдилар. 1905 йил рус инқилоби, шунингдек, Туркия ва Эрондаги инқилобий

[29] *Қаранг:* Ватан ва миллат муқаддасдир (Миллий уйғониш даври ижодкорларининг эътирофлари).- Т.: 2000. – Б. 9.

ҳаракатлардан сўнг жадидлар ўз олдиларига сиёсий вазифаларни ҳам қўя бошладилар. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши йилларидаги Чор Россиясининг ташқи ва ички аҳволи жадидларда мустақил яшаш умидини уйғотди. 1917 йил Февраль инқилоби эса бу умидни янада мустаҳкамлади.

Жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ўрганишда М.Беҳбудий томонидан Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига йўллаган "Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси" ғоят катта аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа Туркистон жадидларининг 1907 йилидаёқ мухториятга эришиш учун ҳаракат бошлаганларини ва бу ҳаракат тепасида М.Беҳбудийнинг турганини кўрсатади. Лойиҳада олға сурилган ғояларнинг асосий қисми бир нарсага – Туркистонда Идораи руҳония ва дохилия деган тузилмани тузиш ва ўлкани бошқариш билан боғлиқ барча ишларни шу идора зиммасига юклашга қаратилган. Бошқарув тизимининг маҳаллий маъмурлари ихтиёрида бўлган бир қатор ваколатларнинг Идораи руҳония ва дохилияга олиб берилиши Чор Россияси таркибида Туркистон Мухторият ҳукуматини барпо этиш билан баравар эди. Бошқача қилиб айтганда, М.Беҳбудийнинг мазкур лойиҳасида ўз ифодасини топган айрим сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари 1917 йил октябрида Қўқонда Туркистон Мухториятининг эълон қилинишида пойдевор вазифасини ўтади.

М.Беҳбудий юқорида тилга олинган лойиҳа остига "Иттифоқи муслимин идора марказияси аъзоларидан муфтийи дорулқазо Самарқандий Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли"[30], деб имзо чеккан. Бу сўзлардан маълум бўлишича, у ушбу лойиҳани ўша йилларда ярим ошкора ва ярим яширин фаолият олиб борган "Иттифоқи муслимин" ташкилоти марказий идорасининг аъзоси сифатида тузган. Маълумки, 1917 йил октябрь тўнтарилишидан кейин Туркистоннинг мустақиллигига эришиш мақсадида бир неча сиёсий ташкилотлар тузилган. Тарих фанлари доктори Р.М.Абдуллаев берган маълумотга кўра[31], "Иттифоқи муслимин" ташкилоти 1905 йил 15 августда Нижний Новгородда ўз ишини бошлаган Бутунроссия мусулмонларининг биринчи қурултойида тузилган. Ташкилотнинг "Каспий" ва "Ҳаёт" газеталари муҳаррири Алимардонбек Тўпчибошев томонидан тузилган 23 моддадан иборат Низоми эса Бутунроссия мусулмонларининг иккинчи

[30] *Қаранг:* "Жаҳон адабиёти" журнали, 2003 йил. 8-сон. – Б. 149.
[31] *Қаранг:* Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Б. 69-75.

қурултойида тасдиқланган (Санкт-Петербург, 1906 йил, январь). Ниҳоят, 1906 йил 16-21 август кунлари Давлат Думаси мусулмонлар фракцияси ташаббуси билан Нижний Новгородда ўтган учинчи қурултойда “Иттифоқ”нинг дастури ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Дастурда партиянинг асосий вазифаси мамлакатдаги ички ва сиёсий ҳаётни ҳуррият, ҳақиқат ва инсонпарварлик қонунлари асосида янгилашга интилади, деб белгиланган.

Даврнинг шиддатли ҳаракати жадидлардан сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини кундан-кунга янада шакллантириб ва ривожлантириб боришни тақози этди. Энди жадидлар таълим ва тарбия масалаларини четга суриб қўймаган ҳолда Туркистоннинг мухторият давлат сифатидаги келажаги ҳақида, бу давлатнинг сиёсий тузилмалари, фуқароларнинг инсоний ҳуқуқлари, сўз эркинлиги ва демократик жамият қурилишининг бошқа муҳим масалалари устида бош қотира бошладилар. Шу маънода “Турк адами марказият” партияси дастурида мужассамланган жадидларнинг давлат ва жамият қурилишига оид қарашлари улар дунёқарашининг янада кенгайгани ва назарий баҳслардан амалий ишларга ўта бошлаганини намойиш этди.

Шубҳасиз, жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида мустақил Туркистон давлатини қуриш билан боғлиқ режалар ўз аксини топмаган. Бундай мақсадни қўйиш шу кеча ва кундузда эришиш мумкин бўлган дастлабки ғалабани ҳам йўққа чиқариш билан баравар эди. Шу маънода, жадидлар ўзларининг амалий ҳаракатларида сиёсий ҳушёрлик намуналарини кўрсатиб, керак бўлган вақтда вазият талаби билан кураш тактикаларини ўзгартириб турдилар.

Жадидчилик ҳаракати Туркистон халқларини мустақилликка олиб чиқа олмаган бўлса-да, феодал қолоқлик ва мустамлакачилик шароитида мудраб ётган халқни уйғотиб юборди. Бу ҳаракатнинг тарих олдидаги хизмати шундадир. Р.М.Абдуллаев ёзганидек, “1905-1906 йилларда Россия империяси тарихида биринчи марта бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонлари қурултойлари ва бу анжуманларда қабул қилинган қарорлар Россия мусулмонларини юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришга сафарбар этди. Мусулмон оламидаги интеграция жараёнлари, шунингдек, мусулмонларнинг дастлабки қурултойларида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар жадидизмни секин-аста Туркистонда яшовчи

ерли халқларнинг шаклланган сиёсий ҳаракатига айланишига олиб келмай қўймади. Туркистоннинг тараққийпарвар жадидлари (Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдалла Хўжаев ва бошқалар) дастлабки миллий ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг шаклланишида иштирок этганлар”[32]. Ўзбекистон Республикасида демократик-ҳуқуқий давлат, чин маънодаги фуқаролик жамиятни барпо этиш ишлари қизғин тус олган ҳозирги кунда жадидларнинг маърифий, сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари ҳам муайян аҳамиятга моликдир.

О ТРАДИЦИОННОЙ И НЕТОЧНОЙ РИФМЕ

Кодиржон НОСИРОВ,
кандидат педагогических наук, профессор НамГУ,
С.УСМАНОВА,
магистрант НамГУ.

Аннотация. В статье речь идёт о ритмообразующем и смысловыразительном свойствах рифмы, в частности, неточной рифмы. Предпринята попытка внести уточнения в толкование основных терминов.

Ключевые слова: Ритм, размер, рифма, неточная рифма, ритмообразующее значение, смыслообразующее значение, традиция, каноны.

Аннотация. Мақолада қофиянинг, жумладан, оч қофияларнинг, шеър вазнини ҳосил қилишдаги аҳамияти, асарга маъно касб этиб бориш вазифаси ҳақида фикр юритилади; асосий атамалар тавсифига анқлик киритишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Ритм, вазн, қофия, оч қофия, вазн ҳосил қилиш, маъно касб этиш, анъана, қоида.

Annotation. The article discusses the role of rhyme, including irregular rhymes, in the rhythm-forming meaning of the poem, semantic meaning; in particular, attempts have been made to clarify key concepts.

Keywords: Rhythm, weight, rhyme, irregular rhyme, rhythm-forming meaning, semantic meaning, tradition, canons.

[32] Кўрсатилган китоб. - Б. 75.

Давно замечено, что в любом деле имеются некие традиции, в то же время, всегда наблюдаются и какие-то отклонения от них. И эти отклонения от нормы (а норма есть традиция), чаще всего можно объяснить и оправдать как нечто закономерное, неизбежное. Иной раз эти отклонения можно возвести в ранг необходимого. И в результате, вчерашние отклонения-новинки могут со временем превратиться в новую традицию. К такому выводу мы приходим после ознакомления в ходе своего исследования с историей возникновения неточной рифмы, с особенностями этого феномена в области рифмы.

И ещё: чтобы понять суть чего-то нового, всегда в первую очередь нужно потрудиться узнать традицию, на фоне которой ярче просматривается новое. Всегда полезно прежде чем кидаться в безудержное придумывание чего-то нового и не совсем изведанного, не мешает усвоить основные каноны. Итак, чтобы разобраться, что такое неточная рифма, и чем отличается она от точной, необходимо сперва вспомнить основные пожожения учения о рифме вообще.

В русском литературоведении установилось следующее общепринятое пояснение термина: рифма – это (др.-греч. □υθμός «размеренность, ритм»), повторение более и менее сходных сочетаний звуков, связывающих окончания двух и более строк или симметрично расположенных частей стихотворных строк.

Поскольку понятие рифмы, главным образом, ассоциируется с концевыми созвучиями, мы бы хотели внести некоторое уточнение в определение рифмы. По нашему мнению, рифма – это созвучие окончаний двух и более стихотворных строк, начиная с последнего ударного (подударного) слога в стихе, т.е. в стихотворной строке. А группа слогов, начиная с последнего ударного слога на конце стиха, называется клаузулой. Значит, две или более количество клаузул образуют рифму. Исходя из этого, на наш взгляд, лучше предложить определение рифмы в следующей редакции: Рифма – это созвучия на конце двух и более стихотворных строк, начиная с последнего подударного слога, т. е. клаузулы в поэтическом тексте. Она имеет важную ритмообразующее и смыслообразующее значение в произведении.

В русском классическом стихосложении основным признаком рифмы является совпадение ударных гласных. Рифма звуковым

повтором на конце строк (клаузулой) обозначает, показывает окончания стиха как ритмического ряда, подчеркивая междустрочную паузу. Следовательно, можно утверждать, что рифма является важнейшим компонентом формы поэтического произведения. Значительность роли рифмы в ритмической организации, композиции поэтического произведения, наряду с равномерно чередующимися внутри стихотворной строки стопами, а также паузами, возникающими в конце стихотворных строк, не подлежит сомнению.

Сравнивая ритм стиха с ритмом в музыке, стиховед Б.П. Гончаров [1,59] отмечает, что специфическая особенность ритма стиха заключается в том, что плавное движение речи прерывается основной стиховой паузой, образуя стихи (строки), которые являются единицами *первичного ритма*. Первичный ритм, образующийся чередованием строк (стихов) – это основа ритма стиха. *Вторичный ритм* образуется чередованием определённых элементов внутри строк. Значит, то, что происходит и мы наблюдаем внутри стихотворной строки – это вторичный ритм. А границы первичного ритма определяют рифмы, иначе говоря, рифма фактически выявляет первичный ритм, что есть основная ритмическая единица, особенно в силлабо-тоноческом стихосложении. Таким образом, рифма является первичным элементом стихотворного ритма, а упорядоченность чередования стоп внутри строк является *вторичным ритмом;*

Система рифм является в поэтическом произведении элементом, придающим стихотворному тексту ритмическую определённость

Однако внимательное изучение практики стихосложения, а также, естественно, работы по теории стиха показывают, что рифма является не только элементом формы. Известные специалисты утверждают, что рифма, как и все другие элементы формы художественного, в данном случае поэтического, произведения, служит и выражению мыслей автора. Известнейший учёный В. Жирмунский отмечает, что рифма важна как форма средство выражения содержания текста. [2, 290]

Правда, рифма не всегда сама по себе может непосредственно выразить ту или иную мысль. Но она непременно помогает закрепить мысль в созвучии, на что, естественно внимательный читатель (слушатель) обратит внимание. Соотнося различные

понятия, звуковой перекличкой связывая их в нашем сознании, она способствует выражению основных мыслей, заключенных в тех или иных строфах. В рифме обычно образуется своеобразное «эхо», т.е. повтор основной мысли строфы. Таким образом, система рифм становится носительницей основной мысли строфы, так как в ней сталкиваются слова, несущие на себе основную семантическую нагрузку слова. Конечно, не всегда в рифму ставятся ключевые слова, точнее говоря, не всегда и не каждому поэту удаётся выносить такую лексику на межстиховое приграничье, но стараются все.

Рифма всегда должна быть звучной, богатой, приятной на слух, точной не только в смысле созвучия, а прежде всего, в значении попадания в поэтическую цель, как стрела меткого благонамеренного лучника.

В таком случае, естественно возникает вопрос: А что же с так называемой неточной рифмой? Зачем она нужна? Или это лишь результат бесталанности поэта?

В стиховедении достаточно много споров о происхождении, определении и классификации неточных рифм. Относительно происхождения, нам кажется, что появление неточных рифм отчасти могло быть связано с своеобразной «эволюцией» гласных звуков в русском языке.

Неточные рифмы в русской поэзии встречаются с XVIII века, ещё со времён Державина, который впервые применил неточную рифму. Но прежде отметим, что именно в этот период наблюдается полное утверждение классической точной рифмы – поэты XVIII века, в отличие от своих предшественников, начали делать упор не на совпадении написания окончаний рифмующихся слов, а на их созвучность. С этого времени можно говорить об утверждении, или о канонизации (по терминологии В.М. Жирмунского) в русском стихе настоящей, точной рифмы.

Однако, как ни странно, именно с этого периода начинается и история зарождения неточной рифмы, деканонизация (нам кажется, что лучше было бы этот процесс называть «разрушением») точной рифмы в русской поэзии. Рифмы нового типа хоть и изредка, не последовательно встречаются у Жуковского, Пушкина, Лермонтова и других поэтов. Заметнее они становятся у Кольцова, Никитина, Алексея Констиновича Толстого. Как отмечают специалисты, такая тенденция в русской литературе появилась в результате усиления

влияния на поэтическую речь процессов, происходивших в народном языке, в разговорной речи, а также ряда других собственно эстетических причин. В частности, если в XVIII веке все гласные в стихах и ударные и заударные произносились одинаково отчетливо, то с середин**ы** XIX века в стихи, т.е. в поэтическую речь, начинает проникать неотчетливое произношение заударных гласных, что было характерно для народного языка предшествующей эпохи.

Историю активизации неточной рифмы в русской поэзии середины XIX века В. Холшевников [3,91] связывает с этим явлением. И этот процесс характеризуется положительно, ибо появление приблизительных созвучий, т.е. неточных рифм, значительно расширило репертуар русских рифм: не сбылось пессимистическое предсказание Пушкина об оскудении русской рифмы – стихотворцы открыли новые возможности, неизвестные их предшественникам.

Итак, завершая наш разговор о точной и неточной рифме, подчеркнём, что рифма точной бывает тогда, когда гласные и согласные звуки, входящие в созвучные окончания стихов, в основном совпадают. Точность рифмы увеличивается и от созвучия согласных звуков, непосредственно предшествующих последним ударным гласным в рифмующихся стихах.

Тенденция к отклонению от точности в рифмах в русской литературе появилась в результате усиления влияния на поэтическую речь процессов, происходивших в народном языке, в разговорной речи, а также ряда других собственно эстетических причин. В частности, если в XVIII веке все гласные в стихах и ударные и заударные произносились одинаково отчетливо, то с середины XIX века в стихи, т.е. в поэтическую речь, начинает проникать неотчетливое произношение заударных гласных, что было характерно для народного языка предшествующей эпохи.

Неточная рифма основана на созвучии одного, реже - двух звуков.

Появление неточной рифмы характеризуется положительно, ибо она значительно расширила репертуар русских рифм. Таким образом, не сбылось пессимистическое предсказание Пушкина об оскудении русской рифмы: стихотворцы открыли новые возможности, неизвестные их предшественникам.

Использованная литература:

1.Гончаров, Б.П. Рифма и её смысловая выразительность. / Изучение стихосложения в школе. –М: Государственное учебно-педагогичсекое издательство министерства просвещения РСФСР, 1960.

2.Жирмунский, В. Теория стиха. –Л: Советский писатель, Ленинградское отделение, 1975.

3. Холшевников, В.Е. Основы стиховедения. Русское стихосложение. – Ленинград: Издательство Ленинградского университета, 1972.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА ДОИР ЯРАТИЛГАН ДАРСЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

Обиджон КАРИМОВ ,
НамДУ доценти, филология фанлари номзоди

Адабиётшуносликнинг узвий қисми бўлган адабий танқидни ўрганиш фидойи устоз, адабиётимиз жонкуяри академик Бахтиёр Назаровнинг бадиий адабиётни теранроқ англаши ва англатишига назарий-методологик асос бўлди. Зотан, ижодий жараённи ҳаракатга келтирувчи куч, унинг асосий бунёдкори – бу ёзувчи, шоир ва драматурглардир. Чинакам адабиётшунос таҳлил орқали улар ижодий кредосини аниқлайди, фаолиятига баҳо беради ва битикларини саралайди. Шу маънода, Б.Назаровнинг Олий таълим тизими учун яратилиши лозим бўлган дарсликларнинг муаллифи сифатидаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқдир. Жумладан, олим “ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи ” (1999) ҳамда “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарсликлари ҳаммуаллифидир. Бинобарин, олий таълим тизимида дарсликларнинг янги авлодини яратишнинг фидойиларидан.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида изчил амалга оширилаётган янгиланиш ва тозариш жараёнлари барча соҳалар сингари Олий таълим тизимида ҳам тобора теранлашиб бормоқда. Хусусан, адабиёт ўқитишни янгилаш, дарсликларнинг янги авлодини яратиш борасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, “Тафаккур қаноти” нашриётида университетларнинг ўзбек филологияси ва педагогика институтлари ўзбек тили ва адабиёти йўналиши учун “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарслигининг чоп этилиши ана шундай эзгу ишлардан бири бўлди. Мазкур дарслик

муаллифлари: академик Бахтиёр Назаров, профессор Абдуғафур Расулов, филология фанлари докторлари Қурдош Қаҳрамонов ҳамда Шоира Аҳмедова республикамиз йирик илм фан ва олий таълим масканларининг нуфузли олимлари бўлишди.

Дарслик композицион қурилиши жиҳатидан тўртта бўлимдан иборат. Дастлабки бўлим фанга кириш бўлиб, унда санъат ва фан синтезидан таркиб топиб, бадиий адабиёт муаммолари хусусида мулоҳаза билдириш ва фикр юритиш йўсини бўлган "Адабий танқид"нинг луғавий ҳамда истилоҳий маънолари, илмда ўзига хос ҳодиса сифатида намоён бўлиши ва фан сифатида шаклланиб ривож топиш тарихи, специфик хусусиятлари, ижтимоий эстетик моҳияти, мақсад ва вазифалари батафсил ёритилади.

Иккинчи бўлим "Ўзбек адабий танқидининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари" деб номланган бўлиб, 1900-1990 йиллар адабий танқидчилиги иккита катта даврга ажратиб ўрганилади:

1. Ўзбек адабий танқидчилигининг пайдо бўлиши ва шаклланиш тамойиллари (1900- 1925) йиллар. Ушбу бўлимда Фитрат, Чўлпон, Вадуд Маҳмуд адабий танқидий қарашлари ёритилади. Ўрни билан, танқиднинг шаклланишида матбуотнинг, хусусан Беҳбудий, Миён Бузрук Солиҳов, О.Шарафиддинов (Айн), А.Саъдий каби ўша давр ижтимоий-сиёсий, адабий ҳаётида фаол иштирок этган зиёлиларнинг адабий-бадиий тафаккур тараққиётига таъсири масалалари ўрганилади. Ўша давр адабий танқидидаги жанрий изланишларга муносабат билдирилади.

2. Ўзбек адабий танқидчилиги мафкуравийлаштирилиш ва реализм учун кураш жараёнида (1927-1990 йиллар): Ўз навбатида ушбу йиллар танқидий тафаккури (30- йиллар; иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллар; 60-90- йиллар ҳамда истиқлол арафаси каби) учта даврга ажратиб ўрганилади.

а) 30-йиллар адабий танқиди хусусида сўз кетар экан, адабиётнинг мафкуралаштирилиш жараёнлари аслида, адабий сиёсатдан бошланиб, ижод жараёнига сунъий кўчирилганлигига диққат қаратилади. Давр танқидчилигининг айрим нуқсонлари билан бир қаторда, А.Қодирийнинг "Обид кетмон", А.Қаҳҳорнинг "Сароб" сингари асарлари тадқиқи ва талқини асносида у жиддий синовларни бошидан кечирганлиги, шунингдек, шакл ва мазмун, услуб ва индивидуаллик, характер ва шароит сингари омиллар диалектик бирлигини тўғри талқин этиш, болалар адабиётига эътибор қаратиш каби ютуқларни қўлга киритганлиги холис

баҳоланади. С.Ҳусайн, О.Ҳошим сингари кўзга кўринган мунаққидларнинг ўша босқич ўзбек маданияти ва адабиётшунослик илмини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ фаолияти, ўзига хос ўрни ҳаққоний таҳлил этилади. Улар адабий танқидий асарларини баҳолаш орқали танқиднинг маданий мерос ва адабий жараёнга муносабати, шунингдек "Ўткан кунлар" типидаги романлар талқинидаги позицияси ойдинлаштирилади.

б) Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда адабий танқиднинг мазмун моҳияти ўша йилларда бадиий адабиётнинг мавзу доирасини белгилаб берган Ўзбекистонда кечган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ва маърифий ҳаёт оқими билан узвий боғлиқликда таҳлил этилади. Зотан, республикада адабиётшунослик фани ривожи жадалашувига таъсир кўрсатган ички ва ташқи омилларга диққат қаратмасдан, мазкур давр адабиётининг умумий руҳи, қамров миқёслари, мавзу кўлами ортиши, жанрлар таркиби, образлар тизимига хос ўзгариш ва янгиланишлар, ушбу жараёнга адабий танқиднинг таъсири ҳақида тўлароқ тасаввур бериш мумкин эмас. Таъкидлаш ўринлики, М.Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" драмаси, Ойбекнинг "Навоий" романи юзага келиши билан бошланган кенг муҳокамалар жараёнида миллий адабий танқидий тафаккур ҳам ривож топди.

Аммо, ўтган асрнинг 50-йилларидан эътиборан адабиёт майдонида партиявийлик ва ғоявийлик талабларининг ўта сўллашуви, миллатчиликнинг янги аломатларини излаш, яъни қатоғон машинасининг иккинчи тўлқини таъсири кузатилди. Бу ҳол адабий танқидни ҳам четлаб ўтмади. Танқидда тадқиқотларни давр руҳига мослаштириш, зўрма-зўраки "фош" этиш, бирёқламалик, ҳатто мутлақо асоссиз фикрларни илгари суриш каби нохуш ҳоллар кузатилди. Бадиий асарлар пафоси, ғоявий мазмуни, ҳозиржавоблиги нуқтаи назаридан баҳоланди. Адабий тақриз фаоллашиб, уруш йиллари танқидчилигида муаммоли мақолалар, умумлаштирувчи тадқиқотлар нисбатан камайди. Албатта, бундай камчиликлар секин-аста, 50-йилларнинг иккинчи ярми ва асосан, 60-йилларга келиб бартараф этилди.

Урушдан кейинги даврда тасвир объекти сифатида реал воқеликка қаттиқ боғланишга йўналтирилган бадиий адабиёт тарихий мавзуларни четлаб ўтишга мажбур бўлди. Шахсга сиғиниш оқибатлари фош этилгачгина мазмун ва ғоя устуворлиги, образлар

оламидаги ижтимоий-сиёсий ташвиқийлик ва баландпарвозлик руҳи устувор “асар” ларни рағбатлантиришга барҳам берилди. Мумтоз меросимизни атрофлича ўрганиш, тарихий шахслар ва тарихий мавзу поэтик тадқиқига эътибор ортди. Адабий биографик очерк, умумлаштирувчи (обзор) мақола ва тадқиқотлар яратилди. Дарсликда мазкур жараёнлар Ҳ.Абдусаматов, Л.Қаюмов сингари мунаққидлар фаолияти мисолида замонавийлик, ғоявийлик, бадиийлик, бадиий конфликт, қаҳрамон, типиклик муаммолари билан боғлиқликда кенг тарзда ёритилади.

в) XX асрнинг 60-90- йиллари танқидчилигининг ўзига хос хусусиятлари. Истиқлол шабадалари ва адабий танқид. Ушбу бўлимда асосан, Ойбек, И.Султон, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, Н.Худойберганов, И.Ғафуров сингари адабиётшунос ва мунаққидлар фаолиятига кенг тўхтаб ўтилган.

Маълумки, истиқлолгача бўлган етмиш беш йиллик улкан тарихий даврда бадиий адабиёт ва адабий танқид ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос бадиий инъикосига айланиб, асосан, мафкуравий қурол вазифасини ўтади. Аммо ўтган асрнинг 60-йилларида юзага келган “нисбий эркинлик”, 80- йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган “қайта қуриш ва ошкоралик” сингари даврларда адабиёт ва санъат оламига янги кучларнинг келиб қўшилиши бадиий адабиёт ички қонуниятларини тўғри идрок этиш имконларини ҳам бера бошлаган эди. Дарҳақиқат, истеъдодларнинг миллий заминда туриб, жаҳон адабий-эстетик тафаккури умумбашарий йўналишларида кечаётган жараёнларни ўзлаштириши, уларга ижодий ёндашуви сиёсий-мафкуравий зўравонлик қолиплари доирасини ёриб чиқишга йўл очди.

XX асрнинг 60-90- йилларида реализм учун кураш бир нафас ҳам тўхтамади. Етук бадиий асарлар юзага келди. Бадиий масҳорат юксала бориб, янги типдаги китобхон ҳам ўсиб, ўзгариб, шаклланиб борди. Танқидчилар нафақат услуб ва маҳорат, балки назарий жиҳатдан-да ўсиб, адабий жараёнга фаол ва изчил муносабат билдиришга уринишди. Айтиш мумкинки,адабий танқидда ўзига хос бир кўтарилиш намоён бўлди. Жумладан, тур ва жанрларнинг тараққиёт йўлларини тадқиқ этувчи тадқиқотлар юзага келди. Кўплаб адабий-ижодий портретлар яратилди. Тарихийлик ва замонавийлик, анъана ва маҳорат масалалари фаол ўрганилди. Дунё адабий-танқидий тажрибалари таъсирида илмий-эстетик таҳлил теранлашди. Лирика ва лирик қаҳрамон

муаммоларига бағишланган қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Эстетик талабчанлик ортиб борди.

Шубҳасиз, бундай ижобий ҳодисалар ҳаётни пардозлаб тасвирлаш, адабий асарни кундалик сиёсат нуқтаи назаридан таҳлил қилиш иллатларидан қутула борган адабий танқиднинг адабий жараёнга таъсири билан ҳам боғлиқдир. Албатта, адабий танқидчилик ғоявий-сиёсий ёндашув, офаринбозлик, схематизм, социологик таҳлил ва мавзу долзарблигига эътибор беришдан буткул қутула олмади. Жанрлар ранг-баранглиги, адабиёт ва танқид назарияси муаммоларига нисбатан камроқ аҳамият қаратди. Аммо унинг табиатида қатор сифат ўзгаришлари юзага келди. Жумладан, адабий танқид бадиий яратиқ бағрига ижодкор қалб призмаси орқали кириб бориш сари юз бурди. Яратилган асарларни бадиияти, тили, санъаткор маҳорати нуқтаи назаридан эстетик таҳлил қилишга ўта бошлади. Муаммоли мақола ҳамда фундаментал характердаги тадқиқотлар юзага келди. Адабий алоқалар ва адабий таъсир масалалари, фольклор ва адабий жараён муносабатлари таҳлилига эътибор ортди. Буларнинг барчаси, у маҳорат сирларини эгаллаётганлигининг ёрқин нишоналари эди.

Эндиликда мунаққид адабий санитарлик, шарҳловчиликдан мутафаккир ва ёзувчи, талқин қилувчи ва баҳоловчига айланди. Наср, шеърият, драматургия, болалар адабиёти, публицистика, таржимашунослик, танқидчилик тарихи сингари қатор соҳалар кенг ривожланди. Конфликт, композиция, бадиий асар тили, услуб, ижодий метод сингари муаммолар атрофида бўлиб ўтган қизғин баҳслар илмий теранлик касб эта борди. Тарихий-биографик очерк, адабий портрет сингари жанрлар ривож топди. Илмий-фантастик асарлар танқидчилиги юзага келди. Адабий танқидий асарлар хорижий тилларда нашр этилдигина эмас, балки ўзбек адабиёти ҳам жаҳон адабиёти аспектида ўрганила бошлади. Дарсликда мазкур жараёнлар умумлаштирувчи мавзулар билан бир қаторда танқидда мунаққиднинг ўрни масаласи билан чамбарчас боғлиқликда С. Мирвалиев, Н. Шукуров, С.Алиев, П. Шермуҳаммедов, Б. Саримсоқов, А. Каттабеков адабий танқидий фаолиятлари мисолида батафсил ёритилган.

Дарсликнинг “Истиқлол даври ўзбек адабий танқидчилиги” (XX асрнинг 90- йилларидан XXI аср бошлари) деб номланувчи учинчи бўлимида мафкура тушовларидан қутулиб, эркин ижод йўлига ўтган адабий танқид тарихи хусусан, мумтоз адабиёт ва

унинг ёрқин сиймолари ижодини ўрганиш, шўро босқичи адабиёти намуналарини қайта баҳолаш масалалари, таҳлил ва талқин йўсинларига эътиборнинг ортиши каби кўплаб муаммолар миллий ғоя ва умумбашарий мезонлар нуқтаи назаридан ёритилган. Бунда О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, Б.Назаров, А.Расулов, И.Ҳаққул адабиётшунослик ва адабий танқидчилик фаолияти атрофлича баён қилинади. Шунингдек, дарсликда С.Содиқ, Ҳ.Умуров, Н.Раҳимжонов, Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Ризаев, Д.Қуронов, У.Ҳамдам, Б.Каримов сингари давр адабий танқидий тафаккурида ўз ўрнига эга бўлган олимлар ҳаёти ва фаолиятига ҳам тўхталган.

Дарсликнинг сўнгги бўлими “Ўзбек адабий танқидининг жанрий таркиби” деб номланган. Мазкур бўлимда эстетик тафаккур тараққиётининг турли даврларида юзага келган адабий танқидий асарлар ҳажми ва олдига қўйган вазифаларига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганилган.

Кўринадики, сўз юритилаётган дарсликда ўзбек адабий танқидининг фан ва санъат уйғунлигидан иборат ҳодиса эканлиги, миллий адабий-танқидий тафаккурнинг уйғониши, шаклланиши ва ривожланиш тарихи, ўзига хос тараққиёт босқичлари бой фактик материаллар ҳамда жаҳон адабий-эстетик тафаккурида кечаётган жараёнларга ҳамоҳанглик асосида теран ёритилган. Танқидчилигимизнинг ёрқин намояндалари илмий танқидий фаолиятлари, адабий танқид жанрлари ҳақида кенг кўламли маълумотлар берилган. Таъкидлаш ўринлики, ҳар бир мавзу махсус режа, мустаҳкамловчи саволлар, таянч тушунчалар ва мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати каби методик кўрсатмалар билан таъминланган.

Устоз олимларимиз кўп йиллик илмий-ижодий изланишлари, методик ва методологик тавсиялари асосида юзага келган мазкур тадқиқот XX аср ўзбек адабий танқиди тарихини истиқлол мафкураси асосида яхлит бир тизим сифатида ўрганувчи ўз вақтида яратилган ғоятда зарур дарслик экани, йиллар ўтган сари янада аён бўлмоқда. Илло, ундан нафақат талаба ва магистрлар, балки катта илмий ходим-изланувчилар, кенг ўқитувчилар жамоаси, адабиёт ва санъат муҳиблари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б. Назаров ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти. Олий ўқув юртлари филология факультети талабалари учун дарслик. – Т., Ўқитувчи, 1999.

2. Б. Назаров ва бошқалар. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Олий ўқув юртлари филология факультети талабалари учун дарслик. – Т., 2013.
3. Борев Ю. Эстетика.- М.,1987.- С.212
4. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т., “Янги аср авлоди”, 2011. – 352 б.
5. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, 2007–.224 б.
6. А. Потебня. Эстетика и поэтика. – М., 1976. – С.429

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҲИКОЯЛАРИДА АБДУЛЛА ҚАҲҲОР АНЪАНАЛАРИ

Муҳайёхон ҲАМИДОВА,
НамДУ доценти, филология фанлари номзоди

Халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, ёш авлодни юксак умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда саньатнинг, жумладан, адабиётнинг аҳамияти ва ўрни салмоқлидир. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти юртимиз фуқароларининг маданий савиясини юксалтириш ва жамиятни баркамол шахслар билан бойитишда катта роль ўйнаётганлигига шак-шубҳа йўқ. Бугун бахтиёр ва саодатли кунларнинг гувоҳи бўлар эканмиз, ана шу йўлда кураш олиб борган, озодликка, истиқлолга эришимизда у ёки бу даражада ўз ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини ёд этиш ва эҳтиром кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ҳозирги ўзбек адабиётининг етакчи вакилларидан бири - Шукур Холмирзаев ижоди шу нуқтаи назардан алоҳида диққатга лойиқ. Сабаби, адиб ўз ижодида миллий қаҳрамонларни кенг, эпик кўламда, бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан акс эттириб бера олган ижодкордир.

Шукур Холмирзаев ўндан ортиқ ҳикоялар тўплами, тўрт қисса, бешта роман, иккита драма, бир қатор эсселар ва публицистик мақолалар муаллифидир. Унинг ҳар бир асари, айниқса, ҳикоялари адабиётда бир тўлқин сифатида майдонга келди, десак янглишмаймиз. Бунинг сабаби эса асарларининг ўзига хослигида, табиий романтик бўёқдорлигида, тарихий ҳақиқатни ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ сувратлантиришида, қолаверса, воқеликни рамзлар орқали қайта инкишоф қилинишидадир. қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг самимияти ва тийнати, миллий, индивидуал хусусиятлар билан йўғрилганлиги ҳам асарларнинг муввафақиятини таьминлаган. У ўзининг барча асарларида инсон

маънавияти билан алоқадор ижтимоий ва ахлоқий масалаларни бутунликда ифодалайди. Уни миллий қадриятлар ва она табиат билан боғлиқликда очиб берди. энг муҳими, инсон табиатидаги эзгуликка зид хусусиятларнинг юзага келишининг туб замири тузумнинг ўзи, у жорий қилган муҳит, деган фикрни асарлари орқали илгари сурди.

Шукур Холмирзаев Абдулла Қаҳҳордан сўз тежаш, деталларга катта маънолар юклаш, қаҳрамон руҳиятида кечаётган зиддият, тўқнашувларни содда ва ҳаётий қилиб, ихчам тасвирлаш, диалоглардан жонли манзара яратиш сирларини ўрганди. Лекин бу таъсирни фақат ташқи кўринишдан изламаслик керак. Бу таъсирни қаҳрамонлар руҳий дунёсини акс эттиришдаги бадиий принциплар муштараклигидан изламоқ керак.

XX асрнинг 60-йилларида ўзбек ҳикоячилигида катта ўзгаришлар содир бўлди. Маънавият муаммоларига эътибор кучайди. Ҳикояда лирик руҳ чуқурлашди. Замондошимиз табиатидаги зиддиятларни тасвирлашга аҳамият ортди. Ҳикоячиликка Ў.Хошимов, Ш.Холмирзаев, У.Назаров каби моҳир, ўзига хос ёзувчилар кириб келди.

Ҳикоячиликда Абдкулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор анъаналарини янги босқичга кўтаришда Шукур Холмирзаевнинг ўзига хос ўрни бор.

Шукур Холмирзаевнинг қаҳҳорона услубда ёзилган “Поодачи” номли ҳикоясини ёзилишига Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси таъсир этган дейиш мумкин. Ҳаар икки ҳикояда ҳам яқинлик гап хўкиз тўғрисида борганида эмас. Гап ҳар икки ҳикояда бадиий мантиқ яқинлиги ва муштараклигида, характер яратиш борасида устоз адиб ижодий принципларининг шогирд томонидан ривожлантирилишида.

“Подачи” даги Остонақул чол жамоа хўжалигидаги хўкизнинг ҳаром ўли шига сабабчи бўлади. Эътиборсизлик ёки ўз ишига совуққонлик туфайли эмас, балки бу хўкиз кўп йиллар давомида Остонақул чолнинг оғирини енгил қилган, қанчадан-қанча қайғу-қувончларига шерик бўлган. Қисқа қилиб айтганда, кўпдан-кўп ширин ва аччиқ хотираларига гувоҳ. Шу хўкиз бехосдан қаттиқ касалланади-ю жон талвасасига тушади. Қани энди Останақул чолнинг сўйишга қўли борса. Чол бир неча бор бу ишга жаҳдланади ҳам, лекин юраги бетламайди. Оқибатда, подачи Остонақул жамоа хўжалигига хўкиз хунини тўлашга мажбур бўлади. Мана бу лавҳа

ҳар бир китобхонга кучли таъсир этувчи асарнинг иккинчи магнит майдонига дуч келамиз:

“Бўлим бошлиғи инқиллаб ўрнидан турди:

- Ота, гап тамом. Хўкизнинг пулини тўлайсиз! – У атрофдаги кишиларга ҳам бир-бир қараб олди.- Қасддан ўлдирган ҳисобланади... Келишликми, ота?

Остонақул чол секин бошини кўтарди:

- Хўп, ўғлим, тўлаймиз.

- Кечиктирманг, фақат! Камбағал эмассиз, белингиз бақувват, қариндош-уруғларингиз бор. Кампирингизниям йиғиб қўйгани бордир? Шундай бўлсин.. Мажлис тамом”.

Ушбу ёзувчи томонидан акс этилган парча ҳам бизга аввалдан таниш манзара десак муболаға қилмаган бўламиз. Остонақул чол мисолида биз Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси қаҳрамони Қлобил бобони кўргандек бўламиз. Шўрлик кампирлар ҳаёт шомида беш-ўн танга нимага деб йиғади? Бу барчага маълум. Ана шу ўлимлигига деб йиғганини тортиб олаётган қаҳрамонлар бизга таниш. Чунки “Ўғри” ҳикояси қаҳрамони Қобил бобони нг йўқолган хўкизини топиб бераман, деб уни баттар адойи-тамом қилганлар билан мажлис ўтказиб Остонақул чолга ҳукм чиқараётганлар икки замоннинг бир хил типлари дейиш мумкин. “Ўғри” даги хўкизни топиб бериш тадорогини кўрувчиларнинг Қобил бобо билан ишлари бўлмаганидек, “Подачи” даги Остонақул чолнинг шу ҳолатдаги қалби-ю, хўкизнинг бевақт ўлиб қолиш сабабини аниқлаш билан бу бошлиқваччаларнинг ҳам неча пуллик иши бор?[33]

Адиб халқ тили имкониятларидан кенг ва унумли фойдаланади. Асарда муаллиф ўз нутқини адабий тил нормалари асосида яратсаа-да, қаҳрамонларини ўзи туғилиб ўсган Сурхон лаҳжасида сўзлатади. Бу қаҳрамон жозибасини яна-да оширади. Биз кенг тўхталганимиз “Подачи” ҳикояси ҳам бу фикримизни асослаши мумкин.

Ёзувчи сўзни истифода қилиш, унинг ўзига хос семантик хусусиятларини теран ҳис этиш иқтидорига эга. Шунинг учун у бадиий тасвирда ҳар бир сўзга катта ижтимоий-фалсафий маьно юклайди.

[33] Каримов Н., Мамажанов С., Назаров Б. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юртлари учун қўлланма.- Тошкент: Ўқитувчи, 1999.-Б. 499-500.

Умуман олганда, Шукур Холмирзаев ҳар бир асарида тасвирланган катта-кичик детал, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, диалог-монологлар ва уларни мувофиқлаштирувчи муаллиф нутқидан ҳам қаҳрамонлар характери қирраларини очишда кенг фойдаланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.- Тошкент: Ўзбекистон, 2019.- 400 б.

2. Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол.фанлари номзоди... дисс.- Тошкент, 2000.- 130 б.

3. Каримов Н., Мамажанов С., Назаров Б. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юртлари учун қўлланма.- Тошкент: Ўқитувчи, 1999.- 544 б.

4.Холмирзаев Ш. Сайланма. I жилд: Ҳикоялар.- Тошкент: Шарқ, 2003.- 228 б.

УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА ДУНЁ ВА ИНСОН МУНОСАБАТЛАРИ ИФОДАСИ

Дилфуза ТАЖИБАЕВА,
НамДУ катта ўқитувчиси, (PhD)

Дунё ва шеърият мавзусида гап кетганда бу икки тушунчанинг бир - бири билан нечоғлик чамбарчас боғлиқ эканлигини англаб етасиз. Шоҳни ҳам, гадони ҳам тенг кўрувчи бу дунё рангин қиёфаларда елкасида асрлар юкини опичлаб ҳамон одимламоқда. Шеърият эса бу турфа хил дунёсиз ўзини намоён эта олмайди. Шеърият ва дунё ўртасидаги муносабатлар ифодачиси, уларни боғлаб турган кўприк, шубҳасиз, бу – шоирдир. Шоир оддий инсонлардан тубдан фарқ қилади. У кўпчилик эътибор бермаган гўзалликни кўра олади, у табиатнинг ҳар бир бўлаги билан сирлашади, дўст тутинади. Муҳаббат тилини тушунади ва у ҳақида куйлайди, ҳақсизлик ва бевафоликдан нафратланади. Ҳайрат ва ҳаяжон оғушида яшайди. Ҳар бир инсоннинг ўзига хос томонлари бўлгани каби ҳар бир шоирнинг ҳам ўз услуби мавжуд. Ижодкорнинг ўзига хос услуби унинг макон ва замонда бўлиб ўтаётган воқеа - ҳодисаларни тўғри танлай билиши, уни ўз хаёлидаги олам билан уйғунлаштира олиши,ўзига хос турли рамзий

ва мажозий поэтик тимсоллар ярата олиши, гўзал бадиий тасвир воситалари орқали ифодалашидадир.

Маълумки, 70 - йиллар ўзбек шеърияти оламига бир нечта иқтидорли шоирлар кириб келди. Ҳар бир ижодкорнинг бошқасига ўхшамаган ўзига хос ижод йўли, услуб қирралари мавжуд. Бу давр ижодкорларидан Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон ва Усмон Азимлар ижодидаги муштараклик, яқинлаштириб турувчи куч улар ижодининг исёнкорлигида эди. Бу давр ижодкорлари тўғри фикрни гўзал сўзлар орқали ифодалаш эмас, тўғри фикрни тўғри ифодалаш лозимлигини исботлай олишди. Инсон деган номни улуғлаш, унинг камситилишига, хўрланишига йўл қўймаслик уларнинг олий мақсади бўлди.

Усмон Азим шеърларида ҳеч кимга бўйсунмас, қайсар, шунинг билан бирга жасур ва журъатли бир поэтик тимсол мавжуд. У ҳақсизлик қаршисида ҳеч кимни аямайди. Кўнглидагини айтади-қўяди. Унинг дастлабки шеърларидаёқ биз бу қаҳрамонни учратамиз:

Мени севинг,
Мендан нафратланинг –
Бошқасига рухсат бермайман. [2, 10.]

Шоир учун инсонларнинг унга нисбатан очиқдан очиқ муносабати муҳим саналади. У ёлғон мулозаматни қоралайди, инсонлардан ошкора туйғуларни кутади. Шунинг учун ҳам Усмон Азимнинг жавоби жуда кескин ва аниқ: Севги ёки нафрат. Булар мантиқан бири иккинчисини инкор этса-да, инсондаги мавжуд катта туйғулар. Фақат “севги” ёки фақат “нафрат”. У севгилисидан ҳам ва бошқалардан ҳам мана шундай аниқ муносабатни талаб қилади. Чунки унинг ўзи шундай ва ўзи яратган бу қоидага амал қилади. *Мен сени севаман Ва нафратланаман, Майда туйғуларни кўрмайман раво...* Шеърни ўқиётган китобхонни “майда туйғулар”нинг нималар эканлиги ўйлантира бошласа-да, бу ўринда фақат икки туйғугина муҳим:

Шеър ёзаман – севги,
Шеър ёзаман – нафрат. [2, 10.]

Улуғбек Ҳамдам таъкидлаганидек: “Инсон фитратида бир пайтнинг ўзида ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик мавжуд. Улар – бир нарсанинг икки томони.” [4, 191.] Севги, муҳаббат ортидан эзгуликлар амалга ошса, нафратдан ёвузлик, қабиҳликнинг келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Аммо шеърдаги ҳолат ёвузликка олиб

келадиган даражада эмас. Бу очиқдан очиқ изҳор ва муносабат ифодаси. Чунки баъзилар ўз туйғусини очиқчасига билдирмаслиги, яширишга уринишлари шоирни ажаблантиради:

Сиз бўлса, лаънатилар,
Алдайсиз мени,
Қўлда ханжар тутиб
“Севаман” дейсиз . [2, 10.]

Шеърдаги “лирик мен” ҳақиқатгўй, фикрини ошкор этишдан қўрқмайдиган, *Сизга Нафратим ва Севгимни шеъримда айтяпман,* дея баралла ҳайқира оладиган қаҳрамон.

Мардлик, жасурлик барқ этиб турган бундай тимсоллар шоир шеърларида кўплаб учрайди. “Битик тошлар орзуси” номли шеърида ҳам фақат Усмон Азимгагина хос бўлган услуб гавдаланади. Шоир табиатидаги жанговорлик, кескин мушоҳада юритиш ижодкор шеърий услубининг ўзига хос қирраларини ифодалашга ёрдам беради:

Қоғозларга ёздим... Қоғозлар ёнди.
Бу сирни ўйладим – топдим ниҳоят:
Мен Усмон эмасман, Алптегинман – мен,
Энасой бағрида тўлғонган ғоя . [2, 149.]

Шоир “лирик мен”идаги руҳият ифодаси узоқ ўтмишни, қадимги ота- боболаримиз яшаб ўтган Энасой дарёси қирғоқларини кўз ўнгимизга келтиради, ўзини Алптегинга менгайди. “Лирик мен”даги ғайрат, шижоат шунчалик кучлики: *Қоғоз ярамайди менинг кунимга, Қоғозга кўчмайди ёнаётган юрак. Шалвираган қоғоз керакмас менга, Дардимни битгани менга тош керак* , [2, 149.] - дейишгача боради. Шоир қалбидаги дард, чегарасиз туйғулар ифодаси учун оддий “шалвираган” қоғоз “ярамайди”. Бу дард юкини кўтариш учун“битик тош” зарур. Шеър сўнгида “лирик мен” дунё билан мулоқотга киришади. Унга ўз истак ва талабларини қўяди: *Менга бир тош керак – осмон каби кенг, Ғазаб каби оғир, ғамдай бенаво...*

Адабиётшунос И.Ғафуров: “Одамнинг хоҳишлари кўнгилда денгизнинг тўлқинларидай пайдо бўлади. Тўлқиндай пайдо бўлиб, тўлқиндай ўчади. Лекин тўлқиннинг келиши тугамайди. Одамнинг хоҳишлари тўлқин бўлса, дунё шу тўлқинлар тўхтовсиз бош уриб борадиган соҳил”, [3, 218.] деган эди. Талаб этилаётган хоҳиш-истак – *Осмон каби кенг, ғазаб каби оғир, ғамдай бенаво... тош*ни

топиб бўлмаслигини шоир яхши билади. Лекин у шундай тошни топиб беролмаганлик сабабларини ахтаради:

Менга бир тош топиб беролмадинг, сен –
Тошлари тупроққа айланган дунё. [2, 149.]

И.Ғафуров “Ҳаё – халоскор” эссесида: “Дунё ҳеч қачон одам боласининг хоҳишлари билан ҳисоблашган эмас. Хоҳишлар тинимсиз енгилиб боради ва енгилган хоҳишлар кўнгилни ўзига мозор тутади. Ҳар бир кимсанинг кўнгли – бу енгилмас истаклар мозори. Хоҳишлари рўёбга чиқмаган одамлар дунёни тескари қурилган деб топадилар, уни хокдон ва ҳасратхона деб атайдилар ва шоирлар кўнгиллардан келиб турадиган нолаларни шеърга соладилар”.[3, 218.] - деган сўзлари Усмон Азим қаҳрамонига тарафкашлик қилгандай туюлади.

Шоир назарида инсон танаси бир неча бўлакларга бўлинган ва ҳар бири ўз ҳолича мустақил қисмларга ажратилган. Инсон эса ҳар бирини назорат қилиб турмоғи муҳим. Шоир тасаввуридаги бўлакларнинг худди инсонлардек “хоин” ва “сотқин”ларга ажратилишида жонлаштириш санъатидан ўринли фойдаланилади. Айниқса, бугунги тинч, мустақил, фаровон ҳаётнинг қадрига етмаётган кимсалар хоинлиги каби урчиб кетмаслиги керак. Танадаги “хоин” бўлакни англаб етиш билан уни “қатл этиш” даркор. Фақат ўлимга маҳкум этилган одамнигина қатл этиш мумкин. “Қатл этиш” – ундан бутунлай қутилиш чораси.

Ўзингни аяма,
Бешафқат бўлгин,
Жонингга солиб тур гоҳида буров
Шунда
Топилади
Хоин бўлагинг...
Унга раҳм қилма,
Қатл эт дарров [2, 124.]

Руҳшунос олимларнинг таъкидлашича, иши юришмаган ёки ҳадеб мағлубиятга учрайдиган инсонларнинг етмиш фоизига уларнинг ўзларини ўзлари назорат қила олмаганликлари сабаб бўлар экан. Шеърда инсоннинг ўзига нисбатан ўта талабчанлиги, ўзини тафтиш қилиши, ақлга бўйсунмаётган “хоин” бўлакларини ўзлик чегарасига йўлатмаслик масаласи ифода этилади.

Ҳаётда инсон учун энг қийин кураш ўз қалби билан кураш олиб боришдир. Инсон танасининг ҳар бир бўлаги унинг буйруғини

кутиб яшайди, хоҳиш-истакларини бажаради. Баъзан кўнгилда нималардир исён кўтаради. Шеърда мана шундай ҳолатларда инсоннинг ўзи билан кураш олиб бориши, ўзининг ички оламида ҳам осойишта вазиятларни барқарорлаштира олгандагина “сотқин бўлак”ларни енгиши мумкинлиги уқтирилади:

Ўзингни аяма,
Бешафқат бўлгин
Жанг қил
Била туриб
Мағлубиятни,
Шунда
Чекинади
Сотқин бўлагинг –
Маҳв эт шармандани,
Маҳв эт уятни. [2, 124.]

Шеър давомида инсонлар ўртасидаги ўта муҳим бўлган бирлик масаласи қаламга олинган. Бирлик бор жойда катта куч бор, уни ҳеч ким енга олмайди. Шоир: *Бир тан бўл, Бир сўз бўл, Битта тугун бўл – Фақат битта юрак, Фақат битта бош*, дея таъкидлайди. Инсон ўзи қобилиятини бир нуқтага жамлай олгандагина ўзини бошқара олади, тўғри, соғлом фикрлайди, ўзини англаган киши бошқаларни ҳам тўғри йўлга бошлайди, она юрти, миллати учун курашга чорлайди. Шоир шеър сўнгида бу дунёдан кейин ҳам “ўлик тана”нинг бўлакларга бўлиниб эмас, балки *дўстлар кўтарган бир тобутда* сўнгги манзилга етказилишини ният қилади:

Аммо курашларда қурбонлик расм,
Сени ташлаб кетса,
Сен севган ҳаёт,
Минг битта тобутда танинг ётмасин –
Дўстларинг кўтарган
Бир тобутда ёт . [2, 124.]

Инсон танасининг бўлакларга бўлиниб кетиши оқибатида руҳ вужудни бошқара олмай қолиши мумкин. Инсон ва жамият, миллат бирлиги, унинг аҳиллиги ҳам инсон танасига ўхшайди. Шундай экан, жамият барқарорлиги, миллат бирлигини сақлаб қолиш учун ўта муҳимдир.

“Услуб – ижодкор сийратининг акс этиши. Сийрат – ўзлик, индивидуаллик, ҳеч кимникига ўхшамайдиган асос. Истеъдод –

индивидуалликнинг тиниқ кўриниши, шахс бетакрорлигининг ёрқин ифодаси”,[1, 24.] – дея таъкидлайди адабиётшунос А .Расулов. Ижодкорнинг ўзига хос услуби унинг макон ва замонда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри танлай билиши, уни ўз хаёлидаги олам билан уйғунлаштира олиши, ўзига хос турли рамзий ва мажозий поэтик тимсоллар ярата олиши, гўзал бадиий тасвир воситалари орқали ифодалашида кўринади.

Усмон Азим – серқирра ижодкор. У бадиий адабиётнинг даврий ва абадий мавзуларида тинимсиз қалам тебратмоқда. Шоир ижодида даврга, инсонга ва дунёга бўлган ўзига хос муносабат кўзга ташланади. Унинг ўзига хос услуби шоир яратган поэтик тимсоллар характери ва ҳолатларида яққол акс этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Расулов А. Адабий танқиднинг таҳлил йўллари. – Тошкент: Университет, 2003. – 46 б.
2. Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – 432 б.
3. Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 384 б.
4. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 100 б.

ФИТРАТ ИЛМИЙ АСАРЛАРИДА НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

М.ЖАМОЛИДДИНОВ, *ҚДПИ доценти*
И.МИРЗАЖОНОВА*, ҚДПИ талабаси*

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш шоир яшаган ва ижод этган XV аср давридан бошланган. Бугунги XXIаср даврига қадар Навоий ижодини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар, катта монографиялар, рисола, ҳикоя ва романлар яратилди. Адабиётшуносликда Навоийшунослик мактаби ва Навоийшунос олимлар деган термин яратилди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, Навоий ижодини ўзбек адабиёти илми ютуқлари асосида ўрганиш XX асрнинг бошларидан бошланди. Навоийнинг фанда номаълум бўлган асарлари топилди, таълим тизимида ўқиш, ўрганишга кенг имкониятлар эшиги очилди.

Айниқса, тарих саҳифаларида асримиз бошларида уйғониш даврини бошлаб берган жадидчилик даври адабиёти вакиллари,

Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқа маърифатпарварлар ижодида ҳам Навоий ижодига кенг ўрин берилган. Лекин собиқ шўро тузуми даври жараёнлари таъсири сабабли қатағон қурбонлари бўлган жадидлар ижодини ўрганишдан маҳрум бўлдик. Улар "Буржуа ёзувчилари" сифатида қораланди. Жадидлалар ижодига назар ташласак, Навоий ижодини ўрганиш бўйича катта саҳифалар очилганини кўрамиз. Хусусан, эски мактаб, янги усулдаги жадид мактабларида хам Навоий ижодини кенг ўрганилганлиги асарларда ўз аксини топган. Авлоний ёзади:"Бизим Туркистон макотиби исломиясинда аввалдан охира қадар таълим ўлинажак китоблар: "Чаҳор китоб", "Сабот ул-ожизин", "Фузулий", "Навоий"," Хўжа Ҳофиз"," Бедил", "Маслак ул-муттақин" лар каби шеър китоблари ўлдиғи жумланиниг маълумидир. Бу китобларниниг баъзилари эътиқод ва амалиёти исломияға му таалуқ, мушкул масалалардан иборат ўлғонларидан ҳамда аксарлари форсий тилда ёзилғонлари учун ёш болаларимизнинг онлардан истифодалари бир нарса англамоқлари имкон ҳорижинда эди"[34].

Жадид адабиётида катта саҳифани эгаллаган жамоат арбоби,шоир,драматург,мунаққид,адабиётшунос олим Фитрат Навоий ижодини чуқур ўрганади ва шоир ижодига юқори баҳо беради.У ўзининг "Фарҳод ва Ширин достони тўғрисида"ги илмий маколасида, "Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида"[35]гимақолаларида, халқ оғзаки ижодида ва шарқ адабиётида яратилган "Фарҳод", "Ширин" образларини яратилиш тарихини илмий жиҳатдан мукаммал ёритиб берган. Айниқса, юқоридаги мақолаларда Фитратнинг зуллисонайн олим (араб, форс, рус, турк тилларини билган) сифатида чуқур билим эгаси эканлиги ёрқин намоён бўлади.

Фитрат "Фарҳод ва Ширин " достони тўғрисидаги маколасида китобхонга Фарҳод,Ширин образи қахрамонлари , Туркистон ўлкасида яшаганлиги тўғрисидаги афсона, Навоий ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси,"Хамса" асариниярatиш бобида улкан даҳо эканлигини илмий равишда асослаб беради. Жумладан, 1925- йилда Хуршид томонидан (асл номи Шамсуддин Шарафиддинов 1892-1960-йилларда яшаган) "Фарҳод ва Ширин" достонини опера либреттоси яратилади.1924-1929-йилларда "Тилак"театр

[34]А.Авлоний.Танланган асарлар.2жилд. -Т.: Маънавият, 1998. –Б.80.
[35]Фитрат.Танланган асарлар.2-жилд. –Т.: Манавият, 2000.

труппасига раҳбарлик қилади.Унинг сценарийсида “Севимли бир ҳикоя шаклига кириш адиб Алишер Навоий каби уста ёзувчиларнинг фабрикасида ишланиб қимматбаҳо бир мол ҳолига қўйилмушдир.Фарҳод ва Ширин ўзининг она чўпчаги бўлиб ,ҳар бир ўзбекнинг ёшлик чоғидан мияларига ўрнашиб қолган бир ҳикоядир . Бу асар эл оғзида хитой,арман,эрон кишилари орасида ўтганлиги сўйланса ҳам аммо ТуркистондаХўжанд шаҳари ёнидағи Мирза- чўл устида бўлған Фарҳод тоғи,Ширин сойидан олған таасуротимга суялиб воқеани Туркистонда деб айтишга жасорат қиламан”,- деб ёзади.[36]

Фитрат бу афсонадан таъсирланиб,Фарход ,Ширин номлари ва уларнинг ёзма адабиётда яратилиши ҳакида илмий равишда маълумотлар беради. Маълумки, достончилик узоқ тарихга эга.Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида Хусраву Ширин учун ўрин берганлигини таъкидлайди ҳамда Ширин образини яратилиш тарихини тушунтиради.

XII асрда яшаган Низомий Ганжавийни “Хамса”асаридаги “Хусрав ва Ширин” достонини таҳлилга тортади.Бу асарнинг бош кахрамонлари Хусрав ва Ширин,Фарҳод образи эса иккинчи даражали образ сифатида келади. Асарда Фарҳод образи уста тошчи йигит бўлиб тасвирланади.Фарҳод Ширинниng амри билан тоғдан қасрга ариқ қазиб келади. Шу жараёнда Ширинга интимик ошиқ бўлиб қолади.Аммо Хусрав буни сезиб қолади ва унга шарт қўяди: “Бесутун тоғида (Эронда) менинг қўшним ўтадиган йўл қазиб берасан”- дейди. Бугунги кунда Бесутун тоғида “Фарҳод-Кўҳкан” афсонаси билан боғлиқ суратлар бор деб таъкидлайди. Аммо Фарҳод “чол хотиннинг ҳийласи билан”вафот этади.

Низомийнинг достони мукаммал чиққанини, унга тақлидан ёзма адабиётда кўплаб шоирлар “Хусрав ва Ширин” достонини яратганлар.Тақлидчилардан энг машҳури XIV асрнинг биринчи ярмида яшаган Хусрав Деҳлавийдир. Фитрат Хусравнинг достонидаги образлар ҳакида маълумот беради. Жумладан,Фарҳод Чин хоқонининг ўғли бўлади.Сарой тошчиларининг ишларига ҳавас қилиб ,тошчиликни ўрганади.Отаси фарзандининг бу ишидан хабар топиб,орият,номус қилиб ўғлини ўлкасидан қувғин қилади. Фарҳод ғарибликда Ширин билан учрашади...

Алишер Навоий ўзидан олдинги салафларидан ижодий ўрганиб, “ Навоий мана шу йўлда тушуниб янги бир асар ёзишга

[36]Фитрат. Танланган асарлар. –Т.: Манавият, 2000. –Б.105.

қарор берадир. Бу асарнинг номи Низомий ва унинг тақлидчиларининг асарлари каби “ Хусрав-у Ширин”, “Ширин-у Хусрав” эмас “Фарҳод-у Ширин”дир. Навоий асарнинг биринчи даража қахрамони қилиб Фарҳод билан Ширинни оладур”[37]-деб ёзади.

Фарҳодни Навоий комил бир инсон типида олади . Бу мукаммал шахсни камбағал тош усталари орасида кўрмак Навоийга ёқмайди . Бу типдаги одамлар тўралар , беклар,хонлар орасидан чиқади деб гумон қилади ва Чин хоқонининг ўғли қилиб кўрсатади. Адабиётда Фарҳод образи бадиий жиҳатдан мукаммал ишланган образдир.

Навоийдан кейин туркий ҳалқлар орасида “ Фарҳод ва Ширин”достони кўп ўқилганлигини бироқ тилининг эскирганлиги сабабли ўқилиши қийинлашди.Шунинг учун янги ёзувчилар Навоий ижодидан таъсирланиб тушунарли ўзбек тилида достонлар яратганлигини муаллиф келтиради. Хусусан, XIX асрда Умар Боқий “Фарход ва Ширин” достонини, Маҳзун тахаллусли шоир томонидан ҳам “Фарход ва Ширин” достони насрий йўлда яратилганлигини баён этади

Фитрат Навоийнинг форсий тилда ёзган шеърларини ва “Фоний” тахаллуси қўйганлигини иккинчи илмий маколасида мукаммал баён этади. У “Навоийнинг форсий шеърларида унвони “ Фонийми? Фаноийми?” деган масалага аниқлик киритади. Жумладан, баъзи тазкираларда форсий шоирлар “Фаноий” тахаллусини келтирганлигини, Бобурномада Фаноий эмас Фонийдир дейди” деб Навоийни ўзи “Лисон ут-тайр” номли китобида:

Форсий назм ичра чун сурдим қалам
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам
Файз этғач ул маонийдин манго,
Топди билгу назм “Фоний” дин манго[38]

Форсчадаги шеърларига “Фоний” тахаллусини қуйганлигини ҳамда “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида 15 ёшидан 45 ёшига қадар форс адабиёти билан чуқур шуғулланганлиги ҳақида кенг маълумот оламиз.

Хуллас, Фитрат Навоийшунос олим сифатида ўз ўрнига эга .Фақат унинг Навоий ижодини ўрганишдаги илмий меросини умум

[37]Ф итрат. Танланган асарлар. –Т.: Манавият, 2000. –Б. 116.
[38]Фитрат.Танланган асарлар. –Т.: Манавият, 2000. –Б. 5.

таълим ва олий таълим мактаблари ўқувчиларига ўргатиш жараёнида кириш машғулотларида батафсил тушунтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу бизнинг келгусидаги илмий тадқиқотимизнинг асосий мавзусидир.

БАДИИЙ МАТНДАГИ РАНГНИНГ ИФОДА ХУСУСИЯТЛАРИ

Абилжон АБДУРАХМОНОВ,
Фар ДУ ўқитувчиси, PhD

Ранг мавзуси ҳам инсоният тараққиёти давомида қадим даврлардан турлича йўналишларда ва турлича нуқтаи назарлардан келиб чиқиб ўрганиб келинган. Рангнинг эстетик-хроматик масалаларига оид назарий тадқиқотлар Европа антик даврида диний-мифологик ҳамда илк натурал фалсафий қарашларда: Афлотуннинг «Тимей», Аристотелнинг асарларида, Эмпедокл ва Демокрит қарашлари акс этган Теофраст баёнларида[39] ўз ифодасини топган.

Кейинги даврларда С.С.Алексеев, Л.Н. Миронова, А.Зайцев, А.В.Луизов[4041] кабиларнинг ранг табиатига бағишланган монографиялари юзага келган. Жаҳон адабиётшунослигида Б.Тайлор, В.Тернер, А.М.Веселовский, В.А.Потебня, В.М.Жирмунский, А. Камю, А.Лосевлар[42]нинг ранг рамзлари масаласи бўйича тадқиқотлари эътиборлидир. Бу хусусда С.Дондершин (S.Dondershine)[43]нинг ранг ва унинг ўзига хосликларига оид монографик тадқиқоти аҳамиятли бўлиб, муаллиф ранг ва у орқали руҳиятдаги ўзига хосликнинг эгалланиши масаласи кенг тадқиқ этган. Шунингдек, турк ҳамда озарбайжон[44]

---

[39] Платон Тимерий/пер. С древнегреч. С.С. Аверинцева // Собр. Соч. В 4-х т.Т.3. – М.: 1994.Аристотель. О душе/Соч. в 4-х. Т.1.– М.: 1975.Теофраст. Об ощущениях// Серов Н.В. Античный хроматизм. СПБ., 1995.

[40]

[41] Алексеев С.С. Цветоведение. - М.: Искусство, 1952. - 148 с.; Миронова Л.Н. Цветоведение. - Минск: Вышэйшая школа, 1984. - 287 с.; Зайцев. А. Наука о цвете и живописнось. – М.: Исс-во, 1986.; Луизов А.В. Цвет и свет. - Л.: Энергоатомиздат, 1989. – 256 с.

[42] Қаранг:Тернер Виктор. Символ и ритуаль. - М.:1983.; Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М.: Искусство, 1976. - 367 с.; Потебня А.А. Символ и миф в народной культуре. – М.: 2000. – 480 с.

[43] Dondershine S. Color and Identity in A.S.Byatt's Possession. San JoséState University. USA, California.1998.

[44] Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе, Дониш, 1987. - 108 с.; Kurbanov S. Azerbaycan halisinda renklerin uygulanmasi // Turkiyat Arastirmalari Enstitusu dergisi. - Erzurum, 2001. - S. 211- 214; Ганж Р. Турк инончлари ва миллий урф- одатларида ранглар. - Анкара, 1997. –- 177 б.; Саидов М. Кўк, оқ, кора рангларнинг эски инончлар ила алокаси // Озарбайжон ФА хабарлари, 1978, № 2. –Б.52-54; Шукуров Ш.М. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. – М.: Наука, 1983.-176 с.

адабиётшунослигида ҳам бу масала юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Рус адабиётшунослигида П.А.Суслов, О.В.Мазуренко, Е.А.Бурштинская[45] кабиларнинг монографик тадқиқотлари миллий адабиётда рангларнинг қўлланиш хусусиятларини ёритишга бағишланган.

Рангларнинг насрий асарларда қўлланиши лирик асардагига қараганда фарқланади. Биламизки, лирик асарда қўлланган ранг ўта рамзийлик касб этиб, ҳаттоки образ даражасида ўз рамзий ифода хусусиятига хос намоён бўлиши мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, шеърий образларнинг ҳар қайсисига “ўз туси”ни ошкора ўтказиб юбориши ҳам кузатилади.

Бу жиҳатлардан насрий асарларда нисбатан анча ўзгача ҳолат. Чунки насрий асарда фикрлар қатъий ва ўлчамли қолипга солинишдан анча йироқроқ. Бу ўз ўрнида ёзувчини “фикрни саноқли сўзларда айтиб олиш” заруратидан халос этади. Лирик асар сюжети, одатда, сайёралар сингари тарқоқ бўлиб ҳаракатланса, насрий асар бадиий мақсад сари океанга интилган тоғдан оқиб бораётган дарё сингари анча ошкор ва кўринарли ҳаркатланади. Рангдан асарда фойдаланиш жиҳатларига келсак айнан шу юқорида мисол келтирганларимиз каби жараён содир бўлади. Яъни, лирик асарда ранг “ҳар бир сайёра” учун алоҳида қўлланилган бўлиши ҳам мумкин. Ва бу колорит ва контрастлик шоирнинг бадиий тафаккурида кечиб, илгари сурмоқчи бўлган ижодий ғоясини кескин ва конкретликда кўрсатиб беришга ўринли хизмат қилади. (Чунки кескинлик ва конкретлик лирик турни намоён қилувчи муҳим жиҳат санади.) Битта лирик асар таркибида бир неча рангга мурожаат қилиниши ҳам мумкин. Шунингдек бир сатрнинг ўзида ҳам икки, ҳаттоки уч рангга мурожаат қилиш орқали ижодий ғоя ифодаланиши мумкин. Буни мумтоз шеъриятимиз намуналарида кузатамиз. (Масалан, Навоийнинг “қизил, сориғ, яшил” радифли ғазали.

Лирик асардаги "сайёра образлар" асар марказидаги “қуёш”нинг рангидан тусланиш баробарида, ўз рангларида ҳам акс эта олишади.

[45] Суслов П.А.. Цветопоэтика рассказов В.В. Набокова: семантика, функциональная значимость, роль в структуре текста. Дисс.... канд. филол наук. – Иваново, 2015.- 198 с.; Мазуренко О.В. Цветосюжет в лирике А. Блока. Дис...канд. филол. наук. – Воронеж, 2014.. –204 с.; Бурштинская Е.А. Цвет как аспект литературного портрета в художественной прозе И.С. Тургенева. Дис. на соис.уч.с. канд.филол. наук. – Череповец, 2000. –196 с.

Насрий асарларда рангларнинг қўлланишини икки ҳолатда кузатамиз:

1. Насрий контекстда рангларнинг статик намоён бўлиши. 2. Насрий контекстда рангнинг динамик намоён бўлиши.

Биринчи ҳолат бўйича насрий асарда юқоридагидек рангларнинг кескин намоён ҳолатлари деярли кузатилмайди. Насрий асар сюжети тизимли тузилишга эга бўлганлиги боис, ўзи "оқиб ўтаётган" бадиий маконнинг рангини бутун асар бўйлаб олиб боради. Шунинг учун насрий асарда лирик асар сингари келтирилган рангга тез-тез мурожаат қилиб туриш эҳтиёжи кучли бўлмайди. Бир сўз билан айтганда насрий асарда рангнинг қанчалик кўп қўлланиши унинг ёзувчи бадиий ғоясини очиб беришдаги нуфузини ошириб қўймайди. Муҳими у бадиий ғоя булоғи дастлаб қандай "рангли макон"ни босиб ўтганлигидир. Ўша ранг охир-оқибат ўзи билан асар сюжетидаги барча образ, деталь ва бошқа қисмларга ўз рамзий ифода хусусиятига хос "рангини уради".

Тадқиқотчи С.М.Соловьев "ранг эпитетларини статистик таҳлилини адабий асардаги бир хил образлар таҳлили билан уйғунлаштириш бир ёзувчининг ҳар бир асаридаги услуб характерларининг янги қўшимча хусусиятларини, турли ёзувчиларнинг ва ҳаттоки бутун оқим ва мазкур давр колоритини бера олиши мумкин" (1, Б. -54-56), деб таъкидлайди.

Адабий асарларнинг ранглар билан тўйингалигини аниқлашда С.М.Соловьев ранг қўлланиш сони □С дан фойдаланади (Ранглар зикр этилиш сони).

$$C = \frac{\text{нашр этилган иш варақаларининг сони.}}{\text{нашр этилган иш варақаларининг сони.}}$$

Шу орқали рангнинг бадиий асардаги аҳамиятини белгилаш мумкин деб С.М.Соловьевнинг бу тарздаги рангнинг бадиий асардаги қўлланишига ҳукм чиқариб қўйиши тўлиқ қўшилиб бўлмайдиган ҳолатдир. Ёзувчи асар бошида бизни таништирган "субьектлар"ини маълум бир рангда "таништирган" бўлади. Шундан келиб чиқилса, уларни ҳар бир сатр ёки сатрбошида яна ўша "рангга бўяб туриш"га эҳтиёж йўқ. Китобхон тасаввури дастлабки танишув моментида уларни ранги билан тасаввурига жойлаб олиши табиий.

Демак, шундай асарлар бўладики баён бошида маълум бир рангга бир ёки кўпи билан уч-тўрт марта мурожаат этилади. Аммо

бу мурожаат “ранги” китобхон хотирасида асар сўнггигача сақланиб қолади. Шундай имкониятдан фойдаланган ёзувчи эса ўша рангнинг товланиш ва тусланишларидан ўз бадиий ғоясини ижодий мақсад сари йўналтиришда унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлади. Бунда у албатта рангнинг рамзий ифодасига суянади.

Масалан, Маъсума Аҳмедованинг “Яшил пальто” (2) ҳикоясини олайлик. Асарда “яшил” ранг сарлаҳасидан ташқари тўрт марта келади. Биринчисида тугмани, қолган учтасида пальтони сифатлайди.

Ҳикоя номидан воқелар нима ҳақида кетиши китобхонга кундай аён. Шунинг учун баёнда “яшил пальто”ни ҳадеб таъкидлашга эҳтиёж унчалик сезилмагандек. Ҳикоя сюжети “қаҳрамонимиз”нинг қўлига олган ялтироқ “яшил тугма”дан бошланиб кетади. Яшил тугма албатта яшил кийимда бўлиши мантиқий. Тугма борки, демак у бириктирилган кийим ҳам мавжуд бўлган. Демак, матда айнан шу нуқтадан бадиий ғоянинг “ранги” “бўялди”.

Юқорида айтиб ўтилганидек, лирик асарда ранг символикасидан ўта ёрқин ва кескин ғоявий-эстетик муносабатлар ошкор этилишида қўлланилса, насрий асарда чиқарилаётган бадиий хулосага ўша рангнинг рамзий ифода хусусиятлари сингдирила боради.

Ҳикоядаги қиш кунларида курант тагида кўк рангли жун жемперда қолиб кетган қаҳрамонимиз тақдири китобхонда катта хавотирли қизиқиш уйғотади. Эътибор қаратилса, ҳикояда яшил рангдан бошқа яна бир ранг – кўк ҳам ишлатилган. Энди рангларинг рамзий ва табиий хусусиятларидан келиб чиқиб талқинласак, кўк – совуқ ранг. Гарчи у жунли жемпер туси ифодасида берилган бўлсада, совуқлик – ночорликни ифодалаяпти. Қиз ўзини ўзи автобус келгунича совуқотмаётганига ишонтишга мажбур. У эгнидаги ночорлик, имконсизлик билан курашишга қорли изғирин кечган бир ҳафта мобайнида куч топа оляпти. Яшил ранг илиқлигидан бошланган китобхон тасаввурлари кўк рангнинг совуқ исканжасида қиз билан биргаликда унинг уйи томон, яқинлари томон ҳаракатланади.

Уйи томон шошилиб кетаётган қиз тимсолига яна бир ранг “ёпишади”. Бу қизнинг “ичидаги” “жигарранг кўйлаги”. Жигарранг

ҳам бу ўринда ўзига хос рамзийлик касб этиб келган деб талқинлаш мумкин. Чунки жигаррангда рамзи ўзликда қола олиш ва қатъият кабилар ифодаланади.

Ва ниҳоят, ҳикоя финали: “яшил пальто”. Китобхонни асар бошида дарак бериб қўйиб, куттирган манзил. Яшил деталча – тугма сюжет бўйлаб китобхонни каттароқ детал – пальтога етаклаб келди. Шу ўринда яшил рангнинг рамзий ифодасига тўхталсак. Яшил ранг, аввало, тириклик – дов-дарахтлар ранги. Исломда Ҳизр тимсоли. Ҳаёт тимсолиин англатади. Айнан пальтонинг яшил бўлиши ҳам ёзувчининг бадиий ниятини янада ошкор этишида муҳим аҳамият касб эта олган. Қиз оиласи даврасига борди. Қизни у ерда яшил пальто – иссиқ меҳр тимсоли кутиб турарди.

Ҳикояни ўқиш баробарида қор учқунлаб турган совуқ изғирин ичида ўша тугмадаги яшил ранг “бўяб қўйган” таассурот қаҳрамон тақдирига хавотирланган китобхонга далда бўлиб, ўз илиқлигини улашиб туради. Асар финалида эса қаҳрамон билан биргаликда оилавий меҳр тафти тимсолида яшил иссиққина пальтога бурканиб олгандай кайфият ҳосил қилади. Кўринадики, асарда сюжетидаги воқеликлар динамикасида ўз туси билан доминантлик қилган яшил ранг асар бошида намоён бўлишининг ўзи билан бутун асарга рамзий ифода таъсирини ўтказа олади. Ҳикояда қайта-қайта яшил рангни эслатиб туришга эҳтиёж қолмайди. Бу, албатта, насрий асарда ранг қўлланишининг лирик асардан энг муҳим фарқли томонидир.

Аёнлашадики, насрий асар матнидаги рангларнинг қанчалик кўп миқдорда қўлланиши эмас, ижодий ғояни ташкилловчи асосий омил бўла олиши муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Соловьев С.М. Цвет, число и русская словесность // Знание сила. 1971. № 1. С. 54 - 56.

2. Маъсума Аҳмедова. “Яшил пальто”. Ҳикоя. “Шарқ юлдузи” журнали, 2016 йил, 4-сон.

СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ ДАРСЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ВОСИТАСИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Нилуфар АБДУЛЛАЕВА,
НамДУ, педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Синфдан ташқари ўқиш дарслари самарадорлигини оширишда ўзбек болалар адабиёти намуналаридан фойдаланиш бўйича қатор методист олимлар ўз тавсияларини беришган [90]. Халқимиз орасида сатирик тимсол даражасига кўтарилган бўри, тулки, каламуш, қарға, чумчуқ каби кўплаб ҳайвонлар, парранда-ю даррандалар образидан фойдаланиб яратилган юмористик образлар билан турли хил жониворлар, дов-дарахтлар, ўсимликлар олами, ҳар хил предмет ва ҳодисаларга ҳам мурожаат қилинганлиги ўқувчида бу образларга нисбатан завқ, қизиқиш уйғотиш тадқиқот ишларида ёритилган.

Биз таълим амалиётида синфдан ташқари ўқиш дарсларини интегратив ёндашув асосида ташкил этишга доир амалий жараён хақида фикр юритамиз, Анвар Обиджон, Дилшод Ражабов, Абдураҳмон Акбар, Рустам Назар, Усмонжон Шукуров каби шоирларнинг ижод намуналарини синфдан ташқари ўқиш дарсларида интегратив ёндашув асосида ўқиб ўрганишни тавсия қиламиз. Анвар Обиджоннинг “Жуда қизиқ воқеа” номли шеърий тўплами бошдан оёқ юмористик шеърлардан ташкил топган. Шоирнинг ўзи ҳам китоб муқаддимасида: “...болаларнинг дунёси, она табиат нафаси, турли буюм ва жонзотларнинг сирли олами ҳақида иложи борича қувноқроқ тарзда сўз юритишга ҳаракат қилдим”, - дея эътироф этади. Тўпламдаги “Хабар сотувчи” шеърини ўқигандаёқ бу ҳолни яққол ҳис этиш мумкин. Мазкур шеър халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ достонларидаги шаҳар кезиб турли-туман молларни сотиб юрувчи атторлар қўшиқлари усулида ёзилган бўлиб, қувноқ юморга бойлиги билан диққатни тортади. Бадиий адабиёт намуналари эстетик завқ бағишлаш билан бирга ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан “Одобнома” ўқув фани билан интеграциялашга эришиш мумкин.

Болалар учун яратилган шеърларда турли-туман ҳайвонлару парандалар, жониворлар ҳақидаги “эски-янги гап”лар “арзон баҳо”га сотилиши таъсирчан манзараларда тасвирланади. Бунда

“янги гап”ни кепаксиз унга-ю, эскисини пуч ёнғоқу совунга “алмашиши”дан тортиб, каптарнинг тушида бургутни еб қўйишигача, тулкивойнинг битта хўрозни тутиб келиб, бўрига ҳиринглаши-ю, ҳазилни унча хуш кўрмайдиган бўрининг аввал хўрозни, кейин тулкининг ўзини ейишигача, уч йил бир синфда ўқиган эшакнинг айиқни “саводсиз” деб ҳақорат қилишигача, хуллас, кўплаб мажозий образларнинг хилма-хил юмористик руҳ билан йўғрилган қиёфаларини кўрамиз.

Шоирлар қисқа сатрларда ҳар бир мажозий образнинг ўзига хос характерини қувноқ кулги воситасида яратишга эришадилар. Жумладан, Қуённинг юмористик образини ўқувчи қуйидагича тасаввур қилади:

Қуён Йўлбарс терисин
Ёпиниб юриб.
ҳушдан кетди, кўзгуда
ўз аксин кўриб.

Буғдой, пахта, сабзи, тарвуз, узум, ўрик, шолғом, анжир, пиёз, қалампир, ҳандалак каби кўплаб полиз маҳсулотлари ва мева-чевалар ҳақидаги шеърлар воситасида ўқувчиларнинг образли тафаккур юритиш қобилиятини ривожлантириш мумкин. Синфдаги ўқувчилар мева ва сабзавотлар тилидан шеърлар ўқиб, улар қиёфасида фикр юритадилар. Ҳар бирининг афзалликлари бошқа ўқувчилар томонидан изоҳланади. Бу образлар воситасида шоир қандай мажозий маъноларни ифодалашга ҳаракат қилганлигига ўқувчилар диққати қаратилади. Қалампирнинг хусусиятлари қандай? Уни аччиқ тилли, заҳар одамларга ўхшатиш мумкинми? Агар қалампирни шундай хусусиятли одамларга ўхшатиш мумкин бўлса, унинг фойдали томонлари ҳақида нима дея оласиз? Нега одамлар уни хушхўр ўсимлик нави сифатида хилма-хил салатларга, овқат-у маҳсулотларга, тузламаларга қўшиб истеъмол қилишни хуш кўришади? (ўқувчилар жавоби тўлдирилиб, муайян хулоса чиқаришга даъват қилинади.)

Демак, қалампирнинг аччиқлиги айрим одамларга салбий хусусиятни ифодалайди, аммо унинг шифобахш хусусияти борлиги, меъёрида истеъмол қилинса, инсон организмига фойдали экани одамларга ҳам, ўсимликлар, ҳайвонлар, паррандаларга ҳам бирёқлама муносабатда бўлмаслик кераклигини англатади. Айрим салбий хусусиятлари баъзи одамларни батамом ёмон одам деб хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Қалампир каби уларнинг

бошқа одамларга фойдаси тегадиган яхши сифатлари ҳам бўлиши мумкин. Биз ҳамиша юзаки, шошилинч, бирёқлама хулоса чиқармаслик учун одамларни, нарса ва ҳодисаларни аввал пухта ўрганмоғимиз лозимлиги ҳақидаги ҳаётий хулосага етиб келинади. Шу ўринда тилга олинган мева ва сабзавотлар йилнинг қайси фаслида, қаерда етиштирилиши, уларнинг инсон саломатлигига фойдаси ҳақидаги билим ва тушунчаларни узвийлаштириш ҳам ўринли деб ўйлаймиз.

Қуддус Муҳаммадийнинг “Табиат алифбеси” туркумига кирувчи дов-дарахтлар, ўсимликлар, мева-чевалар, табиат ҳодисалари ҳақидаги шеърлари ҳам ўқувчилар учун қизиқарли. Ҳар бир ўсимлик ёки мева-чева, дов-дарахтларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни ранги, таъми, тузилиши, шакли тасвири орқали катта бадиий-эстетик ва маърифий маъно чиқариш имконинигина бериб қолмай, “Ўқиш”, “Табиатшунослик”, “Она тили” ўқув предметлари интеграцияси асосида билим ва тушунчаларни шакллантиришга ҳам имкон яратади. Шоирнинг ўзи “Тоғ гуллари” шеърида айтганидек:

Табиат кенг, улуғ мактаб,
ҳаммаёғи дарсхона.
ҳар гул барги олтин варақ
Китоб билсанг ягона.

“Атрофимиздаги олам” тасвиридан болалар табиатига оид маъно чиқариш, энг муҳими, поэтик мазмунни кичкинтойлар қалбига ниҳоятда яқин бўлган халқ оҳанглари усулида яратиш Қуддус Муҳаммадий ижодий анъаналарини муваффақият билан давом эттирган Анвар Обиджон ижодига ҳам хосдир.

Анвар Обиджон яратган мажозий образлар қувноқ, юморга бой нарса қиёфасини кўз олдимизда намоён қилади:

Юпқагина пўстим бор,
Далада кўп дўстим бор.
Мақолда ҳам ёзиқман.
ўша “олтин қозиқ”ман.
Ётсам ерга қапишиб,
Думгинамдан тортишиб,
Ташладилар ўрага...
Салом палов тўрага! (8-бет)

Шоир сабзи образини китобхонлар тасаввурида жонлантиришда ўзига хос тасвир усулларидан, қофия санъатидан унумли фойдаланган. Халқ мақолини эслатиш билан унинг кўринишини болалар ёдига туширса, “пўстим”, “дўстим”, “ёзиқ”, “олтин қозиқ” каби қофиялар орқали бадиий оҳангнинг таъсирчан ва қувноқлигига эришади. Айниқса, шеърнинг сўнгги қисмидаги “Ётсам ерга қапишиб, думгинамдан тортишиб” каби мисралар юмористик кулги ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди,” – деб ёзади ёш олима Т.Жўраева [52].

Шоир “Тарвуз” ҳақидаги шеърида “Роса қорин қўйдим мен”, дея тарвузнинг думалоқлигини юмор билан ифодаласа, “Шолғом” шеърида редискани ўзининг укаси, ҳали ёш бўлгани учун шошиб баҳордаёқ пишар, деб хабар берган шолғом “Мен шошмайман, беғамман. Шунинг учун Шолғомман” дея қувноқ қаҳқаҳа ҳосил қилади.

Шоир ҳар бир шеърида мева-чева, полиз маҳсулотларининг поэтик суратини яратар экан, улар портрети, табиатига хос бўлган ташбеҳлардан, образли тасвирлардан моҳирлик билан фойдаланади. Чунончи, “Анжир” шеърида унинг гулламай мева тугишини таърифлар экан, мевасини “Тилло рангли кулчадир”, – деб ўхшатиш санъати орқали анжирнинг бадиийлашган образини кичик китобхон кўз ўнгида намоён қилади:

Ғўддаймайман, сипоман.
Кўп дардларга шифоман. (9-бет)

Ушбу мисралардаги юмористик оҳанг (“Ғўддаймайман, Сипоман”) анжирнинг етакчи хусусияти (“Кўп дардларга Шифоман”)ни очишга хизмат қилади. Ўқитувчи қатор муаммоли саволлар орқали мева ва сабзавотлар, уларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида ўқувчиларни фарқлашга йўллаши мумкин.

Шоир юмористик оҳанг ва кулгини ҳар бир образнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб яратади. Масалан, “Қалампир”

шеърида қалампирнинг ҳарактер хусусияти рангининг қизиллиги ва аччиқлигига урғу қаратилиши орқали юмористик образ даражасига кўтарилади. Шеърда ўзининг “эски касали – асаби чатоқроқ” эканлигини айтган қалампирнинг юмористик портрети қуйидагича чизилади:

Чиқса бирдан аччиғим,
Тутиб юрак санчиғим,
Япроқларим гезарар
Бурним дарров қизарар. (11-бет)

Шеърдаги образнинг бошдан оёқ мажозийлашиши, унинг жаҳлдор инсонларга хос бўлган хислатлар билан тасвирланиши ёш китобхон тасаввурида, бир томондан, қалампирнинг поэтиклашган юмористик образини намоён қилса, иккинчи томондан, ўзлари ҳаётда кўриб-билиб юрган баъзи жаҳлдор, асабий одамларни кўз ўнгига келтириб кулишларига олиб келади. Бинобарин, шеърдаги қалампир образининг шу тариқа поэтиклаштирилиши китобхоннинг кулгисига сабаб бўлиб, завқини келтириш билан бирга шеъриятга, бадиий ижодга бўлган меҳр-муҳаббатини ҳам ошириб, эстетик дидининг шаклланишига хизмат қилади. Ўқитувчи эса айни вазиятдан ўқувчини фикрлатишда, нутқини такомиллаштиришда фойдаланса, таълим ва тарбия узвийлиги таъминланади. Айни дамда шеърда тасвирланган тарвуз, қалампир, сабзи, пиёз образини ранг тасвир орқали гавдалантириш ўқувчиларга топширилса, интеграциялашган технология амалга ошади.

“Пиёз” шеърида ҳам поэтиклашган пиёз ерга бекиниб олса ҳам ошпазлар уни топиб олиб чопишлари, бундай бедодликдан пиёз йиғламаса ҳам ошпазларнинг ўзлари роса йиғлашларидан ҳайронлигини шоир кулгили тарзда ҳикоя қилади. Мазкур поэтиклашган манзара пиёзнинг аччиқлигини билган болаларнинг қувноқ қаҳқаҳасига сабаб бўлади, айни чоқда нафақат пиёзга, балки уни тўғраётиб кўз ёшларини тия олмаётган ошпазларга ҳам маълум муносабат ҳосил қилади. Шоир юмористик образлар яратишда турли хил ташбеҳлардан моҳирлик билан фойдаланганлигини англатади. Бундай шеърларни синфдан ташқари ўқиш дарсларида театрлаштирилган шаклдаги ижро орқали ўқиш янада таъсирчанликни оширади. Шеър матнига хос образли ифодалар , сўзларнинг кўп маънолилигиги нуткда

таъсирчанликни оширишга хизмат қилишни ўқувчи англаб боради. Йиғламоқ – инсонга хос хусусият, айни дамда, бу ҳаракатни предметларга кўчириш – жонлантириш орқали шоир таъсирчанликка эришганини ўқувчи тушуниб олади.

“Анор” шеърида анорнинг поэтик образини:
биринчи ўқувчи:

Ҳар доначам бир аскар.
Бир қалъада минг лашкар.
Ётар улар панада -
Оқ пардали хонада. (17-бет)

деб жонлантирса, “Кунга боқар” шеъридаги кунгабоқар қиёфасини иккинчи ўқувчи ижро этади:

Кулча юзим Ойтовоқ.
Ойтовоқмас, Мойтовоқ.
Мойтовоқда пистача,
Роса тўққиз юзтача.

Хўш, анор, пиёз, анжир, тарвуз каби мева ва сабзавотларнинг шифобахш хусусиятларини биласизми? Ёзув тахтасидаги сўз қаторларини давом эттиринг:

Сабзавотлар:

Мевалар:

каби ўқув топшириқлари орқали кичик ёшдаги китобхонда уларга нисбатан муайян муносабатни ҳам хосил қилишимиз мумкин.

Болалар учун яратилган шеърларда турли-туман ҳайвонлару парандалар, жониворлар ҳақидаги “эски-янги гап”лар “арзон баҳо”га сотилиши таъсирчан манзараларда тасвирланади. Бунда “янги гап”ни кепаксиз унга-ю, эскисини пуч ёнғоқу совунга “алмашиши”дан тортиб, каптарнинг тушида бургутни еб қўйишигача, тулкивойнинг битта хўрозни тутиб келиб, бўрига ҳиринглаши-ю, ҳазилни унча хуш кўрмайдиган бўрининг аввал хўрозни, кейин тулкининг ўзини ейишигача, уч йил бир синфда ўқиган эшакнинг айиқни “саводсиз” деб ҳақорат қилишигача, хуллас, кўплаб мажозий образларнинг хилма-хил юмористик руҳ билан йўғрилган қиёфаларини кўрамиз.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларида таълим интеграциясидан фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш салоҳиятларини ривожлантириб бориш зарур.

Турсунбой Адашбоев, Сафар Барноев, Анвар Обиджон, Дилшод Ражабов каби таниқли ижодкорларнинг топишмоқли ва рақамли, юмористик шеърларидан намуналарни тавсия қиламиз. Бундай асарлар воситасида ўқувчилар нутқини такомиллаштириш, эстетик диди ва китобхонлик даражасини ўстиришга эришиши мумкин

Синфдан ташқари ўқиш дарслари учун китоб танлашда ўқувчилар ёши, қизиқиш ва эҳтиёжлари эътиборга олинади. Танланган асар уларни образли фикр юритишга ундаши, мустақил фикрлаш салоҳиятларининг таркиб топишига, дунёқарашининг кенгайишига, ижодкорлик қобилиятининг шаклланишига таъсир кўрсатиши кўзда тутилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. // Бошланғич таълим. Ўзбекистон Республикаси ХТВ ва РТМ. – Т.: 2010 йил
2. Бошланғич таълим бўйича янги тахрирдаги ўқув дастури. // Бошланғич таълим. – 2005. 5 – сон. 30-31 – Б.
3. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси. Бошланғич таълим факультети талабалари учун дарслик. Т., “Ношир”, 2009 й. – Б. 167.
4. T. G‘afforova, SH. Nurullayeva, Z. O`qish kitobi (2-sinf uchun darslik). – T.: “O’qituvchi”, 2016.
5. Йиллик ўқув режа 2019
6. Абдураҳмон Акбар. Эҳтиёткор тошбақа. Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон. 1991.
7. Абдураҳмон Акбар. Ёзнинг туғилган куни. – Тошкент: Чўлпон. 1992. – Б.
8. Адашбоев Т. Уч бўталоқ ва сирли қовоқ. Т.: “Чўлпон”. – 1994. – Б. 24б.
9. Анвар Обиджон. Жуда қизиқ воқеа. (Шеърлар, эртаклар). – Т.: “Юлдузча”. – 1987.
10. Абдувалитов Е. Янги педагогик технологиялар муаммолари.
11. Адабиёт дарсларида янги педагогик технология // Тил ва адабиёт таълими Ж. – 2001. № 1. 4-6 б.

MAHMUDXO'JA BEHBUDIY, ABDURASHIDXONOV MUNAVVAR QORI PUBLITSISTIK ASARLARINING QIYOSIY TAHLILI

Mansurbek MASHARIPOV,
TDPU mustaqil tadqiqotchisi, PhD

Jadidchilik dastlab XIX asrning 80-yillarida Qrimda Ismoilbek Gasprinskiy rahbarligida qrim-tatarlar o'rtasida vujudga keldi. Jadidchilik harakati namoyandalari ko'pincha o'zlarini *taraqqiy-parvarlar*, keyinchalik *jadidlar* deb atashgan. Jadidchilikning asosiy g'oya va maqsadlari quyidagilar edi: Turkistonni o'rta asrlarga xos qoloqlik va diniy xurofotdan ozod etish, shariatni isloh qilish, xalqqa ma'rifat tarqatish, Turkistonda muxtoriyat hukumatini barpo etish uchun kurash, Buxoro va Xivada konstitutsiyaviy monarxiya va parlament, keyinchalik demokratik respublika tuzumini o'rnatish orqali ozod va farovon jamiyat qurish, barqaror milliy valyutani joriy qilish va milliy qo'shin tuzishdan iborat bo'lgan. Toshkent, Farg'ona, Buxoro, Samarqand va Xivada hur fikrli va taraqqiyparvar kishilarning ayrim guruhlari tomonidan ochilgan madaniy-ma'rifiy yo'nalishdagi jamiyat va uyushmalardan jadidchilik harakati shakllandi. O'sha davrning ilg'or taraqqiyparvar kuchlari, birinchi navbatda, ziyolilar mahalliy aholining umumjahon taraqqiyotidan orqada qolayotganligini his etib, jamiyatni isloh qilish zaruriyatini tushunib yetgandilar[46]. XX asr boshlarida Xivada shakllangan jadidchilik bir qadar boshqacharoq tarixiy shart-sharoitda vujudga keldi. U bu yerda asosan ikkita oqimdan iborat edi. Uning *o'ng* oqimi xonlikda rivojlanayotgan savdo-sanoat korxonalari egalari hamda yirik boylarning vakillarini o'ziga birlashtirgan edi. Bu oqimga Xiva xoni Asfandiyorxonning bosh vaziri Islomxo'ja boshchilik qilgan. Jadidchilikning o'ng oqimi o'z oldiga mamlakatda xon hokimiyatini saqlab qolgan holda ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar o'tkazish orqali erkin bozor munosabatlarining rivojlanishiga keng yo'l ochib berishni maqsad qilib qo'ygan edi. Jadidchilik mohiyat e'tibori bilan avvalo siyosiy harakat edi. Uning shakllanish va mag'lubiyatga uchrash davrlari bo'lib, ularni shartli ravishda to'rtga bo'lish mumkin. Turkiston, Buxoro va Xiva hududlarida keng tarqaldi. Turkistonda jadidchilik harakatini vujudga keltiruvchilar tepasida Mahmudxo'ja Behbudiy, Abduqodir Shukuriy (Shakuriy), Ajziy (Samarqand), Munavvarqori

[46] Mahmudxo□ja Behbudiy.Tanlangan asarlar. – Toshkent: 1999.

Abdurashidxonov, Abdulla Avloniy, Majid Qori Qodiriy, Ubaydullaxo'ja Asadulla Xo'jayev (Ubaydulla Xo'jayev), Toshpo'latbek Norbo'tabekov (Toshkent), Fitrat, Fayzulla Xo'jayev, Usmonxo'ja Po'lat Xo'jayev, Abdulvohid Burhonov, Sadriddin Ayniy, Abdulqodir Muhiddinov (Buxoro), Hamza, Cho'lpon, Is'hoqxon Ibrat, Muhammadsharif So'fizoda (Farg'ona vodiysi), Boltihoji Sultonov, Rahmonberdi Madazimov, Fozilbek Qosimbekov (O'sh uyezdi), Polvonniyoz hoji Yusupov, Bobooxun Salimov (Xorazm) turardi.

Behbudiy mana shu Turkiston jadidchilik harakatining asoschisi, boshlab beruvchisi ham edi. Otasi Behbudxo'ja Solihxo'ja o'g'li turkistonlik, Ahmad Yassaviyning avlodlaridan, ona tomonidan bobosi Niyozxo'ja urganchlik bo'lib, amir Shohmurod zamonida (1785 – 1800) Samarqandga kelib qolgan. 1894-yilda otasi, imom-xatiblik bilan shug'ullanib kelgan Behbudxo'ja vafot etadi. Yosh Mahmudxo'ja tog'asi qozi Muhammad Siddiq tarbiyasi va qaramog'ida o'sib voyaga yetadi. Arab sarf-u nahvini kichik tog'asi Mulla Odildan o'rganadi. 18 yoshida qozixonada mirzolik qila boshlaydi[47]. O'z ustida qunt bilan ishlab, shariatning yuksak maqomlari – qozi, mufti darajasigacha ko'tariladi. Yosh Mahmudxo'ja dunyoqarashining shakllanishida Rusiya jadidchilik harakatining asoschisi Ismoilbek Gasprinskiyning xizmati katta bo'lgan. U 1892-yilda Turkistondagi maktablarni isloh qilish, "Usuli savtiya"ni joriy etish taklifi bilan general gubernator N. O. Rozenbaxga murojaat etadi. Javob olmagach, 1893-yilda o'zi Toshkentga keladi. Samarqand, Buxoroda bo'ladi, mahalliy xalq bilan gaplashib, dastlabki yangi usul maktablarni ochishga muvaffaq bo'ldi.

Munavvarqori, Abdurashidxonov Munavvar qori O'rta Osiyo jadidchilik harakatining yo'lboshchisi, XX asr o'zbek matbuoti va yangi usuldagi milliy maktab asoschisi, yangi milliy teatr tashkilotchilaridan biri, adib va shoir. Toshkentning Shayxontohur dahasidagi Darxon mahallasida ziyoli oilasida tug'ilgan. Otasi Abdurashidxon Sotiboldixon o'g'li mudarris, onasi Xosiyat otin Xonxo'ja Shorahimxo'ja mudarris qizi otinoyi bo'lgan. U oilada uchinchi o'g'il bo'lib, katta akalari A'zamxon (1872 – 1919) va Muslimxon (1875 – 1954) muallim bo'lishgan. Otasidan yosh yetim qolgani tufayli dastlabki ta'lim tarbiyani onasidan olgan. So'ng o'z davrining mashhur o'qituvchisi Usmon domladan ilmi qiroat va tajvidni o'rganib, hofizi Qur'on bo'lgan. 1885 – 1890-yillarda Buxorodagi Mirarab madrasasida tahsil olgan, ammo tahsilni oxiriga yetkazmay, Toshkentga qaytib, imomlik va

[47]Ma□naviyat yulduzlari. –Toshkent: *Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi,1999.*

muallimlik bilan shug'ullangan. Eshonquli dodxoh madrasasida tahsilni davom ettirgan. 1901-yilda usuli jadid maktabini ochgan va shu maktablar uchun maxsus o'quv dasturini tuzgan, darsliklar yozgan.

1904-yildan ijtimoiy-siyosiy, madaniy hayotga aralasha boshlagan. 1906-yildan "O'rta Osiyoning umrguzaronligi", "Taraqqiy" gazetalarida adabiy xodim sifatida faoloiyat olib borgan. Shu yili noshir va muharrir sifatida "Xurshid" gazetasini tashkil etgan. "Shuhrat" (1907), "Tujjor" (1907), "Osiyo" (1908) gazetalarini g'oyaviy boshqargan va adabiy xodim vazifasini ham bajargan[48]. So'ng "Sadoyi Turkiston" (1914 – 1915) gazetasida mas'ul muharrir muovini, "Al-isloh" jurnali (1915 – 1917)da muharrir, "Najot" va "Kengash" (1917) gazetalarida mas'ul muharrir bo'lib o'z faoliyatini olib borgan.

Behbudiy va Munavvar Qori ijodlarini qiyoslab o'rganadigan bo'lsak, *„Oyna"* jurnalida millat va uning haq-huquqiga, tarixiga, til va adabiyot masalalariga, dunyo ahvoliga doir qiziqarli maqolalar, bahslar yoritib borilgan. Behbudiy millatning taraqqiyoti uchun bir necha til bilishni shart deb hisoblagan. Jurnalning birinchi sonidayoq *„Ikki emas, to'rt til lozim"* degan maqola bilan chiqib, o'zbek, tojik, arab, rus va hatto biror uzoq xorijiy (masalan, fransuz) tilni bilish shart deb hisobladi. Ayni paytda tilning muhofazasi („Har millat o'z tili ila faxr etar" – 1914), o'zaro munosabatlari („Til masalasi" – 1915) haqida muhim va zarur maqolalar chop etdi. Adabiy tanqidga katta e'tibor berdi. Uning xususiyatlarini belgilashga urindi. Boshqa adabiy janrlar bilan teng huquqligi masalasini ko'tardi („Tanqid saralamoqdir" – 1914). Millat sha'nini oyoqosti qiluvchi fikrqarashlarga zarba berib, o'sha davrda Turkiston xalqini o'z nomi bilan atamoq lozimligini talab qilib chiqdi („Sart so'zi majhuldur" – 1915)[49].

Behbudiy o'z xotiralarida ustozi bilan uchrashuvlarini ixlos va muhabbat bilan tilga oladi. 1899 – 1900-yillarda Behbudiy haj safariga boradi. Dunyo ko'rish izsiz ketmaydi. Safar yangi maktab haqidagi qarashlarini mustahkamlaydi. Uning tashabbus va g'ayrati bilan 1903-yilda Samarqand atrofidagi Halvoyi (S. Siddiqiy), Rajabamin (A. Shakuriy) qishloqlarida yangi maktablar tashkil topdi. Adib bu maktablar uchun darsliklar tuzishga kirishadi. Ketma-ket "Risolai asbobi savod" (1904), "Risolai jug'rofiyai umroniy" (1905), "Risolai jug'rofiyai Rusiy" (1905), "Kitobat ul-atfol" (1908), "Amaliyoti islom" (1908), "Tarixi islom" (1909) kabi kitoblari dunyoga keldi. Behbudiy

[48] Sirojiddin Ahmad. Munavarqori. // Sharq yulduzi, 1992, 5-son.
[49] Qosimov S. Behbudiy va jadidchilik. //O□zbekiston adabiyoti va san□ati, 1990, 19, 26-mart.

1914-yilda „Samarqand“ gazetasini chiqaradi. Gaze-ta o’zbek va tojik tillarida, haftada ikki marta chop qilinar edi. 45-soni chiqqach, moddiy tanqislik tufayli nashr to’xtatilishiga to’g’ri keldi. Shu yil, 20-avgustdan u „Oyna“ jurnali nashr qildira boshladi. Haftalik, suratli bu jurnal asosan o’zbekcha bo’lib, she’r, maqola *(forscha)*, e’lonlar *(ruscha)* ham berib borilar edi.

Behbudiy matbuotimiz tarixida maqolanavis sifatida alohida ajralib turadigan ijodkor ham edi. Uning hozircha aniqlangan maqolalarining soni 300 dan ortiq tashkil qiladi. Ular xilma-xil mavzuda bo’lib, dastlabki maqolalaridayoq kommunistik mafkurani keskin rad etgan, „xayoliy“, „bu toifaga qo’shulmoq biz, musulmonlar uchun nihoyatda zararlik“ deb yozgan edi. O’zlikni anglashni muhim biladi. "Qabila ismini va yetti otasining otini bilmaydurgonlarni „manqurt“ derlar", deb yozadi. 1917-yilning oxiri 1918-yilning boshlarida jadidlar qurgan dastlabki demokratik davlatchilik namunasi Turkiston muxtoriyatining taqdiri hal qilinayotgan bir paytda o’lka xalqlarini birlikka chaqiradi.

Behbudiy o’zbek va fors-tojik tillarida o’nlab asarlar, ikki yuzdan ortiq maqolalar yaratgan. Jumladan, “Muntaxabi jug’rofiyai umumiy” (“Qisqacha umumiy jug’rofiya”, 1903), “Kitob-ul-atfol” (“Bolalar uchun kitob”, 1904), “Muxtasari tarixi islom” (“Islomning qisqacha tarixi”, 1904), “Amaliyoti islom” (1905), “Russiyaning qisqacha jug’rofiyasi” (1908) kabi darsliklar va kitoblar yozgan. Uning 1901-yildan boshlab “Turkiston viloyati gazeti”, “Taraqqiy”, “Xurshid”, “Shuhrat”, “Tujjor”, “Osiyo”, “Hurriyat”, “Turon”, “Sadoyi Turkiston”, “Ulug’ Turkiston”, “Najot”, “Mehnatkashlar tovushi”, “Tirik so’z”, “Tarjumon”, “Sho’ro”, “Vaqt”, “Toza hayot”, “Samarqand”, “Oyina” kabi gazeta va jurnallarda bosilgan maqolalari esa jamiyatning taraqqiyparvar qatlami va ayniqsa, yoshlarning diqqat-e’tiborini qozonib ulgurgan edi.

Munavvar Qori turli jamiyat va uyushmalar tashkilotchisi. U “Jamiyati Imdodiya”(1909), ”Turon”(1913), ”Turkiston kutubxonasi” (1914), ”Umid” (1914), ”Maktab”(1914), ”Ko’mak”(1921) jamiyat, tashkilot, shirkat va uyushmalarida muovin, rais, a’zo. Sho’rolar hukumati davrida Xalq dorilfununi sho’rosining raisi, Turkiston maorif xalq komissarligi turk sho’’basining ish yurituvchisi(1918), Toshkent shahri maorif noziri, Sharq xalqlari tashkiloti (1920, Boku) hay’ati a’zosi. Adib ijtimoiy-pedagogik faoliyat bilan birga badiiy ijod bilan ham shug’ullangan. Uning ixcham hikoyalari, talaygina she’rlari o’sha davrdagi matbuot va o’zi tuzgan hamda yozgan darsliklarga kiritilgan. Shuningdek, u o’tkir publitsist adib sifatida tanilgan. Jadidchilikda inson

va jamiyat, din va dindorlik, axloq, mustamlakachilik va hurriyat, ziyolilik, uyushma, tashkilot, davlat idorasi masalalariga alohida e'tibor qaratgan. Ijodkor o'z faoliyati davomida pedagogik, matbuotchilik, muharrirlik, adiblik bilan cheklanmay, jiddiy siyosiy faoliyat ham olib borgan, shu sababli mustamlaka hukumati tomonidan bir necha bor so'roq qilingan[50].

Shu tarzda, jadidchilik harakati 1906 – 1916-yillarda o'zining asosiy yo'lini belgilab oldi. Jadidlarning nashrlari xalqni yangi davr boshlangani bilan tanishtirar ekan, o'zligini anglab, uyushishga chaqirdi. O'lka moddiy va ma'naviy boyliklari talanayotganini oshkor qildi. Cho'lpon she'r va maqolalarida mustamlakachilarning asl qiyofalarini ochib tashladi. Mashhur advokat Ubaydullaxo'ja Asadullaxo'jayev oliy o'quv yurtini tashkil etish, soliqlarni tartibga solish, bolalar tarbiyasiga jiddiy e'tibor berish masalasini bayon qildi. Lev Tolstoy bilan fikrlashish chog'ida mashhur yozuvchini yon berishga majbur etgan Ubaydullaxo'ja Asadullaxo'jayev chor hukumati ma'murlarining poraxo'rligi va zolimligini fosh etib, ayrimlarini davlat ishidan chetlatishga erishdi. Musulmon aholisiga amaliy tarzda yordam berib, mavjud hokimiyat qonun-qoidalarini tushuntira bordi.

Jadid matbuoti o'z vakillarining fikrlarini e'lon qilar ekan, xalqni „Har vaqt g'aflat uyqusidan uyg'otuvchi millat ongining ochqichi" ekanligini namoyon etish bilan birga Turkiston xalqini hur fikrlashga va katta siyosiy kurashga hozirlay oldi. Bu davrda „Erk", „Turon", „O'qituvchilar jamiyati" kabi uyushmalar paydo bo'ldi. Munavvarqori aytganidek, „Ularning butun umidi Rossiyadagi inqilob jarayonida mahalliy aholini milliy, diniy cheklash va jabrlashdan ozod qilish, ularning haququqlarini ovrupoliklar bilan tenglashtirish, xilma-xil maktab va matbuot ishlari hamda turli-tuman jamiyatlar tashkil etishga keng imkoniyat yaratib berishga qaratilgan edi".

Bugun Behbudiy, Munavvar Qori kabilar muqaddas tutgan yurt ozod va mustaqil bo'ldi. Ular jon fido etgan istiqlol avlodlariga nasib etdi. Millat va Vatan mustaqilligi yo'lida fido bo'lganlar esa shu millat va Vatan umri qadar boqiydirlar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdurashidxonov M. Xotiralarimdan. –Toshkent: 2001.
2. A.Aliev. Mahmudxo'ja Behbudiy. –T.: 1994.
3. Behbudiy M. Tanlangan asarlar. – Toshkent: 1999.

[50] Xolboyev S. Munavvarqori. // Fan va turmush, 1991, 4-son.

4. Jadidchilik: islohot, yangilanish, mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. – Toshken: 1999.
5. Qosimov B. Behbudiy ”Karvonboshi” // Yoshlik, 1990-yil, 1-son.
6. Qosimov B.Behbudiy va jadidchilik.// O’zbekiston adabiyoti va san’ati, 1990-yil, 19-yanvar.
7. Xolboyev S. Munavvarqori.// Fan va turmush, 1991, 4-son.
8. O’zbekiston tarixi: yangi nigoh. Jadidlar harakatidan milliy mustaqillikka qadar –. Toshkent: 1998.
9. Rizayev Sh. „Padarkush“ yoxud Samarqand tarixidan lavhalar”. ”Vatan” gazetasi, 1994-yil, 39-son.

ОМОН МУХТОРНИНГ “МИНГ БИР ҚИЁФА” РОМАНИДА ХАРАКТЕРЛАР РУҲИЯТИ ТАСВИРИ

Гўзал АТАБОЕВА,
ТДПУ ўқитувчиси

Чинакам истеъдод соҳиблари китобхон дидини кўтаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирги китобхон услубий-композицион воқеа- бандлик, тасвирнинг максимал аниқлигидан кўра борлиқ ижодкор қалб призмасидан ўтказилиб ҳиссий қабул қилинган, фикр-туйғулар тасвирида замон ва макон кенглиги, муаммолар гормонияси акс этган асарларга кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Адабиётшунос Ҳ.Болтабоевнинг ёзишича: *«Бу услубий ҳодисанинг илдизлари Шарқ адабиётининг қадимги лиризмга бойлиги, юксак романтик талқинда акс эттирилган халқ ижоди намуналари ва бошқаларга бориб тақалади». (1. 15).* Бу фикрга қўшимча равишда, ўзбек китобхони бадиий дидига Ғарб ва жаҳон адабиётидаги тажрибаларнинг таъсир этиши ҳам муайян роль ўйнамоқда, деб таъкидлаш лозим.

Ўндан ортиқ романлари билан китобхонлар назарига тушган Омон Мухторнинг “Минг бир қиёфа” (1994)романининг асосий мезони бўлган миллийлик ва умумбашарийлик лейтмотиви бадиият билан бир қаторда эмоционалликнинг ҳам юксалишига таъсир қилади. Адабиётимизнинг ўзига хос анъанаси бўлган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий курашда бири улуғланиб, иккинчиси рад этилади.

Роман қаҳрамони иймон-эътиқодли оддий бир инсон Бурҳон Шариф эзгулик ҳимоясига астойдил бел боғлайди. Унинг табиатида кибрланиш, бандасининг қаршисида бош эгиш, унга сиғиниш

хусусиятлари йўқ. Бурҳон Шариф инсонлик бурчини адо этмоқни муқаддас санайди, кам-кўстсиз адо этмоққа интилади. Носир бу миллий характерда ҳақиқатпарварлик, мардлик, мағрурлик, ҳаромдан парҳез қилиш, виждонлилик хислатларини жамлайди. Шу боис ҳам характер хатти-ҳаракатига муносабатини аниқ ифода этади.

Ёзувчи ўз маҳоратини тинимсиз ошириб борар экан, тажрибаларга таянган ҳолда, таъби ва қобилиятига мувофиқ тарзда услуб, бадиий шакл борасида изланади, янги ижодий тажрибалар қилишга уринади. Дарҳақиқат, романда муаллиф нутқи тарихчи-публицист сифатида, қаҳрамон ташқи фаолиятини, хатти-ҳаракатини, ички туйғуларини, воқеалар жараёнини ифодалашда кенг ўрин тутади. Унинг яширин муносабати сезилиб туради. Чунки, О.Одинцов айтганидай, *«объективлаштирилган нейтрал нутқ-ривояда ёркин тил бўёқлари бўлмаслиги, аниқ манзараларда бадиий бўёқларнинг камайишига, айни пайтда муаллифнинг нутқий фаолиятда муносабатини аниқ ифодалашга олиб келади» (2.28)*.Арастунинг таъкидлашича, *«Комил кишилар бир хил бўлади, ёмонлар эса ҳар хил бўлади».(4. 126)* Биз шу ақидадан келиб чиқсак, романда минг хилда эврилувчи ёмон кимсаларнинг кирдикорларини кўрсатиш мақсади биринчи планга чиққанлиги ойдинлашади. Бироқ О.Мухтор бир-бирини рад этувчи эзгулик ва разолат ўртасидаги курашни кўрсатишда турлича муносабатлар жараёнини ҳам, иккала томоннинг чамбарчас боғлиқлигини ҳам, баъзан уларнинг ўзаро бир-бирига ўтиб туриши конкрет инсонда қоришиқҳолда учрашини ҳам назардан қочирмасликка уринади:

*«Менга хийла қийин бўлди… Мен ҳар гал бир-бирига ўхшамайдиган роман ёзишга уриндим. Ва маълум даражада бунга эришдим ҳам, деб ўйлайман. Уларнинг барчасида инсон тафаккурининг муайян қирраларини ёритишга уриндим ва айни пайтда адабиётда анъана бўлиб келган ижобий ва салбий қаҳрамон тушунчаларидан кечдим. Инсоннинг ўзида ҳаммаси – эзгулик ва ёвузлик мужассам, деган қадим Шарқ фалсафасига таяндим», (3. 418)*деб ёзади муаллиф.

Роман қаҳрамонларидан бири Садиржон айтганидай, Бурҳон Шариф *«ўзини қўрқмай ажддаҳонинг оғзига уради», «ёвузликка қарши очиқдан-очиқ курашга чиқади».* У адолатли қонунларнинг бузилишига қарши жасорат билан курашади, халқ тақдири ҳақида қайғуради. Назаримизда, О.Мухтор бу образни чизишда халқ

эпосларига хос афсонавий якка қаҳрамонлар образидан ҳам ижодий фойдаланган. Бинобарин, инсоний муҳаббат, эрксеварлик, дўстга садоқат, ақл-заковат ва истеъдодда юксаклик, илм-ҳикматни эгаллашга иштиёқ, душманга чексиз нафрат, мардонаворлик, фидокорлик каби туйғу-хислатларнинг бир киши табиатида умумлашиши эпосга хос хусусиятдир.

Бурҳон Шариф одамларга яхшилик қилиб, уларни эзгуликка даъват этган, уларга меҳр билан қараган, шу йўлда курашган, нопок кимсаларнинг жазоланишига эришган. Бироқ у азал-азалдан инсон қонида, тийнатида мавжуд ёвузликнинг қаршисида ожиз бўлиб қолади. Унинг ўзида ҳам ички бир алам-адоват, қизғаниш туйғуси мавжуд. Умрининг ўттиз йилини у ўз-ўзи билан курашиб ўтказган. Умр интиҳосида Бурҳон Шариф Абдулла Ҳаким руҳига хиёнат қилгани, унинг кундаликларини эълон қилиш имкони бўла туриб, бу ишни пайсалга солганлигини эътироф этади. Сўзда собит турмасликни ҳам хиёнат, ёвуз жиноят деб баҳолайди. Табиатан олижаноб бўлгани учун ҳам: *«Менинг ҳар хил ёвузлар, корчалонлардан фарқим нима?! Инсон қайта тирилиб, у дунёда кўришадиган бўлса мен Абдулланинг юз-кўзига қандай қарайман?!»* (3. 162) деб охиратини ўйлайди. Ўз ҳаракатларидан тегишли хулосалар чиқариб огоҳликка даъват этади. Демакки, дунёда у ишонган, ўзича тўғри деб ўйлаб яшаган эътиқодидан бошқа ҳақиқатлар ҳам борлигини англаб етади.

Абдулла Ҳаким ёшликдан ота меҳрига зор, бева онаси қўлида ўсган ёлғиз фарзанд. Эндиликда онасидан ажралган, севгилисига ета олмаган. Дунёдан кўнгли совиган. Ҳатто бола-чақа ҳам орттирмаган. Ижара уйда яшайдиган ва ейиш-ичишининг тайини йўқ. Баъзан қаттиқ ичишдан ҳам тийила олмайдиган оддий бир хизматчи. Бироқ шу киши икки томчи сувдай Бурҳон Шарифга қиёфадош. Бир жиҳати шу сабаб, иккинчидан, Абдуллага раҳм қилиб Бурҳон Шариф уни укаси ўрнида кўради.

Бурҳон Шарифнинг ҳақиқатпарварлигидан чўчиган нопок кимсалар қўлига янглишиб тушиб қолган қиёфадоши унга хиёнат қилишни истамайди. Ноҳақликка нисбатан қалбида туғилган ғазаб ва нафрат унга журъат ва дадиллик бағишлайди. Эзгу ишлар билан машғул Бурҳон Шарифни қилган яхшиликлари эвазига золимлардан асраб қолиш, умрида бирор марта фидойилик кўрсатишга аҳд қилган Абдулла Ҳаким уни Бурҳон Шариф гумон қилаётганларга ҳақиқатни ошкор қилишни истамайди: *«Сендан*

ҳаёт умрингда, бир марта фидоийлик, мардлик кўрсатишни талаб қиляпти! Тиззанг қалтираб ўтиришга ҳаққинг йўқ! Гап шу… келинглар, ҳунарларингни кўрсатаверинглар – мен Бурҳон Шарифман!...» дейди у (3.19).

Абдулла Ҳаким тинимсиз азоб-уқубатларга ўзини тутиб бермай, *«Биродарлар, кечирасизлар англашилмовчилик бўляпти. Мен Бурҳон Шариф эмасман»,* дейиши ҳам мумкин эди. Лекин у бундай қилмайди. Ўзини номардларча тутаётган кишиларга ҳақиқатни айтишни эп кўрмайди. «Душман»лари иродасига бўйсунишни Бурҳон Шарифга нисбатан хиёнат, виждон амрига 90ила ниш деб билади. Дўстга бўлган садоқатни поймол этиб жонни омон сақлашни астойдил истамайдигина эмас, душманига бўлган чексиз нафрати туфайли ҳам сир бой бермасликка тиришади.

Абдулла Ҳаким азоб-уқубатларга чидаш учун жасоратни ўз руҳи ва тафаккуридан олади. Шу боис ҳам вазиятга қараб оқилона ҳаракат қила олади. Унинг ахлоқидаги бу гўзал сифат аниқ фаолият орқали намоён бўлади. Муҳими, у ўз иродасига қарши бормайди. Қолаверса, азобга бардош беришга бўлган ички интилиш ҳам уни жасур бўлишга ундаган омиллардан биридир. *«У – боши айланиб, кўзи тинган, ҳаммаёғи қон эди. Аммо дунёдаги бутун-бор ноҳақлик, номардликка қарши беихтиёр туғёнга келганида, ерда ётишни ор билиб, ўрнидан турганча, қадди-қоматини тиклашга чоғланди. Шу асно унинг бошига тўқмоқдек бир нарса кескин урилгандек бўлди. У қайтиб ерга йиқилиб, ҳушидан кетди».* (3. 23)

Абдулла Ҳаким руҳиятида содир бўлган ўзгаришлар: садоқат, виждон, ғазаб, нафрат, ор-номус туйғуларининг ногаҳоний тарзда ўзаро чатишиб кетиши унинг руҳини беқиёс жилолантириб, жасоратга ундайди. Бу эса унинг маънавий устунлигини таъминлайди:

«У оёғи ердан узилиб, яна ерга теккандек ҳолатни туйди. Чайқалиб кетди. Бироқ йиқилмади. Энди ўзи учун ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқлигини ҳис этиб, йигитлар томон мағрур ўгирилди.Тўппонча кетма-кет қарсиллади.У ўзи истамаган, кутмаган ҳолда тиз чўкди. Сўнг ерга оҳиста чўзилди.

Типирчилаб фақат биргина сўз – Ҳалима, деди» (3. 31-бет).

Абдулла Ҳаким – Бурҳон Шариф жисман мағлуб бўлди. Шунга қарамасдан унинг ўлимида ҳам бир улуғворлик борки, бу роман воқеалари мазмунига оптимизм, китобхон қалбига таскин

бағишлайди. О.Мухтор инсоний буюклик ҳақидаги минг йиллик адабий-эстетик тафаккурга хос фикрларни шунчаки насиҳат тарзида эмас, характерлар руҳияти таҳлили, воқеалар мантиғидан келтириб чиқарган ҳолда илгари суради. Бошқачароқ айтганда, муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини эртак мазмунидаги, латифалар мантиғидаги халқчилликдан фойдаланиб, реал қаҳрамонлар шахсияти, руҳий олами ва интилиши моҳияти билан узвий тарзда туташтира олади.

Д.Қуроновнинг таъкидлашича, адибнинг китобхон билан мулоқоти амалга ошишида ҳикоя қилинаётган нарсага муаллифнинг муносабати, дунёқараши, айни пайтдаги руҳий ҳолати муҳим аҳамиятга эгадир. У эса кўпроқ услубда намоён бўлади (5. 231). О.Мухторнинг юқорида кузатганимиз *«Минг бир қиёфа»* романида концептуал бутунлик таъминланганлиги асар композицион қисмларининг тегишли тартибда жойлаштирилганлигида намоён бўлади. Адиб ўрни билан лирик чекинишлар ҳам қилиб, китобхонни ғоявий-ҳиссий баҳоларига қўшилишга ундайди. Маълум маънода тасвир предметига ҳам гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона муносабатини ифодалаб, китобхон билан бевосита мулоқотга киришади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. –Тошкент: Фан, 1992. –15 б.
2. Одинцов О. О языке художественной прозы. –М.: Наука, 1973. – 28 ст.
3. Омон Мухтор. Тўрт томон қибла. –Тошкент: Шарқ НМК, 2000. –418 б.
4. Юлдашев С. Антик фалсафа. –Тошкент, 1999. –126 б.
5. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ НМК, 2004. – 231 б.

MUHAMMAD YUSUF IJODINI BLUM TAKSONOMIYASI ASOSIDA O'RGATISH

Nigora SAYDAXMEDOVA,
Namangan viloyati XTXQTMOHM o'qituvchisi

Pedagogning vazifalaridan biri yosh avlodni iste'dodini yaratish, uni rag'batlantirish, ma'nan yetuk va intellektual jihatdan barkamol avlodni shakllantirishda o'z hissasini qo'shishi lozim. Adabiyot fanini

o’qitishda qo’llanadigan usullar zamonlar o’zgargan sayin yillar davomida o’zgarib boradi. Shunga qaramay odamlarning manfaati va ularga qiziqishi va o’rganishi kerak bo’lgan har qanday narsa, usullar ham zamonga moslashib boradi. Ayni paytda jamiyatda muhim rol o’ynaydigan pedagogik kadrlarning o’z yo’nalishi bo’yicha chuqur bilim, malaka, kompetensiyalarga ega bo’lishi, ilg’or xorijiy tajriba va milliy pedagogik tajribaga tayanib ish ko’rishi, ijodkorlik, tashabbuskorlik sifatlariga ega bo’lishi talab qilinmoqda.

Hozirgi zamon o’qituvchilari eski usullardan emas, balki interfaol, innovatsion usullardan foydalanishi va uni o’quvchilarga taqdim etishi lozim. Chunki O’zbekistonning yosh va navqiron avlodi ko’p imkoniyatlarga egadir.

Innovatsiya – (inglizcha “innovation”) ya’ni, “in” -“yangi”, “vatsion” – “kiritish, tadbiq etish” demakdir[51]. Bir so’z bilan aytganda, innovatsiya – ta’lim jarayoniga yangilikni kiritish, qo’llashdir. UNESCO tomonidan tan olingan pedagogik texnologiya oqimi 30-yillarda AQSHda paydo bo’ldi va 70-80-yillarda barcha rivojlangan mamlakatlarni qamrab oldi. Ta’lim nazariyasi va amaliyotida o’quv jarayoniga texnologik hususiyatni berish uchun 50-yillarda birinchi urinishlar qilib ko’rilgan. Ular o’z ifodasini an’anaviy o’qitish uchun mo’ljallangan majmuali texnik vositalarning yaratilishida namoyon qiladi. Mashhur marketolog Djorj O'shonessining “…kitoblar hech qachon tajriba o’rnini bosa olmaydi” - degan fikriga qo’shilish mumkin. Mahoratli oshpaz oshpazlik to’g’risida kitob yozishi mumkin, uni tayyorlash yo’liga amal qilib, huddi shunday chiqishni kutmaslik kerak, chunki uning mahorati bilan taqqoslab bo’lmaydi, berilgan qoidani ishlatib muhim ko’nikma va malakalarga ega bo’lish mumkin emas, ular faqat amaliyotda egallanadi va “qo’llaniladigan donishmandlik” deb ataluvchi amaliyotli donishmandlik bilan mustahkamlanadi, ya’ni vaziyat bilan muvofiqlikdagi donishmandlik”(Dj. O’shonessi, 2000) Masalan, deylik sinfda 30 nafar o’quvchi bor, bu esa o’qituvchi uchun 30 xil xarakterga ega bo’lgan shaxslarga nisbatan individual ravishda yondashish zarurligini anglatadi. Kuzatuv jarayonida o’quvchilarni 3 xil toifaga bo’laman: 1) tushuntirishning hojati yo’q 2) qayta tushuntirish zarur 3) birga shug’ullanish kerak.

Metod (yun. metodos — bilish yoki tadqiqot yo’li, nazariya, ta’limot) — voqelikni amaliy va nazariy egallash, o’zlashtirish,

[51]Ona tili va adbiyot o’qitish metodikasi. Majmuaa. – Namangan,: 2019. 43-b.

o’rganish, bilish uchun yo’l-yo’riqlar, usullar majmuasi, falsafiy bilimlarni yaratish va asoslash usuli[52].

Yangi dars metod, usulining bir qator afzal jihatlari bo’lib, bu jarayonda o’quvchilarning har biri bilan ishlash uchun imkoniyat tug’iladi. Muhimi, bunday darslar o’quvchilarni faollikka undaydi. Endi ular shunchaki tinglovchi bo’lib qolmasdan, balki bilmaganlarini bilishga intilib, mustaqil holatda fikrlashga o’rganib boradilar. Bir xil qolipda o’tiladigan darslar hech bir davru zamonda e’tibor topgan emas. Shuning uchun ham ma’rifat darg’alari hamisha ta’limni mukammalashtirishga intilgan. Ulug’ rus yozuvchisi L.N.Tolstoy kundaliklarida quyidagi qaydlar mavjud: “Pedagogik faoliyatda metod emas, balki mohirlik san’ati va talent zo’r ahamiyat kasb etadi. Iste’dod bu muhabbat demakdir. Agar o’qituvchi loaqal o’z ishiga muhabbat bilan qarasa, u, albatta, yaxshi o’qituvchi bo’la oladi”. Bu fikrlar aytilganiga talaygina yillar o’tgan bo’lsa-da, to hanuz o’z ahamiyatini yo’qotgan emas. Endi maqsadga o’tsak…

Taksonomiya qadimgi grek tilidagi tartib, saf va qonun so‘zlaridan olingan bo‘lib tasniflash, tizimga solish tamoyillari va amaliyoti haqidagi bilim demakdir. Blum taksonomiyasi 1956-yida bir guruh olimlar tomonidan taklif etilgan bo‘lib, unda guruh rahbari amerikalik psixolog Benjamin Semyuel Blum (1913 - 1999)ning «Ta’lim maqsadlari taksonomiyasi: “bilish yo‘nalishi» nomli kitobidagi g‘oyalari ilgari surilgan. Blum taksonomiyasi o‘qituvchi tomonidan tarbiyalanuvchilar oldiga qo‘yiladigan qator topshiriqlarni ta’lim maqsadlariga muvoflq tarzda: kognitiv, affektiv, psixomotor yo‘nalishlarida tasniflanishini nazarda tutadi. Ta’limning bu uch yo‘nalishini oddiyroq qilib «bilaman», «his qilaman» va «yarataman» so‘zlari bilan ifodlalash mumkin. «**Kognitiv**» ta’lim bilimlarni o‘zlashtirish va o‘zlashtirilgan axborotni amaliyotda qo‘llay olishni nazarda tutadi. Bilimlarni o‘zlashtirishning **affektiv** yo‘nalishi (lotincha affectus so'zidan olingan bo‘lib, ichdan to‘lqinlanish ma’nosini anglatadi) shaxsning portlash xarakteridagi qisqa muddatli va yuqori intensiv emotsional holatini nazarda tutadi.Blum taksonomiyasida ifodalangan **psixomotor** maqsadlar asbob-uskunalarga, o‘quv qurollari, texnika vositalariga moslashishni nazarda tutadi. Psixomotor maqsadlar amaliy ko'nikmalarni o‘zgartirish va rivojlantirishni ko‘zlaydi. Blum taksonomiyasida o‘quv maqsadlarining **kognitiv** yo‘nalishi quyidagicha tasniflanadi:

[52]Ona tili va adbiyot o’qitish metodikasi. Majmuaa. – Namangan,: 2019. 43-b.



Kognitiv: Psixologiya ilmida «kognitiv» (bilaman) so‘zi axborotni qabul qilish va uni qayta ishlash ma’nosida, insoning ruhiy holati (ishonshi, xohish-istaklari va maqsadlari)ni ifodalashda qo‘llaniladi. «Kognitiv» ta’lim bilimlami o‘zlashtirish va o‘zlashtirilgan axborotlarni amaliyotda qo‘llay olishni nazarda tutadi[53] shoir Muhammad Yusuf ijodini, maktabda, maktabdan tashqari to’garak mashg’ulotlarida o‘rganishda rejalashtirilgan birinchi soatni o‘qituvchi o‘quvchilarning shoir hayoti va ijodi bilan bog‘liq bilimlarini tekshiruvchi savol-topshiriqlar bilan boshlashi mumkin (amaldagi darsda ushbu mavzuni o‘qib kelish uy vazifasi sifatida topshirilgan bo‘ladi). Mashg’ulotboshidagi1-, 2-savollar shoirshaxsini ochishga yo‘naltirilgan. Galda biz shoir qalamiga mansub tabiat mo’jizalari bo’lgan jonivorlar mavzusi ostidagi she’rlarini tahlilga tortamiz.

Shoir jonivorlarga toza ko'ngil, toza ko'z bilan qaradi. Jonivorlardan o'zining qing'ir ishlarida foydalanganlarni qattiq qoraladi, inson hayoti hayvonot olami bilan chambarchas bog’liq ekanini falsafiy fikrlarida isbotladi. Jonivorlarning ichki dunyosini halol, xolisona ochib berdi. Hayotga jonivorlar ko‘zi bilan boqdi. Jonivorlarga tushkun munosabatda bo‘lmadi... bu tuyg’ularni “Jayron”, “Erkakiyik”, “G’irotmingan…”, “Qaldirg’och” , “ Bulbul”, “Oqtulpor”, “Cho’loqturna”, “Hayvonot bog’i” kabi ko’plab she’rlarini o’qish orqali his etishimiz mumkin. O‘z boshidan kechirgan hayotni, o‘z ko'zi bilan ko'rgan tabiatni, o‘z qo‘li bilan ushlagan jonivorlarni qanday bo‘lsa shundayligicha badiiy asarga aylantira oldi. Maqsadga o’tadigan bo’lsak: “Oqtulpor” she’riniBulumtaksonomiyasiorqalio’rganib, undagi real fikrlarga asoslanib, yozuvchi tabiatini ochishga urinib ko‘ramiz.

[53]https://ru.wikipedia.org/wiki. Википедия. Свободна яэнциклопедия.

OQ TULPOR...

Oq tulporim bor edi,
Beklar unga zor edi.
Og‘aynilar, ot menga,
Ham do'stu, ham yor edi.
Yolin o'psam tiz cho'kib,
Kaftimdan suv ichardi.
Chu desam yer changitib,
Osmonlarga uchardi.
Xovlimizga bir oqshom,
Qarindoshlar to'lishdi.
To'y bahona otimdan,
Ayirmoqchi bo'lishdi.
Otam yigitsan o'g‘lim,
Uylanmasang or dedi,
Qiz yarashar quchoqqa,
Otga nima bor dedi.
Ot oldida boshlandi,
Chimildiqqa yo'lakcha.
Kechir yorim na qilay,
Otga mehrim bo'lakcha.
Qoldi ikki o't aro
Go'shangada dildorim,
Kelin kelgan kechadan,
Arazladi tulporim.
Bormi bizday oshiqlar,
Bahorimda kuz yi‘glar.
Qizni quchsam ot yig’lar,
Otni quchsam qiz yig’lar.
Bir bor o'psam xotinni,
Uch bor o'pdim otimni.
Jonni qiynab yashadim,
Kimga aytay dodimni.
Yordan kechdim otni deb,
Elga bo'ldim ermaklar,
Qaydan bilsin ot qadrin,
Ot minmagan erkaklar[54].

[54]Муҳаммад Юсуф.Сайланма, – Т.; Шарқ, 2019.-В. 200.



*“Oqtulpor”lar haqida nimalar bilasiz? Siz ot minganmisiz?“Ham do'stu, ham yor edi”jumlasini qanday tushundingiz?“Xovlimizga bir oqshom, Qarindoshlar to'lishdi” qarindoshlar yig’ilishining sababi nimada?Nega shoir “Bahorimda kuz yiglar” deyapti? Jonni qiynab yashamoq deganda nimani his ettdingiz?“Ot qadri” bo’lishi mumkinmi? She’rni o’qib adib shaxsiga xos qanday fazilatlarni ko’rish mumkin?*kabi savol-topshiriqlar ustida ishlash o'quvchini Muhammad Yusuf shaxsiyati haqidagi bilimlar bilan boyitadi. Mazkur ma’lumotlarga Blum taksonomiyasi nazari bilan yondashishning kognitiv yo'nalishi, ya’ni bilish jarayoni, deyish mumkin.

Asar tahliliga kirishishdan oldin o'qituvchi o’quvchilarga otlar haqidagi «yo'rg'a», «baytal», «to'riq baytal», «ayg'ir» va «bo'z ot» singari tushunchalar haqida ma’lumot berishi maqsadga muvofiq bo'ladi. O'quvchilar matn mohiyatiga chuqur kira olishlari uchun otlarning turlari haqida bilimga ega bo'lishlari kerak. Yo'rg'a - mayda qadam tashlab, tez va tekis yuradigan yilqi. Baytal - urg‘ochi yilqi. To‘riq - qora qizil (qizg‘ish malla) rangli yilqi. To'riq baytal — qora qizil rangli urg‘ochi yilqi. Ayg'ir - erkak ot. Bo‘z ot - bo‘z rangli erkak yilqi.[1] Bu o'quvchilar she’r matni ustida ish olib borishlari uchun zarur bo'lgan bilim hisoblanib, adabiyot fanini biologiya fani bilan integratsiya (lot. Integration – tiklash, qaytadan bog’lash, to’ldirish fanlarning yaqinlashishi va o’zaro bog’lanish)qilish ham deyiladi, ta’limning keyingi bosqichlarida o'quvchilarning faoliyatida juda ham qo'l keladi. Bu ma’lumotlarni o'zlashtirish jarayonini ham kognitiv yo'nalish, bilish jarayoni, deyish mumkin.Ma’lumki, biror badiiy matnni o‘rganishda o'quvchi muallifning tabiati, qiziqishlari, hayoti haqida qancha ko‘p

[1]0‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik. 2-j. - T.: 0 ‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. 282-b.

ma’lumotga ega bo‘lsa, uning asarini o‘rganish shuncha mukammal bo‘ladi. Ayniqsa, asar muallifi bilan o‘quvchi shaxsiyatida, xarakterida o‘xshashlik jihatlar kashf etilsa, tarbiyalanuvchi shaxsida yozuvchi shaxsiga muhabbat paydo bo‘ladi. Bu muhabbat kitobxonni ushbu yozuvchining asarlarini qiziqib, qidirib topib o‘qishga majbur qiladi.

Affektiv yo‘nalish. Affektiv maqsadlar insonning tuyg‘ulari, emotsiyasi va munosabatlari bilan bog‘liqdir[1].0‘quvchilar she’r matni ustida ishlash mobaynida (lirik qahramonga) yigitning insonga sadoqatli do’st bo’lganjonzotlarga muhabbati, unga javoban mardlik, jasurlik, bir so’zlilik fazilatlarni ilg'ay bilsalar, qahramonning ziddiyatli ruhiy xolatini boshdan kechira olsalar, o‘qituvchi shunga erisha olsa, adabiy ta’lim maqsadiga yaqinlashilgan, ya’ni o‘quvchilar insonni anglashga o‘rganib borayotgan bo‘ladilar. Otni yolin “o’psa” kaftidan suv ichish, “chu” desa osmonga uchish, otga bo’lgan mehrdan “bahorida kuz yig’lash” jarayoni tasvirlariga asoslangan holda o’z shaxsiga va avvalgi o’qilgan asarlardagi “ot” (“Alpomish” dagi Boychibor, Tog’ay Murod asarlaridagi ot obrazlari) timsollarini taqqoslash topshirig‘i ham o‘quvchilarning bu boradagi fikrlashini davom ettirishga qaratilgan. 0‘quvchilar avval otga xos sifatlarni matndan topadilar. Ular she’rdan, taxminan: «Oppoq yolli, ko'kko‘z ulkan oq ot, butun o‘lkada topilmaydigan zotdor jonvor. O’z juftiga sadoqatli, otlar galasiga bosh bo’lsahamgalani shunday ishtlyoq hamda rashk bilan qo'riqladigan... Yo'rg‘alaganda oyog'i umuman adashmaydigan... “chu” desa osmonga uchadigan, epchil, chayir tabiatli, qo’l cho’zsa “beklar qo’li” yetmaydigan ... » singari tasvirlarni aytib, sharhlashga urinadilar. Bu jarayonda oq tulporning xarakterini aniqlab oladilar. Shu asnoda uning beqiyosligi sabablarini kashf etadilar. O'rni kelganda o‘qituvchi o‘quvchilardan oq tulporga o‘z so‘zlari bilan baho berishni so‘rashi ham mumkin. Boladagi his qilish tuyg’usini:qahramon bilan yig’lasa yig’lab, kulsa kulib, sevsa seva olish, birovning qayg’usidan g’ussaga botish fazilatlarini shakllantirib, yuzaga chiqarish affektiv maqsadga erishganlik belgisidir. Blum taksonomiyasida ifodalangan psixomotor maqsadlar asbob-uskunalarga, o‘quv qurollari, texnika vositalariga moslashishni nazarda tutadi.Psixomotor maqsadlar amaliy ko'nikmalarni o‘zgartirish va rivojlantirishni ko‘zlaydi[2].Kognitiv, affektiv maqsadlarga erishishda psixomotor maqsadi bo’lishi shart. Ya’ni o’qituvchining

[1] Peter Lang, Yaacov Katz, Isabel Menezes. Affective education. (A Comparative View.) - London and New York, 1998.-261 p

[2]Азимов Э. Г., Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). - Москва: «ИКАР», 2009. - С. 96.

darsga tayyorgarlik jarayoni, darslik, qo’shimcha adabiyotlar, ko’rgazmalar, ot tasviri berilgan video roliklar, kinolardan parcha ekran orqali namoyishlar; o’quvchining tayyorgarligi kitob, daftar, qo’shimcha adbiyotlar, chizilgan ot surati, internet ma’lumotlar…

Shoirning, hayvonot olami mavzusida shunday go’zal she’rlari borki, ular hayotiy tashbih va timsollarga boyligi, shaklan sodda, mazmunan teranligi bilan har qanday she’r muxlisini o’ziga maftun eta olgan.Bu asarlar komil shaxsni tarbiyalashda ko’mak bo’la oladi.

Adabiyot darslarida o‘quvchini ilm olishga yo‘naltiruvchi motivatsiyalardan bittasi - o‘qituvchining ishonchi. 0‘quvchi qalbida o'qishga intiltiruvchi ichki ehtiyoj hissini shakllantirish uchun adabiyot darslarida zarur sharoit, imkoniyat vujudga keltirilmog‘i lozim. Bu sharoitning yuzaga kelishi va uning o‘quvchi tomonidan anglab olinishi bola shaxsining rivojlanishiga zamin tayyorlaydi va kognitiv, affektiv, pisoxomotor maqsadlarga erishadi.

Xulosa: adabiyot metodikasi ilmi har bir adabiyot darsi oldiga tarbiyaviy, ta’limiy, yo‘naltiruvchi va rivojlantiruvchi maqsadlar qo‘yilishi lozimligini ko‘zda tutadi. Bu xil maqsadlar to‘g‘ri belgilab olinsa, dars jarayoni shu asosda tashkil etilsa, o‘quvchilarning ma’nan sog‘lomlashuvi uchun ulkan imkoniyatlar paydo bo‘ladi.

RKIN VOHIDOV IJODIDA NAVOIY AN’ANALARI: RADD UL-MATLA

Abbosjon ROHATALIYEV,
Namangan muhandislik-texnologiya instituti
o’qituvchisi

Erkin Vohidov XX asr zamonaviy o‘zbek she’riyatiga mumtoz aruz nafasini olib kirgan buyuk shoirlardan biridir. U o‘zining betakror g‘azallari bilan buyuk salaflar sanalgan Fuzuliy, Alisher Navoiy, singari o‘lmas so‘z san’atkorlariga munosib voris bo‘ldi desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Bu haqda O‘zbekiston xalq shoiri, akademik G‘afur G‘ulomning quydagi fikrlarini eslash o‘rinli: “… Erkin she’riyatda taqlid davridan sakrab o‘tib ketdi. Navoiyga ham, Boburga ham, mashrabga ham taqlid qilmadi. Ularga asir bo‘lib qolmadi ham. O‘sha mumtoz shoirlarning she’r san’ati sirlarini o‘rgandi. O‘rganganda ham

qayta-qayta o‘rgandi. Nihoyat o‘z yo‘lini topdi”[1].

Shoir ustozlar an’anasini davom ettiribgina qolmay, ular ijod qilgan aruzda yangi ohanglar kashfiga qo‘l urdi.

Istadim sayr aylamoqni
Men g‘azal bo‘stonida,
Kulmangiz ne bor senga deb
Mir Alisher yonida
She’riyat dunyosi keng,
Guli ko‘p, rayhoni ko‘p,
Har ko‘ngil arzini aytur
Neki bor imkonida[2].

Ushbu satrlarni o‘qir ekanmiz, so‘z mulkining sultoni Alisher Navoiy bobomizning:

Emas oson bu maydon ichra turmoq,
Nizomiy panjasiga panja urmoq.
Kerak sher ollida sheri jangi,
Agar sher o‘lmasa, bori palangi[3].

kabi kamtarlik, mas’uliyat va samimiyatga yo‘g‘rilgan misrlari yodga tushadi. Sababi, mutafakkir shoirimiz “Xamsa” yozishga kirishar ekan bu maydonda sherdek nara tortib, xamsachilik an’anasini boshlab bergan Nizomiy Ganjaviyni e’tirof etadi. Bu yo‘lda buyuk salaflardan madad so‘raydi. Erkin Vohidovning yuqoridagi misrlarida ham g‘azal bo‘stoniga qadam qo‘yajak har bir ijodkor ulug‘ shoir oldida imkon qadar munosib so‘z aytishi va salaflarga munosib voris bo‘lishi haqidagi fikrlar o‘rin olganligiga guvoh bo‘lamiz.

Xassos shoirimiz – Erkin Vohidov ijodiy faoliyati davomida betakror g‘azallar yaratdi. Ularning har birini she’riyat ixlosmandlari katta qiziqish va hayajon bilan kutib oldilar. Shoir g‘azallarini o‘rganish chog‘ida shunga amin bo‘ldikki, unda Navoiy an’analarining davomi bilan birga, Erkin Vohidovgagina xos topilmalar ham talay ekaniga guvoh bo‘ldik.

Adib ijodida uchraydigan shunday an’analardan biri lafziy san’atlar sirasiga kiruvchi radd ul-matla san’atidir. Ushbu she’riy san’at g‘azal “matla’si yoki qasidaning birinchi bayti tarkibidagi misralardan birining so‘nggi baytda (ba’zan oraliqdagi baytlardan birida)

[1] Мирвоҳид Рустам, Мирзаев Темур. То қуёш сочгайки нур. Т.: Ўзбекистон, 2018 . –В. 12.
[2] Vohidov E. O‘zbegim. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. –B.104. Maqoladagi iqtibos larning aksariyat qismi shoirning shu to‘plamidan olindi. Keyingi o‘rinlarda she’r nomi va uning sahifasi qavs ichida ko‘rsatiladi.
[3] Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991. –B.27.

takrorlanishi”[1]ga asoslanadi. Alisher Navoiy ijodida mazkur san’atga ko‘plab murojaat qilingan o‘rinlarni uchratish mumkin. Maslan, shoirning

Ey, gadoyingning gadoyi barcha ahli taxtu toj,
Kim gadoyingdur, anga yo‘q taxt ila toj ehtiyoj[2].

satrlari bilan boshlanuvchi g‘azali maqtasida matlaning birinchi misrasi

To gadoyingdur Navoiy taxt ila toj istamas,
Ey, gadoyingning gadoyi barcha ahli taxtu toj.

tarzidagi takrori bilan yakun topadi. G‘azalda shoirning mazkur san’at turiga murojaat qilishidan ko‘zlangan poetik maqsad, ya’ni g‘azal matla’sida ilgari surilgan fikr va g‘oya maqtada yanada kuchliroq ta’kid ohangi bilan mustahkamlanadi. Bu esa g‘azalning badiiy qiymati yana bir qadar ortishiga xissa qo‘shadi.

Sevimli shoirimiz Erkin Vohidov ijodida ham Navoiy an’analari yuksak mahorat ila davom ettirilib, g‘azallarida radd ul-matla’ning g‘oyat nodir namunalari yaratilgan. Xususan, shoirning Yoshlik devoni to‘plamidan o‘rin olgan qator g‘azallari bunga yaqqol misol bo‘la oladi. Biz quyida shoirning ana shunday g‘azallaridan birini tahliliga yuzlanamiz:

Tushda ko‘rdim dilbarimni,
Ey sabo, uyg‘otmagil,
Olma bir dam vasl shavqin,
Qo‘y meni qo‘zg‘atmagil. (“Uyg‘otmagil”, 42 -bet)

Mumtoz adabiyot namoyandalari ijodida “sabo” ga murojaat tasviri aks etgan o‘rinlar ko‘plab topiladi. Masalan Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonida ham saboga xitob qilingan

Ki: “Ey bodi sabo, tengri uchun qo‘p,
Yetib Chin-u Xito mulkiga yer o‘p![3]

misralar asar qahramoni Farhod tilidan aytiladi. Erkin Vohidov ham ushbu an’anani davom ettirib, yuqoridagi g‘azal matlasini saboga

[1] Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиев М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Академнашр, 2010, -В.240 .
[2] Навоий Алишер. Қаро кўзим. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 . –В.45.
[3] Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.-В. 452.

murojaat tarzida ifodalamoqda. Shoir ijodida ushbu murojaatning ahamiyatli jihati shundaki, u g‘azal maqtasida ham

Gar yo‘qotsam bu kecha men
Qayga borgum axtarib,
Tushda ko ‘rdim dilbarimni,
Ey sabo, uyg‘otmagil.

tarzida takror qo‘llanib, radd ul-matla san’atining yaratilishiga asos bo‘lmoqda. Shoirning “Kimni etmas bu ko‘ngil shaydo” nomli g‘azali ham radd ul-matla san’ati aks etgan jihati bilan ahamiyatlidir.

Dunyo ekan...
Ishq degan savdo
Bormi faqat mening boshimda?!
Kimni etmas bu ko‘ngil shaydo,
Kim she’r yozmas mening yoshimda?!

Mazkur she’r matlasidagi so ‘nggi uch misraning g‘azal so‘ngida ham aynan takrorlanib kelishi radd ul-matla san’atini yuzaga keltirmoqda.

Ayb etmangiz,
Do‘stlar, bu savdo
Bormi faqat mening boshimda?
Kimni etmas bu ko‘ngil shaydo,
Kim she’r yozmas mening yoshimda?!
(“Kimni etmas bu ko ‘ngil shaydo”, 44-bet)

Biz shoir she’rlarini o‘rganish chog‘ida shu narsaga ham guvoh bo‘ldikki, radd ul-matla’ san’ati faqat aruz vaznidagi g‘azallarida emas, balki barmoq she’r tizimidagi ijod namunalarida ham yuqoridagi kabi keng qo‘llangan. Adibning “Teranlik” nomli she’ri bu haqdagi fikrlarimizni yana bir bor quvvatlaydi. She’r ibtidosidagi “Teranlikni qidirmadim ummonlardan, Insonlardan topdim uni, insonlardan” misaralari uning so’nggi bandida ham ayni shu tarzda takrorlanib, o‘zgacha ohang, o‘ziga xos estetik hayajon bag‘ishlagan.

Erkin Vohidovning “Inson va fursat” she’ridagi birinchi bandning tarzidagi

“Soat qilib,
Zanjir o‘tkazib,
Bog‘lab oldik fursatni qo‘lga”

dastlabki uch satri she’rning so‘nggi bandida ham aynan takror qo‘llanganini ko‘ramiz.

“Bizdan ortda surgalmasin deb,
Bizlar bilan chiqsin deb yo‘lga,
Soat qilib,
Zanjir o‘tkazib,
Bog‘lab oldik fursatni qo‘lga”.

(“Inson va fursat”, 146-bet.)

Shoirning bunday tarzdagi ifoda yo‘sinida radd ul-matla’ san’atiga takror va takror murojaat qilishi bejiz emas albatta. Ushbu she’riy san’at poetik matnning badiiylik qiyofasini yorqinlashtirish bilan birga muallifning ichki – intim tuyg‘ularini ro‘yobga chiqarishga ham barobar xizmat qiladi.

Erkin Vohidovning barmoq tizimidagi ayrim she’rlarida matlada aks etgan misralar maqtada to‘laligicha takrorlangan o‘rinlarni ham uchratish mumkin. Masalan, shoirning “Fuzuliy haykali qoshida” sarlavhali she’rida ayni shu xuxsusiyat ko‘zga tashlanadi:

Yellar bir daqiqa to‘xtang esishdan,
Sernavo bulbullar, sayramang biroz.
Karbalo dashtida yayov kezishdan
Charchab tin olmoqda Fuzuliy ustoz

Dengiz, to‘lqinlaring urma qirg‘oqqa,
Shoir o‘ylariga bermagil xalal
Ustoz yuragida she’r tug‘ilmoqda,
Dunyoga kelmoqda munis bir g‘azal[1].

Erkin Vohidov o‘zbek adabiyotida Navoiy an’analarini davom ettirish bilan chegaralanib qolmay, o‘zi ham yangidan yangi badiiy kashfiyotlar qildiki, bu shoir she’riyatining bir qolipga tushib qolmay doimo evrilishda, yuksalishda ekanligidan dalolat beradi. Biz mazkur kichik tadqiqotimizda Erkin Vohidov she’riyatiga xos betakror jihatlardan birnigina o‘rganishga urindik xolos. Aslida, Erkin Vohidov

[1] Воҳидов Эркин. Ишқ савдоси. Сайланма: Биринчи жилд. – Т.: “Шарқ” 2000. – 72 бет

atalmish bahri ummon qarida hali biz inkishof etmagan, terib ulgurmgan durlar behisobdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Воҳидов Эркин. Ишқ савдоси. Сайланма: Биринчи жилд. – Т.: Шарқ, 2000.

2. Мирвоҳид Рустам, Мирзаев Темур. То қуёш сочгайки нур. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

3. Навоий Алишер. Қаро кўзим. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988..

4. Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиев М. Адабиётшунослик луғати.- Тошкент: Академнашр, 2010.

5. Vohidov E. O‘zbegim. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017 .

6. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.

7. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.

BOQIY MIRZO LIRIKASIDA ISHQ-MUHABBAT TALQINI

Bekzod ASHUROV,
NamDU o‘qituvchisi

Muhabbat – inson qalbi ichra eng inja tuyg‘u. U oshiqi beqarorni shoirga aylantiradi, shoirni esa devonaga. Oshiq qalbi qa’ridan chiqqan satrlar-da yosh tizdiradi ko‘zlarda.

“Muhabbatchalik she’riyatga shoh, she’riyatga quldor tuyg‘u yo‘q. ibtidosi hamma hisdan qadimiy, umri hamma mavzudan uzun, jozibasi betimsol uning. Imkoni hech poyon bilmas, shu’lasi tushmagan makon-u zamon bo‘lmas. Nafosat va fasohat, balog‘at va kamolot, matonat va musibatning muhabbat va muhabbatsizlikka dahlsiz jihati aslo uchramaydi”.[1]

She’riyatchalik ham muhabbatga shaydo, oshiq oshufta qul yo‘qdir. Yaratganning madadi ila bandasining qo‘lidan keladigan ijodlar ichida muqaddas tuyg‘u poetik izhoriga rangin usullar, uslublar vositasida eng yaqin boruvchi san’at navi she’riyatdir. Ishq bobida uningdek dalli devona, uningdek dili dardxona, balki topilmas. She’rparastlar hech qachon o‘zlarini muhabbat tarannumiga to‘la-to‘kis

[1] Shermurodov T. Jozib izhor izlab. A. Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyot. Toshkent. 2009. 72-bet.

erishgan deb hisoblashmagan, bunda badiiy so‘z muddaosining intihosi bo‘lmaydi,

Zotan, she’riyat undan yaraladi, usiz g‘arib-u nokerak narsaga aylanadi.

Darhaqiqat, muhabbat mavzusi, eng ko‘hna va hamisha navqiron mavzu hisoblanadi. Bu mavzu shu qadar ommaviylashganki, har bir shoirman deb qalam tutgan kishining ijodi undan xoli bo‘lmagani qatori, umrning eng go‘zal fasli hisoblanmish muhabbat mavsumida, shoirlik da’vo qilmasa-da, har bir kishi bu mavzuga bir bor bo‘lsa-da qo‘l uradi, hech bo‘lmaganda, mazkur mavzu mutolalasidan bahra oladi.

Insoniyat paydo bo‘lganidan buyon kechgan asrlar davomida muhabbatni sharaflab sanog‘i yo‘q satrlar yozilgan, dostonlar kuylangan. Sharq-u G‘arbning buyuk shoirlari deb tan olingan Tirikural, Bxartrixari, Li Bo, Du Fu, Imrul-Qays, Abu Nuvos, Abdula’lo al Maarriy, Saygiyo, Basyo, Alisher Navoiy, Fuzuliy Hofiz, Sa’diy, Mirzo Bobur, Petrarka, Dante, Pushkin, Bayron, Shekspir, Gyote qoldirgan meros to hozirgacha muhabbat nurini sochadi. Zero, Qutb Xorazmiy “Xusrav va Shirin” dostonida yozganidek:

...Ishq birla tirik ushbu olam,
Agar ishq bo‘lmasa, bo‘lmas edi odam.[1]

Sharq-u G‘arbning buyuk shoirlari deb tan olingan ijodkorlar she’riyati faqat va faqat ana shu betimsol nur manbayidan ilhom olgan.

Shoira Nodira:

Muhabbatsiz kishi odam emasdir,
Gar odamsen muhabbat ixtiyor et, - deb yozsa, Xo‘janazar Huvaydo Chimyoniy:

Muhabbatdin bo‘lur muhabbat paydo,
Muhabbatsiz kishidin qoch Huvaydo, - deya ishqning inson hayotidagi o‘rni va ishqsizlikning insoniylik shartlariga putur yetkazishi mumkinligini ta’kid etgandek bo‘ladi.

Mumtoz lirikada ishqning har ikki: majoziy va haqiqiy ishq haqida deyarli barcha shoirlarimiz mahorat bilan qalam surgan bo‘lsalar, muhabbat mavzusi zamonaviy she’riyatimizda eng yetakchi turning eng yetakchi mavzusiga aylandi. Ayniqsa, qo‘shiqchi “shoirlar”(agar shoir deb atash mumkin bo‘lsa) tomonidan yaratilgan tizmalar (ularni she’r

[1] Kh-Davron.uz. internet sayti

deb atash noto‘g‘ri, bizningcha) ni yig‘ib taroziga qo‘yilsa, tonnalardan oshib ketsa kerak.

Ammo zamonamiz ijodkorlari tomonidan she’riyat mavzulari ichra shoh sanalmish ishq mavzusida shunday asarlar maydonga keldiki, she’rxonlar tillarida doston bo‘ldi. Yillar o‘tsa-da, eskirmadi, ohori to‘kilmadi, aksincha tillarda sayqal topdi, jilolandi.

Qahramon shoirimiz Abdulla Oripovning “Birinchi muhabbatim” she’ridan parcha aytib berolmaydigan odam topilmaydi. Erkin Vohidovning sevgi tarnnum etilgan g‘azal shaklidagi ko‘plab she’rlari qo‘shiqqa aylanib har bir xonadonni fayziyob etdi, har bir oshiq qalbini nurga cho‘mdirdi. O‘zbekining “sodda Muhammad” ining bu mavzudagi samimiy satrlari xalqona ohanglarda jarang sochib ishqdan masrur dillarga zavq-u shavq ulashdi. Muhammad Yusuf ayrim she’rlarida muhabbatga “sen chiroylisan” deya murojaat etsa, boshqa o‘rinda uni o‘zi bilan birga bu yerdan ketishga undaydi. Qaysidir she’rida “sochga oq tushganda” kelgan “kechikkan sevgi” sini boshin silab, xaspo‘shlasa, o‘zgasida “Biz baxtli bo‘lamiz, Xudo xohlasa” deya umidlanadi.

Ilk she’r muhabbatdan tug‘ilgan. Asl shoirning sayqaltaroshi ham, eng avvalo, muhabbatdir. Faqat muhabbatgina insonni ijodkorga aylantiradi. Faqat muhabbatgina inson hayotini ma’no va mazmun bilan boyita oladi. Muhabbat insoniyligimiz ko‘zgusidir.Yurtdoshimiz Boqiy Mirzo ijod jamg‘armasining ham katta qismini muhabbat mavzusidaki lirik she’rlar tashkil etadi. Shoir hatto, ijodga qadam qo‘yishining sababi sifatida yuragiga tushgan o‘tli muhabbatni ko‘rsatadi:

Muhabbat soldi-yu qalbimga bir qiz,
Ijod bo‘stoniga tashladim qadam.
Hijron kechalari qalbimga yolg‘iz,
Oshno bo‘la oldi sevgi va qalam.

Shoir bo‘lib qolishiga esa o‘sha dilbar sababchi ekanini aytishdan istihola etmaydi:

G‘azallar bitarman ehtimol nafis,
Hayajon bergandsa oshiq dillarga.
Tahsinni mengamas faqat aytingiz,
Meni shoir qilgan o‘sha dilbarga…[1]

[1] Boqiy Mirzo. Uzukdagi yoqut ko‘z.. Chortoq, “Chortoq” nashriyoti ,1992.-B. 29.

Shoirning lirik qahramoni shu qadar ahdiga vafoli, sadoqatli yor tarzida ko‘rinadiki, unga yo‘lida g‘ov bo‘lgan Qorabotirlar ham chikora emas. G‘iybatchilarning ig‘volari uning ko‘nglini muz etolmaydi. Xijron azobidan ko‘ksi qiymalansa-da, armon yelkasiga g‘amning bor yukini ortsa-da, unga farq etmas, ma’shuqasi uni eng og‘ir damda tashlab ketsa ham, uni sevaveradi, unga bo‘lgan ishqi zarracha bo‘lsa-da kamaymaydi:

Qilichim sindirsin Qorabotirlar,
Uni xanjar qilib jangga kiraman.
Seni menga ig‘vo qilayotirlar,
Baribir men seni yaxshi ko‘raman!

Ko‘ksimni qiymalab tashlasin xijron,
Takabbur do‘stlarim, holim so‘ramang.
Yelkamga bor g‘amin tashlasin armon,
Baribir men seni yaxshi ko‘raman.[1]

Oshiq mahbubasiga bo‘lgan ishqda shu qadar sobitki, uning “kelaman” degan va’dalari yolg‘on ekanini bilsa-da, qo‘ng‘iroqlariga javob qilmasa-da, hijron tig‘i joniga azob berib, intizorlikda to tongga qadar qonlar yutsa-da, tog‘dan va hatto qoyadan baland metinday sabr-bardosh bilan uni kutaveradi:

Shivirlaysiz mayin ovozda:
“Tushdan keyi, kechroq o‘taman!”
Men bilaman va’dalar yolg‘on,
Lek baribir kutaveraman.

Goho javob bermay qochasiz,
Men jon tikkan qo‘ng‘iroqlarga.
Sabrim tog‘dan, qoyadan baland,
Ketsangiz-da ko‘p uzoqlarga,
Men baribir kutaveraman…[2]

Muhabbat bor joyda, eng avvalo, sir bor. Sir bor, dard-u g‘am bor. Iztirobsiz va sirsiz ishq biron bir yozuvsiz kitobga o‘xshaydi. Faqat

[1] O’sha asar.-B. 22.
[2] Boqiy Mirzo. Sen hammadan chiroylisan. – Namangan: “Namangan” nashriyoti, 2010.-B. 31.

muhabbatgina qayg‘u va azobni farahbaxsh etadi. Muhabbat eng ezgu va eng yorug‘ azobdir! Buyuk bobomiz xitob etganlaridek:

Erur ko‘ngilda safo ishq toza dog‘i bila,
Nechunki, ko‘zda yorug‘liq erur qarog‘i bila…

Boqiy Mirzo she’rlaridan birida sevgi tushunchasining chegarasi kengayib boradi. Yolg‘iz kishiga ataladigan bu inja tuyg‘u barchaga birdek bo‘lib beriladi. Oshiq shu qadar sahiyki, uning yuragi ishqqa limo-lim: barchaga yetadi. Lekin bu holni lirik qahramon xarakteridagi qusur, ya’ni besubutlikka yo‘ymaslik lozim. Oshiq qalbidagi sevgi qanchalik to‘lib-toshmasin, hammaga yetarli darajada bo‘lmasin, uni yagona ma’shuqasidan boshqaga bermaydi:

Men hammani sevaman,
Masalan: sizni ham,
Sizni ham,
Sizni ham.
Cho‘chimang, barchaga yetadi sevgim.
Qo‘lingizni qo‘limga bering,
Majnuntol ostida o‘ltirib,
Jilg‘aning qo‘shig‘in tinglaymiz.[1]

Shoirning muhabbat mavzusida yaratilgan she’rlari orasida qo‘shiq talablari asosida yaratilgan badiiyat va mazmun-mohiyat nuqtayi nazaridan biroz yengilroq ijod namunalari ham uchraydiki, bugungi kunda yomg‘irdan keyin bodrab ketgan qo‘ziqorindek, muqovasiga moda namoyishkorlarini yodga soluvchi surati qo‘yilgan Ahad Qayum va ming afsuski, uning izidan borayotgan yoshlar soni kun sayin ortib borayotgan bir paytda bunday she’rlardan ko‘z yumib o‘tish mushkul:

O‘zim seni g‘oyibona sevardim,
Goh quvonib, gohida g‘am yutardim.
Yo‘llaringda xumor bo‘lib kutardim,
Bilagingga bilaguzuk taqqan kim?
Meni rashk-u alamlarda yoqqan kim?..[2]

[1] O’sha asar. –B. 19.
[2] Boqiy Mirzo. Uzukdagi yoqut ko‘z. –Chortoq: “Chortoq” nashriyoti, 1992.-B. 26.

Har qancha zamon o‘tmasin, jamiyat va davlat tabiatida har qanday yangilanishlar yuz bermasin, inson tabiati muhabbat va ishq mahvarida qolaveradi. U yerning tortish kuchiday oxanraboday hamisha va har qanday sharoitda yuraklarni o‘ziga tortaveradi. Muhabbatni tuygan yurakkina hayotning asl ma’nosini anglaydi. Muhabbatdan to‘lqinlangan dil insonni buyuk jasoratlarga va kashfiyotlarga da’vat etadi.

Boqiy Mirzo she’riy to‘plamlarini varaqlar ekansiz, uning alamli va xassos tuyg‘ulari, zavqli va inja o‘ylari, tiniq ehtirosi, hayratli yallasi, mahzun hikmati, og‘riqli quvonchi aks etgan she’rlari muhabbat mavzusi o‘zbek she’riyatining eng insoniy va eng ezgu sahifalari bo‘lib kelganini va shunday bo‘lib qolajagini anglaysiz.

MUHAMMAD YUSUF SHE’RLARIDA SIFATLASHLAR

Dilnoza SULTONOVA,
NamDU o‘qituvchisi
Dildora SULTONOVA,
Uychi tumani 18-maktab o‘qituvchisi

She’riyat dildagi tuyg‘ular va hali hech kim bilan bo‘lishilmagan sezimlarni sirdosh, ya’ni o‘qirman yuragiga yetkazishdagi asosiy ko‘prik vazifasini o‘tovchi bir vosita bo‘lib, shoirning tuyumlari, ya’ni uning ko‘nglida dard tugib yotgan armonlar, aksincha gul ochayotgan orzularni ana shu yurakdan chiqib, yurakka yetib borishiga beminnat xizmat qiladi. Muhammad Yusuf nazmi bilan oshno tutinar ekansiz, shoir she’riyatni ana shu maqsadga maksimal darajada xizmat qildira olganiga guvoh bo‘lasiz. Buning sababi ham oddiy: ijodkor hali boshqa birov qo’llab ulgurmagan, tesha tegmagan tasvir vositalari va san’atlardan mohirlik bilan foydalanadiki, u qo‘llagan tashbeh-u tamsillar, tasvir ifodalari shoirning har bir qalb tashnalik bilan qabul qilib, uni oson hazm etadigan kechinmalarini she’riyat ixlosmandi yuragiga hech qanday to‘siq va g‘ovlarsiz intilishi va yetib borishida o‘ziga xos bir mexanizm vazifasini o‘taydi.

Muhammad Yusuf she’riyati poetik taraqqiyotini belgilovchi omillardan biri sifatida shoir tomonidan qo‘llangan original sifatlashlarni alohida ta’kidlash joiz. Shoir “Baxtli bo‘lamiz” she’rida yorning xush bo‘yini rayhonga nisbat qiladiki, rayhon ifori beixtiyor o‘quvchi dimog‘iga uriladi va bunday betakror tasvir ifodasi kishini hayratga solmay iloji yo‘q. Lirik qahramon, ya’ni oshiq sevgilisiga shu

qadar bog‘lanib qolganki, uning “rayhon hidi” doimo dimog‘ida: yursa ham, tursa ham. Hatto, yo‘llarida ufurib turishini xohlaydi va shuning uchun yoridan uning ko‘chasidan xush bo‘yini taratib o‘tib turishini so‘raydi:

Rayhon hidlaringni
Yo‘llarimga sep,
Kut meni,
Har oqshom,
Ko‘kka oy chiqqan.
Faqat,
Yig‘lamagin,
Gunohim ne deb,
Aybing –
Onang seni
Chiroyli tuqqan[1]!..

Shoir rayhonni haqida so‘zlaganda ona qishlog‘i butun bo‘y-basti bilan ko‘z o‘ngida namoyon bo‘lganidanmi yoki bu xush is jannat iforini eslatuvchi onasining bag‘ridan taralgan hidni yodga solganidanmi, nedan bilmaymiz, juda ko‘p she’rlarida ko‘pincha xushbo‘ylik, ba’zan soddalik, ba’zan samimiylik semalari bilan qayta-qayta bo‘y ko‘rsatadi.

Muhammad Yusuf epitet[2] qidirib uzoqqa bormaydi, uni o‘zining atrofidan: qishloqdan, qir-adirlardan, ariq bo‘ylaridan qidiradi va topib qo‘llaydiki, ko‘ngilga yaqin bir tasvir yaratishga erishadi. Ko‘pincha sifatlash qilib sifat turkumi so‘zlaridan foydalanmaydi, ot turkumiga oid so‘zlarni ishlatadiki, natijada sifatlashuv hodisasi ro‘y beradi. “Anjelika” she’rida belorus millatiga mansub qizni tasvirlar ekan, qizning sochiga muloyim, mayin, ko‘ziga nisbatan ko‘k, yashil kabi epitetlarni qo‘llab qo‘ya qolmaydi. Sochni “sunbul”, ko‘zni “yalpiz” deya sifatlash qo‘llashda originallikka erishadi:

Tunlar ko‘chib, zafar tong otar bo‘ldi,
Chehrasiga termulamiz – to‘ymaymiz.
Sinfimizdan bir suluv ketar bo‘ldi,
Sochi sunbul, ko‘zlari yalpiz[3] *...*

[1] Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2015. – Б. 33.
[2] Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 354-355.
[3] Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2015. – Б. 229.

Sunbuldagi mayinlik, muloyimlik semalari sochning, yalpizdagi yashillik semasi faollashib, ko‘zning belgisi, ya’ni sifati tarzida keladi. Muhammad Yusufgacha shoirlarning ko‘zni moviylikda osmonga, dengizga, shishaga qiyos etganlarining guvohi bo‘lganmiz, lekin ungacha ham, undan keyin ham hech kim ko‘z uchun yalpizni sifatlash tarzida qo‘llamadi.

Shoir bir o‘rinda lirik qahramon ko‘zining so‘nib borayotgan nurini shamga qiyos etadi, shamga esa “xira” sifatlashini qo‘llaydiki, uning ruhiyati tasviri ko‘z o‘ngimizda yaqqol gavdalanadi, bundan tashqari sham tafsili orqali umrning o‘tkinchiligiga zimdan ishora qiladi:

Tuzalmas bu dardim mening,
Umidim yo‘q.
Xira sham*dek ko‘zlarimda*
So‘nmoqda cho‘g‘[1].

Muhammad Yusuf she’rlarida rang nomlarini ham sifatlash tarzida keng qo‘llaydi va bir vaqtning o‘zida ranglar bilan bog‘liq ramziylikni ham ifoda qilishga erishadi. Masalan, “Sevgi bamisoli lolaqizg‘aldoq” she’rida qizning ko‘ylagini “qizil” epiteti bilan keltiradi:

Men o‘sha gumbazga boshimni suqdim –
Qizil ko‘ylak*li bir qizgina kular*[2] *...*

Bu, birinchidan, she’rda sevgiga qiyosan keltirilgan “lolaqizg‘aldoq”qa mantiqan mutanosiblikni ta’min etsa, ikkinchidan, bu rang poetik ramzlar sirasida ishq-muhabbatni ifoda qilishi bilan ramziy ma’no tashiydi[3], uchinchidan, ayni bir misrada “qizil” va “qiz” so‘zlaridagi “q” tovushlari uyg‘unligi asosida tavze[4] san’atini yuzaga chiqaradi.

“Uyqudagi qiz” she’rida “qaro” sifatlashi yerga nisbatan qo‘llangan va bu rang mazkur o‘rinda salbiy ma’no kasb etgan. Dunyodan ko‘z yumgan odamni bag‘riga olgan yerga nisbatan “qaro” sifatlashi qo‘llanilishi odat tusini olgan va bu rang bilan qo‘llangan zamin har narsani o‘z bag‘riga olib yutib yuboruvchi, yo‘qlikka mahkum etuvchi tarzida voqelanadi:

[1] Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2015. – Б. 43.
[2] O‘sha kitob. – B. 40.
[3] Qarang: Турдимов Ш. Халқ қўшиқларида рамз. – Тошкент: Фан, 2020. – Б. 133-134.
[4] Qarang: Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – Б. 57.

***Qaro yer**ga qo‘yib bosh,*
Bir qizgina uxlaydi.
Ko‘zlariga to‘lib yosh,
Hur qizgina uxlaydi[1].

Mazkur she’r ilk o‘zbek san’atkor ayollaridan biri Nurxon xotirasiga bitilgan bo‘lib, uning fojiali o‘limidan ta’sirlanib yaratilgani sezilib turadi.

Qora rang har doim ham salbiy ma’no ifoda etavermaydi, agar u yorning qoshi, ko‘zi, sochi kabilarga nisbatan qo‘llansa, ijobiylik kasb etib, mahbubaning go‘zalligi uchun xizmat qiladi. “Erka kiyik” she’rida “qora” sifatlashini ko‘zga nisbatan keltirilganini ko‘rishimiz mumkin: “*Sening ko‘zing qora, Mening ko‘zim qora…”*

“Bir qiz yig‘lar” she’rida bevafoning sitamlaridan bezib, buloq boshida yig‘lab o‘tirgan qizning ruhiy holati buloqqa boshini egib sollanib turgan majnuntolning holati bilan uyg‘un tarzda tasvirlanadi. O‘zi shundog‘am boshin xam qilib turgan majnuntol holatini chuqurlashtirish maqsadida unga nisbatan “ma’yus” sifatlashi beriladi. Natijada bevafodan ozurda qalb uchun lirik sirdosh obyekti ta’min etiladi: qiz “ma’yus majnuntol”ga hasrat qiladi, “ko‘ngil ohi”ni “ko‘z yosh”iga qo‘shib to‘kadi, “so‘ngan sevgi azoblari”dan yozg‘iradi:

Bir qiz yig‘lar buloq boshida,
Ma’yus majnuntollar qoshida,
Ko‘ngil ohi ko‘zin yoshida:
Bevafo ko‘p ekan dunyoda[2] ...

Ayrim she’rlarda sifatlashlar sifatdosh birikmasi bilan ifoda qilingani ham ko‘zga tashlanadi:

***Tovoniga tushgan** kokillar,*
Qizginaga qo‘shilib yig‘lar,
Bir so‘z dilga sanchadi tig‘lar –
Bevafo ko‘p ekan dunyoda[3] ...

[1] Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2015. – Б. 47.
[2] Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2015. – Б. 48.
[3] O‘sha asar. – Б. 48.

Shoir kokilga nisbatan uzun sifati o‘rnida “tovoniga tushgan” sifatdosh birikmasini qo‘llaydi, bu esa ijodkorni jo‘ngina, oddiy tasvirdan qutqaradi ham qizning bo‘yi bilan teng sochini ta’kid etish barobarida uning ziyoda go‘zalligiga zimdan ishora qiladi. Bundan tashqari shoir ana shu “tovoniga tushgan kokillar”ni qizga qo‘shib yig‘latadi va yor sochini shaxslantirish evaziga she’r badiiyatini yana bir qadar oshiradi.

Boshqa bir she’rda sahroga nisbatan keltirilgan “Majnun g‘arib kezgan” sifatlashi ham kengaygan sifatdosh birikmasi bilan ifodalangan.

So‘ngso‘z o‘rnida ta’kidlash joizki, Muhammad Yusuf she’riyati betakror sifatlashlar, umuman, original tashbeh-u tasvir vositalariga boy bo‘lib, bu she’r ixlosmandlari auditoriyasining anchayin kengligini ta’min etgan jihatlardan biri hisoblanadi. Buning asosiy sabablaridan biri esa biz bugun tahlil va tadqiq etishga intilgan epitetlarning ortiqcha jimjimalardan xoli va xalqonaligidir. Umuman olganda, Muhammad Yusuf she’riyatining badiiy jihatlari, amalga oshirilayotgan ilmiy ishlarga qaramay, ularni yoritish va o‘rganishga qaratilgan tadqiqotlarni kutib turgan dolzarb muammolardan biri sanaladi.

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ИЖОДИДА АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛА

Ҳулкар ҒАИПОВА,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори,Урганч давлат университети катта ўқитувчиси

Публицистикада кенг қўлланиладиган мақола жанри ижод шакли сифатида ўзида бир неча ички кўринишларни мужассамлаштирувчи тушунчадир. Шулардан бири “Адабий танқидий мақола” бўлиб, адабиётшуносликнинг “Адабий-танқид” қисмида салмоқли ўрин тутади ва фаол қўлланилади. Бундай мақола асосини адабий-эстетик қарашлар ташкил этиб, унда адиблар ижоди, муайян асарларни етакчи тамойиллари, ижодкорнинг эстетик позицияси, дунёқараши, маҳорати ёхуд адабий жараён муаммолари хусусида фикр юритилади, конкрет хулосалар чиқарилади. Бунда, табиийки, мақоланавис-танқидчининг тафаккур кучи, бадиий ижод моҳиятини англаш,

англатиш ва баҳолаш даражаси намоён бўлади. Матназар Абдулҳакимнинг бу хусусдаги қарашлари қуйидаги ўзига хосликда кўзга ташланади.

1) Матназар Абдулҳаким асосан Шарқ мумтоз адабиёти ва унинг нодир намуналарини ўрганиш, таржима қилиш билан шуғилланган боис танқидчи эмас, адабиётшунос сифатида иш кўради.

2) Адабий-танқидий мақола эса одатда, адабий жараён ва унинг вакиллари асарлари таҳлилига бағишлангани сабабли Матназар Абдулҳакимнинг изланишларида иккинчи ўринда туради ва танқидий назар кўпинча бошқа мақолалари таркибида мухтасар фикр, изоҳлар, жузъий эътирозлар ҳамда муайян таклиф ва истаклар йўсинида учрайди. Аммо, бу ҳол муаллиф тафаккури танқидий фикрлардан бутунлай ҳоли деган маънони билдирмайди. (“Қош ҳам азиз, кўз ҳам азиз” ва “Тил топишган диллар” мақолалари бунга асос бўла олади).

Матназар Абдулҳаким ўтмиш адабиёти тадқиқотчиси ва таржимони сифатида бадиий қадриятлардан, шоирлар ижодий меросидан, аввало, ижобий томонларни, ижтимоий-эстетик моҳият, умрибоқий ғоялар ва юксак бадииятни таҳлил ва тарғиб қилишга интилади. Бу мураккаб ишни муваффақиятли уддалаётганига қарамай, ўз фикрларини мутлоқ ҳақиқат ёки охирги хулоса деб ҳисобламайди, бошқаларнинг турфа мулоҳазаларини ҳам инобатга олган ҳолда изланади.

Муҳими шундаки, М.Абдулҳакимнинг танқидий нигоҳи ўз ижодига муносабатдан бошланган. У ҳар бир асарнинг ўқувчига манзур бўлишини ўйлаб, биринчи навбатда юксак мақсад, теран мазмунни таъсирли, ҳиссий ифодалашга интилар, бу йўлдаги баъзи қусурларни холис эътироф этиб, кўпинча уларга қайта сайқал берарди. Қуйидаги мисоллар бу фикрни далиллайди.

Шоир 1984-йилда Тошкентда чоп этилган “Тиниқ тонглар” номли шеърлар тўплами хусусида шундай ёзади: “Илк тўпламим хом-хатала чиқди. Шеърлар етишмагани сабабли бундайроқ манзумалар китобга киритиб юборилди” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси”, 2008, 29-август). Кўринадики, муаллиф “бундайроқ”лар нисбатан бўш шеърлари эканини тан олади.

Шунингдек, шоирнинг ўзи асарларида қиёмига етмаган жиҳатлар деб билган айрим нуқталар таржима амалиётига тааллуқлидир. “Матбуотда мени форс тилини мукаммал билади,

деб ёзишади. Аслида ундай эмас. Мен форс тилини **луғат ёрдамида** ўқиб тушуниш даражасида биламан", ёки таржималари талқинлари ҳақида, "таржиманинг бадиий сифатларини четлаб ўтганман. Бу ишни фақат **нуқсонларига** эътибор қаратмоққа ҳақлиман. Улар эса бисёр" ("Тафаккур чорраҳаларида"…Б.320.) каби икрорномалар муаллифнинг ижод масъулиятини чуқур англагани ифодасидир. Бир ўринда эса Ас –Саолибийнинг "Ятимат ад-даҳр" тазкирасидаги хоразмлик арабзабон шоирлар асарларининг ўзбекча сўзма-сўз таржимасини шеърий шаклга ўгиришга "қалами қовушмаганини" яширмайди. ("Туркистон" газ. 2004. 31 январ.)

Яна бир характерли мисол: "М.Абдулҳакимнинг 1997 йилда икки минг нусхада чоп этилган (Урганч. "Хоразм" нашриёти) "Бир қучоқ гул" тўпламига кирган 45 та шеъри соф Хоразм шевасида "машқ қилингани", бошқа ҳудудлардаги шеърхонларнинг уларни ўқиш ва уқиш қийинлиги", тарқалиш доираси чеклангани боис муаллиф бу китобини кейинги тўпламларига, жумладан, "Жавзо ташрифи" сайланмасига киритмади**.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, М.Абдулҳакимнинг ўз ижодига муносабатидаги танқидий ёндашув, талабчанлик, нуқсонларни очиқ эътироф этиш тамойилларини муаллифнинг бошқа ижодкорлар асарларига қарашларида ҳам кўрамиз. Шундай адабий-танқидий мақолалардан бири "Қош азиз, кўз ҳам азиз" деб номланади.[1] Мақолада русийзабон ўзбек адиби Комил Икромовнинг Паҳлавон Маҳмудга бағишланган "Маҳмуд канатоходек" қиссаси таҳлил этилади.[2] Рус тилида ёзилиб, Москва ва Тошкентда нашр этилган бу асар хусусида адиб ва шоир Э.Самандарнинг "Шарқ юлдузи" журналининг 2003 йил 1-фаслидаги "Тарих ва талқин", Матназар Абдулҳакимнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 2003 йил 16-май сонидаги "Тазарру" сарлавҳали мақолаларида фикр юритилади. Адабиётшунос Б. Раҳимова ўзининг номзодлик диссертациясида қайд этилган ҳар иккала муаллифнинг қисса тўғрисидаги мулоҳазаларига мухтасар тўхталиб ўтади. [3]

Матназар Абдулҳакимнинг адабий-танқидий мақолаларидан яна бири "**Тил топишган диллар**" деб аталади.[4] Мақолада "Агахи.

[1] М.Абдулҳаким. Тафаккур чорраҳаларида. Урганч. "Хоразм".2013. Б.329-335
[2] Икромов К. Маҳмуд конотоходек. Тошкент. М."Децкая литературе". 1973,
[3] Раҳимова Б. Ўзбек адабиётида Паҳлавон Маҳмуд образи талқинлари.Фил. фанл. Ном.дисс. 2007. Б.77-79.
[4] М.Абдулҳаким Мангулик жамоли. Мақолалар. Хива. Маъмун академияси, 2009. Б.120-125.

Избранное. Т.1984” тўпламидаги Огаҳий шеърларининг рус тилидаги таржималаридан баҳс этилади ва табиийки, муаллифнинг таржима назарияси ва амалиётига оид иқтидори акс этади. Тўғри, мақоладан барча таржималарни батафсил таҳлил этиш, баҳолаш мақсади кўзланмаган. Балки Огаҳий лирик меросида салмоқли ўрин тутган ғазал ва туюқ жанрларидан танланган намуналар таржимаси хусусида фикрлар баён этилади. Жумладан, Р.Морган ва Н.Грибнев қаламига мансуб таржималар асосий объект қилиб олинган.

Мақоланинг умумий хусусияти шундаки, унда муаллиф мумтоз матнни турдош бўлмаган тилга ўгиришнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда унинг ютуқ ва қусурларига холис ёндашади ва ўрни билан ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда субектив қарашларини ҳам қўшади. Мақоланавис “таржима санъати маъно аниқлигини эмас, мазмун аниқлиги, руҳий ҳамоҳангликни “ёқтиришни” таъкидлар экан, таржимон Р.Морган бу талабга амал қилганини қуйидаги байт таржимасида кўрсатади:

Эсиб гар соридек бўстонлар ичра руҳпарвар эл,
Мосиҳо мўъжизидин ҳар нафас ургуси дам сафо.

Таржимаси:

Мессия будто снизошел и даже на чужбине
Повеял нежний ветерок, и к нам незла пустыня.

Бу ўринда сўзма-сўз таржимада ифодаланган. –“Заминга мессия (мясиҳ, иноят, шахсий нажот) тушдию ҳатто мусулмонликда ҳам шабада эсиб қолди, бизга саҳро жаҳлдор эмас”,- деган мазмунни мақоланавис тўла маъқуллайди, аслиятнинг моҳиятини бузмаслик учун “илоҳий қайтиб келиш”га ишора қилувчи “Мессия” истилоҳини қўллайди ҳамда Исо алайҳисалом ҳаётидаги саргардонликни “мусофирлик”, “ғурбат” сўзидаги маънони “чужбина” сўзида тўғри кўрсатганини эътироф этади.(192.б)

Шу билан бирга, мақолада сўзма-сўз таржиманинг ҳамма вақт ўзини оқламаслигига, баъзи ғазаллардаги ғализ жиҳатларга сабабчи бўлишига эътибор қаратилади. “Шеър таржимаси ҳамиша эркин бўлишини” назарда тутган муаллиф бундай ҳолни Огаҳийнинг “Сўз” радифли ғазали таржимасида кўради. Аслиятдаги “беҳаё”, нодон одамга сўзни маъқул қилмоқ жаҳондаги барча ишдан қийиндир”,-деган фикр таржимасини шу қусурга мисол келтиради:

Что ты не скажешь, Агаҳи, невежд не услишит,
Пуст даже в ухо затрубит сильнее карная слова.

Таъкидланишича, “гарчи ўзбекчадаги “қаттиқ” сўзи таржимада “карнай” сўзи билан кучайтирилган бўлса ҳам маъно аниқлигига эришилмаган” (121б.).

Шунингдак ушбу ғазалнинг бошланишидаги икки байтни таржимон “Огаҳий рус тилида ёзгандек таассурот қолдиришини истаб” ҳаракат қилса ҳам, бунга қисман муваффақ бўлган,- деб ҳисобланади.

Мақолада Огаҳий шеъриятини рус китобонларига етказишда таржимон-шоир Н.Грибнев ҳиссасини алоҳида қайд этади. Айниқса, унинг туюқ ва лирик ғазаллар таржимасидаги ўзига хослиги, аслиятга ижодий муносабати бўртиб туради. Бу фикрнинг далили сифатида *“Ғам юки то қоматим ё қилмади”* мисраси билан бошланадиган туюқ таржимаси келтирилади. Шакли бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар асосидаги бундай шеърни бошқа тилга ўгириш муқобил эквивалентлар ёрдамида амалга оширишда таржимон маҳорати ёрқин кўринади. Мақоланавис туюқнинг иккала тилдаги матнларини қиёслар экан, шундай хулосага келади: “таржима аслиятдан жиддий фарқ қилади. Бироқ бу таржимани рус тилида ўқиб кўрсангиз, қўнглингизда аслият мутолаасидаги таассуротга монанд туйғулар уйғонади-ки, бу уйғунлик таржима тафовутларини оқлайди” (123).

Бундан ташқари, кўпгина ғазаллар таржимасида маъно ифодасига урғу берилиб, бадиийлик, поэтик нафосат унсурлари қисман кўринади ёхуд четлаб ўтилади. Мақолада бу хусусият ҳар бир тилнингнг ўзига хослиги, ифода имкониятларининг миллийлиги билан изоҳланиши эслатилади ва бу фикр машҳур **“Устина”** радифли ғазал таржимаси мисолида тасдиқланади. Ғазал матласида араб ҳарфидаги “нас” сўзи (“Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина, қатлим учун “нас” келтирур, “нун” элтибон “сод” устина”) “амру фармон” маъносида келиб, лирик қаҳрамонни қатл қилишга ишорани билдирадики, бу ҳолатда таржимон мазмунни таъсирли акс эттира олмаган. Шундай бўлса ҳам, мақоланавис русча:

Две брови черные над выгбами глаз,
Как начали, которы дан меня убить приказ,-

байтида “матла руҳи дунёга келган”, деб эътироф этади. Муаллиф мақола интиҳосида “таржима қилишнинг имкони бўлмаган бўшлиқларни рус китобхони ўзининг билвосита билимдонлиги, қўшимча адабиётлардан олган қимматли маълумотлар билан тўлдириши шубҳасиз”, деган хулосага келадики, бу фикр унинг адабий-танқидий қарашларининг муҳим қиррасидир.

Адабиётлар

1. Икромов К. Маҳмуд конотоходек. Тошкент. М.”Децкая литературе”. 1973.
2. М.Абдулҳаким. Тафаккур чорраҳаларида. Урганч. “Хоразм”.2013. Б.329-335
3. М.Абдулҳаким Мангулик жамоли. Мақолалар. Хива. Маъмун академияси, 2009. Б.120-125.
4. Раҳимова Б. Ўзбек адабиётида Паҳлавон Маҳмуд образи талқинлари.Фил. фанл. Ном.дисс. 2007. Б.77-79.

ЧЎЛПОННИНГ “ФАРҲОД ВА ШОПУР ДУЭТИ” МАТНИ ХУСУСИДА

Искандар МАДҒОЗИЕВ,
Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудири

Эрк ва озодлик куйчиси, миллатимиз фахри – Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг улуғ номи, шунингдек, ўзи каби қатағонга учраган сўнмас ижоди Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан қайта юзага чиқди. Айни шу даврга келиб шоир ижодининг кенг миқёсда ўрганилиши ўзбек адабиётида чўлпоншунослик деган ўзига хос “фан” нинг вужудга келишига замин ҳозирладики, унинг шаклланиши ва тараққийсида бир қатор фидойи олимларимизнинг хизматлари салмоқли бўлди. О.Шарафиддинов, Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Дўстқораев, С.Аҳмедов, Д.Қуронов, Б.Каримов ва бошқаларнинг шу йўналишдаги изланишлари натижаси ўлароқ халқимиз ўзининг асл фарзанди бўлмиш Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан чуқур танишиш, асарларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлганлигини эътироф этиш лозимдир.

Бугунга қадар Чўлпон назмий меросининг 250 дан ортиқ намуналари аниқланган бўлиб, улар матбуот саҳифаларида,

шунингдек, бир неча бор китоб ва тўплам ҳолида чоп этилиб, аллақачон халқимиз кўнгил мулкига айланиб улгурган.

Чўлпон ижодиёти асосини унинг бетакрор шеърияти ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Минг афсуслар бўлсинки, шоир ижод намуналари қўлёзмалари бизгача етиб келмади. Шу боисдан тадқиқотчи олимлар Чўлпонни бевосита унинг ўзи тузган тўпламлари, ўша давр мажмуа ва дарсликлари, шунингдек, даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган асарлари матнларига суянган ҳолда ўрганиб, тадқиқ этиб келадилар. Сўнги кузатишлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, Чўлпон яшаган давр нашрлари бўлмиш араб ва лотин ёзувидаги манбаларни ҳозирги ёзувга табдил қилиш жараёнида беихтиёр айрим камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари кўзга ташланади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ҳолат айниқса унинг шеърлари матнида кўп учраб, қатор маъно бузилиши ва ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Бунга мисол тариқасида “Оғриганда” шеъридаги “ўғрашиб” сўзи “ингранiб”, “Юпанмоқ истаги”даги “тинда” сўзи “танда”, “Мен ва бошқалар”даги “инглаган” сўзи “биғлаган”, “Эркин сингилга”даги “арзоқ” сўзи “ўроқ” тарзида берилганлиги ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

Фидойи чўлпоншунос олим, академик Н.Каримов саъй-ҳаракатлари натижасида улуғ шоирнинг кўплаб номаълум асарлари, таржималари аниқланиб, халқимиз маънавий хазинаси бойишига сабаб бўлди. Булар орасида Чўлпоннинг драматург Хуршид билан ҳамкорлиги меваси бўлган “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмасидаги “Фарҳод ва Шопур дуэти” ҳам бордир. Олим ушбу маълумотни шоирнинг синглиси Фоиқа аянинг хотираларига таянган ҳолда келтиради [3,396]. Ҳозир эътиборингизни қаратмоқчи бўлганимиз Чўлпонга нисбат берилган ушбу ғазал ва унинг матни хусусида бўлади.

Таъкидлаш жоизки, бу ғазал “ХХ аср адабиёти манзаралари” китоби орқали Чўлпон “Асарлар”и I жилдидан ўрин олган [5,266]. Олим ўз асарида унинг Чўлпон қаламига мансублиги ҳамда яратилиш тарихи хусусида қимматли маълумотларни келтиради ва уни Хуршид “Танланган асарлар” [4,41]идан айнан олганлигини айтади.

Хуллас, бундан бир неча йил муқаддам, марҳум адиб ва таржимон Урфон Отажон менга отаси Абдулваҳоб Сайфий томонидан тартиб берилган бир қўлёзма дафтарни тақдим қилган

эди. Ушбу дафтарда Фарғона водийси, хусусан, андижонлик шоирларнинг 10-20-йилларда яратган кўплаб ғазаллари, шеърий мактублари, мушоара, мухаммас ва маснавийлари, марсия ва таърихлари, Саъдий, Жомий, Бедилдан қилинган кичик таржималари ўрин олган эди.

Андижонлик олим ва шоир Боқирнинг қайд этишича, 20-йилларда Фарғона водийсидаги шоирлар ўртасида адабий алоқалар ривожланади. 1926 йилда Қўқон адабий муҳити вакилларидан андижонликларга "Ҳадяи Чархий маа абёти мутафаррика" деб номланган бир дафтар келади. Унда Чархий, Мирзо, Чустий ва бошқаларнинг шеърлари Чархий томонидан ҳуснихат билан кўчирилган эди. Андижон адабий муҳити вакиллари бунга жавоб йўллашни шоир Имодиддин Улфатга топширади. У "Туҳфаи Ҳоиб маа мутанаввиа" номи билан бир тўплам тузиб, Муҳаммадхон Маҳжурий қалами билан кўчиртириб Қўқонга юборади. Айни шу даврдан бошлаб, бу шоирлар ўртасида ижодий фикр алмашинув, ўзаро "борди-келди" ва хат алоқалари ўрнатилади [2,25]. Юқорида тилга олинган дафтарда ҳам кўплаб шеърий мактублар, ғазал ва мухаммасларнинг мавжудлиги фикримизни тасдиқлайди.

Дафтардаги шеърлар орасида "ёш шоир" Набихон Чустийнинг қуйидаги мухаммаси диққатимни тортди:

Тушуб бошимға бир савдойи Ширини баякбора,
Кечиб Чин тожи тахтидин бўлубман мунда бечора,
Рақиби кинаварлар тиғидин дил бўлди садпора,
Сабо, юрғил, саломимни етурғил кўйи дилдора,
Паришон хотиримдан арзаи қил нозанин ёра [1,12].

4 ва 5 мисраларни ўқирканман, қандайдир таниш оҳангларни ҳис этгандай бўлдим ва шу он "XX аср адабиёти манзаралари" китоби ёдимга келди. Китобни олиб "Фарҳод ва Шопур дуэти"ни топдим ва уни қўлёзма матн билан ўзаро таққослашга тутиндим. Натижалар эса қуйидагича бўлди.

Биринчи байт аввалги мисрасидаги "юрғил" китобда "етгил" тарзида берилган. Хуршид "Танланган асарлар"ида эса "этгил" кўринишида. Назаримда, қўлёзма матндаги елиш, юришга ундаш маъносидаги "юрғил" сўзи тўла мос келади. Ваҳоланки, "этиш" билан "етиш" маъно жиҳатдан умумий мазмунга унчалик мувофиқ эмас.

Арузнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган ғазалнинг кейинги байтларини қўлёзма дафтар матнига бирма-бир таққослаймиз (Китоб варианти курсивда белгиланди – *И.М.*):

Баён этгил юзини ёди била қилган фиғонимни,
V – – – / V V V – /V V V – / – V – – –
Этар шояд келиб бу Кўҳ(и)кан ҳолига наззора.
V – – – / V – – – / V – – – / V – – –

Баён эт, иштиёқи васл ила қилғон фиғонимни,
V – – – / V – – – / V – – / V – – –
Этар шояд келиб бу Кўҳ(и)кан ҳолиға наззора.
V – – – / V – – – / V – – – / V – – –

Кўриб турганимиздек китоб варианти матнидаги биринчи ва иккинчи мисралар вазни ўзаро номувофиқ бўлиб, аввалги мисрада эса бир ҳижо ортиқча. Устига-устак биринчи мисра мазмунидаги ғализлик уни иккинчи мисрага боғланишига йўл бермайди.

Нигорим лаб очиб сендан агар аслим савол этса,
Хўтандандир мусофир, севги саҳросида овора.

Нигорим лаб очиб сендан агар аслим савол этса,
Дегил: “Чин шоҳидур бу севги саҳросида овора”.

Бу байтнинг кейинги мисрасида ҳам юқоридагича вазн бузилиши ҳамда маъно ўзгариши кузатилади. Яъни Чин шаҳзодаси – Фарҳод “хўтанлик мусофир”га айланган. Байтнинг синтактик қурилиши ҳам нуқсонли, унда мисралар юқоридаги каби ўзаро боғланмаган.

Эмиш юртида Фарҳод исми, мунда Кўҳкан ўлмиш,
Матои ҳусн олмоққа келибдур ушбу бозора.

“Эмиш юртида Фарҳод исми мунда тоғ қазувчидур,
Матои ҳусн олмоқға келибтур” - де бу бозора.

Бу байт ҳам бевосита олдинги байтнинг мантиқий давоми бўлиб, Шопур тилидан сабога хитобан айтилади ва Фарҳоднинг мақсади билдирилади. Ғазалнинг юқоридаги иккинчи байтида ҳам “Кўҳкан” сўзи қўлланганини эътиборга олсак, бу ўринда ҳам айни

шу сўзни қўллаш шоир бадиий маҳорати доирасини торайтиргандек туйулиши табиий. Бироқ, қўлёзма матндаги ҳолат буни тўла инкор этади. Чўлпон ўзбек тили имкониятларидан фойдаланган ҳолда форс-тожикча “Кўҳкан” ўрнига “тоғ қазувчи” сўзини қўллайди ва ўз она тилига бўлган муҳаббатини ҳамда “Чиғатой гурунгги” таъсирида шаклланган ижодий принципини намоён этади.

Манго учмоҳ кўринмиш шавқи бирла бу жафо тоғи,
Нигорим шарбати васлида, во, мен ташна бечора.

Манго учмох кўринмиш шавқи бирлан бу жафо тоғи,
Нигоримни сўзи кавсар суйи ман ташна бемора.

Хулоса ўрнида айтилган бу байтнинг сўнгги мисрасидан маъно уқиш бироз мушкул, шунингдек, ҳар иккала мисра бир-бирига ёпишмайди. Ваҳоланки, қўлёзма матни ғазал мазмуни бенуқсон эканлигини кўрсатиб турибди. Бу эса бирор байти нуқсондан ҳоли бўлмаган жорий нашрлардаги матннинг ўзини оқламаслигини ва жиддий назар солиш кераклигини кўрсатади.

Хўш, ғазал матнидаги бу тафовутлар қандай юзага келган? Хуршид рухсатисиз унинг асарига қўл уриб, “узукка қош қўйгандек бўлган” (Хуршид таърифи – *И.М.*) [3,396]. Чўлпоннинг ушбу “ария”сига аруздан маълумоти кам бўлмаган муаллифнинг қалам уриши(“қош қўйиши”)ми, ёки унинг вафотидан кейин асарларини нашрга тайёрлашда йўл қўйилган хатоми? Буни кейинги изланишлар ойдинлаштиради, деб умид қиламиз.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган.)

Адабиётлар

1. “Баёзи Сайфий” (Муаллифнинг шахсий кутубхонасида сақланувчи қўлёзма).
2. Валихонов А (Боқир). Навоийнинг андижонлик издошлари (машинка нусха) (Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фонди).
3. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2008. – 536 б.
4. Хуршид. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1967. – 334 б.

Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд (нашрга тайёрловчи Н.Каримов). – Тошкент: “Akademnashr”, 2016. – 368 б.

XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ИЖОДКОРЛАР АСАРЛАРИНИНГ ҚАЙТА НАШР ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Соҳибахон ИСЛОМОВА,
АДУ “Ўзбек адабиётшунослиги” кафедраси ўқитувчиси

XX аср бошларидаги қатағонлар миллий адабиётимиз дарғалари бўлган кўплаб ёзувчи ва шоирларимизни ижоди айни гуллаган вақтида ҳаётдан олиб кетди. Мустақилликнинг илк шабадалари эса бошлаган 80-йилларнинг охирларидан бошлабгина юртимизда мазкур истеъдод соҳибларининг номлари дадил тилга олиниб, ижоди қайтадан ўрганила бошланди. Ҳурриятга эришганимиздан сўнг эса бу жабҳадаги ишлар кенг кўламда йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар ўтган қарийб ўттиз йил мобайнида бу борада жуда кўп ишлар қилинди: Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарлари вақтли нашрларда қайтадан чоп қилинди, уларнинг китоблари, алоҳида тўпламлари нашр қилинди. Ниҳоят, Беҳбудийнинг, Фитратнинг, Абдулла Қодирийнинг, Чўлпоннинг кўп жилдлик асарлари тўпламлари яратилди. Маънавият нашриёти томонидан туркум китоблар нашр қилинди ва ҳ.к. Айтилганлар, шубҳасиз, мазкур йўналишда жуда кўп ишлар қилинганини кўрсатади. Бироқ масаланинг иккинчи муҳим томони борки, ҳозиргача унга етарли эътибор берилмай келинаётир. Гап мазкур қайта нашрларнинг сифати, аниқроғи, ҳозирги ёзувга ўгирилиши, имлосида кузатилувчи ҳар хилликлар ҳақида. Қайта нашрларни ўқиганда, уларда сўзларнинг ва сўз шаклларнинг ёзилиши, тиниш белгиларининг қўлланилишидаги ҳар хилликлар, шеърларнинг график шакллантирилишидаги фарқлар, муайян ижодкор тўпламига муаллифлиги тугал аниқланмаган асарларнинг кириб қолиши каби эътирозли ҳолларга бот-бот дуч келамиз. Албатта, бу ҳолатни келтириб чиқарган объектив омиллар мавжудки, аввало, шуларга тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, қатағон қилинган ижодкорларнинг шахсий архивлари сақланган эмас. Уларнинг айримлари ҳибсга

олингунларига кадар эҳтиёт чораси ўлароқ қўлёзмаларини йўқ қилганлар; айримларининг архивлари ҳибсга олинган пайти йўқ қилинган ёки рўйхат қилиб олиб кетилган кўйи бедарак йўқолган. Хуллас, ҳозирда қайта чоп этилаётган асарлардан аксариятининг қўлёзмалар(автограф)и йўқ. Шу сабабли ҳам уларнинг асл матни сифатида муаллифлар ҳаётдалигида китоблар, газета-журналлар, турли альманах ва тўпламларда нашр қилинган матнларни қабул қилишга мажбурмиз. Табиийки, ушбу нашрлардаги матнларни мутлақ муаллиф қўлёзмаси деб тушуниш тўғри эмас, уларнинг фарқли бўлиши табиий. Чунки ҳар қандай асарнинг чоп этилишидан олдин муҳаррирлар томонидан таҳрир қилиниши натижасида матнда муайян ўзгаришлар содир бўлган бўлиши эҳтимоли жуда катта. Бунинг далили сифатида Абдулла Қодирийнинг 1925 йилда нашр этилган “Ўткан кунлар” романининг 2-қисмидан ўрин олган “Узр”ини келтириш кифоя. Биринчи қисм чоп қилинганида иш устида бўлмаган адиб “имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди, мусаҳҳиҳларимизнинг мусоҳалалари орқасида техника жиҳати кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир йўсинда чиқди”[6,124] дея ёзғиради. Ҳеч шубҳасиз, асарининг китоб ёки вақтли матбуотдаги нашридан бу каби қониқмаслик ҳолати бошқа ижодкорларда ҳам бўлганки, бу муаллиф қўлёзмаси билан илк нашр варианти битта нарса эмаслигига кучли далилдир. Демак, биз асосий таянч матн сифатида қабул қилаётган илк нашр матнларига ҳам танқидий нигоҳ билан боқишга бурчлимиз. Чунки Абдулла Қодирий романи нашри билан боғлиқ бўлган бу каби хатоликлар бошқа жадид ижодкорларининг асарлари нашрида ҳам учрамаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Хулоса қилиш мумкинки, ўша давр матбуотида чоп этилган асарларнинг матнини айнан муаллиф матни деб қарай олмаймиз ва буни доимо ёдда тутишимиз керак. Шундай бўлса-да, бошқа чорамиз бўлмаганидан қайта нашрларда илк нашрларга асосий матн сифатида таянишга мажбурмиз.

Жадид адабиёти вакилларининг асарларини нашр қилишдаги муаммолардан бири – тахаллус масаласидир. Маълумки, жадид адабиёти бошқа давр адабиётларидан ижодкорларининг кўп тахаллус ва имзоларни қўллагани билан ҳам кескин ажралиб туради. Мазкур ҳолат, бир томондан, давр матбуотида ҳукм сурган урф билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ўзига хос эҳтиёт

чораси ҳам эди. Бу тахаллуслар ва имзолар кимга тегишли эканлиги ҳақида ҳужжатли далиллар эмас, балки кўпроқ оғзаки хотираларга асосланган ҳолда аниқлаштириш ҳолатлари ҳам турли муаммоларни келтириб чиқарган. Ўша даврда қўлланган адабий тахаллуслар ҳақида Олтой(Боис Қориев) илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1967 йил 1-сонидан ўрин олган “Адабий тахаллуслар ҳақида” номли мақоласида ушбу масалага тўхталиб ўтган. Мақола муқаддимасида редакциядан муаллиф ва мавзу ҳақида қисқача маълумот келтирилган: “Ҳозирда бу тахаллусларни аниқлаш устида адабиётшунос Боис Қориев(Олтой) иш олиб бормоқда. У матбуотни бирма-бир варақлаш, шахсий хотираларни тиклаш ва изланиш-суриштиришлар натижасида жиддий ютуқларга эришди. Мазкур ишда аниқланган тахаллуслар билан бирга аниқланмаганлари ҳам келтирилиб, ўша давр вақтли матбуотида учрайдиган адабий тахаллуслар луғати шартли равишда уч қисм(доимий, ўткинчи ва қисқартирилган)га бўлинади ва ҳар бир қисм алфавит тартибда берилади”[5,51]. Боис Қориевнинг маълумотномасини кўздан кечирар эканмиз, бир неча ижодкор бир тахаллусдан фойдаланганига бот-бот гувоҳ бўламиз. Жумладан, “Мухбир” тахаллусида тўрт ижодкор: Наби Каримов, Хатам Икромов, Мадамин Иброҳимов, Умурзоқ Абдували ўғли; “Қишлоқи” имзосини қўллаганлар: Садриддин Саидмуродов (Айний), Ашурали Зоҳирий, Хатам Икромов; “Шапалоқ” тахаллусидан фойдаланганлар: Ғулом Ғафуров, Ғози Юнус, Саидризо Али. Бу мисолларни кўплаб давом эттиришимиз мумкин. Бир тахаллус ва имзонинг кўплаб ижодкорларга тегишли бўлиши муаллифни аниқлаш масаласида жиддий қийинчиликларни юзага келтиради. Баъзи бир тахаллус ва имзолар бир неча ижодкорларга тегишли бўла туриб, фақат биттаси қайд этиб ўтилган бўлиши эҳтимоли ҳам мавжудки, бунга мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни кўрсатиб ўтамиз. “Ёлғончи” имзоси Боис Қориевнинг маълумотномасида Садриддин Саидмуродов (Айний)га тегишли деб берилган, аммо адабиётшунос Бойбўта Дўстқораев томонидан аниқланиб, “Гўзал Туркистон” тўпламига киритилган “Мушт тушсин” шеърида ҳам ушбу имзо қўлланилган. Ҳолбуки, мазкур тўпламда бу шеър Чўлпон шеърлари қаторида саналмоқда. Бу ҳақда атоқли адабиётшунос Наим Каримов қуйидагича фикр билдиради: “Садриддин Айнийни шу йилларда Андижонга келмагани,

шунингдек, шеърнинг тили ва услубида “айнийона” унсурларнинг йўқлиги уни Чўлпон қаламига мансуб дейишимизга асос беради”[4,350]. Демак, “Ёлғончи” имзоси айнан Чўлпонга тегишли эканлигини билдирувчи аниқ далил йўқ, лекин шоирнинг бошқа шеърлари билан қиёслаб, контекстуал таҳлил орқали Б.Дўстқораев ва Н.Каримовнинг ушбу шеър муаллифи ҳақидаги хулосаларининг тўғрилигини аниқлаш зарур. Шунга ўхшаш, бошқа тахаллус ҳамда имзоларнинг қайси ижодкорга тегишлилиги даврий нашрнинг ўзида, таҳририят ҳужжатларида қайд қилинган бўлса ёки шоир ҳаётлигида нашр қилинган тўпламларидан ўрин олган шеърларида қўлланган бўлсагина аниқ ишонч билан Чўлпонники ёки ўзга жадид адабиёти вакилиники дейиш мумкин бўлади. Масалан, 1923 йилда Андижонда чоп этилган “Дархон” газетасини кўздан кечирсак, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг “Шумгиёҳ”, “Андижонлик”, “Меҳмон”, “А.С.”, “Қ.” ва бошқа кўплаб тахаллус ҳамда имзоларини учратишимиз мумкин. Атоқли олим Р.Шамсутдинов мазкур газета ва ундаги Чўлпоннинг фаолияти ҳақида шундай дейди: “Бу газетага аввал Абдулҳай Тожиев, сўнгра Андижон ревкоми раиси Исҳоқжон Ғозиев муҳаррирлик қилди. Марказқўм йўлланмаси билан Тошкентдан Андижонга келган Чўлпон бу газетага амалда муҳаррирлик қилган. Чунки Исҳоқжон Ғозиев ревком раиси бўлганлиги учун газета ишини тўлалигича Чўлпон зиммасига юклаган эди”[8,102]. “Меҳмон” тахаллуси Абдулҳамид Сулаймоновга тегишли эканлиги ҳақида дастлаб профессор Р.Шамсутдин маълумот берган ва мазкур тахаллус билан чоп этилган “Унимлик зиёфат” ҳамда “Бир Пўстин” мақолаларини келтириб ўтади[8,116-119]. Андижон вилоят давлат архивида олиб борилган изланишлар вақтида Чўлпоннинг Андижон ревкоми раиси Исҳоқжон Ғозиевга ёзилган мурожаати эътиборимизни тортди. Ушбу мурожаатнинг орқасида “Бир Пўстин” мақоласидан парча шоирнинг дастхати билан ёзилган ва ажабланарлиси шуки, “Дархон” газетасида чоп этилган мазкур мақола структураси билан бир хил[9.573]. Бу хужжат “Меҳмон” ҳақиқатан ҳам Чўлпоннинг тахаллусларидан бири эканлигини исботлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, жадид адабиёти вакиллари қўллаган тахаллус ва имзолар масаласи очиқлаш керак бўлган масала ҳисобланади. Зеро бу борадаги янглиш фикрлар жиддий хатоларга олиб келади.

Кейинги муаммо - давр матбуотидаги ҳолат: турли газета-журналлар ўз фаолиятини тил ва имло борасидаги ўз қарашларига асосланиб олиб боргани, муҳаррир ва мусаҳҳиҳларнинг тил ва имло масаласида бир-биридан кўп (умумий савияси, шеваси, тилни ҳис қилиши каби) жиҳатларда жиддий фарқлангани билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 10-20-йиллари матбуотида ўзбек адабий тили меъёрларининг ҳали қатъий белгиланмагани ўзининг чуқур изини қолдирган. Аксар ҳолларда таҳририятда ишловчи муҳаррир ва мусаҳҳиҳлар фаолияти билан боғлиқ ҳар бир нашрнинг ўз "шеваси" бўлган. Масалан, Чўлпон 1923 йилнинг 11 апрелда "Туркистон" газетасида эълон қилинган "Тилимизнинг ишланиши" номли мақоласида бу масалага атрофлича тўхталиб ўтган: "Бухоро ахбори" йўлдошимизнинг доим кўзга қадалатурган битта зўр хатоси бордурким, уни хайрихоҳлик билан айтиб ўтмак истаганимиз камчилик тил, шева камчилиги, тўғриси, тилга аҳамият бермаслик хатосидир. Бош сарлавҳаси ёнида "адабий жаридаи туркия" деб ёзилған бу газета, маълумдирким, ўзбек шевасида чиқадир. Бухоро ҳукуматининг расмий тили ҳам ўзбекчадир. Бухородек форс-эрон таъсирига ортиқ ютулиб кетиб, ўз тилидан ажралиб қолған бир ўлка учун, у ердаги кўпчилик авом учун тилнинг аҳамияти жуда зўрдир. Ҳолбуки, "Ахбор" йўлдошимизда бу жиҳатга сира диққат этилмайдир ёки этила олмайдир"[2,14]. Чўлпон "Бухоро ахбори" газетаси бу жабҳада йўл қўйган камчиликлар хусусида тўхталаркан, "унинг ярим татар ва чала-була ўзбек шевасида босилатурған мақола ва хабарларидан" кўплаб мисоллар келтиради. Муҳим томони, Чўлпоннинг тил борасидаги эътирозлари муаллифлардан кўра кўпроқ таҳририятга қаратилган, чунки айнан улар материалларни "ярим татар ва чала-була ўзбек шеваси"да чоп этишган деб биладики, бу юқорида айтган фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Бундан ташқари Чўлпон ушбу газета саҳифаларида чоп этилган бош муҳаррир Қори Йўлдошнинг "Йўл хотиралари"да келтирилган "ажиб, атала ибора ва жумлалар"ига ҳамда муштарийлар "сўнг вақтда кўп йўлуқатурған "Моиқий" деган бир "шоир"нинг бузуқ, ўқуш билангина онглаб бўлмайдиған" шеърларига ҳам тил жиҳатидан эътироз билдиради. Ҳолбуки, мақола муқаддимасида "Бухоро ахбори" давр талабларига жавоб бера оладиган энг яхши газеталардан бири эканлиги таъкидланади. Агар ўз даврининг энг яхши газеталаридан биридаги аҳвол шу бўлса, қолганлари қай

ҳолатда бўлганини тасаввур қилиш ва бу тасаввурни тахламларни варақлаб мустаҳкамлаш қийин эмас.

Демак, барча учун ягона бўлган асосий имло қоидалари шаклланмагани ҳамда давр матбуотида фаолият юритган мусаҳҳиҳ ва муҳаррирларнинг бу борадаги қарашлари турлича бўлганлиги ҳам мавжуд вазиятни янада қийинлаштирган.

Маълумки, жадид адабиёти вакиллари ижод қилаётган даврда ёзувлар бир неча бор ислоҳ қилинди. “Ўзбек ёзувининг XX асрдаги тарихи мураккаб жараёнларга бой бўлди: бу асрда ёзув уч марта тубдан ислоҳ қилинди – бир график тизимдан бошқа график тизимга кўчирилди. Жаҳон халқларининг ёзув тарихида бундай ҳодиса кам учрайди”[1,5]. XX аср ҳақиқатдан ҳам 3 ёзувни кўришга “мушарраф бўлди”: араб, лотин ҳамда кирилл. 10-20 йилларда асрлар мобайнида қўлланилган араб алифбосини тилимиз хусусиятларига мослаштириш, тиниш белги ва унинг қоидаларини мукаммаллаштириш зарурати масалалари сезила бошлайди. Бу заруратни барча ўзбек зиёлилари чуқур англайдилар ва натижада 1918 йилда Фитрат бошчилигида Тошкентда адабиёт, тил ва имло масалалари билан шуғулланувчи “Чиғатой ғурунги” ташкилоти тузилади. Чунки бу масалаларнинг ижобий ҳал қилиниши жуда катта аҳамият касб этар эди. Хусусан, ўша даврда қўлланилаётган имлода 25 та ҳарфнинг тўрт хил шакли – сўз бошида, ўртасида, охирида ёки ёлғиз ҳолда ишлатиладиган шакллари бўлган, қолган 7 та ҳарфнинг эса икки хил ҳолатда ишлатиладиган шакли мавжуд эди. Ушбу имлода барча унли фонемалар атиги 3 та ҳарф билан ифодаланган: ا (алиф), و (вов), ى (ё). Баъзи ҳарфлар учта фонемани ифодалаган. Масалан, **و** (вов) ҳарфи “в” ундошини ва “у”, “ў” унлиларини намоён қилган, ى (ё) ҳарфи ҳам 3 та фонемани – “э”, “и” унлиларини ва “й” ундошини ифодалаган. Айрим фонемалар эса бир неча ҳарфлар билан ифодалана олган. Жумладан, “т” ундоши учун **ت** (те), **ط** (то); “ҳ” ундоши учун **ه** (ҳойи ҳаввоз), **ح** (ҳойи ҳутти); “с” ундоши учун 3 та ҳарф **ث** (се), **س** (син), **ص** (сод); “з” ундоши учун эса 4 та ҳарф **ذ** (зол), **ز** (зе), **ظ** (зо), **ض** (зод) қўлланган.

Бу каби ҳолатлар маориф, таълим тизимида ва амалиётида кўп қийинчиликларни юзага келтирган, ўқувчиларда тез ва равон ўқиш кўникмаларини шакллантиришга монелик қилган. “Чиғатой гурунги” айнан шу қийинчиликларни инобатга олиб, алифбо ҳамда имло муаммоларига эътибор қаратишни зарур деб билган. 1921 йил

январ ойида Эски Тошкент ижроқўми ҳамда Беҳбудий клуби биносида Биринчи ўлка ўзбек тил ва имло қурултойи бўлиб ўтади. Ўзбекистоннинг барча жойларидан келган қурултой қатнашчилари ўз ҳудудларидаги тил ва имло, маориф, санойеъ нафиса ҳақида анжуманда гапириб ўтдилар. Қурултой материалларини синчиклаб ўқиб, унда иштирок эта ётган шахсларга эътибор қаратсак, Ҳамид Юнусуф, А.Юнусуф, ўртоқ Ҳамид ва Ҳамид Сулаймон каби исмларга кўзимиз тушади. Бу исмлар бир инсонга – Чўлпонга тегишли эканлиги, тил ва имло масаласи миллат тараққиётини кўзлаган барча шахслар учун бирдек муҳим эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, қурултойда Андижон вакили сифатида ўз фикрларни баён қилган. Қурултойда Чўлпоннинг ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бир таклифни ташлаши кишини ажаблантиради: “Мажлис охирида ўртоқ Ҳамид Чиғатой адабиётининг муассасаларидан бўлған “Навойи” отиға бир ҳайкал ўткариш тўғрисида таклиф киритди. Бу таклиф мажлис томонидан олқишлар билан қаршу олинди”[7,49]. Ушбу маълумот Чўлпоннинг мумтоз адабиётимизга, хусусан, Навоийга бўлган улкан эҳтиромини кўрсатади.

Мамлакатимизда 1926 йилдан бошлаб ислоҳ қилинган араб ёзуви ҳам, янги кириб келаётган ўзбек лотин ёзуви ҳам кенг қўлланилган. 1929-1930 йилдан бошлаб бутун мамлакатда тўла ўзбек лотин ёзуви амал қилинадиган бўлди. 1934 йилнинг 13 мартида ЎзССР ҳукумати томонидан тасдиқланган ёзув яна ислоҳ қилинди. Аҳамиятлиси шундаки, қатағон қилинган зиёлиларнинг ижодлари мана шу имло ҳақидаги баҳслар кечаётган даврда нашр қилинган эди. Жадид ижодкорлар асарларининг илмий-танқидий матнини яратишда ўтказилган кўплаб тил ва имло ўзгаришларини назардан четда қолдирмаслик даркор.

Қатағон қилинган зиёлиларимизга ижод қилиш, уни чоп этириш, ўз миллатдошларининг ғами етмагандай бутун туркий халқларнинг равнақи учун тинмай саъй-ҳаракат қилиш ва буларнинг эвазига ҳеч қандай моддий фойда кўрмаганлиги, киссасидаги охирги пулларини-да ушбу мақсад йўлида сарф этганликларини тасаввур қилиб кўрайлик. Яна бу ҳам етмагандай тинимсиз кузатувлар, сўнгсиз тазйиқлар, мудом таъқиблар остида яшаш, манзили ҳалокат бўлган йўлдан шаҳдам қадамлар билан ижод қилиб ўтиш чинакам фидойиликдир. Қатағон йилларидаги ижодкорларнинг асарларини қайта нашр қилишда юқорида санаб

ўтилган қатор муаммолар мавжуд, аммо бу машаққатли ишга бел боғлаш ҳар бир зиёлининг кечиктирилмас бурчидир.

Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022 йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли "Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш" мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Адабиётлар

1. Жамолхонов Ҳ., Сапаев Қ. Имло муаммолари. "Ўзбек тили ва адабиёти"дан ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. – Б. 271.
2.Чўлпон. Асарлар. IV жилд. Тилимизнинг ишланиши.– Тошкент: Академнашр. 2016. – Б. 368.
3. Чўлпон. Тилимизнинг ишланиши // Туркистон. 1923. 11 апрель.
4.Чўлпон. Асарлар. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б.350.
5.Қориев Б. Адабий тахаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1967. – №1. – Б. 51-58.
6.Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1925. – Б.124.
7.Тил-имло қурултойи масалалари.–Тошкент: Туркистон жумҳурияти давлат нашри, 1922. – Б.51.
8.Шамсутдинов Р. Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб.–Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 302.
9. Андижон вилоят давлат архиви, 90-фонд, 2-рўйхат. 573 бет.

O‘ZBEK TILINING IZOHLI LUG‘AT MISOLLARIGA MANBA BO‘LGAN BADIIY ASARLAR

Shaxlo MUSAYEVA,
NavoiyDPI doktoranti

O‘zbek xalqining ko‘p ming yillik tarixi, boy ilmiy-ma’naviy merosi, adabiyoti va san’ati haqidagi qimmatli ma’lumotlar qo‘lyozma manbalarda aks etgandir. “Ajdodlarimiz tafakkuri va dahosi bilan yaratilgan eng qadimgi toshyozuv va bitiklar, xalq og‘zaki ijodi namunalaridan tortib bugungi kunda kutubxonalarimiz xazinasida saqlanayotgan ming – minglab qo‘lyozmalar, ularda mujassamlashgan tarix, adabiyot, san’at, siyosat, ahloq, falsafa, tibbiyot, matematika, mineralogiya, kimyo, astronomiya, me’morchilik, dehqonchilik va boshqa sohalarga oid qimmatbaho asarlar bizning buyuk ma’naviy

boyligimizdir. Bunchalik katta merosga ega bo‘lgan xalq dunyoda kamdan – kam topiladi”[2,31-bet].

Keyingi yillarda xalq merosini yoshlarning ongiga singdirish ma’naviy –ma’rifiy sohadagi eng muhim masala ekanligi alohida e’tiborga olinmoqda.Zero Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganidek: “…. Bugungi kunda butun dunyoda aholining, birinchi navbatda, yoshlarning ongi va qalbini egallash uchun keskin kurash borayotganini hisobga oladigan bo‘lsak, farzandlarimiz tarbiyasi,ma’naviy-ma’rifiy sohadagi ishlarimizni bir zum ham susaytirmasdan, ularni yangi bosqichga ko‘tarishimiz zarur” [1,17-bet].

Jamiyat o‘zgarishi bilan bog‘liq holda tilning lug‘at tarkibida turli jarayonlar yuzaga keladi.So‘z va so‘z shakllari paydo bo‘ladi,faollashadi va asta sekin qo‘llanishdan chiqib ketadi.Ularni saralab olish va adabiy tilda muqim o‘rniga ega bo‘lishida lug‘atlar va lug‘atshunoslikning ham o‘rni beqiyos.

XIX asrning 60- yillarida E.Littre fransuz tilining kata lug‘atini chop ettirganda,mashhur adib E.Zolya lug‘atni “fransuz sivilizatsiyasi tarixiga qo‘shilgan hissa” deb baholagan edi[3,8-bet].Zero lug‘atlar millatning ilmiy va tafakkuriy taraqqiyotini ko‘rsatib beruvchi bir vosita bo‘lib, to‘plangan bilimlarini jamlash, tartibga solish, ma’lum xalqni o‘rganish va umumiy baho berish kabi qo‘shimcha funksiyalarga ham ega.

Butun bir tilning so‘z boyligini bilish uchun ko‘plab ishlar qilinadi va lug‘atlar shakllantiriladi va o‘rganiladi.Umuman olgan inson biror boshqa tilni o‘zlashtirmoqchi bo‘lsa albatta lug‘atga murojat qiladi, yoki biror yozuvchining umri davomida nechta so‘z ishlatganini bilish uchun ham uning so‘zlarini lug‘at tartibida joylashtiradi.Demak, tilshunoslik uchun asosiy manbalardan biri bu lug‘at.Lug‘atlar turli bo‘ladi. Tilshunos olim professor Baxtiyor Mengliyev boshchiligida chiqqan “O‘zbek tilining universal qo‘llanmasi” kitobida avval lug‘atlarni ikkiga: umumiy va xususiy lug‘atlarga bu ikki tur ham o‘z navbatida qomusiy va filologik lug‘atlarga bo‘lib tasniflangan.

“O□zbek tilining izohli lug□ati” — o□zbek tilining ikki jildli izohli lug□ati. Bu lug□at shu kungacha chiqarilgan eng keng ko□lamli o□zbekcha izohli lug□atlardan biridir. Uning chop etilishi o□zbek lug□atchiligi tarixida yangi bosqichni boshlab bergan. Lug□at 1981-yil chop etilgan va kirill alifbosida yozilgan.

Izohli lug‘atda sizga ma’lumki bir so‘zning o‘z va ko‘chma ma’nolari berilgan va har bir ma’no misollar bilan ifodalanganligi

ma’lum.Xo‘sh bu so‘zlarni izohlashda misollarni asosan qaysi manbalardan olgan!Bu borada biz adabiyotga murojat qilamiz chunki misollar asosan badiiy asarlardan olib to‘ldirilganligiga guvoh bo‘lasiz.Adabiyotning asosiy quroli bu-so‘z.So‘z ifodalanishi uchun esa adabiyot bo‘lishi lozim.

O‘zbek tilining izohli lug‘ati besh jildlik 2020-yil “O‘zbekiston nashriyoti”da chiqqan kitobga nazar solsak. O‘zbek adabiyoti va jahon hamda qardosh xalqlar adabiyoti vakillarining ham asarlaridan misollar keltirgan.Biz siz bilan ana shu izohli lug‘atda izohlanishida manba bo‘lib asarlaridan misol keltirilga bolalar adabiyotining buyuk vakili, noshir,O‘zbekiston xalq yozuvchisi Nosur Fozilov ijodidagi namunlarni ko‘rib chiqamiz.

Adib ijodiga oid asarlardan izohli lug‘atning birinchi jildida o‘n bitta so‘zga izohlangan bo‘lib. to‘qqizta so‘zda o‘z ma’nosida, ikkita so‘zda ko‘cha ma’noda berilgan.Kitobning ikkinchi jildida yigirma ikkita so‘zga nisbatan izohlangan o‘n yetita o‘z ma’nosida,ikkita ko‘chma ma’noda, uchta so‘z ikkinchi ma’noda ishlatilgan.Kitobning uchunchi jildida o‘n sakkizta so‘zga nisbatan izohlangan bo‘lib,o‘n yetita o‘z ma’nosida, bir o‘rinda iboraga nisbatan ko‘chma ma’noda qo‘llangan.Kitobning to‘rtinchi jildida o‘ttiz to‘rtta so‘z adib ijodidan bo‘lib, yigirma yetita o‘z ma’nosida, olti o‘rinda ko‘chma ma’noga nisbatan, bir o‘rinda esa so‘zning ikkinchi ma’nosiga ko‘ra izohlangan.Kitobning beshinchi jildida yigirma to‘qqizta so‘z izohlangan bo‘lib, yigirma bitta o‘z ma’nosiga nisbatan, to‘rtta ko‘chma ma’noga nisbat berilgan,to‘rtta so‘zning ikkinchi va uchunchi ma’nolariga nisbatan izohlangan. O‘zbek tilining izohli lug‘atida jami bo‘li adib ijodidan 120 taga yaqin so‘zga nisbatan izoh sifatida ishlatilgan.Izohli lug‘atnin ko‘zdan kechirar ekansiz yana bir adib ijodi qanchalik keng va har bir so‘z o‘rni bilan ishlatilganligiga guvoh bo‘lasiz.Bu yerda eskirgan so‘zlar,shevaga oid so‘zlar,xalqaro teminlar va yangi paydo bo‘lgan so‘zlargacha uchratish mumkin.

Vertolyot[r.vert(yetsya)-aylanmoq+let(at)uchmoq Tikka uchub chiqib, yerga tikka qo‘nadigan va osmonda muallaq tura oladigan,parrakli, hovodan og‘ir uchush aparati. Birpas o‘tmay vertolyotning motori gurullab, ustidagi, katta parraklar aylana boshladi.N.Fozilov, Diydor[4,456- bet].

Yalamoq.**1.**Yeyish yoki mazzasini totish maqsadida biror narsaga tilni tegizmoq; til vositasida og‘izga olmoq.

3.Poda ketidan yuraverib, oftob *yalagan* bug‘doyrang yuzlari biroz to‘lishganday…N.Fozilov.Diydor [5,104- bet].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Mirziyoyev.Sh.Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. –Toshkent: O‘zbekiston, 2017.

2.K.arimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma’naviyat, 2010.

3.Будагов.Р.А. Толковы словари в национальной культуре народов.-Москва:Наука,1989.

4.O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Besh jildlik. 1-jild. –Toshkent: O‘zbekiston, 2020.

5. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Besh jildlik. 1-jild. –Toshkent: O‘zbekiston, 2020.

ҲОМИЛ ЁҚУБОВ

Муножатхон АСҚАРОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият Институтининг Фарғона минтақавий филиали

Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат йирик давлат арбоби ва моҳир лашкарбоши, балки буюк шоир, адиб, тарихчи, олим ҳамдир.Бобур шоҳ ва лашкарбоши сифатида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ўзи босиб олган ҳудуд хўжалик ва маданий ҳаётига катта эътибор қаратади, диний эътиқодига эркинлик беради, ҳудуд амалдорларини қўллаб, давр маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган илм аҳли, олимлар, адабиёт вакилларига иззат-ҳурмат кўрсатади. Буларнинг барчаси Бобурнинг шон-шуҳратини оширади. Шу билан бир қатордаунинг ўзи ҳам илм ва адабиётга ошно бўлиб, лирик шеърлар, тарихий, илмий ва бадиий жиҳатдан етукасарлар яратди, бой адабий мерос қолдирди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабий мероси ўз давридан то шу кунгача тадқиқотчилар томонидан муайян даражада ўрганилиб тадқиқ этиб келинмоқда. Шоирнинг турли жанрдаги асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинганва ўрганилган. “Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилган Уилям Эрскин Бобурни таърифлар экан, “Осиёдаги подшолар ичида Бобурга тенг келадиган бironта ҳам подшоҳ тополмаймиз”деганда уни фақат

давлат арбоби сифатида эмас, балки унинг фан ва санъат, шеърият ва бадиятга бўлган ошнолигини ҳам назарда тутган эди.

З.М.Бобур ижодини ўрганиш бўйича бобуршунослик соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилган.Заҳматкаш олимларимиз Х.Сулаймонов, П.Шамсиев, С.Азимжонова, А.Абдуғафуров, А.Қаюмов, С.Ҳасанов, Х.Султонов, Ҳ.Болтабоев, Н.Отажонов, Э.Очилов, кабилар Бобур ижодини ўрганиш бўйича қатор изланишлар олиб борганини таъкидлаш лозим.Адабиётшунос олим ва мунаққид Ҳомил Ёқубов Бобур ҳаёти ва ижоди, асарларини ўрганиб, кузатишлари асосида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”, “Бобурнинг турмуши”, “Бобурнома”, “Бобур лирикаси” номли мақолаларини ёзади. Ҳ.Ёқубов Бобур ижодини ўрганишнинг долзарблиги ҳақида тўхталар экан: “Қадимги адабий меросни ўзлаштиришда Бобурнинг адабий меросини ҳам чуқур ўрганиш, унинг бой адабий хазинасидан фойдаланиш, ундаги энг яхши дурдоналарни ажратиб олиш ҳозирги кунда ўзбек тарихи, адабиёти ва тилини текширувчилар учун мухим вазифалардан бири бўлиб туради”,[1]-деб таъкидлайди.

Ҳ.ЁқубовБобур ижоди бўйича изланишлар олиб борган турколог олим Н.И.Ильминский, Инглиз шарқшуноси А.Бевериже хоним ва яна бир қатор ғарбий европа ва рус ноширлари, таржимонлар, шарқшунослари ишларини кузатиб, ушбу тадқиқотчилар шоирнинг ижодига бошлича тарихшунослик ва филологик мулоҳазалар билан ёндашганликларини таъкидлаб ўтади. “Улар тарихий-адабий ва лингвистик характерда қимматли маълумот беришларига қарамай, принципиал хатога йўл қўядилар.Улар,ўзбек тарихини текширишда бўлган нотўғри қарашлар нуқтаи назаридан Бобур ижодиётига ёндошдилар. “Чиғатоизм”, “Умумтурк” деб аталган “назария”ни Бобурни ўрганишга ҳам тадбиқ этдилар. Уни чиғатой давлати, чиғатой маданияти ва чиғатой адабиёти намояндаларидан бири қилиб кўрсатдилар. Унинг бой меросини ўзбек халқи маданиятидан ажратиб олиб кўрсатишга уриндилар.[2]

Шунингдек, олим ўзбек адабиётшунослари томонидан Бобур ижодини ўрганишга бўлган илк уринишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Ҳ.Ёқубов адабиётшунос Ш.Рахимовнинг “Билим ўчоғи”

[1]Ёқубов Ҳ. Сайланма. Иккижилдлик. Иккинчижилд.
ТошкентҒофурҒуломномидагиАдабиётвасанъатнашриёти. 1984. 4 бет
[2]Ёқубов Ҳ. Сайланма. Иккижилдлик. Иккинчижилд.
ТошкентҒофурҒуломномидагиАдабиётвасанъатнашриёти. 1984.6бет

журналининг1923 йил 15 май сонидачоп этилган мақоласига тўхталар экан, гўё бир маҳаллар муштарак турк-мўғул халқи бўлганлиги ҳақида гапириб, Бобурни умумтурк ва мўғул халқлари подшоҳи ва ёзувчиси деб тақдим этганини қоралайди. Мунаққид Ш.Рахимовнинг Навоий ва Бобур асарларида “турк” мафҳуми остида ўзбек халқини ташкил этувчи асосий моя назарда тутилганини унитганини таъкидлаб, қуйидагичафикр билдиради: “У Бобур фаолияти ва ижодиёти моҳиятини бузиб, уни бутунлай хато, чалкаш ва илмга зид қарашлар нуқтайи назаридан ёритади”.[1]

Ҳ.Ёқубов Бобур ижодини ўрганишлардаги камчиликлар билан бир қаторда 1940 йиллардаги Бобур ҳаёти ва ижодини жиддийроқ тадқиқ этишга киришилганлигини ва бу борада адабиётшунос О.Шарофиддинов, шоир Мақсуд Шайхзодаларнинг мақолаларини юксак баҳолайди. “Бу ишлар ўзларининг кичик хажмда бўлишига қарамасдан Бобур ижодиётини ўқувчиларга таништириш ва Бобур меросини текширишга ҳавас уйғотиш томонлари билан қимматлидир”.[2]

Ҳомил Ёқубов мунаққид сифатида замондошларининг Бобур шахсияти ва ижодига бўлган қарашларига муносабат билдирган бўлса, адабиётшунос сифатида Бобур ҳаёти ва ижоди бўйича изланишлар олиб бориб, бу кузатишларини “Бобур турмуши”, “Бобурнома”, “Бобур лирикаси” номли мақолаларида жамлайди.

“Бобурнинг турмуши” мақоласини ёритишда “Бобурнома” асарининг 1857 йил Қозонда турколог олим Н.И.Илминский томонидан типография йўли билан нашр этилган нусхасидан фойдаланади ва иқтибослар келтиради. Ушбу мақолада З.М.Бобурнинг ҳаётида юз берган воқеалар хронологик тарзда кетма-кетликда ўз ифодасини топади. Унда Бобурнинг падари Умаршайх мирзонинг Аҳси қўрғонидаги фожеали ўлими ва 12 ёшли шаҳзоданинг тахтга ўтириши ва кейинги тож-тахт учун курашларда кечган саргардон умри тасвири, яқинларининг хиёнати ортидан чеккан азоб-уқубатлари ёритилади. Шунингдек, Бобурнинг Афғонистон, Ҳиндистон юришлари тасвири, Ҳиндистондаги давлат бошқаруви, ота-фарзанд муносабати, душманлари томонидан заҳарланиши тасвири ҳақида мулоҳазалар илгари сурилади. Ҳ.Ёқубов мақолада хронологик воқеалар тасвирини шунчаки баёт

[1]Ёқубов Ҳ. Сайланма. Иккижилдлик. Иккинчижилд. ТошкентҒофурҒуломномидагиАдабиётвасанъатнашриёти. 1984.6бет
[2]Ёқубов Ҳ. Сайланма. Иккижилдлик. Иккинчижилд. ТошкентҒофурҒуломномидагиАдабиётвасанъатнашриёти. 1984.7бет

этмай, Бобур ички кечинмалари билан ҳамоҳанг тасвирлайди. Адабиётшунос Султон Иброхим Лодийнинг онаси ўғли учун ўч олиш мақсадида ошпазлар орқали заҳарланиш тасвирини ёритишда, шоирнинг руҳий ҳолати, ўлим билан юзлашиш билан боғлиқ кечинмалари тасвирига алоҳида эътибор қаратади. “Душанба куни сут ичдим. Сут ичимни хиле сурди.Сешанба куни – аввалги куни сафройи сўхтадек қора-қора нималар даф бўлди. Шукр, ҳоло ҳечқисса йўқтур. Жон мундоқ азиз нарса эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким:

“Ким ўлар холатқа етса, ул билур жон қадрини”.

Ҳар қачон бу воқиаи ҳоила хотиримға келса, бехост ҳолим мутағаййир бўлур”.(“Бобурннома” Қозон, Ильминский нашри, 1857 йил,397-398-бетлар)

Адабиётшунос олим Бобурнинг давлат бошқаруви ҳақида мулоҳаза юритар экан, унинг атрофида олим ва шоирлар, фузололар жам бўлганлигига ҳамда бирон қарор чиқаришдан олдин улар билан кенгашганига эътибор қаратади. Шу каби кенгашиб иш қилиш тадбирини бир ота сифатида фарзанди Хумоюнга ҳам хат орқали етказишини юксак баҳолайди. Чунки, бу даврда тож-тахт учун курашлар авжига чиққан ота-ўғил, ака-ука салтанат учун аёвсиз кураш олиб бораётган бир пайтда Бобурнинг Хумоюнга бундай муносабатда бўлиши оталик меҳрининг юксаклигидан далолатдир. Ўғлига ҳам катталар ва тажрибакор кишилар билан кенгашиб иш қилиш тўғрисида насиҳат қиларди.Ўғли Хумоюнга ёзган хатларининг бирида шуларни уқтиради: “ Подшоҳлик била ёлғузликрост келмас...Яна улуқ ишустига борасен, иш кўрганрай ва тадбирлик беклар билан кенгашиб, аларнинг сўзи билан амал қилгайсен. Агар менинг ризомни тиларсен, Хилватланишликни ва эл билан камихтилофликни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрлариға қўймай, қошингга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатгоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз-унга қарор берурсен”(“Бобурнома”, 452-бет)

Умуман, Ҳ.Ёқубов мақолаларида Бобур шахсияти, ижод йўли, давлат бошқаруви ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. У Бобурни нафақат, улуғ подшоҳ, ижодкор сифатида балки оддий бир инсон сифатида кечирган туйғу-кечинмаларини ҳам англашга ҳаракат қилади. Олимнинг Бобур ҳаёти ва ижодига оид изланишлари кейинги тадқиқотлар учун муайян илмий асос вазифасини ўтаган.

Адабиётлар

1. Ёқубов Ҳ. Сайланма. Икки жилдлик. Иккинчижилд. Тошкент Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1984.
2. Ёқубов Ҳ., Заҳириддин Муҳаммад Бобур. - Тошкент, 1949.
3. Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Тошкент., “Тафаккур қаноти”.,2011. Б. 170 176;
4. Воҳидов Р., Биз билган ва билмаган Бобур.- Тошкент, 2000.
5. Лутфулло Маҳмуд, Бобурни тушуниш бахти.- Тошкент, 2009.

ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИДА МАШРАБ ОБРАЗИ ТАСВИРИ

М. ХАМИДОВ,
ФарДУ докторанти

Муҳаммад Алининг “Машраб” (1966) достони ифода усули сюжет ва композицион қурилиши, ўзига хос шаклий хусусиятлари билан ХХ аср ўзбек шеъриятида алоҳида ўринга эга.

Достонда ўн олти ёшни қаршилаёган Гулгун қиёфаси, эшон даргоҳига назр этилиб келиб қолиш тарихи билан бошланади. Қизнинг гўзал қиёфаси гулзор тасвири билан уйғун акс этган. Исми жисмига монанд қиз портрети шундай ифодаланади:

Чилвир кокиллари сочилмиш ҳар ён,
Юрди гулзор тараф қадди навниҳол.
Унга юксаклардан сардори осмон
Назари тушди-ю, туриб қолди лол.
Аланга ҳовридан гуллар бемажол
Сўлишган эдилар: қиз кирган ҳамон –
Очилиб кетгандай бўлди гуллар ҳам.
Ер шундай яшайди келганда кўклам... [1,78]

Офоқхўжага назр этилиб эрки бўғилган Гулгун кечинмалари унинг нутқида аён бўлади:

Балки ғаройибдир саҳролар бағри,
Қанийди югурсанг далалар бўйлаб.
Кўнглинг чўктирмаса бировнинг қаҳри,
Беармон юрсанг-а, куйлаб ва куйлаб!
Тепангда каптарлар учса ғув-ғувлаб,

Оҳ, қандай очилар одамнинг баҳри!
Кулсанг жон борича, оламга боқсанг,
Сувдай эркин бўлсанг,
Эркинг-ла оқсанг!.. [1,79-80]

Шоир достонда шеърий санъатлар, тасвирий воситалардан унумли фойдаланиш орқали фикрнинг ихчам, аниқ ифодасини яратади. Машраб ва Гулгуннинг диалоги воситасидаги сатрларда ушбу ҳол кўзга ташланади:

“Гулгун олиб қочгум, севасанми ҳеч,
Бош оққан томонга юргил, кетамиз!”
“Кошкийди...
“Сўзлагил!”
“Афсус, энди кеч...
Энди қайларгадир қочиб нетармиз”.
“Нетармиз? Шаҳардан – шаҳар ўтармиз,
Ўлкадан – ўлкага! ”
“Афсус, энди кеч...
Бу орзу киприкка қалқиган ёшдай,
Ё тагсиз дунёга ташланган тошдай,
Қайтмагай” [1,78]

Юқоридаги “Энди қайларгадир қочиб нетармиз”. “Нетармиз? Шаҳардан – шаҳар ўтармиз” сатрларида Ғарб шеъриятидаги анадиплосис, Шарқ мумтоз шеъриятидаги “радд-ул-аруз ил-ал-ибтидо” аталган шеърий санъат, яъни мисра охиридаги сўзни мисра бошида айнан такрорланиши қўлланилган. Бу эса муайян сўзга бўлган урғуни кучайтириб, бир шахс фикрини иккинчи бир шахс давом эттириб янада ривожлантиришини таъминлаган. Фикрнинг тадрижий такомили юзага келган. Гулгуннинг эркинлик ҳақидаги орзулари амалга ошиши имконсизлиги параллелизм асосидаги ўхшатишларга асосланган “Бу орзу киприкка қалқиган ёшдай, Ё тагсиз дарёга ташланган тошдай” сатрларида ифодаланади. Ёки Гулгуннинг тушкун ҳолати банд давомида композицион занжир тарзда такрорланган “Афсус, энди кеч...” сатрларида қабартма ифодаланганини кўрамиз.

Достонда шоир Офоқхўжа эшон тасвири акс этган шеърий картинада унинг олдида турган сарғайган китоб тафсили орқали

кўплар юзини сарғайтирган, ошиқлар ҳаётини хазон этган шахснинг киноявий талқинини яратади.

... Қўш якандоз узра ёнбошламиш пир,
Олдида юзлари сарғайган китоб.
Музайян тасбеҳнинг тошлари бир-бир,
Бармоқлар учида йўрғалар шитоб.
Марварид доналар бўлмас эди соб.
Гарчанд айланса-да асрма-аср
Олтинчи мучалга бу йил соғ-омон
Табаррук қадамни қўйдилар эшон. [1,80-81]

Олтинчи мучал – яъни етмиш икки ёшга қадам қўйган Офоқхўжа эшонинг шукронаси самимий ифода йўсини билан, айниқса, ажралиб туради:

“Эй пушти паноҳим, сенга минг шукур,
Ўзингга қул қилиб яратганинг-чун.
Катта-ю кичикни, тангрим, бир умр
Қулингни оғзига қаратганинг-чун.
Сарафроз дамларни бахш этганинг-чун,
Белда қувват борки, кўзларимда нур,
Калиманг туну кун айлагайман ёд,
Нообод дилимни этгаймен обод!” [1,81]

Офоқхўжа эшоннинг Машраб билан илк зиддиятга бориши – шоирнинг Гулгунни севиб қолишидан хабардор бўлишидан бошланади. У Машрабни номаҳрам аёлга кўз олайтиришда, номатлуб ғазаллар битиб табаррук Маккага тил теккизишда, муҳтарам зотларни майна қилишда айблайди. Пири томонидан жазолангандан кейинги Машраб ҳолати достонда қуйидагича чизилади:

Энди унинг суқли нигоҳин тортмас,
Рангин бўёқлари чапланган ҳаёт.
Энди елкасига ташвишлар ортмас,
Аввалар ҳаловат бермаган мурод.
Тақдир қаршисида қолган каби мот,
Бир томчи бўзадан бўлгандайин маст,

Гоҳи шодмон эди, гоҳи жигархун,
Гоҳи лоқайд, гоҳида мажнун... [1,84-85]

Достоннинг иккинчи қўшиғи поёнсиз саҳронинг оний ҳолатлари тасвири билан бошланади. Ушбу ўринда Муҳаммад Алининг пейзаж тасвирини яратишдаги маҳорати кўзга ташланади:

Гулгун хаёлидай бепаён саҳро
Офтоб даргоҳида қоврилиб ётар.
Олдда фақат саҳро ва саҳро аро
Қумлар панасидан боқмиш кунботар.
Сукунатни бузиб баъзида потрар –
Қайдадир қуш: ҳатто кўринмас сароб...
Жаннатдан қувилган Одам Атодай,
Ҳаётин бошларди шоир қайтадан. [1,86]

Адабиётшунос А.Алимбеков таъкидлаганидек, “Муҳаммад Алининг достони 1967 йилда “Шарқ юлдузи” журналида дунё юзини кўрди. Шоир дадиллик билан, 1936 йилда ёзилган Ойбекнинг “Машраб” шеърини ҳисобга олмаганда, ҳали ўзбек адабиётида бадиий образи мавжуд бўлмаган Машрабнинг ёркин сиймосини тасвирлаб берди. Муҳаммад Али талқинида, Машраб, даставвал даҳрий ҳам эмас, мутаассиб диндор ҳам, ҳаётнинг паст-баландини бошқалардан кўра яхшироқ англаган, оқ билан қорадан яралган дунёда ҳақ(истина)ни қидирган, моддий ва маънавий дунёни англашда, кўкда Худони, ерда ўзинигина тан олган, Ҳақ билан ўзининг ўртасида ҳеч қандай воситачини кўришни истамаган зукко шоир, мутасаввуф олим...” [2,141] Шу билан бирга “Машраб” - XX аср ўзбек адабиётида тарихий мавзудаги достон жанри тараққиётида алоҳида ўрин тутиши билан қимматлидир. Сабаби, “Машраб” достони ўзбек шеъриятида том маънода янгилик бўлди. Биринчидан, достон ўзбек шеъриятида Машрабдек мураккаб шахс образи яратилган илк йирик асар бўлса, иккинчиси, унинг тарихий мавзуда ёзилганлигидир. Маълумки, бу пайтлар (XX асрнинг 60 йиллари назарда тутилмоқда – Ҳ.М.) тарихий мавзуда ёзиш “нозик”, “хатарли” иш эди. “Навоий” романини ёзган улуғ адиб Ойбек “ўтмишни идеаллаштиряпти” деб дошномларга қолиб, руҳий қийноқларга ташланганди. Достон ўзбек шеърияти учун нисбатан янги шаклда, октавада, яъни ҳар бир боб саккизликдан иборат шаклда битилди. Бу шакл Европа шеъриятидан, хусусан, буюк

инглиз шоири Жорж Гордон Байрон ижодида (“Чайльд Гарольд зиёратлари”, “Дон Жуан”), М.Ю.Лермонтов шеъриятида яхши қўлланган”. [2,142-143].

Шоир достонда шеърий санъатлардан фойдаланиб ифода аниқлигини, равонлигини таъминлайди. Машрабнинг қаландар ҳамроҳи Мардон тилидан айтилган қуйидаги сатрларда ушбу ҳолни кўрамиз:

Аввал ташлаб кетди онам,
Сўнгра отам, найлайин.
Уйга тўлди дунёдай ғам
Ила мотам, найлайин. [1,87]

тарзда панторифма, яъни тарсеъ санъати орқали мисраларнинг бир-бирига қофиядошлиги асосида оҳангдорлик таъминланади[3,220]. Пароним сўзларни қўллаш орқали (“Хол” - “ҳол” сўзлари воситасида) таъсирчан, равон ифода юзага келтирилади: “Хушбичим мўйловли, қошлари қуюқ Хол деган қаландар гап қўшди бирдан: “Эй дўстлар, дунёда бағри бутун йўқ”, Изламанг, топмайсиз на кўк, на ердан, Ҳатто ҳол сўрсангиз дарёи Сирдан У ҳам жим куйлайди қайғули қўшиқ”[1,88-89]. Ёки жонлантириш воситасида йўл абадийликнинг тимсолига айланади: “Юз йиллик чанглари тўзиб ётган йўл Шимолдан жанубга ўрмалар аянч” [1,98].

Достонда ўхшатишлардан самарали фойдаланилиб, табиат тасвири, шеърий картинадаги жонлилик, ҳаётийлик таъминланади: “Айлана биёбон қўзидай ювош, Ётарди қуёшга боқиб умрбод”[1,94]. Ёки тун чўкаётган, вабо касали тарқалган шаҳар тасвирида ўхшатиш ва жонлантиришларнинг ўрни муҳимдир:

Балх. Ҳорғин офтобнинг нури ўлимтик,
Қуббалар қошида ивирсинар тун.
Бангининг кўнглини хушлар чилимдек,
Мўрилар оҳиста чиқарар тутун.
Қайдандир келади мунгли-мунгли ун,
Қайдадир ит ҳурар. Тилсиз ўлимдек
Тун келар ўрмалаб. Тутгандай мотам
Қорага бурканар кенг кўчалар ҳам. [1,95]

Муҳаммад Алининг “Машраб” достонида Машраб оддий шахс сифатида талқин этилганлиги билан аҳамиятлидир. Достон

яратилган даврларда диндорлар Машрабни исёнкор даҳрий, шўро мафкурачилари диндор тасаввуфчи тарзда баҳо бераётган эдилар. Шу боис шоир ҳарактери, тасаввуфий қарашлари билан боғлиқ халқ афсоналари, латифаларидан фойдаланишга интилгани ҳолда Муҳаммад Али достон сюжетини шакллантирди. “Машраб” достони ўзбек шеъриятида тарихий мавзуда янги саҳифа очганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Хуллас, Муҳаммад Алининг мазкур достони XX аср ўзбек адабиётида Машраб образини реалистик акс эттирган, лиро-эпик йўсинда талқин қилган асар сифатида катта аҳамиятга эга. У тарихий мавзудаги достончилик тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилди.

Адабиётлар

1. Муҳаммад Али. Достонлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
2. Алимбеков А. Юлдузнинг беш қирраси. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
3. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

ЭЛБЕК ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР

(“Маориф ва ўқитғувчи” журнали 1925 йилги сонлари мисолида)

Гулзода СОАТОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

XX аср адабий жараёни муаммоларини ўрганишда “Маориф ва ўқитғувчи” журнали алоҳида ўрин тутади. Журнал ўзбек тили ва адабиётининг илмий муаммолари, адабий танқидий мақолалар, бадиий асарлар таҳлили, таржимашунослик муаммолари ҳақида долзарб материалларни мунтазам ёритиб борди. Бу даврда “Инқилоб”, “Билим ўчоғи”, “Учқун”, “Маориф ва маданият”, “Ўзгаришчи ёшлар”, “Маориф ва ўқитғувчи”, “Ер юзи” ва “Аланга” каби журналлар фаолият кўрсатди.[1] “Маориф ва ўқитғувчи” журнали эса кўпроқ жадид ижодкорлари асарларига эътибор қаратди ва нашр этиб борганини таъкидлаш керак. Журнал ойда бир марта чоп этилди.

[1] Мирсаидова Н.С. Шокир Сулаймоннинг ижодий йўли. Фил.. фан. .. автореферати, -Тошкент, 2005. – Б. 16.

1925 йилда “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 12 та сони чоп этилган. Журналда Элбек, Юлдуз, Фотиҳ Бакир, Вадуд Маҳмуд, Тайфун сингари ижодкорларнинг 7та ҳикояси, 1та имзосиз “Кечанинг мусиқаси” номли ҳикоя билан 8та ҳикоя, Ўлмас, Маҳмуд Субой, Чўлпон, А.Ниёзий, Вадуд Маҳмуд каби таржимонлар томонидан 12 та таржима асарлар, Вадуд Маҳмуд ва Ғози Олимнинг 2 та танқидий мақоласи, Абдулҳамид Мажидий, Ҳожи Муйинларнинг таржимаи ҳоли, Чўлпон, Элбек, Боту, Бектош, Н.Раҳимий, Ойбек каби шоирларнинг жами 24 та шеъри ва Лермонтовнинг “Мунозара”, Урхон Сайфийнинг “Соз шоири” номли шеърлари берилган. Булар ичида Элбекнинг шеърлари ва ҳикоялари адабиёт гўзалликларини, илм-маърифатни, улар таг матнида жамият дардини куйлаши билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис мазкур мақолада “Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги Элбек асарлари ҳақида фикр юритиш мақсад қилинган.

Фитратни ўзига устоз деб билган, Чўлпон шеъриятига эргашиб туркум шеърлар битган, даврнинг истеъдодли шоир ва ёзувчиси Элбек (Машриқ Юнусов)дир.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925 йилги сонларида Элбекнинг “қишлоққа саёҳат” (1-сон) , “Кузатишда” (2-сон), “Келгусининг қуёши” (9-10-сон) номли ҳикоялари, “Кўклам чоғида япроқлар” (2-сон), “Сирдарё” (3-сон), “Бибихоним мадрасаси” (4-сон), “Эй хотун” (7-8-сон), “Шам” (11-12-сон) сингари шеърлари нашр этилган.

Элбек янги ўзбек адабиёти саҳифаларини ёниқ шеърлари, маҳзун руҳдаги ҳикоялари ва бир неча достонлари билан бойитди. У ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, ислоҳотчи педагог сифатида ҳам алоҳида ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлган эди.

Элбек тахаллуси билан танилган шоир, адиб, таржимон Машриқ Юнусов бутун ҳаётини эл хизматига бағишлаган эдилар. Бироқ унинг фаолияти 39 ёшида фожиали равишда барбод бўлди. Элбек ўз сафдошлари Чўлпон, Боту, Ғулом Зафарий, Рафиқ Мўмин, Ғози Юнус каби қатор илғор зиёлилар билан бирга қатағон қурбони бўлди.

“Маориф ва ўқитғувчи” журнали 1925 йил 1-сонида берилган Элбекнинг “Қишлоққа саёҳат” ҳикоясида шоир болалиги ўтган қишлоққа қилган саёҳатини ва ундан олган таассуротини ҳикоя қилади. Ёшликдаги хотиралар билан кўкламда қишлоғига саёҳатга чиқади. Оппоқ қорли тоғлар, кўм-кўк ўрмон, ўрмон ичидан оқиб

келгувчи шарқироқ дарё, меҳнаткаш одамлар бирма бир кўз ўнгидан ўтади. Аммо қишлоққа боргач, у ердаги хору зорликни, қолоқликни кўриб сўзлашга сўз топа олмайди. Биринчи бўлиб уни тоғлар кутиб олади ва унга шундай дейди: ”Мана болам, биз сени кўп кутдик, белларимиз букилиб, мункайиб қолдик. Бизда куч қолмади, мана энди юртингни ўзинг сақла!”. Кейин дарё эркаланиб югуриб келиб, бир нималарни шивирлайди. 19-йил воқеаларинимми ёки эркин турмушини мақтайдими билмайди. Бинолар емирилган хароба, кишилар кўзида умидсизлик, ҳаётдан безиш, очлик ҳукм суради. Булар шоирни қаттиқ ўйга толдиради. Бу ҳолнинг сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Бунга сабаб ялқовлик, билимсизлик, яшамоқ йўлларини ўрганмаганлик ва ўргатмаганликдир”.

Ижодкорнинг “Кузатишда” ҳикоясида эса узоқ йўлга боласини кузатишда ота-онанинг чеккан изтироблари гавдалантирилган. Ҳикоя қаҳрамони Тош бобо мунтазам сафарда юриб (у пайтлар темир йўл ҳам бўлмаган), ота-онасини кўп изтиробга қўйганини, буни ўз ўғлини сафарга жўнатаётиб тушунганини тасвирлайди. Ҳикояда қизиқ бир ўрин бор, Тош бобо биттаю битта ўғли ўқиган жадид мактабига салбий фикр билдиради, аммо кун келиб ўғлининг узоқ шаҳарда ўқиётганлигидан фахр ҳиссини туяди.

Журналнинг 9-10-сонида берилган “Келгусининг қуёши” ҳикояси илм-маърифатни тараннум этувчи ҳикоя бўлиб, қоронғу ярим кечада, ҳамма уйқуга кетган пайтда, фақат бир хонадонда чироқ ўчмаган эди. Учта жой солинган, бирида одам йўқ эди. Онаси эса ухлолмасдан боласини ётишини кутарди. Бу пайтда кечани ёритгувчи шам ёғдуси билан келажакни ёритгувчи келгусининг қуёши ёғдуси бирлашган эди. Шоир кечаси шам ёғдусида китоб ўқиб ўтирган болани “Келгусининг қуёши” деб атайди.

Элбек ушбу ҳикояси орқали ҳар бир киши илм ўрганиши, айниқса, ёшларнинг билимли бўлиши келажакда эркин ва фаровон умр кечириш учун муҳим эканлигига ишора қилади.

Шоирнинг журналда берилган 3 та ҳикоясида ҳам ялқовликни енгиб, илм ўрганиш, яшамоқ йўлларини ўрганмаклик ва ўргатмаклик ғоялари илгари сурилади. Шеърларида эса табиат тасвири, ўзига бўлган ишончни кучайтириш, илм-маърифат ила ўзгаларга зиё таратиш каби фикрлар айтилади. Фикримизнинг исботи сифатида баъзи шеърларига мурожаат қиламиз.

“Маориф ва ўқитғувчи” журнали 1925 йил 2-сонида берилган Элбекнинг “Кўклам чоғида япроқлар” шеъри Ортиқбой

Абдуллаевнинг Элбек шеърлари асосида 1999 йилда нашр этилган “Мунгли қушим” китобида, Ҳайдарали Узоқовнинг 1999 йилда Элбек ижоди асосида нашр этилган “Танланган асарлар” ида, Улуғмурод Амоновнинг 2017 йилда нашр этилган “Армуғон ёлқинлар” номли китобида ҳам берилган, аммо таҳлилга тортилмаган.

Кузнинг у қоп-қора совуқ туслари,
Балким, оғочларга ёмон кўринар,
Кошки кўрмагайдинг шу кунларни,
Бояқиш япроқлар ғамдан сарғаяр.
Қайғурмоқ ярашмас бўшдир қайғурмоқ,
Кўклам бир келмас,эй гўзал япроқ!”[1]

Шеърда кўклам чоғида ям-яшил япроқларнинг дарахт устида қувониб, яйраб туриши, шамоллар ҳам уларни аяб, секин уриши, дарахтларнинг эса ям-яшил япроқлар ичида ётиши, буларга ёққан кўклам ёмғирининг кўзлардан оққувчи ёшдай милтираши, балки бу кўзёшлар дарахт кўзларидан оқаётганлиги айтилади.Чунки дарахт кўклам гўзаллиги абадий емаслигини билади ва кузнинг қоп-қора, совуқ кунларини ёмон кўради, япроқларнинг бу кунларни кўришини ва совуқдан сарғайишини истамайди. Шоир япроқларга қайғуриш бўшлигини, кўклам яна келишини таъкидлайди.

Шеърда шоир кўклам чоғида табиат гўзаллигини ўхшатиш, жонлантириш санъатлари орқали жонли тасвирлаб берган. Оғоч ила япроқлар сўз билан чизилган баҳор фаслидаги кўм-кўк дарахт портретидир гўё. Бир тарафдан шеърда келажакка умид билан қараш, ғам-ташвишларга енгилмаслик ғояси ҳам англашилади.

“Маориф ва ўқитғувчи” журнали 1925 йил 7-8-сонида берилган Элбекнинг “Эй хотун” Ортиқбой Абдуллаевнинг Элбек шеърлари асосида 1999 йилда нашр этилган “Мунгли қушим” китобида ва Улуғмурод Амоновнинг 2017 йилда нашр этилган “Армуғон ёлқинлар” номли китобида ҳам берилган. Аммо бу шеърнинг ҳам таҳлили берилмаган. Шеър севги-муҳаббат ва аёл ерки учун ёзилган шеър бўлиб, унда ошиқнинг тиканлар ичидан чечак териб, маъшуқасига берса, уни олмагани, назар ҳам солмагани, унинг учун кўкламда гулшан яратсада, келиб бир оз кезмагани, кўнгил гулшанида очилган лола ва сунбуллар уни кутиб

[1] “Маориф ва ўқитғувчи ” журнали. 1925 йил, июнь.2-сон. – Б. 55.

хазон бўлгани, маъшуқаси буни сира билмагани, натижада бу ҳолга чидай олмаган кўнгилнинг тутуни дунёни тутгани, аммо ёр буни кўрмаслиги, ҳол сўрмаслиги айтилади. Қайғусини сезмаслигининг сабаби турмушга нафрат ила қараши, бунинг учун курашиш лозимлиги, ерк отини миниб, тўсиқ бўлгувчи булутларни йўқ қилиб, ошиқнинг ёнига қуёш каби чиқишини ва кўнглига нур сочишини истайди. Шоирнинг кўнглида ҳаёт сўниб, гулшан ўрнини муз эгаллаши қуйидаги сатрларда намоён бўлади:

Эй гўзал хотун, севимли қуёш,
Отланғил, турма, мингил ерк отин!
Тўсиқ бўлғувчи булутларни йиқ,
Менинг қаршимға қуёш каби чиқ,
Нурларинг кўнглимга тугал сочилсун,
Гулшанда янгидан гуллар очилсун!
Бўлмаса кўнглимда ҳаёт сўнгуси,
Гулшаннинг ўрнида музлар тунгуси[1].

Элбек, Чўлпон, Ботунинг айнан бир номдаги “Паранжи” шеърлари ҳам жамиятда аёлларнинг эрки ва ўрнига бағишлаб ёзилган[2].

“Маъориф ва ўқитғувчи” журналининг адабий материаллар матни устида ишлар эканмиз, янги ўзбек адабиёти ривожида Элбекнинг алоҳида ўрни, овози борлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Мустақилликдан сўнг шоир шеърлари асосида Ҳайдарали Узоқовнинг 1999 йилда нашр этилган “Танланган асарлар”, Ортиқбой Абдуллаевнинг 1999 йилда нашр этилган “Мунгли қушим”, Улуғмурод Амоновнинг 2017 йилда нашр этилган “Армуғон ёлқинлар” номли китобларида учрамайдиган “Шам[3]” номли шеърига дуч келдик. Мана ўша сатрлар:

Қора қўрқинч тун узра икки кўзим,
Телмуриб ҳар томон боқар эрди,
Гоҳ-гоҳ қолмағонда сабр –тўзим,
Ёшларим тинмайин оқар эрди.

[1] “Маориф ва ўқитғувчи ” журнали. 1925 йил, Октабр.7-8-сон. – Б. 72.
[2] “Маориф ва ўқитғувчи ” журнали. 1925 йил, Июнь.2-сон. – Б. 50-52
[3] Элбек. Шам. //Маориф ва ўқитғувчи, 1925 1926 йил, Январь. – Б. 75.

Қайғу, қўрқинч, борин тугатмак учун,
Ёндуруб қўйдим, келтуриб бир шам,
Ёриди кулбам, кетди кулфат, ғам,
Кулди дунё менга боқиб бул дам.

Шодлиғимдан чироқ томон боқдим,
Эҳ эссиз, борлиғимға ўт ёқдим,
Шам ёниб ёғдулар сочар эрди,
Кўксини ғам сари очар эрди.

Шоир қоп-қоронғу тунда, ҳаёт синовларига сабри етмай, кўзларидан ёш оқиб турган пайтда қайғу ва қўрқинчга барҳам бериш учун бир шам ёқади. Шам ёғдусидан унинг кулбаси ёриб, қалбидаги кулфату ғами арийди. Дунё унга кулиб боққандек туюлади. Шодлигидан шамга қараган эди, афсус, борлиғида ўт ёнди. Чунки шам атрофга ёғду сочгани сайин, ўзи эриб битар, ғам сари кўнглин очиб, йўқолиб борар эди.

Албатта, шеърдаги шам рамзий маънода қўлланган бўлиб, бунда ижодкорнинг ўз ҳаёти, машаққатли кечмиши назарда тутилади. Ушбу шеър "Маъориф ва ўқитғувчи" журналининг 1925-1926 йил 11-12-сонида босилганига қараганда ўша йилларда ёзилган. Шеърнинг тагида санаси кўрсатилмаган. Элбек деб тахаллус қўйилган холос.

Шеърда бироз умидсизлик ва ишончсизлик устунлик қилади. Бу умидсизлик ва тушкунлик жамият тақдири билан боғлиқ, албатта. Чунки шоирнинг бирон куни йўққи, халқ дардини ўйламаган, у ҳақида қайғурмаган.

Умуман олганда, туркум асарларида халқ дардини куйлаш, унинг муаммоси билан яшаш Элбек учун бир бахт эди. Шоир бу йўлда вақтини ҳам, сармоясини ҳам, ҳаттоки ўзини ҳам аямади. Элбекнинг "Шам" шеъридаги шамдек ёниб-ёниб ўзлари яшаётган жамиятга нур сочдию, эриб кетди. Элбекнинг мустабид тузум замонида қатағонга учрашининг сабаби ҳам ватанига содиқлиги, унга меҳр-муҳаббатининг юксаклиги эди.

Адабиётлар

1. Абдуллаев О. Элбек. Мунгли қушим. 1999 йил.Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси.
2. Амонов У. Армуғон ёлқинлар. Т.: Турон замин зиё, 2017 йил.
3."Маориф ва ўқитғувчи " журнали. 1925-йил. Июнь.2-сон. 55-бет

4.“Маориф ва ўқитғувчи ” журнали. 1925-йил. Октабр.7-8-сон. 72-бет
5. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали, 1925 -1926 йиллар.
6. Мирсаидова Н.С. Шокир Сулаймоннинг ижодий йўли. Фил.фан.ном.дисс. автореферати, -Тошкент, 2005.
7. Узоков Ҳ . Элбек ”Танланган асарлар” 1999-йил. Тошкент.”Шарқ”. 285-бет

ЖАДИД АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА БЕГАЛИ ҚОСИМОВ ИЛМИЙ МАКТАБИНИНГ ЎРНИ

Гулбаҳор БЕКТАШЕВА
АДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси докторанти

Ўзбек адабиётшунослиги тарихида жадид адабиёти ва унинг ўрганилиши алоҳида соҳа сифатида жадидчилик ҳаракати бошланган даврдаёқ илк тадқиқот ва муносабатлар ёритила бошлаган эди. Боиси бу давр ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида халқнинг маърифатли бўлиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, миллий ўзлигини англаб етиши учун етарлича шароит яратилди. Бу XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида жадидчилик деб номланган йирик сиёсий йўналишнинг амалий натижаси бўлди. Улар Туркистон ўлкасида ҳам усули савтияларнинг очилиши — оми халқни саводли қилиш, маърифат уруғини сочиш, газета ва журналлар фаолиятининг йўлга қўйилиши — матбуот тараққиёти каби мақсадларда бошлаган эди. Бундай илк ҳаракатлар жамият ва миллат тақдирини ўзгартириб юборадиган миллий мустақиллик учун Чор ҳукуматига қарши қаратилган кураш юқори ижтимоий ҳаракатга айланиб кетди. Унинг етакчи вакиллари мамлакатда жадид матбуотининг ҳар саҳифасида ўз иштироки билан халқнинг онг-у шуурига маърифат уруғларини қадай бошладилар. Абдурауф Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Ҳожи Муин, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби ижодкорлар нафақат шоир ва ёзувчи ўрнида, балки адабиётшунос, танқидчи олим сифатида ўз даврида вақтли матбуотда чоп этилган кичик хабардан то йирик асаргача ўз муносабатини билдириб бордилар. Жадид адабиётшунослигининг илк босқичлари юзага кела бошлади. Жумладан, Беҳбудийнинг “Ҳақ олинур, берилмас!”, “Танқид сараламоқдур”, “Ёшларга мурожаат”, Авлонийнинг “Жаҳолат”, “Сафоҳат балоси”, М. Шермуҳаммедовнинг “Бухоро

микроблари”, Чўлпоннинг “Адабиёт надир?” сингари шов-шувли мақолалари пайдо бўлди. Уларда Туркистон мухториятини ташкил этиш билан бирга халқни миллий уйғотиш, ўзликни англаш, миллий адабиётимизга, адабиётшуносликка қаратилган илк муносабатларни кўришимиз мумкин. Жадид адабиёти жарида ва мажаллалар шаклида публицистик руҳда бўй кўрсатди. Айниқса, бу даврда бадиий адабиётда адабий тур ва жанрлар хилма-хиллиги билан ёнма-ён равишда адабиётшунослик илмида ҳам янги жанрлар пайдо бўлди, адабий танқидчилик жараёни пайдо бўлди. У дастлаб халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт негизида шаклланиб, халқимиз тарихида миллий уйғониш — жадидчилик ҳаракати таъсирида юзага чиқди. Унинг туғилиш жараёни айнан жадидлар мафкураси таъсири остида шаклланган даврга тўғри келди. Уч хил ижтимоий тузум: рус чоризм истибдоди, шўро ҳокимияти ва истиқлол даври каби турфа хил мафкуравий-сиёсий оқимлар таъсирида тараққий этганлиги, ўзининг миллий хусусиятлари билан ўзбек адабиётшунослиги тарихида алоҳида аҳамият касб этади.

"Биз бугун янги асрга қадам қўйдик. Хўш, янги асрга ўзбек адабиётшунослиги қандай йўлланма билан киради? У ўзининг қайси жиҳатларидан воз кечади ва ҳатто қайси гуноҳларидан тавба қилиб, қайси фазилатлари билан янги даврга юз тутади? Камчиликлар оз эмас. ...Лекин шунга қарамай, бугун умидсизликни йиғиштирмоқ керак ва аҳиллик билан ишга киришиб, янги адабиётнинг ривожига фаол кўмаклашмоқ керак". [Шарафиддинов, 1998:4] Проф. О. Шарафиддиновнинг фикрлари ўринли. Янги адабиётшуносликнинг ривожида жадид адабиётшунослиги ва мактаби ҳам алоҳида фасл бўла олади. Бугун янги адабиётшуносликнинг тараққиётида, албатта, жадид адабиётшунослигининг ўрни айрича. Уни даврларга бўлиб, хронологик тадқиқ этиш, ижтимоий тараққиёт омилларини, мазмун- мундарижасини белгилашда муҳим саналади. Шу мақсадда, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳисобга олган ҳолатда жадид адабиётшунослигини қуйидаги уч жиҳатдан таснифлаб ўрганиш мумкин:

1. Чор мустамлакаси даври илк жадид адабиётшунослиги.
2. Шўролар даври жадид адабиётшунослиги.
3. Истиқлол даври жадид адабиётшунослиги.

Жадид адабиёти ўз номи билан янги адабиёт бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида нодир истеъдодларнинг намоён бўлиши учун

асосий мактаб вазифасини ўтади. Бегали Қосимов жадид адабиёти илмий мактабини тадқиқ этар экан, номзодлик диссертациясини — Мирмуҳсин Шермуҳаммедов (жадидчиларнинг энг илғор вакили-Фикрий) ижодига бағишлаган бўлса, докторлик диссертациясини айнан шу даврга боғлаб, “XX аср боши ўзбек поэзияси (инқилобий шеъриятнинг шаклланиши ва тараққиёти) масалалари 1905- 1917” деб номлайди. Сиёсий вазият талаби билан “миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти “инқилобий адабиёт” истелоҳи билан тадқиқ қилина бошлади. Зеро, замон беҳад мураккаб ва зиддиятли эди. Миллатнинг неки фазилати бўлса, унинг ҳаётидаги нимаики ёруғ бўлса, инқилоб шарофатига йўйилар эди. Бу истелоҳ эса, жадид адабиётини ўрганишда янгидан - янги имкониятлар эшигини очди.” [Saviya,uz, 2012:6] У жадид адабиёти намоёндалари ижодини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиб, бу давр адабиётининг янгича руҳини кашф этди. “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” истелоҳини истиқлол шарофати билан адабиётшунослик илми майдонига олиб кириб, ноанъанавий мактаб - “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедрасига асос солди. Бундай юксак жасорат туфайли кафедра бағрида кўплаб жадидшунос олим ва олималарнинг жамоаси шаклланди. Ушбу жамоанинг самарали меҳнатлари боис, йигирмага яқин жадид ижодкорларининг, жумладан, М.Шермуҳаммедов, Исмоилбек Гаспиринский, Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Тавалло, Сирожиддин Сидқий,Абдулҳамид Мажидий, Сўфизода, Ибрат, Ажзий, Ҳожи Муъин, Вадуд Маҳмуд сингари жадид ижодкорларининг адабий мероси ҳамда ижтимоий- сиёсий фаолияти кенг тадқиқ қилиниб, мактаб ва олий ўқув юрти дарсликларига киритилди. Мустақиллик давригача Н.Каримов, Б.Қосимов, Э.Каримов, А.Алиев каби олимлар жадид адабиётини ўрганган бўлсалар, истиқлолдан кейин бу саф анча кенгайди. О. Шарафиддинов, У. Норматов, Н.Каримов, Б. Назаров, Ҳ. Болтабоев, Д. Қуронов, Ш. Ризаев, Б. Каримов, И. Ғаниев, Н. Афоқова, У. Жўрақулов кабилар мафкуравий тазйиқлардан ҳоли равишда жадид адабиётини ўргандилар. Бу тадқиқотлар ичида Бегали Қосимовнинг илмий мероси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, жадид адабиёти бўйича айрим тадқиқотларнинг яратилишига манба бўлиб хизмат қилади. Б. Қосимов илмий мактаби адабиётшунослик ва ёндош соҳаларда янги илмий йўналишларга асос бўлди. Жумладан, жадид адабиётшунослиги (Ҳ. Болтабоев, Б. Каримов, И. Ғаниев, У.

Жўрақулов), жадид драмаси (Ш. Ризаев, У. Саидов), жадид педагогикаси (У. Долимов), жадид матбуоти (Б. Дўстқораев, Ҳ. Саидов), янгича маърифатпарварлик ва жадидчилик (Н. Жабборов), жадид тарихшунослиги (С. Холбоев), жадид шеърияти (Н. Афоқова),жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари ва маҳорат масалалари (М. Тожибоева) каби. Бундан ташқари, 2002 йили туркиялик тадқиқотчи Фатма Ачиқ, 2008 йил хитойлик Турсун Қурбон мазкур давр адабиёти юзасидан диссертация ҳимоя қилди". [Saviya.uz, 2012:6] Буларнинг барчаси ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг жаҳон адабиёти дурдоналари ичида ҳамда профессор Б.Қосимов яратган мактаб халқаро доирада алоҳида эътироф этилганининг исботидир. Зеро, адабиёт миллат танламайди. У инсоният тарихида яратилган умумбашарий туйғулар аксидир.Унинг масаласи - Инсон, ўрганиш объекти - бадиий асар, уни тадқиқ этган олим эса- адабиётшунос тадқиқотчи бўлиб қолаверади. Натижада олимнинг жадидшуносликка доир тадқиқотларида илгари сурилган фикр ва мулоҳазаларидан фойдаланиш лойиҳанинг илмийлиги ҳамда мукаммаллигини таъминлаган ва илмий мактаб деб эътироф этишимиз ҳам ўринлидир.

Профессор Б.Қосимов бу давр адабиётини тадқиқ қилар экан, нафақат адабиётшунос олим сифатида, қолаверса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларга объектив муносабатини билдирар экан, архив материалларига таяниб, ҳар бир ижодкор фаолиятига холис ва ҳаққоний баҳо беради, ўзининг ўткир сиёсатчи, тарихчи ва архившунос олим эканини исботлаб беради. Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев олимнинг тадқиқотларига қуйидагича баҳо берган: "Миллий уйғониш адабиётиниг билимдони Бегали Қосимов "Фитрат", "Сен учун тирилдим, она!", "Истиқлол курашчиси" сингари асарларида ғоят қалтис даврда яшаб ўтган ва ижодлари ижтимоий воқеликка, сиёсий ўзгаришларга бевосита алоқадор бўлган жадид адибларининг асарлари ҳақидаги изчил ва мантиқли хулосалари билан туркчиликнинг илдизлари ва миллият туйғусини шакллантириш босқичлари ҳақидаги ҳақиқатларни ойдинлаштиришга салмоқли ҳисса қўшди." [Йўлдошев,2016:10] Чиндан ҳам, биргина Фитрат шеъриятини ғоявий-бадиий хусусиятларини тадқиқ этар экан, шоирнинг "ўтли шеърлари"да Ватан қайғуси, юрт изтироби билан бирга уларнинг ижтимоий тузумга алоқаси билангина чекланиб қолмасдан, шеърнинг бадиий

жозибаси, эстетик вазифаси, шеър қурилиши, қофия ва вазн талабларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади.

“1917- йилда Фитрат ўзи муҳаррирлик қилган “Ҳуррият ”газетасида “Юрт қайғуси” номи билан бир туркум шеърлар эълон қилди. Фитратнинг ўзи бу шеърларни мансуралар деб атайди. Олимнинг эътироф этишича, бундай тажриба адабиётимизда илк бор Ҳамза томонидан қилинган эди. Масалан, у “Садойи Туркистон” газетасининг1914 йил,18 июль сонида босилган бир шеърига “Шеъри мансур” (насрий шеър) от қўйган эди.” [Қосимов, 2004:367] Бу ҳақида Б.Қосимов ўзининг 1983 йилда чоп этилган “Излай-излай топганим” рисоласида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади.

Хулоса қилганда, олим ўз изланишларида бутун жадидчилик адабиётинг шаклланишида жамики жадидчи шоир ва ижодкорларнинг кўламини ажратиб беради. Шу билан бирга ўзбек мумтоз адабиёти билан истиқлол даври адабиётига жадид адабиёти кўприк эканлигини исботлайди. Жадид адабиёти янги пайдо бўлган ҳодиса сифатида мумтоз адабиётнинг шаффофлигини сақлаган жадид ижодкорларини ажратиб беради. У яратган илмий мактаб жадид адабиётини ўрганишда бирламчи манбалардан бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1.Йўлдошев. Қ. Ёниқ сўз. “Янги аср авлоди”, 2006.- Б, 10.
2. Шарафиддинов О.Адабиёт мангу яшайди//Жаҳон адабиёти.1998.№1-Б, 4.
3. Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти.Т, “Маънавият” 2004.- Б. 367
4. Қаранг.Saviya.uz. Шарқ юлдузи.2012 –Б, 6. Абадиятга айланган лаҳза. Н.Жаббор.

РАУФ ПАРФИ АРХИВИНИНГ ТИЛИ

Гўзал МАТЁҚУБОВА,
А.Навоий номидаги давлат адабиёт музейи тадқиқотчиси

ХХ аср ўзбек шеъриятида “аср дарвеши” деб тан олинган Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг шахсий ҳаёти турфа саргузаштларга, баланду пастликларга бой бўлгани ҳолда ундан қолган адабий ёдгорликлар ҳам ўзига хос, таққослаб бўлмас даражада оригиналдир. Ҳеч қачон бир жойда муқим яшамаган,

аниқ бир манзилда қўним топмаган шоирдан адабий мерос – илмий-тадқиқ учун етарли даражада архивнинг сақланиб қолишининг ўзи катта адабий-маданий ҳодисадир. Рауф Парфи шахсини таниган, билган унга замондош бўлган шоирларнинг кўпчилиги ундан бой архив сақланиб қолганига шубҳа билан қарашлари табиий. Негаки, шоирнинг кўчама-кўча, дунё талаб ва истакларига бўйсунмай, фақат ички сезги ва хос туйғуларга эътимод қилган ҳолда яшаб ўтгани бунинг ҳужжатидир.

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида шоир Рауф Парфининг 180 та архив ҳужжатлари сақланади. Ушбу архивдаги ҳужжатлар шоирнинг ўз қўли билан ёзган қўлёзмалари, машинкаланган шеърлари, Рауф Парфи шеърларининг бошқа хорижий тилларга қилинган таржималари ва шунинг баробарида шоирнинг жаҳон адабиёти дурдона асарларидан қилган таржималари, шоир архивида сақланган бошқа шоирларга тегишли бўлган шеърлар, Рауф Парфи асарларининг кимларда сақланиб қолганлигини кўрсатувчи рўйхат ва мундарижалар, газета ва журналлардан қирқимлар, нутқ ва мақолалар, шунингдек, фотосуратлардан иборат.

Архив ҳужжатлари тавсифида сақланаётган асарнинг тури, йўналиши, сақланиши, ҳажми, қайси тилда ёзилганлиги ва архив ҳужжати нечта нусхадан иборат эканлиги кўрсатилган.

Рау Парфи қўлёзмасида сақланаётган архив ҳужжатлари орасида “Яна қайтиб келдим”, “Кулранг булут кезинади жим”, “Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал”, “Япроқ, япроқ, айтиб бер менга”, “Юлдузларга мен ҳам қарайман”, “Аввал хаёл эдинг, холос бир хаёл”, “Телбаларча қарайман гоҳо”, “Деразамга урилади қор”, “Шеърият”, “Бахт ва ташвиш” каби неча ўнлаб бадиий пишиқ ва адабий доираларда ўз баҳосини олган машҳур шеърларнинг шоир қўлёзмасидаги вариантлари сақланади. Уларнинг айримлари қўлёзма ҳолатда. Яхши сақланган. Шоир томонидан жуда кўп бор, қайта-қайта ўчириб ёзилган, таҳрир қилиниб, ўзгартишлар киритилган.

Кулранг булут кезинади жим,
Кулранг булут ўхшар уйқуга.
Кулранг булут бошлайди ҳужум,
Бақириб шивирлар руҳимга.

Нафаслари қисилиб гўё
Қалдирғочлар учар ер бўйлаб.
Ғамгин-ғамгин кўринар дунё —
Ўйларини қийнайди ўйлаб.
Кулранг булут қулади охир,
Парчаланди шу муаллақ кўл.
Ғир-ғир шамол, ғир-ғир ёмғир,
Суратимни чизиб берар йўл.
Қалқиб-қалқиб қўяди қараб
Табассумлар ёзилган тупроқ.
Чапак чалиб, сочини тараб
Бош ювади бир ҳовуч япроқ.
Яна булут кезмоқда сарсон
Таъқиб этиб борар изимдан,
Нафасларга тўла бу осмон
Узилмайдир асло кўзимдан…

Ушбу шеър шоирнинг қўлёзмасида № 12 рақами остида иккита қўлёзма нусхада сақланмоқда. Шеър шоирнинг чиройли ёзуви билан бинафша ранг сиёҳда битилган. Ушбу қўлёзманинг биринчи вариантида бешинчи куплети шоирнинг ўз ёзувида таҳрир қилинган. Шоирнинг дастхати аниқ ва тушунарли. Шеърнинг охирги тўрт қаторидаги биринчи сатрда илк қўлёзмада “Кул ранг булут кезади сарсон” “Яна булут кезмоқда сарсон” тарзида ўзгартирилиб, таҳрир қилинган. Шоир “Яна булут кезмоқда сарсон” қабилида таҳрир киритиш орқали, шеърий шаклдаги такрор билан эмас, маънодаги такрор қилиб шеърнинг ички шиддатини оширишга эришган. Ушбу шеър шоир Рауф Парфининг 1986 йилдаги “Сабр дарахти”, 2013 йилда “Академнашр” нашриёти чоп этган “Сайланма”, шу йили “Шарқ” нашриёти нашр этган “Туркистон руҳи” ва “Муҳаррир” наширётида чоп этилган “Сакина” китобларида айнан шу тахлитда нашрга тайёрланган ва чоп этилган.

Яна шоирнинг шундай шеърларидан бири №18 рақам остида сақланаётган икки нусхадаги ва икки нусхасида ҳам ўзгартишлар бўлган “Япроқ, япроқ айтиб бер менга”, деб бошланадиган шеъридир.

Ушбу шеърнинг архивдаги ҳолати қуйидагича тавсиф қилинган: “Сарлавҳаси йўқ. “Япроқ, япроқ айтиб бер менга...”

мисраси билан бошланади. Ушбу шеърда шоир япроқни ўзига ўхшатади. Япроққа мурожаат қилиб, нега ўз севгисидан “бўзлаб бермаслигини, сўзлаб бермаслигини, нега пойига тушганлигини, тўлган қалбини нега тўкмаслигини, доим сукутда сақлашини, қайда ўсгани, қайда яшнаганини”айтиб беришини сўрайди.

Ҳужжат 20 х 29,5см. форматли қоғозга бинафша сиёҳда ёзилган. Шеър матни таҳрир қилинган. Қора қаламда тузатишлар киритилган.Сатрлар устидан чизиб ўчирилган. Шеър бошланишида юлдузча шакли берилган. Қора қаламда “3” рақами ёзилган. Иккинчи куплетга “1-4” гача рақамлар қўйилган. Шеър тугашида чизиқча белгиси кўрсатилган. Қоралама варианти. Қоғози сарғайган. Яхши сақланган.

Дастхат. Кирилл ёзувида. Ўзбек тилида. Й.й.

1 ҳуж., 2в.(2 нусхада) ”

Рауф Парфи архивида “Япроқ, япроқ айтиб бер менга” шеърининг икки хил кўриниши мавжуд:

Шеърнинг биринчи кўриниши[1] айнан қўлёзма ҳолатида:

Япроқ, япроқ, айтиб бер менга,

Қайда ўсдинг, қайда яшнадинг.

Япроқ, япроқ айтиб бер, нега?(Ушбу қатор устидан чизилган ва *“Нега, япроқ, сўйла-чи, нега?”* деб ўзгартирилган)

Юлқиниб ўзингни ташладинг.

2. *Қарамасанг менинг раъйимга*,

1. *Япроқ, япроқ сўзлаб бермасанг*.(“бермайсан”, “бермасанг” қилинган).

4. *Нечун тушдинг, нечун пойимга?*

3.*Ўз севгингдан бўзлаб бермасанг*.(“бермайсан”, “бермасанг” қилинган.)

Япроқ-япроқ, менга ўхшайсан(“япроқ-япроқ” ўчирилиб, “жуда-жуда қилинган”)

Доим сукут сақлайсан, бироқ.

Тўлган қалбни нечун тўкмайсан,

Менчалик ҳам тўкмайсан, япроқ.

Узиб отмас эди табиат,

Босиб ўтмас эди одамлар.

Фидойи эй япроқ, сен фақат,

[1] №18 ҳужжат. Рауф Парфи архиви. А.Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи.

Бир сўз айта олсайдинг агар...

Ушбу тўрт қатор шеър тўлиғича ўчириб ташланган.

Шеърнинг иккинчи кўриниши[1] айнан қўлёзма ҳолатида:

2. *Япроқ, япроқ, айтиб бер менга,*

1. *Қайда ўсдинг, қайда яшнадинг.*

3. *Нега, япроқ айтиб бер, нега?*(“Нега, япроқ айтақол, нега?” бўлган ва чизиб ўзгартирилган.)

4. *Юлқиниб ўзингни ташладинг.*

Япроқ, япроқ сўзлаб берсанг-чи,

Шамол сени боқ, супурмоқда.(“Қарамасанг менинг раъйимга” қатори ўчирилган ва ўрнига ушбу қатор киритилган).

Ўз севгингдан бўзлаб берсангчи,

Нечун тушдинг, нечун оёққа?

Япроқ-япроқ, менга ўхшайсан,

Доим сукут сақлайсан, бироқ.

Тўлган қалбни нечун тўкмайсан,

Менчалик ҳам тўкмайсан, япроқ.

Шеър архивда юқоридаги каби кўринишларда сақланмоқда. Демак, шеър биринчи кўринишда 4 куплетдан ва иккинчи кўринишда эса уч куплетдан иборат бўлган.

Бироқ “Сабр дарахти” тўпламининг 64-бетида, “Туркистон руҳи” китобининг 112-бетида ва “Академнашр” нашриётида чоп этилган “Сайланма”нинг 96-бетида, “Сакина”нинг 80-бетида шеър қуйидаги кўринишда китобларга киритилган.

***ҚАЙДА ЎСДИНГ, ҚАЙДА ЯШНАДИНГ*[2],**

Япроқ, япроқ, айтиб бер менга,

Юлқиниб ўзингни ташладинг,

Нега ахир, япроғим, нега?

Сени шамол, боқ, супурмоқда...

Япроқ, япроқ, сўзлаб берсанг-чи?

Ўз севгингдан бўзлаб берсанг-чи?

Нечун тушдинг, нечун оёққа?..

---

[1] №18 архив ҳужжатининг иккинчи нусхаси. Рауф Парфи архиви. А.Навоий номидаги Адабиёт музейи.

[2] Рауф Парфи “Сабр дарахти”, 1986 йил, Ғ.Ғулом нашриёти, 64-бет; “Туркистон руҳи” китоби, 2013 йил “Шарқ”НМАК, 112-бет, “Сайланма”, “Академнашр” нашриёти, 2013-йил, 96-бет; “Сакина”, “Муҳаррир” нашриёти, 2014 йил, 80-бет.

Шеър даставвал 4 ва иккинчи архив нусхасида 3 ва китобларга эса икки куплет яъни саккиз қатордан иборат кўринишда киритилган. Рауф Парфининг музейда сақланаётган архивидаги шеърларнинг ҳаддан зиёд кўп ўчирилиб, қайта-қайта таҳрир қилингани, китобга ушбу шеърнинг мана шу кўринишда киртилиши шоирнинг ўзи томондан амалга оширилган деган тахминни илгари суришга асос беради. Чунки шоир шеърни бадиий жиҳатдан мукаммал кўринишга келтиргунча қайта-қайта ўчириб ёзган, унга ишлов берган. Китобга киртилган шеърлар эса шоирнинг асарларидан бирорта сўзни ўрнидан қимирлатишга асос йўқлигини, ўрнига бошқа бирор сўзни ишлатиб бўлмаслигини намоён этади.

Эдгар Аллан По “Архив бу – ўтмишнинг оқарган сочларидир!” деганида ҳақ эди. Бугун Рауф Парфининг ижод архивини кўздан кечирар эканмиз, улар бизни Рауф Парфи шахсига, шеъриятига сарказм билан муносабатда бўлувчиларга нисбатан мантиқий бир жавоб тарзида жаранглайди. Рауф Парфи шахси бу дунё найрангларига қанчалар беэътибор ва совуққон муносабатда бўлган эса-да, архивдаги ҳужжатлар шоирнинг Адабиёт ва ижод билан ўта иссиққонлик ва эътиборнинг юқори поғоналарида туриб алоқа қилганлигини кўрсатади. Шоир бу дунёдан қўлини ювиб қўлтиққа урган дарвеш ва сўфийтаъбдир. Чунончи, Рауф Парфи яшаб ўтган макон ва замон шундан хабар беради. Бироқ у шеърга, ижодга эътиборининг энг баланд чўққиларидан туриб назар ташлайди. Муттасил ўзини-ўзи тўлдиради. Ундан қолган ҳар бир архив материали эса фикримизнинг сарғаймас ҳужжатидир.

Озодликни, бирликни, ўзликни куйлаган шоирнинг архив материаллари ҳали узоқ асрлар миллаттараққийсига бирдай хизмат қилади. Зеро, шоирнинг ҳаёт йўли иқтисодий-сиёсий баланд-пастликлар аро ўтган бўлса-да, унинг ниҳоятда мукаммал классик кўринишдаги замонавий шеърлари ҳар бир давр учун даврдош ва мансубдир. Архив тилга кириб ҳали узоқ йиллар туркий халқлар ҳурриятидан, бирлигидан гап очса, ажаб эмас. Унинг ўз асрида кашф қилинмаган шахслик ва шоирлик оҳанрабоси ҳаммани виждон ва иймон деган байроқ остида жамулжам этади.

“Музей” сўзи юнончадан туржима қилинганда “Илҳом парилари уйи” деган маънони англатади. Зеро ушбу илҳом парилари жамулжам уйдаги Рауф Парфи архиви ўзининг соф

бадиий тили ва ижодининг ибодатга айланишдай фазилатлари билан бизнинг эътиборимизни қайта-қайта ўзига тортаверади.

ПОЭТИК НИДО ВА УНИНГ ИНСОН ХАРАКТЕРИНИ ОЧИШДАГИ ЎРНИ
(Ҳабиб Саъдулла ижоди мисолида)

Шоҳсанам ЭРМАНБЕТОВА
НамМТИ академик лицей ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Етук истеъдод эгаси, моҳир сўз санъаткори, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла буюк ижодкорларнинг муносиб давомчиси бўла олди. Унинг номи эл орасида машҳур бўлиб, у ўзбек шеърияти, насри ва драматургиясини бадиий баркамол асарлари билан янада бойитган ижодкордир. Адиб асарлари адабиёт ихлосмандлари юрагидан чуқур жой олган.

Сўз – инсон сезгиларини ўзгага юқтирадиган сеҳрли қурол эканлиги аввал ҳам таъкидлаб ўтган эдик. Сўз – инсонга хос ички ва ташқи дунёнинг таржимони бўлиб, бу таржимонга ҳеч бир восита шеъриятчалик қўл кела олмас. Аммо у бу фазилатларига фақат тафаккур отига мингачгина эришади, холос. Сўз қудрати, гўзаллиги, маънодорлиги, таъсир кучи, айниқса, шеърда аниқ кўзга ташланади[1].Инсон характерининг мураккаб ички олами, маънавий дунёсининг ҳаёт ҳодисалари билан боғлиқликдаги кўринишларини юксак ақлий салоҳият, фалсафий теранлик билан бадиий тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳабиб Саъдулла сингари қатор шоирларнинг изланишларини устозлар тажрибасидан, мумтоз шеърият анъаналаридан ажратиб ўрганиш мумкин эмас, албатта. ХХ аср воқелигини, ижтимоий ҳаёт янгиликларини ўз моҳиятига сингдирган ажойиб поэтик асарлар яратиш, шу жараёнда ўтмиш анъанасининг энг яхши ҳислатларини ўзлари яратган янгилик билан боғлаш ҳозирги шеъриятимизда янги босқичга кўтарилди. Хусусан, бу йўналиш Ҳабиб Саъдулла ижодида ҳам алоҳида кўзга ташланади. Шоир ҳаёт ҳақида нимаики демоқчи бўлса, шунинг ҳаммаси пировардида асарда тасвир этилган қаҳрамоннинг яшаш шароити, хулқ-атвори, руҳияти, ишлари, интилишлари ва ўйларида

[1]Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009.160-бет.

ўз ифодасини топади. Бунда, айниқса, лирик қаҳрамонга мурожаат этиш, поэтик нидо (ундалма) орқали фикрни яна ҳам очиб беришга эришиш мумкин.

Инсоншуносликдан иборат бадиий адабиёт асарида биз одамларнинг турли даражада тафсилот ва чуқурлик билан тасвирланганининг гувоҳи бўламиз.[1] Хусусан, бу борада шеъриятдаги лирик қаҳрамон билан боғлиқ характернинг очиб берилишида поэтик мурожаат(нидо)нинг ўрни беқиёсдир. Қуйида шоирнинг "Мактуб" шеъри мисолида поэтик нидонинг аҳамияти янада ёрқинроқ намоён бўлади:

Ҳайрон бўлма, саратонда ёққан каби қор,
Тасодифан бориб қолса сенга бу мактуб.
Ҳаёт мени ишқ дардига айлагач дучор,
Юрагимни ёздим сенга, ***ҳамқишлоқ маҳбуб.***[2]

Ҳабиб Саъдулла тасодифан ёрдан келган ва кутилмаган мактубни, ёзда қорнинг ёғишига қиёслаб, табиат ҳамда инсон характерини моҳирона мутаносиблайди. Ёзда қорнинг ёғиши кутилмаган ҳодиса эканлиги ҳисобга олинса, лирик қаҳрамонимиз бўлмиш ошиқ йигит уни чиндан севувчи маҳбубига ҳеч қачон имкон бермаган, хат ёзмаган ёинки қадрламаган. Йигитдан жавоб кутмаган маҳбуба учун бу мактуб чиндан ажабланарли ва фавқулоддадир. Бу ҳол яна буюк мутафаккир бобомиз бўлмиш Навоий ижодига мантиқан яқинлик, шаклан замонавийлик касб этади. Демак, инсон ҳарактери, ундаги қалб кечинмалари замонлар ўтса-да, ўзгармайди. Юқорида таҳлил қиёси натижасида инсон ҳарактери, ундаги қалб кечинмалари замонлар ўтса-да, ўзгармаслигига амин бўлдик. Бу борада Ҳабиб Саъдулла "Навоийга мактуб" шеърида изоҳ бериб ўтади:

Замонлар ўзгарди, юртлар ўзгарди,
Аммо ҳанузгача ишқ ўша-ўша.
Ҳамон ўша-ўша ошиқлар дарди,
Ҳам қалам аҳлига муҳаббат пеша.[3]

[1]Султон Иззат. Адабиёт назарияси. Т: "Ўқитувчи".1980 йил.191-бет.
[2]Саъдуллаев Ҳабиб.Танланган асарлар. Т: "Шарқ". 2002 йил. 58-бет.
[3]Ўша китоб. 64-бет.

Қанча замон ўтмасин, ишқ дарди, ошиқ дарди ўзгармаслигини таъкидлаб, шоир учун муҳаббат мавзуси етакчи мавзу бўлиб қолаверишига урғу беради.

Таҳлил қилаётганимиз “Мактуб” шеърига Навоийнинг ушбу мисралари эпиграф қилиб олингани шеърдаги туйғулар туғёнига айнан мос келган ва лирик қаҳрамон дардини очиб беришга кўмаклашгандир:

Мени мен истаган ўз суҳбатида аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.[1]

Йигит қачонки ўзи ҳам ошиқ бўлиб, ишқ дардини туйгандагина ўтмишда, олис қишлоқда қолган қиз дардини англайди, унга қарата: “...қишлоқдош маҳбуб”,-дея нидо қилади.

“Маҳбуб”-арабча севимли киши, ёр маъносини беради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу нидо орқали йигит болалигидаги ҳамқишлоқ қизнинг қадрига етмагани, бу билан унинг кўнглига озор берганидан афсусланиши ва уни маҳбуб дея тан олиниши юзага чиқади.

Бу шоирлар ижодий оламининг бойиб боришида, ҳар бир ижодкор дунёқарашининг кўламдорлик касб этишида, эстетик принципларининг шаклланишида, фикрлаш доирасининг кенг миқёсли тусга эга бўлишида етакчи ўрин тутади.

Хусусан, ҳар бир янги авлод поэтикаси, ижодий изланишлари бетакрор тарихий шароит, янги ижтимоий воқелик билан характерланади. Шу ижтимоий воқеликларнинг ўзаро фарқланиши, бир-бирига ўхшамаслиги бадиий асардаги образлар қурилишида, поэтик образларнинг эстетик вазифасида, шоирлар ижодининг бир-биридан ажралиб туришида ҳам намоён бўлади. Энди лирик қаҳрамон ўша дилбардан кечирим сўрайди. Поэтик нидо бу сафар йигит маъшуқани бир сўзига зор қилганини юзага чиқаради.Бу ҳолат икки поэтик нидо билан янада конкретлашади:

*Кечир мени, **қаторини ўғирлатган қиз,***
*Кечир мени, **бир сўзимга интизор дилбар.***
Мен қошингда бош эгайин, майли, чўкай тиз,
Сен олдимда буюк тоғсан Ҳимолай қадар.[2]

[1]Саъдуллаев Ҳабиб.Танланган асарлар. Т: “Шарқ”. 2002 йил. 58-бет.
[2]Ўша ерда.

Энди йигит маъшуқанинг ишқи олдида бош эгишини ва уни энг баланд чўққи бўлмиш Ҳимолайга таққослашини айтиб, бу гўзал қиёсланишатрофида сухансозлик қилиш, лутф кўрсатиш ниятининг мевасини яратади.

Кейинги мисрадаги поэтик мурожаатида кечинмалар ифодаси кулминацион чўққига чиқади, танланган эпиграфга янада мослик кашф этиш билан бирга уни “соҳиб жамол” дея аташи ўқувчи қалбини ларзага келтиради. Шоир маҳоратини кўрингки, севгилиси четда қолиб, уни севган умуман бошқа лирик қаҳрамонни, қишлоқдош қизни, тип даражасига кўтара олади. Бошқа томонлама ёндошиб бўлса-да, ошиқ ички кечинма ва дардларини моҳирона очиб беради. Туйғулар туғёнига бундай ечим топиш шоирнинг етуклиги, фикридонишлиги мевасидир:

Истамасдим эшитмоқни розингни хатто,
Бугун менинг розларимга у қилмас шафқат.
*Шунда сени эсга олгум, **эй соҳиб жамол,***
Пок севгингни топтагандим етмай қадрингга.[1]

Машҳур мунаққид В.Г. Белинский Пушкин шеърияти ҳақида гапирар экан, унинг асардан асарга нафақат шоир сифатида, балки инсон ва характер сифатида ҳам давомли ўсиб борганлигини таъкидлайди.[2] Бу фикр Ҳабиб Саъдуллага ҳам тааллуқлидир. Айниқса, “Мактуб” аталмиш биргина шеъри орқали лирик қаҳрамоннинг болалик туйғуларини улғайгач кескин ўзгарганини, бир умрнинг туйғуларини моҳирона очиб бера олгани шоир маҳоратидандир.Хотира лирик кечинмаларни сақлаб, уни оташнафас шеърга айлантирган шоирнинг “Мактуб” шеъри мухлислар қалбини гўзал ҳисларга тўлдиради. Сўнги сатрлардаги поэтик мурожаатга эътибор берайлик:

*Кечир мени, **қарорини ўғирлатган қиз,***
Илк севгим, деб санамагил мени муқаддас.
Муҳаббатинг қолдиргандим жавобсиз эсиз,
Букун мендан илк муҳаббат олаётир қасд.[3]

[1]Саъдуллаев Ҳабиб.Танланган асарлар. Т: “Шарқ”. 2002 йил. 59-бет.
[2]Белинский В.Г. Сочинения Александра Пушкина. Полн.собр.соч. Т.7.М.,1955.С.271-272.
[3]Саъдуллаев Ҳабиб.Танланган асарлар. Т: Шарқ, 2002 . – Б.59.

Бу нидо орқали шоир ҳам мурожаат, ҳам таъриф келтиради. Ишқи чин маъшуқани қадрламагани учун ўзи ҳам шу ҳолга тушганлигига амин бўлади. Шундай қилиб “Мактуб” шеърида лирик қаҳрамон беш бор поэтик нидодан фойдаланади. Бу орқали шеър мазмунининг ўқувчини ҳаяжонга сола билиш қуввати мўъжизавий тарзда ортади.

Шеърда лирик қаҳамонга бўлган мурожаати гўзал ифодаси шоирнинг жўшқин ва самимий эътирофи замирига сингиб бораркан, ўқувчи ундан шоир шахсиятининг, фикриёти ва лирик қаҳрамон ҳиссиётининг сиринианглашга интилади,бу эса шеъриятнинг ажиб сеҳри самарасидир.

Барча поэтик воситалар лирик қаҳрамон кечинмаларини очишга хизмат қилади. Ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий моҳиятига кўра ҳам ана шундай долзарб масалалардан бири сифатида муҳим характер касб этади. Ушбу масалага ҳар бир соҳа ва тармоқ вакиллари ўзига хос тарзда ёндашмоқда ва унга жавоб изламоқда.

У ўз қалбкечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-мушоҳадалари, ташвишлари, қувончлари тўғрисида фикр юритмоқда. Лекин, энг асосийси, унда давр нафасини, даврнинг қалбзарбларини сезиш мумкин. Шоир шеърияти инсон характерини очиш, соф меҳнати, эзгу эътиқоди орқали ҳаёт, эртанги кунга ишонч билан қадам қўйишга чорлаш каби ғоявий-эстетик вазифаларни бажаради. Юқорида келтирган гўзал наъмуна поэтик нидонинг лирик қаҳрамон характерни очиб беришдаги воситалардан бири холос. Бу борада Ҳабиб Саъдулланинг бой ижодий меъроси бизга ҳали кўплаб намуналарни тақдим эта олади.

ISTE’DODLI SHOIRA ULLIBIBI OTAYEVA IJODI HAQIDA

Nilufar ATAJANOVA,
UrDU 1-bosqich tayanch doktoranti,

Qadim Xorazm vohasida shoiralar kam bo‘lgan. Hozirda esa viloyatda Gavhar Ibodullayeva, Sayyora Samandarova, Muhabbat Safayeva, Shirin Soburova, Shoira Shams, Zulfiya Matyoqubova, Zumrad Masharipova, Umida Nurzodalarning ko‘plab ijod namunalari,

she’riy to‘plamlari o‘z muxlislarini topib ulgurgan. Tabiiyki, ularning bari xivalik Ullibibi Otayevani o‘ziga ustoz deb bilishadi. Ullibibi Otayeva 1948-yili Ichan Qal’ada tavallud topgan. Ullibibi Otayevaning el sevgan qalamkash sifatida tanilishiga, eng avvalo, yaratganning unga ato etgan nodir qobiliyati, qolaversa, ma’naviyatli, ziyolilar bosh bo‘lgan oilada voyaga yetgani va eng muhimi, tinimsiz o‘qib izlanishi, intilishi sabab bo‘lgan bo‘lsa ajab emas. Bolalagidan adabiyotga mehr ruhida kamol topgan Ullibibi Otayevaning ilk she’rlari o‘rta maktabning yuqori sinfida o‘qib yurgan yillaridayoq – 1965-1966-yillarda Xiva tuman gazetasida muntazam yoritib borildi.

Shoira 1965-1971-yillar Samarqand davlat Universitetining filologiya fakultetida tahsil oldi. Talabalik yillaridayoq o‘z she’rlari bilan respublika matbuoti orqali ko‘p sonli muxlislarga tanildi, eng muhimi, yurtimizning taniqli ijodkorlari, jumladan, Zulfiyaxonim e’tiboriga tushdi, mehrini qozondi. Ustozlar ham, tengdoshlar ham Ullibibi Otayevaning kamtarligi, odobi, hayosi, intilishlariga havas bilan qarashardi.Ullibibi Otayeva bilan bir davrda Alisher Navoy nomidagi Samarqand davlat universitida o‘qigan O‘zbekiston xalq shoiri Omon Matjon unga shunday ta’rif bergandi: „Ullibibining she’rlarini o‘qigan sezgir odam, so‘z bu naqadar mazmundor shakllarga kira olishini va hamma hollarda inson ichki ruhiy quvvati ayonligini his qiladi.

Atrofdagi noqis hodisotlardan mutassil tuyiladigan bezovtalik, nafosatni qutqarib qolishga bo‘lgan kuchli oshuftalik, orzular ro‘yobiga yo‘l bermayotgan kuchlarga qarshi ochiq-botin norozilik Ullibibi she’rlarini nazmimizning noyob hodisardan biriga aylantirdi”.

Universitetni muvaffaqiyatli tamomlab, „Xorazm haqiqati” gazetasi tahririyatida faoliyat ko‘rsatgan yillar Ullibibi Otayeva ijodining eng sermahsul, gullab-yashnagan davrlari bo‘ldi. U nafaqat she’rlari, balki voha hayotining turli jabhalarini, ayniqsa, madaniy-ma’rifiy, ma’naviy sohadagi yutuqlar, muammolar va istiqbolli rejalarni ta’sirchan maqolalar, publitistik asarlar, lavha va ocherklari orqali yorqin aks ettirishga erishdi.

Toshkentdagi G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti tomonidan 1976-yili shoiraning „Nashida” ilk she’riy to‘plami chop etildi va kitobxonlar tomonidan iliq kutib olindi. To‘plamga muharrirlik qilgan atoqli shoir Rauf Parfi: „Ullibibi Otayevaning nomi o‘quvchilarga ko‘pdan tanish, uning she’rlari teran, falsafiy mushohadalarga boy, rangin she’rdir” - deya yuqori baho bergan edi.

Darhaqiqat, shoira qalamiga mansub satrlarni mutolaa qilgan har bir zukko o‘quvchi buni dildan his qiladi. Go‘zal o‘xshatishlar, hayratbaxsh tashbehlar, fikrlashga chorlovchi qiyoslashlar zavq-shavqingizni oshiradi.

Ullibibi Otayeva qaysi mavzuda qalam tebratmasin, ijodkor sifatida mas’uliyatni his qiladi. Inson qalbining tub-tubidagi his tuyg‘ularni juda noziklik bilan ifoda etadi, kutilmagan xulosalar, misol uchun, ilgari guvohi bo‘lmagan, bilgan bo‘lsangiz ham tasavvur qilmagan holatlarni his qilishingizga turtki beradi.

Deylik, suratlarda kulib turgan odamlarni ko‘p ko‘rganmiz. O‘ylab ko‘rganmisiz, ular shu qadar betashvishmikanlar? Yoki lahzalardagina o‘zlarini baxtiyor his qiladilarmi? Shoiraning ,,Suratlar” she’rini o‘qigach mazkur savolga javob topasiz:

Suratlarda kulib turamiz,
Ishlar besh deb o‘ylar odamlar.
Ular shunday beg‘amlik ramzi,
Go‘yo yo‘qday tashvishli damlar.
Balki shu payt qay bir tashvishning,
Og‘irligin tuyib turganmiz.
Ha, biz gohi suratkash ishin ,
Besh bo‘lmog‘i uchun kulganmiz.[1]

Ullibibi Otayevaning ,,Barmoqlar sehri”(1980), “Zamin darg‘asi”(1991) va vafotidan keyin 1998-yilda nashr qilingan “Shukrona” nomli to‘plamlariga jamlangan she’rlarining barchasida ijokorning badiiy mahoratini guvohi bo‘lasiz.

Mashhur rus aktyori M.A.Ulyanov shoir Rasul Hamzatov ijodiga bag‘ishlangan televizion kechada so‘zga chiqib, hayot ziddiyatlarini sezadigan, shoirlarni nazarda tutib shunday degan edi: “Odam sog‘lom qo‘lning borligini sezmaydi, zarurat bo‘lsa eng o‘tkir narsalarga qo‘l cho‘zib ushlay berishi mumkin. Bordi-yu qo‘lingizni biror narsa kesib yaralagan bo‘lsa, hamma narsalarning o‘tkir qirralari qo‘lning o‘sha yarador joyiga borib tegaveradiki, kishi undan bezor bo‘lib ketadi, shoir ham o‘sha yarador qo‘lga o‘xshaydi. Hayotning hamma o‘tkir qirralari unga borib tegaveradi va unga ozor beradi. Shoir o‘sha ozor nidosini izhor qiladi”. Haqiqiy iste’dodga munosib o‘xshatish. Darhaqiqat, qachonki, shoir she’rini dard bilan yozsa, o‘shandagina o‘quvchi undan

[1] Ismoilov O. She’rlar ham qalb parchasi.\\Xiva tonggi. 2018, 13-son,3-bet.

estetik zavq oladi, tuyg‘ulariga, kechinmalariga ta’sir qiladi. Aslida, ijodkorning dardi nurli darddir. Chunki u hayotbaxsh quvvatga ega bo‘ladi, dard chekkanlar qalbiga malham bo‘ladi.

Sog‘lom , bedard emas, she’r uchun.
Bemor bo‘l, bemor.
Bitta sog‘lom she’rning bag‘rida
Qancha og‘ir xassosliklar bor.
Qancha chuqur boqsa ko‘zlaring
Shuncha chuqur kirgung qalblarga.
Alahsirab aytgan so‘zlaring
Uyg‘un kelar sog‘lom ta’blarga.[1]

She’r – dardning hosilasi, dildagi tuyg‘ularni, to‘fonlarni o‘zida mujassam qiladigan ,,qalbning tarjimonidir”. Olamdagi turli-tuman voqe-hodisalar shoirning qalbidan shuuriga o‘tadi-yu, o‘zi bilan birgalikda qanchalar dardlar chekkanini, dili ozorliklarini qog‘ozga to‘kadi. Biz faqat iztirobning mevasini tatib ko‘ramiz xolos. Ana shu meva qachonki bizni ruhlantirsa, his-tuyg‘ularimizni junbushga keltirsa, qalbimizni larzaga solsa, tom ma’nodagi haqiqiy she’r sanaladi. Ullibibi Otayeva har bir she’rini ana shunday holatga tushib, bemor bo‘lib yozganligini uning yuqoridagi she’ridan ham anglab olsak ajab emas.

Ullibibi Otayeva nafaqat shoira, balki adabiyotshunos sifatida ham xayrli ishlarni amalga oshirdi. Ayniqsa, mumtoz adabiyotimiz vakillari, xususan, so‘z mulkining sultoni Alisher Navoiy g‘azallariga yozgan sharhlari 2016-yil ,,So‘nggi o‘tinch” nomi ostida Toshkentning ,,Istiqlol nuri” nashriyoti tomonidan adabiyot ixlosmandlariga taqdim qilindi. Mazkur qo‘llanma Sharq she’riyatining sir-asrorlarini anglab yetishda o‘quvchilar uchun muhim qo‘llanma bo‘lib xizmat qilmoqda.

Armonli tomoni shundaki, ayni ijodining gullagan chog‘larida Ullibibi Otayeva kasallik tufayli Moskva shahrida 1996-yil olamdan o‘tdi.

Ko‘ngilga tasalli beradigan jihati esa o‘zidan inson sifatida ham, ijodkor sifatida ham nurli izlar qoldirdi. Odilbek Yaqubovdek dili-diliga tutash inson bilan oila qurib, qobil farzandlarni kamolga yetishtirishdi. Hamkasblari ham, muxlislari ham uning faqat ijodiga emas, balki, samimiylik, kamtarlik, ko‘ngli poklik kabi ko‘plab insoniy fazilatlarida havas qilishardi.

[1] Otayeva U. Shukrona. Toshkent:Yozuvchi,1998,13-bet.

Shoiraning shunday satrlari bor:

She’rlar ham qalb parchasi-mehrigiyo go‘dakday,
,,Qo‘l-oyog‘ing bog‘lashib”, so‘zsiz izmiga solar.
Mayli, bog‘log‘liq bo‘lsin, oyoq qo‘llarim faqat
She’rlarim olislarga parvoz qila olsalar…[1]

Ullibibi Otayevaning orzulari amalga oshdi. Garchi umri qisqa bo‘lsada, qalbining gavharlari – she’rlari umrboqiylikka, ardoqqa yuz tutdi. Zamon, davr chegaralaridan yuksaklikka parvoz qildi. Ming-minglab muxlislarning ko‘ngil mulkiga aylandi va o‘zidan tadqiq qilishga arzigulik boy adabiy meros qoldirdi.

Adabiyotlar

1. Otayeva U. Zamin darg‘asi. Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1991.
2. Otayeva U. Shukrona. Toshkent: Yozuvchi, 1998.
3. Ollaberganov I. Xorazmlik ijodkorlar. Urganch: Xorazm, 2019.
4. Ismoilov O. She’rlar ham qalb parchasi.\\Xiva tonggi, 2018, 13-son.

СУЛАЙМОНҚУЛ ЮНУС ЎҒЛИ РАСВОНИНГ ҲАЁТИГА ДОИР АЙРИМ ҚАЙДЛАР

Адиба АБДУРАЗЗАҚОВА
АДУ магистранти

Миллий мустақиллигимиз Чўлпоннинг ҳаёт ва ижод йўлини холис ўрганиш имконини юзага чиқарди. Шоирнинг ҳаёт йўли текширилар экан, отаси – замонасининг илғор зиёлиси, маърифатпарвар шоир Сулаймон баззоз – Расво ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Гарчи Расво ижодига айрим мутахассислар қисман тўхталган бўлса-да, олиб борилган кичик тадқиқотлар тарқоқ ҳолда бўлиб, тизимли ёндашувнинг йўқлиги кузатилади. Қуйида ота ва ўғилнинг ўзаро муносабати орқали Сулаймонқул баззознинг шахсиятига муфассалроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

[1] Ismoilov O. She’rlar ham qalb parchasi.\\Xiva tonggi, 2018. 13-son, 3-bet.

Чўлпоннинг синглиси Фоиқа ая берган маълумотда отасининг 1874-1929 йилларда яшагани айтилади. Айрим манбаларда эса Расво вафот этган сана сифатида 1930 йил қайд этилган.

Биз ўрганган тарихий манбалар ва хотираларда Чўлпоннинг отаси бой савдогар, ўқимишли, шоиртабиат инсон бўлгани ёзилади**.** “Ўша ерлик Сулаймон баззоз билан танишдим…У киши шоирнамо, ўқимишли эди” [3,170]. “Бобомиз Сулаймон Юнус ўғли (1874-1929) шеъриятга қизиққан, “Расво” тахаллуси билан шеърлар битиб, уни девон ҳолига келтирган эди. Андижонликлар уни мулла Сулаймонқул баззоз деб аташарди” [3,194].

Дарҳақиқат, Сулаймонқул ип газлама савдоси билан шуғулланган (шу сабабли исм ортидан баззоз сўзи қўшиб айтилган) ва Андижонда нуфузли савдогарлар қаторида турувчи бойлардан бўлган. Сулаймонқул атрофидаги бошқа бойлардан илм-маърифатга эшлиги, шарқ шеъриятига қизиқиши, илғор фикрли инсон бўлгани туфайли ажралиб турган. Унинг уйи ва дўконида турли газета ва журналлар, маданиятга доир антиқа ашёлар борлиги, Андижон ва бошқа ерлардан унинг дўконига ижодкор дўстларининг келиб тургани, айни учрашувларда у ўзининг шоирлик иқтидорини “намойиш” этгани ҳақида қизи Фоиқа ая маълумот қолдирган. Сулаймонқул шахсиятидаги нурли чизиқлардан яна бири қизлари – Фозила ва Фоиқаларни Асхоба Жамол (маҳалла аҳли уни Надйа деб атаган) тарбиясига бериб дунёвий билимларни эгаллашига рағбат билдирганидир. Давр ва ундаги ижтимоий кайфиятни эътиборга олсак, бу иш ўша замон кишиси учун жасорат талаб қилувчи ҳодиса эди. Сулаймонқул қизларини илмли бўлишига қанчалик ҳаракат қилган бўлса, ёлғиз ўғли Абдулҳамид учун ундан-да кўпроқ сайъ-ҳаракат кўрсатди. Чўлпоннинг етук шахс бўлиб камол топишида отасининг хизмати бениҳоя катта бўлган. Чўлпоннинг иқтидоридан хабардор бўлган ота ўғлини икки жабҳада – ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар эгаси сифатида улғайишини хоҳлаган ва бунинг учун бор куч-ғайратини, маблағини сарфлаган. эътиборлиси, Сулаймонқул ота-боболари ишонган, эътиқод қўйган диний билимлар билан бирга замона талаб қилаётган рус тили ва дунёвий билимларнинг аҳамияти нақадар зарурлигини анча эрта англаган. Демак, Сулаймонқул ўз даврида бўлаётган ижтимоий ўзгаришларни теран ҳис қилган ва ўғлини шунга мос тарзда тарбиялашга ҳаракат қилган.

Қизиқ жиҳати шундаки, унинг ўғли Чўлпон ҳам кейинчалик бир йигитни эскича ва лотин ёзувини билмагани учун Москвадаги ўқишини ташлатиб кичик синфда эски туркий тилни ўрганишга “мажбур” қилгани тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. “… Мен русча ўқиганман, араб ёзувини унча-мунча билсам ҳам, лотин ёзувидан хабарим йўқ эди, ростини айтдим.

- Мен буни билмайман…
- Ийе! Ўзбекнинг боласи бўп туриб арабчани ўқиёлмасанг, чаласавод бўлиб қолибсанку, ука! Бўлмайди мунақаси. Кетасан…

….Сиз бунга ўзбекчани яхшилаб ўргатинг, ука, ҳа, бу сизга русчадан ёрдам беради…[3,215]. Юқоридаги мисолдан ота ва боланинг биринчи навбатда ўз тилини, маданиятини яхши билиш шартлиги, ундан сўнггина ўзга тил ва маданиятни ўрганишга рағбат билдирганини кўрамиз. Ўтган асрнинг 70-йилларида бир қатор чет тиллари, хусусан, рус тилини билган инсон “замонавий”, “маданиятли”, ўз тили ва маданиятини улуғлаганларга эса “қолоқ”, “маданиятсиз” одам сифатида қаралганини бугуннинг зиёлилари куюниб хотирлайдилар. Бир қанча асарларда ўшандай типик образларни ҳам яратадилар. (Мирмуҳсиннинг “Умид” романидаги Жаннатой ўзини Жанна деб аташларини талаб қилади ва ҳар бир гапида инглизча ёдлаб олган сўзларини тўтидек қайтараверади) Демак, ҳар икки ижодкор келажакни анча олдиндан кўра олган, миллатнинг эртаси учун қайғурганлар.

Сулаймонқулнинг ижодий тахаллуси ҳақида гап кетганда, унинг ўз ижодидан кўнгли тўлмагани, шу сабабдан ўзига “Расво” тахаллусини танлагани айтилади. Тахаллуснинг истилоҳий маъноси [форсча- шарманда, бадном бўлган, уятга, иснодга қолган] ножўя хатти-ҳаракати, юриш-туриши билан эл назаридан қолган, ярамас, разил бўлиб, мазкур сўзларда салбий аттенка юқори, аммо ҳамиша ҳам истилоҳий маъно билан зоҳирий маъно бир-бирига тўғри келавермайди. Ижодкор бир томондан ўзи ёзган шеърлардан қониқмаган, бадиий етук асарлар ярата олмаган шоир сифатида ўзига нисбатан киноявий позицияда туриб, шу тахаллусни танлаган. Унинг эл ичида ёмон ишлар қилгани, ёки бадном бўлганлиги ҳақида маълумот учрамагани ҳам фикримизни далиллайди. Аксинча, Сулаймонқулнинг камбағалпарварлиги, инсонларга қўлидан келганча кўмак бергани ҳақида маълумотлар бир талай. Хуллас, Расво тахаллуси ижодкорнинг ўз ижодидан

кўнгли тўлмаганидан, танланган тахаллус шоирнинг шахсиятига эмас, ижод намуналарига бўлган муносабати маҳсули. “У гарчанд ғазал машқ қилиб, ҳатто уларни қўлёзма девон ҳолига келтирган бўлса-да, ўзига ортиқ баҳо бермас, ўзининг гўзал шарқ шеърияти чаманзорига муносиб булбул эмаслигини билар ва эҳтимол, шунинг учун ўзига Расво деган тахаллусни танлаган эди” [3,24.]. Бундан ташқари унинг шахсиятини ўрганар эканмиз, савдогар сифатида эл ичида обрў топган бу одам, ўғлидан фарқли равишда ақл ва мулоҳазаси, кучини кўпроқ савдогарлик илмига, бирни икки қилишга, ҳаракат қилишга сарфлаганига гувоҳ бўламиз (Чўлпон аксинча бутун умри, салоҳиятини маърифатга, адабиётга бағишлайди). Ҳаммага маълумки, ижодкорларнинг кўпи мол-мулк ва обрў ортидан қувмайди, аксинча ночорликда яшасаларда, ижод этишдан тўхтамайди. Сулаймонқул эса кўп вақтини савдо ишларига сарфлаганидан ўз ижод намуналари ўзи кутган қадар намунадагидек яратилмаган ва эҳтимолки, ўз наздида жўн туюлгандир.

Сулаймонқул ҳаётига доир маълумотлар кўп эмас. Аммо уни шахсияти ҳақида Чўлпоннинг отаси бўлганидан ижодига нисбатан маълумотлар салмоқли эканини кузатишимиз мумкин. Сулаймонқул ота сифатида ўғлини ёнида бўлишини истайди. Ўғлининг илғор зиёли сифатида турли давраларда айтган фикрлари ва ёзган мақолалари отани мушкул аҳволга солиб қўйганига тарих гувоҳ. Бир томондан ота сифатида фарзандининг жонига ичи ачиса, иккинчи томондан унинг ўзи ҳам ўғли танқид қилаётган бой, савдогарлар қатламига мансуб, замонавий савдогарлар дунёқараши билан муштарак нуқталари мавжуд ва улар билан ҳисоблашиш заруратини англаган. Чўлпоннинг ўз уйида турмай доимо юрт кезиши, табиийки, отага ёқмаган. Ўғли Андижонга келиши муносабати билан ёзган ҳажвиясида ҳам ўғилга нисбатан араз (эътибор беринггина эмас), киноя юморли тарзда ифода этилганига гувоҳ бўласиз. Профессор Д. Қуронов “Адабий таълимда тарихий-биографик шарҳнинг аҳамияти ҳақида” номли мақоласида Чўлпоннинг отаси билан бўлган муносабати ҳақида қисқача тўхталиб ўтган.

Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

Чўлпоннинг “Қаландар ишқи” шеърidан олинган ушбу парчани шарҳлашда Чўлпоннинг отаси билан бўлган муносабати қарашларидаги қарама-қаршиликлар ҳақида айтилиши зарурлиги уқтирилади: “Чўлпон байтда феврал инқилобига ишониб “ у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку” дея изтироб чекаётгани маълум бўлади. Изтиробнинг асоси шуки, отаси уни бу йўлдан қайтарган…”[2,26]. Профессор Д.Қуронов Чўлпоннинг отаси илғор зиёли сифатида янгиликларни қабул қила оладиган, ҳатто маърифатпарвар сифатида 1914-йилда чиқа бошлаган газета – “ Садойи Фарғона” нинг Андижондаги вакили бўлиб турганига алоҳида урғу бериш кераклигини айтади. Чунки Сулаймонқул замонасидаги кўп оталар каби янгиликни тушунмайдиган жоҳил оталардан эмас, у фақат ўша пайтдаги воқелик ва у келтириб чиқариши мумкин бўлган фалокатларни олдиндан англаган, “1917-йилда ҳаётий тажрибаси бой бўлган Сулаймонқул баззоз, юрт талатўпли даврга кирганини теран ҳис этиб турган…” лигидан ўғлини танлаган йўлидан қайтаришга уринади. “Карашма денгизи” (мустақилликка бўлган ишонч, таъкид бизники) га ошуфта ўғил отани ташвишга қўйиб, норозилантириб бўлса-да, ўз билганидан қолмайди. Яъни миллий руҳда тарбия топган Чўлпон энди отасини норозилантирганига ўкинади, бу ҳолни “у дунёни баҳосиз пулга сотмоқ” деб билади”[2,28]. Яна бир жиҳат Чўлпоннинг “миллий руҳ”да тарбияланганлигига алоҳида урғу берилишида ҳам чуқур маъно яширин. Яъни миллий руҳ биринчи галда исломий дунёқарашга эш. Чўлпон ислом динида отани норизо қилиш катта гуноҳ эканлигини билади ва ўзининг қилган ичидан чин дилидан афсусланади.

Хулоса қилинса, Сулаймон баззоз замонасининг илғор зиёлиси сифатида мунтазам вақтли матбуотдан хабардор бўлиб турган ва ўзи ҳам маърифатпар сифатида газета чиқишига ҳомийлик қилган. Фарзандлари тарбиясига айрича эътибор берган ота туфайли адабиётимизда сўнмас юлдуз – Чўлпон пайдо бўлди. Ота ва ўғил муносабатлари доимо бир хил аҳил ва иноқликда кечмаган бўлса-да (бу ҳақда қаранг. Н.Каримов “Чўлпон” маърифий роман), улар бир-бирига нисбатан ўзаро меҳрни доим ҳис қилиб турган ва бу ҳол ёзган асарларида ҳам сезилиб туради.

Адабиётлар

1. Қуронов Д, Шералиева М, Мамажонов З. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 406 б.
2. Қуронов Д. Талқин имконлари. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – 88 б.

3. Наим Каримов Чўлпон: Маърифий роман. – Т.: “Шарқ”, 2003 – 464 б.
4. Мирмухсин, Умид. Совет адабиёти. – Т.: 1983.

ЭЛБЕК ИЖОДИДА МАСАЛЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Бекзод ИБРАГИМОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти

Ўзбек жадид адабиётидаги шаклий-услубий ўзгаришлар ҳақида гап кетар экан, бу даврда жанрлар кўламининг кенгайгани, шоир ва ёзувчилар дунё адабиёти билан кенгроқ танишиб, ўзлари ҳам дунёга бўйлашишга замин яратганини қайд этиш лозим. Зотан, Абдулла Қодирий илк ўзбек замонавий романчилигига асос солган бўлса, Маҳмудхўжа Беҳбудий драма жанрининг юзага келиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Шу маънода, Элбек XX аср бошларида анчайин сустлашиб, тарихий илдизларидан узилаёзган масал жанрига қўл урди ва уни янгича йўналишда тараққий эттиришга ҳаракат қилди. Абдураҳмон Саъдий таъбири билан айтганда, кейинги давр ўзбек адабиётида “масалчиликни Элбек бошлади. Таржима йўли билан эмас, балки масалчиликни туғдириш йўлини тутди. Ҳали бу йўлда ундан бошқа киши кўринмаган”[1].

Ўз даврининг етук адабиётшуноси саналган Фитрат масал жанри ҳақида воқеалар кўпроқ ҳайвонлар орасида тасвирланиши, ўқувчиларга қандай бўлса-да, бир ибрат бериш тилаги билан ёзилишини айтиб ўтади. “Бизнинг адабиётимизда Навоийнинг форсийдан кўчиргани “Лисон ут-тайр” китоби каттакон бир масал бўлғони каби Гуханий шоирнинг “Зарбулмасал”ида бир масал, замонамизда эса масалчилик йўлида Элбекинг онча хизматлари бўлиб турадир”[2]. Элбекни шундай эътироф этган Фитрат шу асарида унинг “Икки тулки” масалини мисол тариқасида келтиради.

Дарҳақиқат, Элбек масалчилик билан жиддий шуғулланган. Дунё адабиётидаги шу жанрдаги сара асарларни таржима қилган, ўрганган, шу билан бирга, Шарқ фалсафасини, халқ оғзаки ижодини ўзаро уйғунлаштира олган. Элбек 1921, 1923 йилларда чоп эттирган “Армуғон” масаллар тўпламига 18 та масал

[1] Элбек. Танланган асарлар. “Шарқ” нашриёт матбаа концерни таҳририяти. Т. – 1999 й.
[2] Абдурауф Фитрат. “Танланган асарлар”. IV жилд. Т. “Маънавият” 2000: й.

киритилган. Тўпламнинг иккинчи нашри жиддий қайта ишланган ва бадиийлик нуқтаи назаридан анча пишитилган.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Машриқ асарларида халқ оғзаки ижодининг турли мотивлари ўз аксини топади. Ашурали Зоҳирий айтганидек, "...шоир Элбек халқ мулки – оғиз адабиётини халқдан олиш ва халққа қайтадан етказишда эл тилининг тушунарли таъсирларидан фойдаланган, эл болалар адабиётида масалчиликни яратган катта санъаткор"[1] эди.

Элбек масалларни болалар учун ёзган бўлса-да, унда чуқур ижтимоий муаммолар, шоирнинг дард-аламлари яширин рамзлар воситасида ўз аксини топади. Шоир ўзининг "От ила одам", "Қайси бири бўри?", "Сичқонхоннинг қиз узатиши", "Олақарға билан қурбақа", "Икки тулки", "Кампирнинг товуқлари", "Фил ва лайча" каби масал ва эртак-масаллари орқали нозик кулгу ва юмор воситасида замонасининг долзарб муаммоларин очиб бера олган.

Масалан, "Олақарға билан қурбақа" масалида олақарға қўлига тушиб, емакка айланган қурбақанинг ҳийла билан ундан қутулиб қолиши тасвирланган. Яъни қурбақа олақарғани кўкка кўтариб мақтаб, унинг товушининг дунёда тенги йўқлиги ва бир сайраб берса, маза қилиб тингласа, армонсиз кетишини айтиб, қарға сайраётган маҳал қочиб қолади. Шу каби мотивлар ўзбек ва бошқа халқлар эртакларида кўп учрайди. Бу ерда айнан олақарғанинг танланиши сабаби эса унинг овозининг ўта ёқимсизлиги ва ёмонлик хабарчиси эканидадир. Қарға қанчалик хунук ва ёқимсиз бўлмасин, мақтовга учиб, ўзининг овозини тенги йўқ эканига ишонади ва сайрашга тушади. Оқибатда ўлжани қўлдан чиқаради.

Шунингдк, "Сичқонхоннинг қиз узатиши" эртак-масали ҳам халқ оғзаки ижодидан олинган эртак асосида жуда яхши ифода этилган. Масал ритми, қофияси жиҳатидан мукаммал бўлмаса-да, шоир асл мазмун-моҳиятни болалар учун тушунарли тарзда гўзал ифода эта олган. Сичқонхоннинг қизига куёв излаб, дунё кезиб, охири ўз қавмидан муносиб номзод топишида "Тенг тенги билан", "Пешонага ёзилганидан қутулиб бўлмайди" каби нақл ва халқ мақоллари мужассам.

"От ила одам" масалида ҳам эътиборни тортадиган жиҳатлар бисёр. Унда ўз яйловида тоза ўтлардан еб, тиниқ булоқлар сувин ичиб, роҳат-фароғатда, энг муҳими, эркинликда яшаб келаётган от бир куни ногоҳ яйловида бир ҳўкизнинг ўтлаб юрганини кўриб

[1] Элбек. Танланган асарлар. "Шарқ" нашриёт матбаа концерни таҳририяти. Т. – 1999 й.

қолади. Бундан жаҳли чиқиб, уни ҳайдаб юбориш учун одамдан ёрдам сўрайди. Одам эса пиёда узоққа боролмаслигини баҳона қилиб, отни нўхталаб, миниб олади. От мақсадига эришади. Ҳўкиз яйловдан қувилади. Аммо унинг устига чиқиб, жиловини қўлига олган одам отни озод қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Асл вазиятни, одамнинг мақсадини англаб қолган отнинг ёлворишлари бекор кетади:

...Отнинг бундай ялинишларин кўзга илмай,
Унинг шундай ҳолиға ҳеч раҳм қилмай,
Қамчи билан айлантириб тўрт-беш урди:
Ҳўкиз билан бирга қўшиб боғлаб қўйди...[1]

Шоир изоҳда "Бунинг асли халқ эртакларидан олинмишдир", деган бўлса-да, унда ўша замон сиёсий тузуми яққол аксланади. Масал ёзилган вақтда, яъни 1921 йили Чор Россиясининг мустамлака сиёсати мустаҳкамланиб, халқ масалдаги ёрдам сўраб қўлга тушган от каби "қозиққа боғлаган" – эрки ва ҳуқуқларидан маҳрум этилган палла эди. Россия ва Буюк Британиянинг Ўрта Осиё учун кураши ҳаммамизга маълум. Уларнинг ҳеч бири ёрдам қўлини чўзганда самимият билан иттифоқ тузиш учун эмас, ўзига бўйсундириш ва йўриғига юргизиш учун ҳаракат қилган. Шу жумладан, руслар босқини ҳам ўша даврда ҳашпўшланиб, айрим тарихчилар томонидан агар Россия бўлмаганда, Ўрта Осиё Англияга қарам бўлиб қоларди, Росия бизни бошқа бир давлат босқинидан қутқариб қолди, деган қарашлар билан тарихни ўзгача талқин этишга уринилган. Ўшандай қалтис вазиятда Элбек ушбу масали билан халқнинг кўзини очишни, мустамлака сабаби ва оқибатини тушунтиришни мақсад қилган бўлса не ажаб.

Айни шундай мустамлака сиёсатининг аччиқ оқибатлари "Қайси бири бўри?!" масалида янада аниқроқ очиб берилган. Бўрининг қўлига тушган қўй ўзининг ўлишини билиб, ғамга ботиб турганда бир киши шовқин солиб келиб, бўрини қувади ва қўйни ундан халос этади. Бечора қўйнинг қувончи ичига сиғмасдан "сакради, суюнди, шодланди". Аммо...

Ул киши ҳам қўйни уйига келтириб
Пичоқ билан қўйди уни тез сўйиб.

[1] Элбек. Танланган асарлар. "Шарқ" нашриёт матбаа концерни таҳририяти. Т. – 1999 й

Ана, фожиа қаерда? Бир золимнинг қўлидан халос бўлган қўй “халоскори”нинг қўлида ўлим топади. Жони чиқар маҳал типирчилар экан, шундай дейди:

“...Эй киши,
Бўрими ё, айтгил, энди ким ваҳший?
Қутқардинг сен мени бўри илгидан,
Ҳамда қўрқинч шу ўлимнинг ваҳмидан.
Энг сўнг ўзинг бўридан-да ўздирдинг,
Кўрдим, энди чин бўри ҳам сен бўлдинг”[1].

Юқорида айтганимиздек, қаттол мустамлака тузумини оқлаш учун тўқиб чиқарилган турли важ-карсонлар, тарихни бузиб кўрсатишга уринишларга қарши жавоб тарзида битилган бу масал ўз даври учун ғоятда куюниб ёзилган, шу билан бирга, катта юрак билан, юксак жасорат ва исён ўлароқ битилган десак, хато бўлмайди.

Элбек масалларини кузатар эканмиз, нафақат, халқ оғзаки ижоди, Шарқ мумтоз адабиёти, балки рус ва Европа адабиёти таъсири ҳам яққол сезилади. Жумладан, Карел Чапекда қўйлар тилидан айтилган ажойиб масал бор: “Сўйишса сўяверишсин, бўри дахл қилмаса бўлгани.[2] Ёки Криловнинг “Қўйлар ва итлар” масалида қўйларни бўрилардан асраш учун итлар сонини оширишади. Натижада итлар шунчалик кўпайиб кетадики, уларни боқиш учун қўйларни бир-бир сўйишга тўғри келади. Ниҳоят масал сўнгида “Бор-йўғи беш олти қўй қолган эди – Уларни ҳам итлар еб битиришди[3]”, дея якунланади. Ёки Криловнинг “Бўри ва чўпонлар” масалида бир бўри қўтон ёнидан ўтиб кетаётганда чўпонларнинг энг семиз қўчқорни бемалол бўғизлаётганига кўзи тушади ва ўзича шундай дейди:

“Агар бу ишни мен қилганимда –
Кўтарар эдингиз қанчалик шов-шув”[4].

[1] Элбек. Танланган асарлар. “Шарқ” нашриёт матбаа концерни таҳририяти. Т. – 1999 й
[2] https://ziyouz.com/portal-haqida/xarita/jahon-nasri-onlayn-antologiyasi/karel-chapek-1890-1938-chexiya/karel-chapek-masallar
[3] И.А.Крилов. Масаллар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1980 й.
[4] Юқоридаги китоб.

Булардан ташқари, Элбек масалларини яратишда Навоий, Гулханий каби ижодкорлар масалларидан, халқ оғзаки намуналаридан илҳомланади. Буни зукко ўқувчи бир қарашдаёқ илғай олади. Аммо шоирнинг ўз услуби, воқеани ўқувчига содда ва тушунарли, лўнда қилиб етказиши масалларни қизиқарлироқ ва таъсирлироқ қилади. Анъанавий Шарқ масалчилигидан фарқли равишда алоҳида “қиссадан ҳисса” чиқариб, насиҳат қилмайди. Воқеалар якуни орқали масалнинг асосий шарти бўлган “ибрат” келиб чиқади.

Бир сўз билан айтганда, Элбек ижодида масаллар алоҳида ўрин тутиб, уларни кенг тадқиқ этиш, ёш авлодга ўргатиш яхши самара беради. Бу борада алоҳида тадқиқотлар қилиш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА БАДИИЙ АСАР ТАҲЛИЛИ

Гулнора АБДУҲАМИДОВА
Норин тумани 43-умум таълим мактаби
она тили ва адабиёт фани укитувчиси

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида езгу-қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунё қарашини юксалтиришда, она ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга ега бўлган китопбхонлик маданиятини оширишга алоҳида еътибор қаратилмоқда.

Дунёни ўз ақл-у идроки билан забт етган барча буюк аждодларимиз ҳам китоб мутолааси орқали шундай даражаларга еришганлиги сир емас.Биргина Алишер Навоийнинг болалигидан китобга ошнолиги, кичик ёшда улкан асарни ёд олганлиги фикримизнинг исботи, тарихий ҳақиқатдир.Муҳими шуки, аждодларимиз асосан бадиий асарларни, ҳикматларни мутолаа килган, ёд олган.Бугунги ёшларимиз ҳам шунчаки ўқимасдан уқиш,

ёд олиш билан ҳам машғул бўлса дунёқараши кенг, нутқи равон улкан сўз бойлигига ега бўларди.Бадиий асар ўқувчининг ҳаёт йўлини ёритувчи маёқ кабидир . У ҳар қандай кишини буюк ва езгу ишларга қодир қилади . Бу йўлда олдимизда фақат бир масала туради, у ҳам бўлса ўқувчини асар мутолаасига қизиқтириш, сўз сеҳрини англатишдир. Имкон қадар синфда ижодкорнинг берилган асари устида суҳбатлашиш керак. Шу ўринда 10-синф адабиётининг II қисмида берилган буюк адиб Ўткир Ҳошимовнинг «ИККИ ЭШИК ОРАСИ» романидаги боблар, асарнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр билдирамиз.

«Икки ешик ораси» романи 1986-йилда ёзилган бўлиб, Ўткир Ҳошимов адабий меросида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Романда инсонлар тақдири ва инсон умрининг мураккаблиги зўр маҳорат билан тасвирланади. Адиб, биринчи навбатда, тинчликка раҳна солган урушни қоралайди; унинг ғайриинсоний моҳиятига урғу беради. Айниқса, уруш воқелигининг ҳар бир ота-она қалбини жароҳатлагани, кўнгилларига озор етказгани романнинг умуминсоний руҳиятини ташкил этади. Адиб қаламга олган образлари воситасида оддий одамларнинг фазилатлари: мардлиги, матонати, ватанпарварлиги ва сабр-бардошини кўрсатади.

Тажрибали ёзувчи роман ҳодисаларини теран ўргангани учун ҳар бир эпизод ўқувчини ишонтиради; қалбига жиддий таьсир қилади. Асарда тасвирланган ҳаёт манзаралари, инсонлараро муносабатлар, уларнинг диалоглари, шунингдэк. ёзувчининг ўзига хос бадиий услуби жуда табиий ҳамда самимийлиги билан ажралиб туради. «Икки эшик ораси» романидаги Ориф оқсоқол, Ҳусан Дума, Комил табиб каби образлар ўз қиёфаси билан ажралиб туради. Айниқса, Ориф оқсоқол образи романга кўрк бағишлайди. Унинг инсонпарварлиги, одамлар орасида қозонган обрў-эътибори, энг оғир дамларда қийинчиликларни енгиб ўтишга куч топиши билан ўқувчи хотирасига муҳрланади. У донишманд, тажрибали, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган ўзбек қарияларига ўхшаб ҳар бир ишда ташаббускорликни ўз қўлига олади. Ориф оқсоқол ҳақиқатгўйлиги боис, ўзи англаб етган бор ҳақиқатни юзга айтишдан чўчимайди. Ундаги жасорат ва шижоат бошқаларга илҳом беради. У одамларга баҳо берганида халқона таьбир билан «мард одамнинг белида белбоғи бўлиши керак» деган таомилга риоя қилади. Атрофидаги одамларнинг руҳий бутунлигини,

жўмардлиги ва одамийлигини садоқат, ваьдага вафо, эзгу амаллар билан ўлчайди. Баьзан аёлларга ҳам шу ўлчов билан ёндашади.

Романда аёллар образи ҳам зўр маҳорат билан тасвирланган бўлиб, улар орасида Қора амма ўзига хос табиати билан ажралиб туради. Қора амма образининг аксарият сифатлари романнинг «Қора амма ҳикояси» қисмида намоён бўлади. Қора амма меҳрибон, содда, бардошли ва жафокаш аёл. Унинг образида уруш давридаги ўзбек оналарининг сиймоси мужассам топган. У бошига тушган барча кўргиликларни сабр-бардош билан енгиб, ўзида яшашга куч-қудрат топади. Укаси Шомуроднинг хотини Раьно эрига хиёнат қилиб, Умар закунчининг ҳийла-найрангига учади. Укасининг оилавий ташвишлари ҳам Қора амманинг елкасига тушади. Келини Раьнонинг қилмишларидан норизо бўлган Қора амма уни асло кечира олмайди. «Жувонгина олгур, ноинсоф! Боланинг уволи тутгур, имонсиз! Эрингни бировдан кам жойи йўқ эди-ку! Чўлоқ бўлса девор ошиб ўғрилик қилиб бўлмагандир! Тўрт йил қон кечиб келди-ку! Эри урушда ўлган қанчадан-қанча гулдай жувонлар юрибди сабр қилиб. Ақалли болангни ўйласанг бўлмасмиди, имонфуруш!»-Қора амма шу зайлда ёзғиради. Асарда Раьнонинг тақдири бадбахтликка бориб тақалади, у бахтсиз бўлади.

Шундай ўринларда адиб бу дунёнинг кайф-у сафосига учмасдан, ҳар ким ўз қалбига назар солиб, инсоф билан яшамоғи керак деган таьлим-тарбияни бераётгандек туюлади. Қора амма олти фарзандини ерга бериб, биттагина Кимсанини ер-у кўкка ишонмасдан катта қилди. Юртда мудҳиш уруш бошлангач, миқ этмай, эл-юрт ишига камарбаста бўлсин деган ниятда ёлғиз фарзанди - Кимсанини урушга кузатди. Кимсаннинг пешонасига урушда ҳалок бўлиш битилган эди. Бироқ Қора амма ўғлининг урушда ўлганига ишонмади; фарзандининг бир кунмас бир кун ота уйига кириб келишига умид қилиб яшади. Шунинг учун аза ҳам очгани йўқ. Бундай ўринларда она қалбининг нақадар бебаҳолигига тан берамиз. Бағри куйган муштипар она кеча-ю кундуз: «Қаёқдасан, болам? Қайси юртларда юрибсан?! Жонинг соғми ўзи? Майли, оёг-қўлсиз бўлсанг ҳам, биров замбилда кўтариб келсаям, жон дердим! Кафтимда олиб юрардим! Отанг йўлингга термула-термула ўтди, Энди ақалли мени ўз қўлинг билан тупроққа қўйсанг-чи!» - деб ўғлини йўқлайди. Қора аммага тақдирнинг бу кўргуликлари ҳам камлик қилди. Ёлғизгина фарзанди Кимсаннинг севгилиси, ўзининг ўгай қизи Робияни укаси Шомуродга хотин

қилмоқчи бўлади. Бу мақсадни амалга ошириш унга қанчалар қийин кечади, унинг ички ҳис-туйғулари, руҳий ҳолати ҳар қандай инсонни ларзага солади.

Романдаги Робия тимсоли ҳам муҳим ўринга эга. Унга ҳам тақдир кулиб боқмади. Ёшлигидан онасидан етим қолган Робия отаси тарбиясида улғаяди. Онасининг ўлимидан сўнг улар Самарқанддан Тошкентга, Нўғай қишлоққа кўчиб келиб, Ҳусанбой исмли кишининг ҳовлисида яшай бошлайди. Отаси ўқитувчи бўлгани учун қишлоқ болаларини ўқитади. Робия Ҳусанбой Думани бобо, унинг хотини Қора аммани ойи, уларнинг ўғли Кимсанни ака, Қора амманинг укаси Шомуродни ада деб катта бўлди. Робия софдил, меҳнаткаш қиз бўлиб улғаяди. У Кимсанга кўнгил қўйди. Кимсан ва Робиянинг севгиси бир гули очилмай сўлди. Юртда уруш бошлангач, урушга кетган севгилиси қайтмади. Робия уни йиллар давомида кутди. Уруш тугаганига бир неча йил бўлса-да, уни садоқат билан кутишдан чарчамади. Қора амма, яъни ойиси унга совчи бўлиб, укаси Шомуродга сўраганида, Робия ақл-у ҳушидан айрилди: «Нима деётганини ўзи биладими ойим? Ахир... Кимсан акам менинг қайлиғим бўлса, ойимнинг ўғли-ку! Кимсан акам ҳаммадан кўра ойимга яқин-ку. Нима жин урди?» Бечора Робия тақдирнинг аччиқ қисматига иложсиз кўнади.

Ушбу асарни ўқир эканмиз, бешафқат урушнинг аламли изтироблари ва оқибатлари кейинги авлодга ҳам ўз таьсирини ўтказмай қолмаганлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, Раьнонинг мудҳиш хатоси туфайли фарзанди Музаффар ҳамда унинг севгилиси Мунавварларнинг пок муҳаббати аянчли якун топади. Шу сабабли ҳам романни ҳам алам, ҳам изтироб билан ўқиймиз.

Инсонларнинг мураккаб тақдирини маромига етказиб тасвирлаган ушбу роман катта тарбиявий аҳамиятга эга. Романда инсонпарварликнинг энг олий жиҳатлари айниқса, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, юртга ва ёрга садоқат, ростгўйлик, адолатпарварлик фазилатларини кўрган бўлсак, тубанлик, хиёнат, ноинсофлик, кибр, амалпарастлик, зулмкорлик каби инсониятни нафратлантирувчи ҳолатларни ҳам учратишимиз мумкин. Асардаги юксак фазилатли инсонлар тимсоли орқали ёшлар онгига ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, одамийлик каби хислатларни сингдириш мумкин. Айниқса, асарнинг сўнгги бобларида келтирилган Ориф Оқсоқол ҳамда

Музаффарнинг ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ҳар қандай инсонни сергаклантиради. Ориф Оқсоқол Музаффарга қуйидаги гапларни гапиради: «Болам, одамзод юз йил умр кўрадими, минг йилми, барибир ўлгиси келмайди. Минг йил яшаган бир саҳоба «Эсиз-эсиз, у эшикдан кирдим-у бу эшикдан чиқиб кетяпман» деган экан. Шунақа, болам... Ҳеч ким ўлишни ўйламайди. Аммо Худо одамзодга умрни ўлчаб беради. Шунақаликка шунақа-ку, одамнинг умри неча йил яшагани билан саналмайди… Бир хил одамлар бор: у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетаётганда қўлидан келганча савобли иш қилади. Ҳаёт деган иморатга ақалли битта ғишт қўйиб кетади. Яна бир ҳиллари бор: ўша иморатдан ақалли битта ғиштни ўғирлаб кетгиси келади. Ўғирлаб-ку ҳеч қаёққа боролмайди, нариги эшикка борганда бари бир ташлаб кетади. Икки орада иморатни бузгани қолади…»

Ориф Оқсоқолнинг ушбу фикрлари орқали инсон бу икки эшик орасидаги ҲАЁТ деб аталмиш йўлни фақат яхши ном билан босиб ўтиши кераклигини, ўзгаларнинг бахтсизлигига ёки азобланишига сабабчи бўлмаслик керак эканлигини англаймиз…

Ушбу романни юқори синфларга ўтиш жараёнида асардаги воқеаларнинг реал ҳаёт билан боғлиқлиги, юрт бошига оғир мусибат тушганда халқимизнинг кўрсатган жасорати ва матонати, бардоши қайдаражада акс эттирилганлигини тушунтириш ҳамда романдан кичик бир парчани саҳна кўриниши сифатида ўқувчилар томонидан ижро эттириш ҳам асар мазмун-моҳиятини тўлиқроқ англаб етишга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Бокижон Тухлиев, Баходир Каримов , Комила Усмонова
2. 10-синф АДАБИЁТ дарслиги 2-кисм Тошкент-2017 "Ўзбекистон миллий энсиклопедияси" нашриёти [142-145 бетлар]
3. Ўткир Ҳошимов “Икки эшик ораси “ романи
4. (VII кисм 47-боб 570-бет) 2018 "Шарқ" нашриёти
5. Ғофир Ҳамроев, Наргиза Палванова “Адабий ўқиш ёки мутолаа завқи” (3-4- бетлар) 2018 Тошкент "Баёз" нашриёти.

MA’NAVIY JASORAT TIMSOLI
(Zulfiya she’riyatiga bir nazar)

Salimaxon QODIROVA,
Yangiqo‘rg‘on tumani, 1-sonli umumiy o’rta ta’lim
Maktabi oliy toifali ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi

Milliy adabiyotimiz tarixida lirik turdagi asarlar salmoq jihatidan ham, sifat jihatidan ham katta o‘rin tutadi.

Lirik turdagi asarlar uchun asosiy narsa tuyg‘u va hissiyotga yo‘g‘rilgan hayot ifodasidir. Lirikada voqea tasviri emas, ruhiy holat tasviri, ifodasi, tuyg‘ular samimiyati muhimdir.

Shoira Zulfiya ijodiga nazar tashlar ekanmiz, nozik ichki bir she’riy ishoralarga, betakror ifodalarga, boy sof tuyg‘ular tarannumiga guvoh bo‘lamiz. Shoira she’rlari harorat bilan bitilgan ehtirosli, hayotbaxsh she’rlardir. She’rlar qaysi mavzuda bo‘lmasin, barchasida hayotga muhabbat, samimiy ehtiros, o‘quvchida yorug‘ kayfiyat paydo etish istagi hukmrondir.

Umr – inson uchun berilgan noyob ne’mat. Uning har bir daqiqasining qadriga yetib yashash hammaning ham qo‘lidan kelavermaydi. Shoira butun hayoti davomida juda ko‘p voqealarga guvoh bo‘ldi, ko‘p yurtlarni kezdi. Jahongashta ijodkor, davlat va jamoat arbobi, mehribon ona bo‘lib, o‘zining 80 yildan ortiq umrini mazmunli, foydali o‘tkazdi.

“Men o‘tgan umrga…” deb nomlanuvchi she’rida shoira shonli, sharafli hayot yo‘lini sarhisob qiladi. Butun kechinmalarini ko‘z oldiga keltirib, hayot yo‘lini satrlarga ko‘chiradi:

Hayot kitobimni bexos varaqlab,
Men o‘tganumga achinmay qo‘ydim,

Tabassum o‘rnida kuldim charaqlab,
Suyish kerak bo‘lsa – telbacha suydim.

Shoira hayotiga nazar tashlar ekanmiz, XX asr sho‘rolar tuzumining ta’siri, qiyinchiligi murakkabligini ko‘ramiz:

... Hech kimda ko‘rmayin umrimga o‘xshash:
Suydim,
Erkaladim,
Ayrildim,
Kuydim…

Bilamizki, Zulfiya Hamid Olimjon bilan oz bo‘lsa-da, mazmunli hayot kechirdi. Suydi, sevdi, sevildi. Hayotning bebaho in’omida erkalanib, huzurlanib yashadi. Ammo O‘zbek ziyolilarining qatag‘on qilish siyosati avj olgan 37-yillarda shoiraning akalari ham qamoqqa olindi. H.Olimjon qoralandi. Mashina halokati tufayli 35 yoshida vafot etdi. Yolg’iz ikki farzand tarbiyasi, ijod mas’uliyati, hijron azobi, turmush tashvishlari shoiraning matonat va sadoqat bilan umr kechirishiga to‘sqinlik qilolmadi. Irodasi bukilmay, qat’iy ishonch bilan mehnat qildi. Nafaqat o‘zbek, balki Sharq ayollarining mo‘jizaviy timsoliga aylandi. Samimiy satrlarida hayotdan mamnunlik, iftixor tuyg‘usi o‘rin oldi.

Izzatnimabildim.
Shu-da biryashash!

-deya shukronalik bildiradi shoira.

Yurak boyligini har narsadan ustun qo‘ygan shoira o‘tkinchi va moddiy boyliklarga aslo parvo qilmadi. Odamiylikni, ezgu tuyg‘ularni, ma’naviy boyliklarni ulug‘ladi:

Kiyganim ipakmi, chitmi, yo kimxob,
Yurak boyligidan qilmabman parvo.

Darhaqiqat, she’riyat butun mohiyati bilan bedorlikka da’vat. Asil ijodkor qalbida hayot, inson, ezgulik, adolat haqidagi aniq haqiqatlar aks etadi. Unda buyuk yolg‘on va aldovlar pardasidan ozod buyuk g‘oya va maqsadlar aks etadi. Bu fikrlar bevosita Zulfiya va uning she’riyatiga ham tegishli.

Mamlakatimizning birinchi Prezidenti ta’biri bilan aytganda: “Shoira nafaqat she’rlari bilan, balki butun hayoti bilan o‘zbek ayolining ma’naviy qiyofasini namoyon eta olgan atoqli, fidoyi inson bo‘lib… ma’naviy jasorat ” ko‘rsatdi.

Adabiyotlar

1. Q.Yo'ldoshev. O'qituvchi kitobi. T., "O'qituvchi" nashriyoti, 1997-yil, 148-bet
2. Q.Yo'ldoshev. Adabiyot o'qitishning ilmiy nazariy asoslari.T,. "O'qituvchi" nashriyoti, 1996- yil, 45-bet
3. 6-sinf adabiyot darsligi. "Ma'naviyat" Cho'lpon nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2013-yil, 87-bet

ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATINING O'ZIGA XOSLIGI VA BUGUNGI O'ZBEK ADABIYOTIDAGI O'RNI

Nazokat TURG'UNOVA
Norin tumani17-umumiy o'rta ta'lim maktabi oliy toifali ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

O'zbek adabiyoti xazinasini o'zining betakror ijodi bilan boyitgan she'riyatimiz yorqin namoyandalaridan biri O'zbekiston xalq shoiri, O'zbekiston qahramoni Erkin Vohidovdir. Erkin Vohidov she'riyati haqida so'z borganda, uning xilma-xil, rang-barangliligiga guvoh bo'lamiz.

Shoir qaysi mavzuda qalam tebratmasin, uning she'rlari adabiyot muxlislari tomonidan zo'r qiziqish bilan kutib olinib, ularning ma'naviyatini boyitishga hissa qo'shib kelmoqda. Erkin Vohidov ijodida muhabbat, Vatan, do'stlik, mehr-oqibat, insoniylik kabi mavzular alohida ajralib turadi.

Zamonaviy o'zbek milliy adabiyotining yorqin yulduzlaridan biri Erkin Vohidov ijodida g'azal, qasida, muxammas kabi janrlar shakllanib boradi. U mumtoz adabiyotning bu sohadagi tajribalarini boyitish, mukammallashtirishga intiladi. Erkin Vohidov badiiy mahorati o'sib, kamol topgan, chuqur falsafiy umumlashmalar darajasiga ko'tarilgan ijodkordir. U O'zbekiston xalq shoiri, O'zbekiston Qahramoni edi. Zamonaviy o'zbek milliy adabiyotining yorqin yulduzlaridan biri Erkin Vohidov 1936-yilning 28-dekabr sanasida Farg'ona viloyati Oltiariq tumanida o'qituvchi oilasida tug'ilgan. Otasi Cho'yanboy Vohidov urush so'ngida frontdan Toshkentga qaytib kelib, shu yerda vafot etgan. So'ng onasi Roziyaxon Vohidova (Sohiboyeva) ham vafot etadi. Bo'lg'usi shoir esa tog'asi Karimboy Sohiboyev tarbiyasida bo'ladi. Erkin Vohidov o'rta ma'lumotni Toshkentda oladi. 1960 yilda Toshkent Davlat universitetining filologiya fakultetini tugatib, avval sobiq "Yosh gvardiya", so'ng G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyotida muharrir, bosh muharrir va rahbar ham bo'lib ishlaydi. «Yoshlik» jurnaliga muharrirlik qiladi. U mustaqillik yillarida O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining xalqaro aloqalar va munosabatlar qo'mitasi rahbari sifatida Respublika ijtimoiy hayotida faol ishtirok etadi, O'zbekiston Senati a'zosi sifatida ham faoliyat yuritgan.

Uning birinchi she'ri o'n to'rt yoshida, 7-sinfda o‘qib yurgan kezlarida chop etilgan. U o'n olti yoshga kirganda «Manzara» nomli she'ri bosildi. Unda tabiat go‘zalligi samimiy tasvir etilgan bo‘lsa, ko‘p o‘tmay, u do‘stlariga qarata:

Istaymanki, hurramlik bo‘lsin,
Sho‘x qahqaha bog‘lasin qanot.
Kuy shalola yanglig‘ quyilsin,
Qo‘shiq bo‘lib tuyulsin hayot, -

deb, ijodning katta karvoniga o‘zining yaxshi niyati, katta umidi, pokiza qalbi bilan kirib keldi.

Shoirning «Tong nafasi» (1961), «Qo‘shig‘im sizga» (1962), «Aql va yurak» (1963), «Mening yulduzim» (1964) kabi to‘plamlariga kirgan ko‘pchilik she'rlarida uning badiiy tafakkurida ham, poetik uslubida ham o‘sish, ulg‘ayish sezila boshlaydi. Endi shoir oddiy hayotiy tasavvurlardan ancha chuqur fikrlash sari ko‘tariladi. Ayniqsa, «Fursat - oltin», «Inson» kabi she'rlarida shoirning hayot haqidagi tasavvuri yana ham chuqurlashadi. U inson haqida madhiya o‘qib: «Yerni go‘zal qilgani sayin, Go‘zal bo‘lar o‘zi ham inson», degan xulosaga keladi. Mehnatni, go‘zallikni, ezgulikni ulug‘laydi. Xuddi shu davrda shoir ijodida yana bir muhim intilish paydo bo‘la boshlaydi. U endi mumtoz adabiyotimiz an'analaridan oziq izlab topadi. Uning «G‘uncha», «Azganush», «Fuzuliy haykali yonida» kabi she'rlari bu boradagi dastlabki dadil izlanishlari edi. Binobarin, shoir ijodida janr va uslub rang-barangligi qatori mavzular doirasi ham kengayadi. «Chirchiq», «Do‘stim», «Olimlarning rafiqalariga» kabi she'rlarida shu holat ko‘zga yaqqol tashlanadi. Erkin Vohidov ijodida g‘azal, qasida, muxammas kabi janrlar shakllanib boradi. U mumtoz adabiyotning bu sohadagi tajribalarini boyitish,mukammallashtirishga intiladi. Ayniqsa, «Yoshlik» (1969) devoniga kirgan she'rlar bu jihatdan e'tiborlidir.

Shoir xuddi shu davrdan boshlab dunyo kezdi, dunyoni ko‘rdi, dunyoni tanidi. Ana shu taassurotlari asosida «Tirik sayyoralar» (1978), «Sharqiy qirg‘oq» (1981) kabi yangi she'riy to‘plamlarini tashkil etgan she'rlarini yaratdi. Inson taqdiri, uning baxti va kelajagi shoir ijodining mavzuiga aylanadi. Uning «Kelajakka maktub» (1983), «Yaxshidir achchiq haqiqat» (1992) to‘plamlariga kirgan she'rlarida buyuk, pokiza, haqgo‘y va bedor insonni kamol toptirish g‘oyasi yetakchilik qiladi. Xuddi shu o‘rinda faylasuf shoirning kelajak haqidagi bashorati o‘zining

yorqin ifodasini topgan satrlarini chetlabo‘tolmaymiz. Uning «Vatan istagi», «Devona haqgo‘y», «Iztirob» kabi she'rlari bu jihatdan alohida ahamiyatli. Shoir «Vatan istagi» she'rida sobiq sho'ro mavjudligidayoq:

Bu vatandan bir Vatan qurmoqni istaydir ko‘ngil,
O‘zni ozod qush kabi ko‘rmoqni istaydir ko‘ngil, -

deya bo‘lg‘usi mustaqil Vatan – O‘zbekistonni ko‘rishni istadi. Shoirning «Buyuk hayot tongi» (1960), «Orzu chashmasi» (1964), «Nido» (1964), «Palatkada yozilgan doston» (1966), «Quyosh maskani» (1972), «Ruhlar isyoni» (1980), «Ko‘hinur» (1982) kabi liro-epik asarlari, qolaversa, «Oltin devor» va «Istambul fojiasi» kabi she'riy dramalari katta ijodiy mehnatining samaralaridir. Ana shunday samarali ijodi Erkin Vohidovga el-yurt e'zozini olib keldi. U tavalludining 60 yilligi munosabati bilan «Buyuk xizmatlari uchun» (1996) ordeni bilan taqdirlandi.Shoirning to‘rt jildlik «Saylanma asarlar»i nashrdan chiqdi.

Shoir lirikasida Vatan, O'zbekiston mavzulari boshqa ijodkorlarnikiga o'xshamagan tarzda bayon etilgan. "O'zbegim" qasidasi yozilgan paytda esa mustaqillik degan so'z haqida gap bo'lishi ham mumkin emas edi. Lekin shoir o'sha davrdayoq, o'zbegimning kim ekanligini, O'zbekistonnning qanday diyorligini barchaga namoyon eta oldi.

Menga Pushkin bir jahon-u
Menga Bayron bir jahon,
Lek Navoiydek bobom bor,
Ko'ksim osmon o'zbegim.

Qayga bormay boshida do'ppim,
G'oz yurarman, gerdayib,
Olam uzra dong'i ketgan,
O'zbekiston o'zbegim.

[Erkin Vohidov "O'zbegim", 27-bet].

Shoir yuqoridagi misralari da buyuk bobokalonomiz Mir Alisher Navoiy bilan qanchalik faxrlanmoqda, hatto o'sha paytlarda eskilik sarqitiga ham chiqarilgan milliy bosh kiyimimiz-do'ppimizni ham ulug'lab, ko'klarlarga ko'tarmoqda. O'zbekistonning janatmakonligi,

yurti rivojiga hissa qo'shgan adiblar-u shoirlar, buyuk ajdodlarimizning hech biri shoir nazaridan chetda qolgan emas.

Do'st haqida qadimgi xalq og'zaki ijodi namunasi bo'lgan ertaklar, maqol-u matallarda ham ko'p gapirilgan. Lekin shoirning "Do'st bilan obod uying" she'ri esa do’stlik haqidagi madhiyaga aylanib ketgan desam mubolag'a bo'lmaydi. Erkin Vohidovning talabalik paytidagi eng yaqin do'stlaridan biri Abdurahmon Nazarov (Olloh rahmatiga olgan bo'lsin) men istiqomat qilayotgan Namangan viloyati Norin tumanidan. Abdurahmon Nazarovning eng suyuki jiyani Salohiddin Yo'ldoshevdan eshitganlarimni qog'ozga tushirmoqchiman. U tog'asi va Erkin Vohidovning juda qalin do'st bo'lganligini, kunlarning birida kursdosh do'stlari yig'ilib bir badavlat o'rtog'ining uyiga boribdilar. Uning oilasidagilar kursdosh do'stlarni yaxshi kutib olmabdi. Shundan so'ng ular Noringa, Abdurahmon Nazarovning uyiga kelibdilar tunda. Abdurahmon Nazarov oddiygina hovlida onasi bilan yashar ekan. Uning onasi kursdosh do'stlarni ko'rib boshi ko'kka yetib, shunday mehmon qilibdiki, barcha do'stlari rosa xursand bo'libdilar. Shunda Erkin Vohidovning o'sha mashhur "Do'st bilan obod uying" she'ri bitilgan ekan. She'r misralariga e'tibor berib, do'st so'zining asl mohiyatiga tushunib yetamiz:

Do'st bilan obod uying,
Gar bo'lsa u vayrona ham,
Do'st qadam qo'ymas esa,
Vayronadir koshona ham.

[Erkin Vohidov "Saylanma", 48-bet]

Shoir "Inson" qasidasi orqali insonga haqiqiy haykal qo'ydi:

Sobit-u sayyorada
Inson o'zing, inson o'zing.
Mulki olam ichra bir
Xoqon o'zing, sulton o'zing.

Sobit o'z ma'nosida,
Sayyor fazo dunyo sida,

Keng jahon sahrosida
Karvon o'zing, sarbon o'zing.

Erkin Vohidov "Saylanma", 78-bet]

Olloh tomonidan inson bo'lib yaratilganligimizning o'zi bir baxt. Har bir sohada, har bir ko'z ilg'amas narsalarda ham, jangda ham, fazoda ham, ezguliklar to'rida, hatto yovuzliklar ichida ham kim? Albatta, inson.

Erkin Vohidov ijodiyoti haqida so'z borganda uning "Kamtarlik haqida" she'rini eslamay ilojimiz yo'q. Xalqimizda "Kamtarga kamol" degan purhikmat maqol bor. Bu she'rni yosh-u qari qalbiga jo etgan va yod bo'lib ketgan. Bugungi kundagi ba'zi bir sal mansab cho'qqisiga minishi bilanoq o'zini tuta olmay qolgan kalondimog' insonlar uchun ham bu she'r ajoyib manba bo'la oladi:

Garchi shuncha mag'rur tursa ham,
Piyolaga egilar choynak.
Shunday ekan, manmanlik nechun
Kibr-u havo nimaga kerak?

Kamtarin bo'l, hatto bir qadam,
O'tma g'urur ostonasidan,
Piyolani inson shuning-chun,
O'par doim peshonasidan.

[Erkin Vohidov "Saylanma", 97-bet].

Shoir shoir emaski, u muhabbat haqida kuylamasa. Erkin Vohidovning xalqning qon-qoniga singib ketgan shunday misralari borki, uni yod olmagan oshiq, tinglamagan ma'shuqa bo'lmasa kerak. "Rashkim", "Barcha shodlik senga bo'lsin", "Kimni etmas bu ko'ngil shaydo", "Sevgi shunday navbahorki", "Senga baxtdan taxt tilayman" kabi she'rlari muhabbat haqida yozilgan she'rlarning gultojisidir.

Sevgi shunday navbahorki,
U tikandin gul qilur.
Toshga jon-u til bag'ishlab,
Zog'ni ham bulbul qilur.

[Erkin Vohidov "Kuy avjida uzilmasin tor", 54-bet].

Sevgini bunday shoirona tarzda talqin etish har qanday ijodkorga ham xos emas. Bunday o'tli misralarini esa sof muhabbat dardiga chalingan haqiqiy oshiq yoza oladi. Demak, Erkin Vohidov – sof muhabbat sohibi.

Sevgi bormi, albatta, uning yonida rashk degani ham bo'ladi. Rashkni shoir shunday ta'riflab yozadiki, ma'shuqalar beixtiyor meni ham yorim shunday rashk qilsa edi deb yuboradi:

Seni yotlar tugul hatto-
Qilurman rashk o'zimdan ham,
Uzoqroq termulib qolsam,
Bo'lurman g'ash ko'zimdan ham.

[Erkin Vohidov "Kuy avjida uzilmasin tor", 80-bet].

Shoir yorni o'zidan, hatto uzoq termulsa, ko'zidan ham qizg'onyapti. Lekin samimiy, xudbinlacha emas. O'zining xudbinligi tufayli yoriga azob beruvchi "rashkchi" lar asl rashkni shoirimizdan o'rgansa arziydi.

Yaqinda bir qo'shiq qulog'imga chalindi va qo'shilib ayta boshladim. Bu Erkin Vohidovning "Kimni etmas bu ko'ngil shaydo" she'riga kuylangan qo'shiq edi. Ijrochisi-Jasur Mavlonov. To'g'risi, quvondim. Shunday ma'noli qo'shiq o'zbek estradasida paydo bo'lganligiga.

Erkin Vohidov ijodiyoti, uning boy xaziinasi barcha adabiyot shinavandalaring qalb mulkiga aylanib ulgurgan. Yosh avlodni ma' naviy yetuk va barkamol qilib tarbiyalashda shoirning o'lmas merosi biz ustozlar uchun juda qimmatli manba bo'lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar

1.Erkin Vohidov. O'zbegim. Toshkent. "Yangi asr avlodi". 2017.
2.Dilnavoz Yusupova. Adabiyot. Universal qo'llanma. "Akademnashr". Toshkent, 2014.
3.Boqijon To'xliyev, Bahodirov Karimov, Komila Usmonova. Adabiyot. 11-sinf. Toshkent. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi". 2018.

SAIDA ZUNNUNOVA ASARLARIDA INSONPARVARLIK G'OYALARI IFODASI

Fotima HAKIMOVA
To'raqo'rg'on tumanidagi 13-umumiy o'rta ta'lim maktabi ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Nodira, Uvaysiy, Zulfiyaxonimlar izdoshi bo'lgan,o'tgan asr o'rtalarida o'zining samimiy she'rlari, mazmunli hikoya va qissalari, betakror dostonlari bilan adabiy jamoatchilik nazariga tushgan, o'z asarlari orqali kitobxonlarga samimiy, sodda va shu bilan birga yuksak insoniy tuyg'u hamda tushunchalarni ulasha olgan ko'plab ijodkorlardan biri, shubhasiz, Saida Zunnunovadir.

Ijodkorning hikoya va dostonlarini o'qir ekansiz, ularning qahramonlari oddiy, mehnatkash, hech qanday buyuklikka da'vo qilmagan, daho yoki shon-shuhrat egalari emasligiga guvoh bo'lasiz. Lekin ana shu soddalik ortida qanchalik dilga yaqinlik va kuch-quvvat borligini sezish qiyin emas. Adibaning asarlarida tilga olingan mavzular hozirgi kunda ham o'z dolzarblik darajasini yo'qotmaganligini o'sib kelayotgan yosh avlodga tushuntirish o'ta muhim. Aslida haqiqiy iste'dod egasi bo'lgan ijodkor asarlariga zamon va makon hech qachon o'z ta'sirini o'tkaza olmaydi. Bunday asarlar vaqtlar o'tsa ham o'z dolzarbligini yo'qotmaydi, bu esa o'z navbatida, yozuvchining yuksak iste'dodidan darak beradi.

Saida Zunnunovaning ilk she'ri – "Salom senga" 1945-yilda e'lon qilingan. Shundan so'ng bir qator she'rlari gazeta va jurnallar sahifalarida chop etila boshladi. Uning birinchi she'riy to'plami talabalik yillari nashr etilgan. "Saidaning birinchi kitobini o'qib, "Qizingiz yozdi" deb nom qo'yib berganman, – deb yozgan edi akademik shoir G'afur G'ulom. – Xalqimizning Saidaga qilgan yaxshi niyati bekor ketmadi. U xotin-qizlarga xos nazokat, iforli, tatimli lirikasi bilan dillarimizni erkalab, hordiqlarimizni yozib, mehnatga rag'batlarimizni toblantiradigan, idrokimizni go'zalliklar tomon yetaklaydigan fahmli shoiramiz bo'lib yetishdi". [1]

Ustozlar ishonchini oqlagan shoiraning birin-ketin "Yangi she'rlar", "Gullar vodiysi", "Qizlarjon", "She'rlar", "Bir yil o'ylari", "Nilufar" she'riy to'plamlari bosmadan chiqqan. Shoira go'zal lirik she'rlar bilan bir qatorda "Sodiq va Anor", "Xayrixon", "Surat bilan

[1] Yo`ldoshev Q., Qosimov B, Qodirov V, Yo`ldoshbekov J
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. 7- sinf uchun darslik majmua

suhbat”, ”Qo’shnilarim” singari dostonlar ham yaratgan. Ijodkor bu she’riy asarlarida o’zining inson ruhiy dunyosining nozik qirralari, tuyg’u va kechinmalari, dard-u hasrat va orzu-armonlarini mahorat bilan ifodalay oluvchi shoira sifatida shakllanganini namoyish etadi.

Ijodkorning “Qo’llar”, “Surat bilan suhbat” asarlarida turmush o’rtog’ining vafotidan so’ng ham unga bo’lgan yuksak sadoqati va hurmatini saqlagan fidoyi, oliyjanob fazilatlar egasi bo’lgan ayollarning his-tuyg’ulari juda ta’sirli lavhalarda aks ettirilgan. Saida Zunnunova “Surat bilan suhbat” she’riy asarida inson ruhiy dunyosining nozik qirralari, tuyg’u va kechinmalari, u hasrat va orzu-armonlarini mahorat bilan ifodalay oluvchi shoira sifatida shakllanganini namoyish etadi. “Surat bilan suhbat” dostoni shoira ijodida alohida mavqega ega. Bu asari bilan shoira iymoni butun onalarga, ayollarga madhiya bitadi. Dostonda onaning urush tufayli ota mehridan benasib bo’lgan, ne mashaqqatlar bilan o’stirgan o’g’lining nikoh kechasidan keying iztirobli o’y-xotiralari tasvirlanadi. Onaning qalbida ikki qarama-qarshi kechinma-farzandining kamolga yetgani, to’yini ko’rganidan quvonch, shukronalik hamda shu kunlarga yetolmaganlar haqidagi g’am-anduhli xotiralar kurashadi.

Farzandini yolg’iz o’zi o’stirib, barcha qiyinchiliklarga bardosh bergan bunday ayollar siymosini yoshlar ongida hurmat bilan saqlanishi juda katta ahamiyatga ega hodisa sanaladi. Bunday qahramonlar hozirgi zamon kitobxonini qiyinchiliklar oldida esankiramaslikka o’rgatishi, shubhasiz. Men ijodkorning bir nechta hikoyalaridagi qalamga olingan mavzularning bugungi kundagi tarbiyaviy ahamiyati xususida so’z yuritmoqchiman.

Adibaning “Yolg’izlik” hikoyasini o’qir ekansiz, inson kim bo’lishidan qat’i nazar, buyuk kashfiyotchi olimmi, davlat arbobi yoxud amaldormi, baribir o’z oilasiga sadoqatli bo’lishi, oiladagi o’z burchi va vazifasini zinhor unutmasligi haqida kitobxonni ogohlantiradi.

Saida Zunnunova qalamiga mansub ”Buvi” hikoyasi, ayniqsa, hozirgi kunda chet tillarini o’rganishga mukkasidan ketgan, lekin o’z ona tilisini unutayozgan, ota-onasini faqat ta’minotchi, boquvchi sifatidagina biladigan, ularning oldidagi farzandlik burchi va hurmatini unutgan yoshlarni qattiq ogohlikka chorlashi muqarrar. Hikoyadagi Umriniso buvining nabirasiga bergan dashnomlari juda katta tarbiyaviy ahamiyatga ega:

“– Dadangning topib kelgan nonini yeysan, olib kelgan ko’ylagini kiyasan. Lekin qanday qilib bu pullarni topdi, uning senga qizig’i yo’q.

Shundaymi? Dadangning yozgan narsasini hatto tushunmaysan, ammo puli yaxshi. Uyalmaysanmi,bolam?

– Voy, buvijon, umuman tushunaman, lekin qiyin.

– O'nta tilni bilsang mayli, bilaver. Lekin seni boqayotgan tilni bilmasang, odammisan sen?..Bolalaring bo'lsa, o'zing bilmagan tilni ularga qanday o'rgatasan? Maktabidan o'zbek tilidan ikki olib keladimi?" [1]

Adibaning "Ikki o't orasida", "O'kinch" hikoyalarida, oilaviy turmushga yengillik, mas'uliyatsizlik bilan qarab, turmushi buzilgan qahramonlarning pushaymonlik o'tida qovrilishi, eng iztiroblisi esa farzandlarning ikki o't orasida qolib, qiynalishi dilni o'rtovchi tasvirlar asosida yoritilgan. Bu hikoyalarni o'qigan kitobxonning qalbida oilaga sadoqat, turmush qiyinchiliklariga bardoshli bo'lish, farzandlar taqdiriga befarq bo'lmaslik kabi tuyg'ular, shubhasiz kuchayadi. "Ikki o't orasida" hikoyasi qahramoni Vaziraning ko'nglidan o'tgan fikrlar barcha insonlarga kuchli ta'sir qilishi aniq:

"…Vazira entikdi, ko'z yoshlari yuziga tushdi. Uning yuragi unsiz xitob qilardi:

– Bag'ri butunligi uchun, denglar, odamlar! Farzandga ota-ona bag'ridek keng, tinch joy bo'lmaydi. Agar uni kemtik qilib qo'ysanglar, ostonasini tillo qilib bersanglar ham tatimaydi. Bu kemtikni to'ldirolmaysizlar. Bolalaringizga bag'ri butunlikni tilanglar, odamlar!"[2]

Ijodkor o'zbek xotin-qizlari hayotini o'rganish,ular turmushidagi mashaqqatli jihatlar va murakkabliklarga jamoatchilik e'tiborini jalb etish niyatida oila va muhabbat mavzusida bir qancha hikoya va qissalar yozgan. Uning "Gulxan", "Gulbahor", "Povest va hikoyalar", "Do'stlik", "Qanot", "Olov", "Ko'chalar charog'on", "Bo'ylaringdan o'rgilay" singari kitoblari xalqimizning ma'naviy mulkiga aylangan.

Saida Zunnunovaning hayot yo'llaridan boxabar o'quvchi, uning turli qiyinchilik va sinovlarni mardonavor yengib o'tganligining guvohi bo'ladi. Saida Zunnunova sevimli adibimiz Said Ahmadning turmush o'rtog'idir. Said Ahmadning boshiga og'ir kunlar tushib-tuhmat bilan "xalq dushmani" sifatida qamalganda, Saida opa uning hayotga, ijodga qaytishiga madad bo'lgan. O'zining boshiga tushgan og'ir sinovlarga ham bardosh berdi. Undan "ering xalq dushmani, undan voz kech", deb talab qildilar. Bunga rozi bo'lmagan ayolni do'q-po'pisa bilan qo'rqitishga urindilar. Ta'qib etdilar, tazyiq o'tkazdilar, xo'rladilar. Bu

[1] Zunnunova.Z.Hikoyalar 27-bet -Toshkent. G'.G'ulom nashriyoti.
[2] O'sha asar, 39-bet.

azoblar bir emas, ikki emas, davomli bo'ldi. U hammasiga chidadi. To'g'ri, halol va pok deb bilgani turmush o'rtog'ini kutdi. Sevimli qo'shiq bo'lib kuylanayotgan bir she'ridagi:"Vaslingni umidida dunyodan o'tib borgum, Qanoatda Saida filcha bo'lurmu, hay-hay"satrlari shoiraning o'sha davrdagi hayotini, ruhiy holaatini aks ettirgan bo'lsa, ajab emas.

Saida Zunnunovaning "Buvilar duoga qo`llarin ochib", "Qizimga", "Mening vatanim" she'rlarida o'ziga xoslik va samimiyatni kitobxon bir o'qishdayoq anglaydi, mushohadaga kirishadi. Jumladan, keksalarimizning duolaridan o'rin olgan "boshi toshdan bo'lmoq" iborasi ham shoira talqinida yana bir o'zgacha ko'rinishda tus olgan:

Buvilar duoga qo'llarin ochib,
"Boshi toshdan bo'lsin",-der jigarlarin.
Buvalar yelkaga ortib, opichib,
"Boshi toshdan bo'lsin",-der jigarlarin.
Aziz buvijonlar, aziz buvalar,
Yodingizda bo'lsin yana bir tilak.
Boshi toshdan bo'lsin jigarlaringiz,
Ammo tosh bo'lmasin ko'ksida yurak.[1]

Jahon mening bag'rimdami yo men jahon bag'rida,
Yuz bahorning yellarimi sochlarimni silagan?!
Ming gulshanning gullaridan rohatbaxsh bu qo'lchalar
Baxtga ko'mib yuragimni, yuzlarim erkalagan.[2]

Ushbu she'ri orqali shoira butun borlig'i, hayotining mazmuni, yashashdan umidi-farzandiga bo'lgan cheksiz mehr-muhabbatdan tashkil topgan mehribon, onalik baxtidan masrur ona siymosinining tuyg'ularini qalamga olgan. Chindan ham she'rni o'qir ekansiz, tabiat ona deb atalmish mo'tabar siymoga nechog'lik bag'rikenglik, oliyjanoblik, bitmas-tuganmas mehr bulog'ini hadya etganiga ishonch hosil qilasiz. She'riy to'rtlik boshdan oyoq baxtdan masrur ona hissiyotlarini yuksak badiiy ijod va nozik did bilan tasvirlashdan iborat. Aslida ham shunday: dunyodagi onalar, ayniqsa, o'zbek onasi uchun butun hayotining mazmuni farzandining baxti-kamolini ko'rishdan iborat.

[1] Yo'ldoshev.Q, Qosimov.B, Qodirov.V, Yo'ldoshbekov.J 7-sinf uchun darslik majmua- T:"Sharq", 27-bet.
[2] O'sha manba, 26-bet.

Ijodkor o’z she’riyatidagi mavzularda rang-baranglikka erishgan,har bir mavzuni o’zgacha ko’rinish, yuksak badiiy did,o’ziga xoslik ila tasvirlay oladigan noyob iste’dod egasi hamdir. Chunonchi, uning “Mening Vatanim”she’ridagi tashbehlar, ona yurtga bo’lgan cheksiz mehr-muhabbat tushunchalarini o’zgacha ko’rinishda tasvir eta olish ham faqat Saida Zunnunovaga xos uslub, desak yanglishmagan bo’lamiz.

Yuz yil umr ko’rsam, yuz yil she’r yozsam,
Yuz yil ta’rifingni aytsam muttasil.
Baribir, sevgili yor rasmini
Chizmoqqa munosib rang topolmayin
Chamanda tentirab yurgan rassomday,
Sening tasviringga so’z axtararman,
So’zlar sarasidan shu bugungiday.
Yuz yilgi she’rimni yig’salar hamki,

Shoira o’zi orzu qilgan izzat-ikrom va hurmatga tiriklik chog’ida to’laqonli muyassar bo’lmagan esa-da, vaqtlar o’tib, yurtimizda ilm-ma’rifatga, ijodga, iste’dodli insonlarni e’zozlashga keng yo’l ochib bergan istiqlol yillarida va ayni shu kunlarda ijodkor nomini abadiylashtirish, uning ijodini o’sib kelayotgan yoshlar ongiga yetkazish maqsadida bir qator xayrli ishlar amalga oshirildi. Jumladan, Saida Zunnunova shaxsiga ehtirom sifatida Toshkent va Andijon shaharlaridagi bittadan ko’chaga uning nomi berilgan, Toshkent shahrida Said Ahmad va Saida Zunnunovalarga muhtasham haykal ham qo’yilgan. Shuningdek, ”O’zbekkino” Milliy agentligi tomonidan ikki buyuk ijodkorning porloq xotirasiga bag’ishlangan, taniqli kinorejissor Shuhrat Abbosov hamda ikki buyuk ijodkorning farzandlari Nodira Husanxo’jayevaning hamkorlikda yaratgan”Said va Saida”deb nomlangan badiiy filmini ham adabiyotimiz rivojiga munosib va o’ziga xos hissa qo’shgan insonlarga atalgan munosib yodgorlik sifatida baholashimiz mumkin.

Adiba o’z asarlarida qalamga olingan oilaga sadoqat, mas’uliyat, mehnatsevarlik, fidoyilik singari fazilatlarga ega inson bo’lgan. Shuning uchun ham ijodkorning asarlari o’ta samimiy hamda ishonarli chiqqan. Shoira ezgulik,adolat uchun kurashni,halol mehnatni o’zining hayotiy maslagi deb bilgan. Bu dunyoqarash, e’tiqod, ko’ngil aqidasi barcha

asarlarining mag’zini tashkil etadi. Said Ahmad sadoqatli yori haqidagi xotiralaridan birida:

Kurashsiz, mehnatsiz shodlik, kulguni
O’g’irlik mol deyman, qilaman hazar.
Qalbimning parchasi singmasa agar,
Rozimasman, birov hadya etsa zar,

misralarini keltirib: “Bu satrlar Saidaxonning she’rda chizilgan suratiga o’xshaydi”, – degan edi.

Yurtboshimiz tomonidan olg’a surilgan, yoshlar ma’naviyatini yuksaltirishga qaratilgan “Besh tashabbus” loyihasidan o’rin olgan kitobxonlik yo’nalishi bo’yicha o’quvchilardagi kitobxonlik madaniyatini oshirish jarayonida, Saida Zunnunova asarlarining ham yoshlar tomonidan mutolaa qilinishi, bu borada olib borilayotgan ishlar samaradorligini oshirishiga hech shubha yo’q.

BOQIY MIRZO SHE’RLARIDA VATANPARVARLIK G’OYALARINING ULUG’LANISHI

Hasanboy QOSIMOV
Hulkarxon JAKBAROVA
To‘raqo‘rg‘on tuman XTB ga qarashli
13-sonli umumiy o‘rta ta’lim maktabining
ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilari

Istiqlol tufayli ma’naviy qadriyatlarga, madaniyatga, jumladan so’z san’atiga nisbatan munosabat tubdan o’zgardi. Yangi davr nafasi adabiyotimiz tarixiga, balki zamonaviy adabiy-badiiy jarayonga ham yangicha g’oyaviy-estetik mezon bilan yondashishni taqozo qildi.

Hozirgi o’zbek she’riyatining ma’naviy miqyosi, badiiy salohiyati sezilarli darajada o’sdi. Shu ma’noda hozirgi o’zbek adabiyotida lirika alohida o’ringa ega. Unda zamondoshimiz qalbida kechayotgan his-tuyg’ularni aks ettirish barobarida she’riyat jamiyatimizning har bir a’zosida mustaqillikka shukronalik, porloq kelajakka bo’lgan ishonchni mustahkamlashga xizmat qilmoqda.

Bugungi kun she’riyati va uning zamiridagi falsafiy g’oyani ochib berish, uning yetakchi g’oyaviy-badiiy tamoyillarini aniqlash o’zbek

she’riyatining istiqboldagi taraqqiyotini ham oldindan belgilashga imkon beradi.

Ma’lumki, ijtimoiy hayotda kechayotgan evrilishlar birinchi navbatda lirikada aks-sado beradi. Bu narsa uning tamoyillarini ham belgilaydi. Birinchi navbatda, O’zbekistonning mustaqil davlat maqomiga ega bo’lishi bilan milliy uyg’onish g’oyalari balqib turgan she’rlarga alohida e’tibor berish lozim. Bu holni barcha shoirlarning ijodida kuzatish mumkin. Lekin masalaning mohiyatini anglatishda ustoz shoirlar etakchidir. Shu jumladan, o’zbek adabiyotining yetuk iste’dod vakillaridan bo’lmish Abdulla Oripov, Erkin Vohidovlarning Vatan mavzusida yaratilgan o’zbek lirikasining mumtoz namunalari hisoblanmish “ O’zbegim”, “Ozbekiston” qasidalari, Shavkat Rahmonning “Turkiylar”, “Iqror”, “Abadiyat oralab”; Muhammad Yusufning “Vatanim”, “O’zbekiston”, “Yurtim”, O’zbekiston yoshlarining norasmiy madhiyasiga aylangan “Hech kimga bermaymiz seni, O’zbekiston!”; Iqbol Mirzoning “Aytgil, do’stim, nima qildik Vatan uchun?”, “O’zbekiston”; Sirojiddin Sayyidning “Egasi bor yurtning ertasi bordir” she’rlari Vatan haqida chin yurakdan, hech qanday hadiksiz, dadil aytilgan she’rlar sifatida maydonga keldi.

Mazkur ijodkorlar qatori egamanlik yillarida respublikamizning viloyat va tumanlarida ham ijodkorlar Vatan madhini kuylab qalam tebratdilarki, vaqtli matbuot sahifalari hamda yangi-yangi nashrlarda o’zgacha tarovat bilan bo’y ko’rsatdi, o‘zgacha ohang bilan jarang sochdi. Ana shular qatorida yurtdoshlarimiz Ziyoviddin Mansur, Jamoliddin Muslim, Dilorom Ergasheva, Nosir Abbos, Ibrohim Mahkam, Sodiq Sayhun va Boqiy Mirzolarning borligi quvonarli hol.

“Vatan nima?” degan savolga barcha birdek qoida ko’rinishiga kelib qolgan javobni beradi: kishining kindik qoni to’kilgan, o’sib ulg’aygan go’shasi, makoni. Nazarimda, Vatanni qandaydir qoida va tariflarga sig’dirish anchagina mushkul ish. Shu sababmi, Vatan haqida insoniyat paydo bo’lganidan beri tarif-u tavsiflar keltiriladi, lekin aytib ado etib bo’lmaydi. Vatan! Qadim-qadimlardan muqaddas olovi so’nmay kelayotgan o’choq. Vatan – chirog’i mangu yoniq muborak xonadon. Vatan – suyganlarni er qilgan, nonko’rlarni ko’r qilgan tuproq. Vatan – goh kuldirib, goh yig’latgan mo’jiza qo’shiq, afsungar navo. Vatan – ona tili, ota tarix. Vatan! Guldek go’dak isi kelayotgan tol beshik.

Shoirlar Vatan uchun yangidan-yangi, betakror tashbehlar keltiradilarki, uning ta’rifi, qiyosi had bilmasligidan dalolatdir.

O’zbekiston qahramoni A.Oripov “Men nechun sevaman O’zbekistonni?” deya Vatanning beqiyos jihatlarini birma-bir sanab keltirsa, E.Vohidov Ona yurtimiz tarixini “Ming asrlar ichra pinhon” deya “ko’hna tarix shodasidagi ” bitta bebaho “marjon”ga qiyos etadi.

Yurtdoshimiz Boqiy Mirzo ham o’z she’rlarida Vatan madhidan yoyilib so’zlaydi. Betakror o’xshatish-u sifatlashlar bilan ulug’laydi.

Hali-hanuz esimda, maktabda o’qib yurgan kezlarim maktab kutubxonasidan shoirning davlat mustaqilligining dastlabki yillarida nashrdan chiqqan “Uzukdagi yoqut ko’z” to’plamini oldim. To‘plamdan o’rin olgan she’rlarning aksari biz bolalarning tilimizga va yoshimizga monand tarzda bo’lib, undagi yurt mustaqilligi munosabati bilan dunyoga kelgan ijod namunalari bizning Vatan haqidagi tasavvurlarimizni kengaytirishga xizmat qilgan desam, mubolag’a bo’lmas.

Shoir mazkur to’plamida yurt ozodligini jo’shib kuyladi, jumladan:

Murakkab dunyo bu!
Xiyonatkorlar
O’zlarin hech qachon osmaslar dorga.
Shoir, qalamingni sindir beshafqat,
Munosib yozmasang erkin diyorga![1] – deya lirik qahramonni jasoratga chorlaydi.

Yoki:

Yurakdan boshlangan oppoq tonglardan,
Tonglarda chalingan nurli bonglardan.
Oqib kelayotir eng oliy niyat!
Eng oliy niyat bu – mustaqilligim, - deb faxr va iftixor tuyg’usini tuyadi, ozod yurtning oftobini “Baxt quyoshi ” deb nomlaydi. Mustaqil O’zbekistonni esa “uzukdagi yoqut ko’z”ga qiyos etadi:

Tangrining inoyati har qadamda buyukdir,
Ilohiy bitik ja’mi-yuksaklikka tuzukdir.
Bu zamin ellar yurti-misli tillo uzukdir,
Mustaqil O’zbekiston – uzukdagi yoqut ko’z.[2]

Ona diyor maqtovini “quruq” oddiy maqtov emasligini yurtini tanimagan millatiga o’z emasligini ta’kidlaydi.

---

[1] Boqiy Mirzo. Uzukdagi yoqut ko’z. She’rlar va g’azallar. Chortoq. 1992. 17-bet.
[2] O‘sha kitob. 20-bet.

Boqiy Mirzoning Vatan madhi aks etgan she’rlarini mutolaa qilar ekansiz, vatandoshlarining umumlashma obrazini Vatan timsoli orqali ifoda etilganini va ularga omonlik tilaganining guvohi bo‘lasiz:

Obod bo’lur kundan-kun,
Qishlog’im, shaharlarim,
Safda to’lishib borar
Mardim, elsevarlarim,
Botir, fidoyi avlod -
Mening jon-jigarlarim,
Ajdodlardan qolgan yurt -
Vatanim omon bo’lsin,
Davlatim soyasida
Xalqim komron bo’lsin![1]

Boshqa bir o’rinda shoir O’zbekistonga xuddi uning erka o’g’lidek mirojaat qiladi. Uning vasfini Hamid Olimjon, G’afur G’ulomlar kuylab o’tganini aytib misralarda talmehni vujudga keltiradi va ona Vatandan jasorat tilaydi:

Sen haqingda Hamid Olimjon
Kuylab o’tdi jilg’aday quvnoq.
G’afur G’ulom hayqirdi shodon
Bamisoli momoqaldiroq.
Tekin baxt kutmasman g’oyibdan
Zor emasman hamd-u sanoga.
Qo’llamoqchi bo’lsang jon vatan,
Jasorat ber Boqiy Mirzoga![2]

O’zbekiston Qahramoni, buyuk munaqqid Ozod Sharafiddinov o’zining “O’lsam, ayrilmasman quchoqlaringdan” deb nomlangan pulitsistik maqolasida shunday yozadi: “…Vatanga muhabbat Onaga muhabbat kabi muqaddas va yuksak tuyg’u. onaga muhabbatning shunday bir o’ziga xosligi borki, odam bu tuyg’usi haqida olamga jar solib, hammani undan voqif qilavermaydi, hatto onasining o’ziga ham har kuni: “Onajon, men sizni jonimdan ortiq yaxshi ko’raman”, deyavermaydi. Lekin har kuni onasiga g’amxo’rligi, mehribonligi, saxovati, shafqatini ishi bilan, gap-so’zlari, xatti-harakatlari bilan amalda namoyon qiladi. Vatan muhabbati ham shunday: u hammaga ko’z-ko’z qilinmaydi, u to’g’risida tantanavor e’lonlar chop etilmaydi, har muyulishda odam ko’kragiga urib, Vatanga oshiqligini pisanda

[1]Boqiy Mirzo. Sen hammadan chiroylisan. She’rlar. “Namangan” nashriyoti, Namangan. 2010. 60-bet.
[2] O‘sha kitob. 14-bet.

qilmaydi. Madaniyat yuksak pog'onalarga ko'tarilgan jamiyatlarda odamlar o'z Vatanlariga muhabbatni shovqin-suron ko'tarmay ayyuhannos solmay, tamagirliksiz, bepisanda, maqtanchoqliksiz amalga oshiradilar. Vatanga muhabbat bozorga solinadigan matoh emas, balki inson qalbining to'rida gard yuqtirmay pokiza saqlanadigan eng nafis, eng inja tuyg'udir".[1]

Demakki, shoir she'rlari orqali Vatanga bo'lgan muhabbatini zamondoshlarining bu masaladagi muqaddas tuyg'ularini ifoda etishda "Yurt", "Vatan", "Sevaman", "Muhabbat" kabi shablon ko'rinishidagi so'z va jumlalarsiz ham juda go'zal tarzda ifoda etishi mumkin. Vatan tushunchasi dialektal falsafada bir butunlikni ifoda etsa, uning xususiylik tarzidagi tashkil etuvchilari bor. Ya'ni Vatanning har bir toshi, tuprog'i, daraxti, niholi, maysasi, bir qatra suvi, yomg'iri, shamoli, fasli, quyoshi-yu oyi, yulduzi va osmoni – bari-bari birdek aziz, muqaddas. Demakki, bularning barchasi o'zida Vatan tushunchasini jamuljam etgan, desak, mubolag'a bo'lmas.

Boqiy Mirzo she'rlarini ko'zdan kechirar ekanmiz, uning fasllar, yurt tabiati, atrof-borliq tasviri orqali Vatan ishqini ifoda eta olganini guvohi bo'lamiz:

Adirlarning ko'm-ko'k ifori
Yuragimga bostirib kirdi.
Istiloga duch kelgan qalbim
Shaharlardan yuzin o'girdi.[2]

Vatanning bahorgi manzaralarini aks ettirar ekan, "Olov sharq"qa "Atlas ko'ylak kiy" diradi. Bemisl tog'larni esa junjikkan pahlavonlarga mengzaydi:

Atlas ko'ylak kiygan olov Sharq
Yuragimni oldi kaftiga.
Tog'-junjikkan pahlavon kabi,
Yuzin bosar yolqin taftiga.[3]

Vatanning ona kabi mehribon ekanligini an'anaviy ifodalar orqali eslatadi va yana bahor tasviriga qaytadi. Aslida esa o'sha bahor ham Vatanning timsoli, go'zal, o'xshashi yo'q, fusunkor obrazi. Lirik qahramon bahor bilan bir umr qolishga rozi ekanligi, martdan ajralishni xohlamasligi bilan Ona Yurtdan bir nafas bo'lsa-da, ayro tusha olmasligini ta'kidlaydi:

[1] Sharafiddinov O. O'lsam ayrilmasman quchoqlaringdan. 8-sinf. Adabiyot. G'.G'ulom nashriyoti. Toshkent. 2014. 270-bet.
[2] Boqiy Mirzo. Sen hammadan chiroylisan. She'rlar. "Namangan" nashriyoti, Namangan. 2010. 60-bet.
[3] O'sha joyda.

Onam kabi mehribon Vatan-
Malohatli kenja singlimday.
Kapalaklar uchgan bog'larim-
Ishqqa to'la oshiq ko'nglimday.
Bahor!
Qolgim kelar bir umr
Seni olib kelgan mart bilan.
Endi qalam yashar to abad
Tarovating singgan dard bilan.[1]

Fikrlarimni muxtasar etar ekanmiz, shoir yillar, asrlar, ming yilliklar o'tsa-da dolzrablik supasidan bir kun, bir soat, bir soniya bo'lsa ham tushib qolmaydigan muqaddas tuyg'u – Vatan madhini betakror tashbehlar, original sifatlashlar bilan bera olganini yana bir bor ta'kidlamoqchimiz.

ABDULLA ORIPOV SHE'RLARIDA INSON RUHIYATI

Nazira IBROHIMOVA,
NamDU filologiya fakulteti o'zbek tili
yo'nalishi 2-kurs 203-guruh talabasi
Ilmiy rahbar: D.Tojiboyeva

Dunyo tamadduniga nazar tashlar ekanmiz, uning har jihatdan yetuk shakllangan mukammal mo'jizalaridan biri Hazrati inson ekanligiga bevosita guvoh bo'lamiz. Boisi chor atrofda sodir bo'layotgan voqea-hodisalarga munosabat bildirish, uni idrok bilan mushohada qilish, ruhiy olamda turfa-hislarni tuyish bilan birgalikda dildan tilga qadar ko'chirish orqali ifoda eta olish insonni boshqa mavjudotlardan ajratib turadigan xislatlari sanaladi. Insonning qalbi ruhiyat bilan birgalikda chambarchas holda yashab keladi. Bir qaraganda, mavhum tuyilgan bu a'zoda ne sir-sonoatlarning taqdiri borligi faqat o'z egasi va yolg'iz Allohga ayon.Sababi, aynan shu mo'jaz qalbda eng nozik tuyg'ulardan tortib, to chirkin hislargacha jam bo'la oladi. Xalqimiz orasida"qalbi toza" yoki bunga zid holatda "qalbi ko'zi ko'r " iboralarining keng ma'noda qo'llanilishi ezgulik va yovuzlikni bir joyda jamlay olgan qalb haqida kengroq mushohada qilishga chorlaydi.

[1] Boqiy Mirzo. Sen hammadan chiroylisan. She'rlar. "Namangan" nashriyoti, Namangan. 2010. 60-bet.

El dardi, uning kechmishi, iztirob-u quvonchi bilan hamnafas yashagan, uni his eta olgan ijodkorkorlardan biri Abdulla Oripov edi. Shoir ijodi bilan yaqindan tanishganimizda, ajib teranlik, keng dunyoqarash, ko'z ilg'amas o'zgarishlarni ham ilg'ay bilish kabi xislatlar sohibi ekanligiga e'tibor qaratamiz.ijod namunalarining mavzu jihatdan turfa- xil bo'lishiga qaramay ularda qaysidir ma'noda vatanparvarlik namoyon bo'laveradi. Masalan,"Senga" nomli she'rini olaylik:

Mening ham do'st-u qarog'im,
Shanlariga she'rlar kuyladim.
Lekin tanho quvongan chog'im,
Sirdoshim deb seni o'yladim.
Bedard emas umr ham aslo'
Hasratlardan goho so'yladim
Shubha ichra qolganda tanho'
G'amdoshim deb seni o'yladim…[1]

Adabiyot ifoda qamrovida uch mavzu sira ham eskirmaydi, u haqida qanchadan qancha ijod namunasi tug'ilsa-da, bir-biriga o'xshashi yo'q serqirra ma'no kashf etilaveradi. Bu uch mavzu sirasiga Vatan, Ona, muhabbatni kiritish mumkin. Shoir ham ushbu she'rni yaratar ekan juda ko'p do'st-u birodarlari borligi hatto ular sha'niga ash'or bitgani, biroq yolg'iz quvongan paytlarida eng yaqin sirdosh deya Vatanini his qilishini o'ylaydi. Keyingi bandda esa,umrining bedard emasligi, gohida hasratlar-u shubhalar ichida qolganida ham g'amdosh sifatida Vatanga suyanishini ta'kidlaydi. Ushbu bandda g'amdosh, hasrat, shubha so'zlari o'ziha xos tanosub san'atini vujudga keltiradi. Past-u balandliklardan iborat bo'lgan taqdir inson boshiga nelarni solmaydi, quvonch-u shodlik bilan qayg'u va alam doim o'rin almashib turadi, bunday aytlarda esa, har kim ham o'ziga taskin izlaydi, kimdir oila a'zoslaridan, kimdir do'stlaridan, yana kimdir boshqa narsalardan… shoir nazdida esa, vatanni suyanchiq deb bilish eng to'g'risi .Ijodkor Vatanga shu qadar suyanadiki, hatto uni "Qiblagohim", "Barhayot Onam" deya, suyib erkalaydi.

Sir-sinoatlarga boy bo'lgan hayot ijodkorga xilma-xil mavzu tuyg'ular berishi mumkin,biroq masalaning asl mohiyati bu uyg'unlikni qay yo'sinda ifoda eta bilishdadir.

Abdulla Oripovning ahamiyatga molik mavzularni ijod markaziga qo'yib, uning sharhi-yu mukammal tahlilini, haqqoniy manzarasini o'z

[1] Oripov A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 2001.-B.126.

she’rlariga singdira olishi ijodkor sifatidagi yuksak mahorati edi, desak mubolag’a bo’lmaydi.Inson yashar ekan qaysidir toifadagilar baxt izlasa, boshqa guruhdagilar uzoq umr, yana boshqalari halovat istaydi,biroq barcha xohishlar negizida qandaydir haqiqat yotadi. Ushbu muammo shoir nazaridan chetda qolmaydi. Ijodkorning “Haqiqat yo’llari” she’rida bu mavzu haqida keng fikr yuritiladi:

Poyoni yo’q tarixning kechmishini o’ylayman,
Yosh idrokim zamonlar qarshisida qoldi lol.
Va shu ulkan dunyoning kemtigidan bo’ylayman,
Unda birov quradi, birov buzar bemalol.[1]

Poyoni yo’q tarixga shoirona nigoh bilan qaragan ijodkor idroki zamonlar qarshisida hayron qoladi, shu dunyo kemtigidan qarar ekan uni kimdir zahmat bilan qurgan chog’ida boshqa birov bemalol yakson qilishini kuzatadi.Aynan shu misralarni yozgan paytlarida shoir qirg’inbarot urushlarni ko’z oldiga keltirgan bo’sa ajab emas. She’r badiiyatiga e’tibor qaratganimizda, qurmoq va buzmoq fe’llari antonimligidan tazod san’ati, dunyo kemtigi birikmasidan istiora kelib chiqanini ko’ramiz.

Mangu qolay deya shuhrat quli Iskandar
Yuksak toqqa o’zining suratini solibdi,
Xo’jasida bo’lsa ham qancha-qancha siym-u zar,
Qarangki, juldur kiygan Ezop mangu qolibdi.[2]

Tarixdan ma’lumki, jahonga mashhur sarkarda Iskandar Makedonskiy bir necha urushlarda g’oliblikni olg’a surib, dunyoning ko’plab davlatlariga ega chiqqan, bir so’z bilan aytganda yaxshi amallari bo’lishiga qaramay uni hamma bosqinchi sifatida tan oladi. Kunlarning birida mangu qolishni istab eng katta tog’ga suratini chizdiradi, afsuski, bundan hech anday foyda chiqmaydi. Ezop haqida fikr yuritadigan bo’lsak, u Yunonistonda V asrda yashab o’tgan frigiyalik qul bo’lib, o’zining dono fikrlari, go’zal falsafiy qarashlari, ibratli harakter sohibi sifatida asrlar osha bashariyatga o’rnak bo’lib kelmoqda. Yuqoridagi misralarni o’qib Iskandar va Ezop hayotiga nazar tashlasak, qaysidir

[1] O'sha manba-165-bet.
[2] O'sha manba-400-bet.

ma’noda javob topgandek bo’lamiz. Hayotda qandaydir nom qoldirish uchun faqatgina siym-u zar kifoya qiladi degan inson adashadi, chunki zamonlar o’tgan sari insonlar samimiylikni qadrlab boraveradilar. Taqdirning yozilmagan qonunlaridan biri yaxshilikning yomonlik ustidan g’alabasi aynan shu to’rtlikda yaqqol aksini topadi.

She’r nihoyasiga yetar ekan hashamatli qasrlarning ham bir zumda vayron bo’lishi, hech kimsaning bu olamda mangu yashay olmasligi shunday taqdirda ham haqiqatni izlashdan charchamaslik lirik qahramonning xulosasi sifatida beriladi.

Abdulla Oripovni chin ma’nodagi insonshunos olim deyish mumkin.” Men nimani ko’rib his etgan bo’lsam, shuni qalamga olishga harakat qilganman” - deydi shoir. Darhaqiqat, yon-atrofdagi o’zgarishlarni kuzatib ilhomlanish har bir ijodkorga xos, ammo bu olamning “buyuk mavjudoti” atalmish insonning ruhiy olamidagi murakkab kechinmalarni anglash, jonli tasvirlash qaysidir ma’noda jasorat talab etadi. Aynan mana shu xususiyatlar A. Oripov ijodidda o’z aksini topgan. Ruhiyat masalalari haqida nodir ijod namunasini yaratish uchun shoir sinchkovlik va ziyraklik bilan keng fikr yuritgan desak, xato bo’lmaydi.

O'tkir qalamkashning “Jumboq” she'rida hasad tuyg'usi quyidagicha ta’riflanadi.

Idrokim boricha yashadim faqat,
Fahm etdim dunyoni baimkon, qat-qat.
Yolg’iz bir jumboqqa aqlim yetmadi:
Qaydan tug’iladi, bilmadim hasad.[1]

Shoir umri davomida tashqi olamda sodir bo’layotgan voqealarni tushunib yashashga harakat qiladi, dunyo hodisalarini qo’ldan kelgancha fahmlashga harakat qiladi, shunday bo’lishiga qaramasdan bir jumboqqa aqli yetmaydi. Bu ham bo’lsa, hasadning qayerdan paydo bo’lishi edi. Jamiyat a’zolarining har biri bevosita boshqalar bilan ijtimoiy munosabatda bo’ladi, sodir bo’layotgan vaziyatlarga nisbatan o’z fikr – qarashlarini ifoda etadi. Shu o’rinda har kim o’z xarakteridan kelib chiqib kimgadir yaxshi ko’z bilan, yoki hasad bilan qaraydi.Havas qilish bu insonning qalb pokligi, iymon butunligidan bo’lsa,hasad yurakning zanglashidandir. Ma’naviy jinoyatlardan biri sanalmish ushbu salbiy

[1] O'sha manba-154-bet.

xislat har bir sohaga zarar keltiruvchi ijtimoiy illatdir. Bu hasadchining ham, boshqalarning ham qalbini kasal qilib, uni yemirilishiga sabab bo'ladi.

Shoir she'rlarining har satrida inson ruhining erkinligi, sarhadsizligiz bot-bot ko'zga tashlanadi. Mana shu erk o'zbek she'riyatida yangicha va o'lmas ruh paydo bo'lganining in'ikosi bo'ldi va mangulikka muhrlandi. Zero, inson sezimlari, ruhiy olami badiiy adabiyotning birlamchi vositasi bo'lib qolaveradi.

ZULFIYAXONIM SHE'RIYATIDA MUHABBAT TARANNUMI

Nozima SIROJIDDINOVA,
NamDU filologiya fakulteti talabasi
Ilmiy rahbar: ***D.TOJIBOYEVA***

Zulfiya ijodida xalq og'zaki ijodi, jahon adabiyotining roli katta bo'ldi. Uning "She'rlar", "Uni Farhod der edilar", "Tong qo'shig'i", "Hijron kunlarida ", "Kuylarim sizga" kabi yuzlab she'rlarida muhabbat va hijron tuyg'ulari yaqqol ko'zga tashlanib turadi. Albatta, muhabbat degan bebabo tuyg'uni qalamga olmagan ijodkor topilmasa kerak. Biroq Zulfiya muhabbat bilan birga hijron ta'mini ham tatib ko'rgani bois buning she'rlaridagi muhabbat tuyg'usi boshqacha yangrasa kerak.

Muhabbat bu – qudratli kuch. Xodi Toqtash ta'kidlaganidek: "Muhabbat o'zi eski narsa,har bir yurakning o'zi uni yangilaydi. She'riyat chamani ichra muhabbatni tarannum etmagan ijod ahlini qidirsak ham topilmaydi.Chunki barcha insonlarning qalb eshigini muhabbat bir marta bo'lsa ham taqillatib kirgan va ko'ngil tubiga joylashib olgan bo'lishi tabiiy.

Mashhur adiba,jamoat arbobi,o'zbek xalqining sevimli shoirasi Zulfiya Isroilovaning kitoblarini bir marta varaqlab chiqmagan ,uning she'rlaridan bahramand bo'lmagan kitobxonni o'zi bo'lmasa kerak.Zulfiya Isroilova she'riyat uchun tug'ilib, she'riyat uchun yashagan, butun vujudi ila o'zini she'riyatga bag'ishlagan ayol.

"O'zbek shoirasi Zulfiyaning qutlug' qadami tufayli Sharq adabiyotiga san'atkor ayol kirib keldi. Zulfiya she'riyati zamonaviy o'zbek poeziyasining porloq sahifasini tashkil etadi. Men shoira poeziyasidagi dilbarlik, donolik bu ulkan madaniyatning qo'lga kiritgan ulkan yutug'i ekanligini ham ta'kidlamoqchiman.Chunki Zulfiya faqat

o'z she'rlarida gavdalangan to'la-to'kis ayol timsoligina emas, balki u mukammal shaxs hamdir. Poeziya Zulfiya uchun hech qachon shunchaki mashg‘ulot bo‘lgan emas”.[1]

Zulfiya she’rlari qanot chiqarib olam kezuvchi humo qushiday qalblardan o‘rin olgan.U jannatmonand O‘zbekistonda tug‘ilib, voyaga yetganidan faxrlanib yashagan ijodkor.

E’zozlar, ardog‘lar uchun tashakkur,
Asli siz oftobim,men ziyosiman.
Tonglaringiz kulsin dorilomon,hur,
Baxtim shul – O'zbekning Zulfiyasiman.[2]

Yuqoridagi misralarni o’qib,ko'z o'ngimda Zulfiya she'rlari asosida yaratilgan O'zbekiston dostoni namoyon bo'ldi go’yo.Albatta,ijodkorni tanitadigan bu - xalq.Sadoqat saroyining malikasi Zulfiyaxonim o'z Vatanini sevgan va shu Vatan uchun jonini ayamagan ayol. Zulfiya yuqoridagi terilgan misralarda o'zbek xalqiga tashakkur bildirib ,xalqini oftobga,o'zini oftobning ziyosiga qiyoslaydi.

She'riyat malikasi shu oftobdan o'z baxtini topgan va umrining oxirigacha o'zini va she'riyatini Vatanga baxshida etgan.

"Xohi inon,xohi inonma",
Sening sevging qilmoqda shaydo.
Bunday yonish begona jonda,
Bir o'chmas o't bo'libdi paydo.[3]

Shodlik va qayg'u yonma yon yurganidek,muhabbat ham mojarosiz bo'lmaydi. Zulfiyaning ham quvonchli muhabbati orqasidan g'am yelib keldi va uni hijron girdobiga tortib ketdi. Ma’shuqa oshiqning sevgisidan shu qadar shaydo bo’libdiki, buni shoira begona jonda o’chmas o’t paydo bo’lishiga qiyoslayapti. Zulfiyaxonim Isroilova o’zbek adabiyotining yorqin namoyandasi Hamid Olimjon bilan turmush qurgani barchamizga ma’lum.Biroq ular orzularga to’la hayot kechirayotgan pallada turmush o’rtog’i Hamid Olimjondan avtohalokat sababli ayrildi.

1. Ch.Aytmatov.Nurali Qobul. “Hamid Olimjonning so’ngsiz armoni”.- Toshkent:Sano-standart, 2018.B.73
[2] Isroilova Zulfiya. Tong bilan shom aro saylanma.- Toshkent:Sharq, 2006.
[3]O‘sha kitob.

Men ishq edim ,
Ishqdan mastdim bearmon.
O'ttizga yetmay bir zarbdan uyg'ondim,
Keyin oltingugurt olovisimon,
Ko'rinmay hijronning dog'ida yondim.[1]

Ushbu misralarda ham lirik qahramon ya’ni Zulfiya sevgiga mast bo’lganini,biroq bu sevgi gulzorida ko’p vaqt umrguzaronlik qilmaganini bitadi.O’ttiz yoshga kirmay o’z turmush o’rtog’ining vafoti bunga kuchli bir zarba berdi. Shu-shu shoira hijron dog’ida yondi, she’riyatini bo’lsa hijron qoplab oldi.

Har qanday sharoitda ham Zulfiya ijoddan to'xtamadi.Hamid Olimjonning vafoti uni ezib qo'ygandi. Biroq u o'zini bu hayotda o'zi uchun emas ,balki turmush o'rtog'i uchun yashashini his etib,uni bahorlardan so'roqlab, kutib yashadi. O‘zining “Kimni kutasan”she’rida kutganligini yaqqol ko'rishimiz mumkin bo'ladi.

Kimni kutasan
Ko'zing muncha yo'lda intizor,
Ey bahordan barkamol husn.
Istirobing dilimga ozor--
Ishq hijronin bilganim uchun.
Sen kutasan kimni, qayerdan,
Kelaman deb,qildimi va'da?
Sen kutasan gulning bargidan
Nozik diling mustahkam ahdda.[2]

Lirik qahramon kutaverib ko'zlari to'rt bo'lgan,ranglari zafaron tusiga kirib qolgan. Ishqning hijroni qandayligini yaxshi biladi,biroq istirob ozor berishdan charchamadi. Mashuqa oshiqning qaytib kelmasligini his qilib turgan bo’lsa ham ko’ngil inonmaydi.Ko’ngilga taskin berish uchun “kelaman deb,qildimi va’da?”deb ta’kidlaydi.

"Ko'pgina ijodkorlarga tunda ilhom keladi" - deyishadi,to'g'ri,ammo she'riyat saroyida qirolsiz qirolichaga ilhom parilari kelmay qo'ygan. Shoira quyidagi satrlarda "tunni sevmay qo'ydim..."deydi.

[1] O‘sha kitob.B.34.
[2] Isroilova Zulfiya. Tong bilan shom aro saylanma.- Toshkent:Sharq, 2006.

Sevmay qo'ydim tunni,
Sevmayman tunni.
Butun vujud bo'lib kunni kutaman,
Nafis shaftolining guliday nurli-
Shaffof nafasiga yuzim tutaman.[1]

Tong otgan, hali hech kim dunyo tashvishlari bilan band bo'lmagan mahalda uyg'onsangiz havoning sofligini his etasiz. Har tong shaftoli guli(mashuqa) ham shu mahalda uyg'onib mehrning nurlaridan bahra oladi. Shoira ushbu misralarda bebaho o'xshatishdan foydalangan…

Kuylama hijronni,men kuylab o'tdim,
Nahot men yetmagan pardasi qolmish.
Achchiq,uzun yo'lin men bosib o'tdim,
Senga nega darkor qayta yo'l olish.
Takrorlama, Gulim,sen baxt erkasi,
Dilbar ovozingga yarashar shodlik.
Bir baxtsiz sevgining bitmas giryasi,
Qalbingdan o'rlaydi,bu ne bedodlik.

Hijron zinapoyasidan yurib charchagan Zulfiya o'z shogirdi Gulgina Zokirovaga baxshida etib,"Kuylama hijronni" she'rini bitdi.

"Hijron azoblarini tortgan,achchiq yo'llarni bosib o'tgan shoira o'z yaqiniga bunday taqdirni ravo ko'rmaydi.Barcha hijron yo'llariga kirib chiqqan lirik qahramon boshqa birovning bu yo'llarga kirishini aslo xohlamaydi.Aksincha ,barchaning ovoziga shodlik yarashishini xohlaydi.Zulfiyaxonim she'riyatida kuylangan muhabbat- hijron olovida toblangan boqiy muhabbat,bamisoli,chig'anoq ichida yetilgan javohir donasidek ko'ngil ummonlarida iztirob tugunaklarida yetilgan ishq!Bu buyuk ishq!U sog'inchdan yaralgan.Uning ulug'ligi ham shunda".[2]

Xulosa qilib aytganda, Zulfiya she'rlarini o'qir ekansiz,bu dunyoning shodlik-u tashvishlarini unutib Zulfiyaxonimga aylanasiz.Uning xursandchilig-u g'amlarini his etasiz.Siz ham so'zlar sehri-la nimalardir bitishga intilasiz.Darhaqiqat,Zulfiya Isroilovaning har bir she'ri qalblarni titratadi.Chunki uning she'rlaridagi so'zlari ipga

[1] Isroilova Zulfiya. Tong bilan shom aro saylanma.- Toshkent:Sharq, 2006.B.129.
[2] Edi Ognetsvet.Nurali Qobul. "Hamid Olimjonning so'ngsiz armoni".- Toshkent: Sano standart, 2018 B.73

tizilgan marjonga o'xshab sizni o'ziga maftun etadi.Bu qimmatbaho marjonni kelajak avlod uchun meros qilib qoldirdi.Shoiraning she'rlari ko'ngil tubidan joy olib ulgurgan.Biz izdoshlari doim sadoqat saroyining mangu malikasi Zulfiyaxonim bilan faxrlanamiz!

Adabiyotlar

1. Nurali Qobul. Hamid Olimjonning so'ngsiz armoni.- Toshkent: 2018.
2.Til va adabiyot jurnali 2015.
3. Isroilova Zulfiya. Tong bilan shom aro saylanma.- Toshkent:Sharq, 2006.
4. Mirzayev Saydulla. XX asr o'zbek adabiyoti.- Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005.

ADABIYOT DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO`LLASH IMKONIYATLARI

Soraxon KARIMOVA,
Norin tumani 21- maktab o'qituvchisi,
Xalq ta'limi a'lochisi

Axborot — kommunikatsion texnologiyalari barcha sohalar qatori ta'lim tizimiga ham izchillik bilan kirib kelmoqda. Jumladan, axborotlashtirilgan multimediali ta'lim texnologiyalarini ta'lim muassasalarida joriy etish orqali o'tiladigan fanlar mazmunini o'quvchilar ongiga to'liq va mukammal ravishda singdirish, innovatsion vositalar bilan tanishtirish muhim ahamiyatga ega. Bundan tashqari ta'lim muassasalarida multimedia vositalaridan samarali foydalanishning o'ziga xos afzalliklari ham bor. Ularni quyidagicha ifodalash mumkin:

− ta'limda ko'rgazmalilik eng asosiy o'rinlardan birini egallaydi; − o'quvchini izlanishga undaydi; − o'quvchi ta'lim jarayonini bir vaqtning o'zida ko'radi, uni eshitadi, o'quvchilarga kengroq qamrovdagi va kattaroq hajmdagi materiallarni tezroq yetkazib beriladi; − o'quvchi tafakkurini faollashtiradi; − o'quvchi faoliyatining ijobiy motivini hosil qiladi; − mashg'ulotlarni jonli va muloqotli tarzda olib borishga imkoniyat tug'iladi; − ta'lim mazmuniga tegishli materiallarni kompyuter xotirasida saqlab ularni − o'quvchilarga xohlagan vaqtda yetkazish imkoniyati bo'ladi; − o'z-o'zini namoyish etish imkoniyatini beradi, ta'lim mazmunini yoritishda animatsiyalardan foydalanishning keng imkoniyatlari yaratiladi. Shuning bilan birga, maktabgacha ta'lim muassasalarida tarbiyalanuvchilarning va o'quvchi-yoshlarning

ma’naviy tarbiyasi eng dolzarb muammolardan biri bo‘lib, shu orqali jamiyat ma’naviyatini shakllantirishga erishish mumkin. Shuningdek, ta’lim muassasalarida axborot-kommunikatsion vositalaridan foydalanish jarayonida o‘quvchi-yoshlarning mafkuraviy immunitetini shakllantirib, uni mustahkamlab borish lozim. Albatta bu ishlarni oiladan boshlash kerak, ya’ni oilada farzandlarimizdagi ma’naviy sifatlarni tarbiyalashdan boshlash zarur, chunki ularga berilgan tarbiya o‘zlari bilan o‘sib takomillashib boraveradi. Shuning uchun ham farzandlarimiz ma’naviyatini shakllantirish va uni yuksaltirishni avvalo oiladan, keyin esa bosqichma-bosqich uzluksiz ta’lim tizimida olib boriladi. Qolaversa, ta’lim muassasalarida adabiyot fani mazmuniga Vatan tuyg‘usi, milliy g‘urur, an’ana va milliy qadriyatlarimizni o‘quvchilar ongiga singdirish hamda muomala madaniyati, ovqatlanish, kiyinish, saranjom-sarishtalik, odobli, mehnatsevar bo‘lish kabi insoniy sifatlarni shakllantirib borish lozim. O‘quvchilarga ma’naviy tarbiya berishni quyidagi uch yo‘nalishda olib borgan ma’qul: 1. O‘quvchilar ma’naviyatini shakllantirishga ijobiy ta’sirlar. 2. O‘quvchilar ma’naviyatini shakllantirishga salbiy ta’sirlar va ularni bartaraf etish. 3. O‘quvchilar ma’naviyatini shakllantirishning multimediali ta’lim texnologiyalarini ishlab chiqish va undan amaliyotda keng foydalanishga erishish.

Shuningdek, multimedia usuli ta’lim samaradorligini oshirishda quyidagi ta’limiy va tarbiyaviy afzalliklarga ega: axborotning xilma-xilligi: matn, lavha, bezak, nutq, musiqa, videofilmlardan parchalar, telekadrlar, animatsiyalardan foydalanishga erishiladi; “Inson — kompyuter” interaktiv muloqotning yangi darajasi ancha keng bo‘ladi va undan har tomonlama axborotlarni oladi; o‘quvchilarga ta’lim olishda ijodiy munosabatni uyg‘otadi va bu o‘z navbatida ularga ishonchni shakllantiradi; o‘quvchilar tafakkurini faollashtiradi; o‘quv faoliyatining ijobiy motivini hosil qiladi; o‘z-o‘zini namoyish etish imkonini beradi; turli fikr va mulohazalarga diqqatni jalb qilishni o‘rganadi; yangi fikr-mulohazani bildirishga va o‘zlashtirishga ruhan tayyor bo‘ladi. Bugungi kun o‘quvchisi, ularning orzu-intilishi, qiziqishlari orasida ham katta farq bor. Shundan kelib chiqib bugungi kun o‘qituvchisi nafaqat mamlakatimizda, balki dunyo miqyosida ro‘y berayotgan yangiliklardan vaqtida xabardor bo‘lishi, o‘z sohasiga doir zarur ilmiy yangiliklarni mehnat faoliyatiga tatbiq etishi, faqat darslikka tayanib qolmasdan, mavzu ko‘lamini o‘quvchilarga anglata bilishi, o‘z ustida tinmay izlanishi, o‘zida bor bilimlarni yanada kengaytira borishi lozim.

Donishmandlarimiz aytganidek: «O‘qitish — ikki barobar o‘qish demakdir». Demak, har bir o‘qituvchi-murabbiy bu o‘gitga amal qilar ekan, aslo kam bo‘lmaydi. Eng katta farq esa hozirgi kun o‘qituvchisining ish faoliyati innovatsion axborot texnologiya dunyosi, ilg‘or pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish, jahon hamjamiyatida o‘z o‘rni borligida.

O‘qituvchilik kasbining qator mas’uliyatlarini sanab o‘tish mumkin. Bular qatoriga bola ruhiyatini o‘rganish, undagi salbiy jihatlarga qarshi kurasha olish, o‘quvchilari qalbida o‘z faniga qiziqish uyg‘otish barobarida Vatanga, oilaga, ota-onaga, do‘stlariga nisbatan mehr-muhabbatli qila olish, har bir o‘quvchining oilaviy sharoitini o‘rganib, ota-onasi bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yish kabilarni kiritish mumkin. Biz o‘qituvchilar yosh avlod ongiga shakl beruvchi, ularni yuksak pog‘onalarga olib chiquvchi sharafli kasb egalari ekanligimizni ham unutmasligimiz kerak. Ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi har bir inson uchun hayotda bilishi shart hisoblangan to‘g‘ri so‘zlash, ifodali o‘qish, o‘z fikrini mustaqil bildira olish, og‘zaki va yozma nutq hamda savodxonlikning imkon qadar yuqori darajasini egallashlarida ko‘prik vazifasini bajaradi. Bu ham uning zimmasidagi mas’uliyatning bir ko‘rinishidir. O‘qituvchi xalqi shunday xalqki, u har bir o‘quvchisini o‘z farzandidek qabul qiladi, uning yutug‘idan to‘lib-toshib faxrlanadi, iztirobiga bab-baravar sherik bo‘ladi. Ba’zi hollarda ayrim o‘quvchilarning og‘ir oilaviy sharoiti, ota-onasi qaramog‘ida emasligi va bu uning tarbiyasiga salbiy ta’sir ko‘rsatayotganligi, ba’zan bolalar tarbiyasi faqat maktabdagina nazorat ostida bo‘lishi, bunday o‘quvchilarning muntazam darslarda qatnashmasligi kabilar o‘qituvchilarimiz dilini xiralashtiradigan jihatlar hisoblanadi, chunki o‘qituvchi uchun bolaning begonasi bo‘lmaydi, u barchasini o‘z farzandidek ko‘rib yashaydi.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash mumkinki, ta’lim mazmunini boyitishga oid ishlarni muntazam ravishda olib borish lozim. O‘quvchilar ma’naviyatini shakllantirishda pedagogik omillarni ham ko‘plab topsa bo‘ladi. Ular ta’lim mazmunini yangi sifat bosqichiga ko‘tarishga mustahkam didaktik asos bo‘la oladi va ularni ta’lim mazmuniga ustalik bilan kiritish esa, o‘ziga xos innovatsion jarayon bo‘lib, bunda o‘qituvchidan yuksak pedagogik mahorat talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sayidaxmedov N. Pedagogik amaliyotda yangi texnologiyalarni qo‘llash namunalari. — T.: RTM, 2000. — 46 b.
2. G‘ulomova M. X., Sobirova N. K. Yangi innovatsion texnologiya yordamida ta’lim samaradorligini oshirish usullari // Innovatsiya o‘quv jarayonida (tezislar to‘plami). –T.: 2009.– 106 b.
3. Niyozova M, Rustamova D. Ona tili darslarida o’quvchilarni mustaqil fikrlashga o’rgatuvchi interaktiv va noan’anaviy metodlar. «Молодой учёный» №4(294) январ 2020

O’TKIR HOSHIMOV ASARLARIDA URUSH MAVZUSI

Zulfiyaxon NURIDDINOVA,
NamDU talabasi
Ilmiy rahbar: ***D.TOJIBOYEVA***

Urush bilan besh kunda
bitadigan muammo tinchlik
bilan besh yilda bitsa ikkinchi
yo’lni tanlash kerak.[1]
(O’.Hoshimov)

Erlar jon deya olishmoqda, xotinlar ayolligini bir chetga yig’ib dalada, qarilarning dili xasta, farzandlar yetim, hatto beshikdagi go’dak uyqusining halovati bo’lmagan palla! Ha, bu urush davri. Yanada daxshatliroq, yanada jirkanchroq. Hayot deb atalmish buyuk mo’jizaning qadri sariq chaqalik bo’lgan, inson deb atalmish buyuk hilqat chumoli kab ezg’ilab tashlangan davr.

Qanchalik razolat, qanchalik adolatsizlik bo’lmasin juda ko’plab xalqlar qatori o’zbek xalqi ham bu davrlarni boshidan kechirdi. Ha, ha o’sha! Insoniyat insoniylikdan vos kechib hayvonga o’xshab harakat qilgan, bir birining qonini to’kib, uning yosh joniga zomin bo’layotgan urush balosi o’z tarixi, o’z qadriyatiga ega bo’lgan o’zbek xalqini ham chetlab o’tmadi. Ne balolar, ofatlar olib keldi. Minglab chaqirim uzoqda bo’layotgan bo’lsada uning sovuq nafasi bizning mehnatkash, birovning bir qayg’usiga ming sherik bo’luvchi ota-bobolarimiz, buvilarimiz, onalarimiz, jamiki xalqimizni o’z domiga tortib turdi.

“Urush bilan besh kunda bitadigan muammo tinchlik bilan besh yilda bitsa ikkinchi yo’lni tanlash kerak”. Bu har bir so’zidan ma’nolar

[1] Hoshimov O’. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. - T.:Sharq, 2011.-B.212

qaymog’i tomib turgan ibratli fikr o’z kasbining mohir ustasi, asarlari bilan bir so’z bilan aytganda, qalami bilan dilidagini qog’ozga tushurib hayot rasmini chizib bera olgan buyuk ijodkor O’tkir Hoshimovga tegishli fikrlardir.

O’tkir Hoshimov asarlari bilan tanishib chiqar ekanmiz, uning serqirraligi, keng qamrovliligi, juda ko’p mavzularni o’zida aks ettirgani bilan ahamiyatlidir.

O’quvchini o’z olamiga olib kira oladigan o’z qahramonlari bilan kulsa kulishga, g’amga botsa birgalikda xafa bo’lishga, kasal bo’lsa birgalikda og’rishga, yig’lasa undanda ko’p qayg’uga botib yig’lashga majbur qila olgan asarlari zamon va makon tanlamaydi. Hamish o’qimishli, nozik va ibratli.

Uning ijodidagi yetakchi mavzulardan biri bu urush mavzusi. “Ikki eshik orasi”, “Urushning so’nggi qurboni”, “Tushda kechgan umrlar”, “Dunyoning ishlari” kabi qator asarlarida urush mavzusi yetakchilik qiladi.

Yuqorida epigraf sifatida berilgan fikrlar haqiqatdan ham o’ylantiruvchi. Axir yaralmishlar orasida eng oliy va muqaddas deb bilinuvchi inson hayotidan, uning qadridan ustun turuvchi qanday muammo bo’lishi mumkin-ki, uni shu buyuk xilqatni yo’q qilish orqali hal qilinsa. Adib bu borada o’z fikrini maromiga yetkazib ifodalay olgan.

Har qanday asarni yozish uchun yozuvchiga nimadir turtki bo’ladi, ayniqsa urush mavzusi bu borada yetkchilik qiladi. O’tkir Hoshimovning qator asarlari kabi “ Ikki eshik orasi” da ham urush daxshati, uning insonlar taqdiridagi og’ir va alamli izlari quyuq bo’yoqlarda aks etgan. Ayniqsa o’zbek xalqi rus istilosi va uning zug’umi ostida yashayotgan bir paytda, bu balo dard ustiga dard bo’lib keldi. Quloqlashtirish, xalqni ma’rifatga yetaklagan insonlarni ildizi bilan qo’porish avj olgan paytlar…

Ha, aynan shu paytda URUSH boshlandi. Kitob asar qahramonlarining hikoyalari bilan, ya’ni bir voqeani o’zining “men” nuqtai nazaridan ifodalashidan tuzilgan. Masalan, qora ammaning endi to’y qilib, orzu-havas ko’raman deb turganda, barcha niyatlarining hazon kabi uchib ketishi, ko’zining oq-u qorasi yakka-yu yolg’iz o’g’lidan judo bo’lgandagi iztirobga to’la o’ylari og’ir jumlalarda aks ettiriladi.

Yoki otasidan ayrilib, endi yangi oilaga ko’nikkan va qalbida muhabbatning ilk kurtaklari ochilgan ammo, bir lahzada hammasini

xuddi shirin tush kabi yo'qotgan va ittifoqo, bir murg'ak bola uchun o'z tog'asiga turmushga chiqishga majbur bo'lgan Robiyaning achchiq qismati o'quvchini jumbushga keltirishi aniq.

Yigitlik sha'ni, g'ururi uchun bir daqiqa ham o'ylab o'tirmay o'zini jangga yuborishlarini so'ragan va oxirgi qoni qolguncha Vatanini, ortida unga ishonib, duo qilib turgan butun xalqi, qishlog'i uchun kurashgan, sevgan yorini og'ir sog'inch girdobiga solgan Kimsan Husanovning ayanchli taqdiri hammamizga buyuk ibrat bo'lgan.

Gurunch kurmaksiz bo'lmaydi deganlaridek shunday og'ir va sinovli kunlarda o'z nafsini, faqatgina o'z foydasini o'ylaganlar ham yo'q emas edi. Sevib, sevilib turmushga chiqqan, yangi oilaning erka kelini bo'lgan Ra'no eri Shomurodni urushga jo'natadi. Ammo… ammo shayton deb atalmish yovuz mahluqning so'ziga kirib , o'z sha'niga dog' tushurib, o'zi kabi insonlar taqdiri va tinchligiga befarq bo'lgan Umar zakunchining aldovlariga, quruq yolg'onlariga aldanadi. Eng daxshatlisi urushdan qaytib, yana baxtli oila bo'lib, o'g'il ko'rgan Shomurodga qayta- qayta xiyonat qilishi va bir bolani, yolg'iz yodgori Muzaffarni tirik yetim qilishidir.

Shunday bo'lsa ham eng buyuk hakam hisoblanmish taqdir barchaga qilgan qilmishlari-yu xayrli ishlari uchun munosib javob qaytaradi. Chunki uzoq ayriliq yillarida ham sadoqat bilan, chin yurakdan mehnat qilib front ortida ishlagan, bir daqiqa ham umid qilishdan to'xtamagan ayollar, kattalar bilan tengma teng harakat qilgan bolalar tez orada urushning sovuq nafasi bo'g'ilganda – tinchlik zamonlar kelganda yetarlicha mukofot olishadi.

O'tkir Hoshimovning faqatgina yuqorida izohi keltirilgan asari emas, boshqa barcha asarlarida ham bu kabi obrazlar, bu kabi syujetlar, bu kabi topilmalar ko'p uchraydi.

"O'tkir Hoshimov asarlarida urush mavzusi" maqolasini yozish davomida o'zimga shuni xulosa qildimki, shunday tinch, shunday osuda hayotimizga shukronalik, uni asrash va bardavom qilish uchun har birimiz mas'ulmiz. Chunki bu kunlarga osonlikcha erishilmagan. Qanchadan qancha insonlarning ko'z yoshlari, jonlari, mehnatlari ketgan. Yana bir xulosani aytishim mumkinki, g'alabaga erishish uchun inson o'zi kabi boshqa bir insonning qonini to'kishi kerak bo'lgan. Bu odam hech shubhasiz og'ir hislarni boshidan kechirganligi aniq. Falsafiy fikrlar yig'indisi hisoblanmish "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" asarida ham bu mavzu yetarlicha yoritilgan:

“Urushda g’olib va baxtli podshoh bo’lmaydi, g’olib va baxtli qo’shin, g’olib va baxtli davlat, g’olib va baxtli tuzum bo’lishi mumkin. Ammo g’olib va baxtli odam bo’lmaydi. Negaki, urush odamni odam o’ldirishga majbur qiladi. Odam o’ldirgan odam esa hech qachon baxtli bo’lmaydi!”[1]

Shunday ekan, biz uchun, bizning tinchligimiz, shunday osuda kunlarimiz uchun o’z baxtidan kechgan insonlar haqqini oqlashimiz va ular sabab saqlab qolingan tinchlikni biz ham bardavom qilishimiz kerak.

Adabiyotlar

1. Hoshimov. O’. Daftar hoshiyasidag bitiklar. –Toshkent: Sharq, 2011
2. Hoshimov. O’. Ikki eshik orasi. – Toshkent:Sharq, 2013.
3. Internet ma'lumotlari

“DAFTAR HOSHIYASIDAGI BITIKLAR”NING YOZUVCHI ASARLARIDAGI HAMOHANGLIGI

Yulduz JO‘RABOYEVA,
Namangan davlat universiteti filologiya fakulteti
o`zbek tili yo`nalishi 2-bosqich talabasi

Bir donishmand: “Agar azamat chinorni bo`y-basti bilan ko`raman, desang, sal naridan turib qara, agar yonidan qarasang, uning faqat bir bo`lagini ko`rasan, uzoqdan qarasang, butun salobati bilan ko`rasan, degan ekan. Bu juda dono gap. Rassom ham yaratayotgan asarini necha martalab, orqaga bir-ikki qadam chekinib kuzatadi. Said Ahmad ham bu sartlarni so`zlar ekan, O`tkir Hoshimovning chinakkam so`z san’atkori, el ardoqlagan adib ekanligini bilishimiz mumkin. “Qalbingga quloq sol”, “Nur borki soya bor” , “Ikki eshik orasi”, “Dunyoning ishlari”, “Tushda kechgan umrlar” , “Ikki karra ikki – besh ” , “Qalbingga quloq sol” kabi qissa va romanlari, yuzdan ortiq hikoyalari el orasida mashhurdir. O`tkir Hoshimov asarlarini haqiqiy, hayotiy asarlar desak mubolag`a bo`lmaydi. Chunki asarlari hayot bilan hamohang tarzda yozilgan.

Adib “Daftar hoshiyasidagi bitiklar” asarida yozuvchi o`zi his qilgan hamma narsani to`la to`kis qog`ozga tushira olmaydi deydi.

[1] Hoshimov. O’. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. - T: Sharq, 2011.-B.210

Kitobxon esa qog`ozga tushganlarning hammasini to`la to`kis his qilolmasligini aytadi. Kitob yozayotgan qalamkashning hayajonini, kitob o`qiyotgan o`quvchi hayajonidan o`n karra kuchliroq bo`lishini ta'kidlaydi. Asar o`qiyotganingizda jinday tabassum qilsangiz, bilingki, o`sha sahifalarni qalamkash rostmana kulib yozgan. Kitobni o`qiyotganingizda ko`zingizga bir qatra yosh kelsa, bilingki, qalamkash o`sha sahifalarni rostmana yig`lab yozgan deydi adib. Bu yozuvchi asarlarining hayotiy ekanligining yaqqol namunasi.

Yozuvchi "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" asarida: "Dunyodagi eng bebaho, ammo hamisha benazir tarqatiladigan xazina bor. Bu – Ona mehri",– deb ta'kidlaydi. Va bu narsaning haqiqat ekanligini "Dunyoning ishlari" qissasidagi "O`ris bolaning oyisi" hikoyasida isbotlab beradi. Zebi hola sap-sariq, jingalak sochli, ko`k ko`z "o`ris bolasi" Valini juda yaxshi ko`rardi. Asl ismi Valentin bo`lgan bu bola urush bo`layotgan joylardan keltirilgan bolalardan biri bo`ladi. Zebi hola o`zi so`qqabosh bo`lsa ham uni asrab olib voyaga yetkazadi. Vali birinchi sinfda o`qiyotganida, bir kuni maktabiga komissiya kelib qoladi. Komissiya orqa partada dars kuzatib o`tirganida, deraza sharaqlab ochiladida, zebi holaning ovozi eshitiladi. Vali ma, non deydi Zebi hola. Hammaning diqqat e'tibori o`sha tomonga qaratiladi, Valining sariq yuzi esa olovdek yonib ketadi. Nima deyishini bilmay "nuqul" keting, deb imlaydi. Zebi hola esa derazadan ikkita arpa non uzatib turaveradi. O`qituvchi Zebi holaga bu yer maktabligini, kommisiya borligini tushuntirishga harakat qiladi. Zebi hola esa, maktabligini o`zi ham bilaman, masjidga kelganim yo`q deya do`rrillaydi. Bolasi ertalab choy ichmay och ketganini, och o`tirsinmi endi bolam, nima komissiyang non yemaydimi, bolam bir kun kech olim bo`lsa bo`lar, komissiya keldi deb tishini kirini so`rib o`tirsinmi deydi . O`tkir Hoshimovning "Dunyoning ishlari" asarini o`qib dunyodagi eng bebeho boylik – ona mehri ekanligiga guvoh bo`lamiz.

"Urushda g`olib va baxtli podshoh, g`olib va baxtli qo`shin, g`olib va baxtli tuzum bo`lishi mumkin. Ammo g`olib va baxtli odam bo`lmaydi. Negaki urush odamni odam o`ldirishga majbur qiladi. Odam o`ldirgan odam esa hech qachon baxtli bo`lmaydi". O`tkir Hoshimovning "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" asaridagi bu bitik adibning "Tushda kechgan umrlar" romaning xulosasidir.

Bu roman 80-yillardagi ko`pchilikning yostig`ini quritgan "Afg`on urushi" haqida. Inson hayoti davomida shunaqa yomon kunlari bo`ladiki, ba'zan o`sha yomon kunlarni tush bo`lib qolishini hohlaydi.

Roman qahramoni Rustam ham 80-yillar afg`on urushining qurboni desak mubolag`a bo`lmaydi. Romanda Rustam va Shahnozaning sof muhabbati tasvirlanadi. Ko`p qiyinchiliklardan so`ng ular visolga erishadilar. Ammo afg`on urushining kasofati tufayli baxtli hayot kechira olmaydilar. Rustam urushda belidan o`q yeydi va bir umrga nogiron bo`lib qoladi. Bunga chiday olmay o`z joniga qasd qiladi. Asarda Rustamning fojiyaviy qismati orqali afg`on urushining ma'nosiz mohiyati ochib beriladi. Komissar obrazi ham salbiy obrazdir. U o`zining chirkin ishlarini haq deb bilishi uning fojiasidir.

O`tkir Hoshimov ijodi to`lib, to`lg`onib, shiddat va karomat bilan oqayotgan daryodir. Adib "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" asaridagi "Shuhrat" nomli bitikda shuhratning yoqimli, ammo aldamchi narsa ekanligini aytib, uni tog` cho`qqisiga o`xshatadi. Qancha baland ko`tarilsak shuncha ko`zimiz tinadi. Va birgina nojo`ya harakat orqali jarlikka qulab ketishimiz hech gap emasligi aniqligini uqtiradi. Bu hikmat orqali biz adibning "Bahor qaytmaydi" qissasini eslashimiz aniq. Alimardonning ko`zlarini ko`r qilgan shon-shuhrat emasmi? Avvalambor, do`stga, oilaga xiyonatga undagan nima? "Bahor qaytmaydi" qissasi 1969-yilda yozilgan. Qissada yozuvchi iste'dodli, biroq uning qadriga yetmagan, ulug` maqsadlardan mahrum xudbin yigitning tanazzul tarixini, ruhiy-ma'naviy inqirozini san'atkorona tahlil etib bergan. Asar huddi musiqiy notalarning tuzilishidek tasavvur qilinadigan asardir. U "do"dan ohista boshlanib "si " bilan tugaydi. Asar Bo`ston qishlog`iga kuz kirib kelishi bilan boshlanib, Oynatog` qishlog`idagi bahor tasviri bilan yakunlanadi. Asardagi Alimardon To`rayev iste'dodli, ammo o`z iste'dodini qadriga yetmagan yigit sifatida tasvirlanadi. Asarda ikki do`stning boshidan kechirgan kechinmalari, ularning "do`st"ligi tasvirlangan. Aimardon o`z do`sti Anvarga xiyonat qiladi. Do`stining sevgilisini zo`rlab unga uylanadi. Ammo, do`stga vafoni bilmagan inson, oilaga vafo qilarmidi? Muqaddam ham uning hiyonati sabab uni tashlab uyiga ketadi va boshqa turmush quradi. Alimardon esa bu payt mashhurlikdan ancha tushgan edi. Ichkiliksiz tura olmaydigan bo`lib qoladi. Xotinini qayerda ekanligini bilib qoladi va o`glini ko`rgani boradi, ortiga qaytadi, shu payt tog`dan mashinadsi bilan birga avtohalokatga uchraydi. Asarda o`z iste'dodini qadriga yetmagan xudbin yigitning tanazzul tarixi yoritib beriladi.

Sevgi nima? Insoniyat paydo bo`libdiki, shu narsa ustida bosh qotiradi. Ammo javob topolmaydi. Agar inson sevgining barcha sir-

asrorlarini bilganida edi, uning modelini – qolipini yaratgan bo`lardi. Sevgi hech qanday qolipga sig`magani uchun ham sirli va abadiydir… dunyoda shunday tuyg`u borki, u tuyg`u insonni faqat qalbiga quloq solishiga undaydi. Adibning “Qalbinng quloq sol ” qissasining nomidanoq kitobxonni qiziqtira boshlaydi. Chunki biz insonlar har doim ham qalb amriga bo`ysinmaymiz, va aql bilan ish tutishga harakat qilamiz.

Asar bosh qahramoni Yodgor ham ota-ona mehrini ko`rmay, qiyinchilik bilan o`qishga kirgan, oila qurishda esa Aziza ismli qiz tomonidan aldangan yigit. Kutilmaganda uning hayotida yorug` kunlar boshlanadi. Charos ismli qiz hayotiga kirib keladi…

Afsuski, uning sevgisini hech kim tushunmaydi. “Kommunistik jamiyat quruvchilari” huddi unga sevish mumkin emasdek uni “sud”qilishadi.

Qissadagi salbiy, hech narsani tushunmaydigan obraz – Vasila Nazarovna. U Charosning onasi, matematika fani o`qituvchisi. O`z hayoti va o`zining o`quvchisi Dilfuza ismli qizning ham hayotini barbor qilgan ayol sifatida tasvirlanadi. U Charosning oila ko`rgan erkak bilan birga bo`lishini hohlamaydi va uni hislariga qarshi chiqadi.

Asar har bir kishini doimo qalbiga quloq solib yashashga undaydi. Inson o`z baxti uchun harakat qilishi, kerak bo`lsa kurashishga undaydi. Asarni o`qir ekanmiz, hayotda doim biz hohlagan narsalar bo`lavermasligini tushunishimiz mumkin. Vasila Nazarovna timsolida esa pedagoglar oldidagi ulkan ma’suliyatini, o`quvchini jamoa oldida izza qilmaslik kerakligini anglab yetamiz.

Xulosa qilib aytish mumkinki, O`tkir Hoshimov - haqiqiy so`z san’atkori. Adib jasoratli, qo`rqmas, haqiqatni har qanday sharoitda ham ayta oladigan yozuvchi. O`tkir Hoshimov asarlari har birimizga ma’naviy ozuqa bera oladigan sara asarlardir.

Adabiyotlar

1.Hoshimov.O'. Daftar hoshiyasidagi bitiklar.-Toshkent: Sharq, 2015 - 123, 210, 225 b.

2.Said.A. Yo'qotganlarim va topganlarim.-Toshkent: Sano-standart, 2014- 140 b.

ABDULLA ORIPOV IJODIDA SHAXS RUHIYATI TALQINI

Ruxsora ABDULHAMIDOVA,
Namangan davlat universiteti
filologiya fakulteti o'zbek tili
yo'nalishi 203-guruh talabasi
Ilmiy rahbar: ***Tojiboyeva DILFUZA***

O'zining go'zal she'riyati bilan XX asr she'riyatini yuqori pog'onalarga ko'targan ijodkorlardan biri, shubhasiz, Abdulla Oripovdir. U sermazmun va sermushohada she'riyati bilan adabiyotimizni bezadi. Nafaqat bezadi,balki bu she'riyatga yangicha ruh bag'ishladi. Abdulla Oripov har qanday voqea-hodisadan teran ma'no oluvchi va bu ma'nolarni o'z she'riyatida go'zal badiiy o'xshatma sifatida qo'llay bilgan hamda bir-biridan go'zal asarlar yaratgan buyuk ijodkordir. Shoirning har qaysi asarini olib qaramang,go'zal badiiyatga limmo-lim bo'ladi.Har bir mavzu ijodkor uchun yangi yo'nalish bo'lgan va shoir bu yo'nalisharda birdek, samarali ijod qilgan.Tabiat manzarasi va go'zalligi, mehr-muhabbat, vatan, ona, falsafiylik va bezovta ruh manzaralari aks etgan bir talay she'rlari mavjud.

Shoirning "Bahor kunlarida …"deya boshlanuvchi jumladagi she'ri bir qarashda shoir tomonidan tabiat injiqliklarining qalamga olinishidek tuyulsa-da,lekin ushbu she'rda bir vaqtning o'zida ham tabiat manzarasi,ham shoirning bezovta ruhiy holati tasvirlanganini ham yaqqol ko'rishimiz mumkin:

Bahor kunlarida kuzning havosi,
Tanimni junjiktirar oqshomgi shamol.
Nega buncha g'amgin nayning navosi,
Nega qalbim to'la o'kinch va malol. [1]

Bahor – fasllar kelinchagi. Yosh-u qari bu faslni birdek intiqlik bilan kutadi.Chunki bahor fasli o'zi bilan birga shodlik, xurramlik, go'zallik olib keladi va bunga barcha birdek ishonadi. Bolalar bu faslda qish bo'yi dimiqib uyda o'tkazgan kunlarining evaziga turli-tuman o'yinlar o'ynab yashnashsa,keksalar bahoriy gullarni ko'rib Yaratganga shukronalar keltirishadi.Bir so'z bilan aytganda bahor fasli shodlik fasli hisoblanadi, fayz va nishot ulashadi.Lekin nima uchun lirik qahramon bahor manzarasi hukm surgan davrda ham qalbi o'kinch va malollarga

to’la? Nima uchun eshitilayotgan nayning kuyi ham g’amgin?Bu savollarga o’quvchi keying bandlarda javob topgandek bo’lib boradi:

Barglar orasidan tinmasdan sira
Oshno yulduzlardan to’kiladi nur.
Bilmayman ,qiynaydi qaysi xotira,
Titroq yulduz kabi muzlagan shuur.[1]

Lirik qahramonni xotira qiynamoqda.U xotirasi uni shu holatga,zabun holatga solganki,shuuri titroq yulduz singgari muzlab qolgan,ya’ni harakatdan to’xtab qolgan.Bu xotira so’nggi banda ko’rinish beradi:

Atrofimda yotar g’arib bir viqor,
Bilmam,nega o’chdi qalbim safosi.
Nima ham qilardim,na ilojim bor,
Bahor kunlarida kuzning havosi.[1]

Atrofini shunchalik g’ariblik, yolg’izlik o’rab olganki, u yolg’izlikdan qalbining safosi, sofligi o’chdi. Demak, lirik qahramonning yolg’izlikdan, g’ariblikdan ruhi qiynalmoqda. Ushbu bandning uchinchi misrasida shoir badiiylikni oshirish uchun ritorik so’roq gapdan foydalangan. Insonda kayfiyat qanday bo’lishiga qarab ,tashqi muhit ham unga shunday ta’sir ko’rsata oladi.Baxtiyor inson har qanday fasldan go’zallik izlaydi va bu go’zallikni topadi. Qahraton qish ham u uchun bahordek iliqlik va quvonch baxsh etadi. Baxtsiz inson uchun ham fasllar farqlamaydi, chunki u doimo tushkun,mahzun holatda, u uchun har bir fasl qishdek qahrlidir. Lirik qahramon ham bahor kelsada undan shodlik, go’zallik topmayapti,chunki uning buyuk dardi bor. Bu dard unga “Bahor kunlarida kuzning havosi “.deyish uchun yetarlidir.

Bir vaqtlar ilhomning o’tli tig’ida ,
Falakni ko’zlardi mening ham sozim.
Lekin ikki daryo oralig’ida ,
Qolib ketdi mening o’sha ovozim.[1]

“Muallaq gaplarni so’zlama menga” deya boshlanuvchi she’r ham yuqoridagi she’rning mantiqiy davomi singari ruhiyat kasb etadi.Lirik

qahramon yana o’sha bolalik davridagi orzularni xotirlaydi.Har bir inson bilamizki, bolaligidan boshlab olam –olam orzular ichida yashaydi.Ota-ona bu orzularni doim ham qo’llab quvvatlayvermaydi,yoki bola shu orzusida qattiq turib oxirigacha kurasha olmaydi.Shunday sabablar yig’ilib inson bolasidagi ulkan orzular so’na boshlaydi.Lirik qahramonning ham falaklarni ko’zlaydigan orzulari mavjud bo’lgan .Lekin tashqi omillar ta’siri ostida bu orzular “ikki daryo oralig’ida” qolib ketgan. Bu o’rindagi “ikki daryo oralig’i”istilohiga to’xtalib o’tsak, buni ikki xil ma’noda tahlil etish mumkin. Birinchidan, falaklarni ko’zlagan orzu, avvalo, dunyoni ko’zlamog’i kerak. Dunyoni ko’zlagan lirik qahramon, falak u yoqda tursin,hatto dunyoni ham ko’rolmadi. U o’z hududida muallaq qolib ketdi. O’z hududiga “ikki daryo oralig’i” nomini berish mantiqan to’g’ri chunki, O’zbekiston Amudaryo va Sirdaryo oralig’ida joylashgan. Bu o’rinda Qadimgi sharqning buyuk davlatlaridan biri Mesopotamiya ham “ikki daryo oralig’i” tasviriy ifodasi bilan atalgan. Bu tasviriy ifodalarni shakldosh deb qarashimiz kerak. Negaki shoir o’zining yashash hududini nazarda tutmoqda. Ikkinchidan, lirik qahramonni ikki daryoning orasida qolishi, dunyo tashvishlari, tashqi muhitlar, yaqinlarining rayi uni orzularini har taraflama o’rab olganki,bu to’siqlardan oshib u falakni ko’zlovchi orzulariga erisha olmadi.

Abdulla Oripov shuningdek, didaktik usulda ham bir qancha she’rlar yaratgan. Xususan, “Bobo va nabira” nomli she’rda nafaqat yosh avlodga, balki keksalarga ham taalluqli jumlalar uchraydi. Bu she’r orqali shoirning barcha adolatsiz narsalardan to’lqinlanuvchi va isyonkor ruhini ko’rishimiz mumkin.

Imillab boradi yo’lda mo’ysafida,
O’tgan asrlarning xayoli boshda .
Yonida tipirlar nabirasi xit,
Qo’yvorsa yetguday shahdi quyoshga!
Chol-chi, tutmish uning qo’lidan mahkam,
Nabira ko’zida andisha-yu zor.
Ota,nabirangni ozod qo’y bir dam,
U hali uzoqqa ketmog’i darkor.
U hali nomingni ko’ksiga joylab ,
Samolar qo’ynida urgusidir barq.
Uni qadamingga tashlama bog’lab,
Qo’yvor nabirangni,otajonim, Sharq…[1]

Abdulla Oripovning ushbu she’ri ham yuqoridagi she’rlar singari isyonkor ruhiyat kasb etadi. Nabiraning qo’lidan mahkam tutgan bobo va tipirchilab uning qo’lidan chiqishga intilayotgan, shahdi quyoshga yetgudek nabira tasvirlangan ushbu she’rda, farzandni o’z holiga qo’yish,uni orzulari uchun eshik ochish,har tomonlama qo’llab quvvatlash, fikrini rag’batlantirish, o’y-xayollariga hamnafas bo’lish kabi da’vatlardan iborat.Bir qarashda oddiygina kundalik hayotimizda uchraydigan holat-ku deb bu she’rga parvo qilmasak,yoki bobo va nabiraning hayotida doimiy takrorlanadigan voqea-hodisa deb o’ylasak xato qilamiz.

Azal-azaldan Sharq xalqlari farzandlarini, avlodlarini taqdirini o’zlari hal qilib kelishgan, uni kim bo’lishi, hayotda nima marralarga erishishi,kim bilan do’st bo’lishi, kim bilan oila qurishi hamma – hammasini ota-onalar, buvi-buvalar belgilab bergan, farzandning o’ziga yoqqan ishini qilishiga yo’l qo’yilmagan, ota-ona aytganini qilmagan, ”chizig’idan chiqqan” farzandlar esa malomat qilingan. Muqaddas dinimiz buyurganidek, ota-ona yaqinlarga mehr-muruvvatli bo’lmoq bizning birinchi farz amallarimizdan hisoblanadi. Lekin dinimiz ham tobelikni qoralaydi, har bir insonni mustaqil fikr yuritishga, sog’lom shijoatga ega bo’lishga, ko’ngliga suyumli ishlar bilan mashg’ul bo’lishga undaydi. Aynan, bu she’ri orqali Abdulla Oripov katta munozarani ko’targan.Ya’ni har taraflama kelajak avlodni barkamol shaxs sifatida shakllanishi uchun uni qo’llab quvvatlash, uning fikriga baqamti bo’lish kerakligini aytmoqchi.

Abdulla Oripov o’zining samarali umri davomida kelajak avlodning farovon hayoti uchun o’z ijodi bilan, o’tli nafasi,yoniq she’rlari bilan kurash olib bordi. Bu kurashning qanchalar mashaqqatli bo’lganini quyidagi she’r isbotlab beradi:

Vaterloda xato qildi Napoleon,
-Jahongirning qaytdi shu kun omadi.
Mana o’tsa hamki, necha ming zamon,
U haqda gapirmagan odam qolmadi.
Temur payg’ambarlar qasosi uchun
Yetmish ming insonning oldi boshini.
Uni qarg’adilar xatosi uchun,
Hamon otmoqdalar ta’na toshini.
Xato qilgan bo’lsam kechirgin ,bolam,

Yuz yil davomida cho'zaverma bas.
Ko'rib turibsan-ku,men-oddiy odam.
Napoleon emasman,Temur ham emas.[1]

Xato, gunoh, ayb so'zlari o'zaro bir ma'noni ifodalash uchun xizmat qilsa-da,ular bir biridan uslubiy jihatdan farqlanadi,ya'ni aybdan ko'ra xatoning darajasi yuqoriroq turadi.Xato qilishdan hech qaysi inson holi emas. Negaki, inson borki, u bilan birga nafs ham bor. Nafas insonni har ko'yga sola oladigan qudratli kuchdir.Bu kuch oldida hattoki Napoleondek buyuk qo'mondon ham mag'lub bo'ldi. Uning xato qilishiga ham shu nafs sababchi edi. Temurdek buyuk sarkarda ham minglab insonlar uvoliga qoldi. Endi she'rdagi lirik qahramon o'z farzandlariga murojaat qilib shunday buyuk zotlar xatoga yo'l qo'ygan bir paytda meni xato qilishim hech gap emas, agarda xato qilgan bo'lsam yuz yillar davomida adovat to'niga burkanib mendan ranjimagin, ko'rib turganingdek men bir oddiy odamman, meni kechirgin deyapti. Ushbu she'rda ham shoirning samimiy ruhiyati to'la gavdalanadadi.

Inson qalbi bilan hazillashmang siz,
Unda millat yashar,unda til yashar.
Unda ajdod faxri yashaydi so'zsiz,
Unda istiqomat qiladi bashar.
Inson qalbi bilan hazillashmang siz,
Unda ona yashar,yashaydi Vatan.
Uni jo'n narsa deb o'ylamang hargiz,
Hayhot!Qo'zg'almasin bu qalb dafatan…![2]

"Inson qalbi"nomli yuqoridagi she'r ham Abdulla Oripov tafakkurining mahsuli hisoblanib, bu she'rda ham shoirning isyonkor va g'ayratga limmo-lim ruhiyati jilvasini ko'rishimiz mumkin. Bizga ma'lumki, qalb mavhum tushuncha, uni qayerda joylashgani, shakli noma'lum. Lekin qalbning og'riganini, quvonganini, dard chekayotganini sezish mumkin. Shoir bu she'r orqali Inson qalbining naqadar buyuklik kasb etishini isbotlagandek go'yo. Inson qalbi butun millatni, tilini, ajdodlar faxrini, ota-ona, Vatanni o'zida jamlagan bo'ladi. Uni qo'zg'alishi ofat keltirishi mumkin. Shuning uchun shoir

inson qalbi bilan hazillashmang demoqda, negaki insonni qalbi qudratli kuchdir.

Dunyoda ko'p narsa unutiladi:
Qashshoqlik, martaba,quvonch, qayg'ular.
Unutilib borar muhabbat dardi,
Unutilar yillar, yo'llar, tuyg'ular.
Qirq yillik adovat unutilar sekin,
Unutilar hatto yurakdagi darz
Yaxshilarning mehri unutilmas lekin,
Unutilmas ular oldidagi qarz.[3]

Shoir vaqtning o'tkinchiligi va bu o'tkinchi hayot singari hamma narsaning foniyligini sakkiz qatorli she'rda jamuljam qilib berdi.Vaqt dardga davo deyishadi. Har qanday yomon xotira ham,yaxshi xotira ham kezi kelib unutlishi mumkin. Muhabbat kabi ilohiy tuyg'uni ham hayot tashvishlariga aralashib unutib yuborish hech gap emas. Qachonlardir sizga ozor bergan,poyoni yo'qdek tuyulgan dardlaringiz ham mas'ud damlar osmoningizda qanot yoygach yodingizdan faromush bo'ishi mumkindir, lekin yaxshi kuningizda ham,yomon kuningizda ham yoningizda muqim turib, sizga dalda bo'lgan,quyoshdek tafti bilan sizga mehr ulashgan insonlarni hech qachon unutmaysiz, unutolmaysiz. Xalqimizda qadimdan yaxshilik qilgan insonlar qadrlanib kelinadi. Boshiga kulfat tushgan odam yaqinlaridan najot kutadi, bunday paytda inson yaqinlariga suyanadi, xuddi shu damda unga yaxshilik qilgan inson ham, yomonlik qilgan inson ham uning esidan chiqmaydi. Shoir ham bu she'r orqali shunday insonlarning mehri unutimasligini va ularning oldida umrbod qarzdor ekanligini ta'kidlab o'tgan.

Abdulla Oripov buyuk so'z san'atkori bo'lib, barcha uchun yuqumli tuyg'ular yarata olgan ijodkor. O'zining barq urib turgan hissiyotlarini o'quvchining ruhiyatiga ham ko'chira olgan siymo. Meni bu ijodkorning she'riyati doim o'ziga shaydo qilib keladi. She'rlari shu qadar samimiyki bir-ikki bor takrorlashning o'zida yod olaman. Shoir she'rlaridagi ruhiyatni o'zimda his qilaman. Har bir she'rining, har bir misrasi so'zlarigacha menga tuyg'u ulashgandek bo'laveradi. Oddiygina so'zlarga ham o'zining samimiy ruhiyatini qorishtirib yuboradi.

Masalan, insonlarning vafoti munosabati bilan,kishilar bir –biriga sabr tilashadi, marhumni chiroyli yodga olishadi, yaqinlariga hamdardlik bildirishadi. Abdulla Oripov esa marhumni tabriklaydi. Bu dunyoning qiyinchiliklari, fisq-u fasodlari, g'urbatlari, armonlaridan qutulgani bilan qutlaydi:

Sen ketding, qolganlar
O'ynasin, kulsin,
Makoning, iloyo,
Nurlarga to'lsin.
Aslida bu dunyo
Tashvishlaridan
Qutulib ketganing
Mubora k bo'lsin![4]

"Taziya"nomli ushbu she'r juda kuchli falsafiylikka ega. Marhumni o'ziga yaqin olgan lirik qahramon uning dunyoni tark etishi munosabati bilan qayg'uda emas. Negaki, bu foniy dunyoni tark etish har bir bandaning boshida bor. Endilikda uni makonini nurlarga to'la bo'lishini tilamoqda, qolganlarni esa o'ynab kulsin, ya'ni umrining borini chiroyli tarzda yashab o'tishga da'vat etadi. Dunyo g'amlarga, hasratlarga to'la. Bu hasratlardan qutilish uchun bu dunyoni tark etish kerak. Abdulla Oripov taziyadek mahzun holatdan, kayfiyat, ezgu kayfiyatni yasay olgan. Ijodkorning asl muvaffaqiyati ham shunda emasmi? So'z bilan ommaga ta'sir o'tkaza olgan ijodkorgina asl so'z san'atkori hisoblanadi.Shuning uchun ham Abdulla Oripov asr qahramoni sifatida talqin etiladi.

Adabiyotlar

1. Oripov A. Qush tili.–Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1991
2.Oripov.A Najot qal'asi Toshkent: G'Gulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1981
3. Oripov.A.Surat va siyrat Toshkent: Yosh gvardiya nashriyoti, 1981
4. Internet ma'lumotlari:t.me/abdullaorif. Abdulla Oripov she'riyati telegram kanali

JAHON MINBARIDA YANGRAGAN TILIM!

Nigora MAMARAHIMOVA,
To‘raqo‘rg‘on tumani xalq ta’limi bo‘limi
2-toifali ona tili va adabiyot fani metodisti

“Bizning yoshlar, albatta, boshqa tilni bilish
uchun sa’y-harakat qilsinlar, lekin
avval o‘z ona tilini ko‘zlariga to‘tiyo qilib,
ehtirom ko‘rsatsinlar. Zero, o‘z tiliga sadoqat bu vataniy ishdir”.
(Is‘hoqxon To‘ra Ibrat)

Suvsiz daryo bo‘lmaganidek, tilsiz millat ham vujudga kelmaydi. Til-millatning birligi, or-nomusi, orzu-umidlari, uning ma’naviy qiyofasi va kelajagidir. Til - millatni, butun bir jamiyatni yagona xalq sifatida o‘z atrofida birlashtiradi. Har bir millatning o‘z Vatani, oilasi bo‘lgani kabi uning jonajon va betakror o‘z ona tili ham bo‘ladi. Jamiyatdagi insonlar uchun uning tug‘ilib o‘sgan o‘z vatani, oilasi, ota-onasi qanchalik qadrli bo‘lsa, uning o‘z ona tili ham shu qadar aziz va muqaddasdir. Hattoki, yangi tug‘ilgan go‘dak ham o‘zligini, Vatanini, atrof-muhitni, dunyoni - ona allasi, o‘z ona tili orqali taniydi. 1989-yil 21-oktabrda o‘zbek tilimizga davlat tili maqomi berilgan bo‘lsa-da, lekin amalda hujjat ishlari, davlatlar o‘rtasidagi rasmiy munosabatlar rus tilida olib borilgani barchamizga ma’lum.

Mustaqilligimizning ilk kunlaridan boshlab, davlatimiz tomonidan barcha sohalar qatori o‘zbek tilimizga ham e’tibor kuchaydi. O‘zbek tilimizning butun xalqaro maydonda obro‘-e’tiborini oshirish, uni yuksaltirish va eng asosiysi kelajak avlodga sof holda yetkazish yo‘lida sa’y-harakatlar boshlandi.

O‘zbekiston Respublikasining 1993-yil 2-sentabrdagi “Lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosini joriy etish to‘g‘risida’gi qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1995-yil 24-avgustda “O‘zbek tilining asosiy imlo qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 339-sonli Qarori, 2019-yil 21-oktabrdagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5850-sonli Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 20-yanvardagi “Mamlakatda davlat tilida ish

yuritishni samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlari bunga yaqqol misoldir.

Joriy yilning 23-sentabr kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasida ilk marotaba o‘zbek tilida nutq so‘zladi. Bu esa butun o‘zbeklar, butun turkiy xalqlar bo‘lgan qardosh davlatlar uchun ham eng quvonchli, eng lahzali onlar bo‘ldi. Davlat rahbarimiz ushbu nutqi orqali ona tilimizning naqadar jozibali, ohangdor, takrorlanmas ekanligini butun dunyoga yana bir bor namoyon etdi.

O‘zbek tili-millatning ko‘zgusi, o‘zbegimning libosidir. Bugun butun dunyo ona tilimning jozibasini, latofatini, sehrini, ohangini eshitdi. Mustaqillik tufayli ushbu nufuzli xalqaro minbarda birinchi marta ona tilimiz bo‘y ko‘rsatdi. Bir paytlar turkiy tilim, o‘z ona tilim yupun va g‘arib holatga kelib qolgan edi. Navoiy yozadi:

Turk nazmida chu men tortib alam,
Ayladim ul mamlakatni yakqalam,-ya’ni

“Men turkiy she’r bayrog’ini baland ko’tarib, turkiy dunyoni yakdil va yaktil qildim”.[1,354] XV asrgacha Oltin O’rda (Qipchoq-Xorazm) doirasida qo’llanib kelgan turkiy adabiy til Navoiyning qudratli dahosi tufayli umuman turk qavmlarining mushtarak adabiy tiliga aylandi va, tabiiyki, birgina Xuroson-u Movarounnahr doirasida qolmay, turkiy xalqlar yashaydigan barcha hududlarga kirib bordi. Uni turkmanlar ham, ozarbayjonlar ham, usmonlilar ham qabul qildilar. U sharqiy Turkistonda ham mavqe, martaba topdi. Movarounnahrning o’zida esa undan milliy uyg’onish davri deb atalgan XIXasrning oxiri XX asrning boshlarigacha adabiy til sifatida foydalanildi. Shu jihatdan Navoiyning:

Agar bir qavm, gar yuz, yo’qsa mingdur,
Muayyan turk ulusi xud meningdur.
Olibmen taxti farmonimg’a oson,
Cherik chekmay Xitodin to Xuroson,-

ya’ni “Turk ulusi bir qavm bo’ladimi, yuz yoki ming qavm bo’ladimi u menikidir. Men Xitoydan Xurosongacha bo’lgan hududni askarsiz zabt etdim”,-degan satrlarida katta ma’no bor edi.Buyuk shoir millatning

millat bo’lishidagi birinchi xususiyati til ekanligini , adabiy til esa uning birligini ta’minlashdagi buyuk omil ekanligini yaxshi anglar edi. [1,353]

O‘zbek xalqi milliy madaniyatining jonkuyari, ma’rifat fidoyisi bo‘lgan Abdulla Avloniy “Har bir millatning dunyoda borligini ko‘rsatadurg‘on oyinai hayoti til va adabiyotdir. Milliy tilni yo‘qotmak, millatning ruhini yo‘qotmakdur”, yoki sevimli shoirimiz Erkin Vohidovning “O‘zbek tilim boshqalarga qandoq bilmayman-u, lekin men uchun dunyoda eng boy, eng go‘zal, eng barkamol til. O‘zbekcha gapirib tilim chiqqan, qo‘limga qalam olib o‘zbekcha yozganman, qalbim sevinchlari va iztiroblarini o‘zbekchada qog‘ozga tushirganman. Unga mehrimni, minnatdorligimni izhor etib bir kitob yozsam degan niyatim bor. Yozganlarim she’r bo‘lmasa-da she’rdek o‘qilsa deyman. Ona tilimning ko‘rki, barvasta qomati sahifalaridan bo‘y ko‘rsatib tursa, deyman. Orzularim ko‘p. Qani edi parvozim orzularim qadar yuksak bo‘lsa…” degan so‘zlari naqadar haqiqat. Yillar o‘tib, globallashuv jarayoni ortib borar ekan, til hamisha himoyaga muhtoj bo‘lib qolaveradi. Shunday ekan, mazmunan buzilayotgan so‘zlarimizning asl mohiyatini saqlab qolish, uni o‘z farzandlarimizga, kelajak avlodga sof holda yetkazish, asrab-avaylash, unga hurmat ko‘rsatish barchamizning eng asosiy vazifalarimizdan biridir.

Zero, o‘zbek romanchiligining asoschisi Abdulla Qodiriy “O‘zbek tili kambag‘al til emas, balki o‘zbek tilini kambag‘al deguvchilarning o‘zi kambag‘al. Ular o‘z nodonliklarini o‘zbek tiliga to‘nkamasinlar”,- degan fikrlari hamisha yodimizda saqlanib qolsin.

Adabiyotlar

1 29 Mizon.O’zbek tili milliy kuni (Maqolalar va she’rlar to’plami) .Kobul – 2020. “Til millatning ruhi”. Normahmatova I.

2 O‘zbek tilining imlo lug‘ati – Toshkent. “O‘qituvchi” nashri 2003 yil

3 Exsonov M. Ilmiy maqola yozishning nazariy asoslari. Ta’lim va fan jurnali № 3-son

4 Internet saytlari:

til.gov.uz

ziyonet. Uz

ODIL YOQUBOVNING PERSONAJ RUHIY OLAMINI YORITISH USULLARI

Gulchiroy TURDALIYEVA,
NamDU talabasi

O‘zbek romanchiligida xarakterlar ruhiyatini chuqur va har tomonlama yoritishda Odil Yoqubovning ulushi salmoqli. U A.Qodiriy, Cho‘lpon, Oybek, A.Qahhorlar boshlab bergan mumtoz realistik romanchiligimizdagi psixologik tasvir tamoyilini ham zamonaviy, ham tarixiy mavzulardagi romanlarida bir necha pog‘ona yuqoriga ko‘tardi.

Odil Yoqubov “Ko‘hna dunyo” romanida har qanday tasodifiylik hamda zaruriylikni ruhiyat tasviri orqali dalillashga intildi va bunga kitobxonni ishontira oldi. Bunda u ruhiyat tasvirining ikki xil usulini o‘rni-o‘rni bilan mohirona qo‘llay olishi bilan erishdi. Birinchi usulga ko‘ra, u asardagi u yoki bu xarakterga muallif nuqtai nazaridan, ya’ni tasvirlanayotgan vaziyat va holatdan kelib chiqqan holda muallif bayoni orqali xarakterga tavsif berishga intiladi. Biroq bu usul O.Yoqubovning romanlari uchun u qadar xos emas. Shu bois u “Ko‘hna dunyo” romanida juda kam uchraydi. Ikkinchi usulga ko‘ra, adib harakterlar faoliyati va ruhiyatiga roman personajlari nigohi bilan yondashib, ularning mezonlari orqali baholaydi.

Adib asarining badiiy noqislikdan asrab, unga o‘zgacha estetik tarovat baxsh etgan omillar bu ruhiyat tasviri quyuqligi va shakllaridan samarali foydalanilganidir.

Roman syujetini tahlil etish mobaynida yozuvchining syujetning retrospektiv usulidan samarali foydalanganligini dalillar yordamida aytib o‘tgandik. Retrospektiv syujet esa o‘z navbatida assotsiativlikka asoslanadi. Assotsiativ ifoda usuliga to‘xtaladigan bo‘lsak, bu ifoda usuli haligacha adabiyotshunosligimizda yetarlicha tadqiq etib, o‘rganilmagan. Jahon adabiyotshunosligida bu xususda bir qator olimlarning tadqiqotlari va fikrlari mavjud. 80-yillar o‘zbek nasriga assotsiativlikka asoslangan yangi ong oqimi adabiy yo‘nalishi kirib keldi. Tadqiqotchi T.Jo‘rayev ta’kidlaganidek: “Mazkur yo‘nalishni biz Murod Muhammad Do‘st, G‘affor Hotamov, Olim Otaxon singari kenja bo‘g‘in adiblari ijodida ko‘ramiz”.[1]

Assotsiativlik o‘zi nima? Ushbu savolga javob bersakda, keyin asardagi assotsiativlikni ko‘rib chiqsak. Assotsiativ yo‘nalish

[1] Jo‘rayev T. Ong oqimi va tasviriylik. – T.,1994.4-b.

adabiyotimizda hali yangi yo‘nalishlardan bo‘lib, asosan, u badiiy asarlarda xotira, ong oqimi retrospeksiyasida namoyon bo‘ladi. Inson bir narsani ko‘rganda xotirasida u bilan bog‘liq bo‘lgan yoki unga o‘xshash boshqa bir narsa yoki odam yo voqeani esga tushishi assotsiativ hodisa hisoblanadi. Masalan biron gulni ko‘rganimizda huddi shunday gul bilan sodir bo‘lgan biror voqeani esga olsak yoki ichki nutq ila eslasak, ushbu jarayonda assotsiativlikni namoyon bo‘lishi deb aytishimiz mumkin. Masalan, beshik so‘zini eshitganimizda onamizni, bolaligimizni yoki aynan uyimizdagi beshigimizni eslashimiz – bu aynan assotsiativlikdir. Yozuvchi o‘zining “Ko‘hna dunyo” asarida shu kabi holatlardan unumli foydalangan va asar syujetini yanada boyitgan. Asarda keltirilgan assotsiativliklarni biz eslash retrospeksiyasida, ong oqimida kuzatishimiz mumkin. Masalan, asarning Ibn Sino obrazida huddi shu holatni kuzatishimiz mumkin. Ya’ni Ibn Sinoni Alouddavla chaqirib, Mahmud G‘aznaviydan elchi kelganini, yerni tagidan bo‘lsa ham tabibni topib kelinsin degan farmoni borligini aytib, u bilan maslahatlashmoqchi bo‘ladi. Ibn Sino esa sultonni huzuriga borishdan bosh tortib, qochib ketishni, darbadarlikda yurib, hayot kechirishni tanlaydi. Shogirdi Juzjoniy bilan Hamadondan bosh olib chiqib ketishadi va Rabot yaqinida to‘xtab, chodirlarini tikishadi. O‘sha Rabot yaqinida bir qishloq bo‘lib Ibn Sino tong kun botib, qosh qorayganda sayr qilib yurib, uzoqdan o‘sha qishloqni ko‘rib qoladi va o‘z tug‘ilib o‘sgan qishlog‘i yodiga tushadi:

“– Ajab hol! – dedi shayx. – Bu dasht, bu adirlar xuddi Buxoro tevaragidagi dasht-u adirlarga o‘xshaydi. Anov qishloqlar esa yo tovba! – xuddi kamina tavallud topgan Afshonaning o‘zi. Baayni o‘zi!..”(15-bob, 199-b).

Ushbu holat aynan assotsiativ ifoda usuliga namuna bo‘la oladi. Yana ushbu romanning Beruniy obrazida huddi shunday holatlarni guvohi bo‘lishimiz mumkin. Ya’ni Sadafbibini ko‘rganida, uning ovozini eshitganida Rayhonabonuni eslashi ham yoki Piri Bukriyni ko‘rganida ham u bilan bog‘liq xotiralarni eslashi, u bilan bog‘liq bo‘lgan ikki ayolni eslashi ham assotsiativlikka yaqqol dalildir. Tabiat tasvirining assotsiativlikka ulanib ketish holatlari ham mavjud:

“Qirlar ustidagi oqish tuman tarqab, dasht butun latofati bilan namoyon bo‘ldi. Ana, ko‘kdagi siyrak oq bulutlar lovillab yona boshladi, qirlar ortidan ko‘tarilgan oftobning serjilva o‘ynoqi nurlari giyohlar bargidagi shabnam bilan o‘pishib, butun dashtni ajib bir

shu’laga cho‘miltirdi-yu, yiroqdagi bog‘lar boyagidan ham yashnab ketdi.

Shu kabi assotsiativlik holatlari boshqa personajlarda ham uchraydi. Masalan, Mahmud G‘aznaviyning Abul Hasanak uyushtirgan soxta ovidagi bo‘lgan hodisalar, ya’ni kiyik bolasi bilan bog‘liq hodisalar otasini, otasi bilan sodir bo‘lgan voqealarni eslatishi va shu sababli ko‘ziga yosh olishi ham assotsiativlikka namunadir. Bundan shu narsa ayon bo‘ladiki, “Ko‘hna dunyo” romani assotsiativ syujet asosiga qurilgan. Undagi voqea-hodisalar qahramonlar o‘y-hayollari orqali mushohada qilinadi va ifodalanadi. Tabiiyki, bunday syujetli asarda yuqorida aytib o‘tganimiz ichki monologga ko‘proq o‘rin ajratiladi. Asarning deyarli barchasida ichki monolog holatlari mavjudligini asarni o‘qib chiqish davomida guvohi bo‘lishimiz mumkin. Assotsiativ ifoda usulidan o‘zbek adabiyotida sanoqli adiblarimiz foydalangan bo‘lib, ularga biz Murod Muhammad Do‘stning “Lolazor” asarini misol qilib keltirishimiz mumkin. 90-yillarga kelib esa bu usulni yana Omon Muxtor asarlarida uchratishimiz mumkin. “Ko‘hna dunyo” romanidagi assotsiativlik keyingi davr adabiyotida yetakchi o‘rinni egallay boshladi.

Romanda qo‘llanilgan mistifikatsiya usuliga to‘xtalib o‘tsak, mistifikatsiya badiiy tasvir usullaridan biri hisoblanib, o‘zbek adabiyotiga esa bu hodisa yangilik hisoblanadi. Mistifikatsiya usuli asarga sirli tus berish, mavjud bo‘lmagan shaxsga yoki voqeaga kitobxonni ishontirishdir.

O‘zbek adabiyotida mistifikatsiya hodisasining badiiy talqinlari xususida N.Karimov, S.Meliyev kabi olimlarning qiziqarli ilmiy mulohazalari mavjud.[1]

“Ko‘hna dunyo” romanida mistifikatsiya usuli namunasi bu Abu Ubayd Juzjoniy kundalik xotiralarining qo‘llanishidir. Ushbu kundalik xotiralari asarning to‘rtta joyida uchraydi. Kundalikni haqiqiy emas deyishimizga yetarlicha sabablar mavjud. Chunki ushbu kundalik haqida hech qaysi ilmiy manbalarda ma’lumot yo‘q, ammo Juzjoniy degan insonning Ibn Sino atrofida bo‘lganligi haqidagina dalil mavjud bo‘lib, muallif aynan shu tarixiy obrazni to‘qima obrazga aylantirishga erishgan. Yu. Zavadovskiyning ta’kidlashicha, Ibn Sino shogirdi Abu Ubayd al-Juzjoniyga 1012-yillar atrofida hayotining birinchi yarmini qamrab olgan o‘z tarjimayi holini yozdirgan. Tarjimayi holning qolgan qismini Juzjoniy Ibn Sino bilan so‘nggi kunlarigacha birga

[1] Karimov N. “Boy ila xizmatchi” dramasining ijodiy taqdiri//Hamza Hakimzoda Niyoziy ijodi problemalari. –T., 1985. 62-63-B; Meliyev S. “Boy ila xizmatchi” yoki tiklangan nusxa muammosi//Yoshlik.-1989 71-B.

bo‘lganligidan kelib chiqib, o‘zi yozgan.[1] Abu Ubayd Abdulvohid al-Juzjoniy ham Ibn Sino 32 yoshligida Jurjonda tanishib, 25 yil davomida ustoz-shogird sifatida hamkorlik qilishganini tasdiqlaydi.[2] Shunday bo‘lsada, lekin Juzjoniy kundaligi haqida ilmiy dalil mavjud emas. Yozuvchining bu kundalikni yaratishidan va asar mazmuniga singdirishidan maqsad shuki, yozuvchi shunday buyuk siymoni ichki olami, duyoqarashi bilan kitobxonni yaqindan tanishtirish hamda uning buyukligiga insonni yana bir bor amin etishdir. Kundalik xotiralari markazida Ibn Sino bo‘lib, Juzjoniy esa faqat hikoyachi vazifasini bajargan. Kundalik Ibn Sinoning butun bir dunyosi, hayotida sodir bo‘lgan voqealar ilmiy yozishmalari, hissiyotlarini ochishdagi muhim vosita rolini o‘ynagan. Kundalikda keltirilgan ma’lumotlarning aksari rost bo‘lsa, ba’zilari yozuvchi ijodiga taalluqlidir. Ya’ni Ibn Sino yozib qoldirgan kitoblari, ilmiy yozishmalari, ilmiy asarlari tegishli ilmiy manbalar asosida yozilgan bo‘lsa, uning hissiy kechinmalari, sevgi bobidagi kechmishlari, hissiy she’rlari esa yozuvchining badiiy mahorati bilan bog‘liqdir. Gapimizning misoli sifatida, kundalikda Ibn Sino tomonidan bir qo‘shiq bayoni berilgan:

Dilimda ona yurt dog‘i, bu dardning bormi davosi,
Eram bog‘idan afzaldir ona yurtingni sahrosi.
Ko‘zimga to‘tiyo qilgum agar bir kun guzar etsam,
Musofir xirqasin tashlab diyorim vasliga yetsam.

1. Ushbu romanda yozuvchi ushbu maqsad yo‘lida, nafaqat mistifikatsiya usulidan, balki xalq og‘zaki ijodidan ham foydalangan. Muallif romanning bir necha o‘rinlarida rivoyatlardan, hikoyatlardan, mif(asotir)lardan, xalq afsonalaridan foydalangan. Bu jarayon o‘zbek adabiyotigagina xos bo‘lib qolmay, balki jahon adabiyotida ham ushbu hodisani guvohi bo‘lishimiz mumkin. Ko‘hna dunyo romani poetikasida ham asotirlar, afsona va rivoyatlar katta o‘rin tutadi. Ushbu asarda assotsativlik hodisasi qahramonlarning tasviri, o’y-hayollari, ichki monologlar vositasi yoritib berilganligini ko’rishimiz mumkin. Mistifikatsiyaga esa kitobxon o’zbek adabiyotida yangilik sifatida ushbu romanda yoritib berilganligiga guvoh bo’ladi.

2. O.Yoqubovning romanchiligi zamonaviy o□zbek nasrining badiiy tasvir imkoniyatini, ko□rku salobatini ko□rsatishi bilan

[1]Завадовский Ю.Н.Абу Али ибн Сино. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1958.-с-10.
[2] AL Juzjoniy. Abu Aliga moyil bo‘lgim kelardi//Guliston,1980, - 20-b.

xarakterlidir. Muallif bu asarida inson, uning hayotdagi o□rni, o□z taqdirini belgilashdagi ishtiroki, adolat, haqiqat va ularning tantanasi to□g□risidagi qarashlarini turlicha tabiatli shaxslar qismati misolida ifoda etadi. Yozuvchi inson hayoti ma'nisini anglamoqchi bo□lgan faylasuf sifatida ko□rinadi.

3. Demak, niyat tug'ilishidan boshlab asar tugagungacha bo'lgan jarayon badiiy shaklning shakllanish jarayonidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.Xolmurodov. Odil Yoqubov romanlarida psixologizm. –T., 1991.
2. Qurbonov T.J. O.Yoqubovning portret yaratish mahorati. NDA. – T., 1997.
3. Solijonov Y. XX asrning 80-90-yillari o'zbek nasrida badiiy nutq poetikasi. Filologiya fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya.-Toshkent: TAI, 2002.
4. Karimov B. Adabiyotshunoslik metodologiyasi. –Toshkent: Muharrir, 2011.-88 b;
5. Karimov B. Ruhiyat alifbosi. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016.
6. Успенский Б.А. Поетика композиции. Структура художественного текста и типология композиционных форм. –СПб.: Азбука, 2000.
7. Umurov.X. Badiiy psixologizm va hozirgi zamon romanchiligi. – T.: Fan.
8. Потебня А.А. Эстетика и поетика. – Москва: Искусство, 1976. а - 614 стр.
9. Karimov H. Janriy yoki uslub. T., Fan. 1991.
10. Shukurov N. Uslublar va janrlar. T., Adabiyot va san'at.1973.
11. Niyatov Ch. O'zbek prozasida xarakter problemasi. T., Fan, 1984.
12. Sultonova M. Yozuvchi uslubiga doir. T., Fan. 1973.
13. Odil Yoqubov. Ko'hna dunyo. – Toshkent, 2015
14. Yoqubov O. Saylanma. 3 jildlik. 2-jild. T., Adabiyot va san'at. 1986.

ТУРҒУН ПЎЛАТНИНГ МАҚОЛ ВА МАТАЛ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

Носиржон УЛУҚОВ,
НамДУ профессори,
филология фанлари доктори

“Ичкуёв” қиссасининг тилининг соддалиги ва оммабоплигини таъминлаган лисоний унсурлардан яна бири ёзувчининг халқ мақоллари, маталлари ва ҳикматли сўзларини яхши билиши, уларни асарда ўринли ишлата олганлигидадир.

Сўз кўрки бўлган мақолу маталлар ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиш ҳар бир ёзувчи ҳамда шоирнинг сўз бойлигини орттиради, нутқини ўткир ва таъсирли қилади, матнга бадиий жиҳатдан сайқал беради.

Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради.

Дунёда ҳикмат дурдоналари яратмаган, уларни асрлар оша кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, сайқал бериб, дили ва тилида сақлаб келмаётган бирор халқ йўқ. Ўзбек халқи ана шунларнинг биридир.

Мақол, матал ва афоризмлар **паремалар** деб юритилади.

Мақол, матал ва афоризмлар – **паремалар** қуйидаги лисоний хусусиятлари билан характерланади:

1. Тузилиши ва таркиби барқарор, қуйма, “қотиб” қолган ҳолда бўлади.
2. Маъно бутунлигига эга.
3. Нутқда ўз ва кўчма маъноларда қўлланади.
4. Тузилишига кўра бирикма ва гап шаклида бўлади.
5. Халқ донишмандлиги, мантиқий фикрлаш маҳсули.
6. Нутқ жараёнига қадар тилда мавжуд бўлиб, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилади.
7. Фикрни таъсирчан, мазмунли, образли ифодалашга хизмат қилади.
8. Сўзлашув, бадиий ва публисистик нутқ услубларида фаол

қўлланади.[1]

Мақолларни “ҳаёт қомуси”, оғзаки энтсиклопедия, ўзига хос бир бадиий-тарихий солнома дейиш мумкин. Улар нутқни равон, равшан ва таъсирчан қилади.[2] Худди шу боисми, Турғун Пўлат асарларида халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари кўп қўлланган.

Адиб асарларидаги халқ мақоллари асарнинг мазмуни билан уйғунлашиб кетган. Мақоллар фикрни ихчам тарзда ифодалашга ва мазмунан теранлашувига ёрдам берган.

“Ичкуёв” қиссасининг ўзида 40 дан зиёд халқ мақоллари учрайди. Адиб мазмунан бой, шаклан ихчам халқ мақолларидан асардаги тимсолларнинг характерларини, хулқини, ички дунёсини, дунёқарашини ёритишда фойдаланган.

Адиб вазият ва ҳолатга қараб, гоҳ ўз нутқида, гоҳ Ўринбой, Сабоҳат, Сергей, Матлуба ва бошқа қаҳрамонлар нутқида халқ маталларию мақолларини қўллаш билан асар тилининг “ширали”, халқона чиқишига эришган. Масалан, *“Дардни яширсанг, иситмаси ошкора қилади”* (муаллиф нутқида, “Ичкуёв”, 88-б), *“Қарға қағ этади, ўз вақтини чоғ этади”* (Ўринбой нутқида, “Ичкуёв”, 89-б), *“Юз йил яшасанг, юз йил ўқиб-ўрган” деганларидек, ҳаётнинг ўзи учун бутунлай қоронғи бўлган янги қирраларини кўрди, янги таниш-билишлар орттирди.* (муаллиф нутқида, “Ичкуёв”, 134-б) каби.

Ёзувчи “Берсанг ейман, урсанг ўламан” мақолини ўзи меҳнат қилиб топишни хоҳламай, бировнинг инъом-эҳсонига умид боғлаб, таъма қилиб юрувчи дангаса, ишёқмас одамларга нисбатан киноя тарзида қўллаган:

“Берсанг ейман, урсанг ўламан”, *деб уйда ойимтилла бўлиб ўтирган Рисолат билан Сабоҳат гоҳо Мавзуна билан Маҳзунанинг уддасидан чиқолмай, дод дейишади-ю...* (“Ичкуёв”, 104-б.)

Адиб *“берсанг ейман, урсанг ўламан”* мақоли орқали Рисолат ва Сабоҳатнинг характерини образли тарзда ифодалаган.

Ёки:

Ҳамиджон пича ўйланиб турди. Сўнг гап бошлади:

– Дўстим, ***“Бананинг боши – оллонинг тоши”*** *деганлар.* (“Ичкуёв”, 130-б.)

“Ширин сўз – жон озиғи” мақолини қаҳрамонлар нутқида қўллаш орқали яхши сўз билан ёмон сўз орасида “осмон билан ерча фарқ борлиги, яхши сўзнинг кишига тегадиган шарофати-ю, ёмон

[1] Uluqov N. Tilshunoslik nazariyasi. – Toshkent: Barkamol fayz-mediya, 2016. – B.112.
[2] Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент, 1990. – Б. 8.

сўзнинг касофати ҳақида фикр юритади:

“Ширин сўз – жон озиғи”. *Бу ҳикматнинг тўғрилигига Ўринбой шу куни умрида биринчи марта чинакам ишонч ҳосил қилди.* (“Ичкуёв”, 133-б.)

Қиссанинг бош қаҳрамони Ўринбой – содда, камтар инсон. У тасодифан пул кетидан қувган, қаллоб Зариф Аҳмедов ва унинг ҳамтовоқлари даврасига тушиб қолгандаги пушаймонини халқона мақол асосида қуйидагича ифодалайди: *У* ***синамаган отнинг сиртидан ўтма****, деб Зариф Аҳмедовнинг ҳамтовоқлари билан ўтирганига пушаймон бўлди.* (“Ичкуёв”, 21-б.)

Шу ўринда адиб киши ўзини бало қазодан, замонанинг турли ҳаводисларидан эҳтиёт қилиши, ҳамавақт, зийрак, хушёр бўлиб юриш зарурлигини уқтирувчи *“Синамаган отнинг сиртидан ўтма”* мақолидан ўринли фойдаланган.

Турғун Пўлат Зариф Аҳмедов ва унинг ҳамтовоқлари нутқида ўзларини кирдикорларини, айбларини оқловчи мақолларни қўллаш билан уларнинг характерларини ёрқинроқ очишга эришган: *Зариф Аҳмедов “Бола бир адашди-да.* ***“Мусофир бўлмагунча – мусулмон бўлмайсан”*** *дейдилар. Энди орқа-олдига қараб иш тутади, худо хоҳласа!” – деди.* (“Ичкуёв”, 34-б.)

Бу ўринда Зариф Аҳмедов порахўрлиги учун қамалиб чиққан Дадахонни мусофирликка йўяди ва *“Мусофир бўлмагунча – мусулмон бўлмайсан”* дейиш билан бундай ишлар бўлиб туришини таъкидлайди.

Ўзбек халқининг “Сўзига қараб ўзини уқасан” деган ҳикматли сўзи бор. Турғун Пўлат асарларининг лисоний жиҳатдан ўрганиш жараёнида бунга амин бўласиз. Сабоҳат, Ҳамроалиев, Зариф Аҳмедов каби салбий қаҳрамонларнинг нутқида қўлланган халқ мақоллари уларнинг хатти-ҳаракатига, характерига мос.

Адиб салбий тимсолларни ўз характерига мутаносиб тарзда сўзлатади. Чунончи, Сабоҳат нутқида биз фақат салбий оттенккали фразеологизмларнию, мақоллару маталлар қўлланганини кузатамиз. Сабоҳатнинг кибри, каландимоғлиги, Ўринбойни менсимаслиги, унинг нутқида қўлланган қуйидаги мақолда яққол сезилади:

– ***“Ҳандалак қовун бўлмайди, қишлоқи одам...”*** *деганлари рост чиқди! Кўрнамак экансиз!* (“Ичкуёв”, 36-б.)

Мазкур гапда қўлланган сўзлашув нутқига хос мақол таг маънога (пресупозиция)га эга. Сабоҳат бу мақол орқали бир

нарсанинг ўрнини иккинчи нарса боса олмаслигини, бемаза нарса ширин бўла олмаслигини, “қишлоқи одам” унинг учун одам эмаслигини ифодалайди.

Ёки Сабоҳатга хос кибру ҳаво бошқа бир ўринда қуйидагича ифодаланган:

– ***Сассиқ мўридан аччиқ тутун чиқади****, деганларидек, яна ўша гапми?! Шунга мени уйқумдан бедор қилиб юрибсизми!* (“Ичкуёв”, 76-б.)

Ўринбой нутқида: ***Оласининг – бераси бор****, кредит ҳам шунақа нарса, бу –* ***Хўжа Аҳорнинг моли эмас****!* (“Ичкуёв”, 48-б.)

“Оласининг – *бераси бор”* мақолининг мазмуни шу жумлада қўлланган *“Хўжа Аҳорнинг моли эмас!”* бирлиги воситасида мазмунан тўлишган бўлиб, *“Давлатдан олинган ҳар қандай қарз қайтарилиши лозим, у эгасиз эмас”* деган мазмунни англатади.

Ёки: *Ҳамиджон пича ўйланиб турди. Сўнг гап бошлади:*

– Дўстим, ***“Банданинг боши – оллонинг тоши”*** *деганлар. Вазнингиз тўғри келмайди, десам, ишонмадингиз*.(130-б.)

“Банданинг боши – оллонинг тоши” мақоли “Ҳар қандай ғам-ташвиш ўткинчи, Оллоҳ ўзи асрайди” деган юпатиш мазмунида ҳамдардлик билан айтилган.

Бундай мақол ва ҳикматли сўзлар ёзувчи ҳикояларида ҳам кенг қўлланган. Қаҳрамонлар нутқида қўлланган *“Сув бошидан лойқа”, “Юз йил яшасанг, юз йил ўқиб-ўрган”, “Қайданам босдим тикканни...”* каби халқона, жонли нутққа хос мақол ва ҳикматли сўзлар асрларга халқчиллик, таъсирчанлик руҳини берган.

Адиб асар воқеа-ҳодисаларини ва тимсоллар ҳаётидаги руҳий ҳолатларни ҳам маталу мақоллар воситасида образли тасвирлайди:

Оч уйда қатиқ ивимайди *дегандек, кичик шаҳарда ҳам ҳар қандай гап тарқалмасдан қолмас экан-да...* (“Ичкуёв”, 76-б.)

– Бай, бай, домла, сизни овора қилиб қўйишибди-ку йигитларимиз, – деди Аҳмаджонов самимий жилмайиб. – ***“Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши”.*** *Тушунган одамсиз, бориб, келинойимнинг елкаларини силаб дегандек, кўнгилларини овлаш қўлингиздан келар. Хўп, сизга жавоб!* (“Ичкуёв”, 95-б.)

Ёзувчи Ўринбойга хос босиқлик, андиша қилишлик ҳолатини ҳам бировнинг ҳол-кудрати чекланганлигини билдирувчи *“Бузоқнинг югургани – сомонхонагача”* мақолини бошқачароқ вариантда қўллаш билан ифодалайди:

Бунга Ўринбой: “Кўрамиз, ***бузоқнинг югургани қайгача***

бораркин?” *– деган каби истеҳзо билан кулиб, индамай қўя қоларди.* (“Ичкуёв”, 55-б.)

Бошқа ўринда салбий қаҳрамонларнинг “ишбилармонлигини” истеҳзо билан мақоллар воситасида тасвирлайди: *Кейин ўша тилхат ҳисобидан секин-секин бозордан мол сотиб олиб, “Заготскот”га топшираверади. Хоҳласа... У ёғини қўявер.* ***Йўлини топибдими – қандини урсин!*** (“Ичкуёв”, 69-б.)

Ёки Ўринбойнинг қаерда тунаш хусусидаги ўйлари-ю андишасини ҳам адиб *“Қишда кенг уй, кенг хонадон ҳам тор бўлиб кетади”*[1] мазмунини ифодаловчи *“Қиш ўчоғи тор, Тур уйингга бор!”* мақолини қўллаш билан ёрқин ифодалайди:

Шаҳарда қолиб, редакциядаги ошналаридан биринкида турса ҳам бўларди-ю, лекин ***“қиш ўчоғи тор, тур, уйингга бор!”*** (“Ичкуёв”, 104-б.)

– Раҳмат! – деб юборди, Матлуба эса уялиб ***бошини хам қилганича чур этмади.*** *“****Сукут – ризолик аломатимикан-а?*** *Зора, шундай бўлса!” – дея ичида суюниб қўйди.* (“Ичкуёв”, 158-б.)

Адиб асарда ҳаётнинг аччиқ-чучугини, яхши-ёмон кунларини кўрган тажрибали оқил, доно, кекса Қўзивой ака, Черкашин каби бадиий тимсоллар нутқида ҳам мақолларни ўринли ва маҳорат билан қўллайди ёки уларни ирсоли масал билан сўзлатади. Масалан,

Қўзибой ака қунт билан эшитгач, охири маслаҳат берди:

– Эгилган бошни қиличи кесмайди, *дебдилар. Эрталаб тургину, тўппа-тўғри шаҳарга туш, обкомга кир, Ҳайбатулла Қаххоровичнинг ўзларига учра. Тавба-тазарру қил.* (“Ичкуёв”, 111-б.)

Бу ўринда *“Эгилган бошни қиличи кесмайди”* мақоли *“Ўз айбини бўйнига олган, узр сўраган одамни қаҳри қаттиқ одам ҳам кечиради”* деган мазмунда Қўзибой ака тилидан Ўринбойга нисбатан қўлланган.

Биргина Черкашин нутқида Ўринбойга маслаҳат тарзида қуйидаги халқ мақолларига монанд ҳикматли панду ўгитлар кузатилади:

– ***Бировнинг тиззасидаги йиртиқни кўрсатиш учун аввал ўзингникини бутлаб ол!*** (“Ичкуёв”, 126-б.)

Мақол “Бировнинг устидан шикоят қилишдан аввал ўзингни мустаҳкамлаб ол” маъносида қўлланган.

[1] Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент, 1990. – Б. 492.

Адиб Черкашин нутқида яна бир неча шундай пармияларни ўринли қўллаган:

Танқид – бамисоли бир малҳам. Вақтида малҳам қўйилмаган иллат маддаламасдан иложи йўқ. Кейин бир жойдан тешиб чиқади. (Черкашин нутқида, "Ичкуёв", 123-б.)

"Ҳар бир ёмон нарсанинг ҳам бир яхши томони бор", *деган гап тўғри чиқиб, тўғонни сув олгандан кейин каналнинг довруғи жуда данғиллаб кетди.* ("Ичкуёв", 140-б.)

ЛИНГВОПЕРСОНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Ҳуринисо УСМОНОВА,
НамДУ профессори, филология фанлари доктори

Ўзбек тили кундан кунга ривожланиб бормоқда. Дунё тилшунослиги ҳозиргача улкан ютуқларга эришганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Таъкидлаш зарурки, тилшуносликда лингвоперсонология соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар тилшуносликнинг бир қанча янги йўналиш ва тармоқларининг юзага келишига туртки бўла олди. Шу ўринда жаҳон тилшунослигида лингвоперсонологиянинг мустақил фан сифатидаги тараққиёти хусусида бир оз тўхталиб ўтамиз.

Лингвоперсонологиянинг келиб чиқиши ва мустақил фан сифатидаги тараққиёти Ғарбий Европа, Россия ва қисман шарқ мамлакатлари тилшунослигига боғлиқдир.

Айтиш мумкинки, лингвоперсонологиянинг бутун тараққиёти давомида В.фон Гумбольдт томонидан эътироф этилган: «Тилни якка шахснинг ўзи яратиши мумкин эмас, тил бутун халққа тегишлидир. Тилни ҳамиша кейинги авлодлар олдинги авлодлардан оладилар. Ҳар ёшни, ҳар бир жинсни, синфни, уларнинг табиатини ва маълум бир қабиланинг руҳий фарқини намоён қилишнинг йўллари ўзгариб бораётганлиги туфайли одамлар тил ва нуткни алмаштирмоқдалар. Тил мавҳум, ҳамиша чекланган, тафаккурнинг инъикоси бўлган бирликдир. Фақатгина шахснинг нутқида тил аниқликка эришади[1]» деган фикр дастуриламал вазифасини ўтай олди.

[1] *Гумбольдт В.* Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. / Под ред. Г.В. Рамишвили. М.: Прогресс, 1984. 397 с.– стр.:66-84.

ХХ асрнинг 20-йилларини лингвоперсонология соҳаси билан шуғулланган олимлар рамзий маънода «лингвоперсонологиянинг туғилиш даври» деб ҳисоблайдилар. Америкалик олим Э.Сепир лингвоперсонология тадқиқида эътибор қаратилиши лозим бўлган янги муаммолар борлигини таъкидлади. У ўзининг «Нужна ли нам суперорганика» (1917), «Бессознательные стереотипы поведения в обществе» (1927) номли илмий асарларида, «Обычай» и «Личность», Энциклопедии социальных наук (1934) каби назарий мақолаларида индувидуаллик/ижтимоийлик масалаларини бир оппозиция (зидланиш) қаторига қўйиб таҳлил қилди[2].

Э.Сепир 1921 йилда ёзган «Язык. Введение в изучение речи» асарида шундай ёзади: «…кишилар бир даврда, бир ҳудудда, бир хил ижтимоий муҳитда яшасалар ҳам уларнинг ҳеч бири иккинчисининг нутқини айнан такрорламайди, бу нутқнинг «чексиз ва такрорланмас»лигидан далолатдир. Тадқиқотчи эътиборига тушаётган, яъни шахс нутқида тез-тез ишлатиладиган, шахс нутқида «ишлатилиши одат тусини олган нутқий ҳосилалар» сўзловчи шахс нутқини безовчи нақшлар сифатида қаралиши зарур.»

Э.Сепир лингвоперсонологияда илк бор сўзловчи шахс нутқини ўрганиш жараёнида қийинчиликларни бартараф этиш учун оғзаки нутқда (овоз, тон, маром, равонлик, талаффуз, луғат бойлиги, услуб) ҳамда ёзма нутқда пунктуацион белгиларнинг ишлатилишига эътибор бериш параметрларини ўрганиш зарурлигини билдирди. Ва ҳатто индувидуал шахснинг овоз даражасига ҳам эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Лингвоперсонология ривожланишининг янги даври ХХ асрнинг 80-йилларида бошланган. 1991 йилда Ғарбий Европада, кейинчалик Россияда лингвоперсонология билан махсус шуғулланувчи институтлар очилди ва бунда олимлар мазкур соҳанинг турли хилдаги тадқиқотлари устида илмий изланишлар олиб бордилар. Улар ўртасидаги мулоҳаза «инсон» тушунчасининг қуршаб турган дунё (табиат, иқтисодиёт, маданият) тушунчаси билан боғланишидир. Мисол сифатида, адабиётшуносликда муаллиф ва китобхон ўртасидаги, экологияда атроф-муҳитга бўлган муносабат масалаларини айтиш мумкин. Бундай боғлиқликни тилда ҳам учратамиз, яъни фан ривожланишида методологик силжиш асосий парадигманинг ўзгартирилганлиги билан

[2]*Сепир Э.* Избранные труды по языкознанию и культурологии: Пер. с англ. –М.: Прогресс: Универс, 1993.– 655 с.–стр.: 21.

боғлиқликда тушунилади. «Илмий фан парадигмаси» атамаси америкалик олим Кун томонидан киритилган. Парадигма деганда у «донг таратган илмий ютуқларни аниқ вақт оралиғида жамиятга муаммо ва уни қандай ҳал қилиш моделини беришидир» деб изоҳ беради.

Замонавий лингвоперсонологияда тадқиқотчилар парадигма ҳақида турли қарашларни кўрсатиб берадилар:

1. Антропосентрик қараш.

2. Экспанционизм (гуманитар фанларнинг психология, филология, логикани боғлиқ ҳолда табиий фанлар сирасига ўтиши).

3. Функционализм (тилнинг истеъмолда ўрганилиши).

4. Экспланотарлик (тилга оид ҳодисаларнинг нафақат қайд этилиши, балки уларнинг сабаб ва оқибатлари исботлаб берилиши).

Илмий объектлар, аввало, инсон шахсининг ривожланишида мукаммал бўлиши антропосентрик қарашда ўрганилади. Маълум бир ҳодисаларнинг анализида инсон саноқбоши бўлиб келади. Бу, табиийки, инсон тилига унинг нутқи орқали кириб боришни тақозо этади.

Бугунги кунга келиб тилга нисбатан ижтимоий ёндашув кундан кунга қизиқарли бўлиб боряпти, мазкур масала моҳиятига қизиқувчилар аудиторияси кенгайиб бормоқда. Зеро, инсон ва тилга доир муаммолар, сўзловчининг онги, миллий менталитетнинг тилдаги кўриниши кенг талқин қилинади. 90-йилларнинг бошларидаёқ мазкур муаммо тил ҳодисалари билан қизиқувчи кенг жамоатчилик ичида ҳам муҳокамаларга сабаб бўлган «Тил, дискурс, шахс», «Инсон ва унинг тили: изланишларнинг антропологик жиҳати, «Сўзловчи ва тингловчи: тил шахсияти, матн, ўрганилиш муаммоси», «Миллий менталитет ва лингвистик шахсият», «Филологияда антропосентрик парадигма», «Тилда инсон образи ва инсоний омиллар: луғат, грамматика, матн», «Матн ва лингвистик шахсият» ва бошқа мавзуларга оид илмий ишлар ҳамда материаллар сони сезиларли даражада кўпайди. Шундай қилиб, лингвоперсонология орқали «...тилшунослик ўзи учун ривожланишнинг янги чизиғини очиб берди, бу чизиқ лингвистик шахсиятга бўлган қизиқишдир»[1].

[1] *Караулов Ю.Н.* «Четыре кита» современной лингвистики, или О предпосылках включения «языковой личности» в объект науки о языке (от содержания науки к ее истории) // Соотношение частнонаучных методов и методологии в филологической науке. М., 1986. С. 33-52.

Тил фани бу даврда янги антропосентрик қисмларга бўлинади:

Лингвокултуралогия ва этнолингвистика.

Когнитив тилшунослик.

Коммуникатив тилшунослик.

XX йилларнинг ўрталарида ғарбий тилшуносликда қуйидаги ёналишлар ривожланди. Уларнинг асосийлари:

1. Коммуникатив стилистика (муаллиф ва китобхонни ҳисобга олган ҳолда бадиий матнни талқин қилиш);

2. Лингвистик конфликтология (алоқа жараёни уйғунлашувининг йўлларини ўрганади);

3. Дискурс назарияси (экстралингвистик шартларни ҳамда нутқий хабарларнинг пайдо бўлишини ўрганади ва изоҳлаб тушунтириб беради).

Тил илмига доир янги тармоқлар тилшуносликда ҳам янги соҳани юзага келтирди. Бу соҳа **лингвистик шахсият назарияси** деб номланди ва бу жараённи 1-расмда акс этганини кўришимиз мумкин.

Тилшунослик соҳаларининг лингвоперсонология билан боғлиқ равишда ривожланиши		
XIX аср ва – XX асрбошлари	**XX аср ўрталари**	**XX аср охири**
умумий тилшунослик стилистика риторика лексикография	***жамиятшунослик психолингвистика прагмалингвистика***	***лингвокултурология когнитив лингвистика коммуникатив лингвистика***
социология фалсафа маданияшунослик	***Лингвоперсонология***	***тиббиёт психология семиотика***
……	……..	**…….**

Берилган расмда лингвоперсонологиянинг шаклланиши ва ривожланиши оқибатида янги фанларнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги кўрсатиб берилган.

Лингвоперсонология нафақат индувидуал шахснинг нутқини ўрганади, балки шахснинг нутқий қобилиятини ривожлантириш йўлларини ҳам излайди. Бундай усуллар уч даражада асосланиб,

яьни тафаккур, тил, нутқ кабилар билан боғлиқ тарзда бўлиши зарурлиги кўрсатилади. Бу фикрни ўзининг илмий изланишларида ҳисобга олган А.Пузирёв шахс тилини тўрт томонлама– тафаккур билан боғлиқ равишда, тил нуқтаи назаридан, нутқий ҳосила сифатида ва алоқавийлик жиҳатдан– ўрганишни самарали деб ҳисоблайди [1].

Қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: Лингвоперсонологиянинг мустақил фан сифатидаги тараққиёти Ғарбий Европа ҳамда Россия тилшуносларининг илмий изланишлари билан чамбарчас боғлиқ. Чунончи, А.А. Ворозбитов, Н.Д. Голев, В.Э. Голдин, В.В. Дружинев, Г.В. Эйгер, Е.А. Земская, Е.В. Иванцова, В.И. Карасика, Т.В. Кочетков, Н.Б. Лебедев, В.Д. Лютиков, О.Е. Морозов, В.П. Нерознак ва бошқаларнинг изланишлари шулар жумласидандир. Лингвоперсонолия соҳасининг ҳозирда замонавий фан соҳаларидан бири эканлиги Москва, Волгоград, Саратов, Твер, Краснодар, Екатеринбург, Тюмен, Омск, Барнаул, Томск, Кемерово, Красноярск, Благовешенск каби шаҳарларда индувидуал шахс нутқини текшириш тил марказлари ташкил этилганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Тил-мураккаб ҳодиса.

БАДИИЙ МАТН ЯХЛИТЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАР

(Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси мисолида)

Баҳром ЖАББОРОВ,
Академик Б.Ғафуров номидаги ХўжандДУ
доценти, филология фанлари номзоди
(Тожикистон)

Аннотация. Ушбу мақолада бадиий матннинг шаклланишидаги мантиқий ва лисоний боғланишлар, уларни амалга оширувчи айрим воситалар ҳақида фикр юритилган. Матнлар Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясидан олинган.

[1] *Пузырев А.В.* Общество, язык, текст и языковая личность в аспекте субстратного подхода к языку // Общество, язык, личность. М., 1996. Вып. 1. С. 20—23.

Калит сўзлар: матн, бадиий матн, занжир сўз, мантиқий боғланиш, лисоний боғланиш, яхлит мураккаб жумла – ЯМЖ, синтактик бутунлик.

Матн (текст) мазмун-мундарижасига кўра илмий, бадиий, публицистик каби турларга ажратилади.

Матн – лингвистик тадқиқотнинг қийин объектларидан бири саналади. Шунинг учун ҳам ҳанузгача матннинг ҳамма томонидан тан олинган таърифи йўқ. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, матн қуйидаги ўзига хос белгилари (хусусиятлари) билан характерланади.

Биринчидан, матн – ёзма шаклда баён қилинган хабардир.

Иккинчидан, матн, маъно ва структуравий тугалликка эга.

Учинчидан, матнда авторнинг хабар берилаётган воқеликка муносабати ҳам ифодаланади.

Синтактик нуқтаи-назардан матн маъно ва лексик-грамматик воситалар ёрдамида бир-бири билан боғланган гаплар йиғиндисидан иборатдир. Нутқ жараёнида гаплар тематик, гап структуравий, ҳам оҳанг (интонатсион) жиҳатдан бирлашиб, алоҳида синтактик бирликни, яъни яхлит мураккаб жумлани ташкил қилади.[1]

Матн турларидан бири – бу бадиий матндир. Бадиий матнга профессор Э.Қиличевнинг олий мактаб талабаларига мўлжалланган “Матннинг лингвистик таҳлили”фани бўйича тайёрлаган лексия маърузасида қуйидагича шарҳлар келтирилган:

Бадиий нутқ ёзма формада намоён бўлади. Унинг оғзаки кўриниши эса ёзма формага нисбатан иккиламчи ёки бевосита характерга эга. Бу форма матн ўқиётган шахс билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ўзгариши билан у ҳам ўзгаради.

Бадиий нутқнинг бирлиги ёки бошқача қилиб айтганда мезони – бу тугал хабар ифодаловчи бир бутун, бадиий жиҳатдан ниҳоясига етган асардир. Тилдаги мавжуд ҳар қандай функционал услуб томонидан ифода етилаётган хабар каби бадиий асар матни ҳам нутқ актининг бирин-кетин келувчи тўплам мажмуаси деб қараш мумкин. Бу эса ўз навбатида бир қатор объектив ва субъектив, шахсга алоқадор бўлган факторлар билан изоҳланади. Бадиий ижод - бу борлиқни инсон томонидан алоҳида олинган маҳсулидир.

[1] Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2000. – 36 б.

Ташқи оламдан кириб келаётган ҳамма ахборотни биз маълум ички кечинмалар билан қабул қиламиз ва воқеаларнинг қайталаниши, такрорланиб келаётганда улар ўртасида алоқани мустаҳкамлайди, кечинмаларни бир-бирига боғлайди. Шундай қилиб, киши ўрнига ички кечинмалар ва маълум маъно ташувчи ахборот ўртасида бир-бирига мутаносиблик пайдо бўлади ва ички кечинмалар ахборотнинг манбаига ёки ташувчисига айланади. Ижодкор эса, ижод пайтида ўзини ўраб турган дунёни билиши тушунтириши учун ички кечинмаларини ўз дунёқараши орқали таҳлил қилади. Бадиий асар, шундай қилиб – бу санъаткор, ижодкор томонидан танлаб олинган борлиқнинг бир қисми бўлиб ва бу қисмни ёзувчи томонидан мушоҳада етилишидир. Унинг тасвири бадиий асарнинг мавзусини ташкил қилади.[1]

Демак, бадиий матн ёзувчи ёки ижодкор томонидан воқеликнинг бир бутун ҳолда, яъни мантиқий, узлуксиз ифодаланган синтактик бутунликлар йиғиндисидир. Ижодкор ана шу синтактик бутунликларни барчасини моҳирлик билан ўзаро боғлайди. Боғлаш жараёни маълум сўзлар такрори, боғловчилар, боғловчи вазифасида келган бошқа тил бирликлари, синонимлар, олмош сўзлар ва бошқа лисоний бирликлар воситасида амалга оширилади. Бундай бирликлар “занжир сўзлар” деб юритилиб матннинг бир бутунлигини таъминлайди.

Қуйида ўзбек адабиётининг ўтган асрдаги йирик намояндаси Ғафур Ғулом қаламига мансуб “Менинг ўғригина болам” ҳикоясидан кетма-кет келтирилган айрим парчалар асосида уларнинг ўзаро лисоний ва мантиқий жиҳатдан боғланиши, ана шу боғланишни ташкил этган бирликлар хусусида фикр юритмоқчимиз.

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам онамнинг оналари Роқиябиби келиб турадилар. Бу кишини биз эркалаб “қора буви” деб атаймиз.

Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увин-тўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

[1] Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2000. – 36 б.

Келтирилган парча икки абзацдан, яъни икки яхлит мураккаб жумладан иборат бўлиб, биринчи яхлит мураккаб жумла[1] 4 та грамматик жиҳатдан шаклланган синтактик бутунликдан, яъни гапдан иборат. Иккинчи абзац – иккинчи яхлит мураккаб жумла эса битта грамматик жиҳатдан шаклланган синтактик бутунликдан – гапдан иборатдир.

Биринчи ЯМЖ-нинг биринчи гапи "*Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди*" бўлиб, албатта кейинги гаплар қандайдир луғавий бирликлар билан унга боғланиши шартдир. ЯМЖ-нинг иккинчи гапи "*Бу йил ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик*"дир. Биринчи гапда "ота" ҳақида сўз борган бўлиб, иккинчи гапда "она" ҳақида сўз бориши мантиқий боғланишни юзага чиқарган, иккинчидан, ушбу икки гапнинг мантиқан боғланиши "ўлим"тушунчасининг келтирилишидир. Биринчи гапда "ота"дан ажралиш, иккинчи гапда эса "она"дан ажралиш. ЯМЖ-нинг учинчи синтактик бутунлиги "*Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам онамнинг оналари Роқиябиби келиб турадилар*"дир. Ушбу синтактик бутунлик ўзидан олдинги синтактик бутунликларга "етим" сўзи орқали боғланган. Яъни ота-онадан ажралганларни "етим" луғавий бирлиги билан номланиши ҳар бир ўзбек тилини билувчи шахсларга маълум. Иккинчидан, биринчи ва иккинчи гапларда келтирилган ота-онасидан айрилган етимлар учинчи гапда "биз" олмоши билан келиб занжир сўз вазифасини бажармоқда. ЯМЖ-нинг тўртинчи синтактик бутунлиги "*Бу кишини биз эркалаб "қора буви" деб атаймиз*" гапи бўлиб, у ўзидан олдинги синтактик бутунликларга, аниқроғи, учинчи гап билан лисоний-логик жиҳатдан чамбарчас боғланган. Бу боғланиш "бу" кўрсатиш олмоши орқали амалга оширилган бўлиб, етимлардан хабар олувчи шахс, яъни онасининг онаси бўлган Роқиябибини кўрсатади. Демак, келтирилган биринчи ЯМЖ-даги 4 та синтактик бутунлик ёзувчининг моҳирлиги, лисоний ва мантиқий билимининг етарлилиги натижасида бирор камчиликсиз тузилган кичик матнни – микроматнни ташкил этган.

Юқорида келтирилган иккинчи ЯМЖ биргина синтактик жиҳатдан шаклланган бутунликдан – гапдан, яъни "*Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увин-тўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг кир ип шолчаси*

[1] Изоҳ: бундан кейин "яхлит мураккаб жумла" бирикувини ЯМЖ шаклида беришни лозим топдик.

устида ухлаймиз”дан иборатдир. Тўғри, биринчи ЯМЖ-даги воқелик иккинчи ЯМЖ-даги воқеликдан фарқ қилади. Яъни биринчисида ота-онадан етим қолиш ва улар ҳолидан хабар олиш вазифасининг кимга қолганлиги ҳақидаги дарак мазмунидаги таништирув хабарлари бўлса, иккинчи ЯМЖ-да эса, конкрет воқеликнинг, яъни ҳикоя матнининг асосий мазмунини воқелантирувчи ҳодисаларни тасвирлаш жараёни кечаётганлигини кўрамиз, ёки тасвирланаётган воқеа-ҳодисани кўз олдимизда гавдалантира оламиз. Келтирилган ушбу икки абзац – икки ЯМЖ-ни ўзаро боғловчи ҳодиса – бу мантиқий боғланиш бўлиб, у биринчи ЯМЖ-даги “етимлар, уларга қаровчи Роқиябиби ва унинг “қора буви” деб номланиши ҳақидаги хабарлардан ва иккинчи ЯМЖ мазмунидан англашинилувчи ўша етимларнинг “қаерда, ким билан ва қандай ухлаши” маъносидан иборатдир. ЯМЖ-ларнинг иккинчи, асосий боғланиши – бу лисоний боғланиш бўлиб, ушбу ЯМЖ-нинг биринчи ЯМЖ билан боғловчи занжир сўз вазифасини “бувим” сўзи бажарган. Булардан ташқари, берилган матнларнинг барчаси 3-шахс томонидан ҳикоя этилаётганлиги ва интонация (оҳанг) ҳам матннинг яхлитлигини таъминловчи омил сифатида хизмат қилади. Келтирилган фикрлардан маълум бўладики, берилган икки ЯМЖ-лар ўзаро ҳам мантиқий, ҳам лисоний жиҳатдан боғланган.

Ҳикоянинг кейинги абзаци ҳам худди олдинги абзацлар каби ўзаро лисоний ва мантиқий жиҳатдан боғланган ЯМЖ-дан ташкил топган.

Сентябр ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетганмиз. Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.

Ҳикоянинг ушбу абзаци ҳам 4 та грамматик жиҳатдан шаклланган синтактик бутунликлардан – яъни, гаплардан иборат. Ушбу ЯМЖ ҳам ўзидан олдинги шу шаклдаги ЯМЖ-лар билан мантиқий-интонацион жиҳатдан боғланган. Аввалги ЯМЖ-ларда ифодаланган ва тасвирланган хабарлар ва ҳолатлар янада конкрет воқелик билан давом эттирилмоқда. Шунингдек, “биз” олмоши, “қора буви” отлари ушбу ЯМЖ билан олдинги ЯМЖ-ларни боғлаш учун занжирлик вазифасини ўтаган. Келтирилган ЯМЖ-нинг таркибидаги синтактик бутунликлар ҳам ўзаро интонация ва айрим

лексик бирликлар билан мустаҳкам боғланган бўлиб, ЯМЖ-нинг бир бутунлиги ташкил этган. Биринчи синтактик бутунлик “*Сентябр ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди*” бўлиб, иккинчиси эса “*Ҳаво анчагина салқин*” гапидир. Бунда иккинчи синтактик бутунлик биринчи синтактик бутунлик билан грамматик жиҳатдан оҳанг билан боғланган, мантиқий жиҳатдан эса *ҳавонинг салқинлиги* маъноси *куз оқшомлари* бирикиву маъносининг мантиқий давомидир. Кейинги синтактик бутунлик “*Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетганмиз*” бўлиб, у ҳам ўзидан олдинги синтактик бутунликлар билан грамматик жиҳатдан интонация билан боғланган бўлса, *уйқуга кетиш* ҳолати маъноси олдинги гапдаги *куз оқшомлари* бирикиву маъноси билан мантиқий боғлиқликка эга, чунки “уйқу” одатда оқшомлари, яъни тунда бажариладиган ҳолатдир. ЯМЖ-нинг бундан кейинги синтактик бирлиги “*Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар*” гапидир. Ушбу гап грамматик жиҳатдан шаклланган икки содда гапдан иборат бўлиб, улар ўзаро оҳанг ёрдамида боғланган, “у” олмоши ва “кампир” отлари икки содда гапни боғловчи занжир сўз вазифасини бажарган. ЯМЖ-нинг ушбу қўшма гап шаклидаги синтактик бирлиги ўзидан олдинги синтактик бутунлик билан грамматик жиҳатдан оҳанг билан боғланган бўлиб, “қатор” ва “ётардилар” луғавий бирликлари маъноси эса занжирлик вазифасини ўтаган. Чунки олдинги синтактик бирликда ифодаланган оқшом палласида тўрт етимнинг ётиш ҳолати маъноси ушбу гапдаги етимларнинг қаторида кампирнинг ҳам борлигини дастлаб “қатор” сўзи ифодалаган бўлса, “қора бувим” бирлигининг ифодаланиши яна бошқа маъноларни ифодалашга хизмат қилган. Аниқроғи, қаторнинг энг сўнггида қора бувининг ётиши ҳолати, унинг етимларга қаровул вазифасида эканлиги маъносини ифодалашга хизмат қилган.

Хуллас, бадиий матннинг яхлитлигини таъминловчи мантиқий ва лисоний бирликлар муҳим аҳамиятли бўлиб, матннинг мазмуни ва моҳиятини, шунингдек, унинг шаклини рўёбга чиқарувчи асосий бирликлар бўлиб хизмат қилади. Албатта, бадиий матннинг ушбу талабларини бажариш ёзувчи маҳоратига боғлиқдир. Биз кўриб ўтган XX аср ўзбек адабиёти йирик вакили Ғафур Ғулом қаламига мансуб бўлган “Менинг ўғригина болам” ҳикоясининг дастлабки

абзацлари – яхлит мураккаб жумлаларнинг ўзаро грамматик ва мантиқий жиҳатдан тўла шаклланганлиги, узлуксизлиги ва лисоний воситаларнинг ўрни билан моҳирона қўлланганлиги ёзувчининг катта маҳорат эгаси эканлигини тўла исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гиндин С.И. «Внутреняя организация текста». АКД, М, 1972 г.
2. Қудратов Т, Нафасов Т. Лингвистик таҳлил. –Т.: қитувчи, 1984.
3. Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, 2000. – 36 б.
4. Ғафур Ғулом. Менинг ўғригина болам // збек адабиёти (дарслик-мажмуа), 6-синф. – Душанбе: 2006. –Б. 85-86.

ТОҲИР МАЛИК АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН ИНДИВИДУАЛ ЎХШАТИШЛАР («Шайтанат» асари мисолида)

Шарифа ИСКАНДАРОВА,
ФарДУ профессори,
Умида ТЎРАҚУЛОВА,
НамДУ магистранти

Тоҳир Малик асарларида қўлланган индивидуал ўхшатишлар ёзувчининг маҳоратини намоён этувчи воситалардан бири сифатида китобхонни ўзига жалб қилади. Улар орқали ижодкорнинг тил билимдонлиги, бадиий сўздан маҳорат билан фойдаланиш кўникмалари намоён бўлади. Маълумки, индивидуал ўхшатишлар анъанавий ўхшатишлардан фарқли тарзда бир сўз билан эмас, бир неча сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади: *туздан ясалган қаср, қафасга тушиб қолган қуёндек, трамвай паттасидай, занжирбанд махбусларникидай, миясига игна санчигандай* каби. Адиб «Шайтанат» қиссасида шайтанат оламини китобхон кўз ўнгида гавдалантириш мақсадида ўз қаҳрамонларининг ҳолатларига нисбатан одатдаги ўхшатишлардан кўра ўзига хос маъно нозикликларга эга бўлган индивидуал ўхшатишлардан қўллайди:*»Кап-катта эркак одамнинг сўйишга маҳкум этилган буқадай ўкириши, сўнг тул хотиндай пиқирлаб йиғлаши, кейин омонатини топширишга қасд қилган, сўнгги нафаслари билан иҳранаётган бемор каби овоз чиқариши фақат*

Шарифга аталгандай эди»[1]. Бу ўринда Тоҳир Малик асар қаҳрамони Шариф Номозовнинг руҳий ҳолатини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантириш учун сўйишга маҳкум этилган буқанинг ўкириши, тул хотиннинг қийинчиликдан пиқирлаб йиғлаши, сўнгги нафаслари билан иҳранаётган беморнинг аҳволи каби аянчли ҳолатларни келтирадики, бевосита китобхон ўша вазиятни кўз олдидан ўтказади. «Ёзувчи ўзининг бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оргинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар кутилмагани, охорлилиги билан ўқувчини ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат-хусусият-предметларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради»[2].

Адабиётларда индивидуал ўхшатишларда асос ҳам, тимсол ҳам, одатдан ташқари ёки баъзида асоснинг анъанавий бўлиши айтилади[3]. Тилимизда *«қумдан ясалган қаср»* ўхшатиш конструкцияси мавжуд бўлса-да, адиб қиссада ушбу ўхшатишни *«туздан ясалган қаср»* тарзида қўллайди: *«Ғанимлари билан ҳар кун, ҳар соат олишувчи, ҳар дақиқа бирор фалокат рўй бериши мумкинлигини ҳисобда тутиб яшовчи одам нохуш дамларда тез фикрлаш, тез хулоса чиқаришга одатланади. Асадбек ҳам тезда бир тўхтамга келди: унинг ҳокимлиги туздан ясалган қаср экан. Ёмғир ёққан маҳали қасрнинг эриб битишини ҳисобда тутмаган экан. Қизининг ўғирланиши (айнан ўғирланганига Асадбек шубҳа қилмайди) ана шу ёмғирдан нишон эди»* (12-бет). Бизнингча, шайтанат оламида Асадбекнинг қудрати, ҳокимлигини айнан туз эталони воситаси орқали берилиши, туздан қурилган қасрнинг бузилиши учун бир томчи ёмғирнинг кифоя қилиши, Асадбекнинг ҳам заиф ери борлигини китобхонга айтиб ўтади. Бу ўринда ёзувчининг нега айнан туз эталонидан фойдаланаётганига эътибор қаратиш лозим. Ёзувчининг *«қумдан қурилган қаср»* ўхшатиш конструкциясидан эмас, *«туздан қурилган қаср»* ўхшатишидан фойдаланиши Асадбек қудратининг қумдан ҳам заиф эканлигидан далолат беради. Маълумки, қумдан қурилган қаср бузилса ҳам қумлик шаклини йўқотмайди, аммо туз эриса унда тузлик шакли йўқолишига ишора бор.

---

[1] Тоҳир Малик Шайтанат. 5 томли. 1-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 107. (Кейинги шу асардан олинган ўринларда китоб бетини бериш билан кифояланилади).

[2] Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 6.

[3] Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол. фан. док. (DSc) дис. – Тошкент, 2017. – Б. 23.

Индивидуал ўхшатишларда адиб асар қаҳрамонларининг характер хусусиятидан келиб чиқиб, уларга мос ўхшатишларни танлайди: *«Одатдагидай башанг кийинган Холидийнинг ёнида суйган шогирдларидан бири Ўлмас Акром келарди. Анвар ўзидан бир йил кейин келган бу дўмбоқ йигитни «гўсала» дер эди. Лақаб Ўлмасга жуда мос тушган, у тўйиб сут эмган бузоқдай беғам, биров сўкса ҳам, мақтаса ҳам бир ҳолда илжайиб тураверарди»* (270-бет). Бу ўринда қаҳрамоннинг беғам, бепарво, лоқайдлиги унга *«гўсала»* лақабини бериш учун асос бўлган. Бузоққа ўхшатилиши эса, унинг характер хусусиятини янада очиқ кўрсатади. *Бузоқ* эталонини танланишида ҳам халқ орасида машҳур бўлган «аммамнинг бузоғи» иборасига ҳамоҳанглик кўзга ташланади. Ўзбек менталитетида бузоқ ювваш жонивор сифатида тушинилади. Ўхшатишнинг *тўйиб сут эмган* сўз кенгайтирувчилари билан қўлланиши орқали эса маъно янада кучайтирилган.

Индивидуал-муаллиф ўхшатишлари тил жамоасида оммалашиб, умумхалқ тили лексиконидан жой олади, турғунлашади. Бизнингча, Тоҳир Малик томонидан қўлланган кўплаб индивидуал ўхшатишлар ҳам вақтлар ўтиши билан турғунлашиб, барқарор бирликларга айланса ажаб эмас: «*Элчиннинг эркалашлари, эҳтирослари унга таъсир этмайди. Ўзини худди эртаклардаги тош маликадай совуқ ҳис этади»* (141-бет). Парчада келтирилган *худди эртаклардаги тош маликадай* ўхшатиши учун ўзбек халқ эртакларидаги совуққон, бағритош, қаҳри қаттиқ маликалар сюжети асос бўлган. Албатта, адиб бу ўхшатишни қўллаганда тош лексемасининг денотатив маъносини эмас, коннотатив маъносини назарда тутган. Эртаклар билан яхши таниш бўлган тил жамоаси бу ўхшатишни қийинчиликсиз тушунади ва ўз нутқида ҳам қўллашга ҳаракат қилади. Натижада бу ўхшатиш конструкцияси *тош маликадек* шаклида турғунлашиши мумкин.

Адибнинг ижодий маҳорати, тўқимаси воситасида юзага чиқадиган ўхшатишлар китобхон тасаввурида ҳодисалар, қаҳрамонларнинг ички руҳий ҳолатини яққол гавдалантиради. Масалан, «*— Ишга киришиб кетдингизми? — деди Асадбек, ундан кўз узмай. — Секин-секин бўляпти, — деди Шариф. У ҳозир қайнотаси билан биринчи марта учрашиб, хижолатда ўтирган куёвболага ўхшарди»* (236-бет). Бу парчада эркин ўхшатиш, одатдагидек, *каби, -дай, -дек* ўхшатиш воситалари билан эмас, *ўхшамоқ* феъли ёрдамида ҳосил қилинган. Бу усулда ўхшатишнинг

ҳосил қилиниши Тоҳир Маликка хос бир услуб ҳисобланади. Шариф Номозовнинг ички кечинмалари ва қўрқуви китобхонга қайнотаси билан биринчи марта учрашиб, хижолатда ўтирган куёвболанинг ҳолатига ўхшатилмоқда. Бу ҳолат ўзбекларга хос миллий маданиятнинг бир кўриниши ҳисобланади. Ўзбек менталитетида қайинота ҳам отага тенглаштирилади. Ота олдида ўзини ожиз, итоаткор ҳис қилиш фарзандларга хос хусусият саналади. Куёвболанинг қайнотаси олдида ўзини «айбдор» хис этиб, хижолатда ўтиришига сабаб бўлганли ҳолатидан адиб моҳирона фойдаланган ҳолда мана шу ўхшатишни қўллайди.

Халқ орасида *бола* эталон бўлиб келган ўхшатишлар талайгина. «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»да *«бола»* 7 хил семалари мисоллар билан берилади. Адибимиз ҳам асарда ушбу сўздан турли ўринларда фойдаланган: 1) «*Ўринбосар Зоҳиднинг хонасига кирдию дарсга кеч қолган боладай бошини эгиб, ер остидан қараб қўйди»* (279-бет). 2) *«Намозов «илм» деган сўзни эшитиб, худди «дафтарим уйда қолибди», деб ёлғон гапириб қўйиб уялган боладек бошини эгди»* (30-бет). 3) *«— Совқотдим, ошна, — деди Анвар. — Энди кир, хотинлар гап қилади. Элчин мўмин боладай хўп, деб уй томон юрди»* (127-бет). 4) *«Пули кўп одам балки шўрвани чиндан ҳам чангалида ушлаб туриши мумкиндир. Аммо ўз жонини ушлаб қола олармикин? Ҳар куни ўнлаб одамларнинг таъзимига беписанд қаровчи Қилич, «сенга раҳбарман» деб пўписа қилувчиларнинг овозини беш-ўн сўм пул билан ўчириб қўя олувчи бошқон иштонини бехос хўл қилиб қўйган боладек шалвираб қолди»* (37-бет). 5) *«— Ҳозир боролмайман, деди. Ошнаси унга бир нарсаларни ўқиб беряпти шекилли? Жамшид шундай деб, айбдор бола сингари бошини эгди. У хўжайин буйруғини адо этолмади»* (142-бет). Юқоридаги мисолларда бола сўзининг турли семалари: 1-, 2-гапларда *«бошқалар олдида ўзини ноқулай сезмоқ»;* 3-гапда *содда, беозор, итоаткор;* 4-гапда *қўрқмоқ;* 5-гапда эса *айбдорлик* семалари намоён бўлади. Умуман олганда, адиб *бола* лексемаси орқали ҳам эркин ўхшатишларнинг оргинал вариантларини хосил қилган.

Хулоса қилиб айтганда, индивидуал ўхшатишлар бир шахснинг ижод махсули бўлса-да, муайян халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларни ҳам акс эттирувчи лингвокультурологик восита сифатида катта аҳамиятга эга. Чунки ижодкор ҳам шу халқ вакили сифатида ўйлайди, фикр юритади. Ҳар бир ижодкорнинг

индивидул характердаги ўзига хосликларни ўрганиш ва таҳлил этиш, ижодкорнинг ўзига хос услубини белгилаш билан биргаликда, луғат бойлигимизга янгидан янги сўз ва ибораларнинг, ўхшатишларнинг қўшилишига олиб келади.

ИНДИВИДУАЛ ШАХС НУТҚИ ТАДҚИҚИ

Дилором БОБОХОНОВА,
НамДУ доценти, филология фанлари номзоди

Маълумки, тилшуносликда лингвоперсонологиянинг ўрганилиши XIX асрнинг 20-йилларида бошланган, индувидуал шахс нутқини ўрганиш масаласи европа тилшунослигида илк бора кун тартибига қўйилган ва шу масала билан боғлиқ равишда тилнинг ижтимоий табиати, тил ва нутқ муносабати каби глобал муаммолар кўтарилган эди. Шу даврда тил тадқиқининг илмий марказида тилда инсон ва жамоанинг ўзаро алоқаси фарқланиши масаласи туриши керак деб ҳисобланди.

Лингвоперсонология ўрганилишининг илк давридаёқ тилшунос олим В. фон Гумбольдтнинг шахс нутқи хусусида билдирган асосли фикрлари тилшуносликда лингвоперсонология соҳасининг ривожланиши учун янги йўлни очиб бера олди. Унинг фикрича, тилни индувидуал шахс нутқи тадқиқи асосида ўрганиш «антропологик асосда тилнинг ўрганилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш» сифатида баҳоланди.

Г. Штейнталь, В. Вундт, А.А. Потебня ишларида В. фон Гумбольдт қарашлари ривожлантирилди. Олимлар мавзу моҳиятига психологик жиҳатдан ёндашиб, умумхалқ тили ўша тилда сўзлашаётган муайян халқнинг гўёки пайдо бўлиши, ривожланиши, маънавий-моддий борлиғини ифодаласа, шахс нутқи шу умумийликнинг, яъни халқ руҳиятининг аниқ хусусийликларда акс этишидир, деб ҳисобладилар.

XIX асрнинг 70-йилларига келиб Европа тилшунослигида «Ёш грамматиклар» оқими пайдо бўлганлигини, бу оқимнинг вакиллари, айниқса, рус тилшунослигида узоқ вақт фаолият олиб борганлигини биламиз. «Ёш грамматиклар» оқими вакиллари ҳисобланмиш Г. Остгоф ва К. Бругман ўзларининг «Морфологические исследования в области индоевропейских языков» (1878) номли асарларида «…тилшунослар тилнинг мавҳум

жиҳатлари билан кўпроқ, «сўзлаётган киши» нутқи билан жуда оз шуғулланаётган»ликлари ҳамиша ҳам кутилган натижани беравермаслигини таъкидладилар[1].

«Ёш грамматиклар» юқорида номи зикр этилган асарларида яна шундай деб ёзадилар: «…тил алоҳида ҳолатда мавжуд нарса эмас; тил ҳақиқатда фақат шахсда яшайди ва намоён бўлади. Шундай экан, тилдаги бутун ўзгаришлар ҳам, умуман, тилнинг яшовчанлиги ҳам фақат сўзлаётган шахс билан алоқадордир»[2].

Тил ва шахс нутқи масаласига «Ёш грамматиклар» каби бир томонлама ёндашиш Г.Паулнинг «Принципы истории языка» (1880) асарида ҳам учрайди. У ўз асарида шундай ёзади: «Дунёда қанча инсон яшаса ва гапирса, уларнинг ҳар бирининг нутқи алоҳида тил сифатида эътироф этилиши зарур»[3]. Табиийки, тил ва нутқ масаласига бундай ёндашув, тил ва нутқ муносабатига хос бўлган умумийлик ва хусусийликни бир томонлама тушуниш тилшунослик тадқиқидаги ҳеч бир мезонга мос келмайди. Бироқ Г.Паулнинг шахс нутқи масаласига эътибор қаратиши лингвоперсонология учун аҳамиятлидир.

«Ёш грамматиклар» ва уларнинг назарий қарашларини давом эттирувчиларнинг ютуқлари шундаки, улар тилшунослик масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар ва тил соҳасига қизиқувчилар диққатини шахс нутқига эътибор қаратиш кераклиги тўғрисидаги масалага қарата олдилар. Том маънода, индувидуал шахс нутқи тадқиқига сифат нуқтаи назаридан ёндашиш эволюцияси бошланди.

К.Фосслер гарчи мантиқан «Ёш грамматиклар» мавқеида турсада, индувидуал шахс нутқи масаласига бир оз бошқачароқ ёндашди. У фанга муаммо тадқиқини умумхалқ нутқидан кенг фойдаланган ёзувчилар услубини ўрганиш орқали эришиш мумкин деган фикрни тақдим этди.

И.А.Бодуэн де Куртене асарларида ҳам индувидуал шахс нутқи масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тилшуноснинг фикрича, «тил ва тил имкониятларининг кўриниши(юзага чиқиши) фақат индувидуал шахснинг тафаккури, воқеликни қалбан ҳис эта олиши, унинг руҳий дунёси ва ҳолатига боғлиқ ҳолда шу шахснинг бошқалар билан (муайян нутқ моментида) алоқа-аралашувидагина

---

[1] *Звегинцев В. А.*История языкознания X1X-XX веков в очерках и извлечениях. –М.: Просвещение, 1960. Ч. I. –406 с.–стр.: 187.

[2] *Звегинцев В. А.*История языкознания X1X-XX веков в очерках и извлечениях. –М.: Просвещение, 1960. Ч. I. –406 с.–стр.: 193-194.

[3] *Пауль Г.* Принципы истории языка: Пер. с нем. –М.: Иностр. лит., 1960. –500 с.–стр.:58-59.

юзага чиқади. Муайян тилнинг шажараси ёки миллийлиги ҳам фақат индувидуал шахс нутқининг тузилиши, воқеланиши билан аниқланиши мумкин.»[1] И.А.Бодуэн де Куртененинг мазкур фикрларини тўла қўллаб қувватлаган лингвоперсонолог олим …Иванцева бу хусусда шундай ёзади: «У (И.А.Бодуэн де Куртене–изоҳ бизники) ҳар бир «сўзлаётган киши» нутқида тил хом ашёсининг қоришиқ манбаини кўра олган. Индувидуал шахс нутқи гарчи ташқи томондан фақат унинг ўзигагина тегишлидек, яъни хусусий кўриниши мумкин. Сўзлаётган шахснинг нутқидаги ҳар қандай ўзгаришлар, ранг-барангликлар аксарият тингловчиларда худдики шу шахс нутқигагина тегишлидек таассурот қолдиради, олим сўзлаётган шахс нутқидаги ҳар бир элемент (у катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар–изоҳ бизники) тавсифини жуда тўғри ҳолатда тилдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолатда изоҳлаган»[2].

Айтиш мумкинки, И.А. Бодуэн де Куртене ва унинг ҳамфикрлари тил тарихи, этнографияси, умуман, тил тадқиқи учун методологик асос вазифасини ўтай оладиган фикрларни баён эта олдилар. Улар бу борада жамоавий нутқ билан индувидуал нутқ кўринишларини таққослаш, улар орасидаги чегарани аниқлаб олишни ҳам муҳим деб билдилар. И.А. Бодуэн де Куртененинг «Языкознание или лингвистика XIX века» номли асарида лингвоперсонологиянинг мақсад, вазифаларини белгилаб берди; индувидуал шахс нутқини тилнинг турли соҳалари аспектида диққат билан ўрганиш муайян тилнинг ўзагини, мағзини, потологиясини тўғри аниқлашга ёрдам беришини алоҳида таъкидлади.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб Европа тилшунослигида «индувидуал шахс нутқи тилнинг умумистеъмолга хосланган барча хусусиятларини ўзида мужассам этади ва характерлайди» деган фикр тил тадқиқотчиларининг асосий диққат марказига кўчди. Шу даврда тилшунослар орасида мазкур муаммо билан боғлиқ равишда Ф де Соссюр томонидан илгари сурилган янги ва асосли тезис юзага келди. Ф. де Соссюр таъкидлайдики, «Тил – инсон учун аввалдан тайёр ҳолатга келтирилган маҳсул. Тилдан ҳар бир шахс ундан муайян ижтимоий нутқ шароитида

[1] *Бодуэн де Куртенэ И.А.* Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН СССР, 1963.– Т. 1-2.– стр.2; 71.
[2] Иванцова В.А. Лингвоперсонология. –Томск, 2010.

ўзининг эҳтиёжи ва имконияти даражасида (кимдир самаралироқ, кимдир пассив ҳолатда–изоҳ бизники) фойдалана олади. Сўзлаётган индувидуал шахс ҳеч қачон ўз нутқида янги тил ёки тил бирлигини ярата олмайди. (Яъни сўзловчи ўз нутқида ниманики ифодалаётган бўлса, унинг барчаси тил доирасидадир.)»[1] Соссюр ўз қарашларида тил(langue)ни ижтимоийлик маҳсули ва шахс нутқи(parole)ни унинг юзага чиққан ҳосиласи сифатида баҳолади.

XX асрнинг охирларига келиб рус тилшуноси В.В. Виноградов Соссюр белгилаган «шахс нутқи(parole)»нинг моҳиятини тўла очиш зарурлиги тилшунослик учун ўта муҳимлигини эътироф этди.

Зеро, индувидуал шахс нутқида халқ маданияти, маънавияти каби қатор социал сфералар акси, уларнинг дунёни идрок эта олиш салоҳияти, дунёқараши ва борлиқни ўз тафаккури синтезидан ўтказиши натижалари тил орқали акс этади. Индувидуал шахс нутқини ёш, жинс, ижтимоий муҳит, касб-кор, руҳий ҳолат, жисмоний ҳолат, замон, макон билан боғлиқ ҳолатда ҳар томонлама ўрганиш тилнинг серқирра, мослашувчан, бетакрор моҳиятини ҳамда тил~нутқ муносабати тил умумийлик, моҳият, имконият, сабаб; нутқ эса алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат характерида мавжудлигини англашга ёрдам беради. Индувидуал шахс нутқини ўрганиш, яъни лингвоперсонология соҳасининг қўлга киритган ютуқлари нафақат тилшунослик учун, балки телекоммуникация, ОАВ, криминалистика, жиноят қидирув бўлимлари ходимлари, шифокорлар, педагоглар, тил, юрт ўрганувчилар учун ҳам бир хилда муҳимдир.

Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида лингвоперсонология борасида бажарилган ишлар кўлами анча кенгайди. Лингвоперсонологиянинг назарий асослари қуйидаги тадқиқотларда ёритилди:

– Бодуэн де Куртененинг «Из патологии и эмбриологии языка. Языковые аномалии Владека М.» (1885) асари. Мазкур асарда илк маротаба аниқ шахснинг нутқи лингвоперсонологик таҳлилга тортилди;

–А.А. Шахматованинг «Описание лекинского говора Егорьевского уезда Рязанской губернии» (1914) асари лингвоперсонологик характердаги илмий-публицистик этюд

[1] *Соссюр Ф.* Труды по языкознанию: Пер. с фр. –М.: Прогресс, 1977. –696 с.–стр.: 52.

сифатида юзага келди ва унда И.С. Гришкин нутқининг фонетик, лексик жиҳатларига эътибор қаратилди.

–1880-1910 йилларда чоп этилган тўрт китобдан иборат Г.Р. Державин, Д.И. Фонвизин, А.С. Пушкин и А.С. Грибоедов асарлари тили луғати муаллифлар томонидан тайёрланди ва нашр этилди. Мазкур луғат лингвоперсонологик характерда яратилган илк луғат бўлиб, у шу борадаги ишлар учун йўл очиб берди.

КЎПТИЛЛИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ШАРОИТИДА ОНА ТИЛИНИНГ РОЛИ

Шаҳло НАРАЛИЕВА,
Жанубий Қозоғистон давлат
педагогика университети
Қозоқ тили ва адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси

Таълим-тарбиянинг бугунги кунда асосий вазифаси бўлмиш ёш авлодни ватанпарвар, замонавий билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштирган ҳамда эгаллаган билимларини ҳаётда фойдалана оладиган, функционал саводхон, жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлган – комилликка интиладиган баркамол авлодни вояга етказишдек улкан масъулият устозлар зиммасида эканлиги, шубҳасиз.

Ҳозирги кунда илм-фан, техника соҳаларининг жуда тез суръатда жадаллик билан ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия масалаларига янгича ёндашишни талаб қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчилар зиммасига янада юксак жавобгарлик ва вазифаларни юклайди. Негаки, рад қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор – сафарбар этилган барча саъй-ҳаракатлар охир-оқибат ўқитувчи меҳнати орқали билим олувчиларда ўз натижасини намоён этади. Шундай экан, устозлардан виждонан меҳнат қилиш, кўрсатилаётган юксак эътиборга муносиб жавоб бериш талаб этилади. Буларнинг барчаси фарзандларимизнинг чуқур билим олишларида асосий роль ўйнайдиган сифатли дарсда ўз аксини топиши барчамизга маълум. Бу борада, айниқса, Қозоғистонда жорий этилган уч тилли таълим тизими бўйича дарс берадиган ўқитувчилардан кўпроқ тайёргарликни талаб этишни атаб ўтиш жоиз. Мана бир неча йил

давомида тажрибада синалаётган миллий тилда ўқитиладиган таълим муассасаларининг кўптилли ёки билингвал таълим тизими асосида билим эгаллашлари эса ўқувчиларнинг кўпмаданиятли оламда ўз ўрнини эгаллашларида, рақобатбардош шахс сифатида камол топишида қўл келувчи услуб бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари Н.А.Назарбоев Қозоғистон халқига "Тўртинчи саноат инқилоби шароитида ривожланишнинг янги имкониятлари" номли Мурожаатномасида "қозоғистонликларнинг келажаги қозоқ, рус ва инглиз тилларини равон билишида" деб таъкидлаган. Уч тилли таълим инсон капитали ривожланишининг устунларидан бири – Қозоғистонни модернизация қилиш асосидир.

Илғор жаҳон амалиётида кўп тилли таълим мактаб таълимининг барча босқичларида она тилининг устуворлиги тамойилига асосланади. Ўқитиш миллий тилларда олиб бориладиган мактабларда уч тилли таълим ўқувчиларнинг она тилини билишига асосланиши табиий ҳодисадир.

Ушбу тажриба, яъни билингвал таълим тизими Жанубий Қозоғистон вилоятининг ўзбек тилда таълим юритиладиган муассасаларининг пилот/таянч мактабларида 2007-2009 йилдан синалиб келмоқда.

Зеро, ҳозирги кўптилли, кўпмаданиятли оламда кўптилли – билингвал таълимнинг аҳамияти жуда муҳим. Россия, Австралия, Бельгия, Белоруссия, Канада, АҚШ, Финляндия, Швейцария каби кўпгина кўпмиллатли мамлакатларнинг маориф тизимида иккитилли – билингвал, учтилли ва ундан ҳам кўптилли таълим тизими жорий этилган. Ўз навбатида, кўпмаданиятли таълим кўптилли ўқитиш билан чамбарчас боғлиқдир. Юртбошимиз Н.Назарбаевнинг ўз халқига йўллаган Мактубларида қозоқ, рус, инглиз тилларида ўқитиш ҳақидаги йўлланмалари, айнан, шундай талқин қилинади.

Шундай экан, билингвал ўқитиш – бу кўпмиллатли жамиятда умуммиллий маданият вакилининг кўптилли шахс сифатида камол топишида муҳим йўл, шунингдек, кўптилли синфлардаги ўқувчиларнинг тилга оид ғов-тўсиқларни енгиб ўтиш ва академик тил ютуқларини қўлга киритишининг жиддий шарт-шароитидир. Билингвал ўқитиш орқали турли миллат вакиллари ўртасида коммуникатив алоқа ўрнатилиб, ижтимоий мобиллашувнинг кафолати сифатидаги қўшимча лингвистик салоҳиятлар эгалланади. Бунда ўқувчилар:

- давлатда яшовчи этник жамоалар тарихи ва маданиятини билади;
- давлат тилини функционал даражада ўзлаштирадилар;
- ёшига мувофиқ биринчи тил компетенцияларини ўзлаштирадилар;
- ўз маданияти каби ўзга халқлар маданиятини қадрлашга ўрганадилар;
- функционал даражада учинчи тилни ўзлаштирадилар;
- этник хурофотлардан холи бўлган масъулиятли фуқаролик муомаласини намойиш этадилар, ҳар қандай низоларни тинчлик йўли билан ҳал этадилар.

Албатта, буларнинг барчаси ҳар бир миллат вакилининг ўз она тили асосида юзага оширилиши орқали осон кечишини янада таъкидлашимиз лозим.

Демак, кўптилли таълим тизими она тили ўқитувчилари зиммасига улкан вазифа юклайди, яъни она тили дарсларининг сифати, самарадорлиги, натижалилиги рақобатбардош оламда болаларимизнинг иккинчи, учинчи тилларни пухта эгаллашида замин бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, аввало, болаларимизнинг она тилига бўлган эҳтиром, уни ўрганишга бўлган иштиёқларини оширади.

Қозоғистон таълим тизимида учтиллилик сиёсати, асосан, табиий-математик йўналишдаги ўқув фанларни икки, уч (қозоқ ва рус тилли таълим муассалари учун қозоқ-рус, рус-қозоқ, қозоқ-инглиз, рус-инглиз тилларида юритилса, ўзбек, уйғур, тожик тилларида таълим юритиладиган мактабларда эса ўзбек-қозоқ, ўзбек-рус, ўзбек-қозоқ-рус, ўзбек –инглиз ва ҳк.) тилларда ўқитиш жорий этилмоқда. Демак, бундай кўптилли таълим шароитида она тили ўқитувчиларининг роли ортиб, улар нафақат ўз дарсларининг самарадорлигини ошириши, балки икки-уч тилли табиий йўналишдаги дарсларни ташкил этишда касбдошлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари жуда муҳим ва зарур. Бу борада она тили ўқитувчиларига юкланадиган масъулият икки ҳисса ортади, яъни ўқувчиларимизнинг табиий фанлар бўйича билим эгаллашларида уларнинг она тилидаги нутқининг софлиги, жумлаларни тўғри туза олиши, грамматик меъёрларнинг сақланиши каби масалаларда ҳамкор-консультантлик роли жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, ҳозирги замон талабига монанд ҳар бир она тили ўқитувчиси бошқа фан ўқитувчиси каби рақобатбардош бўла оладиган мутахассис бўлиб, ўз билимини такомиллаштириб, эскича бир маромдаги дарслар ўрнига янги талабга жавоб берадиган инновацион технологияларни ўз дарсларида кундаликда фойдалана олса, дарс мазмунли, унумли, самарали бўлиши, шубҳасиз. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонунининг 8-моддасида “Таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири – ўқитишнинг янги технологияларини киритиш, таълимни ахборотлантириш, халқаро дунёвий коммуникацион тармоқларга чиқиш” деб атаб кўрсатилган эди. Юртбошимиз Н.Назарбаевнинг халқига йўллаган Мактубларида таъкидланганидек, “Келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун замон талабига мос билим зарур. Қозоғистонни 30 ривожланган мамлакатлар қаторига етказувчи, улар билан тенглаштирувчи – билимдир. Шунинг учун ҳозирги тараққиёт палласида таълим тизимининг олдида турган долзарб масала – ўқитиш жараёнини янги технологиялар асосида қуриш экан, турли таълим технологиялари сараланиб, янгича усулда иш юритадиган ўқитувчиларнинг иш-тажрибаси тадқиқ қилиниб, мактаб ҳаётига ўзлашишидадир.

Бугунги кунда таълим тизимининг мақсади – рақобатбардош шахс, мутахассисни тарбиялаш экан, мактаб – таълим-тарбия макони, унинг қалби эса муаллимдир. Изланувчан, ижодкор муаллим фаолиятидаги ўзгачалик – унинг дарсни турлантириб, боланинг юрагига йўл топа олишидир. У ўз касбининг ҳақиқий фидойиси, ўз фанини, барча шогирдларини севадиган инсон.

Зеро, жадалликлар ила ўзгарувчан жамият янги формация муаллимини талаб қилар экан, у педагогика воситаларини эгаллаган, ўз-ўзини такомиллаштиришга талпинувчан, рефлексияга қобилиятли, таҳлил қилувчи, дидактик-методик, ахборот-коммуникатив билимдонликни илғор эгаллаган, маънавий юксак, ижодкор, тўлақонли салоҳиятли шахс бўлиши лозим. Чунки натижалиликка мўлжалланган таълим модели ва бошқаришнинг янги парадигмаси доирасида алоҳида тушунча ва меъёрларни ҳамда самарали педагогик технологияларни ўзлаштириш учун педагогларнинг касбий маданиятини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқитиш зарурати туғилди.

Ҳозирги таълим парадигмаси “билимдон инсон”га йўналтирилган таълимдан “маданиятли инсон”га йўналтирилган таълимга кўчишни кўзлайди. Бу эса таълимни янгича ташкил этиш – унинг фалсафий, психологик, педагогик асосларини, назарияси ва амалиётини теранроқ қайта қараб чиқишни ҳожат этди. Шунинг учун Қозоғистон Республикаси умумий ўрта таълим тизими 2016 йилдан бошлаб янгиланган мазмунга кўчганлигини таъкидлаш жоиздир.

Янгиланган таълим мазмунида кўрсатилганидек, таълим ва фанни ривожлантириш дастурининг сифатини ошириш, шу билан бирга, ўқувчиларнинг мулоҳазали фикрлаш, янги ахборот излаш, уни идрок этиш, қайта шарҳлаш, гуруҳда ишлай олиш, ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланиш каби кўникма ва малакаларни эгаллашга алоҳида эътиборни талаб этган экан, ўрта таълим мазмунини янгилаш шароитида педагогик жараённи ташкил этиш усули – янгича фикр юритувчи устозларни тайёрлашдир.

Янги технологияларни эгаллашда муаллимнинг ҳар томонлама билимдон бўлиши зарур, яъни:

- педагогик жараённи тизимли амалга ошира оладиган;
- педагогик ўзгаришларни тез илғаб олувчи;
- янгича фикрлаш тизимини ўзлаштира оладиган;
- ўқувчилар билан тил топиша оладиган;
- билимли, саводли, ишчан, маҳоратли касб устаси бўлиши лозим.

Бу борада илгариги ўқувчи фақатгина тингловчи бўлса, ҳозирги ўқувчи – мустақил ҳолда билим изловчи якка шахс эканлигига алоҳида эътибор бериш даркор.

Ҳозирги ўқувчи:

- дунёқараши кенг;
- иқтидорли, ижодкор, маҳоратли;
- изланувчан, талабчан;
- ўз олдига мақсад қўя оладиган;
- олган билимларини ҳаётга татбиқ эта оладиган функционал саводхон шахс бўлиши лозим.

Ҳозирги янгиланган таълим мазмуни айнан шундай мақсадларни кўзловчи дастур орқали амалга оширилади. Бу борада мазмуни янгиланган “Ўзбек тили” фани орқали ўқувчилар олган билимларини амалда қўллай олиш малакаларини

такомиллаштириш каби коммуникатив билимдонлик сари йўналтирилади. Бу ўқув материали умумий таълим мазмунининг ички алоқадорликларидан юзага келиб, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари билан биргаликда қўшиб юзага оширилади.

Она тилини сифатли такомиллаштирган ҳар бир ўқувчи тил доирасидаги билимларинигина кенгайтириб қолмасдан, балки уларнинг фанга, дарсга бўлган қизиқишларини, ҳавасини ҳам орттирадиган, эгаллаган билимларини амалда фойдаланишга ўргатадиган асосий ўқув воситаси эканлигини англаб етмоғи зарур. Умумий ўрта таълим ўзбек тилида юритиладиган мактабларда ўзбек тили фанининг асосий мақсади – ўқувчиларга ўзбек тили ва унинг бойликларидан баҳраманд бўлишларига ёрдам кўрсатиш. Болаларда оғзаки ва ёзма нутқдан фаол фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Ўзбек тилини функционал-коммуникатив ва алоқадорлик-билимдонлик нуқтаи назардан ўқитиш, инсоният жамиятида тилнинг аҳамиятини тушунтириш, она тилининг бугунги кундаги ижтимоий вазифасини, бошқа тиллар билан ўзаро алоқаси, туркий тиллар билан умумийлиги ҳақида маълумот бериш, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш, ахборотни қабул қилиш, фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятларини ривожлантиришни кўзлайди. Шунингдек, ўзининг она тилини қадрлайдиган, унинг жамиятдаги аҳамиятини тушунадиган шахсни камол топтириш, ўзбек адабий тили меъёрларини сақлаб, тўғри қўллай олишга, эркин мулоқотда бўлишга ва саводли ёзишга ўргатишдир.

Шу билан бирга, ўқитувчи ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини (***тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш***) саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонлик малакаларини шакллантиришга қаратилади, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш, ахборотни қабул қилиш, фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятларини ривожлантиради.

Янгиланган таълим мазмуни ўрта мактаб ўқувчисига ўзбек тилини она тили сифатида алоқа тили ва билим олиш воситаси сифатида ўқитишни, сўз, сўз бирикмалари, гапларнинг матн ҳосил қилишдаги хизматини танитиш, тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда матнлар ҳосил қилишга, матн ҳосил қилишдаги қонуният ва қоидаларга амал қилишга ўргатишни, тил фаолияти давомида оғзаки ва ёзма нутқ

меъёрларини ўзлаштиришни, таъсирчан нутқий фаолиятнинг грамматик меъёрларини ўзлаштиришни мақсад қилиб қўяди.

Она тили ўқитувчилари таълимда ижтимоий жиҳатдан мукаммал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданиятини эгаллаган саводхон шахсни камол топтиришни ўзларига шиор этмоқлари лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, замонавий таълим тизими замонавий ўқитувчидан астойдил фидойиликни талаб этади. Шундай экан, барча устозлар замон билан ҳамнафас фаолият юритса, улкан зафарларни қучмоғимиз, шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбаевнинг «Тўртинчи саноат инқилоби шароитларида ривожланишнинг янги имкониятлари» номли Қозоғистон халқига йўллаган Мактуби: //Жанубий Қозоғистон», 2018, 17 январь.
2. Кўптилли таълимнинг барқарор дастурини қандай ишлаб чиқиш ва жорий этиш керак. Кўптилли таълим дастурларини тузувчилар ва менеджерлар учун қўлланма. Муаллиф-тузувчилар: А.Стоянова, М.Глушкова, Бишкек ш. , 2017й. – 216 б.
3. Мазмуни янгиланган таълим тизими доирасидаги «Ўзбек тили» таълим дастури. nao.kz сайти.2016 йил.
4. «Ўзбек тили методик қўлланмаси». Шимкент, 2016 йил.
5. «Она тили таълими янги асрда».Тошкент-2006йил.
6. Интернет манбалари.

O‘ZBEK TILSHUNOSLIGIDA FRAZEOLOGIZMLARNING TADQIQI

Shaxzoda XASANOVA,
TDSHU stajo‘r o‘qituvchisi

Har bir til o‘zining so‘z boyligiga ega. So‘z o‘z navbatida lug‘aviy, frazeologik va leksik-frazeologik so‘zlar orqali ifodalanishidan, til qanchalik uzoq tarixga ega ekanligi ma’lum bo‘ladi. Bu boylikdan o‘rinli va maqsadga muvofiq holda foydalanish nutqning ta’sirchan va ifodali bo‘lishiga olib keladi. Qadimdan so‘zni o‘rinli hamda ta’sirchan qilish maqsadida yozuvchilar, mashhur so‘z ustalari frazeologik birliklardan o‘rinli foydalanishga alohida e’tibor berib kelganlar.

Frazeologizm tilning boshqa odatiy so‘zlardan farq qilishi va alohida adabiy til meyorlariga ega yaxlit, shuningdek o‘zinig kelib chiqish tarixiga ega ajaralmas so‘z birikmasidir. Frazeologik birikmalar o‘tgan asrning birinchi yarim yillaridan boshlab O‘zbekistonda keng o‘rganila boshlandi. Bir qator maqolalar, monografiyalar, nomzodlik dissertatsiyalar, izohli lug‘atlar, darsliklar, o‘quv-uslubiy majmualar yaratilgan. O‘zbek tilining frazeologizmlari besh jildlik “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” da (2006-2008) va bir jildlik “O‘zbekcha-ruscha lug‘at” da (1988) birmuncha to‘laroq aks etgan desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Frazeologizimlarning o‘rganilish tarixi haqida gapirilganda, “frazeologiya” atamasi “fraza” so‘zidan olingan bo‘lsa-da, turkiy zabonlar tilida dastlab bu atama turli ma’nolarni ifodalash uchun xizmat qilgan. XIX asrda yashagan turkiyshunos olim Kozimbek Aleksandr Kasimovich (1802-1870) o‘sha davr an’analaridan kelib chiqib, rus tilida yozilgan boshqa tasviriy grammatikalarda bo‘lgani singari o‘z asarida “fraza”[1] so‘zini jumla, gap ma’nosida qo‘llagani ma’lum.

“Birdan ortiq mustaqil leksema ko‘rinishining birikuvidan tashkil topib, obrazli ma’naviy tabiatga ega bo‘lgan lisoniy birlik frazeologizm deyiladi”, – deya ta’rif berilgan “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” nomli adabiyotda.

Frazeologizmlar, maqol va matallar, aforizm, hikmatli so‘zlar olib borilgan ishlar natijasida bir qancha lug‘atlar yaratildi. Bular shubhasiz, barqaror so‘z birikmalarini alohida til birligi sifatida o‘rganish ehtiyojini yuzaga keltirdi. Xorazmda Mulla Begijon Rahmon o‘g‘li tomonidan “O’zbekcha otalar so‘zi” (maqollari, 1924 yil), Sherali Ro‘zi tomonidan to‘plangan “O’zbek maqollari” (1926 yil) o‘zbek tilshunosligida dastlabki qadamlar edi. 40-yillarga kelib o‘zbek yozma adabiyotida hikmatli so‘zlar, afozmlarni to‘plash, nashr ettirish rivojlana boshlandi. O‘sha davrning tilshunoslari frazeologiyaga ilk qadamlar qo‘ya boshlashgan. A.G’ulomov, U.Tursunov, A.K.Borovkov, V.Abdullayev, N.Mallayev kabi taniqli tilshunos va adabiyotshunoslarning turg‘un birikmalarga oid tadqiqotlari bunga yaqqol misol bo‘l oladi. 50-yillarga kelib Sh.Rahmatullayev, A.Shomaqsudov, M.Xusainovlar tomonidan frazeologiyaga bag‘ishlangan nomzodlik tadqiqot ishlari yuzaga keldi. Bu ishlarning natijasida Alisher Navoiyning hikmatlari va iboralarini, aforizmlari to‘planib, nashr ettirilishi o‘zbekistonda ham frazeologizmlar qanchalik uzoq tarixga ega ekanligi, milliy tilimiz

[1] Наследие Мирзы Казем-бека: история и современность// Доклады и сообщения Международной научной конференции// (г. Казань, 20 – 21 ноября 2013 г.)

chuqur ildizga ega ekanligini o‘z ishlaria namoyon qilisihdi. 1964-yilda Sh.Rahmatullayev “O’zbek tilining qisqacha frazeologik lug‘ati”ni yaratdi. Shuningdek, Sh.Shomaqsudov va O.Dolimovning “Keng uyning kelinchagi” (Toshkent, 1961,1964 yillar) nomli lug‘at-kitobida tilimizning har xil xarakteridagi frazeologik materiallari yig‘ilgan. 1976 yildan nashr etilib boshlangan “O’zbek frazeologiyasidan materiallar” (X.Berdiyorov, R.Rasulov, B.Yo‘ldoshev. Samarqand) uch qismli qo‘llanmalarida tilimizning ko‘plab frazeologik materiallari yeg‘ilib, o‘quvchilarga taqdim etildi. O’zbek tilshunosligida frazeologik lug‘at borasida katta yutug‘imizdan biri 1978-yilda prof. Sh.Raxmatullayev tomonidan yaratilgan “O’zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati” nashr etilishi bo‘ldi. Lug‘atda frazeologizmlarning ma’no qirralarini izohlash bilan birga, ularning varianti, sinonimlari keltirilgan va misollar asosida izohlangan. O’zbek tilshunosligida frazeologizmlarni ilmiy tadqiq etishni esa birinchi bo‘lib prof. Sh.Rahmatullayev boshlab berdi. Endilikda tilshunosligimizda frazeologiya alohida til birligi sifatida o‘rganilmoqda, frazeologiyaning o‘rganish ularning grammatik xususiyatlari, stilistik imkoniyatlari to‘g‘risida katta-katta monografik ishlar maydonga keldi, frazeologik izohli lug‘atlar yaratildi. Frazeologiya borasidgi tadqiqotlar, uni alohida til birligi sifatida o‘rganilishini taqazzo etadi. Frazeologiyaning turli tomonlariga bag‘ishlangan monografik kuzatishlar, dissertasiyalar, frazeologik lug‘atlar yuzaga kela boshladi. O‘zaro yaqin tillar frazeologizmlarini qiyosiy o‘rganish, qarindosh bo‘lmagan tillar frazeologizmlarini tipologik o‘rganish bo‘yicha ham muhim kuzatishlar olib borildi. Hozirgi paytda esa frazeologiya tilshunoslikning fonetika, fonologiya, grammatika bo‘limlari qatori o‘z o‘rganish obyektiga, tekshirish metodiga, maqomiga ega bo‘lgan alohida soha bo‘lib shakllandi. Frazeologiya qirralarini o‘rganish borasida e’tiborli ishlar mavjudligiga qaramay, hozirga qadar frazeologizmlarning o‘rganish ko‘lamini belgilashda tilshunos olimlar bir to‘xtamga kelishmagan. Frazeologik ma’no, frazeologiyada sistema, frazeologizmlarning kelib chiqish manbalari, tarixiy taraqqiyoti kabi masalalar olimlar tomonidan o‘rganilib tugatilmagan, yani uning qirralarini hali hanuzga qadar o‘rganishda davom etishmoqda. Shu bilan birga turli tillar frazeologizmlarini qiyosiy va qiyosiy-tipologik o‘rganishni jonlantirish vazifasini ham hayotning o‘zi taqozo qilib qoldi. Adabiy til frazeologiyasi, o‘zbek folklori frazeologiyasi, ayniqsa o‘zbek dialektal frazeologiyasi materiallari, frazeologizmlarning nutqiy transformasiyasi

masalalari ilmiy tadqiq etilganicha yo‘q. Frazeologiya tilning frazeologik majmuasini, uning tarixiy taraqqiyotini va hozirgi holatini o‘rganuvchi tilshunoslikning sohasi hisoblanadi. Frazeologiya so‘z kabi tilda tayyor holda bo‘lgan turg‘un birikmalarni, ya’ni frazeologizmlarni o‘rganadi. Frazeologimzlar esa tilda ko‘plab uchraydigan, fikrni keng, obrazli, o‘tkir ma’noli, qamrovli ifodalaydigan barqaror so‘z birikmalaridir. Ta’kidlaganimizdek, hozirga qadar frazeologizmlarning o‘rganish ko‘lamini belgilashda olimlar o‘rtasida turli xil fikrlar mavjud. Tilshunoslikda frazeologiyaning o‘rganish obyekti haqida tilshunoslar orasida asosan ikki xil qarash mavjud: frazeologiyani tor ma’noda tushunish va frazeologiyani keng ma’noda tushunish. Frazeologiyani tor ma’noda talqin qiluvchi tilshunoslar frazeologizmlar tarkibiga ikki yoki undan ortiq leksik negizdan tashkil topgan, ko‘chma ma’no anglatuvchi, qismlarining ma’nosi asosidan butun ma’no ifodalovchi iboralarni kiritadi. Ikkinchi xil qarash tarafdorlari esa frazeolgimzlar tarkibiga iboralar bilan bir qatorda undov xarakteridagi maqol tipidagi frazeologizmlar, hikmatli frazeologik birikmalarni kiritishadi. frazeologiyani keng ma’noda o‘rganish lozim. Bunday tahlil u yoki bu tilning frazeologik jamini keng qamrovli, to‘lasincha tadqiq etish imkonini beradi. Ammo frazeologizmlarni birikmalardan farqlash lozim. Hozirgi o‘zbek adabiy tilining frazeologik sistemasini har tomonlama tadqiq etish, birinchidan: turg‘un birikmalarning murakkab va ko‘p qirrali tomonlarini, ularning struktural-semantik va stilistik tiplarini o‘rganishga imkon yaratsa, ikkinchidan, ularning yaratilish tarixi, semantik taraqqiyoti, nutqdagi faoliyati, yozuvchi va publisistlarning frazeologizmlardan unumli va ijodiy foydalanish mahoratini to‘g‘ri va obyektiv baholashga yordam beradi.

Frazeologik birliklarning paydo bo‘lishi, taraqqiyoti, yangilanishi va boyishi faqat frazeologik neologizmlarning paydo bo‘lishi bilan emas, balki mavjud iboralarning semantik, grammatik va funksional jihatdan yangilanishi asosida sodir bo‘ladi. Keyingi yillarda“O‘zbek tili frazeologik birliklarining struktur-funksional xususiyatlari” A. Rafiyev, “O‘zbek va rus tillarida ravish frazeologik birliklar” qiyosiy jihatdan I. Rasulov, “Hozirgi o‘zbek adabiy tilida frazeologik birliklarning funksional-uslubiy xususiyatlari” B. Yo‘ldoshev tomonidan o‘rganildi. Frazeologik birliklarning transformasiyasi, xususan, uning ayrim ijodkorlar tomonidan ijodiy o‘zgartirilib qo‘llanilishiga doir tadqiqotlar E.Umarov, Ya.D.Pinxasov, M.Xusainov, Sh.Shomaksudov,

I.K.Kuchkartayev, K.Samadov, A.Abdunazarov, B.Yuldashev, S.Karimov, X.Kaxxarov[1]alar tomonidan olib borildi.

“Frazeologizmlar faqatgina ma’noni kuchli ifodalab olmasdan, shu bilan birga badiiy asar mazmunini obrazli ifodalaydi. Obrazlilik frazeologizm komponentlaridan birining yoki umumiy birikmaning ko‘chma ma’noda qo‘llanilishi asosida yuzaga keladi. Frazeologizmlarning ma’nosi uning tarkibidagi so‘zlarning umumiy ma’nosidan iborat bo‘lmaydi. Frazeologizmlar nutqda o‘zaro birikish, sintaktik munosabat, semantik taraqqiyot jarayonini kechiradi”[2].

Frazeologizmlar ma’lum bir uslubiy vazifani kuchaytirish vazifasini bajaradi, hissiyotni va ta’sirchanlikni oshish uchun xizmat iladi. Frazeologik birliklar muayyan stilistik mahsuldorlik maqsadida ishlatilib, o‘ta salbiy hissiy-ta’sirchan munosabatini aks ettirish, salbiy xarakterni obrazli ifoda etish uchun xizmat qiladi. Frazeologizm tushunchasini fanga olib kirgan Shvetsiyaralik tilshunos Sh.Balli “tashqi belgiga nisbatan ichki belgi ahamiyatli va eng qimmatlidir”[3], – deya frazeologizmga ta’rif berib ketganlar.

Asrimizning 20-yillaridanoq rus tilshunoslari frazeologizmlar haqida quyidagi fikrlarni zikr qilishgan: “kelajakda frazeologiya ham fonetika, morfologiya kabi tilshunoslik adabiyotidan o‘rin olishi zarur"[4]. Ushbu fikrni o‘zbek tilshunosi Sh.Ra matullayev ham “ikki yoki undan orti leksik negizdan tarkib topgan, tuzilishi jihatidan birikmaga, gapga teng, mazmunan so‘zga muqobil, yaxlitligicha ustama ko‘chma ma’no anglatadigan lug‘aviy birliklarni frazeologik obyekt deb e’tirof etadi[5]”, – deb ta’rif berib o‘tganlar . B.Yo‘ldoshev, A.Mamatov kabi tilshunoslar frazeologizmlarni *keng* tushunib, birikmali, tur uchun, obrazli ifodalarni frazeologizmlar sifatida tadqiq etadilar. A.Hojiyevning “Lingvistik terminlarning izohli lug‘ati”da frazeologik birliklarga “tuzilishi jihatdan

---

[1] Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана «Хазойин-ул-маоний» А.Навои: Автореф. дис…канд. филол. наук. – Ташкент, 1968; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс…канд. филол. наук. - Самарканд, 1978; Каримов С. Зулфия поэзиясининг луғати. Конкорданс. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.-Б.273; Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри: Автореф. дис... канд.филол.наук, -Ташкент, 1985; Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Хамида Алимджана: Автореф. дис. ...канд.фило.наук. -Ташкент, 1953. –С.19; Хусаинов М. Фразеология прозы писательницы Айдин. Автореф. дис…канд. филол. наук. Самарканд. 1959. –С.24-б; Шомаксудов Ш. Язык сатиры Мукими (лексика и фразеология): втореф.дис. канд.филол.наук. -Ташкент. 1956; Кучкартаев И.К. Фразеологические новаторство А.Каххара: Автореф. дис..канд.филол.наук. –Ташкент, 1965; Самадов К. Некоторые вопросы языкого мастерства Айбека: Автореф. дис. канд.филол.наук. –Ташкент, 1967; Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов (на материале сатирического журнала «Муштум») : Автореф. дис..канд. филол. наук. – Ташкент, 1968.

[2] Маматов А.Э. Ўзбек тили разеологияси –Toshkent: 2019, -b.13

[3] Балли Ш. Французская стилистика. -М., 1961. -С. 98.

[4] Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов -М., Л., С. 61.

[5] Бердиёров Х., Йўлдошев Б.Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. –Самарқанд, 1977.

so‘z birikmasiga, gapga teng, semantik jihatdan bir butun, umumlashgan ma’no anglatadigan, nutq prosessida yaratilmay, balki nutqa tayyor holda kiritiladigan lug‘aviy birlik, turg‘un birikmalarning obrazli, ko‘chma ma’noga ega turi[1]”, – deya ta’rif bergan. Frazeologik birliklarning ma’no, uslubiy, grammatik-semantik xususiyatlari prof. Sh.Ra matullayev, A.Rafiyev A.Mamatov, Q.Xakimov, Sh.Almamatova, U.Rashidovalarning[2] tadqiqotlarida o‘rganilgan.

Tilshunoslar tomonidan frazeologizmlarning murakkab til hodisasi ekanligi va ularning o‘zaro zid omillari mavjudligini e’tirof etib, frazeologik boylikni sistemalashtirish va nazariy-amaliy tadqiq etish jarayonida muayyan aniqliklar kiritish lozimligi ta’kidlanadi. Shu ma’noda tilshunoslikda, xususan, o‘zbek tilshunosligida frazeologik o‘ziga xoslikka yetarli darajada e’tibor berilishi va alohida metodologik konsepsiya, yo‘nalish asosida tadqiq etilishi maqsadga muvofiq .

Shunday qilib, frazeologizmlar nutq jarayonida tayyor holda qo‘llaniladigan, semantik jihatidan so‘zga muqobil, struktura va ma’no jihatidan birikma va gapga teng, komponentlaridan birining yoki umumiy birikmaning ko‘chma ma’nosi asosiga qurilgan turg‘un birikmalardir. Frazeologimzlar ham tilning leksikasi kabi nominativ va aloqa aralashuv, fikr almashuv vositasi bo‘lib xizmat qiladi. Shu bilan birga frazeologiya tilning leksik va stilistik imkoniyatlarini, boyligini ko‘rsatuvchi sohasi hamdir. Shu ma’noda so‘zlar kabi frazeologizmlarning elementlarini, o‘ziga xos tomonlarini, nutqdagi faoliyatini, emosional-ekspressiv vazifalarini tadqiq etish ilmiy va amaliy ahamiyat kasb etadi. Frazeologiya fani oldida turgan asosiy vazifa, tilning frazeolgik sistemasini, uning tarixiy taraqqiyotini, hozirgi ahvolini, uning so‘z bilan bog‘liq tomonlarini, grammatik va stilistik xususiyatlarini o‘rganishdan iboratdir.

---

[1] Раҳматуллаев Ш. Лексикология билан фразеология. ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1992, 49-186 бетлар; Шу муаллиф. Ўзбек тилининг фразеологик луғати – Тошкент,1992; Шу муаллиф. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. –Тошкент, 1992.

[2] Рафиев А. Кўрсатилган диссертация автореферати; Маматов А.Э. Семантико-стилистические особенности эмоциально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка. - Автореф. Дисю//канд. филол. наук. – Ташкент, 1988; Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилида содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари. - Филол. фанл. номзд. диссерт. автореф. -Тошкент, 1994; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент та лили: Филол.фан.номз.дис...автореф. – ҳ Тошкент, 2008. -23 б.; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик та лили (ҳ *кўз, ўл ва юқрак компонентли иборалар мисолида*): Филол.фан.фалсафа д-ри (PhD) дисс...автореф. -Самар анд, 2018. –51 б.

АХСИКЕНТ ВА НАМАНГАН ТОПОНИМЛАРИНИНГ ВАРИАНТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ШЕЪРИЙ НУТҚДА ҚЎЛЛАНИШИ ХУСУСИДА

Камола ҲАМИДОВА,
ҚДПИ мустақил тадқиқотчиси

Топонимлар, жумладан, қадимий ва катта шаҳар номлари тарихий ва замонавий, хусусан, фонетик, диалектал, орфоэпик, график, услубий вариантларга эга. Албатта, бу вариантларнинг барчаси маълум вазифаларни бажаради. Бу *Ахсикент, Наманган* полисонимларининг вариантларида ҳам ёрқин кузатилади.

“Ҳудуд ул-олам” рисоласининг “Мовароуннаҳр ноҳияти ва ундаги шаҳарлар ҳақида сўз” қисмида ҳозирги *Ахсикент* ойконими *Ахсикат* шаклида берилиб, қуйидагича изоҳланган: “Ахсикат – Фарғонанинг қасабаси, амир ва масъул аъёнларнинг қароргоҳи эрур; катта шаҳар, Хашарт дарёси бўйида жойлашган; тоғ этагида”.[1] Хашарт айнан ҳозирги Сирдарё.

“Бобурнома”да тарихий *Ахси* ойконими асарда энг кўп қўлланган бўлиб, 34 ўринда айнан Ахси шаклида берилади. Бобур ном манбаларда *Ахсикат* тарзида ёзилганлигини ҳам айтади: *“Сайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалар: бири Ахсидур. Китобларда Ахсикат битарлар”*(Бобурнома, 36-б.)[2] Демак, *ахси* ва *кент* морфемаларидан таркиб топган ойконим, *«қўрғонли шаҳар»* деган маънога эга. Унинг лисоний шаклланиши қуйидагича: *ахс*ы > *ахси* + *кент (кат)* > *Ахсикат // Ахсикент* > *Ахси* каби. Англашиладики, *Ахси, Ахсикент, Ахсикат* айнан бир номнинг вариантларидир. Шеърий нутқда мазкур вариантларнинг барчаси кузатилади:

Абдулла Жабборнинг “Кўрголи келдим” номли шоир Машраб ҳаётига бағишланган драмасида Мулла Бозор нутқида ҳам бу кузатилади:

Ахсикатни *эсланг, аҳли Намонгон*
Пойтахт эрди ул машҳури замон.
Ахси *эрди неча дониш онаси*
Кетдилар бир-бир тўлиб паймонаси.

(Абдулла Жаббор. Кўрголи келдим, 32-б.)

[1] Ҳудуд ул-олам. – Тошкент: O’zbekiston, 2008. – 64-б.
[2] Қаранг. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.15.

Ҳозирги тарихга оид илмий манбаларда, бадиий, жумладан, шеърий асарларда шаҳар номининг *Ахсикент, Ахси* вариантлари фаол ишлатилади:

*Қадим **Ахсикенти** ҳам*
Ажиб ғазнаи олам.

Олам бўйлаб эмас сир
Бобурийлар шундандир.
(Зиёвиддин Мансур. Қуёш ҳайқириқлари, 33-б.)
Бўлган чоғлар талатўп, ур-сур,
Андижондан йўл солиб Бобур,

Одатича ахтариб савоб,
Ота қабрин қилмоқ-чун тавоф,

Юрагида шу ширин ташвиш
***Ахси** томон айларкан юриш...*
(Зиёвиддин Мансур. Яккатут,162-б.)

Ҳозирги ***Наманган*** полисонимн ва хороними “Бобурнома”да фақат бир ўринда *Ғазнайи Намангон* вариантида кузатилади: *“... Архиён қўрғонини ёвуқ қабамоқнинг салоҳин топмай, бир шаръисида Ғазнайи Намангонға тушулди.”* (Бобурнома, 74-б.)

Шаҳар номи ҳозирда барча расмий манбаларда Наманган вариантида қўлланса-да, жонли сўзлашувда, тарихий манбалар ва шеърий нутқда Намангон вариантида ҳам ишлатилади:

*Ким **Намангон** шаҳрида меҳмонмиз,*
Зебу айвон зийнату кошонмиз.
(Мулла Йўлдош Хилватий. Сайрул жибол, 31-б)
Ёд этиб аҳли Намангонни тамом,
Фарқ қилмай шайхи шобу хосу ом.
(Хилватий. Ўша асар,33-б.)

Нафақат ўзбек мумтоз шеъриятида, жумладан, замонавий шеърий асарларда ҳам шаҳар номининг Наманган, “Бобурнома”даги каби Ғазнаи Намонгон вариантлари қўлланиши кузатилади:

Гиёҳи шифо, дори тоғу қири,
Юзи гул, эли гулчиликнинг пири.
Қуёш олмаси, тўлган ой анжири,
Анори тилидек ширин ҳар бири,
Емиши писта-бодому, кишмиш, асал,
Гўзалдир ***Наманган****,* ***Наманган*** *гўзал.*

(Чустий. Наманган гўзал, 313-б.)

Бу кун ўша ***Наманган***
Қолишмай ҳеч чамандан,
Буткул кетган авжланиб.
Қаранг,
Бўлмайди таниб.

(Зиёвиддин Мансур. Қуёш ҳайқириқлари, 31-б.)

Ёки:

Наманганнинг *олмаси,*
Ширмонию ҳолваси,
Минг қидириш бефойда,
Топилмас бошқа жойда.

(Зиёвиддин Мансур. Қуёш ҳайқириқлари, 33-б.)

Хизир назар этган жой
Гуллаган гулшаҳримсан.
Рамзи кўрк – рамзи чирой
Ифтихорим – фахримсан.
Жаҳон ичра жаҳоним
Маскани жонажоним.
Оламда йўқ бўстоним –
Ғазнаи Намангоним!

(Зиёвиддин Мансур. Ғазнаи Намангоним, 37- б.)

Шоир Зиёвиддин Мансур кўп шеърларида анъанага мувофиқ Наманган вариантини қўллайди. “Ғазнаи Намангоним” номли бағишлов шеърида эса Наманганни турлича тавсифловчи турли бандларда келган *жаҳоним, жонажоним, бўстоним, булбулистоним, ғазалхоним, жаннатсимоним, забоним, отажоним, покдомоним, иймоним, уммоним, Зиёафшоним, осмоним* каби сўзларга қофиядош сифатида беш бандниг ҳар бири якунида *Ғазнаи Намангоним* такрор билан форсий изофали бирикмасини қўллайди. Шеърнинг “*Ғазнаи Намангоним”* деб аталиши ва юқорида таъкидланганидек, ҳар бандниг ана шу ном такрори билан тугаши оҳангдошликни, шеърий жозибани

таъминлаш баробарида шеърий ритмнинг ҳам мунтазамлиги учун ҳам хизмат қилган.

Таҳлиллардан кўринадики, топонимларнинг тарихий фонетик вариантлари шеърий нутқда тарихий колоритини ифодалаш, шеърий мусиқийлик ва оҳангдорликни таъминлаш каби услубий мақсадларда қўлланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Жаббор. Кўрголи келдим. Алпомишнинг ўқ-ёйи. – Наманган, 2000. – 118 б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002.
3. Зиёвиддин Мансур. Ғазнаи Намангоним // Тўтиё. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 160 б.
4. Зиёвиддин Мансур. Яккатут манзумаси ёки муқаддас тут ҳақида достон // Қуёш ҳайқириқлари. Сайланма. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2019. – 416 б.
5. Чустий. Садоқат гуллари. Девон. – Тошкент, 1992. – 344 б.
6. Ҳудуд ул-олам. – Тошкент: O’zbekiston, 2008. – 64 б.

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДАГИ ҚАЛМОҚ ПОЛВОНЛАРИНИНГ ИСМЛАРИ ХУСУСИДА

Барчин ЮНУСОВА,
НамДУ ўқитувчиси

“Алпомиш” достони – ўзбек халқининг энг миллий асари. Туркий урф-одатлар, тафаккур тарзи, руҳ достоннинг ҳар сатрига сингиб кетган [1:11]. Бу асарнинг тимсоллари исмида ҳам ёркин кўринади.

Достонда Сурхайил мастоннинг етти ўғлининг исмлари қуйидагича тавсифланади: *“Каттасини **Кўкалдош** дер эди, ундан кичкинасини **Кўкаман** дер эди, **Кўкқашқа** дер эди, **Бойқашқа** дер эди, **Тойқашқа** дер эди, **Қўшқулоқ** дер эди, кенжатойини **Қоражон** дер эди”* [2:66].

М.Жўраев *Сурхайил кампир* ва унинг ўғиллари: *Кўкалдош, Кўкаман, Кўкқашқа* тимсолларини эзгулик ва ёвузлик кураши ҳақидаги дуал қарашлар негизида келиб чиққан мифологик персонажлар гуруҳига киритган [3:25]. Албатта, бу фикрда ҳам асос бор. Мазкур тимсоллар достонда салбий, яъни ёвузлик тимсоллари сифатида гавдаланади.

Кўкалдош – Сурхайил мастоннинг катта ўғли. *“Барчин алпларнинг аччиқ билан отдан тушганини билиб, қараб кўрди, алпларнинг зўри* ***Кўкалдош*** *эканини билди: зўрлик номига бошида тилла жиғаси бор, остида суворага миниб юрган саман йўрғаси бор”* [2:96].

Кўкалдош исми манбалардаги каби достонда *Кўкалтош* ва *Кўгалтош* диалектал вариантида ҳам қўлланган: *“Ул кампирнинг 90 ули бор эди. Энг каттаси* ***Кўкалтош*** *деган зўр эди. Ҳар кунда 10 қўй гўшин жер эди”* [4:465]. *“****Кўгалтош*** *билан мард Қоражон бувишти, Барчин учун ака-ука урушти, атрофида турғон 90 иниси икковининг жанжалига жетишди”* [4:469].

Кўкалтош антропоними луғавий асоси ва тарихий-этимологик манбасига кўра, қадимги туркий тилга мансуб исмдир. Одатда бундай исм эмукдош, бир онани эмишган болаларга қўйилади. Э.Бегматов қайд этишича, исм “эмукдош, бир онани эмишган бола, қариндош” маъноларини англатади [5:192].

Қалмоқ паҳлавонларига хос *Кўкқашқа, Бойқашқа, Тойқашқа* антропонимлари серияли исмлар гуруҳини ташкил этади. Бу исмларнинг барчаси бир хил моделда ясалган, тузилишига кўра қўшма таркибли исмлардир: [Кўк + қашқа], [Бой + қашқа], [Той + қашқа]. Бу исмларнинг иккинчи компоненти *қашқа* луғавий бирлиги тарихий-этимологик жиҳатдан ўзбекча, кўп маъноли бўлиб, қуйидаги маъноларни англатади: “от ёки мол пешонасидаги оқ жой, оқ нишона; шундай нишонали от, мол” ва кўчма “бетнинг кўринадиган ерида урилишдан қолган нишона, яра, чақа” ҳамда айрим сўзлар билан қўшилиб, салбий “ҳамма биладиган, танийдиган”[6: 269]. Сўз худди шу иккинчи ва охирги маънолари билан қўшма тузилмали исмнинг ясалишига асос бўлган. Бу серияли исмларнинг бир моделда ясалишида ҳам услубий мақсад бор, яъни уларнинг урушқоқ, кучли полвонлар, Алпомишнинг душманлари кучли эканлигини ифодалаш ётади.

Мазкур исмлар мотивацион-номинацион асосига кўра тасвирий исмлар турига мансуб бўлиб, қаҳрамонларнинг ташқи физиологик белги-хусусиятлари ифодаси сифатида юзага келган. Улар мотивацион, луғавий асоси билан салбий оттенка ифодалайди, ўз соҳиби ҳақида “гапириб” туради, шу жиҳатдан лақабларга ўхшаб кетади: “*Каттасини Кўкалдош дер эди, ундан кичкинасини Кўкаман дер эди,* ***Кўкқашқа*** *дер эди,* ***Бойқашқа*** *дер эди,* ***Тойқашқа***

дер эди, Қўшқулоқ дер эди, кенжатойини Қоражон дер эди” [2: 66].

Кўкаман антропонимини Б.Дўстқораев қуйидагича талқин этади: «Кўка» сўзи кўксдан олинган булиб, *кўкрак, юрак* маъноларини билдиради. Кўкаман (Кўкамон) *«юраги катта»* дегани” [7].

Кўкаман ҳам Қалмоқ алпларининг бири. “Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош вариантида Барчиннинг алплик хусусияти Кўкаман алпнинг оғзи-бурнидан лахта-лахта қон кеткизганида кўринади: *“Барчин ўзини ўнғариб, қўлини узатди, бир қўли* ***Кўкаман****нинг ёқасига етди, бир қўли билан белбоғидан тутди. “Ё, Шоҳимардон пирим», – деб кўтариб, чалқарамон қилиб ерга қўйди. Чап тиззасини кокрагига қўйиб турди. Оғзи-бурнидан дирак-дирак қон кета берди”* [2: 95].

Исм достонда *Кўкаман, Кўкоман, Кўкаман қасқа* вариантларида қўлланган: *“Патшанинг яқши ўазири, тоғиз яўшининг басшисин* ***Кўкаман қасқа*** *дер эди”*[8:735].

Қўшқулоқ ҳам шундай бир зўр балодир, Курашда, таърифи шундай бўлади: Шомурти шохалаб ҳар ёкка кетган, Ичида чичқонлар болалаб ётган [2:197].

Алпларнинг кенжаси *Қоражон*. Мазкур антропоним достонда кўп қўлланган:

Боғонағи туш кўрган ***Қоражон*** *қалмоқ намоз вақти ўрнидан калима айтиб турди.* ***Қоражоннинг*** *калима айтиб турганини бир кам 90 алп кўриб: «Ошпичоқ, қалампир,* ***Қоражон*** *тентак бўп қопти», – деб бир кам 90 алп: – От торт, – деди* [2:134].

«Баландликнинг пасти келди, Душманларнинг касти келди, Айланаман бўйларингдан, *Қоражоннинг* дўсти келди».

Қоражон антропоними достоннинг қорақалпоқ тилидаги вариантида *Қаражан, Қаражан қалмақ, Қаражан қайсар, Қаражан аға, қайсар Қаражан* вариантларида қўлланган: *Бул ғалаўит Қаражанға тусти,* ***Қаражан*** *ҳам ашиқ болди* [9:10]. *Қаражан созин тамамлап болғаннан кейин Алпамыс султан* ***Қаражан қалмақ****қа қарап созини соз таўип, кушине куш корсетип, бирнеше жерлерден тимсал келтирип турди* [9:112]. *Жатирған батирға жолығып откенлерди қалдирмай шақирип алсак, зинданға арқанди салсак, қириқ сулиу, Арзайим ариў,* ***Қаражан қайсар****, Эшим кал-барлығимиз табанлап тартип қалсак, мартти зинданнан шығарип алсақ қалай болади ағайинлер? – деди* [9:209].

Жане айтар, ***Қаражан аға,*** *арзим бар, Талип қалдин, кулип кеткен қалмақлар, Тайшиханға барип жигитлер берипти, Қаражан ўлди деген халиққа бир хабар* [10: 309].

Қоражон – садоқатли, вафодор дўст тимсоли. Ҳакимбекка дўст тутинади, унга ҳамиша садоқат билан Барчин қўйган шартларни бажаришда, душманни енгишда ёрдам ва кўмак беради. У ижобий хислатлари билан ака-укаларидан кескин фарқланади. Бизнингча, антропонимга *қора* сифатининг "кучли, қудратли, мард" семалари луғавий асос бўлган.

Таҳлиллардан англашиладики, достондаги тимсолларнинг исмлари ҳам ўз соҳибининг характери, белги-хусусиятлари, тақдири хусусида гапиради ва шу асосида асарнинг умумий ғоявий мазмунини ифодалашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йўлдашев Қ. "Алпомиш" талқинлари. – Тошкент: Маънавият, 2002.
2. Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 1-ж.
3. Жўраев М. Миф ва унинг "Алпомиш" достонидаги ўрни // "Алпомиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти" мавзуидаги халқаро конференция материаллари. – Термиз: Фан, 1999.
4. «Алпомиш» достони. Эгамберди Олломурод ўғли варианти. Тошкент, 2016. – 10-ж.
5. Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. – 5-ж.
7. Дўстқораев Б. Алпомиш матнининг жилолари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2011. – №1.
8. "Алпамыс" достони. Жийе мурат жыраў Бекмухаммедов варианти. Қарақалпақ фольклори. – Нукус, 2016. – 8-т.
9. "Алпамыс" достони. Қыяс жыраў Қайратдинов варианти. Қарақалпақ фольклори.– Нукус, 2016. – 4-т.
10. "Алпамыс" достони. Хожамберган Ниязов варианти. Қарақалпақ фольклори.– Нукус, 2016. – 1-т.

ELEKTRON LUG‘AT IMKONIYATLARI: JAHON LEKSIKOGRAFIYASI MISOLIDA

Dilfuza QODIROVA,
NamDU magistranti

Kompyuter leksikografiyasi elektron lug‘atlarni tuzish, to‘plash, ulardan foydalanish va ularni baholash bilan shug‘ullanadi. Elektron lug‘atlar odatdagi so‘z lug‘at shakli, mazmuni va funksiyasi bilan tubdan farq qiladi. Eng muhim farqlar qatoriga quyidagilar kiradi: 1) multimedia vositalaridan foydalanilishi; 2) Windowsga yo‘naltirilgan dasturiy ta'minotda harakatlanuvchi yordam indekslari; 3) ovozli, animatsion, audio va vizual (rasmlar, videolar) elementlardan hamda interaktiv mashqlar va o‘yinlardan foydalanish; 4) foydalanuvchiga natijalarni bir necha usulda ko‘rsatishga imkon beradigan izlash va kirish usullarining xilma-xilligi; 5) axborotga kirish va qidirishda matnning chiziqli tuzilishi; 6) yozuv ichidagi so‘zlarga yoki ushbu yozuv bilan bog‘liq boshqa so‘zlarga osongina va tez o‘zaro bog‘lanishiga imkon beradigan imkoniyatlardan foydalanish.

Elektron lug‘atlarda foydalanuvchining imkoniyatlari kengayadi, chunki lug‘at tarkibi orqali oldindan belgilangan yo‘lni bosib o‘tishga kamroq va havolalarni tanlash orqali yozuvlar bo‘ylab va ichidagi aloqalarni boshqarishga ko‘proq e’tibor qaratiladi. An’anaviy va elektron lug‘atlarni ishlatish bo‘yicha olingan ko‘nikmalar o‘rtasidagi farq quyidagi jadvalda keltirilgan.

1. Bosma lug‘atning tuzilishini tushunish. 2. Kitob lug‘ati qo‘llanmasidan qanday foydalanishni bilish. 3. Tipografik konvensiyalarni tushunish belgilar va tinish belgilaridan foydalanish. 4. Nimani qidirishni hal qilish. 5. Xalqaro fonetik alfavitni (IPA) talqin qilishni va so‘zlarning talaffuzini bilish. 6. Keraksiz ma’lumotlardan dolzarbligini farqlash. 7. Lug‘at yozuvlarini skanerlash.	1. Kompyuter ekranidagi oynada berilgan taqdimotni tushunish. 2. Yordam bo‘limidan qanday foydalanishni bilish. 3. Keng bog‘lanishli so‘zlardan qanday foydalanishni bilish (masalan, ochilgan oynalarda ko‘rsatilgan to‘liq muddatni ko‘rsatish uchun). 4. Qidiruv turi to‘g‘risida qaror qabul qilish: bosh so‘z, filtrlangan yoki to‘liq matnli qidirish; va rivojlangan qidiruvlarning qanday ishlashini tushunish.

8. O‘zaro ma’lumotnomalarni qanday amalga oshirishni bilish. 9. Oldingi masala yoki qo‘shimchalardagi qo‘shimcha ma’lumotlarga murojaat qilish. 10. Lug‘at ma’lumotlarini yozib olish.	5. Ovoz vositasidan qanday foydalanishni bilish. 6. Qidiruvlarni talab qilinadigan ma’lumot bilan qanday cheklashni bilish. 7. Muayyan bo‘limlarda qidirishni cheklash, masalan. iboralar va iborali fe'llarga. 8.Gipermatnli havolalardan foydalanishni bilish. 9. Ekranda taqdim etilgan turli bo‘limlarda qo‘shimcha ma’lumotlarga murojaat qilish. 10. Microsoft Word havolasi va Copy-funksiyasi yordamida lug‘at ma’lumotlarini elektron shaklda yozib olish.

Elektron lug‘atlarning ikkita asosiy turi mavjud: onlayn lug‘atlar va CD-ROM lug‘atlar. Onlayn lug‘atlarni ishlatish uchun internetga kirish imkoni bo‘lishi kerak. CD-ROM lug‘atlarini kompyuterga o‘rnatish uchun kompyuter foydalanuvchi qo‘llanmasida sanab o‘tilgan minimal tizim talablariga javob berishini ta'minlash kerak.

Onlayn lug‘atlar orasida quyidagilar mavjud: "Oxsford English Dictionary Online", "Merriam-Webster Online Dictionary", "Cambridgebridge Online Dictionary" (shu jumladan, "Cambridge Advanced Learner's Dictionary", "Kembrij Xalqaro Idiomlar Lug‘ati", "American English Dictionary of Cambridge Dictionary" va boshqalar) ingliz tilining Amerika merosi lug‘ati va boshqalar. Har bir lug‘atning o‘ziga xos foydalari bor va ba'zan bunday turdagi lug‘atlarning interfeysi, mavjud materiallari, tarkibi maydoni, variantlar soni, yozuvlarni tashkil qilish, qidirish imkoniyatlari va boshqalar bilan juda farq qiladi. Masalan, "Oxsford English Dictionary Online" da 20 jildlik Oxsford Ingliz Lug‘ati va 3 jildli "Qo‘shimchalar" seriyasining materiallari mavjud. Bundan tashqari, har chorakda onlayn lug‘atga qayta ko‘rib chiqilgan va yangi yozuvlar qo‘shiladi. Odatda, kirish oynasining tartibi quyida keltirilgan. Onlayn "Oxford English Dictionary" quyidagi asosiy xususiyatlar bilan tavsiflanadi: 1) yozuvlarni foydalanuvchi ehtiyojlariga qarab namoyish etish, ya'ni yozuvlarni talaffuzlarni, etimologiyasini, variantlarni yozishni va

tirnoqlarni yoqish va o‘chirish orqali ko‘rsatish mumkin; 2) otfoepik belgi, shuningdek ta'kidlangan va boshqa maxsus belgilarni izlash; 3) ma'lum bir til orqali o‘zlashgan so‘zlarni qidirish; 4) ma'lum bir yil yoki ma'lum bir muallif va yoki asardan olingan takliflarni izlash; 5) foydalanuvchi faqat ma'noni bilganida atamani izlash; 6) agar foydalanuvchi imloga ishonch hosil qilmasa, joker belgilardan foydalanish; 7) qidiruvning oldingi natijalar to‘plamiga nisbatan cheklovlari; 8) birinchi keltirilgan sana, mualliflar va asarlarni qidirish; 9) kichik harflar bo‘yicha tekshiruvlar; va boshqalar.

CD-ROM lug‘atlari – bu ma’lumotlar, talaffuz, interaktiv mashqlar va o‘yinlar bilan to‘ldirilgan va foydalanuvchiga kitob lug‘atlari bilan izlanmagan izlanishlarni amalga oshirishga imkon beradigan bosma ma’lumotnomalarning elektron versiyalari. Masalan, CD-ROMdagi zamonaviy ingliz tilining Longman Dictionary lug‘ati qog‘oz lug‘atidan quyidagicha farq qiladi: 1) har bir so‘z ingliz va amerika ingliz tillarida talaffuz qilinadi. Shuningdek, foydalanuvchi o‘zining talaffuzini yozib olishi va qabul qilingan shakl bilan taqqoslashi mumkin; 2) 15000 so‘zning kelib chiqishi yoki etimologiyasini beradi va ingliz tili va madaniyatining Longman lug‘atidan olingan odamlar, joylar va narsalar uchun 7000 ensiklopedik ma’lumotlarni o‘z ichiga oladi; 3) Longman misollar bankida berilgan 80 000 qo‘shimcha misollar mavjud; 4) ingliz tilini juda ilg‘or o‘rganuvchilar va o‘qituvchilar uchun milliondan ortiq korpus jumlalari kiritilgan; 5) unda bosh so‘z bilan ishlatiladigan 150 000 qo‘shimcha so‘zlar (kollokatlar) mavjud; 6) u yoki bu kontekstda to‘g‘ri so‘zni tanlashda juda foydali bo‘lgan va insho yozish texnikasini ta'minlaydigan faol so‘zlar bo‘limiga ega; 7) grammatika, so‘z boyligi, madaniyat, shuningdek, imtihon amaliyoti mashqlari bo‘yicha ko‘plab interfaol metodlar mavjud.

CD-ROM lug‘atlari orasida quyidagilar: zamonaviy ingliz tilining Longman Dictionary, ingliz tilining Kembrij xalqaro lug‘ati, Collins COBUILD, qisqacha Oxsford lug‘atlari mukammalligi bilan ajralib turadi. CD-ROMdagi zamonaviy ingliz tilining Longman lug‘ati o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, uni ushbu turdagi lug‘atlar orasida taniqli qildi. CD-ROM lug‘atida uchta asosiy funksiya mavjud, ularning har biri asosiy oynada ochiladi, ammo tashqi ko‘rinishi biroz boshqacha. Ushbu uchta funksiya lug‘at, faollashtiruvchi va mashqdir. Foydalanuvchilar to‘liq o‘lchamdagi displeyni yoki "Qalqib chiquvchi rejim" ni tanlashlari mumkin. Lug‘at interfeysi tarkibiga qidiruv satri, yozuvlarni ko‘rish maydoni va phrase bank, misollar banki va tilni

faollashtirish vositasi uchun oynalar kiradi. Kirish displeyida (ekranning chap tomonida) so‘z talaffuzi, qo‘llash metodlari, so‘zlarning kelib chiqishi, fe'l shakli va so‘zlar to‘plamiga havolalar bilan birga keltirilgan, ammo barcha havolalar barcha yozuvlar uchun faol emas. So‘z birikmasi tarkibiga qidiruv so‘zidan foydalanadigan iboralar, shuningdek qidiruv so‘zi bilan odatda ishlatiladigan so‘zlar kiradi. Misollar banki so‘zning ishlatilish namunalarini “Qo‘shimcha lug‘at misollari” va “Kitoblar, gazetalar va boshqalarning jumlalari” dan taqdim etadi. Barcha so‘zlar uchun yozuvlar mavjud bo‘lmagan “Tilingizni faollashtiring” bo‘limi foydalanuvchiga aktivatorda qidirishni davom ettirishga imkon beradi.

Xulosa qilib aytganda, leksikografiyaning zamonaviy tendensiyalari korpus (yoki korpusga asoslangan) tilshunoslik va hisoblash lingvistikasi kabi tilshunoslikning paydo bo‘lishi va jadal rivojlanishi bilan bog‘liq. Korpus (yoki korpusga asoslangan) tilshunoslik turli lingvistik sohalarda tadqiqotlar o‘tkazish uchun turli xil elektron korpuslarni yig‘ish bilan shug‘ullanadi. Xorij tajribalaridan ko‘rish mumkinki, tilning elektron korpuslari paydo bo‘lgach, tilning rang-barangligini namoyish etish hamda lingvistik materialni tadqiq qilish imkoniyatlari sezilarli darajada o‘sdi, kengaydi. Tadqiqotchi yoki til o‘qituvchisi yoxud til o‘rganuvchi tomonidan korpus bilan ishlash jarayonida qidiruv me'yorlari to‘g'ri ko‘rsatilsa, yuqorida keltirilgan turli xil belgilar bevosita faktik material to‘plash, uni tahlil qilish, o‘tkaziladigan dars uchun material tayyorlash, o‘rganilgan til birliklarining amalda qo‘llanilishini tekshirish kabi bir qator vazifalarni bajarish jarayonini bir necha yuz marta osonlashtiradi va tezlashtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nurmonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. -Toshkent: Akadem nashr, 2010.
2. Nurmonov A. Struktur tilshunoslik: ildizlari va y o‘nalishlari. - Toshkent, 2008.
3. Po‘latov A., Muhamedova S. Kompyuter lingvistikasi. - Toshkent, 2007.
4. Нелюбин JT. Компьютерная лингвистика и машинный перевод. - М.:ВЦП,1991.

ТУРСУНОЙ СОДИҚОВАНИНГ НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВА НОТИҚ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Ҳикматхон АҲМЕДОВА,
ҚДПИ мустақил тадқиқотчиси

Маданий нутқ мезонларининг шаклланиши ҳамда нотиқлик санъатининг илмий ва амалий такомилида нотиқларнинг амалий фаолияти, масалага доир қарашлари, фикру мулоҳазалари, тажрибалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, маънавият тарғиботчиси, ёзувчи, таниқли шоира, сўз устаси ва нотиқ Содиқованинг илмий ва амалий фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Олиманинг номини эшитмаган, унинг чиқишларини телевидение орқали томоша қилмаган, пурҳикмат сўзларини радиодан тингламаган ва улардан ҳузурланмаган инсон орамизда кам топилса керак. Адибанинг бир-биридан мазмунли, насиҳатомуз ва мушоҳадали китоблари чоп этилиши билан қўлма-қўл бўлиб кетади. Бунинг боиси унинг барча китоблари ширали тили ва инсон руҳиятини мусаввирона чиза олиши билан ажралиб туради.

Турсуной опанинг ёзганларида ўзига хослик бор: фикрлар самимий, тили равон, кучли халқчиллик ҳамда юксак ўзбекона маънавият руҳи билан йўғрилган.

Жамоа олдида нутқ сўзлаш, нотиқлик санъати; илмий-сиёсий маъруза, баҳс, мунозара, тарғибот ва ташвиқотнинг асосий воситаси сифатида кенг ижтимоий мавқега эга бўлган санъат воизлик санъатидир.[1] Демак, воизлик ҳозирги нотиқлик санъати ривожида муҳим роль ўйнаган.

Нотиқлик санъатини эгаллаш, ўрганиш ва ўқиш, машҳур нотиқларнинг ўгитларини, илмий-назарий қарашларини, амалий фаолиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Турсуной Содиқова ўз асарларида нотиқлик санъати, нутқ одоби, нутқнинг қудрати, нотиқнинг маънавияти ва вазифалари хусусида ҳам қимматли фикрлар билдирган.

Нотиқ “Ҳақиқий нотиқ қандай бўлади?” деган саволга қуйидагича жавоб беради: *“Инсонларнинг юраги тубига ета олган нотиқ ҳақиқий нотиқдир. У мўлжалга ета-етгунча қалблардаги чанглар, лойларни эритиб, эгасини ўргимчакдай ўраб ётган ғафлат*

[1] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2001. – 2-ж. – Б. 489.

тўрларини узиб, иймон куратакларини уйғотиб боради. Тингловчи нотиқни эшитар экан, бағри ёришиб, ичи эриб бораётгандай бўлади. (31-б.)

Турсуной Содиқова фикрича нутқ сўзлаш жараёнида қуйидагиларга амал қилиш лозим:

1. Нотиқнинг шахси ва маънавияти юксак бўлиши лозим:*“Кибрли одамни халқ қабул қилмайди: минбарга чиқаётганингизда кўнглингизда “ҳозир фалончидан ўтқизиб гап айтаман ёки ҳаммани қойил қолдириб юбораман”, деган ўй мутлоқо бўлмасин!”* (13-бет)[1]

Ёки олиманинг талқинича, нотиқнинг қалби ҳам, нияти ҳам, фикрлари ҳам соф, тоза, эзгу бўлмоғи керак: *“Юрагингизни ювинг, юрагингизни покланг, сўнггина сўз айтишни ихтиёр этинг!”(53-б.)*

2. Нотиқ ўз фикрини тушунтириб, сингдириб айтиши лозим. Нотиқ қарашича, нутқ мазмунли, ширали, таъсирчан бўлмоғи керак: *“Сиз аввал ўзингизни эмас, сўзингизни кийинтиринг: одамларнинг қулоғини оғритмасин, кайфият-ларига ботмасин! Мақсадга сўз билан етишни орзу қилдингизми, шундай айтингки, сўзингизни ҳаводай шимирсинлар, гул ҳидлагандай вужудлари яйраб кетсин”.*

3. Тингловчига айтилиши лозим бўлган фикр аниқ, аввалдан тайёрланган бўлиши керак: *“Аввало тингловчига етказадиган нутқий масаллиғинг тайин бўлсин...*(52-б.) Шунингдек, нотиқнинг талаффузи аниқ ва тушунарли, овози ёқимли бўлиши, нутқнинг мазмун-моҳияти унинг ташқи кўринишида, овоз тонида сезилиб туриши керак:*“Сўзни чайнаманг, минғирламанг, ҳар бир ҳарфни ўз оҳанги, ранги билан тиниқ талаффуз қилинг! Овозингиз хунук бўлса минбарга чиқманг! Қувончли сўзни қувнаб айтинг! Хафа сўзни ҳасрат билан айтинг! “Урғу” деган олтин таёқча бор, керак сўзни топиб тегизсангиз, жумла жаранглаб кетади! Бу дегани гапингиз албатта тингловчининг юрагига етади!*”(54-б.)

4. Т.Содиқова таъкидларига кўра, нотиқ ҳаётий сўзламоғи, тингловчи-ларни ўзига ва сўзига ишонтирмоғи, нутқ кучи билан тингловчида эзгуликка ишонч руҳини уйғотмоғи ҳамда шу аснода уни ўзини-ўзи тафтиш қилиш даржасига эришмоғи керак: *“Яхши воизни эшитар экан, инсон шайтон миндирган гина, қасос, адоват, кибр эгаридан тушади. Бундай инсон ипакдай ҳалимлашади” “...*

[1] Барча парчалар қуйидаги манбадан олинди: Содиқова Т. Сўз сеҳри. – Тошкент: DAVR PRESS, 2009. – 56 б.

тингловчининг ўзига ўзини таништиради”. (32-бет)

Ёки: *“...тингловчининг сўзингдан уни ғоят ҳурмат қилаётганингни билсин. Меҳр билан ундаги афзалликларга ишора қил, унинг юз фоиз соғлом эканлигига, бу кичкина дард унга вақтинча қўниб турганига, ундан мутлоқо қутулиб кетиш ёллари сон-мингта эканлигига ишонтир. Ишонтириш асносида доирингни ҳам баданига аста-аста едириб боравер!”* (48-б.)

Бошқа бир ўринда: *“Воиз тингловчининг хатоларини тафтиш этади. У шундай қиладики, тингловчи ўз-ўзини сўроққа тута бошлайди. Ўз юрагини титкилаб, йиғлаб ётган орияти ва андишасини топиб олади, баданида уят деган оғриқ уйғонади. Мана шу вазият воизнинг чин ғалабасидир!”* (51-бет)

5. Олима фикрича, нотиқ минбарни муқаддас билиши, уни қадрлаши шарт, чунки минбар даъват нуқтаси бўлиб, тингловчиларни комилликка бошлаш нуқтасидир: *“Минбарни биз муқаддас дедик. Чунки у даъват нуқтаси, даъват эса халқни комиллик сари етаклашдир”*. (12-бет)

6. Нотиқ ҳамма нарсани, хусусан, она тилисини севиши фарз*: “Сиз сизга Худо бериб қўйган ҳамма неъматни: ерингизни, элингизни, тилингизни севинг, буюк неъмат деб билинг экан!”* (53-бет)

Унинг фикрича нотиқнинг қалби тоза бўлиши лозим: *“Юрагингизни ювинг, юрагингизни покланг, сўнггина сўз айтишни ихтиёр этинг! (Содиқова Т. Сўз сеҳри. – Тошкент: ДАВР ПРЕСС, 2009. – 54 б.)*

7. Турсуной Содиқова ўқитувчилик касбига хос ўз моҳиятига кўра нотиқлик эканлигини таъкидлайди: *“Ўқитувчилик касби ҳам умр бўйи ўртада туриб нутқ ирод қилиш демакдир.”(17-бет)* Шу боис бўлажак ўқитувчи нотиқлик санъати сирларини эгаллаши бош вазифа эканлигини уқтиради: *“Кейин нотиқлик сирларини чуқур ўрганишлари, ундан кейингина танлаган фанларини ўрганишга ўтишлари керак”*.(18-бет)

Таҳлиллардан кўринадики, нотиқлик санъати юксак, нозик, мураккаб санъат бўлиб, нотиқ мукаммал ва чуқур билимга, иқтидорга, ширали ва ёқимли овозга эга бўлиши лозим ҳамда шу йўналишда доимо изланмоғи муҳимдир. Шундагина унинг нутқи таъсирчан, мазмунли, ёқимли, тароватли бўлади.

Умри, асосий вақти ўқув хонаси минбари олдида ўтадиган ўқитувчи ҳам ўз касби-кори моҳиятига кўра нотиқлик санъатини ва

нотиққа хос хислату фазилатларни мукаммал эгалламоғи даврнинг долзарб вазифаларидан биридир.

ЎЗБЕК ТАХАЛЛУСЛАРИНИНГ МАНБАЛАРИ

Шаҳноза НИЗОМОВА,
ҚДПИ мустақил тадқиқотчиси

Ўзбек тили тарихий адабий тахаллусларини тўплаш ва ономастик тадқиқ этишда адабиёт дарсликлари, монографиялар, адабий мажмуа (хрестоматия)лар, тазкиралар муҳим манба бўлади. Тазкирага янги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мукаммалроқ таъриф берилган: “Тазкира (арабча – билдириш, хабардор қилиш; ҳаётнома; хотира, эслаш; хотиранома) ёзувчи ва шоирлар тўғрисида қисқача маълумот берилиб, асарларидан намуналар келтирилган, умуман, тарих, тасаввуф, санъат соҳасидаги воқеа ва шахслар ҳақида эсдалик руҳида ёзилган китоб, антология[1] – ўрта аср форсий ва туркий тиллардаги адабиётшунослик жанрларидан бири”.

Кенг маънода – тарих, тасаввуф, санъат соҳасидаги воқеа ва шахслар ҳақида эсдалик руҳидаги асар. Масалан, Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Муҳаммад Юсуфнинг “Тазкираи Муқимхоний”, Рудакийнинг “Тазкираи хаттотон”, Рушдийнинг “Тазкираи авлиёи туркий” тазкиралари ва бошқалар.

Тор маънода тазкира “шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, асарларидан намуналар келтириб тузилган тўплам”ни англатади. Тазкирада бир неча асрда яшаган ёки муайян давр шоирларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида турли тарзда маълумот берилади.

Тазкира миллий ва ўзаро яқин адабиётлар тарихини яратишда, муайян давр адабий муҳитини ўрганишда, алоҳида адабий сиймолар ва уларнинг асарларни тадқиқ этишда адабиётшуносликнинг беназир жанри сифатида хизмат қилади.

Даврий қамрови жиҳатдан тазкиралар тарихий-замонавий ва замонавий тазкираларга бўлинади. Тарихий тазкираларда бир неча аср давомида яшаб ижод этган шоирлар ҳақида маълумотлар жамланган. Масалан, Авфийнинг “Лубоб улалбоб”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкиралари каби.

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 3-ж. – Б. 640.

Замонавий тазкираларда эса тузувчининг замондошлари ҳақида баҳс юритилади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкиралари ва бошқалар. Асарда шоирлар ҳар хил услубда – “абжад” тизимида, сулола ва араб алифбоси асосида, географик услубда, тазкира тузувчи томонидан шахсан кўрганлик, ижодий мулоқотда бўлган-бўлмаганлик асосида жойлаштирилади.

Тазкирада шоирлар ҳақидаги маълумотлар алоҳида кичик мақола – фикрадан иборат бўлади. Унда шоирнинг исми, тахаллуси, қаерданлиги, ижоди, шеърларидан намуналар, табиатидаги ўзига хос хусусияти, қай даражада шуҳрат топганлиги ва бошқалар ҳақида шеърий ёки насрий тарзда баён этилади. Баъзан икки тилда маълумот бериш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, “Мажмуаи шоирон” тазкираси. Тазкиралар тузувчисининг адабий-эстетик услублари, адабий йўналишга мансублиги жиҳатидан фарқланади.[1]

Ўзбек тилида битилган илк тазкира – Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида XV аср адабий ҳаётининг муҳим бир ҳужжати[2] сифатида ўша давр адабий муҳитига мансуб тахаллуслар сирасини ўрганишда ноёб манбадир. Асарда Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаган 459 та форсий ва туркий шоирларнинг номи ҳамда тахаллуси зикр этилган.

Тазкиранинг муқаддимасида Алишер Навоий китобнинг таркибий тузилиши ва номланиши ҳақида қуйидагича ёзади: “Чун бу мақсудға етилди, они саккиз қисм этилди ва ҳар қисми нафис бир мажлисға мавсум бўлди ва мажмуъиға “Мажолис-ун-нафоис” от қўйилди”[3]. Асарнинг бундай номланиши оргинал, библионимнинг сара намунаси. Манбаларда асар номи “Гўзал мажлислар” ёки “Нафислар мажлислари” деб изоҳланади[4].

Алишер Навоийнинг тахаллусларга муносабати характерлидир. У адабий тахаллусга оддий адабий ҳодиса сифатида қарамайди, балки унинг катта эстетик моҳиятини ҳис этади.

Асарда XV асрда Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаган форсий, туркий шоирларнинг номи ва тахаллуси зикр этилган,

[1] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 8-ж. – Б.227.
[2] Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962. – Б. 609.
[3] Навоий, Алишер. Мажолис-ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1997. – 14-ж. – Б.9. 284 б.
[4] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 5-ж. – Б. 484.

ижодига доир қисқа маълумотлар берилган. Унда луғавий, аталиш асоси, тарихий-этимологик манбаси жиҳатдан ноёб, бетакрор тахаллуслар ҳам келтирилган: *Мирмуштоз, Мавлоно Жожармий, Мавлоно Доий, Суҳои (Абдулваҳҳоб), Мусавий (Мир Имод Машҳадий), Лутфийи Соний, Мавлоно Али Шиҳоб, Мавлоно Баҳлул, Мавлоно Билол, Мир Сарбараҳна* каби.

Асарда шоирлар хронологияга (I, II, III), яшаш ҳудудига (IV), касб-кори ва мансабига (V,VI,VII,VIII) қараб саккиз мажлисга тақсимланган. Бу, албатта, зикр этилган тахаллусларнинг номинацион-мотивацион, луғавий асосларини осон аниқлаш ва ўрганиш имконини беради.

Маълумотлар йиллар, географик ўринлар ва сулолавий тартибларга таяниб жойлаштирилган, шоирларнинг билим даражаси, ахлоқи, дунёқараши, меҳнатга муносабати каби хусусиятлар алоҳида кўрсатилган. Масалан, *Бобо Савдоий* – Боварддиндур. Аввал *“Ховарий”* тахаллус қилур эрди. Ғайби оламдин анга жазаба еттиким, ақли зойил бўлуб, элдин чиқиб бош-аёғ яланг девоналардек тоғу даштда кезар эрди. Ўз ҳолига келиб эл орасиға киргандан сўнгра, *“Савдоий”* тахаллус қилди[1] (24-б.).

Мавлоно Қаллоший – атвори тахаллусиға муносиб кишидир. Гўё ушбу муносабатдин бу тахаллусни ихтиёр қилибтур (105-б.).

Мавлоно Шарорий – астрободлиғдир. Гўё рангида ҳумрат бор учун бу тахаллусни ихтиёр қилибтур (105-б.).

Юқорида келтирилган икки тахаллусларга шоирларнинг руҳий ҳолати, ташқи кўриниши мотив ва “*тентак, телба, ақлдан озган, жинни”* маъноларини англатувчи *савдоий*[2], *“ҳеч нарсаси йўқ,бир ерда қарор топмаган, дайди”* маъноларини англатувчи кўпмаъноли *қаллош*[3] сўзлари луғавий асос бўлган. Демак, *Қалоший* тахаллуси *қалош* луғавий бирлигидан *-ий* қўшимчаси воситасида ясалган.

Ёки: *Мавлоно Бу-Али* – девонавор юрур. Девона бўлмаса эрди, *“Бу-Али”* тахаллус қилғайму эрди? (101-б.).

Тазкирада зикр этилган айрим тахаллуслар мажозий маънога эга. Масалан, бу *Зулолий* тахаллусида ёрқин кузатилади: “Зиҳни сарчашмасидин назми зулоли софи зоҳир бўлур. Бу жиҳатдин анга *“Зулолий”* тахаллус топилди (87-б.).

---

[1] Навоий, Алишер. Мажолис-ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1997. – 14-ж. – 284 б. Барча тахаллуслар шу манбадан олинганлиги боис кейинги ўринларда саҳифа кўрсатиш билан кифояланамиз.

[2] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1984. – III т. – Б.18.

[3] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1985. – IV т. – Б.27.

Мазкур тахаллусга *“тиниқ, тоза, ширин сув”* маъноларининг англатувчи *зулол*[1] сўзининг *тиниқ* семаси луғавий асос бўлган.

Тахаллусларнинг таҳлили ўша даврда бадиий ижод билан косиблар, ҳунармандлар, усталар, наққошлар, созандалар, ҳофизлар, олимлар, шоҳлар ва амир-амалдорлар ҳам шуғулланганлигидан ёрқин далолат беради. Масалан, *Мавлоно Кавкабий* – мунажжим йигитдур ва ўз фанига муносиб тахаллус ихтиёр қилибдур (108-б.).

Алишер Навоий келтирган тахаллуслар орасида ўзи туғилган, яшаган мамлакат, шаҳар, юрт номига нисбат бериш асосида юзага келган, яъни луғавий асосини жой номи ташкил этувчи тахаллуслар салмоқли ўрин тутади: *Хоразмий, Ҳусайн Хоразмий, Меҳри Ҳиротий, Мавлоно Соҳиб Балхий, Улойи Шоший, Мавлоно Қобулий, Мавлоно Абдусамад Бадахший, Мавлоно Муҳаммад Неъматободий, Саид Абдуллоҳ Астрободий, Исфаройиний (Алоуддавла ибн Бахтишоҳ ал-Ғозий)* каби.

Алишер Навоий айнан бир топоним луғавий асос бўлган тахаллус соҳибларини ҳам зикр этади. Чунончи, муаллиф *“Бухорий”* тахаллусли шоирлардан *Хўжа Исмат Бухорий, Хаёлий Бухорий, Кавсарий Навоий, Сайфий Бухорий* кабиларни тилга олган.

Тахаллус номинацион-мотивацион асослари турлича. Масалан, *Шавқий, Вафоий, Яқиний, Мир Ишқий, Ғарибий, Мавлоно Ҳақирий* каби тахаллусларга шоирларнинг орзу умидлари, лирик руҳий кайфияти мотивацион асос бўлган. Бир қатор тахаллусларга эса диний макон, сайёра ва юлдузларни ифодаловчи сўзлар луғавий асос бўлган: *Мавлоно Биҳиштий, Мавлоно Жаннатий, Мавлоно Кавсарий* каби.

Битта адиб бирдан ортиқ тахаллус билан имзо чекади. Буларни кўп тахаллуслар шоирлар ёки сиёсий арбоблар дейиш мумкин. Масалан, Алишер Навоий Мавлоно Яҳё Сайбакнинг 4 та тахаллуси ҳақида ёзади: “Аввал “*Туффоҳий*” тахаллус қилур эрди. Сўнгра *“Фаттоҳий”* ҳам тахаллус қилди. Аммо *“Хуморий”* ва *“Асрорий”* ҳам тахаллус қилибдур” (17-18-б.).

Алишер Навоий эркак ва аёл шоиралар ҳақида ҳам маълумотлар келтирган: Ва машҳур мундоқдурким, бу абъёт Мавлоно Ҳаким табибнинг хотуни *Меҳрининг дур* (26-б.).

Мавлоно Зебоий – фақир ани кўрмаймен, аммо шеърин эшитибмен (104-б.).

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983. – II т. – Б.651.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарини тил, ҳажм, материалларнинг бойлиги жиҳатидан давом эттирган асар маърифатпарвар Қўқон тарихи ва адабиётининг катта билимдон олими Пўлатжон домулла Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” тазкирасидир. Асар XX асрнинг ўрталарида юзага келган бўлса-да, нашр этилмагани боис кенг жамоатчиликка маълум эмасди. Тазкира олимнинг фарзандлари Азиз ва Лазиз Қаюмов томонидан нашрга тайёрланди, дунё юзини кўрди.[1]

1960 йилда яратилган “Тазкираи Қаюмий” асари 3 жилддан иборат бўлиб, 6 дафтарга бўлинган, унда 324 нафар ўзбек адабиётининг ўрта асрлардан тортиб то XX асргача яшаб ижод этган вакиллари ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар жамланган. Хусусан, XVIII-XIX асрлардаги адабий ҳаётга оид материаллар кўп жиҳатдан ўзининг янгилиги билан ажралиб туради. Тазкира миллий ва ўзаро яқин адабиётлар тарихини яратишда, муайян давр адабий муҳитини ўрганишда, алоҳида адабий сиймолар ва асарларини тадқиқ этишда адабиётшуносликнинг беназир жанри сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметовлар томонидан 1982 йил яратилган ўзбек адабиёти намуналаридан хабар берувчи “Асрлар нидоси” номли тўплам ҳам тахаллусларни ўрганишда манба бўла олади. Китобда ижодкорларнинг тахаллуси хусусида алоҳида тўхталиб ўтилмаган бўлса-да, кўпчилик китобхонлар учун номаълум бўлган *Шавқий Намангоний, Ҳайрат Тўрақўрғоний, Абдураззоқ Бимий, Андижоний, Байрамхон, Нозимахоним, Шавкат, Шамс I, Махмур Коризий, Рожий Хўқандий, Писандий, Умидий, Аламкаш* каби шоирлар ҳақида маълумотлар берилган ва уларнинг ижодидан намуналар келтирилган.

Амир Умархон топшириғи билан Фазлий раҳбарлигида ўзбек адабиётшунослиги тарихида илк бор шеърий йўл билан яратилган “Мажмуаи шоирон” (“Шоирлар мажмуаси”, 1821)[2] тазкирасида XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳитида ижод қилган 101 шоир ҳақида қимматли маълумотлар ва асарларидан намуналар берилган. Тазкира *Акмал, Гулханий, Махмур, Ғозий, Амирий, Жунайдулло Исломшайх ўғли Ҳозиқ, Увайсий, Туробий, Мир Асад Маъюс, Маҳзуна* каби шоирларнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, тахаллуслари

[1] Пўлатжон Домулла Қайюмий. Тазкираи Қайюмий. – Тошкент, 1998. – 1-,2-,3-ж.
[2] Фазлий. Мажмуа шоирон. – Тошкент, 1902 (араб ёзувида).

ва бу номнинг ижодкорларнинг ижодий концепцияси, бадиий-ғоявий қарашлари билан боғлиқ қирраларини ўрганишда муҳим манбадир. Чунончи, Фазлий Амир Умархон томонидан саройга жалб этилган ҳозиржавоб, топқир, ҳажв борасида юксак талант соҳиби Гулханийни сарой манфаатларига мос асар ёзганлиги боис "латойиф шоир", "шеър майдонининг борси" (йўлбарси) деб атайди:

Кўҳистондин эрмиш латойиф шоир,
Муқийми дар ҳазрати шаҳриёр,
Такаллум қилур туркий ва форсий,
Эрур шеър майдонининг борси.[1]

В.А.Абдуллаев қайд этганидек, "Олимхон даврида илтифотсизлик, хорлик кўрган Гулханий дастлабки вақтларда Умархонни адолатли ва тадбиркор подшо деб ўйлаб, унга бир қанча ғазал ва қасидалар бағишлади. Аммо Умархон саройидаги фисқу фужурлар, мунофиқликлар, хон ва унинг ўраб олган аркони давлат – давлат таянчлари томонидан халқ бошига келтирилган қора кунлар Гулханийдек ҳассос шоирнинг сарой аҳлига бўлган муносабатини ўзгартириб юборди"[2]. Шундан сўнг шоир қашшоқлик, зорлик, эрксизлик, тенгсизлик, адолатсизлик кабиларни тасвирлади. О.Носиров таъкидлаганидек, "Бундай асарлар ёзмоқ учун у давр шоирида катта журъат бўлмоғи керак эди. Эҳтимол худди шу вақтлардан бошлаб шоир "Журъат" тахаллусини ҳам қўллай бошлаган"[3].

Кўринадики, тазкираларда берилган шоирлар ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар уларнинг тахаллусларининг маъносини, номинацион-мотивацион хусусиятларини ва тахаллуснинг ижодкор ижодий меросига мутаносблик даражасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

[1] Фазлий. Ўша тазкира, 266-б.
[2] Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 248.
[3] Носиров О. Ўзбек адабиётида тенденциялар кураши тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 92.

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ШЕЪРИЯТИДА ОКСЮМОРОНЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТН ҲОСИЛ ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ

Жавланбек МАТНАЗАРОВ,
УрДУ мустақил тадқиқотчиси

Бадиий матнлар қурилишида бирикма шаклида актуаллашадиган оксюморон стилистик фигура сифатида антитезанинг бир кўриниши бўлиб, том маънода ижодий-индивидуал поэтик воситадир. Оксюморонлар ҳам антитезалар каби маънолари зидлашган сўзлар иштирокига асосланади, бироқ "антитезада маъно бир-бирига зид бирликларнинг параллел, ёнма-ён қўйиш орқали очилади, оксюморонда эса, бу икки сўз бирикма ҳолида бўлади" [2, 21].

Бадиий матнларда оксюморонларнинг қўлланишига доир тадқиқот сифатида "Рус ва ўзбек тилларида ғайриодатий бирикмалар"[1,21] мавзусидаги диссертациясини кўрсатиш мумкин. Ишда ғайриодатий бирикмалар қаторида оксюморонлар ҳам атрофлича таҳлилга тортилган ва унинг матнлардаги ўрни кўрсатиб берилган. Оксюморонлар "ҳақиқий маънода индивидуал поэтик воситадир"[7, 93]. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, қисқа ва образли таъриф сифатида: "Номсиз туйғулар", ходисаларнинг тил бирликлари воситасида ноодатий зиддиятли бирикуви асосида ифодаланишига нисбатан оксюморонлар, дейиш мумкин.

Оксюморонлар адабиётда, хусусан, шеъриятда юқори эмоционал ёрқин поэтик восита сифатида қўлланади. Таниқли шоирлар шеърияти тилининг бадиий воситаларидан оксюморонларни таҳлил қилиш орқали ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, услубий ўзига хослигини кўрсатиш мумкин. Матназар Абдулҳаким ҳам ажойиб сўз заргари сифатида оксюморонлардан маҳорат билан фойдаланган ижодкорлардандир. Муаллиф ўзбек тилининг имкониятларидан моҳирона фойдаланишга ҳаракат қилган ва оксюморонлар воситасида гўзал бадиий топилмалар қилишга эришган. Шоир асарларини мутолаа қилар эканмиз оксюморонлар қўлланган шеърларнинг жозибаси, фавқулоддалиги эътиборни тез тортади.

Маҳоратли шоирлар ёркин истеъдодини тил бирликларини усталик билан актуаллаштириш орқали ифодалайди. Тўғри, ижодкор махсус, “Мен шу асаримда оксюморондан фойдаланаман”, – деб ижод қилмайди. Бироқ улардан фойдаланиш жараёни муаллиф маҳоратини баҳолашга, услубий ўзига хослигини кўрсатишга асос бўлади. Образли қилиб айтганда, шоир шеърларида “эзгуликдан озгина, ёвузликдан бир зарра” қўшиб, биз кутмаган туйғуларни “тараннум қилади”. Бунда шоир оксюморонлардан усталик билан фойдаланади ва “кайфият яратади”. “Агава гули”да ҳаётбахшлик ва ўлим зидлиги маҳорат билан бирлаштирилади: *Бу – қайс гули, бу – мажнун гули, / Гар узатсам қоврилгай қўлим. / Агаванинг гули бу – бир бахт, / Бу – мангу бир* ***ҳаётбахш ўлим****[3, 43]*.

Биламизки, *ўлим* ва *ҳаётбахш* сўзларининг семантик майдонида зидлик мавжуд. Ўлим ҳаётбахшликни инкор қилгани каби ҳаётбахшлик ҳам ўлимни инкор қилади. Демак, бири мавжуд бўлган жойда иккинчиси бўлмайди. Оксюморонлар худди шу асосга қурилади. Айни шу жиҳати уларнинг ноодатийлигини, фавқулоддалигини белгилайди. Матназар Абдулҳаким сўзларни шу каби биз кутмаган маъноларда қўллашга уста санъаткор: *Бизлар ўлмагаймиз. Сизларнинг ёдлов / Жон бахш этар ҳатто* ***марҳум жонлар****га. / Қайтгаймиз, бизларни йўқлаган заҳот / Тирилиб муборак хонадонларга...[4, 336]*

Бу шеърни ўқир эканмиз, ноодатий бирикма эътиборимизни тез тортади. **Марҳум жонлар** бирикмасининг ноанъанавийлигини таъминлаган нарса сезилмас даражага келган сўзлар қатидаги семантик зидликдир. Изоҳли луғатда **жон** сўзининг бош маъноси *“Диний-ибтидоий тасаввурларга кўра, инсон ва ҳайвон танасида бўладиган, уйқу чоғида (вақтинча) ёки ўлган вақтда танадан чиқиб кетадиган алоҳида кўзга кўринмас илоҳий куч, қувват; руҳ” [10, 102]*. **Марҳум** сўзида эса *жонсизлик, жони чиққанлик* семаси ифодаланади. Изоҳли луғатдаги ушбу сўзнинг изоҳини ўқиймиз: *“Вафот этган, ўлган киши”[10,* 549*]*. Демак, марҳумларда жон мавжуд бўлмайди, шундай экан бу бирикмада “ғалати”лик ойдинлашгандек бўлади. **Жонлар** сўзига сифатлаш сифатида **марҳум** сўзини қўллаш маромсизлик асосида содир бўлган ҳам бирикманинг поэтик салмоғини оширган дейиш мумкин. Аслида, матнда қўлланган жонлар сўзи окказионал маънода “инсонлар” маъносини билдирган. Бу орқали муаллифнинг бадиий мақсади

ойдинлашган. Яъни қайта тирилиш, хотираларда туғилиш давомли ҳаётни таъминлайди.

Баъзи шеърларида муаллиф ижтимоий ҳаёт муаммолари ҳақида аччиқ ҳақиқатларни баён қилади. *“Кундалик шеър”*дан: *Ўғрилар тўғридир, тўғрилар ўғри, / Ҳаромлар ҳалолдир, ҳалоллар – ҳаром[3, 60]*.

Бир-бирига мутлақ ёпишмайдиган сўзлар ёндошлашган бу шеърда ўзига хос оҳанг ва қайтариқ санъати(хиезма) мавжуд. “ў”, “ҳ” товушларининг такрори эса ритмамелодикани юзага келтирган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да **тўғри** сўзининг тўққиз маъноси келтирилган, шундан бешинчи маъносида қуйидагича таъриф мавжуд: “Қувлик-шумлик, қинғирлик ва ш.к. ни билмайдиган; одоб, ахлоқ доирасидан чиқмайдиган, унга зид иш тутмайдиган; ҳалол, виждонли, инсофли. Тўғри одам”[11, 257]. **Ўғри** сўзи “Ўғирловчи, ўғрилик билан шуғулланувчи шахс”[12, 194], тарзида изоҳланган. Бу иккала сўз моҳиятан метонимия бўлиб, **ўғри одам**, **тўғри одам** бирикувидаги **одам** қисми тушиб қолган. Шунга мос равишда матнда **ҳалол, ҳаром** бирикуви **тўғри, ўғри** бирикуви билан мазмунан маънодошлик касб этганига гувоҳ бўламиз. Шу сабабли иккинчи мисра биринчи мисрадаги мазмунни такрор даражалаб, кучайтириб тасвирлаган.

Яна бир шеърда шоир мазмунан қовушмайдиган сўзлар воситасида қандайдир кайфиятни тасвирлайди. Бу кайфият кўпчилик учун таниш, бироқ тушунча ўзбек тилида ном “либосини киймаган”. Шу сабабли бу ўринда оксюморон номинатив вазифа бажарган: *Овлоқ-овлоқларда ошиқлар сархуш, / Бўсалар **жимгина ҳайқирар** [3, 57]*.

Муаллиф томонидан ижод қилинган ушбу микроматнда гўзал туйғунинг образли тасвири **жимгина** ва **ҳайқирар** сўзларининг фавқулодда бирикуви воситасида мазмунни қуюқ тасвирлашга имкон берган ва номлаш имконини юзага чиқарган.

Оксюморонлардан юксак маҳорат билан фойдаланган ижодкор тилнинг номлаш, тасвирлаш имкониятини юзага чиқаради. Шундай экан Матназар Абдулҳаким томонидан қўлланган юқоридаги оксюморонни “номсиз туйғуларни номловчи” бирикма тарзида қабул қилиш мумкин.

Умуман, шеъриятимизда сукут ва шовқиннинг уйғун қўлланиши кўп кузатилади: *Лов-лов ёнаётир қуёш – ул нажот, / Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ. / Шундай юрагимда*

***товушсиз фарёд**, / Мен сенга инонмоқ истайман, эвоҳ...* (Рауф Парфи “Муҳаббат” шеъридан)

Бу айни Матназар Абдулҳакимга ҳам тегишли: *Ясантирдим **янгроқ** эҳтиросини / **Сукунат** билан [6, 136]*.

Ҳар бир ижодкорнинг оксюморондан фойдаланиш билан боғлиқ ўзига хос услуби бўлиши мумкин. Хусусан, Усмон Азим шериятида *олов/ иссиқ* ва *муз/ совуқ* сўзлари зиддиятига асосланган оксюморонлар кенг учрайди: *Жоним каби – **совуқ ўтда** / Бир бор куйиб кўрчи қуш. / Айрилиқда **муз ёниш** узун, Қор устига тўкилган ғамман[8, 339]*.

Фикрнинг далили сифатида яна Усмон Азим ижодида бу сўзларнинг зидлашуви, антоним бўлиб келишини кўрсатиш мумкин: *Мен ҳаммани оловда ёқдим, / Фақат ўзим музладим, севгим[8, 107]. Чексизликдан нари яна чексизлик – / Фақат бири музкор, бири оловкор[8, 146]. Соғинч тўла руҳимга қадар, / Қорлар тушар олов фалакдан[8, 354]*.

Матназар Абдулҳаким қаламига мансуб қуйидаги матн янада қизиқ фактларни юзага чиқаради. Юқорида таъкидлаганимиздек миллий шеъриятимизда *сукут* ва *овоз*, *жимлик* ва *шовқин* зидлашуви кенг кузатилади. Бу муаллиф ижодида услубий ўзига хослик билан намоён бўлади: *Айтмаганинг розларни тинглаб, / Хаёлингни қилгум тавофлар. / **Сўзсиз мактуб** жўнатиб сенга, / Олажакман **сўзсиз жавоб**лар [5, 6]*.

Кайфият зидлигини уйғунлаштириш ҳам катта маҳорат талаб қилади. Бу борада ҳам муаллиф ижодий комилликка эришган: *Донишмандлик телбалигимдир, /Телбалигим – донолигимдир [3, 109]*.

Зидлаш асносида ёзилган бу шеърда биз инсонлар ҳис қиладиган, уларнинг феъли-табиатида бўлган, аммо ҳали номланмаган тушунчалар бор. Уларни ўқир эканмиз, қалбимиз сув ва ўт орасида бўлади гўё. Сувда (музда) ёнишни тасаввур қилинг-а. Бундай бўлиши мумкин эмас ҳаётда. Аммо таниқли шоир Усмон Азим *“Дунё қўшиққа тўлди!/ Ундан бир ун олишга / Парвардигор, журъат бер... / Таслимман!.. Тамом кўндим / Музларингда ёнишга!..”[8, 97]* дейди. Аниқ бўладики, шеъриятнинг мантиғи ҳаёт мантиғидан катта фарқ қилади. Оксюморонлар шундай ёркин

тафовутни юзага келтирувчи тил бирликлари қаторида алоҳида ўринга эга. Шунинг учун ҳам шеърда зидликка асосланган окказионал оксюморонлар фавқулодда таъсир кучига эга. Масалан: *Коинот тор, фалак чекланган [3, 114],* дейди шоир. Коинот сўзининг семалари таркибида *тор, чекланган* маъноларига зид *кенг, чексиз* семалари мавжуд бўлганлиги сабаб ноодатий бирикиш тезда кўзга ташланади.

Хуллас, Матназар Абдулҳаким шеърлари тилида қўлланган оксюморонлар фавқулодда бадиийликка эга ва номсиз туйғулар – ифодаси имконсиздай туюлган ҳодисаларни зидлашган тил бирликлари воситасида окказионал қўллаш орқали ёркин тасвирлаш имконини берган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зайниддинова Д. Рус ва ўзбек тилларида ғайриодатий бирикмалар. Филология фанлари бўйича номз... дисс. Автореф. – Тошкент: 1990. – 21 б.
2. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994. – 72 б.
3. Матназар Абдулҳаким. Жавзо ташрифи. –Тошкент: “Шарқ”, 2008. 336 б.
4. Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар(2-жилд) – Тошкент: 2017. – 303 б.
5. Матназар Абдулҳаким. Сўз чамани. – Тошкент: “Академнашр”, 2020. – Б.122.
6. Турсунов С. Муҳаббат, сен чиройлисан: шеърлар. – Тошкент: 2019. – 312 б.
7. Умирова С. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияти мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Самарқанд: 2019. – 130 б.
8. Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: “Шарқ”, 1995. – 432 б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд, 2006. – 671 б.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 3-жилд, 2006. –Б. 687 б.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 5-жилд, 2006. – 591 б.

JAHON MINBARIDA YANGRAGAN TILIM!

Nigora MAMARAHIMOVA ,
To‘raqo‘rg‘on tumani ona tili
va adabiyot fani uslubchisi

Suvsiz daryo bo‘lmaganidek, tilsiz millat ham vujudga kelmaydi. Til-millatning birligi, or-nomusi, orzu-umidlari, uning ma’naviy qiyofasi va kelajagidir. Til - millatni, butun bir jamiyatni yagona xalq sifatida o‘z atrofida birlashtiradi. Har bir millatning o‘z Vatani, oilasi bo‘lgani kabi uning jonajon va betakror o‘z ona tili ham bo‘ladi. Jamiyatdagi insonlar uchun uning tug‘ilib o‘sgan o‘z vatani, oilasi, ota-onasi qanchalik qadrli bo‘lsa, uning o‘z ona tili ham shu qadar aziz va muqaddasdir. Hattoki, yangi tug‘ilgan go‘dak ham o‘zligini, Vatanini, atrof-muhitni, dunyoni - ona allasi, o‘z ona tili orqali taniydi. 1989-yil 21-oktabrda o‘zbek tilimizga davlat tili maqomi berilgan bo‘lsa-da, lekin amalda hujjat ishlari, davlatlar o‘rtasidagi rasmiy munosabatlar rus tilida olib borilgani barchamizga ma’lum. Mustaqilligimizning ilk kunlaridan boshlab, davlatimiz tomonidan barcha sohalar qatori o‘zbek tilimizga ham e’tibor kuchaydi. O‘zbek tilimizning butun xalqaro maydonda obro‘-e’tiborini oshirish, uni yuksaltirish va eng asosiysi kelajak avlodga sof holda yetkazish yo‘lida sa’y-harakatlar boshlandi. O‘zbekiston Respublikasining 1993-yil 2-sentabrdagi “Lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosini joriy etish to‘g‘risida’gi qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1995-yil 24-avgustda “O‘zbek tilining asosiy imlo qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 339-sonli Qarori, 2019-yil 21-oktabrdagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5850-sonli Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 20-yanvardagi “Mamlakatda davlat tilida ish yuritishni samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlari bunga yaqqol misoldir. Joriy yilning 23-sentabr kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasida ilk marotaba o‘zbek tilida nutq so‘zladi. Bu esa butun o‘zbeklar, butun turkiy xalqlar bo‘lgan qardosh

davlatlar uchun ham eng quvonchli, eng lahzali onlar bo‘ldi. Davlat rahbarimiz ushbu nutqi orqali ona tilimizning naqadar jozibali, ohangdor, takrorlanmas ekanligini butun dunyoga yana bir bor namoyon etdi. O‘zbek tili-millatning ko‘zgusi, o‘zbegimning libosidir. Bugun butun dunyo ona tilimning jozibasini, latofatini, sehrini, ohangini eshitdi. Mustaqillik tufayli ushbu nufuzli xalqaro minbarda birinchi marta ona tilimiz bo‘y ko‘rsatdi. Bir paytlar turkiy tilim, o‘z ona tilim yupun va g‘arib holatga kelib qolgan edi. O‘zbek xalqi milliy madaniyatining jonkuyari, ma’rifat fidoyisi bo‘lgan Abdulla Avloniy “Har bir millatning dunyoda borligini ko‘rsatadurg‘on oyinai hayoti til va adabiyotdir. Milliy tilni yo‘qotmak, millatning ruhini yo‘qotmakdur”, yoki sevimli shoirimiz Erkin Vohidovning “O‘zbek tilim boshqalarga qandoq bilmayman-u, lekin men uchun dunyoda eng boy, eng go‘zal, eng barkamol til. O‘zbekcha gapirib tilim chiqqan, qo‘limga qalam olib o‘zbekcha yozganman, qalbim sevinchlari va iztiroblarini o‘zbekchada qog‘ozga tushurganman. Unga mehrimni, minnatdorligimni izhor etib bir kitob yozsam degan niyatim bor. Yozganlarim she’r bo‘lmasa-da she’rdek o‘qilsa deyman. Ona tilimning ko‘rki, barvasta qomati sahifalaridan bo‘y ko‘rsatib tursa, deyman. Orzularim ko‘p. Qani edi parvozim orzularim qadar yuksak bo‘lsa…” degan so‘zlari naqadar haqiqat Yillar o‘tib, globallashuv jarayoni ortib borar ekan, til hamisha himoyaga muhtoj bo‘lib qolaveradi. Shunday ekan, mazmunan buzilayotgan so‘zlarimizning asl mohiyatini saqlab qolish, uni o‘z farzandlarimizga, kelajak avlodga sof holda yetkazish, asrab-avaylash, unga hurmat ko‘rsatish barchamizning eng asosiy vazifalarimizdan biridir. Zero, o‘zbek romanchiligining asoschisi Abdulla Qodiriy “O‘zbek tili kambag‘al til emas, balki o‘zbek tilini kambag‘al deguvchilarning o‘zi kambag‘al. Ular o‘z nodonliklarini o‘zbek tiliga to‘nkamasinlar”,- degan fikrlari hamisha yodimizda saqlanib qolsin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbek tilining imlo lug‘ati. – Toshkent: O‘qituvchi, 2003.
2. Exsonov M. Ilmiy maqola yozishning nazariy asoslari.// Ta’lim va fan, № 3-son.
3. Internet saytlari:
til.gov.uz
ziyonet. uz

ALISHER NAVOIY SHE’RIYATIDA QO‘LLANGAN TAKRORIY SO‘ZLARNING TUZILISHI

Mashhura MAMAJONOVA,
NamDU magistranti,
Ilmiy rahbar: ***Nosirjon ULUQOV****,*
f.f.d., professor

O‘zbek tilida ma’noni kuchaytirish, emotsional-ekspressiv bo‘yoqni ifodalash uchun xizmat qiluvchi vositalardan biri takroriy so‘zlardir. Professor A.Hojiyev ta’kidlaganidek, tilning taraqqiyot darajasi so‘zlarning turli ma’no va stilistik ottenkalarni ifodalovchi so‘zlarga, o‘zaro aloqada fikrning turli-tuman va nozik ottenkalarini ifodalovchi vositalarga qanchalik boyligi bilan ham belgilanadi. Bu jihatdan juft va takroriy so‘zlar alohida o‘rin tutadi.[1] Takroriy so‘zlar turli leksik va uslubiy ma’no anglatishdan tashqari o‘ziga xos morfologik xususiyatlari, tuzilish shakllariga egaligi bilan ahamiyatlidir.

Turkologiyada takroriy so‘zlarning tadqiqiga bag‘ishlangan ishlarda ularning qoliplari, tuzilishiga ko‘ra turlari haqida ma’lumotlar qayd etilgan. Xususan, A. Kaydarov “*Hozirgi uyg‘ur tilidagi juft so‘zlar*”[2] kitobida takroriy so‘zlarni tuzilishiga ko‘ra uch guruhga bo‘lib, ularni ham o‘z ichida kichik guruhlar kesimida tahlil qilib beradi. R.Opayeva o‘zining “*Hozirgi qoraqalpoq tilidagi qo‘shma otlarning lingvistik tahlili*”[3] nomli dissertatsiyasida qoraqalpoq tilidagi takroriy so‘zlarni tuzilishiga ko‘ra to‘rt guruhga bo‘ladi. Shuningdek, R.Aganinning[4] turk tilidagi takroriy so‘zlarga bag‘ishlangan ishida ham turk tilidagi takroriy so‘zlarning tuzilishiga ko‘ra tasnifi keltirilgan. A.Hojiyev “*O‘zbek tilida qo‘shma, juft va takroriy so‘zlar*” nomli ishida

o‘zbek tilidagi takroriy so‘zlar haqida fikr yuritib, qayd etishicha takroriy so‘z deganda bir so‘zning aynan takror holda qo‘llanishi bilan shu so‘zning leksik ma’nosidan tashqari ma’lum grammatik ma’nolar ifodalovchi va leksik-grammatik jihatdan bir butunlikni tashkil qiluvchi takror (*shoda-shoda, nuqta-nuqta*) tushuniladi.[5] Shuningdek, uning yana bir turi qismalari *ma-, ba-* yordamida bog‘lanishini aytib (*rang-barang, ketma-ket*), ulardan boshqa turlari mavjudligini rad etadi.

[1]Ҳожиев А.Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.4.
[2] Кайдаров А. Парные слова в современном уйгурском языке. – Алмата, 1958.
[3] Опаева Р.А.Ҳозирги қорақалпоқ тилидаги қўшма отларнинг лингвистик таҳлили: Филология фан. … фалсафа доктори диссер. Автореф. – Нукус, 2021
[4] Аганин Р.А. Повторы и однородные парные сочетания в современном турецком языке. – Москва, 1959.
[5] Ҳожиев А.Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963.

Yuqorida tilga olingan turkiy tillarning tarixiy taraqqiyoti, hozirgi milliy, adabiy til ko‘rinishini tashkil topishida muhim rol o‘ynagan, ayniqsa, leksik qatlamini boyishiga xizmat qiluvchi til imkoniyatlarining shakllaninib, taraqqiy etishi va leksik-grammatik jihatdan sayqal topishida Alisher Navoiy asarlarining o‘rni beqiyos.

Alisher Navoiy asarlari, xususan, she’riyatida takroriy so‘zlar salmog‘i kengdir. Shoirning turkiy tildagi barcha she’riy asarlari jamlangan “Xazoyin ul-maoniy” devoni tahlili natijasida barcha takroriy so‘zlar to‘plandi va o‘ziga xos til xususiyatlari aniqlandi.

Shoir ijodida so‘zning takror holda qo‘llanishining ikki ko‘rinishini kuzatamiz: 1) oddiy so‘z takrori 2) takroriy so‘z.

Hajringda mening sabrima juz nuqson yo‘q,
Ko‘nglum aro g‘ayri nolavu afg‘on yo‘q.
Jonimg‘a hayot umidi xud imkon yo‘q,
***Yo‘q, yo‘q, yo‘q**, sabr yo‘q, ko‘ngul yo‘q, jon yo‘q*.[G‘.S. 402-b.]
Gah piri dayr bois erur, goh mug‘bacha,
***Yo‘q-yo‘qki**, boda komimu ul-bu bahonadur.* [G‘.S.98-b.]

Keltirilgan misollarning birinchisi (***yo‘q, yo‘q, yo‘q)*** oddiy so‘z takrori, ikkinchisi esa (***yo‘q-yo‘qki***) takroriy so‘z hisoblanadi.

Asarda qo‘llangan takroriy so‘zlar yasalishi, shakli va morfoligik tuzilishi, anglatayotgan ma’nosiga ko‘ra o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Ularni yasalishiga ko‘ra quyidagi turlarga bo‘lish mumkin:

a) so‘zning aynan takrori: *iynak-iynak, pora-pora, zamon-zamon, bir-bir, Olloh-Olloh, qatra-qatra, juzv-juzv, xor-xor, olam-olam,vah-vah, oz-oz, yo‘q-yo‘q,bora-bora, o‘ynay-o‘ynay,hay-hay, birin-birin, tishlab-tishlab, xirman-xirman, men-men, daf’a-daf’a, tim-tim, gah-gah, sharha-sharha, zor-zor, o‘z- o‘z, bot-bot, chok-chok, ovuch-ovuch* kabi:

Jununim o‘lsa damo-dam taajjub etmangkim
*Ko ‘zumga ul pariy o‘lur **zamon-zamon** paydo*. [N.SH. 18-b]

*Ey, Navoiy, **pora-pora** bo‘lsa ko‘nglung yaxshidur*
Kim, taraddudsiz olishkaylar ani dilxohlar. [N.Sh. 79-b.]

Qatlu tirguzmak erur oyining,
***Olloh-olloh** anga ne oyindur.* [N.Sh. 78-b.]

Shoir ijodida so‘zning aynan takrori barcha so‘z turkumlarida kuzatiladi, o‘ziga xos morfologik-grammatik xususiyaga egaligi bilan diqqatni jalb qiladi. Ularni alohida so‘z turkumlari doirasida ko‘rib chiqish maqsadga muvofiq.

b)qismlari *-ba, -o, -to* kabi vositalar bilan bog‘langan takroriy so‘zlar: *manzil-bamanzil, dam-badam, xam-baxam, tah-batah, sar-basar,sar-tosar, lab-balab, mo‘-bamo‘, ro‘-baro‘, to‘-bato‘, yako-yak, damo-dam:*

Qachon otsa ul g‘amza novak manga,
Kelur gar ming o‘lsa ***yako-yak*** *manga* [F.K.7-b.]

To boda ichti ul sanam, to mayg‘a cho‘mdi la’li ham,
Jonimda o‘tdur ***dam-badam****,bag‘rimda qondur* ***tah-batah***
[F.K.266-b]

Ro‘-baro‘ *bo‘lg‘ach yuzung g‘am shomi ollimdin ketar,*
Soya tushkandek keyin xurshid bo‘lg‘ach o‘trudin [G‘S.253-b]

Jununum o‘lsa ***damo-dam*** *taajjub etmangkim,*
Ko‘zumga ul pariy o‘lur zamon-zamon paydo [N.Sh. 18-b.]

Hozirgi o‘zbek adabiy tilida takroriy so‘z qismlarini bog‘lovchi mazkur vositalar bilan bir qatorda *-ma* varianti ham uchraydi*: ketma-ket, qatma-qat* kabi. Navoiy she’riyatida esa bu shakl kuzatilmaydi. A.Hojiyev *rang-barang, dam-badam* kabi ayrim so‘zlarni hisobga olmaganda, hozirgi o‘zbek adabiy tilida *-ba* elementi emas, hamma vaqt *-ma* shakli qo‘llanishini ta’kidlaydi.[1] Bunga tilning tarixiy taraqqiyoti mahsuli sifatida qarash mumkin.

c) ikkinchi qismi o‘zgarishga uchragan takroriy so‘zlar. *gah-gahe , gah-gahi, xor-xore* kabi:

Ayshu ishrat jomidin bo‘lsun yuzi gul-gul, valek
Ko‘ngluga g‘am gulbunidin ***xor-xore*** *bo‘lmasun*. [G’.S.264-b.]

So‘rma holimni sabodin ***gah-gahi***
Ko‘nglunga o‘lturmasun gardi malol. [N.Sh.200-b.]

[1]Ҳожиев А.Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.107

Raqibu vasl no‘shi, menu hijron nishi, vah, rahm et,
Ani ham gah-gahe o‘ltur, meni ham ***gah-gahe*** *tirguz* [N.Sh.107-b.]

Asarda uchraydigan *ko‘ptin-ko‘p, ozdin-oz, kun-kundin, kundin-kunga, bir-birini, bir-biriga, biri-biridin, hayli-hayl ichra, qavmi-qavm ichra* kabi har xil grammatik shaklga ega bo‘lgan yonma-yon keluvchi so‘zlar takroriy so‘zlar kabi qo‘llanib, chiziqcha orqali yozilgan:

Har necha dedimki ***kun-kundin*** *uzay sendin ko‘ngul,*
Vahki, ***kun-kundin*** *batarrak mubtalo bo‘ldum sanga.*[G‘.S.22-b.]

Dedi, vaslim birla ***ko‘ptin-ko‘p*** *g‘amingni kam qilay,*
Ani ***kundin-kunga*** *o‘ksutmaktin afzun qildilo* [G‘.S.314-b.]

Netib o‘lmayki, sabrim ***ozdin-ozu*** *shavq* ***ko‘ptin-ko‘p,***
Ul oyning husni ***ko‘ptin-ko‘pu****, vafosi* ***ozdin-oz*** *ermish.*
[F.K. 129-b.]

Qavmi-qavm ichra *ko‘rub mehnatlar,*
Xayli-hayl ichra *chekib shiddatlar* [F.K.373-b.]

Lekin “O‘zbek tilida qo‘shma, juft, takroriy so‘zlar” risolasida qayd etilishicha, ayni bir so‘z yonma-yon qo‘llanganda, ularning har biri turli grammatik shaklga ega bo‘lsa, bunday hollarda takroriy so‘z hosil bo‘lmaydi.[1] Shuningdek, qabul qilingan yangi imlo qoidasiga ko‘ra birinchi qismi chiqish kelishigida, ikkinchi qismi jo'nalish kelishigida bo'lgan birikmalar ajratib yoziladi. Belgining ortiq darajasini bildiruvchi *ko'pdan ko'p, tekindan tekin, yangidan yangi, ochiqdan ochiq*, qizigandan qizidi kabilar ajratib yoziladi.[2]

Bundan tashqari A.Hojiyev to‘g‘ri ta’kidlaganidek, takroriy so‘zning ikkala qismi birlashib gapda bitta gap bo‘lagi vazifasida keladi. Qayd etilgan 1-, 2-, 3- misollardagi takrorlanuvchi birliklar bir xil gap bo‘lib kelgani bilan takroriy so‘z hisoblanmaydi, 4-misolda esa *qavm* va *xayl* so‘zlari ikki xil sintaktik vazifa bajargan. Demak, asarda qo‘llangan bu kabi birikmalar takroriy so‘z hisoblanmaydi va ularning chiziqcha bilan yozilishi ham noto‘g‘ri.

Alisher Navoiy asarlarida qo‘llangan takroriy so‘zlar tilimiz lug‘at tarkibini yangi shakllar bilan boyitishga, tilning uslubiy imkoniyatlarini kengaytirishga xizmat qiladi. Takroriy so‘zlarning yasalish qolipalari,

[1]Ҳожиев А.Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.90
[2] Rahmatullayev Sh., Hojiyev A. O‘zbek tilining imlo lug‘ati. – Toshkent: O‘qituvchi, 2003. – B.21.

morfologik xususiyatlarini to‘g‘ri talqin etish va boshqa birliklardan farqlash tildagi chalkashliklarga barham berishga xizmat qiladi.

“TEMURNOMA” ASARIDA QO’LLANGAN LEKSEMALARNING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Manzura ASQAROVA,
NamDU magistranti

Amir Temur buyuk sarkarda, markazlashgan davlat asoschisi bo’lish bilan birgalikda adolatli hukmdor ham edi. Temur va Temuriylar davri tariximizning shonli sahifalarini tashkil etadi, bu davr xususida juda ko’plab asarlar yaratilgan. Shulardan biri Mullo Salohiddin eshon qalamiga mansub «Temurnoma» (“Jangnomai Amir Temur ko’ragan”) asaridir. «Temurnoma» uch yo’nalishdagi asarlarning majmuasi sifatida maydonga kelgan. Kitobni, ya’ni “Temurnoma”ni yaratishda eng avvalo tarixiy asarlardan (“Kitob-ul axbor”, “Tarixi Tabariy”, “Zafarnoma” singari), badiiy asarlardan (“Iskandarnoma”) A. Xatibiy asarlari va diniy asarlardan foydalanilgan[1,25-b].

Mustaqilligimizni qo’lga kiritganimizdan so’ng tariximiz tiklandi, Temur va Temuriylar davri manbalari o’rganilmoqda ,tadqiq etilmoqda. Shuningdek, tarixiy asarlarning til xususiyatlarini o’rganish ham bugungi kun nazariy tilshunosligi va matnshunosligining dolzarb vazifalaridandir. XXI asr jahon va o’zbek tilshunosligida yangi soha va yo’nalishlar rivojlanmoqda. Ayniqsa tilni sistem-struktur jihatdan tadqiq etish muhim vazifa bo’lib qoldi. Olimlarimizning bir necha yirik tadqiqotlari mazkur yangi yo’nalishda olib borilmoqda. “Bu tadqiqotlarning o’ziga xos xususiyati shundaki, lisoniy faktlarga avtonom holda yondashmay, har qaysi lisoniy hodisaning ostida yashirinib yotgan mohiyatning ochilishiga diqqat qilinadi” [2,13-b]. Bunday tadqiqotlar natijasida tilning sistema sifatidagi manzarasi yanada oydinlashadi. Har bir leksik birlik mohiyatan talqin qilinadi, til tizimidagi pozitsiyalari belgilanadi. Lisoniy birliklarni tizimga solgan holda o’rganish, paradigmalarga ajratish keyinchalik fanda maydon nazariyasini vujudga keltirdi. Ma’no (mazmun) umumiyligi bilan birlashgan va belgilanayotgan hodisalarning tushunchaviy, predmetlik yoki vazifaviy (funksional) o’xshashligini aks ettiruvchi til birliklari (asosan leksik birliklar) yig’indisi ko’pchilik lisoniy adabiyotlarda

maydon sifatida belgilanadi. [3,380-b] Maydon tushunchasi nisbatan aniq fanlarga tegishli bo'lganligi bois tilshunoslikda mazmuniy maydon tushunchasi paydo bo'ldi. Ya'ni tilda aks ettirilayotgan leksik birliklarning mazmuniy maydoni bir so'z bilan aytganda, mavzuviy guruhlaridir. Biroq, "mazmuniy maydon" tushunchasi " mavzuviy guruhlar" terminiga qaraganda kengroq ma'no ahamiyat kasb etadi. Mazmuniy maydonda leksik birlikni har tomonlama tadqiq etiladi. Leksik birliklarni mazmuniy maydonda aks etishini "Temurnoma" matni misolida ko'rishimiz mumkin. Asarning leksik birliklari xususan, terminlarini quyidagicha mazmuniy maydonlarga turkumlash mumkin:

1) leksik;
2) grammatik;
3)leksik-grammatik.

Leksik jihatdan mazmuniy maydonlarga tasniflash uchun terminlarning ma'no qirralari inobatga olinadi. Ushbu maydon o'z atrofida yana kichik maydonchalarni hosil qiladi: shaxs, o'simlik, hayvon, tog', adir, jangovar nomlarni anglatuvchi lug'aviy semalar, diniy tushunchani bildiruvchi terminlar kabi. Ularning o'ziga xos xususiyati shundaki, mazmuniy maydon asosini leksemalar va ularning semalari tashkil etadi."Temurnoma" harbiy terminlari leksikasini quyidagicha mazmuniy maydonlarga ajratish mumkin: 1. Harbiy qurol-yarog' nomini bildiruvchi terminlar.2. Harbiy qism nomlari.3. Jang vaqtida qo'llangan cholg'u asboblari. 4. Harbiy kiyim-kechak nomini bildiruvchi leksemalar. Masalan, asar harbiy leksikasining qurol-yarog' nomini bildiruvchi terminlar mikromaydoni quyidagi leksemalarni birlashtiradi: Alam — bayroq, tug', belgi, alomat.***Sohibqiron o'z qo'shunlariga keldi, ko'rsa umarolar alamni o'z yeriga tikmakka kengash qilurlar.[1,64-b]*** Andoz —tashlovchi, otuvchi, uloqtirish. (Zambarak). Yoy(Yo)- kamon, harf nomi.Yorgog' — teridan tikilgav xaltacha.Du sipar — ikki qat qalqon.Kajava — yopiq arava.Xadang — o'q, kamon o'qi. To'fang — jayg quroli kabi. Demak, mazmuniy maydon asosida terminlarni o'rganish birinchidan, asarni tushunishga qulaylik yaratadi, ikkinchidan, terminlarni mavzuviy guruhlarga, guruhlarni mikroguruhlarga ajratadi. Tasniflangan terminlar asosida lug'at boyligi ortadi, uyadoshlik va sinonimiya munosabatlari oydinlashadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. – Тошкент: Чўлпон, 1990.
2. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. –Тошкент: Фан,1998.

3. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.,1990,стр: 380.
4. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
5. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. –Тошкент: Маънавият, 2004.

HOFIZ XORAZMIY G'AZALLARIDA LINGVOMADANIY BIRLIKLARNING QO'LLANILISHI

Gulnoza XOLDOROVA,
NamDU magistranti,
Ilmiy rahbar: ***Mo'minjon SULAYMONOV****,*
NamDU dotsenti

Ona tilimizning tarixiy takomili, adabiyotimiz rivoji, xalqimiz tarixi, madaniyatini o'rganishda mumtoz shoirlarimizning ijodiy merosi juda katta manbadir. Hofiz Xorazmiy ijodining til xususiyatlarini tatqiq etganimizda ham bunga amin bo'lamiz.

Tilga antroposentrik nazariyaning olib kirilishi tilni insonda, insonni tilda tadqiq etish mumkinligini ko'rsatdi.

Insonning miyasida, ongida mavjud bo'lgan lison uning ma'naviyatini, shu bilan birga o'zi mansub bo'lgan millatga doir ma'naviy qadriyatlarni, milliy ruhni ham aks ettiradi. Shuning uchun ham tilning qay tarzda amal qilishini til egasi bo'lgan shaxs omili bilan birga ko'rib chiqish zaruratga aylandi.

Lingvokulturologiya tilshunoslik va madaniyatshunoslik kesishgan nuqtada shakllangan til tadqiqining yangi sohasidir.[1]Har bir asar yaratilgan davrning til xususiyatlarini, shu bilan birga madaniyatini ham yaqqol aks ettiruvchi oynadir. Hofiz Xorazmiy g'azallarida ham bu jihatni sezish mumkin. Adib asarlarining til jihatlari u yashagan davrning ma'naviy qiyofasi haqida ham ma'lumot bera oladi. G'azallarni tadqiq etish orqali Hofiz Xorazmiy davridagi o'zbek tilining tarixiy takomilini, xususiyatlarini, o'ziga xosligini va naqadar boyligini ham ko'rish mumkin.

Bu oshiqlarg'a rahm aylab kel, ey jon, ezgulik qilkim,
Ne turlu ***tosh tashlasang tushar ul oqibat boshg'a****.*

[1] Usmonova. Sh. Lingvokulturologiya . - Toshkent : "Universitet". 2014, 16-bet

Baytda “birovga choh qazisang, o’zing yiqilasan” mazmunida “tosh otsang, boshingga tushadi” tarzida maqol qo’llangan. “Yaxshilikka yaxshilik qaytadi” mazmuni birinchi misradagi “ezgulik qilkim..” hukmidan ham anglashilib turibdi.

Ziyon qilmas raqiblarning yurumaki sening birla,
Valekin ***ko’ngul ozdurur chibin tushar esa oshg’a.***

Shoir hayotiy misolni ustalik bilan baytga singdira olgan. Taomga chivin tushsa, ko’ngilni ozdiradi. Bu o’rinda xalqonalik, turkonalik shukuhi sezilmoqda.

Saning siringni jon ichra man, ey jon, saqlag’ay erdim,
Vale ohim o’ti birla chiqadur sirringiz toshg’a.

Sirni jon ichida saqlash o’zgacha tasvir, lekin xalq tilida bor ibora. Ma’shuqaga ey jon, deya murojaat shakli, jon ichra sir saqlash tarzidagi ifoda g’azalning badiiy qimmatini oshirish bilan birga tilimiz latofatini ham ko’z-ko’z qilmoqda. Sirning oh o’ti birla toshg’a chiqishi yana-da jozibali.

Bir dam xayoli xoli labing ko’zda bo’lmasa,
Oq tushkay ul zamonda ko’zimning qarosina.

“Ko’ziga oq tushsin” iborasi ko’proq qarg’ish tarzida hozirgi o’zbek adabiy tilida ham uchraydi.

Ushbu bisotda anga tang ko’rman o’zgani,
Chun har piyoda tang bo’la bilmadi shoh ila.

Baytda Hofiz Xorazmiy shaxmat o’yinidagi holatga ishora qilmoqda. Piyoda shoh bilan teng bo’lmasligi, bu bayt o’z o’rnida ijtimoiylik ham kasb etadi. Lingvokulturologiya jihatidan qaraganda o’yin qoidalari, o’yin haqidagi bilimlar ongda aks etadi.

Yaktoyi ishq alif biki kim qaddim edi, vale
Chun dol qildi oxiri zulfi dutoh ila.

Alif kabi qomat bu mumtoz adabiyotimizdagi an’anaviy o’xshatishlardan biri hisoblanadi. O’xshatish asosi esa alifning tikligi. Ikkinchi misrada dol qildi o’xshatishining ham tabiiy asosi uning yozilishida. Shoir kitobat san’ati asosida xalq tilidagi o’xshatishlarni tasvirga tatbiq eta olgan.

Rangi gulni yuzunga garchikim o’xshaturlar,
Ol yuzungda vale rangi digardur paydo.

Ol yuz – qizil yuz. Bu o’xshatish zamirida ham an’anaviylik, ham hayotiylik mujassam. Bu kabi o’xshatishlar Hofiz g’azallarida minglab topiladi. Mana bu bayt tahlilida ham badiiy go’zallik ostida xalq tilidagi nafosatni his qilish mumkin.

Beliyu og’ziniki kishi ko’rgani yo’q hech, vale
G’aybning olamidin ramzu xabardur paydo.

Ya’ni belning nozikligi va og’izning kichkinaligi mumtoz adabiyot uchun go’zallik mezoni hisoblangan. Shuning uchun beli va og’zini kimsa ko’rmagan deydi adib, u g’ayb olamiga daxldorligini aytib o’tadi. Bu tasvirda ham o’xshatishni mohiyatan ilg’ab olishimiz mumkin.

Rost tutub e’tiqod, pesha tavozuni qil
Chunki eronlar qilur saydni o’q yo bila.

Lingvokulturologiya fani uchun madaniy axborotni til birliklarida ifodalanishiga yordam beruvchi tushunchalar: madaniy sema, madaniy fon, madaniy konseptlar, madaniy konnotatsiyalar muhim ahamiyatga ega.

Madaniy fon – ijtimoiy hayot va tarixiy voqealarni bildiruvchi atov birliklar tavsifidir.[1] Yuqoridagi baytda eronliklar ovni o’q va yoy bilan qiladi, mazmuni kelib chiqadi.

Labi la’lini so’rg’onda yasoqim jon olur tesa,
Necha tarxon taqi bo’lsam, berurman jon yasoqingg’a.

Yasoq, tarxon leksemalari ham madaniy fonga misol bo’la oladi. Yasoq – mo’g’ulcha jasaq qonun, jazolash ma’nolarini bildiruvchi so’z .

[1] Usmonova. Sh. Lingvokulturologiya. - Toshkent : “Universitet” , 2014, 16-bet

U Chingizxon buyuk qurultoyda xon etib saylanganda e'lon qilingan qonunlar majmuasiga nisbatan ham, keyinchalik mog'ullar istilo qilgan o'lkalardan undiriladigan soliq turiga nisbatan ham qo'llangan.[1] Baytda leksemaning ikkinchi ma'nosi qo'llangan. Tarxon so'zi qadimgi turkiy tilda ham mavjud edi, mog'ullar davridan boshlab hokimlarga alohida xizmat ko'rsatgan kishilarga berilgan unvon. "O'zbek tilining izohli lug'ati"da mog'ulcha – ozod kishi ma'nosini bildiradi, deya izohlangan.

Baytda ushbu so'zlarning qo'llanilishi ijtimoiy hayotdagi o'zgarishlar bilan bog'liq edi.

Topqali raqib yo'l o'shul yor eshiginda,
Bo'lduq eshigining itina jon bila as'hob.

Bu baytning umumiy mazmuni esa, hadislarga borib taqaladi. "Al-Jome al-Kabir" asarida shunday hadis bor: "Jannatga kiradigan o'n nafar hayvondan biri bu "As'hobi kahfning vafodor itidir"[2]. Baytda ana shu hadisga ishora qilingan.

Mumtoz adiblarimiz ijodidagi bu kabi lingvokulturologik birliklarni tatqiq etish orqali o'zbek tilining boy ma'naviy tarixini, shu bilan birga umumxalq tilining go'zalligi, nafosatini ham yoritish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Usmonova. Sh. Lingvokulturologiya . - Toshkent : Universitet, 2014.
2.To'xliyev B.,Karimov B., Usmonova K. Adabiyot. Darslik-majmua. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017.

[1] Uz.m.wikipedia.org sayti
[2] To'xliyev B.,Karimov B., Usmonova K. "Adabiyot" darslik-majmua. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi.2017, 83-bet

ÜBERSETZUNG UND INTERKULTURELLE KOMMUNIKATION

Michael SCHREIBER,
Professor der Universität Mainz (Deutschland)

ТАРЖИМА ВА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ

Михаил ШРАЙБЕР,
Майнц университети профессори (Германия)

ПЕРЕВОД И МЕЖКУЛЬТУРНАЯ КОММУНИКАЦИЯ

Михаил ШРАЙБЕР,
профессор университета Майнц (Германия)

Аннотация

Мақолада таржима ва маданиятлараро муаммолар сирасига кирувчи асосий тушунчалар тўғрисида фикр юритилади. Бунда муаллиф маданият, маданиятлараро мулоқот, маданиятлараро мулоқотда ўзаро тушунмовчиликлар, реалия каби тушунчаларга таржимашунослик асносида муносабат билдиради.

Interkulturelle Kommunikation hat sich als Terminus für kulturüberschreitendes Handeln (Interaktion) und ihre Lehre herausgebildet. Translation ist Sondersorte von interkultureller Kommunikation. [1] Was ist Kultur? „In Anlehnung an Goodenough [...] läßt sich *Kultur* für die Zwecke des Übersetzers und Dolmetschers definieren als all das, was dieser im Hinblick auf seine Ausgangsgesellschaft und auf seine Zielgesellschaften wissen und empfinden können muss,

- 1. damit er beurteilen kann, wo sich Personen in ihren verschiedenen Rollen so verhalten, wie man es von ihnen erwartet, und wo sie von den gesellschaftlichen Erwartungen abweichen;
- 2. damit er sich in den gesellschaftlichen Rollen, die ihm […] offenstehen, erwartungskonform verhalten kann, sofern er dies will […];
- 3. damit er die natürliche und die vom Menschen geprägte oder geschaffene Welt […] jeweils wie ein Einheimischer wahrnehmen kann.“ [2]

Was sind Interkulturen? „Eine spezielle Form sozialer Beziehungen zwischen Menschen verschiedener Kulturen stellen die *Interkulturen* dar. Gemeint ist damit folgendes: Kommunikation zwischen Menschen verschiedener Kulturen kommt nicht wahllos und zufällig zustande, sondern überwiegend zwischen Personen gleicher Art. Der Wissenschaftler wird in einer anderen Kultur vor allem Kontakte mit dortigen Wissenschaftlern finden, der Künstler mit Künstlern, der Kaufmann mit Geschäftsleuten usw. Und zweifellos können Gemeinsamkeiten hier stärker und verbindender wirken als die anders gelagerten Gemeinsamkeiten *innerhalb* einer Kultur. Ein deutscher Wissenschaftler versteht sich in mancher Hinsicht mit einem Wissenschaftler aus Japan, Nigeria, Venezuela besser als mit einem deutschen Arbeiter.“ [3]

Was ist die Kommunikation? „Für das Verständnis der Komponente *Kommunikation* in der Fachbezeichnung *interkulturelle Kommunikation* ist Watzlawicks Aussage grundlegend, man könne nicht *nicht* kommunizieren [...]. Alles an uns kommuniziert, nicht nur, was wir wann wie zu wem in welcher Situation sagen oder nicht sagen, sondern auch, wie wir aussehen, wie wir blicken, uns kleiden, halten, bewegen, welche Frisur wir tragen, wie wir riechen – ganz allgemein: wie wir sind und wie wir uns verhalten. Zur Kommunikation gehört aber auch die andere Seite, nämlich das, was beim Empfänger ankommt und von ihm jeweils in Übereinstimmung mit seinen kulturellen Gewohnheiten interpretiert wird.“ [2]

Unter Interkulturelle Kompetenz versteht man „Empathiefähigkeit und Toleranz – nicht jedoch kritiklose Übernahme beliebiger Standards anderer KG [= Kommunikationsgemeinschaften] – sind erforderlich, damit überhaupt die Bereitschaft zum Eintritt in die Kommunikation mit Angehörigen anderer KG […] besteht. Spezifisches Wissen von anderen KG spielt [...] eine wichtige Rolle. [...] Hinzu kommt spezifisches Wissen von der eigenen KG. […] Die mehr oder weniger ausgeprägte prinzipielle Unvollständigkeit des Wissens von einer bestimmten KG kann teilweise kompensiert werden durch ein allgemeines Wissen über Sprache, Kommunikation und Kultur. Dazu gehört beispielsweise: [...] Wissen um die Kulturabhängigkeit des eigenen Denkens, Deutens und Handelns.“ [4] Interkulturelle Missverständnisse sind Farben der Trauer und des Todes (Auswahl):

- Schwarz: Westliche Welt, Iran
- Weiß: Naher Osten, Indien (allgemein), Ostasien

• Blau: Ägypten, Korea, Kolumbien
• Lila: Indien (Witwen), Thailand, Brasilien

Wird Pünktlichkeit zum Abendessen erwartet?

• Schweiz, Schweden: + 0 Minuten
• Ungarn, Japan: + 10 Minuten
• Nigeria: + 15 Minuten
• Indien: + 30 Minuten
• Brasilien: + 120 Minuten.

Wird Pünktlichkeit bei geschäftlichen Terminen erwartet?

• Japan: + 0 Minuten
• Dubai: + 15 Minuten, für deutsche Besucher 5 Minuten
• Indien: + 30 Minuten, für deutsche Besucher 10 Minuten

Übersetzen als kultureller Transfer. „In der Translationswissenschaft ist es zur Zeit noch weithin üblich, von ausgangs- und zielsprachlichem Text, Leser usw. zu sprechen. Hier wird demgegenüber meist von Ausgangs- und Zieltext, -rezipient usw. gesprochen. Damit soll von vornherein betont werden, daß Translation nicht nur ein sprachlicher, sondern immer auch ein kultureller Transfer ist.“ [5]

Realiya. „Unter Realia werden die einzelkulturellen oder landesspezifischen Bedingungen zusammengefaßt. Dazu gehören: geographische Begriffe, ethnographische Begriffseinheiten (Folklore, Mythologie), Alltagsrealia (Speisen, Getränke, Kleidung, Kopfbedeckung, Schmuck, Wohnung, Geräte, Spiele, Maße usw.), historische, gesellschaftliche, rechtliche, institutionelle, politische und religiöse Begriffe [...]. Sprachlich betrachtet, umfassen Realia-Bezeichnungen alle kulturspezifischen Wörter einschließlich fixierter Wortverbindungen.“ [6]

Schlussbemerkungen. Didaktische Folgerungen:

• Kulturelle Unterschiede zeigen sich sprachlich (z.B. Realia, Anredeformen) und außersprachlich (z.B. Gesten, Farben).

• Die Kenntnis kultureller Unterschiede ist für Übersetzer und Dolmetscher von großer Bedeutung.

• Kulturelle Unterschiede implizieren jedoch nicht, dass eine Übersetzung immer an die Zielkultur angepasst werden muss.

Literaturverzeichnis:

1. Hans J. Vermeer, *Voraussetzungen für eine Translationstheorie. Einige Kapitel Kultur- und Sprachtheorie,* Heidelberg, 1986, S. 172f.

2. Heinz Göhring, *Interkulturelle Kommunikation,* Tübingen, 2002, S. 170.

3. Gerhard Maletzke, *Interkulturelle Kommunikation,* Opladen, 1996, S. 155.
4. Annelie Knapp-Potthoff, „Interkulturelle Kommunikationsfähigkeit als Lernziel“, in: *Aspekte interkultureller Kommunikationsfähigkeit,* München, 1997, S. 181-205, hier: S. 199ff.
5. Katharina Reiß / Hans J. Vermeer Hans. J., *Grundlegung einer allgemeinen Translationstheorie*, Tübingen, 1984, S. 4
6. Käthe Henschelmann, Käthe, *Problem-bewußtes Übersetzen. Französisch – Deutsch*, Tübingen, 1999, S. 143f

МАТННИНГ ИНФОРМАТИВЛИК ХУСУСИЯТИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

(Жавлон Жавлиевнинг “Қўрқма” номли романи мисолида)

Саидумар САЙДАЛИЕВ,
НамДУ профессори

Ҳар қандай матн муаллифи ўз китобхонини ҳисобга олиб ёзади. Бу унинг мақсадини белгилайди. Шунинг учун ҳам Чингиз Айтматов: Бугунги учрашув Сизга нима берди? деган саволга, мен ўқувчимнинг даражасини аниқлаб олдим, деб жавоб берган эди.

Одатда китобхонлар уч тоифага бўлинади:

1. Муаллиф мўлжалига мос, яъни ўрта даражадаги китобхон;
2. Ўрта даражадаги билимга эга бўлмаган китобхон;
3. Муаллиф мўлжали даражасидан юқори бўлган китобхон.

Учинчи тоифа китобхон учун матндаги ахборотнинг фойдалилиги жуда паст, ортиқчалиги эса 100 фоизга тенглашади. Иккинчи тоифа ўқувчилар матнни идрок қилишга қийналадилар, уларга матн ортидаги билим камлик қилади ва натижада, идрок қилинган ахборотнинг фойдалилик фоизи қисқаради. Биринчи тоифа ўқувчилар учун ахборот фойдали ҳисобланади, бироқ улар учун ҳам кириш ва такрорлар, нутқий этикет ва бошқа унсурлар ҳисобига матнда ортиқча элементлар мавжуд бўлади. Шуни айтиш керакки, агар матнда ортиқча ахборот бўлмаса, бу салбий оқибатга олиб келади, бундай матнни тушуниш қийинлашади.

Ахборотнинг ортиқчалиги тушунчаси, одатда, илмий-техникавий, расмий-маъмурий, таълимий матнларга тегишлидир. Шундай фикр борки, бадиий матнда ортиқча ахборотни ажратиш амалда мумкин эмас, чунки матн ўзининг асосий ҳусусияти бўлган бадиийлигини йўқотади. Комиксларда ортиқча ахборот мавжуд эмас. Бадиий матннинг қисқартирилишига кинореклама, китоблар

тарғиботи, илмий матнда эса реферат, аннотация ва тезислар мисол бўла олади. Расмий-маъмурий матнларда, масалан, қонунда қисқартиришга рухсат этилмайди.

Одатда ахборотнинг ортиқчалиги ва уни қисқартириш масаласи матн кесимида қаралади. Бироқ бу масалани алоҳида олинган жумла ёки матн бўлаги таркибида ҳам кўриб чиқиш мумкин. У ҳолда матн бирликлари сони ифода маъносида (сўз, жумлалар) ва мазмун маъносида (маъно, мазмун) бир-бирига мос тушмайди. Одатда ифодаловчи маъносида бирликлар сони ифодаланмишга нисбатан бир мунча кам сонли бўлади, яъни айтилаётган фикрга нисбатан сўзлар сони кам бўлади. Бу ҳодисани нутқий матн тузиш қонуни деб юритилади. “Қўрқма” романидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, масалан, “Эр-хотинлар ришталарни писанд қилмадилар. Оила муқаддаслигини чўпчак деб билардилар. Мен ўлик етим эдим, тирик етимлар бижғиди. Она тирик, ота тирик, аммо бола етим қўйдай ўсди. Болаликдан мардикор бўлиб ўсди. “Катта бўлсам, Россияга кетаман”, - деб ўсди. У мустақилликнинг фарзанди эди, мардикорликни орзу қилиб ўсди”. (“Қўрқма”, 41 бет). Бу жумлалар ахборотга бойлиги, ўзида кенг мазмун ва воқеликларни жамлаганлиги, қамраб олганлиги билан ажралиб туради, характерланади.

Нутқий фаолият одатда тежамкорликка асосланади. Шунинг учун икки – уч хабарни уларнинг ҳажмини сақлаб қолган ҳолда бир содда гапга сиғдириш ва улардан қўшма жумла ҳосил қилиш, бу қонуний ҳол бўлиб, у бадиий матнга хос бўлган хусусиятдир. Ифодаловчи қисқа ва ифодаланмиш эса мантиқан кенг бўлади. Бу ҳолатдан ахборотни имплицит (матн ичи) ёки эксплицит (матндан ташқари) узатиш усулига асос яратилади. Масалан, “Қўрқма” романидаги мамлакат ва халқ ҳаётини тасвирловчи қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: “Ҳеч ким ўтиш даврида туғилиб, яшаб, тиши тўкилиб, қариб, эзилиб, кўмилишни истамайди, бир нур сингмай кўзига. Аммо тақдир, ўтиш йилларининг ўтиши чўзилди. Ўтиш ўтмас пичоққа айланди. Ўтмас пичоқ бободан набирага ҳам етиб борди. Халқ бир-бирини ўтмас пичоқ билан сўйди. Одамлар бошоққа ташланди. Оч эди, кўрга, карга айланди. Бошоқдан қўллар қонади. Қўллар узилди. Кўплар сўйилди. Четга қишлоқининг, ориқ сигирнинг қуртоби етди. Аёллар кетмон, чоллар дарвозани қўриди тунлар. Йигитлар уч-тўрт йилда бир кўринмаса кўринмади, пули

келиб турди. Бу тириклик бўлди. Тириклик ўликликни бошлаб келди. Ўлигини олиб келиш тиригидан қиммат бўлади. Пул ота, пул эр бўлди, энг ёмони, пул Ватанга айланди. Ўтиш даври қари қиздай инжиқ, асли қанжиқ бўлди.” “Нима бўлса ҳам пул, ака, пул!” Халқ ўз нархини унутди. Халқ улгуржи бўлди. Ўзини ўзиники қул қилди. Миллатнинг, бахтнинг жигари қуриди – қони бузилди. (“Қўрқма”, 40-41 бетлар). Юқоридаги жумлалар ўзининг қисқалиги, лекин ахборотга бойлиги билан ажралиб туради, улар остида олам-олам маъно, мазмун борлиги учун ҳам китобхонни, ўйлашга, мулоҳаза юритишга мажбур қилади, ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисасларни ўқувчининг кўз олдидан ўтказишга мажбур қилади.

Муаллиф ихтиёрида бир ахборотни ортиқча сўзлар билан кенг ёки кам сўз билан сиқиқ вариантда ифодалаш имконияти мавжуд. Ортиқча сўзлардан тузилган матнлар – улар грамматик ва мантиқий жиҳатдан кенг қурилган тузилмалар бўлиб, улар маъно ва мазмунни аниқ ифодалашга давогар ҳисобланади. Бундай жумлалар расмий, илмий ва таълимий матнларга хосдир. Масалан, “Аҳмаджон Иброҳим ҳақида ўйлай бошладим. У 1900 йилда Тошкентда туғилган. Отаси Иброҳимбой ўз ҳунарини замон талабларига мослаштира олган Тошкентнинг катта бойларидан эди. Аввал эски мактабда, кейинчалик отасининг савдо ишларига рус тилини биладиган мутахассис зарур бўлганлиги учун ўрис мактабларида ўқиган. 1920 йилда Туркистонда очилган илк университетга бор-йўғи учта маҳаллий ёш қабул қилинади, улардан бири ҳам Адҳамжон Иброҳим. Сўнгра ундаги салоҳиятни пайқаган жадидлар уни Германияда ўқишга чорлашади ва у 1922 йилнинг кузида Берлинга келган...” (“Қўрқма”, 258 бет).

Сиқиқ жумлалар икки маъноли, ноаниқ, фикрни ифодалашда ноаниқлик ва мантиқий кўпмаъноли бўлиши мумкин. Бундай тузилмалар имкони борича бадиий, ҳикматли ва кўпмаъноли матнларда кўп ишлатилади. Масалан, “Бугун мамлакатда ишсизлик семирмоқда. Пул топиш бепушт аёлни туғдиришдай қийин. Миллионлаб ишсизлар галаси пайдо бўлган. Қишлоғу овулларда улар тўп-тўп, бир гала бўлиб юришар, ичишар ва дуч келган нарсани ирғишларди. Деҳқонлар картафурушга, картабозлар ароқхўрга, ароқхўрлар ўғрига айланди. ...” (“Қўрқма”, 38 бет). Матннинг ахборот зичлиги нафақат фойдалилик/фойдасизлик

нуқтаи назаридан, балки матн таркибидаги нутқ бирликларининг қўрилиши нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Қўрқма” романидаги мажоз, образ, ифода ҳеч кимникига ўхшамаган. Миллийлик, соф муҳаббат, кўринмас ва ошкор фожеалар, тарих, бугун ва эртанинг бир бирига кафшарланган ҳалқаси, ростлик даъвосидаги ёлғонлар, руҳ ва қондаги қарама-қаршиликлар ўқувчини ўтмиш ва келажак куйига аср қилади, ўйлатади, йиғлатади ва аччиқ-аччиқ кулдиради. Ўтган аср бошида Германияда ўқиган талабалар, улар маслаги ва фожеали қисмати бугунги ёшлар мақсади билан бир торозига тортилади. Буларнинг ҳаммасини ифодалашда муаллиф ахборотга бой, матн ости маъно ва мазмунлари беқиёс кенг ва чуқур, лекин хажм жиҳатдан сиқиқ жумлалардан унумли ва моҳирона фойдалана олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Жавлиев, Жавлон “Қўрқма”. Роман. –Тошкент: Ниҳол, 2020. – 376 б.

2. Brinker K.Linguistische Textanalyse. Eine Einfuhrung in Grundbegriffe und Methoden. – Berlin, 2014.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ ИНСОН ТАНА АЪЗОЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИБОРАЛАР ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Зоҳид САДИҚОВ,
НамДУдоценти,
филология фанлари доктори

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асари [1] даги таркиби инсон тана аъзоларига асосланган иборалар таржимаси ўзига хос хусусиятга эга. Асарда воқеъликни образли тасвирлаш, қаҳрамонлар ўзига хослигини таъминлаш мақсадида Юсуф Хос Ҳожиб турли хил иборалар, барқарор сўз бирикмаларидан маҳорат билан фойдаланган. Асарда қўлланилган фразеологик бирикмаларга хос хусусият уларнинг кўпчилигида инсон тана аъзоларини ифодаловчи сўзлар мавжудлигидир. Достондаги ана шундай ибораларни кўздан кечирилганда, уларнинг таркиби 130дан ортиғи – қўл, 80дан ортиғи – юз, 80га яқини – кўз, 50дан ортиғи – бош, 20га яқини – тил ва бошқа шу каби тана аъзолари воситасида

яратилганлиги аниқланди. Жумладан, *бош* сўзи билан ясалган: *йарур эр башы (эр бошини ёради), башы тезгинур (боши айланади), иш башы (иш боши), баш ағрығ (бош оғриғи), оруң башлығ (оқ бошли)* кабиларни, инсон *юзи* воситасида ясалган: *исиг йузлуг (иссиқ юзли), қызғу меңиз(қизил юзли), қарартты меңиз(юзини қорайтирди, сарығ болды эң (юзи сарғайди)* ларни мисол келтириш мумкин.

Таржимашуносликда бундай бирикмаларни қайта яратишнинг ўзига хослиги тўғрисида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, хусусан мумтоз адабиётимиз намуналарини узоқ ва яқин хорижий тилларга ўгириш масаласи ҳали атрофлича тадқиқ қилинган, деб бўлмайди. Бу борада устоз профессор Ғ.Саломовнинг мана бу сўзлари эътиборга лойиқ: «Таржимада бирикманинг объектини ўрганиш уни қайси йўл билан таржима қилиш лозимлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Чунончи, уни аниқ таржима қилиш керакми, ўзбекча муқобили ёки эквиваленти билан алмаштириш лозимми ёҳуд бошқа йўллар билан акс эттириш маъқулми, деган масалаларни белгилашда бирикма объектининг аҳамияти катта: фразеология объекти уни қандай таржима қилиш кераклигини белгиловчи нарсадир» [2. 228]. Ҳар бир муаллиф ўз асарида шундай ибораларни ўзига хос услубда қўллар экан, уларни хорижий тилга ўгириш ҳам услубий қайта яратиш билан боғлиқ бўлган муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Қадимги туркий тил билан XX аср бошларидаги немис тили ёки ўтган асарнинг 80-йилларидаги америка инглиз тилиси ўртасида ҳам миллий, ҳам тарихий жиҳатдан жуда катта тафовут бор. Таржимада эса, ушбу жиҳатларни инобатга олишга тўғри келади. “Қутадғу билиг”даги таркиби инсон тана аъзоларига асосланган ибораларнинг бир қисмини Европа тилларига айнан, сўзма-сўз таржима қилиш мумкин бўлса, бошқаларига махсус изоҳ бериш талаб қилинади. Айримларини айнан ўгириш сохта муқобилликка олиб келади. Қуйида таржимада қўлланилган тамойилларга тўхталамиз.

Табиийки, “Қутадғу билиг” ўз даври луғат хазинасини акс эттиради. Ундаги иборалар ҳам бундан мустасно эмас. Таркибида *инсон боши* иштирок этган ибораларни ҳозирги замон тилларидаги талқинларини кузатилганда, бир қадар таркибий ўзгаришлар бўлганлигини кўришимиз мумкин. Асарнинг “Сўзбоши Кунтуғди элиг тўғрисида” деб номланувчи бобида Кунтуғди элигнинг

садоқатли, билимдон ёрдамчиларга муҳтожлиги таъкидланиб, жумладан шундай дейилади:

414. Қылумаз өзум бу қамуғ эл ишин
Мэңэр эр кэрэк бир билир иш башы

Маъноси:

Менинг якка ўзим элнинг барча ишларини қила олмайман,
Менга барча ишнинг кўзини биладиган бир эр киши керак.

Аслиятдаги *билир иш башы* ҳозирги ўзбек тилидаги тавсифда *ишнинг кўзини биладиган* кишига айланган. Фақатгина *бош – кўзга* ўзгартирилган. Аммо таржимадаги маъно аслиятга муқобил. Энди бунинг немисча таржимасига эътибор қаратайлик.

В.Радлов таржимаси:

339. Ich vermag nicht auszufuehren alle Angelegenheiten des Volkes,
Ich brauche einen Mann, der die Fuehrung der Geschaefte kennt.

(Мен халқнинг барча юмушларини бажара олмайман,
Менга иш юритишни биладиган эр киши керак.)

Таржимада аслиятдаги ибора англатган маъно ифодаланган. Бунда қадимги туркий тилдаги *билир иш башы* немисчага *der die Fuehrung der Geschaefte kennt* (иш юритишни биладиган) тарзида ўзгартирилган. Худди шундай тамойилни Р.Денкофф таржимасида ҳам учратишимиз мумкин. Америкалик таржимон буни *who can undertake important affairs on my behalf* (Яъни муҳим ишларимни бажариб, менга наф келтирадиган) деб таржима қилади (423-байт). Ибора таркибидаги инсон тана аъзоларидан бири бўлмиш *бош* сўзи ҳозирги ўзбек тилида *кўзга* айланган бўлса, немис ва инглизча ўгирмаларда умуман ишлатилмаган. Шунга қарамай, мазкур таржималарда аслиятдаги маъно сақланган.

“Қутадғу билиг”даги таркиби *бош* сўзи ёрдамида ясалган иборалар таржималарида аслият моҳиятини сақлаш билан бирга, уни ўқувчига янада тушунарли қилиш мақсадида *қўшимча образли сўзлар* киритилган ўринлар ҳам бор. Асарнинг “Тилнинг фазилати, фойда-зарарлари ҳақида сўзлайди” деб номланувчи бобида жумладан шундай байт бор:

170. Киши сөз билә қопты болды малик
Өгүш сөз башығ йэркә қылды күлик

Қ.Каримов табдили:

Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади,
Кўп сўз бошни ерга эгади.

В.Радлов таржимаси:

173. Durch Worte erhoben sich die Menschen, wurden Fürsten,
Viele Worte brachten den Helden Haupt zur Erde.
(Инсон сўзлари билан шоҳ бўлди,
Кўп сўзлар қаҳрамоннинг бошини ерга туширди.) [3]

Немисча таржимада матн сифатига путур етказадиган ҳижжавийлик, яъни аслиятда нима бўлса, шуни оқизмай-томизмай таржима матнига ўтказиш тамойили кўзга ташланади. Аслиятда Юсуф Хос Ҳожиб *"Өгүш сөз"* деганда сергаплик, ортиқча сўзлашни назарда тутади. Буни немис тилига айнан *Viele Worte (кўп сўзлар)* тарзида бериш унчалик тўғри эмас. Аслида немисларда бундай ҳолларда *"schwatzhaft"* [198. 17] (болтливость - ортиқча сўзлаш) сўзи қўлланилади. Бундан ташқари *"башығ йэркэ қылды күлик"*ни немис тилига *"Das Haupt sinken lassen"* [198. 409.] (бошни қуйи солмоқ, мулзам бўлмоқ) варианти билан ўгирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Немисча таржимадаги камчиликлар асарнинг инглизча нашрида тузатилган. Ушбу байтни Р.Денкофф қуйидагича ўгирган:

161. A man may rise to be king by means of speech, but to many words may cast down his head as a shadow to the ground.

(Инсон сўзи туфайли шоҳ даражасига кўтарилади, лекин ортиқча сўзлаш эса, киши бошини соя каби ерга туширади.) [4]

Р.Денкофф аслиятни таржима ўқувчисига янада яқинлаштириш мақсадида ортиқча сўзлаш натижасида қуйи эгилган бошни худди ерда чалқанча кўринишда ётган унинг соясига ўхшатади. Бошқача қилиб айтганда таржима матнига яна бир образли сўз олиб киради. Бу ҳам таржимадаги ўзига хос бир ижобий тамойил.

"Қутадғу билиг" билан унинг ҳозирги ўзбекча табдили, айниқса, немисча ва инглизча таржималари ўртасидаги адабий-лисоний тафовут хусусан таркибида *инсон юзи* иштирокида ясалган бирикмаларни қайта яратишда яққол кўзга ташланади. Асарнинг "Ойтўлди Кунтуғди элиг хизматига киришини айтади" деб аталувчи бобда шундай дейилади:

469. Неку тэр эшит эмди билги теңиз
Сөзин бэркитур эмди қызғу меңиз

Маъноси:

Билими денгиз (каби кенг) киши нима дейди, эшит,
Сўзини сир тутувчи ёруғ юзли киши.

Қаюм Каримов аслиятдаги *қызғу меңиз* бирикмасини *ёруғ юзли* тарзида беради. Бу тўғри. Чунки уни айнан, сўзма-сўз ўгириб бўлмайди. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *юзи қизармоқ* шундай изоҳланади: “Юзи қизармоқ ножўя, номақбул ҳатти-ҳаракат, қилмиши, айби, учун бирор кимса олдида хижолат тортмоқ, уялмоқ, ўсал бўлмоқ, юзи шувут бўлмоқ маъноларини англатади” [5. 570]. Афсуски В.Радлов ана шу жиҳатни англаб етмаганлиги боис, қуйидаги янглиш таржимани амалга оширади:

450. Höre da spricht, dessen Wissen ein Meer ist!

Er spricht purrende Worte, sieht man sie, rötet sich das Antlitz.

(Билими денгиз гапларини эшитгин!

У фойдали гапларни айтади, унга қараган кишининг юзлари қизаради (Яъни уялиб кетади.)

Немис мутаржими бу ўринда яна сохта муқобил домига тушиб қолган. Чунки қадимги туркий *қызғу меңиз* бирикмасини у сўзма-сўз таржима қилиб қўйган. Натижада, китобхон кўз ўнгида Юсуф Хос Ҳожиб айтмоқчи бўлган ёруғ юзли киши сиймоси эмас, балки, қилган ишидан уялиб қолган одам тасвирланган. Инглизча таржимада ана шу ўрин тушириб қолдирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилига тавсиф Қ.Каримовники. – Тошкент: Фан, 1971.

2. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. - 190 б.

3. Kutadku Bilik des Jusuf Chass Hadschib aus Balasagun. Text und Übersetzung nach den Handschriften von Wien und Kairo. Herausgegeben von Dr. W.Radloff. - St. Petersburg, 1910. - 560 S.

4. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. - Chicago-London: University of Chicago Press, 1983. - 281 p.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик- Москва: Рус тили, 1981. Т.1. - 631 б.

К ИСТОРИИ ПЕРЕВОДОВ ИЗ А. АХМАТОВОЙ НА УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

Кодиржон НОСИРОВ,
профессор НамГУ,
Мухаммаджон ЮЛДАШЕВ,
магистрант НамГУ

История переводов из Анны Ахматовой на узбекский язык начинается с той поры, когда она жила в Ташкенте, т.е. с 40-х годов. Первые переводы известных стихотворений поэтессы «Мужество» и «Памяти Вали» («Щели в саду вырыты», «Постучись кулачком, я открою»), написанных ею в Ташкенте в период с февраля по апрель 1942 г., принадлежат Айбеку. Рукописи переводов ныне хранятся в архиве узбекского поэта, а сами переводы впервые опубликованы в 1981 г. Сохранилась интерпретация Уйгуна «Памяти Вали», уступающая, правда, переводам Айбека.[1]

Чуть позже стихотворение «Мужество» переведено и известной поэтессой Зульфией. Этот перевод ближе к духу подлинника, прежде всего, своей лексико-семантической точностью, лаконичностью. Это видно даже по названию стихотворения «Мужество». Сравним: у Айбека «мужество» переводится как «мардлик», а у Зульфии – жасорат. Это слово больше к глубокому значению слова из оригинала. Для проверки обратимся к приёму обратного перевода: «Мардлик» по узбекско-русскому словарю означает «мужество, «смелость», «доблесть», а «жасорат» - «смелость», «храбрость», «отвага», «неустрашимость».

В Узбекистане в последние десятилетия XX века стало заметно расти внимание к творчеству и личности Анна Ахматовой как одной из ярких звёзд русской литературы прошлого века. Тому причиной не только естественным образом привлекающие внимание восточные корни её, выраженные в псевдониме, и то, что поэтесса в годы второй мировой войны, как мы уже отмечали выше, жила в Ташкенте, и что лирика её этого периода составляет одну из ярких страниц творческого пути. Ещё следует отметить, что в Узбекистане в последние десятилетия, усиливается внимание к так называемому «серебряному веку» в истории русской

[1] См. об этом в книге Б. Илёсова «Искусство поэтического перевода». –Ташкент: Фан, 2007, 104.

литературы в целом (конец XIX и первая четверть XX века). А звезда Анны Ахматовой засияла на поэтическом небосклоне именно в этот период. Немаловажен в этом плане и тот факт, что А.Ахматова и не приняла октябрьской революции, но и не эмигрировала, не покинула родины, как многие её собратья по перу. Более того, несмотря на крайне тяжело складывавшейся для неё жизни в условиях большевистского режима, поэтесса не изменила своим творческим принципам. И в результате – в последние годы жизни к ней пришло международное признание.

Начало активной популяризации творчества А.А.Ахматовой в Узбекистане в немалой степени связано её столетним юбилеем (1989): появляются воспоминания о жизни поэтессы в нашей республике, осуществляются переводы отдельных стихотворений на узбекский язык.

На новом этапе истории переводов А. Ахматовой на узбекский язык одним из первых, стоит имя известной поэтессы Гульчехры Нуруллаевой. В журнале «Саодат» (1989, № 6) она опубликовала переводы девяти стихотворений Анны Андреевны. К публикации своих переводов Г. Нуруллаева написала небольшое предисловие под названием «Сияние Анны Ахматовой», что, возможно, является самой первой оценкой лирики русской поэтессы со стороны узбекских почитателей её таланта. Из предисловия, немногословном, как и лирика самой русской поэтессы, образ А.Ахматовой предстаёт в необыкновенном ореоле, светом добра и любви над головой разящем мрак сталинизма. Переводчица также признаётся, что в поэзии Анны Андреевны Ахматовой она встретилась с Человеком с большой буквы, с великой Любовью и великим Искусством.

Заметным явлением в истории переводов произведений Анны Ахматовой на узбекский язык стало переложение Г. Нуруллаевой знаменитого ахматовского «Реквиема». Скрупулёзно исследовавший переводы Г. Нуруллаевой переводовед Б. Илёсов справедливо отмечает, что переводчица без преувеличения испытала на себе положительное влияние русской поэтессы. Говоря о мастерстве переводчицы, о её удачах, в частности, он пишет, что настоящей переводческой находкой можно считать те приемы Г. Нуруллаевой, которые она использовала для сохранения эвфонии исходного текста и передачи его метафорических образов.

Переводчица в основном справилась с передачей поэтических особенностей, в том числе своеобразия размера лирических произведений и полиметрической поэмы «Реквием" А. Ахматовой.

В целом, можно сказать, что Г. Нуруллаева вполне справилась с переводом не только этой поэмы, но и других лирических стихотворений А. Ахматовой, о чем свидетельствуют удачно использованные ею основные приемы и способы воссоздания поэзии, трансформации понятий, реалий исходного текста (например, «клинопись» > «миххат»).

В то же время, нам кажется, что некоторые лексические средства из оригинала нуждаются в дополнительных семантико-стилистических доработке в переводе. Пока же не понятны узбекскому читателю заключённое в кавычки выражение «гурбат кавaклари» («каторжные норы»), кто такая Магдалина, какое отношение ко всему этому имеет «суюк шогирд» («ученик любимый») и др.

Однако, несмотря на все это, узбекский перевод поэмы «Реквием» стал заметным явлением литературного процесса 1980-х годов. Вместе с тем усвоение творческого наследия А. Ахматовой способствовало выработке нового творческого подхода к осмыслению социально-исторических проблем 1930-х годов прошлого века в современной узбекской поэзии.

К 120-летию А.А.Ахматовой известный поэт и переводчик Мирпулат Мирзо предпринял новые переводы из её лирики, которые опубликованы в журнале «Жахон адабиёти» (2009, № 2), а также вошли в альманах «Русская поэзия XX века» (Ташкент, издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма, 2010), куда включены стихотворения ещё 14 известных русских поэтов.

Следует заметить, что М.Мирзо все двадцать пять переведённых стихотворений взял из ранней лирики поэтессы. И удивляться этому не приходится, хотя выражение «ранняя лирика» обычно понимается как ещё незрелое, далёкое от совершенства. Однако к А.Ахматовой это не относится. Первый же её сборник «Вечер» (1912), как справедливо подчёркивали специалисты в своё время (и позже), отмечен печатью высокого искусства. «Уже первыми её стихами подтверждается непреложный закон творческого труда: прекрасная мысль всегда находит себя в

прекрасном выражении – иной и не может быть в высоком искусстве связь между формой и содержанием»[1]

Примерно в те же годы, что и Мирпулат Мирзо обращаются к переводу произведений Анны Ахматовой на узбекский язык известные поэты Хуршид Даврон, Абдулла Шер. Позже среди переводчиков Ахматовой появляется и имя талантливой нашей поэтессы Хосият Рустамовой. Их переводы, частично обнародованы в периодической печати. Большое количество переводов Хуршида Даврона доступно любителям поэзии в знаменитой интернет «Библиотеке Хуршида Даврона». Двадцать переводов из Анны Ахматовой Абдулла Шер включил в сборник стихотворений “Куртакларга беркинган баҳор” (“Предвестники весны”), выпущенный в 2016 году.

К сожалению, вышеназванные переводы из Ахматовой по достоинству почти не оценены переводоведческой критикой. Это ещё впереди.

Использованная литература

1. Дудин М. Души высокая свобода. / Анна Ахматова. Сочинения. – Москва: Художественная литература, 1986.

2. Илёсов Б. Искусство поэтического перевода. –Ташкент: Фан, 2007.

“ТОНГ” ҲИКОЯСИ ЧЎЛПОН ТАРЖИМАСИДА

Дилдорахон АБДУЛЛАЕВА,
АДУ доценти, филология фанлари номзоди

ХХ асрнинг бошларидаги ўзбек адабиётида шаклий ва мазмуний ўзгаришлар, турли адабий ҳодисаларнинг майдонга келиши кузатилади. Жаҳон адабиёти анъаналарининг ўзига хос шакл ва услубда бўй кўрсатиши, жаҳон адиблари асарларини таржима қилиш ишларининг жадаллашуви, адабий алоқалар ва ижодий таъсир масалаларининг ўрганилиши алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур ишларнинг аввалида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ўрни катта бўлди. Айтиш мумкинки, Чўлпон ХХ аср ўзбек адабиётида янги пайдо бўлган бадиий таржима мактабининг асосчиларидан бўлди.

[1] Дудин М. Души высокая свобода./ Анна Ахматова. Сочинения. –Москва: Художественная литература, 1986, с.8.

Чўлпон ижодий меросида адибнинг шарқ, рус, европа ва бошқа халқлар асарларининг ўзбек тилига таржималари катта ҳажмни ташкил қилади. Мазкур таржима асарларнинг айримлари ўрганилган бўлса-да, қолганлари яхлит равишда тадқиқ этилмаган. Адибнинг бадиий таржималари таркибида М.Горький асарлари ҳам ўрин олган бўлиб, унинг "Илгаклар", "Тонг" ҳикоялари, "Она" романи, "Егорь Буличев" пьесасини таржима қилди. Мазкур таржималар нашриётларда қайта-қайта босилди, айримлари Бокуда ҳам эълон қилинди.

Ўзбек тилида М.Горький асарларининг адабиётга кириб келишида айнан Чўлпоннинг хизматлари катта. Биргина "Тонг" ҳикоясининг таржимаси мисолида Чўлпон маҳоратининг серқирра эканини кўриш мумкин. "Тонг" ҳикояси Чўлпон таржимасида "Совет адабиёти" журналининг 1936 йил, 6-сонида чоп этилади. Ҳикояга изоҳ ёзилган бўлиб, унга кўра Илюша Франкел исмли етти ёшли бола М.Горькийга хат ёзади. Хатда Л.Толстойнинг ўлгани ҳақида сўз боради. М.Горький болага Л.Толстой ва Короленко ҳақида маълумотлар беради-да, хатга "Тонг" ҳикоясини қўшиб йўллайди. М.Горькийнинг ўзи бу ҳикояни "Эртак" деб атаган эди.

Чўлпоннинг таржимонлик иш лабораториясига назар ташласак, у таржимага асарларни тасодифан эмас, балки танлаб, сайлаб олади. Мазкур ҳикоя ўқилганда ҳам худди Чўлпоннинг ўз ҳикоялари ва романидаги пейзаж тасвири каби жаранглайди. Ҳикояда тонг манзараси берилади. Таржимада Чўлпон айнан муаллиф услубини сақлашга ҳаракат қилгани илк жумладаёқ кўзга ташланади: *"Самое лучшее в мире — смотреть, как рождается день!"* Чўлпон таржимасида: *"Дунёда энг яхши нарса – куннинг туғулишини кўрмак!"* Гарчи насрий асар бўлса-да, худди шеър вазни сингари сўзлар миқдори аслиятдаги билан айнандир.

Кейинги ўринда ҳам таржимада бадиий бутунлик яхлит сақланган. *"В небе вспыхнул первый луч солнца — ночная тьма тихонько прячется в ущелья гор и трещины камней, прячется в густой листве деревьев, в кружевах травы, окроплённой росою, а вершины горы улыбаются ласковой улыбкой — точно говорят мягким теням ночи:*

— Не бойтесь — это солнце!" (М.Горький. Утро.)

Таржимада: *"Кўкда қуёшнинг биринчи шуъласи туташди; тун қоронғилиғи секин-секин тоғ жилғаларига ва тош ёриқларига, дарахтнинг қуюқ барглари орасига, шабнам еган кўкатлар тўрига*

беркинмакда: тоғ тепалари эса меҳрибон бир табассум билан кулумсираб, кечанинг майин кўланкаларига демакчи бўладиларки:

- *Қўрқмангиз: бу қуёш!”*

Аслиятда ўттиз тўрт сўздан иборат мураккаб қўшма гап конструкцияси таржимада ҳам деярли шунча миқдордаги сўз билан ифодалаб, матн бадийяти ҳам таъминланган. Ушбу аралаш мураккаб қўшма гап таркибидаги гап турлари ўзбек тилига агар алоҳида алоҳида гаплар шаклида таржима қилинганда, матн яхлитлиги, манзарани яққол тасаввур қилиш имкони бўлмас эди. Чунки гапда ифодаланаётган табиатдаги жараён тонгда бирин кетин эмас, бир вақтда рўй беради. Шундай гап тузилиши орқали ўқувчи тонгни яхлит, бир бутунликда онгида “кўра олади”, тасаввур қила олади.

Гапдаги тун қоронғилигининг секин аста чекиниши “тихонько” сўзи билан келтирилган бўлса, таржимон ушбу сўзни “секин-секин” – такрорий сўзи билан ифодалайди. “Секин” сўзи билан унинг такрор сўз шакли қўлланишида, албатта, маъно нозиклиги мавжуд. Шунингдек “окроплённой росою” бирикмасининг биринчи қисми “пуркаб, томчилатиб сепилган” маъносини ифодалайди. Таржима қилиш учун эса шабнамга нисбатан “пуркаб, томчилатиб сепилган” дейилиши мантиқсиз. Чўлпон эса “шабнам еган” шаклида ўгириб, гапни мантиқан тўғри ва мазмунли чиқишига эришган. Ёки “улыбаются ласковой улыбкой” сўз бирикмасида “табассум қилмоқ” мазмунидаги феъл ўзаги такрорланган бўлса, таржимада Чўлпон “меҳрибон бир табассум билан кулумсираб” деб ўгиради. Рус тилидаги “улыбаться” сўзи “смеяться”, кулмоқ эмас, балки кулимсирамоқ экани таржимада яхши ҳис этилади. Сўнгги содда гапда (“Қўрқмангиз: бу қуёш!”) феълга иккинчи шахс кўплик шакли (–нгиз) қўшилиши билан қуёш нурларининг “меҳрибон бир табассум билан кулумсираб” сўзлаш ҳолати яққол тасаввур қилинади. Солиштириб кўрайлик. *Қўрқманг: бу қуёш! / Қўрқмангиз: бу қуёш!* Демак, иккинчи гап мазмунида ҳурмат маъносидан ташқари меҳрибонлик, майинлик, самимийлик юзага чиқади.

Денгиз тўлқинларига нутқ берилиб, уларнинг қуёшни қарши олиши *“Приветствуем вас, владыка мира!”* шакли таржимада *“Эй дунё подишоҳи, сизни саломлаймиз”*, тарзида шакллантирилган. “Притветствовать” рус тилида фақат саломлашиш эмас, табрик, қутлаш, қарши олиш маъноларида ҳам қўлланади. Чўлпон ҳам

шуни инобатга олиб, “ассалому алайкум, деймиз”, “сизга салом”, “салом” деб эмас, балки бир вақтнинг ўзида салом бермоқ ва “хуш келибсиз” мазмунини ифодаловчи “саломлаймиз” феълини қўллайди.

Денгиз тўлқинларининг ҳаракатини ҳаётий тасвирлашда уларга нутқ берилган бўлса, кейинги ўринда яна инсон хусусиятлари кўчирилади: *“Доброе солнце смеётся: эти волны всю ночь, играя, кружились, кружились, и теперь они такие растрёпанные, их зелёные одежды измяты, бархатные шлейфы спутаны”*. Таржимада: *“Яхши кўнгулли қуёш кулади: бу тўлқунлар туни бўйи ўйинга тушиб пир-пир айланиб чиқдилар, энди мана – тоза урунганлар, яшил кийимлари ғижимланиб, барқут шокилалари ўралашиб кетган”*. Қуёшнинг кулиши, тўлқинларнинг ўйинга тушиши, яшил кийимларининг ғижимланиши таржимада ўзига хос тасвирланган. Матндаги “шлейф” сўзи рус ва европа аёлларининг кийимига хос бўлиб, ерни супириб юрадиган кунгурадор этак қисми тушунилади. Бу сўзнинг ўзбек тилида айнан таржимаси бўлмагани учун Чўлпон “шокила” сўзини қўллайди. Шокила ўзбек миллий аёллар тақинчоғи бўлиб, унинг пешонага, кўйлак устига тақиладиган турлари бор. Бу заргарлик буюмининг ясалиши мураккаб бўлиб, бир неча осилмачоқлар ўзаро кетма-кет бириктирилади. Уни тақиб юрганда бир-бирига урилиб овоз чиқади. Кўринадики, денгиз тўлқинининг қирғоққа урилиши натижасида пайдо бўлган яшиллик аслиятда “шлейф”нинг айнан таржимаси бўлмаса-да, таржимон томонидан усталик билан “барқут шокила” деб ўгирилган. Денгиз тўлқини натижасида пайдо бўлувчи қирғоқдаги кўриниш ташқи жиҳатдан ўша заргарлик буюми – шокилага ўхшайди. Иккинчи томондан унинг юрганда овоз чиқариши денгиз мавжининг товуши билан муштарак. Демак, ўзбек китобхони учун бу сўз ва предмет таниш ва тушунарли бўлади.

Чўлпон таржимада ўз даврида сўзлашув услубида қўлланган сўзлардан ҳам фаол ишлатади. Масалан, ҳикоя таржимасида “кескалтирик” (калтакесак), “жингқарча” (читтак), “тола” (дала), “муюм” (буюм), жиндак (Андижон шеваси), сўзлашув услубидаги “уйқусраған”, “пилпиллаган” сўзларидан ташқари ўзи яратган сўз ва сўз бирикмалари ҳам учрайди: “саломламоқ”, “оқ олтин асалари”, “бриллиант жилоларни сепиб”, “қувноқ жингқарча”, “ободланган”, “кун ойдин” кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, Чўлпон “Тонг” ҳикоясини аслиятдаги каби ўгирган. Бунда ҳикоядаги гап тузилиши, гапдаги сўзлар миқдорини сақлаган, шунингдек асар бадииятини ҳам тўла юзага чиқара олган. Ўзбек китобхони учун таниш бўлган предметни ифодаловчи сўзлардан ҳам фойдаланганки, бу хусусият асарнинг ўқишли бўлишини таъминлаган. Ҳикоя таржимасида Чўлпон ижодий ёндашиб, образли тасвирни таъминлаш учун ўзи яратган сўзлар ва сўз бирикмаларидан фойдаланган, бу эса ҳикоядан олинадиган бадиий завқни оширган.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган.)

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Горький М. Тонг. (Чўлпон таржимаси) / Совет адабиёти, 1936 йил, 6-сон.

2. Ульмасов Р. Переводческое мастерство Чулпана и проблема преемственности узбекских переводах романа М.Горького “Мать”. АКД. – Т., 1991. 22 с.

“МЕҲРОБДАН ЧАЁН” РОМАНИНИНГ ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДА ҚАҲРАМОНЛАР ПОРТРЕТИНИНГ БЕРИЛИШИ

Хайрулла ҲАМИДОВ,
ТДШУ доценти, PhD

Абдулла Қодирий романлар ўзбек насрининг сара намуналари сифатида дунёнинг бир қанча тиллари қаторида турк тилига ҳам таржима қилинган. Адиб асарлари таржималари устида қатор илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилган, шунга қарамай таржималар ҳали ўзининг муносиб баҳосини олган эмас. Шу боис адиб насрининг хорижий тилларга таржималари тадқиқотлари ва таҳлиллари бугунги кунда фаннинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда.

Қодирий асарларининг ўзбек тили билан бир тил оиласига мансуб, тарихи, урф-одатлари, миллий анъаналари бизга энг яқин бўлган турк халқининг тилига ағдарилиши, таржималарнинг

бадиий савияси хусусида сўз юритилганда, ушбу икки қардош тил орасида таржима қилишнинг афзалликлари билан бир қаторда тилларнинг яқинлигидан юзага келадиган айрим ўнғайсизликлар, ҳатто мураккаб вазиятлар борлиги ҳам сир эмас. Бу борада романлар таржимасида персонаж портретлари тавсифининг берилиши масаласи алоҳида тадқиқот мавзусини ташкил этади.

Ушбу мақолада қўйилган илмий муаммо А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” [1] романининг туркча таржимаси мисолида кўриб чиқилади. Мавзуни танлашда сўнгги йилларда ўзбекчадан туркчага бадиий таржиманинг долзарб муаммоларига бағишлаб ёзилган илмий ишларнинг камлиги, давр тақозоси билан бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар анча кўплиги инобатга олинди. Таржимада асар қаҳрамонлари портретининг қандай берилганлигини ёритиш таржиманинг бадиий қиммати ва таржимон маҳорати қирраларини очиб бериш, асосли хулосалар чиқаришга имкон беради.

“Меҳробдан чаён” романи персонажлари портрет тавсифлари, уларнинг туркчага қилинган таржималари таҳлил этилар экан, айрим ўринларда қиёслаш учун романнинг русча таржимаси матнидан ҳам мисоллар келтириб ўтилди.

Ушбу тарихий роман персонаж портретлари галереясини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Чунки адиб ушбу асарида сўз юритган ҳар бир қаҳрамон, образга “эринмасдан” таъриф берар экан, даставвал унинг сўзли портретини чизади. Масалан, романнинг асосий персонажларидан бири – Солиҳ махдум ташқи кўринишига берилган таърифлардан бирига эътибор қаратамиз: *“Махдум бўйчан, олағўшт, сийрак мўй, оқ тан, истараси иссиғ бир домла эди. Ёши эллидан ошқан, соч ва соқолида бир мунча оқлар кўринар эди. Киши билан сўзлашканда, айниқса, бир нарсадан таажжубланганда сийрак ва лекин тўғри, бақувват ўскан соқолини тутамлаб ўнг кўзини бир оз қисиб қарар, одат қилғандан бўлса керак гап орасида “ҳабба” деган сўзни кўпроқ ишлатар эди”* [1,17]. Портрет тавсифи орқали унинг қайси табақага тегишлилиги, моддий аҳволи, феъл-атвори, воқеа кечган давр ҳақида кенг тасаввур уйғонади.

Ёзувчи муайян персонаж портретини яратар экан, унга хос хусусиятларни тасвирланаётган воқеликдан келиб чиққан ҳолда уйғунлаштирганини таржимон сезгирлик билан илғаб олиши керак бўлади. Ушбу портрет тавсифи туркчага қуйидагича ўгирилган:

“Mahdum uzun, etine dolgun, seyrek sakallı, beyaz tenli, sempatik sıcakkanlı bir hoca idi. Yaşı elliyi aşmıştı, saç ve sakalında birçok aklar görünüyordu. Birisiyle konuşurken, özellikle bir şeye şaşırdığında, seyrek lâkin düz, kuvvetli büyüyen sakalını avuçlayıp sağ gözünü biraz kısarak bakar, âdet edindiğinden olsa gerek söz arasında “habbe” denen sözü çokça kullanırdı” [2,141]. Туркча таржима ишончли чиққан, хусусан, махдумнинг гап орасида “ҳабба” деган сўзи турк тилига айнан ўгирилиб тўғри иш тутилган. Бироқ айрим бирикмаларнинг сўзма-сўз ўгирилиши натижасида туркча жумлалар ўзбекчага ўхшаб қолгани кўринади. Масалан, *“бақувват ўскан соқолини тутамлаб*” бирикмасининг ҳижжалаб *“kuvvetli büyüyen sakalını avuçlayıp”* шаклида берилишини тўғри деб бўлмайди. Таржимон махдумнинг бу ҳаракатини туркларга тушунарли услубда талқин қилиши керак эди. Шунингдек, “*истараси иссиғ*” иборасини ҳам *“sempatik sıcakkanlı”* дея “замонавий”лаштирмасдан, *“sıcak, cana yakın”* шаклида берилса, жумла янада тароватли, аслиятга яқин, адиб услуби сақланган бўлар эди.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг ижобий характерларини яратар экан романтик санъат анъаналаридан кенг фойдаланади. Буни адиб услубига хос ранг танлаш, ёрқин портрет яратиш ўрнакларидан сезиш мумкин. Маълумки, “...портрет ёзувчининг шахсий услуби, маҳорати ва мақсадига боғлиқ ҳолда турлича даражада берилиши мумкин. Баъзан шахснинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракати жуда батафсил тасвирланса, баъзан образнинг ё ташқи қиёфасига ёки унинг хатти-ҳаракатига оид муҳим бир детални тасвирлаш орқали ҳам берилиши мумкин. Портрет образ яратишнинг муҳим шартларидан биридир” [4,252].

Адиб асар қаҳрамонининг хатти-ҳаракати, ҳолатини тасвирлар экан, ўз фикри, ҳис-туйғуларини аниқ образларда акс эттиришга ҳаракат қилади. Бу интилиш уни шунчаки аниқ предметли ифода воситалари, балки интонацион-ритмик ифода воситаларини танлаб олиш, беихтиёр, ҳатто онгли равишда ҳар бир сўзнинг товуш ва бўёғи, эмоционаллигини ҳисобга олишга мажбур қилади. Худди шу ҳис, яна интонация ва ритм орқали ифодаланиб, жумлалар тузишда раҳнамолик қилади. Натижада бутун асарда бир қарашда кўзга чалинмас ҳамоҳанглик яралади. Бадиий асар таржимони ҳам санъаткор сифатида буни ижод жараёнида такрорлаши, таржима тилида қайта яратиши лозим.

“Меҳробдан чаён” романининг илк саҳифалариданоқ портрет орқали ўша даврдаги ўзбек хотин-қизларининг ташқи кўриниши, ҳаёт тарзи, ижтимоий ҳолати ҳақида тасаввур бериш баробарида буюк сўз санъаткорининг портрет яратиш бобида мислсиз иқтидори намоён бўлади: *“...Раънонинг исми – жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушкан эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлғанда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар, қўяр, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди... Бизнинг ўзбекларда, айниқса Қўқонға махсус бир тус, сариққа мойил бир тус бор. Лекин бу тусни кесдириб сариқ деб бўлмайдир. Чунки биз оғриқ кишининг тусини сариқ деймиз. Зарча, заъфар туслари ҳам бунга дағаллиқ қиладирлар. Таъбиримиз қўпол тушмаса бу гўзал қиз, оч раъно гулининг тусида ёки оқ сариқ тусда яратилған эди. Аъзода ўскан тукларга ҳам ҳалиги туснинг таъсири бўладир. Раънонинг сочи гунгурт-қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам қуёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди...*[2,21-22].

Бу салкам бир саҳифани эгаллаган Раъно портретидан олинган парча. Адиб Раъно ҳақида китобхонда тўла тасаввур уйғотиш, образнинг ўзгачалигини алоҳида таъкидлаш учун ўзбек тилининг барча тасвир ва ифода воситаларини қўллаган ҳолда портретга оид энг майда деталларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Парчанинг туркча таржимаси қуйидагича: *“Râná’nın ismi cismine yahud güzelliğine fazlasıyla uygun düşmüştü. Ben ressam değilim. Eğer bende bu sanat olsaydı, yalan yanlış sözlerle uğraşmaz, burada size Râná’nın resmini yapar gösterirdim. Bana sadece Râná gülünün suyu fazlaca gerekliydi... Bizim Özbeklerde, özellikle Hokant’a mahsus bir renk, sarıya çalan bir renk var. Lakin bu renge açık sarı demek doğru olmaz. Çünkü biz hasta kişinin rengine sarı deriz. Altın ve saman rengi de buna benzetilir. İfademiz yanlış olmazsa bu güzel kız, açık renkli Râná gülünün renginde veya açık sarı renkte yaratılmıştı. Üzüm üzüme baka baka kararır. Râná’nın saçı koyu siyah olsa da, yani güneş olmayan yerlerde siyah görünse de güneşte biraz sarı görünürdü...* [2,144]. Дарҳақиқат, Раънонинг романтик мазмунни мужассам этган ташқи кўриниши унинг ички дунёсини очиб берувчи воситалардан ҳам бири ҳисобланади. Таржимон портретни ўгириш сирасида Қодирийга хос оҳанг, образнинг ташқи кўриниши тафсилотлари кетма-кетлигига риоя қилганлиги боис юксак бадиийлик, ижодий муваффақиятга эришган. Шунга қарамай, таржимада айрим жузъий

камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, *“Таъбиримиз қўпол тушмаса”* ибораси *“İfademiz yanlış olmazsa”* (маъноси: ифодамиз нотўғри бўлмаса) шаклида, *“Аъзода ўскан тукларга ҳам ҳалиги туснинг таъсири бўладир”* гапи вазиятга ҳеч алоқаси бўлмаган “*Üzüt üzüte baka baka kararır”* мақоли орқали берилган (маъноси: *Узум узумга қарай-қарай қораяди,* ўзб. “Қовун қовундан ранг олади”).

Агар юқоридаги портрет тавсифининг рус тилидаги таржимасига эътибор берилса, унинг равон, бежирим, рус тилининг барча грамматик қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда қайта яратилганини кўриш мумкин: *“А вот имя Рано вполне соответствовало ее красоте. Я не художник. Но если бы я был им, я не стал бы вам описывать ее наружность, а просто нарисовал бы ее – для этого понадобился бы только сок из цветка шиповника... Для нас, узбеков, особенно для кокандцев, характерен особый, слегка желтоватый цвет лица. Но это совсем не желтизна, которая является признаком болезни. Все оттенки шафрана грубы для того, чтобы изобразить особенность этого цвета кожи. Пожалуй, больше всего лицо этой красивой девушки и было похоже на бледно желтый цветок шиповника. Даже пушок на лице Рано золотистый. Волосы Рано иссиня-черные в тени, на солнце тоже излучают теплый золотой отблеск...* [3,32].

Русча таржима равон, бежирим, тилининг грамматик қоидаларига амал қилинган ҳолда амалга оширилган кўринсада, нимадир етишмаётгандек. Масалан: “сўз билан билжираб ўлтурмас” бирикмаси русча матнда “я не стал бы вам описывать ее наружность” (маъноси: унинг ташқи кўринишини тасвирлаб ўтирмасдим) деб ёки “...хуш ислик, латиф кўрунишлик Раъно яратилған эди” гапи қисқа қилиб, “расцвел чудесный цветок – Рано” (маъноси: ажойиб гул очилди, бу – Раъно) деб, “оғриқ кишининг тусини сариқ деймиз” гапи қисқа қилиб, “признак болезни” деб ўгирилган.

Умуман, портрет тавсифи ичига қанча кириб борилса, шунча “ўзгачалик”ка дуч келинаверади. Бу ерда муаммо таржимоннинг тилни яхши билмаслигида эмас, балки муаллифга тенг сўз санъати соҳиби эмасликларидадир. Зеро, юксак шеърий асарни таржима қилиш ва унинг аслиятга тенглаштиришга даъво қилиш қанчалик имконсиз бўлса, Қодирий услубини таржимада айнан ўзидек қайта яратиш шунчалик имконсиздир.

Функционал жиҳатдан серқирра бўлган портрет тавсифларининг таржимада яхлит, мукаммал яратилиши, асарга хос бадиий-услубий бирликнинг сақланишини таъминлайди. Бу таржимонниг интелектуал савияси, тушуниш ва талқин этиш қобилияти юқори бўлиши, ўз ишига илмий ва ижодий ёндошиши кераклигини кўрсатади. Зотан, асар персонажларининг портрет-тавсифларининг таржимада муқобил акс эттирилмаслиги аслиятга бадиий-услубий уйғунлик, ҳамоҳанглик даражасини пасайтиради, миллийлик бўёғини хиралаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, Қодирий романларидаги портрет тавсифларининг хорижий тилларга таржимада берилиши масаласини фаннинг муаммоси ўлароқ ўрганиш, бу борада тадқиқотларни янада чуқурлаштириш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қодирий Абдулла. Меҳробдан чаён. Тарихий роман. И.Султонов таҳрири остида. – Тошкент: Давлат нашриёти, 1959.–250 б;

2. Kadiri, Abdullah, Mehrabdan Çayan (Mihraptaki Akrep), roman, Yasin Karadeniz. –Ankara, 2013.

3. Кадыри Абдулла. Скорпион из алтаря. Пер. с узб. Л.Бать и В.Смирновой. Изд-во «Художественная литература». –Москва, 1964. - 272 с.

4. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б., Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983. –252-б.

BADIIY PERSONAJ VA OBRAZ NUTQINI TARJIMADA QAYTA TIKLASH MASALASI

Normurod RASULOV,
SamDCHTI katta o‘qituvchisi

Ma’lumki, kitobxon o‘girilgan asarni o‘z ona tilida mutolaa qilar ekan, chet el xalq madaniyati, yashash tarzi, qisqasini aytganda ularning “havosidan nafas olishga” musharraf bo‘ladi.

Tarjimonning tarjima obyektiga qiziqishi va voqelikni kitobxon istagi darajasida uning talab va ehtiyojiga ko‘ra to‘laqonli yetkaza olishi uning mehnati samarasini belgilaydi. Aks holda, o‘girilgan matn o‘z ahamiyatini tez kunda yo‘qotadi.

Ingliz yozuvchisi E. L. Voynichning “So‘na” romanidagi personaj hamda obrazlarni tarjima tillarida qay holda “gapirtirish va harakatlantirish” mutarjim mahorati va qobiliyatini belgilaydi.

Romanning ikkinchi qismi ikkinchi bobida asar bosh qahramoni sinor Feliche Rivares – So‘na hamda asar personaji Jemma o‘rtasida qiziq va bir vaqtning o‘zida jumboqli suhbat bo‘lib o‘tadi. Dialog davomida So‘na Jemmaga qarata quyidagicha xitob qiladi:

“... мы, калеки, не кичимся своим уродством, как эта женщина кичится своей глупостью, и признаем, что физические изъяны ничуть не лучше изъянов моральных” [1, 88].

Bevosita tarjima tili hisoblangan rus tilidagi *“и признаем, что физические изъяны ничуть не лучше изъянов моральных”* jumlasi o‘zbek tili tarjima variantida stilistik bo‘yoqdorlik qo‘llanishi orqali maromiga yetkazilganiga guvoh bo‘lamiz: *“Har holda, bizga insof ko‘zi bilan qarashingiz kerak: yag‘rinning qing‘irligi ko‘ngilning qing‘irligidan zarrachalik yaxshi emasligini har vaqt anglaymiz”* [2, 102].

Asl tilda ifodalangan *“crooked backs”* so‘z birikmasi o‘zbekcha variantga kelib *“yag‘rin”*ga aylangan. Bu esa kommunikativ vaziyatga to‘la mos kelishi bilan birga, tarjimonning so‘zma-so‘z o‘girish amaliyotidan yiroqlashgani ko‘zga tashlanadi. Asosiysi, tarjimon bu yerda semantik uyg‘unlikni ta’minlashga muvaffaq bo‘lgan. Kuzatamiz:

“At least give us credit for recognizing that crooked backs are no pleasanter than crooked ways” [3, 116].

Badiiy asardagi personajlar o‘zining asardagi mavqeyi, bajargan funksiyasiga qarab ikki xil bo‘ladi. Agar personaj asar voqealari markazida turib, sujet voqealarini harakatga keltirsa, asar konfliktining hal etilishida yetakchi rol o‘ynasa, ijodiy g‘oyasini ifodalasa, bunday personaj asarning bosh obrazi sanaladi [4, 220]. Masalan, So‘na, Jemma, Martini kabi. Ko‘p hollarda asar markazida bir emas, bir-biri bilan teng mavqega ega bo‘lgan bir necha obrazlar turadi. Bunday obrazlarning har ikkisi ham badiiy obraz sanalaveradi. Agar personaj asar markazida turmasa ham, biror jihati bilan ijodkor g‘oyasini ifodalashga, uni to‘ldirishga xizmat qilsa, bunday obrazlar ikkinchi darajali obrazlar sanaladi.

Shunday ekan, asarning barcha personajlari, ular asosiy yoki ikkinchi darajali obraz bo‘ladimi tarjima mahsuli hisoblanmish “ikkinchi, uchinchi adabiyot”da o‘sha shaxsning xarakteri, psixologiyasi, ichki kechinmalari, hissiyotlarga berilishi kabilar

to‘lasincha o‘z ifodasini topishi zarurdir. Shuningdek, asar muallifi personajlar orqali “nima demoqchi”ligini mutarjimdan uqib olish qobiliyati ham talab etiladi.

Romanni mutolaa qilishda davom etarkansiz, muallif tomonidan So‘naning dugonasi – lo‘li qiz ajib holatda tasvirlanganiga ko‘zingiz tushadi. U [lo‘li qiz] divan orqasiga suyanib o‘tirar, olifta va yarim nazokat-yarim kinoya bilan kulimsirab turgan kavaleriya ofitserlari uni o‘rab oladi. Qiz qizil-sariq rangli bashang shoyi ko‘ylak kiygan edi. Ko‘ylagining sharqqa xos yarqiroq rangli va o‘zi taqqan birtalay qimmatbaho bezaklari bu Florensiya adabiy majlisida ko‘zga yaqqol chalinib turardi. Lo‘li qizning noqulay ahvolda qolganligini muallifning quyidagi tasviri orqali anglash mumkin:

“... as if she had been some tropical bird among sparrows and starlings” [3, 116].

Mazkur jumladagi o‘xshatish har ikkala tarjima tillarida ham mos ravishda o‘z ifodasini topgan. Pirovard natijada esa lo‘lining his-tuyg‘ulari, ichki kechinmalari kitobxon shuurida to‘liq gavdalanishiga erishilgan.

Ruschada:

“ – словно какая-то тропическая птица залетела в стаю скворцов и ворон” [1, 90].

O‘zbek tilida:

“U issiq ellardan uchib kelib, chumchuqlar va maynalar orasiga kirib qolgan g‘alati qushga o‘xshar edi” [2, 103].

Ushbu bobda lo‘li qiz qariyb o‘chakish ko‘zi bilan Jemmaga qaragani hamda quruqqina ta’zim qilgani keltiriladi. Uning harakatlarining erkinligi va uyg‘unligi kishini hayratga solmasa-da, peshanasining tor va kambarligi, burun kataklarining nozik quyilishi uning *bag‘ritoshligidan, zahar-zaqqumligidan* xabar berar edi [2, 104].

Lo‘li qizga nisbatan qo‘llanilgan *“bag‘ritosh, zahar-zaqqum”* sifatlari personaj Jemma tilidan olingan bo‘lib, u asliyat tilida *“unsympathetic, almost cruel”* tarzida, rus tilida esa *“неприятный, чуть ли не хищные”* singari ifodalangan. Ingliz tilidagi *“unsympathetic”* sifatining so‘zma-so‘z tarjimasi *“shafqatsiz, berahm”* kabi ma’nolarni anglatadi [4, 221]. Biroq, mutarjim M. Ismoiliy jumlaning shirali chiqishini ta’minlash maqsadida *“zahar-zaqqum”* reduplikatini qo‘llash bilan jumlaga badiiy bo‘yoqdorlik “baxshida eta olgan”.

Yohud, personaj So‘na xarakteriga chizgilar masalasida Martini bilan Jemmaning yarim kechasi Florensiyaga qaytishidagi o‘zaro suhbatini olaylik:

Martini:

– You had a talk with him, didn’t you? What did you think of him?

Gemma:

– Oh, Cesare, I didn’t think anything except how glad I was to see the last of him. I never met anyone so fearfully tiring. He gave me a headache in ten minutes. He is like an incarnate demon of unrest [3, 118].

Ruschada:

Мартини:

– Вы, кажется, говорили с ним? Какое впечатление он на вас произвел?

Джемма:

– Знаете, Чезаре, я только и думала, как бы поскорее избавиться от него! Первый раз в жизни встречаю такого утомительного собеседника. Через десять минут у меня начало стучать в висках. Это какой-то демон, не знающий покоя! [1, 91]

O‘zbek tilida:

Martini:

– Siz u bilan gaplashdingiz, shekilli? Qanaqa taassurot qoldirdi?

Jemma:

– O, Chezare, tezroq undan qutula qolsam deb o‘lib bo‘ldim. Odamni bunaqa qon qilib yuboradigan suhbatdoshni umrim bino bo‘lib ko‘rgan emasman. O‘n minutcha gaplashibman, boshim tars yorilib ketay dedi. Turish-turmushi bilan vahim devining o‘zi [2, 104].

Asl tildagi *“fearfully tiring”* so‘z birikmasi o‘zbek tiliga kelib *“qon qilib yuboradigan”*ga aylangan. *“fearfully tiring”* iborasi asarning rus tili nusxasida ham *“утомительный собеседник”* tarzida oddiy ifodalanganini ko‘rish mumkin. O‘zbek mutarjimi ham tarjimon N.Voljina ishlatgan ifodaga ketma-ket ergashib *“charchatadigan suhbatdosh, zeriktiradigan hamsuhbat”* kabi iboralardan birini qo‘llab, “quruq” o‘girib qo‘ysa ham bo‘lardi. Ammo, So‘nani *“qon qilib yuboradigan suhbatdosh”* deya o‘girishi orqali o‘zbek kitobxoni ongida asar bosh qahramoni – So‘naga nisbatan “o‘z so‘zini ayta olgan”.

Mazkur dialog tugar-tugamas Martinining o‘zi ham Jemmaning fikriga quyidagicha qo‘shimcha qiladi:

– *Men ham sizga yoqmas deb o‘ylovdim-a. Rostini aytsam, o‘zimga ham yoqmaydi. Baliqqa o‘xshash sirg‘onchiq, men unga ishonmayman* [2, 104].

Ruschada:

– Я так и думал, что он вам не понравится. Этот человек скользок, как угорь. Я ему не доверяю [1, 91].

Original tilda:

I thought you wouldn’t like him; and, to tell the truth, no more do I. The man’s as slippery as an eel; I don’t trust him [3, 118].

Mazkur jumlalar orqali personajlar Martini hamda Jemma bosh qahramon So‘naning qanday obraz ekanligini ro‘y-rost “ochib tashlashadi”. Bundan esa kitobxon So‘na obraziga nisbatan yig‘ib borayotgan “jamg‘arma”siga yangi ro‘yxatlarni kiritishda davom etadi.

Professor G‘. Salomov “uslub” tushunchasiga ta’rif berar ekan, uning tor ma’noda talqin qilinishida, asarda tasvirlangan personajlar nutqining o‘ziga xos uslubi, tovush uslubi, so‘z uslubi, ibora uslubi va hokazolar tushunilishiga” [5, 56] alohida to‘xtaladi. Asardagi personajlar nutqining o‘ziga xos uslubini keng tadqiq etgani holda mutarjim Mirzakalon Ismoiliy tarjima yumushida personajlardan So‘na, Martini, Jemmaning tovush uslubi, so‘z uslubi, ibora uslubi alohida diqqat markazda bo‘lganini kuzatish mumkin.

So‘na bilan Martini boshdanoq bir-birlariga yoqmasdi, ularning tabiatlari shu qadar qarama-qarshi ediki, o‘rtada bir-birlarini yoqtirmaslik hissidan boshqa narsa tug‘ilishi mumkin emasdi. Martinidagi bu his hademay oshkor dushmanlikka aylandi.

Martini bu fikrlarini Jemma bilan bo‘lishar ekan, Jemma Grasinnilar ziyofatida birinchi urishganida qo‘pol tanbeh qilib, noxosdan So‘naning mayibligini masxara qilganligini eslaydi:

“I was unintentional, of course, and I was very sorry. I said something about people laughing at cripples, and he took it personally. It had never occurred to me to think of him as a cripple; he is not so badly deformed” [3, 119]

Ushbu parchada keltirilgan *“It had never occurred to me to think of him as a cripple”* jumlasi o‘zbek tilida *“yetti uxlab tushimga ham kirmagan edi”* qabilida berilganki, bunda tarjimon M. Ismoiliyning tarjima ishiga shunchaki oddiy yumush emas, balki haqiqiy ijodiy jarayon deya jiddiy yondashganligini ta’kidlash kerak. Bu esa tahsinga loyiqdir. Chunonchi:

– To‘g‘ri, bexosdan chiqib ketdi-yu, keyin o‘zim ham pushaymon yedim. Mayiblarni masxara qilish to‘g‘risida bir nima deb yuboribman, o‘ziga olib xafa bo‘ldi. Uni mayib deb aytish – yetti uxlab tushimga ham kirmagan edi. O‘zi ham unchalik mayib emas-ku [2, 105].

Bevosita tarjima tili – rus tilidagi *“мне и в голову не приходило считать его калекой”* gapini *“uni mayib deb atash hayolimga ham kelmabdi”* tarzida sodda ifodalash ham mumkin edi. Lekin, tarjimon o‘zbek tilida obraz talqinini yorqin ochib berishda vaziyatni to‘g‘ri va to‘liq anglagani holda frazeologik iboradan samarali foydalanadi.

Quyida parchaning rus tilidagi nusxasida ham sodda ifodaning guvohi bo‘lishimiz mumkin:

– Конечно, это вышло нечаянно, и я сама была очень огорчена. Я сказала, что нехорошо смеяться над калеками, а он услышал в этом намек на себя. Мне и в голову приходило считать его калекой: он вовсе не так уж изудорован [1, 92]

Xullas, mutarjim M. Ismoiliy tomonidan tarjima qilingan mazkur romanning obraz va personajlari kitobxonlarda original tildagidek taassurot qoldira oladi, degan fikrga kelishga asos bo‘la oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Войнич Э. Л. Овод. Перевод Н. Волжиной. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 272 с.

2. Войнич Э. Л. Сўна. Русчадан Мирзакалон Исмоилий таржимаси. –Т.: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1956. – 311 б.

3. Voynich E. L. The Gadfly. – Moscow: Foreign languages publishing house, 1955. – 335 p.

4. Мюллер В. К. Англо-русский словарь. – М.: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1950. – 1024 с.

5. Salomov G‘. Badiiy tarjima haqida o‘y va mulohazalar. Tarjima san’ati (Maqolalar to‘plami), – T.: Adabiyot va san’at nashriyoti, 1973. – 304 b.

МАРТИН ХАРТМАНН ТУРКШУНОС ОЛИМ СИФАТИДА

Мусо ТОДЖИХОДЖАЕВ,
НамДУ тадқиқотчиси

Германиянинг Берлин университети Шарқ тиллари семинарияси кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Мартин Хартманн Европа шарқшунослари орасида

Шарқ халқлари тили, адабиёти, тарихи, давлат тузилиши, сиёсати ва иқтисодиётини чуқур ўрганган олим сифатида машҳур.

Хартманн 1851 йил 9 декабрда Бреслау шаҳрида протестант руҳоний оиласида дунёга келди. 1871 йи Лайпциг университети теология (диншунослик) факультетига ўқишга кирди. Аммо 1871 йилда Германия–Франция ўртасида бошланган уруш муносабати билан ўқишни муддатидан аввал тугатишга тўғри келди. Урушга сафарбар этилган Хартманн дякон-ҳарбий руҳоний вазифасини бажарди. Урушдан сўнг Хартманн Бреслау университетида уч семестр давомида диншунослик факультетида ўқиди. Бу ерда у дунё динларининг келиб чиқиши ва жаҳон мамлакатларига тарқалиши қонуниятларини чуқур ўрганди. Айниқса, исломий мамлакатлар адабиёти, тарихи, бу кўҳна дунё алломаларининг маънавий–маърифий қарашлари ёш Мартинни Шарқ тилларини чуқур ўрганишга ундади. Хартманн 1871 йилда Лайпциг университети Шарқ тиллари факультетига ўқишга кирди. Университетда у араб, форс, қадимий ва замонавий яҳудий, туркий, шунингдек, Европа халқлари тилларини чуқур ўрганди. Талабалик йилларидаёқ устозлари назарига тушган Мартин атоқли арабшунос олим, семинария раҳбари профессор Флайшер оиласининг ғамхўрлиги остида бўлди. Флайшер яна бир неча иқтидорли талабаларга моддий ва маънавий ғамхўрлик қиларди. Улардан бири бўлғуси исломшунос олим Игназ Гольдциер эди.

1876 йилда 25 ёшлик Хартманн "Семит тилларида кўплик ясалиши" мавзусида диссертациясини ёклаб, филология фанлари доктори илмий даражасини олди. Сўнгра у кисқа муддат Германиянинг Адрианапол ва Стамбулдаги, кейинроқ, Байрутдаги консулхоналарида драгоман - ҳарбий таржимон ва канцлер вазифасида хизмат қилди. Байрутда Хартманн 1887 йилгача ишлади. Арабистондаги хизмат даврида у кўплаб араб сиёсатчилари, файласуфлари, шоирлари, санъат ва маданият арбоблари билан танишди. Улардан Шарқ мамлакатлари, биринчи навбатда, араб, турк, форс ёзма ва оғзаки адабиёти ҳамда тарихини ўрганди.

Хартманн консуллик хизматидан бўшагач, Берлин университети Шарқ тиллари семинариясига араб тили ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилинди. Университетдаги раҳбарлар ва ҳамкасблари уни жуда қобилиятли ва тиришқоқ ўқитувчи, изланувчан олим сифатида ҳурмат қилардилар. Аммо

характеридаги бир оз қўрслик ва ўта талабчанлик уни юқори лавозимларга кўтарилишга монеълик қиларди. Шундай бўлса-да педагоглик фаолияти давомида у кўплаб шогирдлар тайёрлади. Улар кейинчалик Европада шарқшунослик фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.[12.13.]

Мартин Хартманн семинарияда умрининг охиригача-ўттиз бир йил давомида ишлади. У оддий ўқитувчиликдан кафедра мудири ва кейинчалик семинария раҳбари лавозимигача бўлган поғоналарни босиб ўтди. Иш фаолиятида Хартманн Европа ва Шарқ мамлакатларига кўплаб илмий сафарлар уюштирди. У илмий фаолияти даврида Сицилия шаҳридан то Шарқий Туркистон ўлкаларигача кезиб чиқди.

Ижодий фаолияти даврида олим шарқшуносликка оид юзлаб қўлёзма ва тошбосма китоблар йиғди. Коллекция Европада энг бой тўпламлардан ҳисобланган. Унинг кутубхонаси доимо олимлар ва шогирдлари билан тўлиқ эди. Шундай бўлса-да Хартманн ўзининг китоблари коллекцияси ҳақида турли газета ва журналларга материаллар юбориб турарди. [11.] Уннинг дастлабки йирик тадқиқотларидан бири туркий халқлар оғзаки ижодига бағишланган бўлиб, Хўжа Насриддин образининг Шарқ халклари оғзаки ижодида шаклланиши, ривожланиши, тарқалиши ва Европа тилларига ўгирилиши масалаларига бағишланган йирик хажмли мақоладир.[2.] Мақолада олим Насриддин Афанди латифаларининг келиб чиқиши, туркий ва араб халқлари оғзаки ижоди ва адабиётига кириб бориши ҳақида маълумотлар бериб, уларнинг жаҳон адабиётини бойитишдаги ўрни ҳақида ёзади. Бу ҳикоятларнинг бир қисми V-VI асрларда араб қабилалари оғзаки ижоди сифатида шаклланиб, XII асрдан бошлаб араб тилидан турк тилига ва кейинги асрларда аксинча, турк тилидан қайта араб тилига ўтган. Лекин, латифалар жаҳон халқлари адабиётига шунчалик сингиб кетганки, уларнинг генезисини аниқлаш имконсиз ва бефойда тадбирдир. Асарда араб ва турк халқлари оғзаки ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи дастлабки қўлёзма китоблар тўғрисида маълумотлар берилиши билан бирга, бу китоблардаги латифаларни мазмуни ва ғоявий йўналишига кўра уч турга ажратилган. Шунингдек, Хартманн ўзигача бўлган даврда бу мавзуларда ижод қилган Шарқ ва Европа олимлари ҳақида маълумотлар бериб, уларнинг ижодига муносабат билдирган. Мақолада Шарқ латифаларининг Европа тилларига таржималари тарихига ҳам тўхталган. [14.]

Хартманн Европада, асосан арабшунос ва исломшунос сифатида танилган бўлса-да, унинг туркшунослик соҳасидагн асарлари ҳам талайгина. Айниқса, турк шоир ва ёзувчилари ижодига бағишланган китобларидан Туркияда ҳанузгача фойдаланилади. Китобда XIX ва XX асрда яшаб ўтган турк шоир ва шоиралари ҳакида маълумотлар берилган бўлиб, уларнинг суратлари ва асарларидан парчалар берилган.[3.]

Олим марказийосиёшунослик билан нисбатан қисқа давр– 1900-1910 йиллар оралиғида шуғулланган. Европада шу йилларда туркшунослик фанига эътибор сусайган йиллар эди. Кўплаб шарқшунослар Ҳерман Вамберининг 1865-67 йилларда Марказий Осиёга махфий сафари ва бу сафар натижасида ёзилган асарлардан кейин туркшунослик билан шуғулланиш заруриятсиз ва асосий эътиборни араб, форс, хитой, ҳинд тилларини ўрганишга сарфлаш жоиз деб топдилар. Шунингдек, ислом мамлакатлари аҳолиси яқин йиллар ичида христиан динига ўтишлари ҳам “башорат” қилинган эди. Айрим шарқшунослар, жумладан, Херманн Вамбери ўзбек халқини ва унинг алломаларини хусусан, Навоий, Бобур, Машраб, Мунис ва бошқа мумтоз шоирлар ижодига юксак баҳо бергани ҳолда…“уларнинг ғазалларида кўчманчи халқлар ғоялари тарғиб қилинади” деб таърифлаган эди. [15.] Европа олимлари кўр-кўрона бу таърифга эргашдилар ва асарларини Вамберининг шу сўзлари билан бошладилар. Шу тариқа Европада ўзбеклар ҳақида нотўғри хулосалар пайдо бўлди. Аммо Хартманн Вамберининг бу фикрларини қатъий рад этди: ...Ўз ҳаётини хатарга қўйиб, Осиё мамлакатларида туркшунослик билан шуғулланган жаноб Вамберига ҳурматим юксак бўлгани ҳолда, унинг бу мулоҳазаларига қаршиман. Машраб ғазалларида ҳеч қандай кўчманчи халқлар ғояларини учратмадим. Унинг ғазаллари юксак санъатларга йўғрилган.[8.]

Хартманн марказийосиёшуносликка оид турли жанрдагн 30 дан ортиқ йирик асарлар яратган. Айниқса, Европада ўзбек тилидаги адабиётларни аслиятда ўқишга иштиёқманд бўлган кишилар учун яратилган "Чиғатой тили" дарслиги ва унда Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Шермуҳаммад Мунис ва бошқа Шарқ шоирлари асарларидан парчалар берилиши Европада деярли тўхтаб қолган туркшунослик фаолиятини яна жадаллаштирди.

Ушбу китобида Хартманн ўзбек халқи ва Фарғона водийси ҳақида кўплаб маълумотлар берган. Олим Туркистон аҳолисининг

катта қисмини ташкил этувчи туркий халқлар, хусусан ўзбек тилини номлашда Европа тилшунослари орасида урф бўлган “чиғатой тили” атамасини танқид қилиб шундай ёзади: ... Ушбу тилни “чиғатой тили” деб аташ нотўғри. Чингизнинг ўғилларидан бўлмиш Чиғатой номи билан аталувчи бу тилда мўғуллар истилосидан 160 йил муқаддам буюк асар яратилган. Бу “Қутадғу билигдир”! Гарчи Радлов бу асарни уйғур тилида ёзилган деб кўрсатган бўлса – да, бундай эмас. Юсуф хос Ҳожиб ўз асарини, табиийки, араб алифбосида ёзган. Асарнинг уйғур тилидаги нусхаси эса Чингизхон душманларидан бири бўлган Тажангнинг миллати уйғур бўлган девонбегини ўзига мууҳрдор ва ўғилларига тарбиячи қилиб тайинлаган йилларда унинг томонидан уйғур тилига ўтказилган.[8.148.]

Хартманн жаҳон машрабшунослигида биринчи бўлиб Машраб кадамжойлари бўйлаб экспедиция уюштирган сайёҳдир. У шахсий маблағи эвазига 1902 йил сентябр–1903 йил апрел ойларида Ўзбекистон, Қиргизистон ва Хитой Туркистонида мутасаввуф шоир излари бўйлаб кўплаб тадқиқотлар олиб борди. Қашқарда у маҳаллий адабиётчилар кўмагида “Девони Машраб” манoқибини бадиий-услубий таҳлил қилди. Ўзининг “Қадамжой” мақоласида тоғ довонларидаги Машраб номи билан боғлиқ мозор ва зиёратгоҳлар ҳамда у ерларда сақланаётган қўлёзма асарлар ҳақида маълумот беради.Шунингдек, мозор ва қадамжоларнинг шаклланиши ва вақт ўтиши билан сиғиниш усулларининг ўзгариши каби қонуниятлар асарда ўз ифодасини топган.[4.]

Сайёҳ олим томонидан Марказий Осиёга қилинган сафар натижасида бир қатор бошқа мақола ва китоблар ҳам яратилган. Айниқса, "Бухородаги кўғирчок бозори"[5.], “Ҳувайдонинг чиғатойча девони” [9.], "Туркистонда матбаачилик ва Хартманнннг туркий китоблари тўплами"[6.] каби йирик мақолалари, "Осиё бўйлаб" [7.] номли илмий саёҳатномаси, Тошкент шаҳри тарихидан ҳикоя қилувчи мақолалари, Машрабнинг пири Офоқ хожа эшон шажараси ҳақидаги "Тазкираи азизон" [10.] китобинииг немис тилига таржимаси каби асарлар шулар жумласидандир.

Олим кейинчалик ҳам Туркистон билан алоқаларини узмаган. У 1917 йили ўз маблағлари ҳисобига Германиянинг "Шарқ мамлакатларига эшиттиришлари" радиосини ташкил қилди ва умрининг охиригача шу соҳада ишлади. Олим Шарқ халклари мутафаккирлари билан кўплаб илмий ёзишмалар қилди. Хартманн

гарчи нисбатан қисқа умр кўрган бўлса (1918 йилда вафот этган) ҳам унинг шогирдлари Европа шарқшунослигида янги йўналишларни очувчи тадқиқотчилар сифатида унинг ишларини давом эттирмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ludmila Hanisch.“ Machen Sie unseren Islam nicht gar zu schlecht”. Der Briefwecksel der Islamwissenschaftlar I. Goldzieher und M. Hartmann.-Otto Harrasowitz Verlag, 2000.

2. Hartmann Martin. Schwaenke und Schnurre im islamischen Orient.// Zeitschrift fuer Volkskunde.-Berlin:Verlag von Ascher &Co.SS.40-67.

3. Hartman M. Die Literatur der neuen Türkei.- Leipzig: O. Harrassowitz, 1917. Katalog 377.

4.Hartmann M. Chademğai.// Orientalische Literaturzeitung.-Berlin,1903.

5.Hartmann M. Der Puppenmarkt in Buchara. // OLZ,1903.

6.Hartmann M. Das Buchwesen in Turkistan und die tuerkischen Druecke der Sammlung Hartmanns.Westasiatische Studien, 1903, WSOS zu Berlin.Spr.539.

7.Hartmann M. Durch Asien. Berlin, 1905.

8. Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer. // Der islamishe Orient. - Heidelberg: Carl Winter`s Universitätsbuchhandlung, 1902, 48 S.

9.Hartmann M. Der čaghataische Divan Hůweшda`s.//Westasiatische Studien. - Berlin, 1902. - S.132 - 155.

10.Taskirai asison von Muchamad Sadiq.Ein Heiligenstaat im Islam.- Berlin : Wolf Preiser Verlag.-1905.

11. Hartmann M. Ostturkische Handschriften der Sammlung Hartmann.

12. Kampfmeuer G. Martin Hartmann.- Die Welt des Islams. 1918. № 6.S. 67-71.

13. Wolfgang Reuschel. Zu Werk und Persönlichkeit des deutschen Arabisten Martin Hartmann.// Arbeiterklasse und nationaler Befreiungskampf, ed. Elmar Faber.- Leipzig: Karl-Marx Universität. 1963.-S.159-66.

14.Galland Antoine. Le paroles remarquables, lesbons mots, et maxims des Orientaus.A Paris, Chex Simon Bernard. MDCXCIV

15 Vambery H. Zwei moderne centralasiatische Dichter Munis und Emir.// WZfKdML. Wien, 1892. SA.

APPROACHES TO TRANSLATING PROVERBS OF "KUTADGU BILIG"

Dildora TOSHPULATOVA,
Uzbekistan state world languages university,
Intern researcher

Annotation.*The article comparatively analyzes the proverbs of the poem "Kutadgu bilig" by Yusuf Balasaguni in English. In particular, the research aims to investigate the questions of translations by R. Dankoff and W. May. The author gives adequate versions of authentic proverbs in modern English and Uzbek.*

Key-words:*"Kutadgu bilig", proverbs, original and translation, translator skills.*

Introduction

Yusuf Khass Hajib's epic "Kutadgu bilig" is a work of art that combines the advanced socio-political and moral-educational views of his time. It contains the author's views and opinions on the state and power of the Karakhanids of the XI century, the ruler and his courtiers, their duties and responsibilities, various social strata, their role in society and the spiritual and moral image, the role of science and enlightenment in life, human qualities. Yusuf Khass Hajib's views on the above issues are also noteworthy for his fine art and elegant poetics. As noted by one of the great "Kutadgu bilig" scholars B.Tukhliev, Yusuf Khass Hajib's work "Kutadgu bilig" has an important place in the history of literature of the Turkic peoples and is one of the brightest examples of artistic discoveries in world literature. The creation of "Kutadgu bilig" marks the first period in the history of Turkic literature in the development of classical poetry. The emergence of this work is not accidental, but reflects all the achievements of Turkish poetry as a legitimate phenomenon of the development of poetry of the Turkic peoples with an ancient history" [1]. Indeed, the symbolic images in the work, beautiful metaphors, sentimental parables, threats, allegories, repetitions, cries, such as impressive poetic arts, take the epic to a high artistic and aesthetic level. "Yusuf Khass Hajib has a keen sense of the power of words and the inner potential of the mother tongue. He writes, "I knew Turkish words like a wild mountain deer, but I taught them to how to behave" [2].

The preparation and publication of the scientific-critical text of the work by the Turkish scholar Rashid Rahmati Arat in 1947 served as a basis for many Turkic scholars and translators. In particular, the epic was rewritten in English and Russian in 1983 by the American Turkologist and translator Robert Denkof ("Wisdom of royal glory") and the Russian poet and translator Sergei Ivanov (“Blagodatnoe znanie”) on the basis of this scientific and critical text. Based on Ivanov's translation, the second English translation of the work, Walter May ("Beneficent knowledge"), saw the light of day. This work, which is the first example of the literature of the Turkic peoples, has become a spiritual treasure of the peoples of the world due to the hard work and skill of the translators. One of the factors that ensured its success was the fact that the translators also tried to reflect the art of the work vividly in the translation.

Proverbs created as the cream of centuries-old life experiences and conclusions of mankind have a special place in the folklore of the peoples of the world. Proverbs reflect the mentality of each nation, that is, their life experiences, conclusions, teachings, based on their worldview, way of life and thinking. In all genres of fiction, proverbs are used to prove ideas, to summarize, to brightly reveal the character traits of the protagonists. It is well known that the science of the art of using proverbs in a work of art is called the art of proverbs.

One of the arts actively used in the epic is “irsoli masal” (fable). “Irsoli masal (fable) is the art of using proverbs, parables and wise sayings in a speech or poem through a parable for a specific purpose” [3]. The poet proves his thoughts and opinions through folk proverbs, and before quoting them, he refers to the proverbs as “Turkish parable”, “Turkish word”, “Hear”. English translators translate the phrases “Turkish parable”, "Turkish word”, "Hear what he says” as “the Turkish proverb”, “the Turks have proverb”, “Listen", “Hear”.

Below we consider the translations made by R. Denkoff and W. May of the examples of parable art used in “Kutadgu bilig”.

In the chapter “A Conversation with the Soldiers in the Palace”, Ogdulmish advises Ozgurmish about friendship and enmity:

Бир-□к душман эрс□ мин-ул йаслықы
Минин достун эрс□ бир-ул азлықы [4].

Meaning:

Even if the enemy is one, the damage is thousands,
Even if you have thousands of friends, a few are equal together.

Through this proverb, which is embedded in the verses, Yusuf Khass Hajib emphasizes that gaining more brothers and sisters means that the harm of a single enemy is greater than the good of a thousand friends. There are different versions of this proverb today:

Дўстинг минг бўлса ҳам – кам,
Душманинг бир бўлса ҳам – кўп [5].;
Умрим узоқ бўлсин десанг, душман орттирма.;
Йўлдоши кўпнинг – қўлдоши кўп.;
Ақли кўпни дов олмас,
Дўсти кўпни ёв олмас.;
Дўст қидирмаган киши ўзига душман.;
Улфат қанча кўп бўлса,
Кулфат шунча оз бўлади [6].

(Even if your friend is a thousand - less,
Even if the enemy is one - many [5].;
If you want me to live long, do not make enemies;
Many friends - many companions.;
The mind can't do much,
His friend can't hunt much;
He who does not seek a friend is an enemy to himself;
The more friends,
The disaster will be so small.)

In Dankoff's translation, examples of sentimental art are also found in poetic form, and we have analyzed only the proverbial part of the quartet translated into English:

A thousand friends are no better than one;
One enemy causes a thousand woes. [7].

It is clear from the translation that the translator did not fully understand the content of the verse: the phrase “even if you have a few thousand friends” is misinterpreted as “one faithful friend is better than a thousand false friends.” As a result, the semantic inconsistency of the proverb in the original and the translation becomes apparent. The second component of the translation of the proverb is in line with the author's opinion: “a single enemy brings thousands of misfortunes and sorrows.” Apparently, the translation of some of the proverbs in Dankoff's translation is also a bit far from the original. So how accurately did May translate the above proverb?

“Though foes may be few - great the woes they bring you
You have many friends - but they seem to be few! ” [8]

(Although the enemy is small, they are of great concern,
Even if you have a lot of friends, they seem rare.)

Here is S. Ivanov's translation:

И мало врагов, да велик от них вред,
И много друзей, а как будто их нет![9].

(Although the enemy is small, he loses a lot of them,
It seems like you don't have many friends)

Apparently, May was able to maintain the unity of form and meaning in this proverb, revealing the meaning of the verses.

Of course, translation is a complicated process. While the task of fully and accurately translating the content that the author intends to express is the most important condition of translation, it is not always possible to accomplish it. It is obvious that the proverbs in "Kutadgu bilig", which are examples of parables, have been translated in different ways, but R. Dankoff, W. May and S. Ivanov have tried to translate them keeping original meaning in English and Russian. Most of the proverbs in the work are directly translated, i.e. the descriptive narration of the proverb appears to be the main method in both English translators. While this certainly ensured that the content of the proverbs was understandable to the English reader, the fact that the translators did not resort to creative translation in the translation process, i.e., did not cite alternative versions and variants of the parables in English, is a simple instruction. In our opinion, it would be appropriate for the translators of the work to cite the equivalent variations of the proverbs and wise sayings that are included in the verses as an appendix at the end of the work.

References:

1. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" ва айрим жанрлар такомили (маснавий, тўртлик, қасида). – Тошкент: Аср-матбуот. 2004. –Б.3.

2. Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" ("Саодатга бошловчи билим"). Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи ва сўзбоши муаллифи Боқижон Тўхлиев. – Тошкент: Юлдузча. 1990. –Б.7.

3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006.

4. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» (С.И.Б) Транскрипция ва ҳоз. ўзбек тилига тавсиф. Нашр тайёр. Қ.Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 86-87; 184-185; 628-629.

5. Ўзбек халқ мақоллари, II том. – Тошкент: Фан, 1988. –Б. 71.

6. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б. 84-85.

7. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory: A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated with an introduction and notes, by RobertDankoff. – Chicago-London: University of Chicago Press: 1983. –P. 45; 68; 176.

8. Yusuf Balasaguni, Beneficent Knowledge, translated into English by Walter May. – Moscow&Bishkek:Traditional cultures and environments, 1998. –Б. 26; 78; 313.

9. Юсуф Баласагунский, Благадатной знание. Перевод С. Иванова. – Москва: Наука, 1983. –Стр. 43; 94; 319.

НОМЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

(Л.Кэрроллнинг “Алиса Мўъжизалар мамлакатида” асари таржималари мисолида)

Моҳира ОТАБОЕВА,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

Рус адабиётшуноси ва таржимашуносликка улкан ҳисса қўшган олим Корней Чуковскийнинг “Таржима худди хотинга ўхшайди: тўғри бўлса – чиройли эмас, чиройли бўлса – тўғри эмас”, деган киноялы, аммо жуда топиб айтган ибораси бир сўз билан соҳа машаққатларини ўзида акс эттиради. Кейинги йилларда она тилимизга жаҳоннинг машҳур асарлари пайдарпай ўгирилаётгани ва кенг китобхонлар оммасига ҳавола этилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Бироқ Чуковский таъбири билан айтганда, “тўғри ва чиройли” таржимага эришишни уддалаш учун тилни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Айниқса ўгирилаётган асарлар болалардек беғубор ва борлиқ ҳақидаги тасаввурлари энди шаклланаётган китобхонлар учун ёзилган бўлса.

Жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари қаторига кирувчи, ҳамон дунё болалари ҳамда катталарнинг севимли китоби бўлган инглиз адиби Люис Кэрролл (адибнинг асл исми Чарлз Лютвидж Доджсон)нинг икки машҳур “Алиса Мўъжизалар мамлакатида” ва “Алиса Кўзгу орти ўлкасида” эртаклари ана шундай асарлар сирасига киради. Асарлар ёзувчи ҳаётлигидаёқ китобхонлар қалбидан жой олгани манбалардан маълум. “Алиса Мўъжизалар мамлакатида” асари илк бор 1965 йили Макмиллан нашриёти томонидан чоп этилган. Ноодатий сюжети сабаб эртак аввалига танқидчилар томонидан совуқ кутиб олинган, лекину тезда

китобхонлар ўртасида оммалашган. 1869 йили Кэрролл ношир Макмилланга “Алиса Кўзгу орти ўлкасида” эртагининг биринчи бобини юборади. Ўша йилиёқ “Мўъжизалар мамлакати” бир йўла немис, француз, 1872–1874 йилларда эса итальян, голланд, 1879 йили рус тилларига таржима қилинади. Таъкидлаш жоизки, бу икки асарга ҳамон мурожаат қилинмоқда ва ҳали ҳам адабиётшунослар мазкур адиб ижодий лабораториясини тадқиқ этишаётир. Бу машҳур эртакларни она тилимизга уч таржимон – М.Отабоева (“Алиса Мўъжизалар мамлакатида”, 2015, 2020), М.Зоҳидова (нисбатан қисқартирилган шакли, 2016 йили), Ш.Долимов (“Алиса Мўъжизалар юртида”, 2021 томонидан ўгирилган.

Кэрролл асарлари кўп тилларга таржима қилинган эса-да, бу икки эртак бошқа тилларга ўгириш учун ўзига хос ёндашувни талаб қиладиган асарлар сифатида ҳам баҳоланади. “Кэрроллнинг Алисаси таржима қилиш жуда мушкул бўлган асарлардан бири. “Алиса” элликдан ортиқ тилга ўгирилган бўлса-да, (уларнинг орасида суахили, эсперанто, австралия аборегенлари тили каби камёб тиллар бор) ва кўп тилларга бирнеча бора ўгирилган эса-да, ҳалигача бу асарни ўгиришни аниқ тамойиллари ишлаб чиқилмаган”,[1] деб ёзади бу иккала асар таржимасига бағишланган мақоласида адабиётшунос В. Вивер.

Албатта, унинг бундай хулосага келишига қатор асосли сабаблари бор, булар нафақат матн ичидаги сўз ўйинлари, балки муқобил таржимасини топиш мушкул бўлган образлар номлари билан ҳам боғлиқ. Дарҳақиқат, номлар таржимаси масаласи таржимашуносликдаги алоҳида тадқиқ этиладиган ҳодиса. Чунки асардаги ҳар қандай бош ёки иккинчи даражали қаҳрамонларнинг ҳар бирида бадиий юк ва вазифа бўлади. Болаларга бағишланган асарларда эса персонажлар номи шунчаки танланмайди, чунки улар замирида, албатта, муайян маъно ва мазмун мужассам. Одатда улар образ характери ҳақида “гапирувчи” ёки унинг мазмунини ифода этувчи номлар бўлади. “Гапирувчи” исм, “мазмунли” исм – адабий исмнинг бир тури. Номинатив объектни тавсифлаш, унинг фазилатларини, мақсадини таъкидлаш ёки бўрттириш учун муаллиф томонидан яратилган семантик жиҳатдан шаффоф бўлган исм[2].

[1] Демурова Н.М. О переводе сказок Кэрролла. – Москва: Наука, 1991. Стр-5.
[2] Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1978. – С. 127-128.

Кэрроллнинг иккала асарида ҳам бундай образлар талайгина. Зеро, улар эртаклар ва Кэрролл бундай усул билан персонаж характерини маҳорат билан ярата олган. Бу номларнинг айримлари ёзувчининг ўзига ишора қилса, қай бири англия фольклори намуналаридан олинган, бошқаси эса адибнинг “гапирувчи” номларидир. Уларнинг таржимасида эса К.Чуковский ёқлаган транскрипция усули ёки А.В.Фёдоров маъқул топган транслитерация қилиш афзалми, деган масала кўндаланг туради.

Айни масала бу адиб асарлари ўн мартадан кўпроқ ўгирилган рус таржимонларини ҳам ўйлантирган. Бу борада алоҳида тадқиқот олиб борган адабиётшунос, таржимон Н.Демурова Кэрролл эртакларини сўзма-сўз ўгириш асарни хиралаштириб, жозибасига путур етказганини,[1] айтиб, ўзи асар таржимасига қандай мезон асосида ёндашганини қуйидагича ифодалаган: “Биз Керролл эртакларидаги дам ўйноқи ва шўх, дам инжа, лирик ва фалсафий руҳиятни, шунингдек, муаллифнинг ўзига хос – вазмин, аниқ ортиқча “жимжимадан” холи (фақат муаллиф олдига “киноя” ёки “эксценртик” мақсад қўйиб шу йўсинда ёзган ҳолатларни ҳисобга олмаганда) бироқ жўшқин ва маъноли нутқини етказиб беришимиз керак эди”. Таржимоннинг бу фикрлари асар матнидаги номларларга ҳам тегишли.

“Алиса Мўъжизалар мамлакатида” эртагига адиб янгидан-янги персонажларни киритса-да, улар бир-бирини такрорлайди, уларнинг номларини ўгириш эса ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Катта ёки кичик бўлсин, муаллиф уларни тасодифан ёки шунчаки танламаган, персонажларда ишора, адабий аллюзия, миллат маданиятининг қатламлари бутунлигича акс этган.

Номлар орасида реал ҳаётда прототипи мавжуд персонажлар ҳам борки, уларни ўгиришда атоқли отларнинг бир-бирига боғлиқ икки гуруҳи[2] борлигини унутмаслик керак. Табиий тарзда пайдо бўлган номлар ҳисобланмиш биринчи гуруҳга бош қаҳрамон Алисани киритиш мумкин. Англия халқининг аёллар исмларидан бўлган Алиса (маълумки, у адиб ишлаган Оксфорд университети ректорининг қизалоғининг прототипи ва эртак айнан унга бағишлаб ёзилган) аслида қадимий немис тилига тегишли бўлиб, инглиз тилида у “олийжаноб, зодагон” (қизиғи, эртакдаги бош қаҳрамон характерида айни шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади) сингари

[1] Н. Демурова. О переводе сказок Кэрролла. –М. Наука, 1991.
[2] Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. – М., 1978.

маъноларни англатади. Шу боис Алисани таржима қилишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ, қолаверса, айнан Алиса исми бутун дунёда бу асарни ёдга солувчи номлигини унутмаслик керак.

Асарининг иккинчи бобидаги кўз ёшли кўлда сузаётган антиқа ҳайвонларини олайлик: “ ... a Duck and a Dodo, a Lory and an Eaglet, and several other curious creatures” дея берилади улар асарда. Ш.Долимов таржимасида бу қуйидагича акс этган: “Ўрдак, Додо қуши, тўтиқуш Лори, Бургутча каби жониворлар сув шапиллатиб сузишмоқда”[1]. Ёзувчи бу ҳайвонларга ўз-ўзидан бундан ном бермаган. Зеро, шунчаки ҳайвон номи билан аталган персонажлар, масалан, Оқ қуён, Ипак Қурти кабилар ҳам борлигини инобатга олсак, фикримиз янада ойдинлашади. Бу номларни иккинчи гуруҳга, яъни сунъий ўйланган атоқли отлар сирасига киритамиз. Улар ҳақиқий исмлардан фарқланмайди, шу боис ўз ҳолича бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Кэрролл бу номларни бекорга танламагани ҳақида америкалик ёзувчи, математик Мартин Гарднер ҳам таъкидлаган. Унинг шарҳлашича, “the Duck” бу Робинсон Дакворт (Duckworth), “the Lory” – Lorina, опа-сингил Лидделларнинг (яъни Оксфорд ректорининг қизи бўлмиш Алисанинг опа сингиллари) каттаси; “the Eaglet” – кичик сингил Эдит; “the Dodo” эса Кэрроллнинг ўзи. Гарднер буни ёзувчи ўзининг асл фамилиясини дудуқлангани учун “До-до-джсон” деб айтгани билан боғлайди.[2] Кэрролл шу ўринда “сўз ўйини” қилади, “duck” сўзи “ўрдак”, “eaglet” эса “бургут палапони” маъносини ҳам англатади. Мазкур изоҳлардан келиб чиқадиган бўлсак, Ш.Долимов таржимада номларнинг нега бундай қўйилгани ва “сўз ўйини”дан бехабар эканини тушуниш мумкин, боз устига бундай инглиз тилига хос омоним сўзларнинг маъно қирраларидан маҳорат билан фойдаланиш бутун бошли эртакда жуда кўп учрайди.

Ю.Пўлатов “Бадиий асарда муаллиф томонидан олға сурилаётган ғоявий мазмунни бўрттириб кўрсатиш учун хизмат қиладиган, шунингдек, бадиий асардаги юмористик моментларни ўзида тўла-тўкис ифодалайдиган персонажлар ва географик жой номларининг характерини ифодаловчи номларни таржима қилиш ёзувчининг ўзига хос услуби билан китобхонларни таништиришда алоҳида аҳамият касб этади”, дея “гапирувчи номлар” таржимаси зарурлигини изоҳлаган. Дарҳақиқат, айнан Кэрролл эртакларидаги

[1] Lyuis Kerroll. Alisa Mo’jizalar yurtida. SH.Dolimov tarjimasi. Art Nation, 2021. – B.17,
[2] Gardner M. - The Annotated Alice. New-york. Clarkson N, Poier Inc. 1960. P. 10.

айрим персонажлар англия халқига хос мақол, ибора, характерни ўзида акс эттириб бошқа халқларга ҳам кириб келган. “Алиса Мўъжизалар мамлакатида” эртагидаги Март Қуёни (March Hare) ҳамда унинг шериги Каллаварам ёки Шляпадўз (Hatter) Кэрроллнинг таниқли персонажларидан. Март Қуёни оддий қуён эмас, у телба. Кэрролл яшаган даврда “Март Қуёнидек аҳмоқ” мақоли кенг ишлатилган. Бунинг сабаби узоқ қишдан сўнг қуёнларнинг организмидаги ўзгаришлар сабаб улар кўкламнинг илк ойи мартда телба-тескари ҳаракатлар қилишади. Шу боис нима қилаётганини тушунмаётган, мантиқсиз гапираётган инсонларга нисбатан бу мақол ишлатилган. Кэрролл эса уни эртагига телбанамо образ сифатида киритади. Асарнинг “Аҳмоқона чойхўрлик” бобида уни Ш.Долимов “Март Қуёни”[1], М.Зоҳидова эса “Овсар Қуён”[2] тарзида ўгирган. Маркур икки таржима ҳам персонаж характерини ифодалайди, бироқ Март Қуёни дея ўгирилиши бевосита инглиз халқи ибораси билан боғлиқлиги боис миллий колоритни сақлаш учун қўл келган. Айни бобдаги яна бир персонаж “Hatter” Шляпадўз[3], Шляпник[4] ва Каллаварам[5] тарзида уч таржимада учрайди. Долимов эртакни рус тилидан билвосита таржима қилгани учун у ўгирган матнда “Шляпник” тарзида берилган, Зоҳидова ҳам рус тилидаги матндан сўзма-сўз таржима қилган. “Hatter” сўзи ўзбек тилида шляпа ясовчи уста маъносини англатади, яъни шляпадўз. Кэрролл бу персонажни ўша даврда муомалада бўлган “шляпадўздек овсар” иборасидан олган. Бу иборанинг ҳам пайдо бўлиш тарихи бор. XIX асрда Ангиянинг тўқимачилик саноатидаги ишчилар, жумладан, шляпадўзлар ҳам турли зарарли кимёвий моддалар билан ишлашган ва булар ишчиларнинг асаб тизими фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатган. Заҳарланиш кўп ҳолларда эрта ўлимга ёки асаб тизимининг бузилишига олиб келган[6]. Рус таржимон Н.Демурова бу персонаж номини “Болванщик” дея ўгиради ва урғуни унинг касбига эмас, характерига қаратади. Номнинг келиб чиқиш тарихига қарасак, бундай ёндашув ўзини оқлайди. Қолаверса, бу персонаж адибнинг иккинчи эртагида “Алиса Кўзгуорти ўлкасида” ҳам “Hatta” тарзида учрайди. Сўзнинг ўзаги изланса, “Hatta”

[1] Lyuis Kerroll. Alisa Mo’jizalar yurtida. SH.Dolimov tarjimasi. Art Nation, 2021. – B.17,
[2] Lyuis Kerroll. Alisa mo’jizalar mamlakatida. M.Zohidova tar. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016.
[3] Lyuis Kerroll. Alisa Mo’jizalar yurtida. SH.Dolimov tarjimasi. Art Nation, 2021. – B.49.
[4]Lyuis Kerroll. Alisa mo’jizalar mamlakatida. M.Zohidova tar. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016.
[5] Lyuis Kerroll. Alisa Mo’jizalar mamlakatida. M.Otaboyeva tar. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2020
[6] H.Waldron. Did the Mad Hatter have mercury poisoning//British Medical Journal, 1983.

“Halter”, яъни “каллаварам, овсар” маъноларини беради. Бу ўринда таржимон Ғ.Саломовнинг “... миллий колоритни ифодалаш орқасидан қувиб, бошқа тиллага хос мажоз, ўхшатиш ва сифатлаш каби бадиий тасвир воситаларини кўр-кўрона, айнан ўзидай кўчириш китобхонда фақат тушунмовчилик туғдиради, холос. Бу асл нусха услубини ўзга тилда акс эттириш эмас, балки услуб ва таржима тушунчаларининг ўзига хилофдир”, деган фикрларига асосланган.

Юқорида биз эртакдаги айрим номлар таржимасигагина тўхталдик. Кэрроллнинг биргина “Алиса Мўъжизалар мамлакатида” эртагининг ўзида бундай тадқиққа муҳтож номлар талай. Уч таржимадаги уч хил ёндашувни ўзаро қиёслаш асносида номлар таржимасида нафақат тилга оид билим, балки ҳар бир персонаж номи остидаги ўз “тарихи”ни ўрганиш зарурияти мавжудлигини кўрдик. Асл касби математик, мантиқшунос олим бўлган эртакчига бежиз англиялик ёзувчи Г.Честертон болалар ва олимларни оёқда туришга ўргатди, дея таъриф бермаган.

THE ROLE OF MOTIVATION IN TEACHING YOUNG LEARNERS

Azizbek BAXRIDDINOV,
NamDU talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqola yosh til o’rganuvchi va boshlang’ich sinf o’quvchilariga ingliz tili o’rgatishda motivatsiyaning ahamiyati va uning turlariga bag'ishlangan. Maqolada ingliz tilini o’rgatishda til o’rganuvchilarning yosh xususiyatlariga e’tibor qaratish zarurligi va buning muvaffaqiyatli natijalari haqida ham so'z yuritiladi.*

Kalit so'zlar: *yosh til o’rganuvchilar,motivatsiya turlari, qiziqish, rivojlanish, til ko’nikmasi*

Аннотация: *данная статья посвящена роли мотивации и её видам в изучении английского языка ученикам начальных классов. В этой статье обсуждается важность обращения внимания на особенности возраста изучающих языки и его результаты.*

Ключевые слова *мотивация, виды мотивации, интересы, развитие, речевая компетенция*

Annotation: *This article is about the role of motivation in teaching young learners and pupils in primary classes at schools. In this article it is spoken about the importance of motivation to improve pupils' language skills and their successful outcomes in English classes. Types of motivation are also discussed in the article.*

Key words: *young learners, types of motivation, interest, development, language skills*

Teaching foreign languages to young learners demands much attention and care. It has some reasons and one of these reasons is their age character. It is natural that very young learners are still learning their first language. They are learning the vocabulary and grammar rules of their first language. They are learning other skills and ideas that adults already know. From this point of view we can say that language teachers should be more attentive and helpful in this case.

What are the main characteristics of young learners? How are their characteristics different from adults'?

Firstly, young learners get bored quickly. It might be difficult for them to concentrate on their study.

They prefer funny games. They like entertainment and spending their time enjoyfully.

Young learners like to discover things. Naturally they are eager to know much and sooner. They have a lot of questions about anything they meet,

They prefer concrete activities. They can easily get involved in funny activities with enthusiasm.

They imitate.naturally. They repeat actions, words and gestures.

While teaching language teachers should be attentive to these features. Otherwise, young learners have difficulty in learning process and are easily demotivated. If students feel demotivated to learn, teachers could bring some positive points to motivate them.

What is the role of motivation in teaching? Motivation is the main and key factor for learning a second language. Young learners who have positive attitude and motivation in them for learning, will surely succeed to attain their goal. For this reason teachers should motivate children and create friendly English atmosphere in class. Following, we will define three types of motivation that brings effective results in teaching language.

Extrinsic.[1] Doing an activity to attain or avoid a separate outcome. Chances are, many of the things you do each day are extrinsically motivated. Outer factors play an important role in this situation. Learners can get motivation by them.

- Intrinsic. An internal drive for success or sense of purpose. Here, the leaner should have his/her own purpose or priority for upcoming achievement.
- Family. Motivated by the desire to provide for your children. Not only teachers but also parents, elder brothers and sisters can support and encourage young children to learn a language. Addition to motivating young leaners in teaching, teachers should help children to set goals to get good knowledge in English.

Goals are like road maps; they get you from one point to another. Goals provide the direction you need to reach your destination, the motivation to sustain you on your trip, and a way to measure your progress. The best way to get results is to plan for the future, but live one day at a time.[2] When it comes to speak about becoming motivated following viewpoints should be taken into consideration.

How to become motivated:

1. Set goals. For young learners it is still difficult to set goals. They should be supported by their teachers and parents. Their advice can help them to clarify their goals.
2. Choose goals that interest you. For beginner stage, children are can be advised to set simple easy goals that are interesting.
3. Find things that interest you within goals that don't.
4. Make your goal public. It is one of the best way of sharing plans and intention.
5. Plot your progress. If progress is noticed, children take pleasure and are eager to continue. Even little progress make children happy, motivated and interested.

In conclusion we can say that the role of motivation in language learning is really important. Children's motivation can change according to some reasons depending on the context of language learning. As above mentioned, motivation has a key role in the development of language skills. Teachers can play a significant role in motivating learners to the learning of a foreign language. Motivation is an important factor in learning a foreign language which is in influenced

[1] thttp://www.usingenglish.com/articles/moal-orientation-in-english-learning
[2]Motivation and Goal Setting - Cuesta College https://www.cuesta.edu › study_skills › 502_study_goals

by different variables. Motivation sometimes overlooked by some EFL teachers in urging their Learners to learn more. English teachers should teach learners to promote motivation and it can bring effective outcomes and achievements.

Reference

1. Lucas. R. I. (2010). A Study on Intrinsic Motivation Factors in Second Language Learning among Selected Freshman Students.
2. MacIntyre, P. D. (1999). Language Anxiety: A Review of the Research for Language Teachers. In Young, D. J. (ed.).
3. Moiinvaziri, M. (2009). Motivational Orientation in English Language Learning: A Study of Iranian Undergraduate Students. Available at: thttp://www.usingenglish.com/articles/moal-orientation-in-english-learning.html
4. Pardee, R. L. (1990). Motivation Theories of Maslow, Herzberg, McGregor and McClelland. A Literature Review of Selected Theories Dealing with Job Satisfaction and Motivation.
5. Sadighi, F., & Maghsudi, N. (2000). The Relationship between Motivation and English Proficiency among Iranian EFL Learners. Indian Journal of Applied Linguistics

ABDULLA ORIPOV MOHIR TARJIMON SIFATIDA

Ilyos SAFAROV,
ToshDO"TAU magistranti

Adabiy tanqidchilik rivojida uning muloqotga asoslangan eng qiziqarli janrlaridan biri – adabiy suhbatning o‘rni o‘ziga xosdir. O‘zbek adabiy tanqidi janrlarining eng faollaridan biri bo‘lgan adabiy suhbat mumtoz adabiyotshunoslik zaminidan va davr adabiy jarayoni ehtiyojidan o‘sib chiqqan, jahon adabiyotshunosligi, yangi zamon ilg‘or tanqidiy tafakkuri ta‘sirida rivoj topgan. Ma‘lumki, adabiy tanqid janrlarining yuzaga kelishi va takomilidagi muhim asoslardan biri, albatta, ijtimoiy va estetik ehtiyojdir. Chunki voqelik badiiy adabiyotda o‘z aksini topar ekan, adabiy tanqid oldida uning g‘oyaviy-tarbiyaviy hamda estetik mohiyatini ochish vazifasi paydo bo‘ladi, uni biror bir shaklda ifodalashni zaruriyatga aylantiradi.

Tanqidchilik sohasidagi ijobiy hodisalardan biri muhim masalalarga bag‘ishlangan munozaralar, turli davra suhbatlari, yozuvchi va tanqidchi dialoglarining borgan sari adabiy hayotga singib, keng urf bo‘lib borayotganidir. Bunday munozara, bahs, suhbatlarda, ko‘pincha, qarama-qarshi fikr, konsepsiyalar to‘qnashishiga, haqiqatlar izlanib,

muammolarning samarali hal etish yo‘llari ochilishiga diqqat qaratiladi. Adabiy-tanqidiy suhbat adabiy jarayonga oid muammolarni tanqidchilar bevosita ijodkorlar – yozuvchi, shoir, dramaturglar bilan hamkorlikda hal etishiga yo‘l bera olishi bilan ajralib turadi. Hamkorlikning bunday shakli jonli suhbatga asoslanganligi uchun ham adabiyot muxlislari orasida katta qiziqish uyg‘otib kelmoqda. Bu munaqqidga o‘z fikr-mulohazalarini ro‘y-rost aytish, suhbatdoshi bilan dildan gaplashish, uning ijod laboratoriyasiga chuqurroq kirish imkoniyatini beradi. Adabiy suhbat maqsadi qayerda va qanday shaklda kechishidan qat‘i nazar, badiiy adabiyot taraqqiyotiga xizmat qilib, o‘ziga xos ta‘sir kuchiga egaligi bilan e‘tiborlidir. Bu janr adabiy-tanqidiy tafakkur rivojiga yangi bir to‘lqin olib kirdi.

Adabiy-tanqidiy suhbat muloqotning ixcham shakllaridan biri sifatida adabiyot rivojida muayyan ahamiyatga ega. Suhbat ikki shaxsning – yozuvchi va tanqidchi yoki ijodkor bilan ijodkorning badiiy ijod sirlari, adabiyot muammolari haqidagi erkin muloqotidir. Suhbat ba’zan suhbatdoshlarning qisqa to‘qnashuvlari asosiga quriladi, ko‘pincha, ular bir-birining fikrini boyitib, badiiy ijod sirlari haqida mulohazalarni o‘rtaga tashlash yo‘lidan boradilar.

Adabiy suhbat juda qadimiy ildizlarga ega ko‘hna janr sanaladi. Adabiy tanqidchilikning qiziqarli sanaluvchi bu janri ko‘p asrlik an’analarga ega. Adabiy suhbatlarning tarixiy ildizlari Suqrot, Aflotun suhbatlari rivoj topgan qadimgi yunon adabiyotiga borib taqaladi. Matbuot paydo bo‘lguncha, bizda bu janr og‘zaki tarzda – bedilxonlik, navoiyxonlik, mashrabxonlik kabi og‘zaki shakllarda hukm surib, turli mushoiralarda bo‘y ko‘rsatgan. Rus adabiyotshunosi V.G.Belinskiy ham mazkur suhbat janriga tez-tez murojaat qilib turgan. Uning ko‘plab maqolalari suhbatlar shaklida yozilgan. V.G.Belinskiy — "Rus adabiyoti 1814-yilda" nomli yillik obzorini yozishda suhbat janridan unumli foydalangan. Yetuk rus shoiri A.S.Pushkin ham suhbat janriga alohida e‘tibor bilan qaragan. Adabiy tanqidga hurmat bildirgan va "qayerda san’atga muhabbat bo‘lmasa, u yerda tanqid ham bo`lmaydi", – deb hisoblagan. A.S.Pushkinning "Tanqid haqida suhbat" asari adabiy-tanqidiy suhbat janrining yorqin namunasidir.

O‘zbek adabiyotida ham bu janr ildizlari juda qadimiy davrlarga borib taqaladi. A.Hayitmetov o‘tmishda adabiyotshunoslik, xususan, adabiy tanqidga oid fikrlar olti xilda uchrashi haqida fikr yuritib, ularning birinchi shakli sifatida "adabiy majlislar, adabiy munozara va

suhbatlar"ni ko`rsatadi[1] . Bu fikrni tasdiqlab, B.Valixo‘jaev Alisher Navoiyning "Xamsat ul-utahhayirin", "Majolis un-nafois", Husayn Voiz Koshifiyning "Latoif ut-tavoif", Xondamirning "Makorim ul-axloq", Vosifiyning "Badoe ul-vaqoe‘" kabi asarlarida mazkur masalaga doir qimmatli dalillar keltirilganligini aytib o‘tadi[2]. Ammo yozma adabiyot vakillarining muayyan asar, she‘r va bayt to‘g‘risida mushoira va anjumanlarda, suhbat va uchrashuvlarda og‘zaki bayon etgan mulohazalari, suhbatlari qog‘ozga tushirilmaganligi sababli tarix va avlodlar uchun saqlanmagan. Shuning uchun bu masalaga daxldor har bir dalil muhim va qimmatlidir. Ma‘lumki, adabiy suhbatlar o‘zbek adabiy tanqidchiligida qator adabiyotshunos va munaqqidlar faoliyatida muhim o‘rin tutadi. O‘zbek adabiy tanqididagi suhbatning o‘ziga xosligi U. Normatov "Talant tarbiyasi", "Nafosat gurunglari", "Ijod sehri", I.Haqqulovning "G‘azal gulshani", "Kim nimaga tayanadi", S.Matjonovning "Tiriklik suvi" kitoblarida yoritilgan.

Adabiy suhbatlarning bir turi ijodkor (yozuvchi, shoir) bilan ijodkor suhbati shaklida uchraydi. O‘zbek adabiyotining yirik vakillari P.Qodirov, O.Yoqubov, O‘.Hoshimov, A.Oripov, E.Vohidov, U.Hamdam kabi shoir va yozuvchilarning yosh ijodkorlar bilan suhbatlari nafaqat adabiy jamoatchilik, balki keng kitobxonlar ommasi uchun ham qiziqarlidir. Chunki bunday suhbatlarda ijodkorlarning ichki dunyosi, asarlarning dunyoga kelish jarayoni, ijod psixologiyasi bilan bog‘liq qiziqarli mavzular xususida bahs yuritiladi. Shunday ijodkorlardan biri Abdulla Oripov bilan bo‘lgan she'riyat to‘g‘risidagi adabiy suhbatni ko‘rib chiqsak.

Abdulla Oripov o‘zbek she'riyatida o‘z o‘rniga ega bo‘lib ulgurgan zabardast ijodkorlardan biridir. Uning fikrlari va ko‘plab masalalarga yondashuvlari ham teran bo‘lgan. Xususan shoirning to‘rt jildlik tanlangan asarlarining to‘rtinchi jildida keltirilgan adabiy suhbatlarida she'r va she'riyat haqida bildirgan fikrlari va ozroq tanqidlari ham adabiy tanqidchilikda ahamiyatga egadir.

Abdulla Oripov Gyotening she'riyatning uch bosqichi haqidagi fikriga qo‘shilishini aytib o‘tadi. Unga ko‘ra, she'riyat taraqqiyoti 3 bosqichni bosib o‘tadi: soddalik—murakkablik—soddalik.

Birinchi bosqichdagi shoirlarning she'rlari o‘ta soda bo‘ladi. Bora-bora ikkinchi bosqichda esa ularning asarlarida allaqanday murakkablik, mavhumlik, chigallik seziladi. So‘nggi bosqichda ular yana soddalikka

[1] Hayitmetov A. Alisher Navoiyning adabiy-tanqidiy qarashlari. –Toshkent: 1959.-B.20.
[2] Valixo'jayev B. O'zbek adabiyotshunosligi tarixi.-Toshkent: 1993.-B. 8.

qaytishadi. Ammo o‘sha oddiylikda buyuklik mavjud. Ushbu buyuklikni A. Oripov Pushkin, Yesenin, G‘ofur G‘ulom, Hamid Olimjon ijodida ko‘rganligini ta'kidlaydi. "Ayrimlar birinchi, ba'zilar esa ikkinchi bosqichda qolib ketadi. Uchinchi bosqichga ko‘tarilish shoirning kamoloti, kuchli talantidan nishonadir. Shu so‘nggi nuqtaga yetib olib, ijod qilgan shoirlar juda-juda kam", deydi shoir.

Shuningdek, A.Oripovdan o‘zbek poeziyasi haqida fikri so‘ralganda, hali ham shoirlarda son ketidan quvish hissi katta ekanligini, tom-tom asarlar yaratsa-yu, atigi ikki satri xalq dilidan joy olmasligi shoir uchun katta fojealigini aytib o‘tadi.

"Adabiyot, she'riyat obrazliligi bilan tirikdir. "Ey yor, seni sevaman". Ana shu gapni Mirza G‘olib "Ey yor, ostonang oldida yotgan toshni nima qilarding nariga surib qo‘yib, axir u mening peshonamga urilaverib o‘z-o‘zidan yo‘q bo‘lib ketardi-ku!" deb berishida juda kuchli obrazlilik barq urib turibdi.

Dante haqiqiy she'riyatning asosiy xislatlaridan biri samimiyat degandi. Chin yurakdan, samimiy aytilgan misralar, garchi ularda obrazlilik kuchli bo‘lsa-da, bir umr esda qoladi” deya ta’kidlaydi shoir.

A. Oripov yoshlar she’riyatining holati to‘g‘risidagi savolga ham to‘xtalib o‘tadi va bu mavzuda biroz keskin fikr bildiradi. Yosh shoirlarning ijodida sun’iylik va so‘zga e’tiborsizlik ko‘p uchrashini afsus bilan tilga oladi va quyidagi fikrlarni bildiradi: “Yosh shoirlar “oq” she’r yozadimi, “ko‘k” she’r yozadimi, beshlik yozadimi, oltilik yozadimi — ixtiyor o‘zida. Faqat uquvsizlikni uslub deb bilmasin. Yana bir narsani unutmaslik lozim: umr qisqa, uni tajribalar uchungina isrof qilmaslik kerak”.

A.Oripovning tilimiz boyligidan nechog‘lik nafosat, ehtiyotkorlik va talabchanlik bilan foydalanishi uning ijodidan ma’lum, yaqqol namoyon bo‘lib turadi. Shunday ekan, shoir boshqalar ijodida ham bu holatni kuzatilishini kutishi tabiiy. Shu bois ham bu xususda alohida to‘xtalib o‘tadi.

Shoir hozir hatto ba’zi katta adiblar asarlarida ona tilimizning ruhi siniqligi, aksariyat so‘zlarimiz lug‘atlar “qabri”ga ko‘milib ketayotgani, ko‘plab so‘zlar kam qo‘llanilgani sababli tilimiz qashshoqlashib borayotgani haqida afsus-nadomatlar bilan fikr bildiradi. “Tilimizni sun’iy sayozlashtirish davom ettiraverilsa, 50-60 yildan keyin mening she’rlarimni ham millatdoshlarim faqat lug‘atlar yordamida o‘qiy olishlari ehtimoldan xoli emas”, – deydi ijodkor.

Tarjima so‘z san’ati rivojini belgilaydigan muhim omillardan biridir. Irqi va dini, o‘y-qarashlari farqli bo‘lgan el-elatlar orasidagi makon va zamon chegaralarini, so‘zsiz, tarjima orqali yengib o‘tish mumkin. Binobarin, tarjima uchun umumbashariy g‘oya-fikrlarni o‘zida mujassam etgan asarlar tanlanishi tarjimon muvaffaqiyatini ta‘minlashda hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Shuningdek, mahorat bilan amalga oshirilgan tarjima nafaqat asar muallifini, balki tarjima muallifini ham mashhur qiladi. Demak, tarjima jarayoni bilan bog‘liq mashaqqatli mehnat tarjimonga, asarga qayta jon bag‘ishlovchi ikkinchi muallif maqomini beradi. Bu esa tarjimon oldidagi mas‘uliyat nechog‘lik ulkan ekanligini ko‘rsatadi.

Tarjima uchun yuksak umumbashariy g‘oyalar bilan sug‘orilgan asar tanlash u qadar mushkullik tug‘dirmas, biroq uning tarjimasi bilan bog‘liq mas’uliyat susaysa, nafaqat tarjimon, balki asar muallifi haqida ham biryoqlama taassurot paydo bo‘lishi muqarrar. Bu jarayonda asarning asliyatdagi va tarjimadagi namunalarini qiyoslash muallif va tarjimon mahorati haqida birdek fikr aytish imkonini beradi.

Ma‘lumki, o‘zbek adabiyotida jahon adabiyoti durdonalarining go‘zal namunalarini tarjima qilish qadimiy an’analarga egadir. Ayniqsa, boshqa tilda yaratilgan durdona asarlarni o‘zbek tiliga tarjima qilish, adabiy aloqa va tasvir talablari asosida unga izdoshlik qilish, umuman, sharq adabiyotidagi an’anaviylik va izdoshlik talablari asosida ish ko‘rish, ijod qilish va barkamol asar yaratib adabiyot taraqqiyotiga samarali ta’sir o‘tkazish o‘tgan asrlarda keng miqyosda davom ettirilgan va bu jarayon hozir ham davom etmoqda.

Umuman olganda, tarjima adabiy aloqa va o‘zaro ta’sirning eng faol, eng ommalashgan va eng mahsuldor shaklidir.

Tarjima, ayni paytda san’atdir. San’at bo‘lganda ham san’atning oddiy turlaridan emas. Tarjima bamisoli sehrgarlik san’atidir. Zero, tarjima ijod ahli uchun darsxonasi keng bo‘lgan — adabiy, shaxsiy, mahorat maktabidir. Shuning uchun ham jahon adabiyoti tarixida, uning boyish, yangi-yangi asarlar evaziga mazmundor bo‘lishida tarjima va tarjimonlarning ulushi benihoya salmoqlidir. Ayniqsa, she’rlar tarjimasi ancha murakkab jarayondir.

O‘zbekiston Qahramoni, xalq shoiri Abdulla Oripov ijodiy izlanishlarining muhim qanoti uning o‘zbek tarjimachilik san’atini rivojlantirish yo‘lidagi ko‘p qirrali faoliyatiga daxldordir. Bugungi o‘zbek tarjima san’atining rivoji haqida gap ketganda, bu sohada g‘ayrat ko‘rsatayotgan fidoyilar safini avvalida Abdulla Oripov nomining e‘tirof

etilishi g‘oyat tabiiydir. Zotan, shoir iqtidori, ko‘p yillik zahmatli izlanishlari mahsuli sifatida dunyoga kelgan, jahonning turli tillarida yaratilgan asarlar tarjimasi nafaqat shoir ijodiy yo‘liga ko‘rk bo‘lib qo‘shilgan, balki o‘zbek kitobxonlari ma’naviy xazinasining qator nodir va muqaddas durdonalar hisobiga to‘lishishiga zamin yaratdi.

Abdulla Oripovning “Ilohiy komediya” tarjimasigacha bo‘lgan masofani ko‘plab she‘r va dostonlar mashqi ila bosib o‘tganligi ilm ahliga yaxshi ma‘lum. Shoirning tarjimonlik faoliyati rus shoirasi Lesya Ukrainkaning “Mag‘oralarda”, Yenyo Xeltaining “Soqov ritsar” she’riy dramalarini rus tilidan o‘zbekchaga o‘girish asosida boshlanib, keyingi yillarda ulkan va rang-barang miqyoslarni zabt etdi. Bu serqirra faoliyati bilan mohir tarjimon italyanchadan Mixail Lozinskiy tarjima qilgan Dantening “Ilohiy komediya” asarini 1975-yilda o‘zbek tiliga o‘girdi.

Shoir ushbu asar tarjimasi jarayoni haqida suhbatlarining birida quyidagi fikrlarni bildirib o‘tadi: “Men tarjimachilik bilan ham shug‘ullandim. Ushbu mashg‘ulotimning eng asosiysi Dantening “Ilohiy komediya”si deb bilaman. Tarjima jarayoni men uchun eng ulug‘ maktab bo‘ldi. Agar qog‘oz ustida eng ko‘p ter to‘kkan bo‘lsam, o‘sha tarjima ustida to‘kkanman. Ona tilimizning naqadar boy ekanligiga imon keltirgan bo‘lsam, o‘sha tarjima jarayonida imon keltirganman. Azbaroi tarjima asl nusxadan kam bo‘lmasligi uchun tilimiz boyligidan imkon boricha to‘liq foydalanish uchun izlandim, til xazinasidan so‘zlar axtardim”.

Adabiy suhbatlar jarayonida ijodkorga “Ilohiy komediya”ning murakkabligi nimada?” degan savol berilganda, A. Oripov asar murakkabligi Danteda deyarli bayon yo‘qligi, misralarning hammasi aniq so‘zlardan iboratligi, shakl nihoyatda siqiqligidaligini aytib o‘tadi. “Men ushbu asarning tarjimasiga hadiksirab, lekin qalb da’vati bilan kirishdim. 1968-yilda boshlagandim, bu og‘ir yumush hali ham davom etayotir. Uning tarjimasi zimmamga kata mas’uliyat yukladi, bu asar meni go‘yo yosh jihatdan ham birpasda ulg‘aytirib qo‘ydi. Yashirishning hojati yo‘q: tarjima jarayonida juda-juda xun bo‘lib ketdim”, deya jarayon mashaqqatlarini ochiqlaydi tarjimon ijodkor.

O‘zbek xalqini Dante Aligyeri hayoti ijodi bilan tanishtirishda Abdulla Oripovning xizmatlari katta. U rus tarjimoni M.Lazinskiy o‘girgan “Ilohiy komediya”ni asliyatni saqlagan holda 11 hijoli tersina janrida tarjima qilishga muyassar bo‘ldi. Bu asar bir paytning o‘zida bir necha vazifani bajarganligi bilan ham e‘tiborga sazovor:

Birinchidan, u bizni Dante Aligyeri nomi bilan tanishtirdi – uning tarjimayi holi, shaxsi va adabiy faoliyati bilan o‘rtoq etdi. Chunki o‘shangacha bu ulug‘ so‘z san’atkori haqida o‘zbek tilida yetarli ma‘lumotga ega emas edik.

Ikkinchidan, “Ilohiy komediya” tarjimasi orqali shoir o‘zbek o‘quvchilariga “Jannatga yo‘l” dramatik dostonini hadya qildi.

Uchinchidan, Sharqona ifoda va uslubga, qizg‘in muhabbat va ayricha ehtiros bilan qiyomiga yetkazib tarjima qilgan Abdulla Oripov iste’dodining yana bir qirrasi namoyon bo‘ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. To‘rt jildlik. –Toshkent: 2001.
2. Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. Yettinchi jild. –Toshkent: 2013.
2. Abdulla Oripov. Adolat ko‘zgusi. She‘rlar, suhbatlar. –Toshkent: 2005.
3. Саидов А. Данте - юрист. –Тошкент: 2012.
4. Hayitmetov A. Alisher Navoiyning adabiy-tanqidiy qarashlari. –Toshkent: 1959.
5. Karimov I. Yuksak ma‘naviyat – yengilmas kuch. –T.: Ma‘naviyat, 2008.

THE PRAGMATIC NOTION OF SYNONIMIC ROW

F. U. PONSOTOVA,
2nd year master’s
degree student, UzSWLU

Synonymic row is distinguished by the semantic amplitude of the oscillation with respect to the dominant of the row of synonyms with the closest synonyms to be the highest difference in the synonymic realization of the word. The synonymic row is not restricted and in certain situations includes non- normative units, defined through normative, neutral words, making then basis of the literary national language.

In lexicographic practice distinguishing of synonyms and their grouping into synonymic rows when compiling synonymic dictionaries rests on the correlation of the word meaning represented in explanatory dictionaries, and also on the immediate observations of the speech acts represented in speech, that is, on numerous illustrative examples extracted from various texts. [3, p.25] The objective criteria for the study

and description of synonyms have been established, and they include as follows:

1. Defining the common structural model of their use and similar word combinability, that is closeness or difference in the meanings of synonyms is conditioned by their distribution. In the same structural model synonyms are combined with the same category of words, which is the main criteria of synonymy.

2. Partial interchangeability in the same context represents the second criteria. Important characteristics are also frequency and combinability. All these criteria are objective, can be precisely analyzed and allow to solve the problem of synonymy in the comprehensive way.

3. General and specific features of separate members of the SR, to define the differentiation of the degree of this or that feature (escalation/decrease), which influences the order of the placement of synonyms in the group and the dictionary entry. In this respect the work is one of the first in the area of General Linguistics in general. [2, p.9-10]

The topic of the research by Z.O. Amirova is devoted to the synonymic group of the verb “to look” in English, Uzbek and Russian. When talking about synonyms of the word ‘to look’ in English, Uzbek and Russian we should first look at how definitions differ of the equivalent verb in these languages, because in English and Russian the meaning of the verb is wider, wider in Uzbek it is narower. The auhor points out that the basic meaning ‘to direct your eyes in order to see’ coincides in all three languages «*qaramoq (biror kimga yoki biror nimaga), «направлять взгляд, чтобы увидеть кого- либо, что-нибудь, глядеть*», but derivative meanings do not. They coincide only in two languages or do not coincide at all. And again structure of dictionaries differs — in the Uzbek dictionary meanings are very generalized — there are mentioned 4 to 5, but in English dictionaries they are from 6 to 12 meanings. [1, p.579]

For example, in English one of derivative meanings of this verb is «to hope for, want or actively plan a course of action, or to hope someone will act in the way mentioned» which it does not have at all in Uzbek or Russian. ‘*To look’* meaning ‘to show in appearance, to seem or appear to be from facts or information’ coincides with Russian «*смотреть(ся)*» in the meaning «*иметь какой-нибудь вид*», but in Russian it is used more in colloquial speech. Compare English to look well and Russian *смотреть молодцом*. In Russian «*to look*» meaning

«*иметь попечение, заботиться» — смотреть за детьми — does not have equivalent meaning in English «to look», but in the word combination 'to look after smb'*, or and Uzbek «qaramoq». The differences in usage are conditioned by the differences in structure of languages. Important is the fact that English is analytical language, Uzbek and Russian is syntactical. In all the languages synonyms are expressing the ways of *looking- very attentively- to eye, to scrutinise,boqmoq, всматриваться; firmly- to stare, to gaze, tikilmoq, смотреть в упор, не отрывать глаз*; *furtively- to peek to peep, mo'ralamoq (mo'ralab qaramoq), взглядывать, поглядывать; with anger- сверлить глазами; with love- to ogle* etc.

English synonyms dictionary provides only some informal words and one slangism. There are also many different ways of looking, but they are different from those in Russian synonyms' dictionary. For example, *to look with continued attention- to contemplate, to watch carefully-to eye, to stare with open mouth — to gape, to look steadily and intently- to gaze, to look quickly-to glance, to look with eyes partially closed- to squint, to look lovingly- to ogle, to stare with wide-open eyes- to goggle, etc. in synonym line are included synonyms of 'to look' meaning 'to search' and 'to examine'- consider, examine, inspect, read, scan, scrutinize, study. Also are mentioned synonyms of 'to look' meaning 'to appear to be'- seem, appear, 'to be turned in particular direction'-face, overlook*. The research is of interest as an insight into verbal synonymy.

Given the complexity of meaning, a person searching for an alternative word must be sure that the synonym chosen is accurate and precise. In its strict sense, a synonym is a word with a meaning identical or very similar to that of another word.

To sum up, in fact, it is often said that there is no such thing as an absolute synonym for any word, that is, a form that is identical in every aspect of meaning so that the two can be applied interchangeably. According to this extreme view, the only true synonyms are terms having precisely the same denotation, connotation, and range of applicability.

The list of used literature:

1. Амирова З. О. Synonyms of "to look" in English, Uzbek and Russian - Молодой ученый. — 2015. — №2. – С. 579-580

2. Сиддикова И.А. Синонимия языка и ее кодификационные основы. АДД, Ташкент, 2012. – С.2-10

3. Lyons J. Language and Linguistics, Cambridge: Cambridge University Press, 1981. – 150 p.

МУНДАРИЖА

	ХХ АСР ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТДА МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК		
1.	**Каримов Б.**	Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” ҳикоясининг икки нусха матнига доир……	3
2.	**Сабирдинов А.**	Мураккаб тақдирлар романи…….	7
3.	**Тожибоева М.**	Абдулла Қодирий романларида мумтоз наср анъаналари …….	14
4.	**Асадов М.**	Бадиий образ, лирик қаҳрамон ва ифодадаги ўзаро муштараклик……	18
5.	**Абдуллаев К.**	Адабиёт дарсларида тарих, тасвирий санъат, мусиқа фани материлларидан фойдаланиш-нинг педагогик-психологик асослари……..	25
6.	**Abdugafurova D.**	Zulfiya: “Xotiram siniqlari”…….	30
7.	**Шарипов Р., Ҳикматов Д.**	Жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига доир айрим мулоҳазалар……...	39
8.	**Носиров К., Усманова С.**	О традиционной и неточной рифме…….	47
9.	**Каримов О.**	Олий таълим тизимида назарий маълумот-ларга доир яратилган дарсликларнинг янги авлоди……..	52
10.	**Ҳамидова М.**	Шукур Холмирзаев ҳикояларида Абдулла Қаҳҳор анъаналари…….	58
11.	**Тажибаева Д.**	Усмон Азим шеъриятида дунё ва инсон муносабатлари ифодаси……	61
12.	**Жамолиддинов М., Мирзажонова И.**	Фитрат илмий асарларида Навоий ижодининг ўрганилиши……	66
13.	**Абдурахмонов А.**	Бадиий матндаги рангнинг ифода хусусиятлари……..	70
14.	**Абдуллаева Н.**	Синфдан ташқари ўқиш дарсларини интеграциялаш воситасида таълим самарадорлигини ошириш……	75
15.	**Masharipov M.**	Mahmudxo’ja Behbudiy, Abdurashidxonov Munavvar qori publitsistik asarlarining qiyosiy tahlili……	82
16.	**Атабоева Г.**	Омон Мухторнинг “Минг бир қиёфа” романида характерлар руҳияти тасвири……..	87
17.	**Saydaxmedova N.**	Muhammad Yusuf ijodini blum taksonomiyasi asosida o’rgatish……..	91
18.	**Rohataliyev A.**	Erkin Vohidov ijodida Navoiy an’analari: radd ul-matla……	98
19.	**Ashurov B.**	Boqiy Mirzo lirikasida ishq-muhabbat talqini….	103

20.	**Sultonova D., Sultonova D.**	Muhammad Yusuf she'rlarida sifatlashlar…….	108
21.	**Ғаипова Ҳ.**	Матназар Абдулҳаким ижодида адабий-танқидий мақола…….	112
22.	**Мадғозиев И.**	Чўлпоннинг "Фарҳод ва Шопур дуэти" матни хусусида……..	117
23.	**Исломова С.**	XX асрнинг 30-йилларида қатағон қилинган ижодкорлар асарларининг қайта нашр қилиш муаммолари……	122
24.	**Musayeva Sh.**	O'zbek tilining izohli lug'at misollariga manba bo'lgan badiiy asarlar……..	129
25.	**Асқарова М.**	Ҳомил Ёқубов…….	132
26.	**Хамидов М.**	Ўзбек достончилигида Машраб образи тасвири……	136
27.	**Соатова Г.**	Элбек ижодига чизгилар ("Маориф ва ўқитувчи" журнали 1925 йилги сонлари мисолида)……	141
28.	**Бекташева Г.**	Жадид адабиётини ўрганишда Бегали Қосимов илмий мактабининг ўрни……..	147
29.	**Матёқубова Г.**	Рауф Парфи архивининг тили……..	152
30.	**Эрманбетова Ш.**	Поэтик нидо ва унинг инсон характерини очишдаги ўрни *(Ҳабиб Саъдулла ижоди мисолида)*……	157
31.	**Atajanova N.**	Iste'dodli shoira Ullibibi Otayeva ijodi haqida…	162
32.	**Абдураззақова А.**	Сулаймонқул Юнус ўғли Расвонинг ҳаётига доир айрим қайдлар……...	166
33.	**Ибрагимов Б.**	Элбек ижодида масалчиликнинг ўрни…….	170
34.	**Абдуҳамидова Г.**	Адабиёт дарсларида бадиий асар таҳлили…	174
35.	**Qodirova S.**	Ma'naviy jasorat timsoli (Zulfiya she'riyatiga bir nazar)……..	179
36.	**Turg'unova N.**	Erkin Vohidov she'riyatining o'ziga xosligi va bugungi o'zbek adabiyotidagi o'rni…….	181
37.	**Hakimova F.**	Saida Zunnunova asarlarida insonparvarlik g'oyalari ifodasi……..	187
38.	**Qosimov H., Jakbarova H.**	Boqiy Mirzo she'rlarida vatanparvarlik g'oyalarining ulug'lanishi……	192
39.	**Ibrohimova N.**	Abdulla Oripov she'rlarida inson ruhiyati……	197
40.	**Sirojiddinova N.**	Zulfiyaxonim she'riyatida muhabbat tarannumi……	201
41.	**Karimova S.**	Adabiyot darslarida innovatsion texnologiya-larni qo`llash imkoniyatlari…….	205
42.	**Nuriddinova Z.**	O'tkir Hoshimov asarlarida urush mavzusi…….	208
43.	**Jo'raboyeva Y.**	"Daftar hoshiyasidagi bitiklar"ning yozuvchi asarlaridagi hamohangligi……	211

44.	**Abdulhamidova R.**	Abdulla Oripov ijodida shaxs ruhiyati talqini….	215
45.	**Mamarahimova N.**	Jahon minbarida yangragan tilim!.....	222
46.	**Turdaliyeva G.**	Odil Yoqubovning personaj ruhiy olamini yoritish usullari……	224
	МАТН ВА МАНБАЛАРНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ		
47.	**Улуқов Н.**	Турғун Пўлатнинг мақол ва матал қўллаш маҳорати…….	230
48.	**Усмонова Ҳ.**	Лингвоперсонологик тадқиқотлар……...	235
49.	**Жабборов Б.**	Бадиий матн яхлитлигини таъминловчи лисоний бирликлар (Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси мисолида).....	239
50.	**Искандарова Ш., Тўрақулова У.**	Тоҳир Малик асарларида қўлланган индивидуал ўхшатишлар («Шайтанат» асари мисолида)…….	245
51.	**Бобохонова Д.**	Индивидуал шахс нутқи тадқиқи…….	249
52.	**Наралиева Ш.**	Кўптилли таълим тизими шароитида она тилининг роли.....	253
53.	**Xasanova Sh.**	O‘zbek tilshunosligida frazeologizmlarning tadqiqi……..	259
54.	**Ҳамидова К.**	Ахсикент ва Наманган топонимларининг вариантлари ҳамда уларнинг шеърий нутқда қўлланиши хусусида…….	265
55.	**Юнусова Б.**	“Алпомиш” достонидаги қалмоқ полвонларининг исмлари хусусида…….	268
56.	**Qodirova D.**	Elektron lug‘at imkoniyatlari: jahon leksikografiyasi misolida…….	272
57.	**Аҳмедова Ҳ.**	Турсуной Содиқованинг нотиқлик санъати ва нотиқ ҳақидаги қарашлари……	276
58.	**Низомова Ш.**	Ўзбек тахаллусларининг манбалари……	279
59.	**Матназаров Ж.**	Матназар Абдулҳаким шеъриятида оксюморонларнинг бадиий матн ҳосил қилишдаги ўрни…….	285
60.	**Mamarahimova N.**	Jahon minbarida yangragan tilim!.....	290
61.	**Mamajonova M**	Alisher Navoiy she’riyatida qo‘llangan takroriy so‘zlarning tuzilishi…….	292
62.	**Asqarova M.**	“Temurnoma” asarida qo’llangan leksema-larning leksik-semantik xususiyatlari……..	296
63.	**Xoldorova G.**	Hofiz Xorazmiy g’azallarida lingvomadaniy birliklarning qo’llanilishi…….	298

	БАДИИЙ МАТН ТАРЖИМАСИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ		
64.	**Schreiber M.**	Übersetzung und interkulturelle Kommunikation……..	302
65.	**Сайдалиев С.**	Матннинг информативлик хусусияти хусусида мулоҳазалар (Жавлон Жавлиевнинг “Қўрқма” номли романи мисолида)…….	305
66.	**Садиқов З.**	Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асаридаги инсон тана аъзоларига асосланган иборалар таржимаси хусусида…….	308
67.	**Носиров К.**, **Юлдашев М.**	К истории переводов из А. Ахматовой на узбекский язык……..	313
68.	**Абдуллаева Д.**	“Тонг” ҳикояси Чўлпон таржимасида……..	316
69.	**Ҳамидов Х.**	“Меҳробдан чаён” романининг туркча таржимасида қаҳрамонлар портретининг берилиши…….	320
70.	**Rasulov N.**	Badiiy personaj va obraz nutqini tarjimada qayta tiklash masalasi……	325
71.	**Тоджиходжаев М.**	Мартин Хартманн туркшунос олим сифатида……..	330
72.	**Toshpulatova D.**	Approaches to translating proverbs of “Kutadgu bilig”……	336
73.	**Отабоева М.**	Номлар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари (Л.Кэрроллнинг “Алиса Мўъжизалар мамлакатида” асари таржималари мисолида)……	340
74.	**Baxriddinov A.**	The role of motivation in teaching young learners…….	345
75.	**Safarov I.**	Abdulla Oripov mohir tarjimon sifatida ……..	348
76.	**Ponsotova F. U**	The pragmatic notion of synonimic row……...	354

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИДА МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари

Наманган, 2021 йил 19-20 май

2-китоб

11.06.2021 йилда теришга берилди.
15.06.2021 йилда босишга рухсат этилди.
Ҳажми 23 б.т. Офсет усулида босилди. Бичими 60×84 1/16
Times New Roman гарнитураси. Адади: 100 нусха.